


Светлана  
АЛЕКСИЕВИЧ

УРУШНИНГ  
АЁЛДАН  
ЙИРОҚ ҚИЁФАСИ



**Светлана  
АЛЕКСИЕВИЧ**

**УРУШНИНГ  
АЁЛДАН  
ЙИРОҚ ҚИЁФАСИ**

*Иккинчи нашри*



**Тошкент  
«O'zbekiston»  
2018**


УЎК: 821.161.3  
КБК 84(4Бело)  
A47

Рус тилидан Феруза Мусаева таржимаси

**Алексиевич, Светлана**  
**A47** Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси [Матн]:  
публистика /А. Светлана; тарж. Ф. Мусаева.  
— Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2018. — 384 б.  
ISBN 978-9943-28-716-7

Беларусь ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Светлана Алексиевич қаламига мансуб ушбу китоб хужжатли-очерк жанрида ёзилган бўлиб, унда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган аёлларнинг эркаклар билан ёнма-ён туриб кўрсатган жасоратлари, урушнинг даҳшатли оқибатлари ҳикоя қилинади.

**УЎК: 821.161.3**  
**КБК 84(4Бело)**



ISBN 978-9943-28-716-7 © Феруза Мусаева (тарж.), 2016, 2018  
© «O'zbekiston» НМИУ, 2016, 2018



– Тарихан аёллар қачондан бошлаб армияда хизмат қила бошлаган?

– Эрамиздан аввалги IV асрда ёк Афина ва Спартада юонон қўшинлари сафида аёлларнинг жанг қилгани маълум. Кейинроқ улар Искандар Зулқарнайн юришларида ҳам иштирок этганлар.

Рус тарихчиси Николай Карамзин аждодларимиз ҳақида жумладан шундай деган:

«Славян аёллар баъзан оталари ва эрлари билан ўлимга тик боқиб урушга борганлар: масалан, 626 йилда Константинополь қамали чоғида юнёнлар ўлик славян аскарлари орасидан аёл жасадларини ҳам топишган. Оналар фарзанд тарбиясида уларни жангчи бўлишга тайёрлаган».

– Янги замоёнда-чи?

– Илк бор Англияда 1560–1650 йилларда аёл аскарлар хизмат қиласиган госпиталлар шакллана бошлаган.

– XX асрда нима бўлди?

– Аср боши... Биринчи жаҳон урушида Англияда Қироллик ҳарбий-ҳаво кучларига аёлларни жалб қила бошлашган, 100 минг кишидан иборат Қироллик ёрдамичи корпуси ва аёллар автотранспорт легиони тузилган.

Россия, Германия, Францияда ҳам ҳарбий госпиталь ва санитар поездларда аёллар хизмат қила бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида эса дунё аёллар феноменига гувоҳ бўлди. Аёллар қўпгина давлатларнинг турли қўшин турларида хизмат қила бошлаган: Англия қўшинида – 225 минг, Америкада – 450–500 минг, Германияда – 500 минг.

Совет армиясида қарийб бир миллионга яқин аёл жанг қилган. Улар барча, жумладан, «соф эрқакча»

Хисобланган ҳарбий касбларни ҳам эгалладилар. Ҳатто лисоний муаммолар ҳам туғила бошлади: шу пайтга қадар «танкчи», «пиёда аскар», «автоматчи» каби сўзларнинг аёл жинсини ифодаловчи вариантилари бўлмаган, чунки уларни ҳеч қачон аёл киши бажарманган. Муаннас жинсдаги сўзлар айнан ўша ерда, урушда пайдо бўлган...

*Тарихчи билан сұхбатимдан...*





## ИНСОН УРУШДАН ҚУДРАТЛИ

(Китоб кундалигидан)

Миллионлаб курбонлар  
зулматда сўқмокка йўл очишиди  
текинга...

Осип Мандельштам  
1978–1985 йиллар

Мен уруш ҳақида китоблар ёзаман...

Болалигимда уруш мавзусида китоб ўқиши хуш кўрмас эдим, ҳолбуки болалигим ва ўсмирилигимда бу мавзудаги асарлар барча, жумладан, тенгдошларимнинг ҳам дикқат-эътиборида эди. Бунинг ажабланарли томони ҳам йўқ – ахир биз Фалаба болалари эдик. Голиблар болалари. Уруш ҳақида нимани эслайман? Тушунарсиз ва даҳшатли сўзлар ичидаги болаларча маҳзунлигимни. Уруш ҳақида доим гапиришарди: мактаб ва уйда, тўй ва чўқинтириш маросимларида, байрамларда ва мозорбошида. Ҳатто болалар сұхбатларида ҳам у ёдга олинарди. Бир куни қўшни бола мендан: «Одамлар еростида нима қилишади? Улар у ерда қандай яшайди?» – деб сўради. Биз ҳам уруш сир-асоридан боҳабар бўлишни истар эдик.

Ўшанда ўлим ҳақида ўйлаб қолганман.... Ва шундан бери уни тинимсиз ўйлаб келаман, у мен учун ҳаётимнинг энг асосий сирига айланди.

Биз учун барчаси ана шу даҳшатли ва сирли оламдан бошланарди. Бизнинг оиласизда украин бобом, онамнинг отаси, фронтда вафот этган. Беларус бувим, отамнинг

онаси эса партизанликда терламадан қазо қилган. Унинг иккита ўғли армияда хизмат қилиб, урушнинг дастлабки ойларида дом-дараксиз кетган, уч нафар ўғилдан фақат биттаси – менинг отам қайтиб келган. Немислар ўн битта узоқ қариндошимизни болалари билан бирга тириклийн ёкиб юборишган – кимнидир ўз уйидаги, кимнидир қишлоқ черковида. Ҳар бир хонадонда шундай эди. Ҳаммада шундай эди.

Қишлоқ болалари яна узоқ вақт «немислар» ва «руслар» ўйини ўйнашарди. Немисча «Хенде хоҳ», «Цурюк», «Гитлер капут» сўзларини бақириб айтишарди.

Болалиқданоқ урушсиз оламни билмасдик, уруш олами бизга таниш бўлган ягона олам, уруш одамлари эса бизга таниш бўлган ягона одамлар эди. Мен ҳозир ҳам бошқача дунё ва бошқача одамларни билмайман. Улар ўзи қачондир бўлганми?

\* \* \*

Болалиқдаги қишлоғим урушдан сўнг «аёллар» қишлоғи эди. Хотинлар қишлоғи. Эркак овозини эслай олмайман. Мана шу манзара бир умр миямда муҳрланиб қолган: уруш ҳақида хотинлар гапиришади. Йиғлашади. Йиғлагандай куйлашади.

Мактаб кутубхонасидаги китобларнинг ярми уруш ҳақида. Қишлоқ кутубхонасида ҳам, отам тез-тез бориб турадиган район марказидаги кутубхонада ҳам. Энди бунинг сабабини биламан. Тасодифми? Биз доим уруш қилганмиз ёки урушга тайёрланганмиз. Урушганимиз ҳақида эслаганмиз. Ҳеч қачон бошқача яшамаганмиз, бошқача яшай олмасак ҳам керак. Бошқача яшаш ҳақида тасаввур ҳам қилиб кўрмаганмиз, бунга қачондир узоқ узоқ ўрганишимиз керак бўлади.

Мактабда ўлимни севишга ўргатишарди. Биз нимадир учун ўлимни афзал билишимиз ҳақида иншолар ёзар эдик... Буни орзу қиласар эдик...

Ташқаридаги овозлар эса бошқа нарсалар ҳақида ҳайкириб, бизни ўзига чорларди.

Мен узоқ вақт китоб одами эдим. Реаллик мени кўркитар ва шу билан ўзига тортар эди. Ҳаётни билмасликдан жасурлик пайдо бўлди. Энди ўйлаб қоламан: мен реалроқ одам бўлганимда бундай тубсиз оламга бошим билан шўнғирмидим? Бунинг сабаби нимада – гумроҳлиқдами? Ёки ўйл ҳиссиданми? Ахир ўйл ҳисси бор-ку...

Узок изландим.... Эшитаётган нарсаларимни қандай етказсам экан? Оламни қай тариқа кўраётганимни; менинг кўзим, қулоғим қандай тузилганлигини ифодалай оладиган жанрни қидирдим.

А. Адамович, Я. Бриль, В.. Колесникларнинг «Оловли қишлоқданман» асари қўлимга тушиб қолди. Фақат бир марта, Достоевскийнинг асарини ўқиганимдагина мана ўзундай жунбишга келгандим. Бу ерда эса шакл ҳам ўзгача: роман ҳаётнинг ўз овозларидан, мен болаликда эшитганларимдан, ҳозир кўчада, уйда, кафеда, троллейбусда янграётган садолардан териб олинган эди. Тамом. Мен излаганимни топдим. Олдиндан хис этдим.

Алесь Адамович менинг устозимга айланди...

\* \* \*

Икки йил одамлар билан учрашдим, ёздим, аммо кўпроқ ўйладим. Ўқидим. Китобим нима ҳақида бўлади? Уруш ҳақидаги яна бир китоб... Нима кераги бор? Минглаб урушлар бўлган – катта ва кичик, маълум ва номаълум. Улар ҳақда ёзилган китоблар эса ундан ҳам бисёр. Аммо... Дарров тушундим – бу китобларни эркаклар ёзган ва улар эркаклар ҳақида. Биз уруш ҳақидаги «эркаклар» тасаввuri ва «эркаклар» нигоҳи, эркак сўзлари асиримиз. Аёллар эса сукут сақлайдилар. Мендан бошқа ҳеч ким бувимни, онамни сўроққа тут-

маган. Фронтда бўлганлар ҳам мум тишлаб олганлар. Агар мабодо гапира бошласалар ҳам, «аёллар» урушини эмас, «эркаклар» уруши ҳакида сўзлайдилар. Уларнинг қонунига мослашадилар. Ва факат уйда ёки фронтдош дугоналар даврасидагина улар, кўзини намлаб, менга таниш бўлган «ўз» урушлари ҳакида гапиришади. Нафақат менга таниш, ҳаммамизга таниш бўлган уруш ҳакида. Журналистик саёҳатларимда тамоман янги матнларнинг гувоҳи, ягона тингловчиси бўлиш бир неча бор насиб этган. Болалигимдаги каби ларзага тушганман. Бу ҳикояларда сирли оламнинг даҳшатли тири кўринади.. Аёллар сўзга кирганда уларда биз ўкиш ва эшитишга одатланиб қолган нарсалар: бир гурух одамлар қаҳрамонлик кўрсатиб бошқа гурух одамларни ўлдириб, ғолиб ёки мағлуб бўлганлари, қандай техника ишга тушганлиги, мард генераллар тўғрисидаги тасвирлар йўқ ёки деярли йўқ. Аёл ҳикоялари бошқача, улар бошқа нарсалар ҳакида. «Аёллар» урушида ўзгача бўёқлар, ўзгача ифор, ўзгача тароват ва ўзгача хиссийтлар макони бор. Ўзгача сўзлар. Уларда қаҳрамонлар йўқ, мислсиз жасорат ҳам йўқ, уларда факат ғайри-инсоний инсоний меҳнат билан машғул одамлар бор. Уларда нафақат одамлар, балки еру замин, осмону фалак, қушлар ва дараҳтлар азият чекади. Биз билан бирга ерда тирикликни баҳам кўраётганларнинг ҳаммаси укубатга гирифтор. Улар унсиз азоб чекади, бундан даҳшатлироқ нарса борми?

Аммо нима учун? – мен бу саволни ўзимга бир неча бор берганман. – Нима учун қачонdir мутлақ эркакларники бўлган дунёда ўз ўрнини эгаллаган аёллар ўз тарихини яратмадилар? Ўз сўзи ва ўз ҳисларини ошкор этолмадилар? Ўзларига ишонмадилар. Биздан бутун олам пинҳон тутилган. Уларнинг урушлари номаълумлигича қолди...

Мана шу уруш тарихини ёзмоқчиман. Аёллар тарихини ёритмоқчиман.

\* \* \*

Илк учрашувлардан сўнг...

Таажжуб: бу аёлларнинг харбий касблари – санин-струktor, снайпер, пулемётчи, зенит қуроли командири, сапёр, хозир эса улар – ҳисобчи, лаборант, экспериментатор, ўқитувчи... Уларнинг уруш ва тинч ҳаётдаги вазифалари бир-бирига мувофиқ эмас. Ўзлари эмас, бошқа қизлар ҳақида эслагандай эслашади. Бугун эса ўзларига ўзлари хайрон қолишади. Менинг кўз ўнгимда тарих «инсонийлашади», одатий ҳаётга айланиб боради. Бошқача тароват намоён бўлади.

Улар орасида ажойиб ҳикоячилари ҳам бор. Уларнинг умр дафтарларида дунё классикаси зарвараклари билан бўйлаша оладиган саҳифалари бор. Уларда одам ўзини тепадан – самодан, пастдан – ердан аниқ кўриб туради. Унинг кўз ўнгига бутун йўл намоён бўлади: юқорига ва пастга – фариштадан йиртқич ҳайвонгача. Хотиралар – бу йўқ бўлиб кетган воқеликнинг жўшқин ёки ҳиссиз қайта эсланиши эмас, бу – вақт орқага чекиниб, мозийнинг қайта туғилишидир. Авваламбор бу – ижод. Ҳикоя қилаётib, одамлар ижод килишади, ўз ҳаётини «ёзишади», баъзан уни «тўлдиришади», «қайта ёзишади». Бунда огоҳ бўлиб туриш керак. Шу билан бирга дард ҳар қандай сохталикни эритиб юборади, йўқ қиласи. Ўта юқори ҳарорат! Оддий одамлар – ҳамшира, ошпаз, кир юувчилар ўзини са-мимий тутишига ишонч ҳосил қилдим... Улар, буни қандай аникроқ тушунтирса бўларкан, сўзларни газета ва китоблардан – ёт нарсалардан эмас, ўзларидан, ўзлари кечирган дарду ситамлардан олишади. Зиёли одамлар тили ва ҳиссиётлари, бу қанчалик ҳайратла-нарли бўлмасин, вақт чархпалагидан ўтган. Вақтнинг умумий сайқалига дучор бўлган. Иккиламчи билим, афсоналар билан заарланган. Қандай хужум қилганлари, қандай чекинганлари, қайси фронтда заҳмат чекканлари ҳақидаги «эркаклар» эмас, «аёллар» уруши ҳақидаги

ҳикояни эшитиш учун кўпинча айланма сўқмоқлар орқали узоқ йўл босишига тўғри келади... Битта учрашувнинг ўзи кифоя қилмайди, саботли тасвиричи сингари бир неча учрашув талаб этилади.

Нотаниш уй ёки ховлида узоқ, баъзан эрталабдан кечгача қолиб кетаман. Чой ичамиз, яқинда харид қилинган либосларни кийиб кўрамиз, соч турмаклари ва таом рецептларини муҳокама қиласиз. Биргаликда неваралар расмларини томоша қиласиз. Ана ўшанди... Қанчадир муддат вақт ўтгач, қанчалигини ва сабабини ҳеч қачон олдиндан билиб бўлмайди, бирдан узоқ кутилган фурсат – одам ҳайкалларимиз сингари гайпс ёхуд темир-бетон қонунлардан чекиниб, ўзига қайтган пайт келади. Урушни эмас, ёшлигини, ҳаётининг бир парчасини эслай бошлайди. Мана шу лаҳзани пайқаш керак. Уни ўтказиб юбормаслик даркор. Аммо кўпинча, сўзлар, далиллар, кўз ёшлар билан лиммо-лим узоқ кундан сўнг биргина (аммо қандай!) жумла ёдда қолади: «Мен фронтга борганимда кичкинагина эдим, уруш давомида ҳатто улфайиб ҳам қолдим». Ён дафтарчамга мана шу жумлани қайд этиб қўяман, ваҳоланки магнитофонда юзлаб метр нутқ ёзилган. Тўрт-беш кассета...

Менга нима ёрдам беради? Биз бирга, ҳамнафас, ҳамдард яшашга кўнишиб қолганимиз ёрдам беради. Сообор одамлари. Бизда ҳаммаси тинчлик билан – баҳт ҳам, кўзёш ҳам. Дард чекишини биламиз, дард ҳақида гапиришни биламиз. Дард оғир ва ўнқир-чўнқир ҳаётимизни оқлайди. Биз учун дард, бу – санъат. Тан олишимиз керак, аёллар бу йўлга мардонавор отланишади...

\* \* \*

Улар мени қандай кутиб олишади?

«Кизча», «қизалоқ», «қизим» деб чақиришади, агар мен уларнинг тенгқури бўлганимда, ўзларини бошқача тутишармиди? Бамайлихотир ва тенг хукуқли. Ёшлиг ва

қарилек учрашуви ҳадя этадиган қувонч ва таажжубсиз. Ўшанда улар ёш бўлиб, энди қариган чоғида ўтмишни эслеётганлари жуда муҳим. Бутун бошли ҳаётни бошидан ўтказиб – қирқ йилдан сўнг эслашади. Менга ўз оламларини оҳистагина очишади, мени аяшади: «Урушдан сўнг эрга тегдим. Эрим пйнжига кириб олдим. Турмуш, болалар иштонларига ўралашиб олдим. Мамнунлик билан ўралашдим. Онам ҳам илтимос қилдилар: «Жим юр! Жим! Гапирма!» Мен она юртим олдидаги бурчимни адо этдим, аммо у ерда бўлганимдан хафа бўламан. Буни билганимдан ачинаман. Сен эса гўдаксан. Сенга раҳмим келади...» Кўпинча уларнинг ўтириб, қалбларига, юрак садосига қулоқ туваётганини кўраман. Уни сўзлари билан солиширишади. Йиллар ўтиши билан инсон умри ўтиб бораётганини, тақдирга тан бериб кетишга чоғланиш зарурлигини англаб боради. Шунчаки изсиз, лоқайдларча, йўл-йўлакай кетиш алам қилади. Ва у орқага нигоҳ ташлаганида, ўз ҳикоясини айтиб кетишгина эмас, балки ҳаёт моҳиятига етиш истаги пайдо бўлади. Нега у билан айнан шу ҳодиса рўй берди деган саволга жавоб топгиси келади. У ҳаммасига... деярли у дунёдан... забун хайрлашув нигоҳи билан боқади... Энди алдаш ва алданишнинг ҳожати йўқ. Ўлим ҳақидаги ҳаёлларсиз инсонда ҳеч нарсани топиб бўлмаслигини тушуниб етади. Унинг сири барчасидан юқорида мавжуд.

Уруш ўта шахсий кечинма. У инсон ҳаёти сингари чексиз...

Бир аёл (учувчи) мен билан учрашгиси келмади. Телефон орқали бунга изоҳ берди: «Истамайман... Эслани истамайман. Мен уч йил урушда бўлганман... Уч йил ўзимни аёл сифатида хис қилмаганман. Танам ўлған эди. Ҳайз кўрмай қўйдим, ҳеч қандай аёллик эҳтиросларим жўш урмасди. Ваҳоланки чиройли эдим... Бўлажак эрим менга турмуш қуришни таклиф қилганида... бу Берлинда, рейхстаг остонасида бўлган... шундай деди: «Уруш тугади. Биз тирикмиз. Омадли эканмиз. Менга турмушга

чиқ». Мен йиглаб юборай дедим. Бақиргим, унга тарсаки туширгим келди. Турмуш? Ҳозир-а? Мана шуларнинг орасида-я? Қора мой ва қора куя ичида-я... Сен менга боқ... Қай ахволдалигимга қара... Сен аввал мени аёл қил: гул ҳадя қил, менга парвона бўл, чиройли сўзларни айт. Мен шуни истайман! Шуни кутаман! Сал қолди уни уриб юборишумга... Тарсаки туширмоқчи эдим... Бироқ унинг бир юзи куйган, қонталаш эди. Қарасам: у ҳаммасини ўзи тушунди, унинг юзидан ёш юмлади. Жароҳати ҳали битмаган юзидан томчи-томчи кўзёш оқарди... Ўз оғиздан чиқаётган сўзларга ўзим ишонгим келмасди: «Ха. Сенга турмушга чиқаман».

Мени афв этинг. Учрашолмайман...»

Мен уни тушундим. Бироқ бу ҳам бўлажак китобимнинг бир ёки ярим саҳифаси эди.

Матн, матн. Ҳамма ёқ матн. Шаҳар уйларида, қишлоқ ҳовлиларида, кўча-кўйда, поездда... Тинглайман... Доим бошқа инсонга юзланган битта катта кулокқа айланиб борардим. Овозни «ўқийман».

\* \* \*

Инсон урушдан қудратли...

У кўпроқ бўлган жойлар ёдда қолади. У ерда уни тарихдан қудратлироқ нарса бошқаради. Мен кенгроқ кўлам олишим керак – факат уруш ҳақиқатини эмас, умуман ҳаёт ва ўлим ҳақиқатини битишим керак. Достоевский берган саволни ўзимга беришим керак: инсонда инсонлик микдори қанча, ўзимиздаги бу инсонни қандай ҳимоя қила олишимиз мумкин? Шубҳасиз, ёмонлик йўлдан оздиради. У яхшиликдан абжирроқ. Ўзига ром этади. Урушнинг чексиз оламига тобора теранроқ шўнримоқдаман, қолган барчаси бироз хира тортид, одатийдан ҳам кўра одатийроқ бўлиб қолди. Маҳобатли ва йиртқич олам. У ердан қайтган одамнинг ёлғизлигини энди тушунмоқдаман. Гўё ўзга сайёра

ёхуд нариги дунёдан қайтгандай. Унда бошқаларда йўқ билимлар бор, бу билимларга фақат ўша ерда, ўлим ёқасидагина эга бўлиш мумкин. У ниманидир сўзлар билан ифодаламоқчи бўлса, уни ҳалокат хисси чулғаб олади. Одам гунг бўла бошлайди. У сўзлашга уринади, қолганлари уни тушунишни истайди, бироқ ҳаммалари ожиз.

Улар доим тингловчидан бошқа маконда. Уларни кўз илғамас олам қуршаб олган. Сухбатда камида уч киши иштирок этади: ҳозир гапириб бераётган одам, айнан шу инсоннинг воқеа содир бўлгандаги қиёфаси ва мен. Менинг мақсадим – ўша йиллар, ўша кунлар ҳақиқатига эришиш. Алдамчи ҳиссиётларсиз. Уруш тугаши билан одам у ҳакда бошқа хикояни, ўн йиллар ўтгач эса, бошқа ҳикояни айтади, ва албатта унда нималардир ўзгаради, зеро у хотираларига бутун ҳаётини, ўзлигини жамлайди. Ўтган йиллар мобайнода қандай ҳаёт кечирди, нималарни ўқиди, кимларни учратди. Ва, ниҳоят, баҳтлими ёки баҳтсиз. У билан ёлғиз сухбатлашяпмизми ёки яна кимдир борми? Оила? Дўстлар? Қандай дўстлар? Ҳужжатлар – тирик жонзотлар, улар биз билан бирга ўзгаради ва турланади, улардан узлуксиз нималарнидир топиш мумкин. Бизга айнан ҳозир керак бўлган янги нарсаларни. Айнан шу дамда. Нимани қидирмоқдамиз? Кўпинча қаҳрамонлик ва жасорат эмас, балки кичкинагина ва инсоний нарсаларни, бизга қизиқ ва яқин бўлган нарсаларни. Масалан, Қадимги Юнонистон... Спарта тарихидан... нимани кўпроқ билишни истайман... Мен ўша пайтларда одамлар ўз уйларида қандай ва нима тўғрисида гаплашганликлари ҳақида ўқигим келади. Урушга қандай отланишган? Сўнгги кун, сўнгги кечада айрилик олдидан суюкли инсонларига нима дейишган? Жангчиларни урушга қандай кузатишган? Уларни урушдан қандай кутиб олишган... Қаҳрамон ва саркардалар эмас, оддий йигитларни...

Тарих – ҳеч ким пайқамаган гувоҳ ва иштирокчи тилидан баён этилган ҳикоя орқали. Ҳа, мени шу нарса қизиқтиради, мен ана шу нарсани адабиёт қилмоқчиман. Аммо ҳикоячилар нафакат гувоҳлардир. Улар камида гувоҳлар, улар асосан актёр ва яратувчилардир. Вокелик юзма-юз келиб бўлмайди. Вокелик билан бизнинг ўртамиизда ҳисларимиз бор. Қарашлар билан иш кўраётганлигимни тушунаман, ҳамманинг ўз қарashi бор, улардан, уларнинг турли микдори ва туташувларидан давр ва унда яшаган одамлар сиймоси гавдаланади. Бироқ мен китобим ҳақида «унинг қаҳрамонлари реал шахслар», «бу – тарих», «тарих, холос» дейишдан нари ўтмасликларини истамас эдим.

Уруш эмас, урушдаги одам ҳақида ёзяпман. Уруш тарихини эмас, ҳислар тарихини битмоқдаман. Мен – қалб тарихчисиман. Бир томондан, аниқ вактда яшаётган, аниқ воқеаларда қатнашган инсонни тадқиқ этаман, иккинчи томондан эса, мен унда абадий инсонни топа олишим керак. Абадият қалқишини. Инсондаги доимий нарсани.

Менга: хўш, хотиралар – бу тарих ҳам эмас, адабиёт ҳам эмас дейишади. Бу шунчаки мусаввир илги билан тозаланмаган, ивисиган ҳаёт. Сўзлаш хом ашёси унинг ҳар тубида бисёр. Мана шу фиштлар ҳамма ёқда тўлиб-тошиб ётиби. Аммо фишт, бу минора эмас?! Бироқ мен учун ҳаммаси ўзгача... Айнан ўша ерда, илиқ инсоний овозда, мозийнинг жонли акс садосида бокира қувонч яшириниб, ҳётнинг қочиб қутулмас фожиаси... унинг тартибсизлиги ва эҳтироси... ягоналиги ва ақл бовар қилмаслиги намоён бўлган. У ерда уларга ҳали қўл теккизилмаган, ишлов берилмаган. Улар аслдирлар.

Мен туйғуларимиздан... истак ва умидсизлигимиздан, орзуларимиздан, бўлиб ўтгану қўлимиздан чиқиб кетган нарсалардан минора ясайман.

\* \* \*

Яна бир бор таъкидлайман... Мени нафақат бизни куршаб турган, балки ичимиздаги воқелик ҳам қизиқтиради. Мен учун воқеанинг ўзи эмас, ҳиссиётлар воқеаси қизик. Воқеа руҳи десак түғрирок бўлади. Мен учун реаллик, бу – туйгулар.

Тарих-чи? У кўчада. Оломон орасида. Ҳар биримизда тарихнинг бир бўлаги яширинганига аминман. Биримизда ярим варак, бошқамизда – икки-уч. Биз биргаликда вақт китобини битамиз. Ҳар биримиз ўз ҳақиқатимизни айтамиз. Бўёқлар бўталаси. Буларнинг ҳаммасини эши-та олиш, улар қаърига шўнғиши, уларга айланиш керак бўлади. Шу билан бирга ўзликни сақлаб қола олиш, кўча ва адабиёт тилини уйғунлаштира олиш керак. Му-раккаб томони яна шундаки, биз ўтмиш ҳақида бугунги тил билан гапирамиз. Уларга ўша кунлар ҳисларини қандай етказиш мумкин?

\* \* \*

Эрталабдан телефоним жиринглади: «Сиз билан таниш эмасмиз... Мен Кримдан келдим, темир йўл вокзалидан қўнғироқ қиляпман. Уйингиз узоқ эмасми? Сизга ўз урушимни айтиб бермоқчиман...»

Хўш?!

Қизим билан паркка чиқмоқчи, каруселларда учмоқчи эдик. Олти ёшли қизалоққа нима билан шуғулланаётганимни қандай тушунтирсам экан? Яқиндагина мендан: «Уруш нима ўзи?» – деб сўраган эди. Нима деб жавоб берсан экан... Мен унинг бу ёруғ оламга меҳр тўла қалб билан кириб боришини истайман, гулни беҳуда узиш керак эмаслигини тушунтиришга уринаман. Хонқизини эзиз юборса, ниначининг қанотини узиб олса жони оғришини айтаман. Болага урушни қандай тушунтириш мумкин? Ўлимни қандай изоҳлаш керак? У ерда нима учун ўлдиришади деган саволга нима деб жавоб бериш керак? У каби мурғак болаларни ҳам

ўлдиришади. Биз катталар келишиб олгандаймиз. Гап нима ҳақда бораётганлигини тушунамиз. Болалар-чи? Урушдан сўнг ота-онам менга буни амаллаб тушунтириб беришди; аммо мён боламга бу нарсани энди тушунтириб беролмайман. Сўз тополмайман. Уруш бизга тобора камроқ ёки бормоқда, биз уни оқладиган баҳоналарни топишга қийналиб қоляпмиз. Биз учун у қотилликдан ўзга нарса эмас. Ҳар ҳолда мен учун шундай.

Уруш ҳақида шундай китоб ёзайки, урушдан кўнглиминиз ағдарилсин, у ҳақда ўйлашнинг ўзи жирканч туйфуларни уйғотсин. Ҳаддан зиёд. Генералларнинг ўзининг кўнглини бехузур қиласин...

Эркак дўстларим (дугоналаримдан фарқли ўлароқ) бу каби «аёлларча» мантиғимдан ҳайратланишмоқда. Мен яна эркаклар иддаосига дуч келмокдаман: «Урушда бўлмаганмисиз?» Балки бунинг яхши томони ҳам бордир: мен нафрат туйфусини билмайман, менинг қарашларим тўғри. Ҳарбийча эмас, эркакча эмас.

Оптикада «ёруғлик кучи» деган тушунча бор. Бу объективнинг илғаб олинган тасвирини яхшироқ ёки ёмонроқ қайд эта олиш имконияти. Демоқчиманки, аёлнинг уруш ҳақидаги хотираси туйфулар ҳарорати, дардлигига кўра энг кучлиси. Аёллар уруши эркаклар урушидан даҳшатлироқ десам адашмаган бўламан. Эркаклар тарих, далиллар ортига беркинишади, уруш уларни ғоялар; турли манфаатлар тўқнашуви сифатида жалб қиласиди, аёллар эса ҳиссиётлар исканжасида қолган. Яна бир нарса: эркакларга болалиқданоқ отишга тўғри келиши мумкинлигини уқтиришади. Аёлларга буни ўргатишмайди ... улар бу ишни бажарамиз деб ўйлашмаган... Шунинг учун улар бошқа нарсани эслаб қолишади, бошқача эслашади. Улар эркаклар учун пинҳон нарсани кўришга қодир. Яна такрор айтаман: уларнинг урушларида ифор, ранг, борлиқнинг батафсил баёни бор: «кийим қопи беришган эди, биз улардан ўзимизга юбка тикиб олдик»; «военкоматга кўйлакда кирган бўлсам, шим ва гим-


настёркада чикдим, бошимда номигагина пешана гажак қолдириб, сочимни олиб ташлашди...»; «немислар қишлоқны ўқса тутишди.... Ўша ерга бордик оёқ излари қолган сарық тупроқ, устида эса ёлғизгина болалар ботинкаси...». Мени бир неча бор огохлантиришган (айниңса әркак ёзувчилар): «Аёллар түқиб ташлашади». Лекин мен ишонч хосил қылдым: бундай нарсаларни түқиб бўлмайди. Лаббай? Кимданdir кўчиришади? Агар буни кўчириш имкони бўлса, ёлғиз ҳаётдан кўчиришади, фақат унинг таҳайюли осмон қадар.

Аёллар нима ҳақда гапиришмасин, уларнинг хаёлида доимо бир фикр айланиб юради: ўлим авваламбор бу қотиллик, кейин эса мashaқкатли меҳнат. Сўнгра ҳар кунгидай одатий ҳаёт: улар қўшиқ айтишган, севишган, соchlарини жамалак килишган...

Ўлим даҳшати, ўлишни истамаслик хаёли уларни тарк этмайди. Ўлдириш эса ундан-да даҳшатлироқ, зеро аёл ҳаёт беради. Уни инъом этади.. Уни ўзида узоқ вақт сақлаб юради, парваришлайди. Аёллар учун ўлдириш кийинроқ эканлигини англашим.

\* \* \*

Эркаклар... Улар аёлларни ўз оламига, ўз худудларига истар-истамас киритадилар.. Минск трактор заводига снайпер бўлиб хизмат қилган бир аёлни қидириб бордим. У машҳур снайпер эди. Фронт газеталари у ҳақда тинмай ёзишган. Уй телефонининг рақамини менга Москвадаги дугоналари беришди.. Рақам – эски. Кундалигимга ёзилган фамилияси ҳам эски – қизлик фамилияси экан. У қадрлар бўлимида ишлайдиган заводга бордим. У ерда эркаклардан ( завод директори ва қадрлар бўлими бошлиғи): «Эркаклар куриб колибдими? Аёллар чўпчагини бошингизга урасизми? Хотинлар сафсатаси...» – деган гапларни эшитдим. Эркаклар аёллар нотўғри хурунни айтиб кўйишида, деб кўркишарди.



Бир оилада меҳмон бўлдим... Эру хотин урушда бўлишган. Фронтда учрашиб, ўша ерда турмуш куришган: «Тўйимизни окопда қилдик. Жангдан олдин. Оқ кўйлакни эса ўзимга немислар парашютидан тикиб олдим». Эр – пулемётчи, хотин – алоқачи. Эр дарҳол хотинини ошхонага жўнатди: «Бизга бирор егулик тайёрлаб қўй». Чой ҳам қайнади, бутербродлар ҳам тайёр, хотини ёнимизга келиб ўтирди, эри уни ўтиришга қўймади: «Кулупнайинг қани? Дала ҳовлимиздан олиб келганларимиз қани?» Узоқ илтимосимдан сўнг истаристамас жойини бўшатиб берди, шунда ҳам хотинига тайинлади: «Сенга ўргатганимдай ҳикоя қилиб бер. Кўз ёшларсиз, чиройли бўлгим келган эди, сочимни олиб ташлашганида роса йиғладим каби майдачўйда гапларсиз». Кейинроқ у қулогимга шивирлади: «Кечаси билан мен билан «Улуг Ватан уруши тарихи»ни ўқиб чиқди. Мендан хавотирланди. Ҳозир ҳам бошқа нарсаларни эслаб юборади деб кўркиб турибди».

Бу деярли ҳар доим, ҳар бир хонадонда такрорланарди. Ҳа, улар жуда кўп кўзёш тўкишади. Уввос тортиб йиғлашади. Кетганимдан сўнг юрак дориларини ҳовчубаб ичишади. «Тез ёрдам» чақиришади. Бироқ барибир: «Яна кел. Албатта кел. Узоқ вақт сукут сақладик. Кирқ йил индамадик...» – деб ялинишади.

Йиги, фарёдга ишлов бериб бўлмаслигини тушуман, акс ҳолда йиги ва фарёд эмас, ишлов бирламчи бўлиб қолади. Ҳаёт ўрнига адабиёт қолади. Материал, унинг ҳарорати шундай. Доим мувозанатдан чиқаради. Инсон урушда ва яна, эҳтимол, севгида кўпроқ очилади. Туб-тубигача, суяк-суякларигача. Ўлим билан юзма-юз келгандга барча ғоялар бўзаради, инсон шуури англай олмайдиган мангулик намоён бўлади, унга ҳеч ким тайёр эмас. Биз ҳали тарихда яшаяпмиз, космосда эмас. Бир неча бор ўқишига берган матнини «Майдачўйдаларнинг кераги йўқ... Улуг ғалабамиз ҳакида ёз» каби қайдлар билан қайтган. Майдачўйдалар эса мен

учун ниҳоятда муҳим, илиқлик ва ҳаёт ҳақиқати: ўрим сочлар ўрнида қолган пешона гажак, ейишга одам то-пилмаган қозонлардаги иссиқ атала ва шўрва – юз кишидан жангдан сўнг еттиласи қайтиб келган; урушдан сўнг бозорларга боролмаганликлари, қизил гўшт расталрига қарай олмаганликлари... Ҳатто қизил чит матога ҳам қарай олишмаган... «Эҳ, қизалоғим, қирқ йил ўтди, аммо уйимда бирон қизил нарса кўрмайсан. Урушдан сўнг қизил рангдан нафратланаман!»

\* \* \*

Ҳасратга қулоқ тутаман... Ҳасрат ўтиб кетган ҳаёт далили. Бошқа далиллар йўқ, бошқа далилларга ишонмайман. Сўзлар бизни бир неча бор ҳақиқатдан йироклаштирган. Синоат, ҳаёт синоати билан тўғридан-тўғри алоқа боғлаган ахборотнинг олий шакли сифатидаги ҳасрат ҳақида ўйлайман. Бутун рус адабиёти шу ҳақида. Ҳасрат ҳақида у муҳаббатдан кўра кўпроқ ёзган. Менга ҳам у ҳақда кўпроқ айтиб беришади...

\* \* \*

Улар русларми, советларми? Йўқ, улар советлар – рус ҳам, беларус ҳам, украин ҳам, тожик ҳам эдилар...

Нима бўлганда ҳам у совет кишиси эди. Ўйлайманки, бундай одамлар бошқа бўлмайди, уларнинг ўзи ҳам буни тушуниб қолди. Ҳатто, биз, ўларнинг болалари ҳам, бошқачамиз. Бошқаларга ўхшагимиз келади. Ота-оналаримизга эмас, дунёдаги бошқаларга ўхшагимиз келади. Неваралар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади...

Бироқ мен уларни яхши кўраман. Уларга ҳавас билан бокаман. Улар Сталин ва ГуЛАГни кўришди, аммо улар ғалабани ҳам кўришган. Улар буни билишади.

Яқиндагина бир хат олдим: «Қизим мени жуда яхши кўради, мен у учун қаҳрамонман, агар у китобингизни

ўқиса, мендан ихлоси қайтади. Ахлат, бит, адоги йўқ қон – буларнинг барчаси ҳақиқат. Инкор этмайман. Аммо бу ҳақдаги хотиралар эзгу туйғуларни уйғота оладими? Қахрамонликка ундаӣ оладими...»

Бир неча бор амин бўлганман:

... хотирамиз – баркамол восита әмас. У нафакат ўзича эркин ва инжик, у кўпрак сингари вақт сиртмоғида.

... биз ўтмишга бугундан қараймиз, ҳеч жойдан қарай олмаймиз-ку, ахир.

... яна улар ўзлари билан содир бўлган нарсаларга кўнгил боғлаганлар, зеро бу – нафакат уруш, бу – уларнинг ёшлиги ҳам. Биринчи мухаббати.

\* \* \*

Улар сўзлаганда тинглайман... Жим бўлганларида ҳам тинглайман... Сўз ҳам, сукут ҳам мен учун матн.

– Бу нашриёт учун әмас, сен учун... Ёши каттароқлар... Улар поездда ўйчан, маъюс ўтирадилар. Ёдимда, битта майор ҳамма ухлаганда, ярим кеча менга Сталин ҳақида гапириб кетди. Кўпроқ ичиб юборган экан шекилли, шерланиб қолди. Отаси ўн йилдан бери лагерда экан. Хат ёзиш тақиқланган. Тирикми-ўликми ҳеч ким билмайди. Ўша майор менга даҳшатли сўзларни айтди: «Мен ватанимни ҳимоя қилишни истайман, аммо инқилоб хоини – Сталинни ҳимоя қилишни истамайман». Илгари бундай сўзларни эшитмаганман... Кўрқиб кетдим. Бахтимга, сахарда у ғойиб бўлди. Эҳтимол, чиқиб кетгандир...

– Сенга бир сирни очаман... Оксана билан дугона бўлганмиз, у украиналик эди. Украинадаги даҳшатли очлик ҳақида биринчи бор ундан эшитдим. Курбақа ёки сичконни ҳам топиб бўлмас экан – ҳаммасини еб битиришибди. Қишлоғида одамларнинг ярми қирилиб кетибди. Укалари ва ота-онаси ҳам ўлибди. У эса кечаси колхоз отхонасидан от гўнгини ўғирлаб ер экан. Шу би-

лан ўлимдан қутулиб қолибди. Ҳеч ким ея олмас экан. У эса ебди: «Иссиқлигига оғзингга кирмайди, совук бўлса амаллаб еса бўлади. Музлаган бўлса унданам яхши, ундан сомоннинг ҳиди келади». Мен: «Оксана, Сталин отамиз курашяпти. У заараркунандаларни ўлдиряпти, бирок улар жуда кўп», — дердим. — «Йўқ, — дерди у, — сен тушунмайсан. Отам тарих ўқитувчиси бўлган. У менга, қачондир ўртотк Сталин ўз қилмишлари учун жавоб беради, дерди...»

Кечкурун ухламасдан ўйлардим: Оксана халқ душмани бўлса-чи? Балки у айғоқчидир? Нима қилсам экан? Икки кундан сўнг жангда у ҳалок бўлди. Қариндошларидан ҳеч ким қолмаган эди, қорахатни кимга юборишни билмадик...

Бу мавзуга эҳтиёткорлик билан, қўрқа-писа мурожаат қилишади. Улар ҳануз нафақат Сталин гипнози ва қўрқуви билан, балки ўз эътиқодлари билан ҳам фалажланган. Севган нарсаларини севмасликка ўрганиша олмаяпти. Урушдаги жасорат билан фикрлаш жасорати тамомила бошқа-бошқа жасорат.. Мен эса уларни бир деб юрадим.

\* \* \*

Кўлёзма аллақачон тайёр. Стол устида ётибди...

Икки йилдан бери нашриётлардан рад жавобини оламан. Журналлардан садо чиқмайди. Жавоб ҳамиша бир хил: ўта қўрқинчли уруш. Даҳшати кўп. Ортиқча натурализм. Коммунистик партиянинг етакчи ва йўлбошловчи вазифаси қўриңмаяпти. Бир сўз билан айтганда, бошқача уруш... У қандай бўлиши керак? Унда генераллар ва доно генералиссимус бўлиши керакми? Бит ва кон бўлмаслиги керакми? Қаҳрамон ва қаҳрамонликлар хақида ёзиш керакми? Мен эса болалигимни эслайман: бувим билан кенг дала ёқалаб борар эдик, у гапириб кетди: «Урушдан сўнг бу далада узоқ вақт ҳеч нарса унмади. Немислар чекинарди...

Бу ерда жанг бўлган. Икки қун жанг қилишган... Ўлганлар буғдой қоплари сингари ёнма-ён қаланиб ётарди. Темир йўл станциясидаги тўсинлар каби. Немислар ҳам, ўзимизниkilар ҳам. Ёмғирдан сўнг ҳаммасининг юзи ийғлаганга ўхшаб қолди. Уларни бутун қишлоғимиз билан кўмдик...»

Бу далани қандай унутай?

Мен шунчаки қайд қилмаяпман. Мен инсон руҳини ҳасрат қичик одамдан қудратли инсонни ясайдиган, киши улғайиб борадиган макондан топиб, териб боряпман. Ўшанда у мен учун гунг ва бенишон тарих пролетариати эмас. Унинг руҳи ўзидан узилиб боради. Менинг ҳокимиёт билан зиддиятим нимада? Мен тушундим – улкан ғоялар учун қичик одамлар керак, унга буюк одамларнинг кераги йўқ. Унинг учун у ортиқча ва ўнғайсиз. Унга қайта ишлов бериш мушкул. Мен эса уни изламоқдаман. Кичкина буюк инсонни қидирмоқдаман. Тахқирланган, оёқ ости қилинган, ҳамияти топталган мана шу инсон Сталин лагерларини бошидан кечирди, хоинликларни кўриб, барибир ғалаба қозонди. У мўъжиза яратди.

Аммо уруш тарихини ғалаба тарихи билан алмаштиришди.

Унинг ўзи бу ҳақда ҳикоя қилиб беради....

## ЎН ЕТТИ ЙИЛДАН СЎНГ

*2002–2004 йиллар*

Эски кундалигимни ўқийман...

Китобни ёзаётган вақтдаги, «мен»ни эслашга урина-ман. У одам энди йўқ, биз ўшанда яшаган давлат ҳам энди йўқ. Қирқ биринчи-қирқ бешинчи йиллар ўша давлатни ҳимоя қилганмиз, ўша давлатни деб жон фидо қилганмиз. Дераза ортидаги ҳаёт энди тамоман ўзгача: янги минг йиллик, янги урушлар, янги ғоялар, янги

куроллар ва мутлақо кутилмаган тарзда ўзгарган рус (аникроғи рус совет) кишиси.

Горбачёв бошлық қайта қуриш бошланди... Китобими ни босишиди, адади мисли кўрилмаган ҳажмда – икки миллион нусха. Ўша пайтларда жуда кўп ғаройиб ҳоди-сотлар содир бўлди, биз яна бошимиз билан қаергадир шўнгидик. Яна келажак сари шиддат билан чопқиллаб кетдик. Биз инқилоб доим хомхаёл бўлганлигини бил-мас (ёки унугтан) эдик. Аммо буларнинг ҳаммаси кейинроқ бўлади, ўшанда эса ҳамма ҳуррият шабада-сидан сармаст эди. Кунига ўнлаб мактуб олардим, хат-жилдларим тўлиб-тошиб кетди. Одамлар гапиришни истаб қолишиди... Айтмаганларини айтиб олиш истагини билдирилар. Эрқинроқ, самимирироқ бўлишиди. Шубҳам қолмади: мен бир умр китобларимни тўлдириб боришга маҳкумман. Қайта ёзишга эмас, айнан тўлдириб бориш-га. Нуқта қўясан-у, у шу заҳоти кўпнуқтага айланади...

\* \* \*

Бугун уларга бошқача саволлар бериб, бошқача жавоблар олишим ҳақида ўйлаб қолдим. Бошқача китоб ёзган бўлардим; жуда бошқача бўлмаса-да, ҳар ҳолда бошқача. Мен иш кўраётган ҳужжатлар ти-рик гувоҳлар. Улар тош қотган кесак эмас. Забон-сиз эмас. Улар биз билан бирга ҳаракатланади. Бу-гун кўпроқ нима ҳақда сўраган бўлардим? Нималарни кўшган бўлардим? Мени... буни қандай ифодаласам экан... замона ва ғоялар одами эмас, биологик одам қизиқтирган бўларди. Инсон табиати қаърига янада теранроқ назар солган бўлардим, унинг нур тегма-ган жойлари, онг остига қўл солиб кўрган бўлардим. Уруш синоатига.

Собиқ партизан аёл олдига борганим ҳақида ёзар-дим... Гўштдор, аммо ҳали чиройли хотин – у менга гурухи билан (у ва иккита ўсмир йигит) разведкага

чикиб, тасодифан түртта немисни асир олганликлари ҳақида гапириб берган эди. Улар билан ўрмонда узок айланиб юришган. Охир пистирмага дуч келишган. Асирлар билан пистирмадан чиқиб кета олмасликлари кундай равшан эди. Аёл қарор қилди – уларни йўқ қилиш керак. Болалар ўлдира олмайдилар: мана бир неча кундан бери ўрмонда бирга юришибди – узок вақт биронтаси билан бирга бўлсанг, унга ўрганиб қоласан. Хатто бегона бўлса ҳам. У яқинлашиб келаётганини ҳис қиласан, қандай еб-ичишини биласан, кўл-оёқлари тузилишини, қўзларининг рангини эслаб қоласан. Йўқ, болалар эплай олмайди. Буни у дарҳол тушунди. Демак, ўлдириш унинг чекига тушади. У қандай ўлдирганини хотирлади. Йигитларни ҳам, немисларни ҳам алдашга тўғри кёлди. Немисларнинг бирини сув олиб келамиз, деб алдаб олиб чиқиб орқасидан ўқ узди. Бошини нишонга олди. Бошқасини ўтин териб келамиз деб олиб кетди. Буларни бамайлихотир гапириб бераётганлиги мени ҳайратга солди.

Урушда бўлганлар оддий одам уч кун ичидаги ҳарбий одамга айланиши ҳақида гапирадилар. Нима учун уч кун етарли бўларкан? Ёки бу ҳам уйдирмами? Шундай бўлса керак. У ерда одам нотаниш ва тушунарсизроқ.

Деярли барча мактубларда такрорланади: «Ўшанда сизга ҳаммасини айтиб бермаганман, замон бошқа эди. Биз кўп нарса ҳақида сукут сақлашга ўрганиб қолган эдик...», «Сизга ҳаммасини рўй-рост ҳикоя қилиб бера олмагандим. Яқин кунларгача булар ҳақида гапириш тақиқланган эди. Ёки уялдиммикан?», «Дўхтирлар нима дейишини биламан: бедаво касалликка йўлиқканман... Ҳаммасига иқрор бўлмоқчиман...»

Яқиндагина эса куйидаги мазмундаги бир хат олдим: «Биз қарияларга яшаш қийин. Аммо бизни қийноққа со-лаётган нарса сариқ чақага арзимаган нафақаларимиз эмас. Буюк ўтмишдан ҳаддан зиёд кўримсиз бугунга ҳайдалганимиз алам қиласди. Ҳеч ким бизни мактаб ва

музейларга тадбирларда иштирок этиш учун чакирмай қўйди. Биз энди ҳеч кимга керак эмасмиз. Газеталарни ўқисанг, фашистлар яхши-ю, қизил аскарлар ваҳший бўлиб чиқади».

Вақт ҳам ватан... Бироқ мен уларни ҳамон яхши кўраман. Улар яшаган замонни ёмон кўраман, ўзларини эса барибир яхши кўравераман.

\* \* \*

Ҳаммаси адабиётга айланиши мумкин...

Мени ҳаммасидан ҳам цензура ўчириб ташлаган лавҳаларни қайд этган ён дафтарим қизиқтириб қолди. Цензор билан сухбатларим ҳам қизиқиш уйғотди. Ўзим ташлаб юборган варакларни ҳам ўша жойдан топдим. Ўз цензурам, ўз тақиқим. Уларни нима учун ташлаб юборганимга ўзимга изоҳ бердим. Уларнинг аксарияти китобимда қайта тикланди, бироқ мана бу бир неча варакни алоҳида бермоқчиман. Булар энди ҳужжат. Менинг босиб ўтган йўлим.

### **Цензура ташлаб юборгандаридан**

«Ҳозир кечаси уйғонсам... Кимdir йирлаётгандай бўлади... Мен – урушдаман... Чекиняпмиз...

Смоленск яқинида бир аёл менга ўз кўйлагини олиб чиқиб беряпти, кийиниб олишга улгуряпман. Эркаклар орасида бир ўзим боряпман. Шимда юрганим бошқача эди, энди эса эгнимда ёзги кўйлак. Аёлларда бўладиган жараён бошланиб кетса денг... Ҳали вақт бор эди, шекили... Ҳаяжондан олдинроқ бошланиб кетган бўлса керак. Сикилишдан, аламдан. Қани энди бирон нарса топсам? Шарманда! Уятдан ўлаёздим! Чакалакларда, ариқ ичидা, ўрмонда тўнка устида ётар эдик. Кўплигимиздан ўрмонда ҳаммамизга жой етмасди. Етимларга ўхшаб қаёқقا бораётганимизни билмас эдик. Қалбимизда алам... Ҳеч кимга

ишонмай қўйғандик.... Авиациямиз қани, танкларимиз қани? Учаётган, юраётган, гумбурлаётган нарсаларнинг ҳаммаси немисларники эди.

Шу тариқа асир тушдим.—Асир тушишимдан бир кун олдин иккала оёғим ишламай қолганди... Тагимга ҳўллар эдим... Қайдан куч олганимни билмайман, оқшом ўрмонга судралиб борибман. Тасодифан партизанлар кўриб қолиб, мени ўзлари билан олиб кетиши...

Бу китобни ўқийдиганларга раҳмим келади... ўқимайдиганларга ҳам...»

«Кечаси навбатчи эдим... Оғир ярадорлар палатасига кирдим. У ерда капитан ётган экан... навбатчилигимни бошлишдан олдин дўхтирлар кечаси жони узилишини айтиб, мени огоҳлантириб қўйиши. Тонггача етиб бормайди... «Нима қилай? Қандай ёрдам берай?» — деб ундан сўрадим». Ҳеч унугтолмайман... Жилмайди, азобли юзида илиқ бир табассум пайдо бўлди: «Халатингни еч... Кўкрагингни кўрсат... Хотинимни кўрмаганимга анча бўлди...» Шошиб қолдим, ахир, онаси ўпмаган бир қиз эдим. Нимадир деб ғулдирандим-да, секингина қочдим.

Бир соатдан кейин қайтиб келсан, ўлган экан. Юзида эса ўша табассум...»

«Керчь остонасидамиз... Ярим тунда ўқ ёмфири остида баржада сузид бораардик. Олд томонига ўт тушди... Олов палубага ўрмалади. Ўқ-дорилар портлай бошлиди. Қаттиқ портлади! Портлаш кучидан баржа ўнг бикинигà қулаб, чўка бошлиди. Қирғоқ эса яқин, қирғоқ шу атрофда бўлиши кераклигини хис қилиб турибмиз, аскарлар ўзини сувга отиши. Қирғоқда пулемётлар янгради. Бақир-чақир, сўкиниш... Мен яхши сузардим, ҳеч бўлмаса биттасини қутқармоқчи бўлдим. Биттагина ярадорни бўлса ҳам... Ахир бу ер эмас... сувда яраланган одам дарров чўқади... қарасам ёнимда кимдир сув юзига қалқиб чиқади, яна шўнгийди. Тепага — сув остига. Вактни бой бермасдан, сув юзига қалқиб чиққанида

маҳкам ушлаб олдим... Совуқ, шилимшиқ нимадир... мен ярадор, кийими эса портлаш вақтида йиртилиб кетган бўлса керак деб ўйладим. Чунки ўзим ҳам ялангоч эдим. Ички кийимда қолгандим... Зимистон. Ҳеч нарса кўринмайди. Атрофда: «Э-эх! Ай-я-я!» каби овозлар... Амаллаб қирғоққа олиб чиқдим... Осмонда шу пайт ракета ярқиради, қарасам, катта ярадор балиқни судраб олиб келибман. Ҳайбатли балиқ, одам бўйича келади. Белуга... У ўлаётган эди... Ўзимни ёнига ташладим, бор овозим билан сўкиниб кетдим. Аламдан бўкириб йиғладим... Ҳамма азобланаётганидан ҳам...»

«Куршовни ёриб чиқаётган эдик... Қаерга ўзимизни урмайлик, ҳамма ёқда немислар: Сахарлаб жанг билан ёриб чиқишига қарор қилдик. Барибир ўламиз, жангда мардларча ҳалок бўлганимиз яхши эмасми. Учта қизимиз бор эди. Кечаси кучи сақланиб қолган ҳар бир эркак олдига келишди... Албатта, ҳаммаси ҳам қодир эмасди. Ўзингиз тушунасиз, асаблар. Мана шунақа... ҳар бири миз ўлишга тайёрланардик...»

Тонгда саноқли одам тирик қолди... жуда оз... Элликтача одамдан, чамаси етти киши. Немислар пулемётлар билан ўриб ташлашди... Ўша қизлардан ҳозиргача миннатдорман. Улардан биронтасини эрталаб тириклар орасида кўрмадим... Уларни бошқа ҳеч қачон учратмадим...»

### **Цензор билан бўлган сұхбатимдан**

— Бундай китоблардан кейин ким урушга боради? Сиз аёлни ибтидоий натурализм билан таҳқирляяпсиз. Ахир у қаҳрамон аёл бўлса. Уни ечинтириб ташладингиз. Оддий аёлга, урочига айлантириб кўйдингиз. Улар бизда авлиё ҳисобланишади.

— Бизнинг қаҳрамонлигимиз стерилланган, у на физиология, на биология билан ҳисоблашади. Үнга ишон-

майсан киши. Нафақат рухият, тан ҳам синовдан ўтган.  
Моддий қобик.

— Бундай фикрларни қаердан олдингиз? Ёт фикрлар.  
Улар советта бегона. Сиз қабрда ётган биродарларимиз  
устидан куляпсиз. Ремаркни обдон ўқиганмисиз дейман...  
Бизда ремаркизм ўтмайди. Совет аёли ҳайвон эмас...

\* \* \*

«Кимдир бизни сотди... Немислар партизанлар  
қароргохидан хабардор бўлишди. Ўрмон ва қароргоҳга  
элтувчи барча йўлларни ўраб олишди. Биз одам оёғи  
етиб бормаган чангалзорларга беркинардик, бизни  
ботқоқликлар кутқаради. Жазо отряди у ерга бориш-  
га кўрқарди. Ботқоқ техникани ҳам, одамни ҳам сўриб  
оларди. Бир неча кунлаб, хафталаб бўйнимизгача сувда  
ётардик. Орамизда радиист аёл бор эди. У яқинда бола  
кўрган эди. Бола оч... Кўкрак сўраб тамшанади... она-  
нинг ўзи оч бўлса, сут қаердан келсин? Бола йиғлайди.  
Жазо отряди эса шу атрофда. Итлар билан... Итлар  
эшитиб қолса, ҳаммамиз ўламиз. Бутун гурух... Ўттизга  
яқин одам... тушуняпсизми?

Командир қарор қабул қилди...

Онага буйруқни етказиш вазифасини ҳеч ким бўйнига  
олгиси келмади, бироқ она ўзи тушунди. Бола ўралган  
чойшабни сувга тушириб, уни узоқ вақт сувдан олма-  
ди... Бола бошқа йиғламади... Битта ҳам сас чиқмади...  
Биз эса бошимизни кўтара олмадик. На онага, на бир-  
биримизга қарай олмадик...»

«Биз асиrlарни тутиб, уларни отрядга олиб келар-  
дик... Уларни отиб ташламасдик, бу улар учун жуда  
осон ўлим бўлар эди, уларни молдек сўйиб ташлардик,  
майда-майда бўлакларга бурдалаб ташлардик. Мен буни  
томуша қилишга борардим... интиқлик билан кутардим!  
Оғриқдан кўзлари қинидан чиқиб кетгунича пойлар  
эдим... Кўз косалари...

Сиз бу ҳақда нимани ҳам билардингиз?! Улар онам билан сингилларимни гулханда қишлоқнинг қоқ марказида ёқиб юборишган...»

«Урушда на мушукларни, на итларни эслай оламан, фақат каламушларни эслайман. Катта-катта каламушлар... Кўзлари кўк-сариқ тусда... Улар сон-саноқсиз эди. Жароҳатим тузалганидан сўнг мени госпиталдан яна ўз частимга юборишиди. Часть Сталинград остонасида, окопларга жойлашган экан. Командир: «Уни қизлар ертўласига олиб боринглар», – деди. Ертўлага кирганимда, у ерда ҳеч нарса йўқлигидан ажабландим. Арча шохларидан қилинган ётоқлардан бўлак ҳеч вақо йўқ. Тамом. Мени огоҳлантиришмаган эди... ертўлага рюзагимни ташлаб, ташқарига чиқдим. Яrim соатдан кейин қайтиб келганимда рюзагимни топа олмадим. Ундан асар ҳам йўқ эди. Тарофим, қаламларим... Ҳаммасини каламушлар бир зумда ғажиб ташлашибди...»

Эрталаб эса ярадорларнинг каламушлар кемириб ташлаган қўлларини кўрсатишиди...

Энг кўрқинчли фильмларда ҳам ўқ отишдан олдин каламушларнинг шаҳарни тарк этишларини кўрмаганман... Бу Сталинградда эмас, Вязьма остонасида бўлган... Тонгда шаҳар кўчаларида тўда-тўда каламушлар югуради. Улар ўлимни хис этиб, далаларга ошиқарди. Уларнинг адоги йўқ эди... Кора, кулранг каламушлар... Одамлар даҳшат билан мана шу аянчли манзарани кузатишарди. Вахимада уйларига бикинишарди. Каламушлар кўз ўнгимиздан фойиб бўлган заҳоти ўқ овозлари эшитилди. Ҳамма ёқни самолёт босди. Уй ва ертўлалар ўрнида кум ва тупроқ қолди...»

«Сталинград остонасида ўликлар кўплигидан отлар ҳам хуркмай қўйди. Одатда улар ўликдан кўрқади. От ҳеч қачон ўлган одамни босиб юбормайди. Ўзимизнинг мурдаларни териб олдик, немисларники эса ҳамма ёқда со-

чилиб ётарди. Музлаган... Котиб қолган... Мен ҳайдовчи бўлганман. Артиллерия снарядлари тўлдирилган яшикларни таширдим. Фидирлакларим остида уларнинг калла суюклари бичирлаганий әшитиб хузур қилардим...»

### Цензор билан сұхбатимдан

— Ха, рост, Фалаба бизга қимматга тушди, бироқ сиз қаҳрамонларни излашингиз керак. Улар юзлаб топилади. Сиз эса уруш лойқасини кўрсатяпсиз. Авра-астарини. Сизнинг ёзганларингизда ғалабамиз даҳшатли суратда... Бу билан нимага эришмоқчисиз?

— Ҳақиқатга.

— Сиз ҳаётдаги нарсани ҳақиқат деб ўйладаяпсизми? Кўчадаги, оёқ остидаги нарсани-я? У сиз учун шу қадар тубанми? Сийқаси чиққан. Йўқ, ҳақиқат бу биз орзу қиласидиган нарса. Биз интилаётган одам қиёфаси — ҳақиқат!

\* \* \*

«Хужум қиляпмиз... Илк немис қишлоқлари... Ёш, навқиронмиз. Тўрт йил аёлсиз. Ертўлаларда — вино, газак. Немис қизларини тутиб олиб... ҳар бирини ўн киши зўрлардик... Аёллар етишмасди, аҳоли Совет армиясидан қочиб кетган. Ёш қизчаларни олардик... Ўн икки-ўн уч яшар... Йиғласа, урадик, оғзига латта-путта тикардик. У оғриқдан инграрди, биз эса кулардик. Бунга қандай йўл қўйганлигимга ҳозир ўзимнинг ҳам ақлим етмайди... Ахир зиёли оиласдан чиққан бола эдим... Бироқ бу ҳақиқатан ҳам мен эдим...»

Қизларимиз, ҳамшираларимиз бу ҳақда билиб қолишларидан қўрқардик. Улардан уялардик...»

«Қуршовда қолиб кетдик... Ўрмону ботқоқликларда сарсон бўлиб юрдик. Барглар, дараҳт пўстлоқлари,

қандайdir илдизлар билан кун күрдик. Беш киши эдик, бири ҳали жуда ёш, эндигина армияга чақирилган. Кечкүрун ёнимдаги шивирлади: «Йигитчанинг холи танг, барибир үлади, тушуняпсанми... – «Нима деяпсан?» – «Қамоқдан чиққан бир таништим айтиб берувди... Лагердан қочишганда атайлаб ўзлари билан ёш йигитчани олишаркан... Одам гүштини еса бўлади... Шу йўл билан жонини саклаб қолишган...»

Урай десам, ҳолим йўқ. Эртасига партизанларни учратдик...»

«Партизанлар кундузи отларда кишлоққа келишиди. Уйдан қишлоқ оқсоқоли ва унинг ўғлини ҳайдаб чиқиб, темир таёқлар билан бошларига уришди. Улар йиқилгандан сўнг, ерда жонлари чиккунча савалашди. Ойнадан ҳаммасини кўриб турган эдим... Партизанлар орасида катта акам бор эди... Уйимизга кириб мени, синглим, деб кучоқламоқчи бўлганида: «Яқинлашма. Яқинлашма. Сен қотилсан», – деб бақирадим. Кейин тилим айланмай қолди. Бир ой гаплашмадим.

Акам ҳалок бўлди... Тирик қолиб, уйга қайтиб келганида нима бўларди...»

«Тонгда жазо отряди қишлоғимизга ўт қўйишиди... Ўрмонга қочиб кетганларгина тирик қолди. Ҳеч нарса, ҳатто бир бурда нон олишга ҳам улгурмай қочишиди. На тухум; на мой. Тунда Настя хола қизини саваларди. Чунки у тинмай йиғларди. Настя холанинг беш фарзанди бор эди. Дугонам Юля энг нимжони эди. У тез-тез касал бўларди... Тўрттаси ўғил, ҳаммаси кичкина, ҳаммаси онасидан овқат сўраб йиғларди. Настя хола ақлдан озди: «У-у-у... У-у-у...» Кечкүрун эса Юлянинг илтижосини эшитиб қолдим: «Ойижон, мени чўқтирманг. Бошқа сўрамийман... Бошқа нон сўраб йиғламиман. Йиғламиман...»

Юляни бошқа кўрмадик...

Настана хола... Кышлоғимизга қайтганимизда кули күкка совурилган эди... Кышлоғимизни ёқиб юбориш ганди. Бир-икки кундан сўнг Настана хола ўз боғидаги қорайиб кетган олма дарахтига ўзини осиб қўйди. Оёқлари ерга тегиб туради. Болалари атрофида туриб, нон сўрашарди... »

### Цензор билан сухбатимдан

— Бу — бўхтон! Сиз Европанинг ярмини озод қилган солдатимизга, партизанларимизга, қаҳрамон халқимизга тухмат қиляпсиз. Кичик тарихингизнинг бизга кераги йўқ, бизга улуғ тарих керак. Фалаба тарихи. Сиз қаҳрамонларимизни яхши кўрмайсиз! Улуғ фояларимиз, Маркс ва Ленин фояларини яхши кўрмайсиз.

— Ҳа, мен улуғ фояларни ёқтирумайман. Мен кичкина одамни яхши кўраман...

### Ўзим ташлаб юборганларимдан

«Қирқ биринчи йил... Қуршовдамиз. Орамизда Лунин отлик политрук бор эди... Совет солдатлари душманга таслим бўлмаслиги ҳақидаги қарорни ўқиб берди. Ўртоқ Сталин айтганидай, бизда асиirlар йўқ, фақат хоинлар бор. Йигитлар қуролларини олишди... Политрук буйруқ берди: «Керак эмас. Йигитлар, ҳали ёшсизлар, яшанглар». Шу сўзни айтиб ўзига ўқ узди...

Қирқ учинчи йил... Совет армияси ҳужумда. Беларусь ёрларига кириб бордик. Ёш болакай эсимда қолди. Ернинг тагиданми, ертўладанми олдимизга югуриб чиқиб, тинмай бақираарди: «Ойимни ўлдиринглар... Ўлдиринглар! У немисни яхши кўтарди...» Кўзлари даҳшатдан ола-кула бўлиб кетганди. Кетидан қоп-қора кампир югуриб ютарди. Бош-оёқ қора кийимда. Боланинг

орқасидан югуриб, чўқинарди: «Унга қулоқ солманглар. Болани жин чалган...»

«Мени мактабга чақиришди... Эвакуациядан қайтган ўқитувчи мени сухбатга чақирибди:

— Ўғлингизни бошқа синфга кўчирмоқчиман. Синфимда энг сара болалар ўқийди.

— Ахир, ўғлим фақат «беш»га ўқийди-ку?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Бола немислар билан яшаган.

— Ҳа, биз жуда қийналганмиз.

— Мен бу ҳақда гапирмаяпман. Оккупацияда бўлганларнинг ҳаммаси шубҳа остида...

— Нима? Сизни тушунолмаяпман...

— У болаларга немислар ҳақида гапириб беради. У дудуқланади.

— Кўркқанидан шундай бўлиб қолган. Уйимизда яшаган немис офицери уни роса урган. Ўғлим унга тозалаб берган этигидан кўнгли тўлмаган эди.

— Кўряпсизми... Ўзингиз тан оляпсиз... Сиз душман билан ёнма-ён яшагансиз...

— Ўша душманни Москвага кириб келишига ким йўл қўйди? Ким бизларни бу ерда болалар билан қолдириб кетди?

Жазавага тущдим...

Икки кун ўқитувчи устимдан шикоят қилишидан кўрқиб юрдим. Бироқ у ўғлимни синфида қолдирди...»

«Кундузи немис ва полицайлардан қўрқардик. Кечкурун эса — партизанлардан. Ёлғиз сигиримни партизанлар олиб кетишиди, биттагина мушугим қолди. Партизанлар оч, фазаб отига минган. Сигиримни бўшатиб, етаклаб кетишиди, мен эса уларнинг орқасидан илашдим. Ўн километргача бирга бордим. Қайтариб беринглар, деб ялиниб-ёлвордим. Учта оч-наҳор болани уйга ташлаб келганман. «Хола, қайтинг! Бўлмасам, отиб ташлаймиз», — деб қўрқтишиди.

Урушда яхши одамни топиб кўр-чи...

Ўзимизники ўзимизникига қарши борарди. Кулок килингандарнинг боласи сургундан қайтиб келган. Отаналари ҳалок бўлган, ўзлари эса немис ҳукуматига хизмат қиласди. Ўч олишарди. Биттаси кари ўқитувчини ўз уйидаги отиб ташлади. Кўшнимиз эди. У қачондир отаси ҳақида маълумот бераб, қулоқлаштиришда иштирок этган экан. Ашаддий коммунист эди.

Немислар аввал колхозларни тарқатиб юбориши, одамларга ер бериши. Одамлар Сталиндан кейин эркин нафас ола бошлаши... Солик тўлардик.... Инсоф билан тўлардик... Кейин эса бизларни ёқа бошлаши. Уйимизни, одамларимизни. Мол-холларимизни тортиб олиб, ўзларимизни ёқиши.

Болам, мен сўзлардан кўрқаман. Кўрқинчли сўзлар... Мен ҳаммага яхшилик қилиб, жонимни саклаб қолдим. Ҳеч кимга ёмонлик қилмадим. Ҳаммага раҳмим келарди...»

«Мен армиямиз билан Берлингача бордим...

Қишлоғимга иккита шуҳрат ордени ва медаллар билан қайтдим. Уч кун яшаб, тўртинчи кун онам, сахарда, ҳамма ухлаб ётганида мени уйғотди: «Қизим, сенга улбул нарса солиб қўйдим. Кет, кет, болам... Иккита синглинг бор ҳали. Ким уларни хотин қиласди? Тўрт йил эрекклар билан фронтда бўлганингни ҳамма билади...»

Қалбимга тегманглар. Ундан кўра, бошқаларга ўхшаб медалларим ҳақида ёзинг...»

«Урушда урушдаги каби. Бу сизга театр эмас...

Отрядимиз ялангликда сафланди. Доира бўлиб туриб олдик. Ўртада эса йигитларимиздан Миша К. ва Коля М. Миша жасур разведкачи эди. Гармошка чаларди. Колядан яхшироқ кўшиқ айтадигани йўқ эдй...

Қарорни узоқ вақт ўқиши: қайсиdir қишлоқда икки шиша самогон талаб қилишди, тунда ... уй эгасининг иккита қизини зўрлашди... Бошқа бир қишлоқда:

дәхқоннинг пальтоси ва тикув машинасини олиб қўйиб, уларни дарҳол кўшниларникида ароққа алмашишди... Отишга ҳукм қилинади... Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ.

Ким отади? Отряд жим... Ким? Ҳаммамиз жиммиз... Командирнинг ўзи ҳукмни ижро этди...»

«Мен пулемётчи эдим. Шунчасининг ёстигини куритдим... Урушдан кейин узоқ вақт тувишга жазм қилолмадим. Ўзимга келганимдан кейин түғдим. Етти йил ўтгач...

Аммо ҳозиргacha ўзимни кечира олмайман. Кечирмайман ҳам... Асир немисларни кўрганимда қуонардим: Уларнинг аянчли кўринишидан хурсанд бўлардим: оёқларида этик ўрнига пайтава, бошларида ҳам пайтава... Уларни қишлоқ оралаб олиб боришарди, немислар ялинишарди: «Хола, нон бэринг... нон...» Дехқонлар уйларидан чиқиб, кимдир бурда нон, кимдир картошка бераётганини кўриб ҳайратга тушардим... Болалар колонна орқасидан югуриб, тош отарди.... Аёллар эса йиғлашарди... Икки хил ҳаётда яшаганга ўштайман, бири – эркакларники, иккинчиси – аёлларники...»

«Урушдан сўнг... Инсон ҳаёти сариқ чақага арзимай қолди. Бир мисол келтираман... Ишдан сўнг автобусда қайтаётган эдим, бирдан ғала-ғовур кўтарилди: «Ўғрини тулинглар! Ўғрини ушланглар! Сумкам...» Автобус тўхтади... Дарров оломон тўпланди. Ёшгина офицер болани кўчага олиб чиқиб, қўлини тиззасига қўйиб, шак этиб синдирди. Автобусга қайтиб чиқиб, жойига ўтирди.. Автобус йўлида давом этди... Ҳеч ким боланинг ёни ни олмади, милиция чакирмади. Дўхтир чақиришмади. Офицернинг кўкси уруш медалларига тўла эди.. Бекатимга этиб келганимизда, тушишга тайёргарлик кўра бошладим, у дарров ерга тушиб, қўлини узатди: «Хоним, ўтинг...» Ўзича назокатли...

Буни ҳозир эсладим... Унда эса биз хали ҳарбий одамлар әдік, уруш даври қонунлари билан яшардик. Бу инсонийликданми?»

«Қизил армия қайтди...

Қабрларни қазиб, қариндошларимиз отиб ташланган жойларни кавлашга рухсат беришди. Эски удумларга күра, ўлим олдиде оқ кийимда бўлиш керак: оқ рўмол, оқ кўйлак. Сўнгги нафасимгача буни унутмайман! Одамлар каштагулли сочиқ ташлаб юришарди. Оппоқ кийимларда... Уларни қаердан олишди экан?

Кавлашди... Ким нимани топиб, таниган бўлса ўзи билан олиб кетди. Кимдир аравасида қўлни олиб кетди, кимдир бошни... Одам узоқ вақт ер тагида бутун сақланиб қолиши қийин, ҳаммаси бир-бирига аралашиб-куралашиб кетган. Қум, лойга қоришиб кетган.

Опамни топа олмадим. Бир кўйлак парчасини топиб олган эдим, опамникига ўхшаб кетди, бобом ҳам олиб кетамиз, ҳар ҳолда кўмишга нарсамиз бўлади дедилар. Ана ўша кўйлак парчасини тобутга солдик...

Отам ҳақида «дараксиз» деган қофоз олдик. Бошқалар урушда ҳалок бўлғанлар учун қандайдир пул олишарди, бизни эса сельсоветда қўрқитиши: «Сизларга ҳеч қандай ёрдам йўқ. Балки у немис фрауси билан айшишрат қилиб юргандир. Ҳалқ душмани».

Отамни қирқ йилдан сўнг, Хрущёв даврида қидира бошладим. Горбачёв даврига келиб, жавоб олдим: «рўйхатда йўқ...» Аммо унинг сафдоши топилиб қолди. Отам қаҳрамонларча ҳалок бўлганини эшитдим. Могилёв остонасида танк остига граната билан ташланибди...

Онам шу кунларга етиб келолмагани қалбимни тирнайди. У ҳалқ душмани, хоиннинг хотини тамраси билан ўлиб кетди. Онам кабиларнинг сони кўп эди. Ҳақиқатгача етиб келмадилар. Хатни олиб, онам қабрини зиёрат қилиб келдим. Уни онамга ўқиб бердим...»

«Кўпчилигимиз ишонардик...

Урушдан кейин ҳаммаси ўзгаришига ишонардик...

Сталин ўз халқига ишонишига умид қилдик. Бироқ ҳали уруш тугамасдан эшелонлар Магаданга йўл олди. Голибларнинг эшелонлари... Асирга тушган, немис лагерларида тирик қолган, немислар ишга олиб кетганларнинг ҳаммасини – Европани кўрганларнинг барчасини қамоққа олишди. Улар олисларда одамлар қандай яшаттганлигини, коммунистларсиз ҳаётни, у ердаги уй ва равон кўчаларни, колхозлар ҳеч қаерда йўқлигини айтиб бериши мумкин эди...

Фалабадан сўнг ҳамманинг овози ўчди. Урушдан олдин қандай қўрқсан бўлса, шундай қўрқиб, сукут саклашарди...»

«Мен тарих ўқитувчисиман... Фаолиятим давомида тарих китобини уч марта қайта ёзишди. Ўқувчиларни учта ҳар хил китоблардан ўқитганман...

Тириклигимизда сўраб қолинг. Бизлар кетгандан кейин қайта ёзманглар. Сўранглар...

Одамни ўлдириш нақадар қийин эканлигини биласизми? Мен яширин гурухда ишлардим. Ярим йилдан сўнг офицерлар ишхонасига ишга жойлашиш ҳақида махфий топшириқ олдим... Ёш, чиройли эдим... Мени олишди. Шўрва қайнаётган қозонга заҳар солиб, шу кечаёқ партизанлар олдига кетишим керак эди. Мен эса уларга ўрганиб қолгандим, улар душман бўлса ҳам. Ҳар куни кўз кўзга тушганидан кейин... Улар менга: «Данке шон... Данке шон...» – деб миннатдорчилик билдирардилар. Бу жуда қийин..., Ўлдириш мушкул... Ўлдириш ўлимдан даҳшатли...

Бир умр тарихдан сабоқ бердим... Буни айтиб бериш учун ҳеч қачон сўз топа олмаганман. Қандай айтиб беришни билмасдим...»

Менинг ўз урушим бор эди... Ўз қаҳрамонларим билан узок йўл босдим. Улар каби ғалабимизнинг иккита қиёфаси борлигига ишонмасдим. Биринчидан — жозибали, иккунчиси — кўрқинчли, жароҳатларга тўла, унга қарай олмайсан киши. «Кўл жангиди, одамни ўлдираётуб, кўзига қарайсан. Бу сизга бомба улоқтириш ёки окопдан ўқ узиш эмас», — деб ҳикоя қилишарди.

Ўлдираётган ва ўлаётган одамни тинглаш ҳам ўлимнинг кўзларига тик боқиш демакдир...





## «ЭСЛАШНИ ИСТАМАЙМАН...»

Минск чеккасидаги эски уч қаватли уй. Бундай уйлар урушдан сүнг вақтинга яшаш учун шоша-пыша солинган эди. Унинг атрофини дилни яйратгувчи қалин ясмин буталари ўраб олган. Етти йил давом этган изла-нищим мана шу уйдан бошланди. Фаройиботларга тұла азобли йиллар. Ўзим учун уруш оламини, биз охиригача мәғзини чақа олмаган дүнёни кашф этдім. Дард, нафрат, нафс – бу түйгуларнинг ҳаммасини түйдім. Латифлик ва таҳайюр... Ўлим котилликдан нимаси билан фарқ қилишини англашга, инсонийлик ва ғайриинсонийлик ўртасидаги чегарани илғашга ҳаракат қиласынан. Бошқа одамни ўлдира олиши, ўлдиришга мажбурлиги ҳақидаги телба фикр инсон хаёлига қандай келади? Урушда ўлимдан ташқари яна күплаб бошқа нарсалар ҳам борлигини кашф этаман. Оддий ҳаётимиздаги ҳамма нарсалар урушда ҳам бор. Уруш ҳам бир ҳаёт. Сон-саноқсиз инсоний ҳақиқатлар, сирларга дуч келаман. Илгари ўйлаб күрмаган саволларимга жавоб қидира бошлайман. Масалан, нима учун ёвузылдан ҳайрон бўлмаймиз, унинг мавжудлигидан ҳайратланмаймиз?

Йўл ва йўллар... Мамлакат бўйлаб ўнлаб саёҳатлар, юзлаб ёзib олинган кассеталар, минг-минг метр магни-тофон тасмаси. Беш ўзта учрашув, кейин эса санамай қўйдим, юзлар хотирамда хира торта бошлади, факат товушлар қолди. Хотирамда жўр ижро янграйди. Улкан хор, баъзан сўзлари ҳатто эшистилмайди, факат ҳасрат. Тан оламан: бу йўлни охиригача боса олишимга баъзан ишонмай қолардим, кучим етишидан шубҳаланардим. Қалбимни шубҳа ва гумон, қўркув чулғаб олган дақиқалар: кўп бўлган, баъзан йўлдан тўхтаб, ортга че-

кингим келарди, аммо энди ўзимни түхтата олмасдим. Мен ёвузык асирига айландым, ниманидир тушуниш учун тубсиз жарга мўраладим. Энди, назаримда, маълум билимларга эга бўлдим; бироқ саволлар кўпайиб, унга жавоблар камайди.

Аммо ўшанда, йўл ибтидосида бу ҳақда билмас эдим...

Мени бу уйга шаҳар газетасида эълон қилинган кичик хабар етаклаб келди. Хабарда яқинда «Ударник» Минск йўл машиналари заводида катта ҳисобчи Мария Ивановна Морозовани тантанали равишда нафақага кузатиб қўйганликлари ҳақида ёзилган эди. Ўша хабарда бу аёл урушда снайпер бўлғанлиги, ўн битта медаль билан тақдирланганлиги ва етмиш бешта душманни ўлдирганлиги ҳақида ҳам хабар берилганди. Бу аёлнинг урушдаги касбини тинчлик даврдаги иши, газетадаги сурат, мана шу оддийликнинг барча белгилари билан уйғунлаштириш қийин эди...

Ўрилган сочини боши узра чамбарак қилиб ўраб олган бу кичкинагина аёл юзини қўллари билан беркитиб катта кресло ичига чўкиб ўтиради:

— Йўқ-йўқ истамайман. Яна ўша ерга қайтгим келмайди. Ҳозиргача уруш ҳақидаги фильмларни кўролмайман. Ўшанда ҳали гўдак эдим. Орзу қилиб улғаярдим, улғая орзу қиласдим. Шу орада уруш бошланди. Сенга ҳатто раҳмим келади... Нима деяғанлигимни яхши биламан... Ростдан ҳам шуни билмоқчимисан? Қизимдан сўрагандай сўраяпман...

Албатта ҳайрон бўлди:

— Нега мендан сўраяпсан? Эримнинг олдига боришингиз керак, у эслашни ёқтиради. Командир, генералларнинг исми, часть сонлари — ҳаммаси эсида. Менинг эса эсимда йўқ. Ўзим билан содир бўлган воқеаларнигина эслайман, холос. Ўз урушимни. Атрофда одам кўп, бироқ доим ёлғизсан, чунки ўлим олдида

инсон доим юзма-юз қолади. Мудхиш ёлғизликин эслайман.

Магнитофонни ўчиришни сўради:

— Гапириб беришим учун кўзларинг керак, у эса халақит беради.

Бир неча дақиқадан сўнг эса у ҳакда унутиб юборди...

*Мария Ивановна Морозова (Иванушкина), ефрейтор, снайпер:*

«Бу оддийгина ҳикоя бўлади... оддийгина рус қизининг ҳикояси, мендайлар у пайтда кўп эди...

Кишлогимнинг номи Дъяковское эди. Ҳозир у ерда Москванинг Пролетар райони жойлашган. Уруш бошланди, ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган эдим. Сочларим узун, тиззамга тушарди... Уруш узоққа чўзилади деб ҳеч ким ўйламаганди, эрта-индин тугаб қолади дердик. Душманни ҳайдаб чиқарсан бўлди. Колхозга бордим, кейин ҳисобчилик курсларини тугатдим, ишга кирдим. Уруш эса давом этяпти... Дугоналарим... Тенгдошларим: «Фронтга боришимиз керак», — дейишди. Мана шу масала кўндаланг туарди. Ҳаммамиз военкоматдаги курсларга ёзилдик. Балки орамизда шунчаки ёзилганлар ҳам бўлгандир, билмадим. Жанговар винтовкадан отиш, граната улоқтиришни ўргатишиди. Бошида... тан оламан, винтовкани қўлимга ололмасдим, қўрқардим, ёқимсиз эди. Кимнидир ўлдираман деб сира тасаввур қилмасдим, шунчаки фронтга боришни истардим. Гурухда қирқтacha қиз шуғулланардик. Кишлогимиздан тўртта, нариги қишлоқдан бешта қиз эдик, хуллас, ҳар бир қишлоқдан кимдир бор эди. Ҳаммаси қизлар. Билагида кучи бор эркакларнинг ҳаммаси фронтга кетиб бўлган эди. Баъзан хабарчи ярим кеча келиб, нарсаларни йиғиб олиш учун икки соат мухлат берарди. Уларни олиб кетишарди. Баъзан даланинг ўзидан чақириб олиб кетишарди. (Жим бўлади...) Ҳозир эслолмайман ҳам, рақсларимиз бўлганми, йўқми, бўлган бўлса ҳам қизлар қизлар билан рақс тушарди, йигитлар қолмаганди. Қишлоқларимиз жимиб қолди.

Тез орада комсомол ва ёшлар МҚ чақириғи эълон қилинди, ҳамма Ватан ҳимоясига отлансин, чунки немислар Москва останасигача келган. Гитлер Москвани босиб олишини хаёлимизга келтиролмас эдик. Бунга йўл қўймаймиз! Битта мен эмас... Барча қизлар фронтга бориш истагини билдирилар. Отам аллақачон фронтда эди. Фақат биз фронтга борамиз деб кўксимизга урятмиз деб ўйладик... Военкоматга келсак – биздайлар кўп экан. Оғзим очилиб қолди. Юрагим ҳаприқиб кетди. Танлов эса жуда қаттиқ эди. Авваламбор албатта мустаҳкам соғлик бўлиши керак эди. Мени олишмайди деб қўрқардим, чунки болалигимда тез-тез касал бўлардим, онам айтганидек, суюкларим ҳам нимжон эди. Шунинг учун ҳам мен читтакни кўп хафа қилишарди. Ундан кейин, фронтга кетаётган қиздан бўлак оиласда фарзанд бўлмаса, уларга ҳам рад жавоби бериларди. Онани ёлғиз ташлаб кетиш мумкин эмас эди. Вой, бечора онажонларимиз! Кўзёшдан юzlари шишиб кетарди... Бизни урушишарди, бизга ялиниб-ёлворишарди... Менинг яна иккита синглим ва иккита укам бор эди, мендан анча кичкина бўлишса ҳам, барибир ҳисобга ўтарди. Яна битта важ – колхоздан ҳамма кетган, далада ишлайдиган одам қолмаганди, раисимиз бизни юборгиси келмади. Бир сўз билан айтганда, бизга йўқ дейишиди. Комсомол райкомига бордик, у ёрда ҳам рад жавобини олдик. Шундан сўнг районимиздан делегация бўлиб комсомол обкомига бордик. Юрагимизда олов, кўзларимиз чақнарди. Бизни яна уйга жўнатишиди. Кейин қарор қилдик, Москвага келдикми, комсомол МҚга, энг тепага, биринчи секретарга бориш керак. Охиригача курашамиз... Ким доклад қилади, ким орамизда жасур? Секретарь олдига боргандарнинг биринчиси бўламиз деб ўйлагандик, борсак, секретарь олдига кириш у ёқда турсин, коридорга кириб бўлмайди. Бутун мамлакатдан ёшлар тўпланганди, оккупацияда бўлганлар кўп, яқинлари ўлими учун қасос олишга ошикарди. Бутун

Союздан келишганди. Ҳа-ха... Биз ҳатто бироз шошиб ҳам қолдик...

Оқшом тушгач, секретарь олдига киришга мұяссар бўлдик. «Отишни билмасанглар, қандай қилиб фронтга борасизлар», – деб сўрашди. Жўр овозда «Ўргандик» деб жавоб бердик. «Қандай? Қаерда? Жароҳатни боғлашни биласизларми?» Военкомат қошидаги курсларда район дўхтири жароҳатларни боғлашни ўргатганди. Жавобимиздан кейин ўйланиб қолишиди, бизга жиддийроқ қарай бошлиашди. Яна бир ютуғимиз бор: биз ёлғиз эмасмиз, биз каби отишни биладиган, биринчи тиббий ёрдам кўрсата оладиган яна қирқта қиз бор. Бизга: «Уйга қайтиб, кутинг. Масалангиз ижобий хал қилинади», – дейишиди. Нақадар баҳтиёр эдик! Ҳеч ёдимдан кўтарилимайди... Ҳа-ха...

Бир-икки кундан кейин оқ кўлимиизга чақирув қоғозини тутқазишиди...

Военкоматга келдик, бизни шу заҳоти бир эшикка киритиб, иккинчисидан чиқаришиди – сочимни чиройли қилиб ўриб олгандим, уни военкоматга ташлаб келдим... Бошимни солдатларникига ўхшаб қиртишлаб ташлашиди... Кўйлагимни ҳам олиб қўйишиди. Онамга на кўйлагимни, на соchlаримни бера олдим. «Бирон нарсангни эсадаликка қолдир», – деб роса ялинганди. Гимнастёрка, пилоткаларни кийдириб, кўлимиизга кийим қоплар бериб, юқ составга пичан устига ортишиди. Пичан ҳали нам, ундан даланинг иси келарди.

Юкларимизни кувноқлик билан ортдик. Ўйнаб-кулиб. Ҳазил-мутойиба билан. Кўп кулганимиз эсимда.

Қаерга боряпмиз? Билмасдик. Ким бўлишимиз ҳам муҳим эмас, фронтга борсак бўлди эди. Ҳамма жангда, биз ҳам борамиз. Шёлково станциясига келдик, унинг яқинида снайперлар мактаби бор экан. Бизни ўша ерга жўнатишиби. Снайперликка. Хурсанд бўлиб кетдик. Ахир, бу – ҳақиқий. Отамиз.

Ўргана бошладик. Гарнizon хизмати, интизом низомларини ёдлардик, жойларда маскировка қилиш,

кимёвий химояланишни ўрганардик. Ҳамма қизларимиз астайдил ўқирди. Снайперкани юмук кўз билан бузиб, уни қайта териш, шамол тезлиги ва нишон харакатини аниқлаш, ўра қазиш, ер бағирлаб-юришни ўргандик. Буларнинг ҳаммасини аъло даражада бажаардик. Тезроқ фронтга... оловга ташлансан эди. Ҳа-ҳа... Курсларни тугатиб, имтиҳонларни беш баҳога топширдим. Энг қийини тревога эълон қилинганида туриб, беш дақиқа ичида тайёр бўлиш эди. Кийишга вақтимиз кетмасин деб этикнинг бир-икки ўлчам каттасини олардик. Беш дақиқа ичида кийиниб, саф тортишга улгуриш кепрак эди. Пайтава ўрамасдан этик кийиб, сафга югуриб чиққан ҳолатлар ҳам бўлган. Бир қизимиз оёғини музлатиб қўяй деган. Старшина қўриб, танбех берди, кейин пайтава ўрашни ўргатди. Тепамизда туриб олиб: «Кизлар, қизларжон, сизлардан қандай қилиб фрицлар учун хўрак эмас, солдатларни тайёрласам экан?» – деб тўнгилларди. Кизлар, қизалоқлар... Ҳамма бизни яхши кўрарди, бизга раҳмлари келарди. Биз эса авайлашгандари учун хафа ҳам бўлардик. Бошқа солдатлардан кам жойимиз борми?

Мана, фронтга ҳам етиб келдик. Орш остонасига... Олтмиш иккинчи ўқ отиш дивизиясига... Командиримиз, полковник Бородкин, бизни кўриб, жаҳли чиқиб кетди: бир этак қизларни жўнатишибди. Бу нима, хотин ошими дегандай. Кордебалет! Бу ерда уруш бўляпти, тўй эмас. Даҳшатли уруш... Бироқ кейин хонасига таклиф қилиб, тушлик билан сийлади. Қарасак, адъютантидан: «Чой билан ичишга бирон ширинлик борми?» – деб сўраяпти. Албатта дарров хафа бўлдик: бизни ким деб ўйлайпти ўзи? Биз жанг қилгани келдик. У эса бизни солдат эмас, қизлардек кўряпти. Ёш жиҳатдан қизи тенги эдик. «Азизларим, сизларни нима қиласман? Сизларни қаердан йиғиб олишди экан?» У бизга шундай муомала қилганди, шундай кутиб олганди. Биз эса ўзимизни жангчимиз, урушдамиз деб ўйлабмиз! Ҳа-ҳа...

Эртасига қандай отишимизни, жойларда қандай маскировка қилишимизни күриш учун машфулотга чақирди. Отиши айло даражада бажардик, хатто жантан иккى кунлик курсларга чақыртирилгандар эркак снайперлардан хам яхши отидик. Улар эркакларнинг ишини бажараётганимиздан ҳайратланишарди. Улар аёл снайперларни ҳаётида илк бор кўраётган бўлса керак. Отишдан сўнг жойларда маскировка қилиш текширилди... Полковник келиб, ялангликни кўздан кечира бошлади, кейин битта дўнгликка туриб олди – барибир ҳеч нима кўринмаяпти. Шунда тагидаги дўнгликдан садо чикди: «Ўртоқ полковник, ортиқ чидомлайман, оғир экансиз». Ҳамма қотиб кулди! Полковник шу даражада билдиримай маскировка қилиш мумкинлигига ишонмасди. «Энди қизлар хусусида гапимни қайтариб оламан», – деди. Лекин барибир биз билан қийналарди... Бизга узоқ кўникишига тўғри келди...

Биринчи марта «ов» (снайперлар шундай дейишади) га чиқдик, шеригим Маша Козлова эди. Маскировка қилдик, ётибмиз: мен кузатяпман, Машанинг қўлида винтовка. Маша менга:

– От, от! Қара, немис... – дейди.

Мен унга:

– Мен кузатяпман. Сен от! – дедим.

– Биз бу ерда тортишгунимизча, – дейди у, – немис кетиб қолади.

Мен эса унга ўзимнигини маъқулляяпман:

– Олдин ўқ отиш харитасини чизиб олиш, мўлжални тушириш керак: омбор қаерда, қайнилар қаерда...

– Сен мактабдагидай қофозбозлик қилмоқчимисан?

Мен қофозбозлик қилишга эмас, отишга келганман!

Қарасам, Машанинг жаҳли чиқяпти.

– Унда нега турибсан? От!

Яна узоқ вақт сен-менга солиб турдик. Бу пайт немис офицери солдатларга кўрсатма бераётганди. Арава келди, солдатлар тизилиб, қандайдир юкни қўлма-қўл узатишиди. Офицер бироз туриб, буйруқ берди, кейин

күзимиздан ғойиб бўлди. Биз эса тортишиб турибмиз. Қарасам, иккинчи марта кўринди, энди яна ўтказиб юборсак, бошқа имкон бўлмайди. Учинчи марта пайдо бўлганида, -бу-эса бир он ҳолос, бир пайдо бўлади, бир йўқолади, отишга қарор қилдим. Қарор қилдиму, миямда бир фикр ярқ этди: ахир у одам-ку, майли душман бўлсин, барибир одам-ку, қўлларим қалтирай бошлади, бутун танамни титроқ босди. Қандайдир кўркув... Баъзан ҳозир ҳам тушларимда мана шу туйфу қайтиб келади... Қоғоз нишонлардан сўнг тирик одамга ўқ узиш ниҳоятда қийин. Мен уни оптик нишонимда яхши кўриб турибманку. Гўё ёнимда тургандай... Ичимда нимадир қаршилик кўрсатарди... Нимадир ушлаб турарди, қўлим бормасди. Аммо ўзимни қўлга олдим, тепкини босдим... Қўлларини баланд кўтариб, ерга йиқилди. Ўлдими, йўқми, билмадим. Бироқ шундан сўнг бутун вужудимни титроқ босди, кўркув чулғаб олди: мен одам ўлдиридимми?! Бу фикрнинг ўзигаёқ ҳали кўнишиш керак. Ҳа... Қисқаси таърифлаб бериб бўлмайдиган даҳшат! Буни унутиб бўлмайди...

Взводимизга қайтиб келиб, мен билан содир бўлган ҳолатни айтиб берганимизда, йиғилиш қилишди. Комсоргимиз Клава Иванова менга уқтира бошлади: «Уларга шафқат қилиш керак эмас, улардан нафратланишимиз керак». Фашистлар унинг отасини ўлдиришган эди. Баъзан, қўшиқ хиргойи қилсак, илтимос қиласади: «Қизлар, керак эмас, мана шу ифлослар устидан ғалаба қозонайлик, ўшанда қанча куйласак арзийди».

Аста-секин... Ҳаммаси дарров бўлгани йўқ. Нафратланиш ва ўлдириш аёлларнинг иши эмас. Бу бизга хос эмас... Ўзимизни ишонтиришимиз, дилимизни кўндиришимиз керак эди...»

Бир неча кундан сўнг Мария Ивановна менга қўнфироқ қилиб, ўзининг фронтдаги дугонаси Клавдия Григорьевна Крохина хонадонига таклиф этади. Мен яна бир бор шу икрорни эшитаман...

Клавдия Григорьевна Крохина, катта сержант, снайпер:  
«Биринчи марта албатта қўрқинчли... Жуда қўрқинчли...

Ётиб олдик, мен кузатяпман. Қарасам, немислардан бири окопдан бошини кўтарди. Тепкини босдим – у йикилди. Биласизми, бутун баданим қақшади, суякларим зиркираб кетди. Йиғлавордим. Нишонларда машқ қилганимда бошқача эди, ҳозир эса одам ўлдирдим! Мен ўлдирдим! Менга нотаниш бўлган бир кимсани ўлдирдим. У ҳакда ҳеч нимани билмасам-да, уни ўлдирдим.

Кейин ўтиб кетди. Бунга бир воқеа сабаб бўлди... Бу шундай содир бўлганди... Биз хужумда эдик, кичик бир қишлоқ оралаб борар эдик. Украинада бўлса керак. Йўл ёқасида баракми, уйми, нималигини тушуниб бўлмасди. Чунки ҳаммаси ёниб кулга айланган. Қопкора тошлар қолганди, холос. Фақат уй пойдевори. Кўп қизларимиз боришни истамади, бироқ мени нимадир ўша ёқقا тортди... Мана шу кул орасида одам суя克拉ни топдик, улар орасида кора юлдузчалар бор эди. Бу ерда ярадорларимиз ёки асиrlаримизни ёқиб юборишиган. Шу воқеадан сўнг қанча ўлдирсан ҳам, сира ачинмадим. Мана шу кора юлдузларни кўришим билан, юрагим нафратга тўлди...

...Урушдан соchlарим оқариб қайтиб келдим. Ёшим йигирма бирда, сочим эса оппоқ. Оғир жароҳатланган эдим, контузия, бир қулогим яхши эшитмасди. Онам: «Келишингга ишонардим. Уззу кун сен учун ибодат қилдим», – деган сўзлар билан кутиб олди. Акам фронтда ҳалок бўлди.

Онам йиғлардилар:

– Киз туғасанми, ўғилми энди фарки йўқ. Лекин у эркак. Ватанини химоя қилиш – унинг бурчи. Бироқ сен киз боласан-ку! Худодан бир нарсани сўрардим, сени бадбашара қилиб қўйганидан кўра ўлдиргани яхши. Нукул станцияга... поездлар олдига борардик. Бир сафар

у ерда юзи күйиб кетган ҳарбий қизни күриб қолдим... Сен деб ўйлаб, сесканиб кетдим! Кейин у учун ҳам ибодат қилдим.

Мен Челябинск областиданман. Уйимиз яқинида қандайдир кончилик ишлари олиб бориларди. Портлашни эшитишим билан, нимагадир доим кечаси портлатишарди, бир зумда жойимдан иргиб туриб, дархол шинелимни қўлимга олардим — қочмоқчи бўлардим, қаергадир югуришим керак эди. Онам мени маҳкам кучоклаб, кўксига босарди. Тинмай пичирларди: «Уйғон, уйғонсанг-чи. Уруш тугади. Уйдасан, ахир». Онамнинг «мен сенинг онангман. Онангман...» деган сўзлари мени хушимга келтиради. У овоз чиқармай, охиста шивирларди... Баланд овозлар ҳам мени чўчитарди...»

Хона иссиқ, бироқ Мария Ивановна катта жун рўмолга бурканиб олади — у совқотялти. Давом этади:

«Тезда солдатларга айландик... Биласизми, узоқ ўйлаб ўтиришга... хиссиятларимизни таҳлил қилишга вақтимиз йўқ эди...

Разведкачиларимиз немис офицерини асирга олишиди, у қўл остидаги кўплаб аскарларнинг отиб ташлангани ва аксарияти бошидан ўқ еганига ҳайрон бўлганди. Ҳаммаси деярли битта жойга. Унинг фикрича, оддий ўқчи нукул бошни нишонга ололмайди. Ҳайратланарли даражада аник. «Шунча аскарларимни нобуд қилган ўша мерганни менга кўрсатинглар, — деб илтимос қилди у. — Катта мадад кучи олган эдим. Ҳар куни ўнга яқин солдатим ўларди». Полк командири унга шундай деди: «Афсуски, кўрсата олмайман, у снайпер қиз эди, бироқ у ҳалок бўлди». Бу Саша Шляхова эди. У снайперлар курашида нобуд бўлди. Уни қизил шарфи ҳалок қилди. У айнан шу шарфини жуда яхши кўтарди. Қизил шарфни қорда пайқаш осон, бу — демаскировка. Немис офицери снайпер қиз бола эканлигини эшитиб лол қолди. Нима деб жавоб беришни билмас эди. Узоқ вақт жим турди. Сўнгги

сүрекда, уни Москвага юборишдан олдин (каттасини тутган эканмиз) тан олди: «Хеч қачон аёллар билан жанг қилмагандим. Ҳаммангиз чиройли экансиз... Бизга эса Қизил армия сафида аёллар эмас, гермофродитлар жанг қиласы деб уқтиришарди...» Хеч нарсаны тушунмабди. Ҳа... буни унуби бўлармиди...

Биз жуфт-жуфт бўлиб юрадик, эрталабдан кечгача бир ўзинг ўтира олмайсан, кўзларинг тиниб, ёшланиб кетади, қўлларингни ҳис қилмайсан, бутун баданинг ҳаракатсизликдан увушиб қолади. Баҳорда ундан ҳам қийин. Қор устида ётасан, у эса эриб боради – бўкиб қоласан. Сузиб борасан, баъзан ерга музлаб ёпишиб ҳам қоласан. Саҳарда чиқасан, куёш ботгандан сўнггина ортга қайтасан. Ўн икки соат, баъзан ундан ҳам кўп қорда писиб ётардик, баъзида дараҳт учига, омборхона ёки вайрон қилингандар уйлар томига чиқиб олиб, ҳеч ким қаердан кузатаётганимизни сезмаслиги учун маскировка қилардик. Яқинроққа жойлашишга ҳаракат қилардик: немислар ётган траншеялардан бизни етти юз-саккиз юз, ҳатто беш юз метр масофа ажратиб турарди. Эрта тонгда ҳатто гапларини, кулганларини ҳам эшитардик.

Нимага қўрқмаган эканмиз, билмайман... Ҳозир буни тушунолмайман...

Хужумда эдик, шиддат билан олға борарадик... Ҳолдан тойдик, таъминотимиз анча орқада қолиб кетди: ўқ-дори тугади, озиқ-овқатни еб тугатдик, ошхонамизга снаряд тушиб, вайрон бўлди. Шеригимни ўлдиришди, мен эса янгиси билан олд чизикдаман. Қарасам, нейтрал худудда тойчоқ чопқиллаб юрибди. Бирам чиройли, майин ел ёлини ҳар томонга тўзғитарди. Хеч нарса бўлмагандай, уруш бўлмаётгандай бемалол юрибди. Немисларнинг ҳам уни кўрибчувиллашиб қолгани эшитиляпти. Бизнинг аскарларимиз ҳам бир-бирига:

– Қўлдан чиқади-ёв, шўрва қилсак ёмон бўлмасди, – деб пичирлашяпти.

– Бундай узоқликда автоматда отиб бўлмайди.

Бизни күриб қолишиди:

— Снайперлар келишяпти. Ҳозир уни боплашади...  
Қани, қызлар!

Мен ўйлашга ҳам улгурмадим. Өдатта кўра нишонни олиб, отдим. Тойчоқнинг оёқлари букилиб, ёнбошлаб йикилди. Ингичка овозда кишнагандай бўлди. Балки менга шундай туюлгандир.

Кейин миямга урди: нега уни ўлдирдим? Шундай чиройли тойчоқ эди. Мен эса унга ўқ уздим, уни шўргага тиқдим. Орқамда кимнингдир ҳикиллаб йиғлаётганлиги эшитилди. Қарасам, бу янги қизимиз экан.

— Сенга нима бўлди? — деб сўрадим.  
— Тойчоққа раҳмим келяпти, — кўзи тўла ёш.  
— Жуда раҳмдил экансан-у! Уч кундан бери очлигимиз билан ишинг йўқ. Ҳали ҳеч кимни кўммадинг, шунинг учун раҳминг келяпти. Ўқдори тўла коп билан оч қоринга бир кунда ўттиз километр йўл босиб кўр. Олдин фрицларни ҳайдаб чиқарайлик, кейин оҳ-воҳ қиласиз. Кейин куйиб-пишамиз, кейин... Тушуняпсанми... Кейин...

Аскарларимизга нажот билан қарайман, улар ҳозиргина мени қиздириб, қўллаб-кувватлашаётган эди. Ҳозиргина... Бир неча дақиқа олдин... Ҳеч ким менга қарамаяпти. Ҳаммаси ўз иши билан машғул. Кимдир сигарет чекяпти, кимдир ер кавляяпти... Яна кимдир ниманидир ўткирлаяпти... Мен нима қилишим керак! Ўтириб олиб йиғласам ҳам ишлари йўқ. Гўё мен қассобман, тап тортмай истаган жонзотни сўйиб кетаверадиган. Ахир, болаликдан ҳайвонларни яхши кўрардим. Мактабга борган вакъларимда сигиримиз касал бўлиб қолганди. Кейин уни сўйиб олишди. Икки кун йиғлаганман. Ўзимни тўхтата олмасдим. Ҳозир-чи? Паҳ этиб бегуноҳ бир тойчоқни отиб ташладим. Икки йил деганда биринчи марта тойчоқни учратишим...

Кечки овқатни олиб келишиди. Ошпазлар: «Баракалла, снайпер! Бугун қозонимизда гўшт қайнади». Овқатларимизни кўйиб кетишиди. Қизларим эса овқатга

кўл урмай ўтиришибди. Дарров тушундим – кўзимга ёш тўлиб, ергўладан чиқиб кетдим... Қизларим орқамдан югуриб чиқиб, мени тинчлантиришга уринишиди. Тезда идишларини қўлларига олиб, овқатларини еб тугатишиди...

Ха, шунақаси ҳам бўлган... Ха... унутолмайсан киши...

Оқшом албатта ўзимизнинг гапларимиз бўларди. Нима ҳақда гаплашардик? Албатта уйимиз хақида, ҳаммамиз оналаримиз хақида сўзлаб берардик, кимнингдир отаси ёки акаси фронтга кетган, шуларни айтиб берарди. Урушдан сўнг ким бўлишимиз хақида ҳам. Турмушга чиқишимиз, эрларимиз бизни сева олармикан, шуни ўйлардик. Командиримиз устимиздан куларди:

– Эҳ, қизлар! Зўрсизлар-у, лекин урушдан кейин йигитлар сизларни хотин қилишга кўркса керак. Нишонга олиб ўрганиб қолгансизлар, ликопчани тўғри пешонасига отиб, ўлдириб қўясизлар.

Турмуш ўртогимни урушда учратганман, битта полкда хизмат қилганимиз. Икки марта яраланган, контузия олган. Урушда бошидан охиригача бўлган. Ундан кейин ҳам бир умр ҳарбий эди. Унга уруш нималигини тушунтиришнинг хожати йўқ. Қаердан, қай ахволда қайтганимни билади. Овозимни кўтариб гапира бошласам, у ё бунга аҳамият бермайди, ё индамай қўя қолади. Мен ҳам уни кечираман.. Мен ҳам буни ўргандим. Иккита фарзандни катта килдик, институтларни тугатишиди. Битта қиз, битта ўғил.

Яна нима айтиб берсам экан... Мени уйимга жўнатишиди, Москвага келдим. Москвадан уйимизгача яна анча юриш керак, бир неча километр пиёда. У ер ҳозир метро бўлган, у вактларда эса эски олча боғлари ва чуқур жарликлар бор эди. Битта жар жуда чуқур экан, ундан ўтишим керак. У ерга боргунимча, қоронғу тушиб қолди. Нима қилишни билмай, анчагача караҳт бўлиб турдим. Орқага қайтиб, тонг отишини кутсаммикан ёки кўзимни шартта юмиб олға боссаммикан. Ҳозир эсласам, кулгим келади: ортимда фронт қолди, нималарни кўрмадим, саноқсиз майитларни

ҳам, күп нарсаларни. Энди эса жардан ўтишга қўрқиб турибман. Ҳозиргача маҳорка ҳиди билан аралашиб кетган ўликлар ҳидини унутолмайман... Бирок ўша қизчалигимча қолдим.. Вагонда келаётганимизда... Германиядан уйга қайтаётган эдик... Кимнингдир рюзагидан сичқон чиқди. Қизларимиз ўрниларидан тура қочишиди, тепада ётганлар пастга ағанаб тушишиди. Кий-чув. Биз билан капитан борар эди. «Ҳар бирингизда медаль бор, сичқондан қўрқиб ўтирангиз», – деб ҳайрон бўларди.

Бахтимга юк машинаси кўринди. Қўл кўтардим.

Машина тўхтади.

– Дъяковскийгача, – деб қичқирдим.

– Мен ҳам Дъяковскийга, – эшикни ёш йигитча очди.

Кабинага сакраб чиқдим, у чемоданимни орқага ташлаб ўтирди, юрдик. Эгнимдаги форма, кўксимдаги медалларимни кўриб сўради:

– Нечта немисни ўлдирдингиз?

– Етмиш бешта, – деб жавоб бердим.

Кулимсираб:

– Алдаманг, биттасини ҳам кўрмагандирсиз? – деди.

Шу тоб уни таниб қолдим:

– Колька Чижов? Сенмисан? Сенга қизил галстук бойлаганим эсингдами?

Бир вақтлар урушгача мактабда пионерлар етакчиси бўлиб ишлагандим.

– Маруська, сизмисиз?

– Менман...

– Ростданми? – машинани тўхтатди.

– Уйгача обориб қўярсан, нега ўйл ўртасида тўхтадинг? – Кўзимга ёш тўлди. Қарасам, унинг ҳам кўзлари тўла ёш. Қандай учрашув!

Уйимизга келдик, чемоданимни кўтариб онамнинг олдига югарди, чемодан билан ҳовлида чарх уриб айланаб юрибди:

– Тезроқ чиқинг, холажон! Қизингизни олиб келдим!

Эсдан чиқмайды... Буни қандай унутаман?

Қайтиб келганимдан кейин ҳаммасини бошидан бошлашга түфри келди. Пошнада юришга ўргандим, фронтда уч йил этикда юргандик. Корнимизни ичимизга тортиб, камарда юришга ўрганиб қолгандик. Кийимларимиз қопдек осилиб турганга ўхшарди; ўнғайсизланардик. Юбка... күйлакларга даҳшат билан қарадим. Фронтда доим шимда юрганмиз, кечқурун уларни ювіб, то-залаң, тагимизга қўйиб ётардик, дазмолланиб қоларди. Сал намлиги қоларди. Совукда эса юпқа муз билан қопланарди. Юбкада қандай юрамиз? Оёғинг чалкашиб кетаётганга ўхшайди. Кўйлак, туфлида кетаётиб, офицерни қўриб қолсак, қўлимиз беихтиёр чаккамизга кетиб қолади. Барча давлат идораларида паёкка ўрганиб қолганмиз: нон дўконига келиб, кераклигича нон олиб, пул бериш эсдан чиқиб кетиб қоласан. Сотувчи эса сени таниб қолган, нима гаплигини дарров тушунади, бироқ эслатишни ўзига эп кўрмайди, сен. эса олдинг-кетдинг. Кейин эса ёдингга тушиб уяласан, эртасига узр сўраб, бошқа нарса олиб, ҳаммасига бирдан тўлаб кетасан. Одатий нарсаларни қайта ўрганиш, одатий ҳаёт, оддий ҳаётга қайтиш керак бўлади. Кимга дардингни айтасан! Кўшнинг... онанг олдига югарасан...

Яна нималар ҳаёлимдан ўтади... Биласизми? Уруш қанча давом этди? Тўрт йил. Жуда узоқ... Қушларни ҳам, гулларни ҳам эслолмайман. Эҳтимол улар бўлгандир, бироқ уларни эслолмайман. Ҳа-ҳа... Фалати, ҳа? Ахир уруш ҳақидаги: кинолар рангли бўлмайди, тўғрими? Урушда ҳаммаси қора рангда. Фақат қоннинг ранги бошқача, у қизил рангда...

Маша Алхимова деган қизимизни яқиндагина топдик. Саккиз йил бўлди: Артдивизион командиримиз жароҳат олганди, у командирни кутқариш учун эмаклаб кетди. Олдинда снаряд портлади... Нақ бурнининг остида... Командир ўлди, унинг ёнига етиб боролмади, Машанинг иккала оёғи мажақланиб кетганди. Оёқларини зўрға боғладик. Қийналиб кетдик. Унақасига ҳам, бунақасига

ҳам ўраб кўрдик. Замбилга солиб, медснабга олиб кетаётганимизда: «Кизлар, отиб ташланглар. Бу ахволда яшагим келмаяпти», – деб роса ялинди. Илтижо қилди. Уни госпиталга жўнатиб юбориб, ўзимиз ҳужумга киришдик. Кейин, эсимизга тушиб, қидиришга тушганимизда, Маша изсиз йўқолганди. Қаерда, нима қилаётганлигини билмасдик. Шунча йил қидирдик... Ҳамма ёққа ёздин, ҳеч ким ижобий жавоб бермади. Москвадаги 73-мактаб ёш изқуварлари катта ёрдам кўрсатди. Ўша мунчоккўз ўғилқизлар... Улар уни урущдан сўнг ўттиз йил ўтгач, узоқ Олтойдаги ногиронлар уйидан топишиди. Жуда узокда. У ётмаган ногиронлар уйи, госпиталлар қолмабди, ўнлаб операцияларни бошидан ўтказибди. У ҳатто онасига ҳам тирикман деб хабар бермаган... Бутун оламдан яшириниб олибди.... Уни учрашувимизга олиб келдик. Кўз ёшларига чўмилди. Кейин онаси билан учрашув уюштиридик... Тасавур қилинг, орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтиб, улар учрашдилар... Онаси ақлдан озай деди: «Яхшиям ғамқайғудан юрагим олдинроқ ёрилиб ўлмадим. Накадар бахтлиман!» Маша эса: «Энди учрашишдан қўрқмайман. Чунки энди қаридим», – деб тинмай такрорларди. Шунақаси ҳам бўлган ... Қисқаси... Уруш дегани шунака бўлган...

Мижжа қоқмай ертўлада ётган оқшомни ҳали-ҳануз эслайман. Уйку йўқ. Қаердадир артиллерия тириллайди. Бизникилар отишяпти... Ҳаёт эса шу қадар ширин. Сира ўлгинг келмайди... Керак бўлса Ватаним учун жоними ни фидо қиласман деб ҳарбий қасамёд қилганман, бироқ ўлгим келмасди. У ердан тирик қайтсанг ҳам, қалбингда оғриқ қолади: Энди эса қўлимгами, оёғимгами ўқ еганим яхши эди, деб ўйлаб қоламан. Ундан кўра танам азоб егани яхши эди. Қалбим оғриганидан кўра... Чексиз азоб. Фронтга келганимизда ҳали жуда ёш эдик. Қизалоқлар эдик. Уруш давомида ҳатто ўсиб ҳам қолибман. Онам уйда ўлчаб кўрдилар.. Ўн сантиметрга ўсибман...»

Хайрлашиш чоғида тафтли қўлини ўнғайсизгина чўзиб, бағрига босади: «Мени кечир...»



## «ҚИЗЛАР, БИРОЗ УЛҒАЙИНГ... ХАЛИ ФҮРСИЗЛАР...»

Овозлар... Ўнлаб овозлар... Улар ҳар томондан бoshимга ёғилиб, менга ўзгача бир ҳақиқатнинг юзини очди. Энди бу ҳақиқат менга болаликдан таниш бўлган жўнгина «Биз ғалаба қозондик» деган формулага сифмай қолди. Бир зумда кимёвий реакция содир бўлди: баландпарвоз гаплар саноқсиз инсон тақдирларининг тирик хужайраларида эриб кетди. У энг қисқа умр кўрувчи нарса экан.

Сўзлар ортида яна нимадир сақланиб қолса, мана шу тақдир дегани бўлади. Ўн йиллар ўтгач нимани эшитишини истайман? Москва ёки Сталинград остонасида уруш қандай кечганиними, ҳарбий операциялар тасвириними ёхуд забт этилган баландлик ва тепаликлар номиними? Қисм ва фронтлар ҳаракати, чекиниш ва хужум, портлатилган эшелонлар ва партизанлик рейдлари сони менга керакми? Булар ҳақида минглаб жилд китоб ёзилганку, ахир. Йўқ, мен бошқа нарсани изляпман. Мен ўзим қидираётган нарсани рух ҳақидаги билим деб атаган бўлардим. Рухий ҳаёт изидан бормокдаман, қалб тарихини ёзib боряпман. Мен учун воқеанинг ўзидан кўра у ердаги рухият муҳимроқ, бу қандай бўлганилиги аҳамиятсиз, иккиламчӣ, мени бошқа нарса – у ерда одамлар билан нима содир бўлганлиги хавотирга солади, қалбимни ўртайди. У ерда нимани кўрди, ҳаёт ва ўлим, борингки, ўзи ҳақида нимани англади? Ҳиссиётлар тарихини битяпман... Қалб тарихини... Уруш ёхуд давлат тарихини эмас, қаҳрамонлар ҳаётини эмас, оддийгина ҳаётдан ҳайбатли воқеотнинг тубсиз қаърига, Буюк тарихга улоктирилган кичкинагина одам тарихини ёзяпман.

Қирқ биринчи йил қизлари... Тилимниң учидар турган илк савол: бундай қизлар қаердан келди? Нега улар шу қадар күп эди? Эркаклар билан тенгма-тeng күлларига курол... олишга қандай жазм эта олдилар? Отиш, миналаш, граната улоқтириш, портлатиш, умуман, ўлдиришга уларни нима мажбур қилди? Пушкин ҳам «Замондош» журналида Наполеон билан бўлган жангда иштирок этган кавалерист аёл Надежда Дурованинг кундалигидан парча эълон қилаётib, ўзига айнан шу саволни берган: «Эътиборли дворянлар оиласидан чиққан ёш гўзал қизни ота уйидан воз кечиб, аёллигини унутиб, ҳатто эркакларни ҳам қўрқитадиган вазифаларни ўз зиммасига олишга, жанг майдонига қилич кўтариб чиқишига нима ундади экан? Унга ўхшаган наполеончилар жуда кўп эди. Нима сабаб бўлди? Ҳеч кимга ошкор этолмаган севги изтиробларими? Хомхәёлми? Асов юракми? Ишқми?»

Нима?! Юз йил ўтса-да, ҳануз ўша савол...

### Қасам ва ибодат ҳақида

«Гапиришни истайман... Гапиришни! Тўйиб гапириб олишни! Нихоят бизни ҳам тинглайдиганлар топилди. Шунча йил сукут сақладик, ҳатто уйда ҳам гапиролмасдик. Шунча йил. Урушдан қайтган дастлабки йилларим мен тинмай гапирадим. Ҳеч ким тингламасди. Сўнг жим бўлдим... Келганинг яхши бўлди. Бир умр қимнидир кутиб яшадим, кимдир келишини, келиши кераклигини билардим. Ўшанда ҳали ёш эдим. Жуда ёш. Афсусланаман. Биласанми нимадан афсусланишимни? Буни ҳатто эслаб колишга ҳам қодир эмасдим...

Урушдан бир неча кун олдин дўгонам билан уруш ҳақида гаплашгандик, ҳеч қандай уруш бўлмаслигига ишончимиз комил эди. У билан кинога боргандик, кинодан олдин журнални намойиш қилишган эди: Риббентроп билан Молотов қўл ушлашиб туришарди. Дикторнинг Германия Совет Иттифоқининг дўсти

эканлиги ҳақидаги сүзлари миямизга муҳрланиб қолди.

Бир ой ўтmasдан немис армияси Москва остонасига етиб келди...

Оиламизда саккиз нафар фарзанд эдик. Тўртта катта фарзанднинг ҳаммаси қизлар, мен уларнинг тўнгичиман. Бир сафар дадам ишдан келиб кўзёш қилди: «Катталарим киз бўлганига қачонлардир чексиз кувонгандим. Сизларни келин бўлади деб орзу қилгандим. Энди эса... Ҳар бир хонадондан кимдир фронтга кетган, бизда эса борадиган одам йўк... Мен қариман, мени олишмаяпти, сизлар киз боласизлар. Ўғилларим ҳали кичкина». Оиламизнинг хар бир аъзоси буни алланечук юрагига яқин олганди.

Ҳамширалар курси ташкил этилганида отам синглим билан мени ўша курсларга олиб борди. Мен ўн беш ёшдаман, синглим эса ўн тўртда. Отам: «Фалаба учун қизларимдан бўлак ҳеч нарса беролмайман», – дея тақрорларди. У пайтда ҳеч ким бошқача ўйламасди.

Бир йилдан сўнг фронтга бордим...».

*Наталья Ивановна Сергеева, оддий аскар, санитар*

«Дастлабки кунлар... Шаҳарда тартибсизлик ҳуқмрон. Ур-тўполон. Даҳшатли қўркув. Ҳамма айғоқчи тутиш билан овора. Бир-биримизни ғалабага ишонтирадик. Армиямиз қақшатқич зарба олганлигига ишонгимиз келмасди. У бир неча ҳафта ичидан тор-мор қилинди. Миямизга ўзга юртда жанг қиламиш деб қуишиарди. «Бир қарич еримизни ҳам бермаймиз...» Энди эса... чекиняпмиз...

Урушгача Гитлер Совет Иттифоқини босиб олмоқчи қабилидаги узунқулоқ гаплар юрарди, бироқ буни гапириш қатъян ман этилган эди. Буни тегишли органлар назорат қиласди... Қандай органлар ҳақида гап кетаётганигини яхши тушунсангиз керак? НКВД... Чекистлар... Одамлар бу ҳақда фақат ўз уйларида, ошхонада,

коммунал уйларда эса фақат ўз хоналарида, әшикларни ғиппа бекитиб ёки ваннада, жүмракни очиб қўйиб ши-  
вирлашишарди. Бироқ Сталин нутқ сўзлагандага... У биз-  
ларга «Укаларим, сингилларим» деб мурожаат қилди...  
Ҳамма бирдан барча аламларини унуди... Тоғамиз,  
онамнинг акаси, темирийўлчи бўлган. Эски коммунист-  
лардан. Уни иш жойида қамоққа олишган... Кимлигини  
биласизми? НКВД... Севимли тоғамизни олиб кетишиди,  
биз эса унинг айбисиз эканлигини билардик. Бунга ишо-  
нардик. У фуқаролар урушида тақдирланган. Медаллари  
бор эди... Сталин нутқидан сўнг онам: «Ватанимизни  
ҳимоя қилишимиз керак, у ёғини кейин хал қиласиз», —  
деди. Ватанин ҳаммамиз севардик.

Мен ҳаллослаб военкоматга югуриб борибман. Анги-  
нам бор эди, иссифим ҳали тушмаганди. Бироқ кутишга  
вақтим йўқ эди...»

*Елена Антоновна Кудина, оддий аскар, ҳайдовчи*

«Онамиз ўғил туғмаган... Биз бешта қиз эдик. Уруш  
эълон қилинди. Мусиқага иштиёқим баланд эди. Консер-  
ваторияга киришни орзу қиласдим. Эшлиш қобилиятим  
фронтда асқатади деб ўйлаб, алоқачи бўлишга ахд  
килдим.

Сталинградга эвакуация қилинди. Сталинград кур-  
шовда қолгач эса, фронтга отландик. Ҳаммамиз. Бутун  
оиламиз билан: онам ва беш нафар опа-сингил, отам эса  
аллақачон урушда эди...»

*Антонина Максимовна Князева, кичик сержант, алоқачи*

«Ҳамманинг истаги бир: фронтга бориш... Қўрқинчли  
эмасми? Албатта қўрқинчли... Бироқ бизга фарқи  
йўқ... Военкоматга бордик, бизга эса: «Қизларжон, сал  
улрайинг... Ҳали фўрсизлар...» дейишиди. Ёшимиз ўн олти-  
ўн еттида. Бироқ мен ниятимга эришдим, мени олишди.  
Дугонам билан снайперлар мактабига қатнадик, бизга

эса: «Тартибга солувчи бўласизлар. Сизларни ўқитишга вақтимиз йўқ», – дейишди.

Онам бизни олиб кетишлигини пойлаб, бир неча кун станцияда юрди. Состав томон бораётганимизни кўриб, кўлимга пирог, ўнтача тухум тутқазиб, хушсиз йиқилди...»

*Татьяна Ефимовна Семёнова, сержант, тартибга солувчи*

«Дунё бир зумда ўзгариб кетди... Илк кунлар ёдимда... Онам оқшомлари дераза олдида туриб, худога илтижо қиласади. Онам Худога ишонишини билмаган эканман. Нигоҳи осмонга қадалган эди...

Мени сафарбар қилишди, чунки шифокор эдим. Мен фуқаролик бурчимни адо этдим. Отам эса фронтдалигимдан, Ватанни ҳимоя қилаётганимдан беҳад баҳтиёр эди. Отам военкоматга тонг сахарда кетди. Аттестатими ни олиши керак эди. Атайлаб сахарда йўлга чиққан эди. Қишлоқдагиларнинг ҳаммаси қизи фронтга кетаётганлигини кўриб қўйишлари учун...»

*Ефросинья Григорьевна Бреус, капитан, шифокор*

«Ёз... Осойишта ҳаётнинг сўнгги куни... Кечқурун рақсларга бордик. Ўн олти ёш атрофидамиз. Биз ҳали гурух-гурух бўлиб юрардик, олдин бир тўп бўлиб биримизни, кейин бошқамизни кузатиб кўярдик. Орамиздан жуфт-жуфт бўлиб ажралиб қоладиганлар йўқ эди. Масалан, олтида қиз ва олтида йигит бўлиб юрардик.

Икки ҳафта ўтар-ўтмас бизни рақслардан уйга кузатиб қўйган мана шу йигитларни, танк ўқув юрти курсантларини ногиронлар аравачаларида, бинтларга ўралган ҳолда олиб келишди. Бу даҳшат эди! Даҳшат! Кимдир кулаётганини кўрсам, уни кечиролмасдим. Бундай даҳшатли уруш бўлаётганда қандай кулиш мумкин, қандай хурсандчилик қилиш мумкин?

Тез орада отамиз кўнгилли қўшин таркибига кирди. Уйда укаларим ва мен қолдик. Укаларим ўттиз тўртинчи ва ўттиз саккизинчи йилги эди. Онамга фронтга бораман деб туриб олдим. Онам йигларди, мён ҳам кечалари йиглардим. Аммо уйдан қочиб кетдим... Онамга хатни частдан ёздим, энди у ердан мени ортга қайтаришнинг иложи йўқ ...»

*Лилия Михайловна Бутко, жарроҳлик ҳамшираси*

«Сафланинг деган буйруқ берилди... Бўйимизга қараб сафландик, мен энг кичкинасиман. Командир сафга разм солиб, ёнимга келди:

— Бу жимжилоқ ким бўлди яна? Сен бу ерда нима қиласан? Онангнинг ёнига қайтиб, сал улғайгач қайтарсан?

Онам орамизда йўқ эди... Онам бомба остида қолган эди...

Энг ҳаяжонли онлар... Бутун умр эсда қолган ҳолат... Урушнинг биринчи йили, чекиняпмиз... Биз буталар орасига яширинаётган эдик. Аскарларимиздан бири винтовкаси билан немис танкига отилиб, қўндоғи билан танк зирхини савалаб кетди. Савалади, бақир-чақир қилди, йиглади, сўнгра йиқилди. Уни немис автоматчилари отиб ташлашди. Биринчи йили танк ва мессерларга қарши қўлда винтовка билан курашдик...»

*Полина Семёновна Ноздрачёва, санинструктор*

«Онамга: фақат йигламанг деб ялиндим... Ёлвордим... ҳали қош қораймаган эди, аммо ҳамма ёқ қоронғу, чор, атрофдан йифи-сиғи эшитиларди. Ўз қизларини кузатаётган оналаримиз йигламасдилар, улар фарёд кўтаришарди. Онам чурқ этмай турарди. Йиглаб юборишимдан қўрқиб, ўзини қўлга олган эди. Ахир мен онамнинг суюкли қизи эдим, уйда ҳамма мени эркалатарди. Энди эса ўғил болаларга ўҳшаб, сочимни тарашлаб таш-

лашди, фақат пешона кокилим қолди, холос. Ота-онам мени қўйвормасди, мен биргина хаёл билан яшардим: Фронтга! Фронтга! Ҳозир музейларда осилиб турган «Сени Она ватан кутмоқда!», «Сен фронт учун нима қилдинг?» каби шиорлар менга жуда бошқача таъсир киласарди. Улар доим кўз ўнгимда эди. Кўшиқлар-чи? «Ўйғон, она юрт... Ҳаёт-мамот жангига отлан...»

Поездда кетаётганимизда перронларда ўликлар ётганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушладик. Бу уруш бошланганидан далолат эди... Бироқ ёшлик барибир ёшлик-да, қўшиқ айтардик. Шўх куйлар. Қандайдир частушкалар.

Уруш охирига келиб бутун оиласиз урушда жанг киласарди. Ота-онам, опам темирйўлчи бўлиб ишлашди. Улар фронт ортидан бориб, йўлларни тиклаб борарадилар. «Фалаба учун» кўкрак нишонини оиласизда ҳаммамиз олганмиз: отам, онам, опам ва мен...»

*Евгения Сергеевна Сапронова, гвардия сержантি,  
авиамеханик*

«Урушгача армияда телефончи бўлиб ишлардим... Частимиз Борисов шахрида жойлашган, у ерга уруш дастлабки ҳафтадаёқ етиб борганди. Алоқа бошлиги ҳаммамизни қаторга турғизди. Биз хизматда эмас эдик, аскарлар эмасдик. Биз эркин ёлланган эдик.

У бизга шундай деди:

— Шафқатсиз уруш бошланди. Қизлар, сизларга жуда қийин бўлади. Кеч бўлмасдан уйга қайтишни ихтиёр этганлар, қайтсин. Фронтда қолишни истаганлар эса бир қадам олдинга...

Қизларимизнинг ҳаммаси бир тану бир жондай бир қадам олдинга ташлашди. Йигирмага яқин қиз эдик. Ҳаммамиз Ватанимизни ҳимоя қилишга тайёр эдик. Урушгача эса мен, ҳатто, уруш ҳақидаги китобларни ўқиши ёқтирмасдим, фақат севги ҳақидаги китобларни ўқирдим. Энди-чи?!

Тунни тун демай, кунни кун демай аппаратлар олдида ўтирадик. Аскарлар овқатларимизни олиб келиб беришарди, ўтирган жойимизда овқатланиб, бироз мизғиб олиб, яна қулоқларимизга қулоқчинларни тақиб олардик. Бош ювишга ҳам вактимиз йўқ эди. Шунинг учун қизлардан: «Қизлар, илтимос, сочимни кесиб ташланглар...», – деб илтимос қилдим.

Галина Дмитриевна Запольская, телефонист

«Военкоматга боравериб, калишимиз тўзиб кетди...

Биздан безиб кетган военком, охир-оқибат жон ҳасратда: «Бирон касбингиз бўлса ҳам майли экан. Ҳамшира, ҳайдовчи бўлсангиз бўлмасми? Кўлингиздан нима келади ўзи? Урушда нима қилмоқчисизлар?» – деб бақирди. Биз эса уни тушунмасдик. Урушда нима қилишимизни ўйлаб ҳам кўрмагандик. Жанг қиласиз, тамом. Жанг қилиш нимадир, қандайдир иш қила олиш эканлигига ақлимиш етмасди. Унинг саволи бизни саросимага солди.

Мен ва яна бир неча қизлар ҳамширалик курсларига бордик. У ерда олти ой ўқиш кераклигини айтишди. Биз йўқ, бу жуда узок муддат, бизга тўғри келмайди деган қарорга келдик. Уч ой ўқийдиган курслар ҳам бор эди. Уч ой ҳам биз учун жуда кўп эди. Бироқ мана шу курслар ниҳояланиб қолай деган эди. Бизга имтиҳонга кириш учун рухсат беришларини сўрадик. Хали бир ой ўқиш бор экан. Кундузи ўқиб, тунда госпиталга амалиётга борарадик. Бир ойдан сал кўпроқ вақт ўқиган бўлиб чиқамиз...

Бизни фронтга эмас, госпиталга жўнатишди. Бу қирқ биринчи йилнинг август ойи охири эди... Мактаб, касалхона, клублар ярадорлар билан тўлиб кетганди. Февраль ойида госпиталдан қочиб кетдим, дезертирилик қилдим десам ҳам бўлади, буни бошқача изоҳлаб бўлмайди. Ҳужжатларсиз, хеч нарсасиз санитария поездига ўтириб

жүнаб кетдим. Кичкинагина хат ташлаб кетдим: «Навбатчиликка бормайман. Фронтга боряпман. Тамом».

*Елена Павловна Яковлева, старшина, ҳамшира*

«Үша куни учрашувимиз бор эди... Висол дамларини хаёл қилиб учиб борардим... Үша куни менга севги изхор қиласы деб ич-ичимдан севинардим. У эса учрашувга хомуш келди: «Вера, уруш бошланибди. Дарслардан олиниб, фронтга жүнаб кетяпмиз». У ҳарбий билим юртида үқирди. Мен эса дархол үзимни Жанна Д'Арк ролидა тасаввур қилдим. Фақат фронтта ва факат қўлда винтовка билан. Биз бирга курашишимиз керак. Фақат бирга! Военкоматга югуриб бордим, бироқ у ерда кескин жавоб беришди: «Хозирча факат тиббиёт ходимлари керак. Бунга олти ой үқиш керак». Олти ой бу нима деган гап! Мұхаббатим-чи?

Үқиши кераклигини амаллаб тушунтиришди. Яхши, үқийман, бироқ ҳамшираликка эмас... Мен отишига үқимоқчиман! Мен ҳам севгилим каби отаман. Қайсибир маънода бунга тайёр ҳам эдим. Мактабимизда фуқаролик уруши қаҳрамонлари, Испаниядаги уруш қатнашчилари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туриларди. Қизларимиз ўзларини ўғил болалардек ҳис килишарди. Айрмачилик қилишмасди. Аксинча, болаликдан, мактаб пайтиданоқ «Қизлар, трактор рулига!», «Қизлар, самолёт штурвалига!» каби ҳайқириқларни эшитардик. Бунинг устига севиб қолганман. Бирга, битта жангда ҳалок бўлаётганимизни тасаввур қилиб, энтикиб кетардим.

Мен театр институтида үқирдим. Актриса бўлиш – орзуим эди. Идеалим – Лариса Рейснер. Чарм курткадаги комиссар аёл... Унинг гўзаллиги менга жуда ёқарди....»

*Вера Даниловцева, сержант, снайпер*

«Менинг дўстларим ҳаммаси мендан катта эди. Ҳаммасини фронтга олиб кетишди... Бир үзим қолганимга

роса йиғладим, мени олишмаганди. Менга: «Қизалоқ, ўқишиңг керак», — дейишли.

Бирок күп ҳам ўқимадик. Тез орада деканимиз нутқ сўзлаб:

— Қизлар, уруш тугасин, кейин қолганини ўқийсизлар. Ватанни ҳимоя қилиш керак, — деди.

Фронтга завўдимиз бошлиқлари кузатиб қўйишли. Ёз кунлари эди. Ҳамма вагонлар гулга тўла эканлиги эсимда қолди. Бизга совға улашишар эди. Менга ширин кўлбола печенье ва чиройли свитер ҳадя қилишили. Юрагимда олов билан перронда украинча гопакни ижро этардим!

Жуда кўп йўл юрдик... Қайсиdir станцияда қизлар билан сув олиш учун челак кўтариб ташқарига чиқдик. Атрофга қараб, ҳайратда қотдик. Бирин-кетин составлар ўтиб бораарди, уларда нуқул қизлар. Кимдир рўмоли билан, кимдир пилоткаси билан бизни олқишиларди. Дарров тушундик: демак, эркаклар етишмаяпти, жанг майдонида ҳалок бўлишган... Ёки асир тушган. Энди биз уларнинг ўрнига жанг қилишимиз керак.

Онам қофозга дуо ёзиб бердилар. Уни тумор ичига тикиб тақиб олдим. Эҳтимол, дуо кучи билан уйга соғ-омон қайтгандирман. Ҳар сафар жанг олдида туморни ўпиб қўядрим...»

*Анна Николаевна Хролович, ҳамшира*

«Мен учувчи эдим...

Ҳали еттинчи синф ўқувчиси бўлганимда бизга самолёт олиб келишили. Тасаввур қилинг-а, ўттиз олтинчи йил. У пайтда самолёт ҳали ажойибот эди. Ўшандаёқ «Йигит-қизлар – самолётга олға!» деган чақириқлар пайдо бўлган эди. Мен комсомол сифатида албатта илфорлар сафида эдим. Дарҳол аэроклубга ёзилдим. Отам, сўзсиз, тиш-тирноғи билан қарши эди. Оиласиздагиларнинг ҳаммаси темирчи эди. Аждодларимиз ҳам темирчи бўлган. Шунинг учун отам темирчилик қиз бола касби,

учувчилик эса қиз боланинг касби эмас деб ҳисобларди. Аэроклуб раҳбари отамни самолётда учиримага рухсат берди. Мен айнан шундай қилдим. Отам билан ҳавога кўтарилилди, шу ондан дадам қаршилик қилмай кўйдилар. Унга маъқул келди. Аэроклубни аъло баҳолар билан тугатдим, парашютдан яхши сакрардим. Урушгача турмушга чиқиб, қиз фарзанд кўришга ҳам улгургандим.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ аэроклубимизда ўзгаришлар бошланди: эркаклар фронтга чақирилди, аёллар эса уларнинг ўрнини босиши керак эди. Биз кўрсантиларни ўқитардик. Иш кўп, эрталабдан-кечгача тинмасдим. Эрим биринчилардан бўлиб фронтга жўнаб кетди. Ундан биргина сурат қолди: самолёт ёнида учувчилик шлемларида расмга тушган эдик... Энди қизим иккализ-қолдик. Қандай кун кечирардик? Эрталаб унга бўтқа пишириб, қулфлаб кетардим. Соат тўртдан самолётга чиқардик. Кечқурун уйга қайтаман. Қизим овқатланган ёки овқатлангандай бўлади, оғзи-бурни бўтқа билан бежалган. Ҳатто йиғлашни ҳам бас қилган. Отасиникидай катта-катта мовий кўзлари мўлтираб туарди...

Кирқ биринчи йил сўнгига келиб, қора хат олдим: эрим Москва остонасида ҳалок бўлган эди. Қизимни беҳад яхши кўрардим, лекин уни қариндошларимга олиб бордим. Сўнг фронтга бораман деб туриб олдим...

Сўнгги кеча... Туни билан қизимнинг бошида мижжа қоқмай ўтириб чиқдим...»

Антонина Григорьевна Бондарева, гвардия  
лейтенанти, катта учувчи

«Ўн саккиз ёшга тўлдим... Беҳад севинардим, байрам қилардим. Атрофимдагилар «Уруш» деб саросимага тушган. Одамларнинг кўз ёши эсимда. Кўчада кимни учратсам, ҳамманинг кўзида ёш. Баъзилар ҳатто худога илтижо қилишарди. Буни кўриш файритабиий эди. Одамлар қўчаларда ибодат қилиб, чўқинишарди. Мактабда

бизга Худо йўқ деб ўргатишарди. Танкларимиз, чиройли самолётларимиз қани? Улар доим парадларда шай туришарди. Уларни кўриб фахрланардик. Жасур саркардаларимиз қани? Будённийлар қани? Албаттә, дастлаб саросимага тушиб қолгандик. Кейин эса бошқа нарса ҳақида бош котирадиган бўлдик: қандай ғајлаба қозонамиз?

Мен Свердловск шаҳридаги фельдшерлик-акушерлик мактабининг иккинчи курсида ўқирдим. Хаёлимга келган биринчи нарса: «Уруш бошланган бўлса, демак, фронтга бориш керак». Отам катта тажрибага эга коммунист эди. У сургунда ҳам бўлган. Болалигимиздан Ватан муқаддаслигини, уни ҳимоя қилиш кераклигини кулоғимизга қўйган. Шу боис сира иккиланмадим: агар мен бормасам ким боради? Мен боришим керак...»

*Серафима Ивановна Панасенко, кичик лейтенант,  
мотоўқчи батальон фельдшери*

«Онам поезд олдига югуриб келди... Онам жуда қаттиққўл эди. Ҳеч қачон бизни ўпмасди, эркаламасди. Бирон кувончли воқеа содир бўлса, бизга меҳр билан қараб қўярди, холос. Ўша куни эса, олдимга югуриб келиб, бошимни икки қўлига олиб, ўпиб ташлади. Кўзларимга узоқ қаради... Тикилиб турди... Узоқ-узоқ. Онамни бошқа ҳеч қачон кўрмаслигимни тушундим. Буни ҳис қилдим... Ҳаммасига қўл силтаб, кийим қопини ташлаб, уйга қайтгим келди. Ҳаммага раҳмим келиб кетди. Бувимгаям... Укаларимга ҳам...

Шу он мусиқа янгради... «Тарқалинг!! Вагонларга жойлашинг!..» деган буйруқ эшитилди.

Мен узоқ вақт қўлимни силтаб турдим...»

*Тамара Ульяновна Ладинина, оддий аскар, пиёда*

«Мени алоқачилар полкига ёзиб олишди... Ҳеч қачон алоқачиликка бормаган бўлардим, рози бўлмасдим, алоқачи бўлиш ҳам жанг қилиш эканлигини тушунмас эдим. Бир сафар дивизия командири келди, ҳаммамиз

саф тортдик. Маша Сунгурова деган қизимиз бўларди.  
Ўша Маша қизимиз сафдан бир қадам олдин чиқиб,  
шундай деди:

— Ўртоқ генерал, мурожаат этишга рухсат этинг.

У эса:

— Мурожаат қилишга рухсат, жангчи Сунгурова.

— Оддий аскар Сунгурова алоқадаги хизматдан озод  
етиб, отишма жойига жўнатишингизни сўрайди, — деб  
мурожаат қилди.

Тушуняпсизми? Бизда ана шундай рух ҳукмрон эди.  
Биз шуғулланаётган нарса — алоқа қўлимииздан келади-  
ган энг арзимас машғулот, бу иш бизни ҳатто ҳақорат  
қиласди, факат олдинги маррада жанг қилишимиз керак  
деб ўйлардик.

Генералнинг юзидағи табассум дарров қаергадир  
ғойиб бўлди:

— Қизларим! (Ўша ахволда бизларни бир кўрсангиз  
эди: қорнимиз оч, қўзларимиз уйқу кўрмаган. Хуллас,  
бизга командир эмас, отамиздек мурожаат қилди.) Сиз-  
лар фронтдаги вазифангизни англамаяпсизлар, чофи?  
Сиз бизнинг кўзу қулоғимизсиз. Алоқасиз армия бу қўл-  
оёқсиз одам демакдир.

Маша Сунгурова чидай олмай:

— Ўртоқ генерал! Оддий аскар Сунгурова, қиличдай  
тайёр, у ҳар қандай буйругингизни бажаришга тайёр! —  
деб юборди.

Шу-шу уни уруш охиригача «қилич» деб чақирадиган  
бўлдик...

Қирқ учинчи йилнинг июнь ойида Курск Ёйида бизга  
полк байроини топширишди, бизнинг олтмиш бешинчи  
армиянинг бир юз йигирма тўққизинчи алоҳида полки-  
миз саксон фоиз аёллардан иборат эди. Сиз тасаввур  
ҳосил қилишингиз... бизларни тушунишингиз учун... ай-  
тиб бермоқчиман... Нималарни ҳис қилғанимизни сўзлаб  
бермоқчиман. Ўша пайтдаги одамлар энди ҳеч қачон  
бўлмаса керак. Ҳеч қачон! Биз жуда содда ва самимий

этдик. Қалбимизда чексиз ишонч! Полк командиримиз қўлига байроқ олиб: «Полк, байроқ остига! Тиз чўкинг!» деб буйруқ берганида ҳаммамиз ўзимизни баҳтиёр хис-этдик. Бизга ишонч билдиришди, биз энди бошқа барча полкларга ўхшаган, полкмиз – танкчи, ўқотар полки. Кўзларимиздан шашқатор ёш оқарди. Гапим эриш ту-юлиши мумкин, балки ишонмассиз, аммо бу ҳаяжонли онлар бутун вужудимни жунбишга келтирди. Ҳаяжон-дан ҳатто касалим ҳам тузалиб кетди (очликдан, асаб зўрикишидан шабкўр бўлиб қолгандим). Ишонасизми, эртасига соппа-соғ бўлиб кетдим, мана шундай қалб титрофи мени касалдан халос қилған эди...»

*Мария Семёновна Калиберда, катта сержант, алоқачи*

«Катта ҳаётга эндинги қадам қўйган эдим... Қирқ биринчи йил тўққизинчи июнь куни ўн саккизни қаршилаб, катталар сафига қўшилгандим. Икки ҳафта, йўқ-йўқ, ўн икки кундан сўнг лаънати уруш бошланиб кетди. Бизни Гагра – Сухуми темир йўли қурилишига жўнатишиди. Факат ёшлардан иборат жамоа тузишди. Қандай нон еганимиз ҳамон эсимда. Нон таркибида ун-дан бўлак ҳамма нарса бор эди. Кўпроқ сув. Нон бироз муддат стол устида турса, сувга айланарди. Биз эса ти-лимиз билан мана шу шилимшиқ моддани ялаб олардик.

Қирқ иккинчи йил... Ўз ихтиёrim билан уч минг икки юз биринчи госпиталга ишга ёзилдим. Бу жуда катта фронт госпитали бўлиб, у Кавказорти ва Шимолий Кавказ фронтлари ҳамда алоҳида Оролбўйи армияси таркибига киради. Аёвсиз жанглар... Сон-саноқсиз ярадорлар. Менга овқат тарқатиш вазифасини топширишди. Туну күн ишлашга тўғри келади, тонг отиб, нонушта тарқатишимиz керак, аммо биз ҳали кечки овқатни тарқатиб улгурганимиз йўқ. Бир неча ойдан сўнг чап оёғим жароҳатланди – ўнг оёғимда чўлтоқланиб юрсамда, ишладим. Кейин эса хўжалик ҳамшираси ишини ҳам

менга топширишди, бу ҳам туну кун ишда бўлиш керак дегани. Мен ишхонамда яшардим.

Қирқ учйнчи йилнинг ўттизинчи майи... Куннинг қоқ ярмида соат бирда Краснодарни оммавий қирғин қилиш бошланди. Ярадорларни темир йўл вокзалидан олиб кетишдими-йўқми, шуни кўрай деб, бинодан отилиб чиқдим. Иккита бомба ўқ-дори сақланадиган омборга тушди. Кўз ўнгимда кутилар олти қаватли бинодан ҳам юқорига кўтарилиб, ҳавода портларди. Портлаш тўлқини мени фишт девор тагига улоктирди. Ҳушими ни йўқотибман... Ўзимга келганимда, қош қорайған эди. Бошимни кўтариб, бармоқларимни қимирлатиб кўрдим – ишляяпти, зўрга чап кўзимни йириб очиб, ўрнимдан туриб, қонга беланган ҳолда бўлимга йўл олдим. Коридорда катта ҳамширага дуч келдим, у мени танимай: «Кимсиз? Қаердан келдингиз?» – деб сўради. Якинроқ келиб, қотиб қолди, кейин эса: «Ксеня, қаерда юрибсан? Ярадорлар оч, сен эса йўқсан», – деб таъна қилиб кетди. Тезда бошимни, чап қўлимни тирсагимдан сал юқори бинтлаб ташлашди, шу ҳолда овқат олишга кетдим. Кўз олдим қоронғилашиб, пешонамдан тинмай тер оқарди. Кечки овқатни тарқата бошлаганимда, қулаб тушдим. Ҳушимга келтиришди, фақат «Тезрок! Чакқонроқ!» деган сўзлар эшитиларди. Яна – «Тезрок! Чакқонроқ!»

Бир неча кундан сўнг оғир ярадорлар учун қон ҳам топширдим. Ахир, одамлар ўлаётганди...

...Уруш давомида шу қадар ўзгариб кетибманки, уйга қайтганимда тукқан онам мени танимади.

Онам яшаётган уйни кўрсатишди, уйга яқинлашиб, эшикни тақиллатдим. Ичкаридан:

– Ҳозир, ҳозир, – деган овоз эшитилди.

Кириб саломлашдим, кейин эса:

– Бир кеча ётсам майлими, – деб сўрадим.

Онам печ ёқаётган эди, иккита укам эса ерда, бир кучоқ пичан устида яланғоч ҳолда ўтиришарди, устлари-

га кийишга кийимлари йўқ. Онам мени танимай, жавоб берди:

— Қандай яшаётганимизни кўриб турибсиз-ку. Корони-тишмасдан, йўлингиздан қолманг.

Онамга яқинлашдим, у эса:

— Бошқа уйларга кириб кўринг, кеч бўлиб қолади.

Уларга яқинлашдим, сўнг онамни қучиб:

— Ойи-оийжон! — деб пичирладим.

Буни эшишиб, ҳаммаси менга ёпишиб кетишид...  
Кий-чув кўтарилид...

Хозир Кримда яшайман... Кўчаларимиз гулга бурканган, ҳар куни ойнадан денгизга термуламан, юрагим зирқирайди, хозир ҳам юзим аёлникига ўхшамайди. Кўп йиғлайман, қалбим чинқиради. Мени хотиралар азоблайди...»

*Ксения Сергеевна Осадчева, оддий аскар,  
хўжалик ҳамшираси*

### Кўрқув иси ва бир чемодан конфет ҳақида

«Фронтга кетаётган куним... Ажойиб хуш ҳаво... Тонгда уйдан остона ҳатлаб чиқиб, хаёлимга келган фикрдан ўзим қўрқиб кетдим: наҳот бу жойларга қайтиб келмасам? Богимизни... ялангоёқ кезиб юрган кўчаларимизни бошқа кўрмасам... Онам тинмай кўзёш тўкарди, мени бағрига босиб, қўйиб юборгиси келмасди. Йўлга чиқиб бўлсан-да, орқамдан етиб олиб, яна қаттиқ қучоқлаб оларди...»

*Ольга Митрофановна Ружницкая, ҳамшира*

«Ҳалок бўлиш... ҳалок бўлишдан кўрқмасдим. Балки ёшлиқ қилгандирмиз, эҳтимол бошқа сабабдан... Атрофимиизда ўлим, ўлим доим ёнимизда, мен эса у ҳакда ўйламасдим. Биз у тўғрида гаплашмасдик. У доим

атрофимизда гир айланиб юрарди, бироқ бизни четлаб ўтарди. Бир куни тунда бутун рота бизнинг полк жойлашган худудда разведка қиларди.. Тонга яқин у чекинди, бироқ нейтрал худуддан кимнингдир инграган товуши эшитилди. Ярадор қолганди. «Борма, ўлдиришади, – деб қўйиб юборишмади мени жангчилар, – кўряпсанми, тонг отяпти».

Уларга қулок солмай, олдинга эмаклаб кетдим. Ярадорни топиб, қўлидан белбоғимга боғлаб олиб, саккиз соат судраб олиб келдим.. Тирик олиб келдим.. Командир билиб қолиб, жаҳл устида ўзбошимчалигим учун беш суткага қамашни буюрди. Полк командири ўринбосари эса бошқача фикр билдири: «Мукофотга лойиқ».

Ўн тўққиз ёшимда «Жасорат учун» медали кўксимни безаб туарди. Ўн тўққиз ёшимда соchlаримга оқ инди. Ўн тўққиз ёшимда сўнгги жангда иккала ўпкамдан ўқедим, иккинчи ўқ иккита умуртқа суягим орасидан ўтганди. Оёқларим шол бўлиб қолди.... Мени ўлди деб ўйлашган...

Ўн тўққиз ёшимда-я.. Ҳозир неварам шу ёшда. Унга қараб, кўзларимга ишонмайман.. Ҳали гўдак!

Фронтдан уйга қайтганимда, опам менга қора хатни кўрсатди... Мени дафн этиб бўлишганди...»

*Надежда Васильевна Анисимова, пулемёт  
ротаси санинструктори*

«Онамни эслолмайман... Хотирамда фақат қандайдир шарпа қолган... Фира-шира қиёфа... Юзими, гавдасими, билмайман, менга эгилиб турган қиёфасини элас-элас эслайман. Жуда яқин. Ёки кейин шундай туюлармиди. Онам ўлганида уч ёшда эдим. Отам Узок Шарқда хизмат қиларди, у кадрлар ҳарбийси эди. Менга отда учишни ўргатган эди. Бу болаликнинг энг зўр таассуроти бўлган. Отам оқбилак қиз бўлиб ўсишимни истамаган. Ленинградда, у ерда ўзимни беш ёшдан эслайман, холам

билин яшардим. Холам рўс-япон урушида мурувват ҳамираси бўлган. Уни онамдай яхши кўрардим...

Болалигимда қандай эдим? Бахс бойлаб мактабнинг иккинчи қаватидан сақрардим. Футболни севардим, ўғил болалар билан ўйнаб, доим дарвозабон бўлганман. Фин уруши бошланганда, доим Фин урушига қочиб кетардим. Қирқ биринчи йилда эса еттинчи синфни тугатиб, техникиумга хужжат топширига улгурган эдим. Холам: «Уруш» деб йигласа, мен фронтга кетиб, жанг қилишимдан севи нардим. Қон нималигини қаердан ҳам билардим?

Халқ харакатининг биринчи гвардия дивизияси тузилди, ва биз, бир неча қизларни медсанбатга қабул қилишди.

Холамга телефон қилиб:

— Фронтга кетяпман! — дедим.

Сим алоқанинг у томонидан менга шундай жавоб беришди:

— Тезда ўйга қайт! Овқатинг совиб қолди.

Гўшакни кўйдим. Кейин эса унга раҳмим келиб кетди, юрагим эзилди. Шаҳар блокадаси, даҳшатли Ленинград блокадаси бошланди. Шаҳарнинг ярми қирилиб кетди. Холам бир ўзи қолди. Қариб қолганди. Эсимда, менга таътил беришганида, холамни кўришга бордим. Олдин дўконга кирдим. Урушгача конфет деса жонимни берардим. Магазинга қириб:

— Менга конфет беринг, — дедим.

Сотувчи менга жиннига қарагандай қаарди. Мен карточка нима, блокада нималигини билмасдим. Навбатда турган одамларнинг ҳаммаси менга ўгирилиб қарашди, елкамда — ўзимдан ҳам катта винтовка. Уни бизга беришганда, қачон бу винтовкага етиб оламиз деб ўйлаган эдим. Навбатдагиларнинг ҳаммаси сотувчидан:

— Унга конфет беринг. Бизнинг талонимизни қирқиб олинг, — деб ялинишди.

Сотувчи менга конфет берди.

Кўчаларда фронтга ёрдам учун нарсалар йигишарди. Катта майдоннинг ўртасида стол устида катта патнис-

лар турарди, одамлар келиб, кимдир узугини, кимдир сирғасини ечиб ташлаб кетарди. Соат, пул олиб келишарди... Ҳеч ким ҳеч нимани ёзиб олмасди, ҳеч ким ҳеч ерга қўл қўймасди. Аёллар қўлидаги никоҳ узугини ечиб беришарди...

Бу хотирамда қолган манзаралар...

Сталиннинг икки юз йигирма еттинчи рақамли машхур буйруғи бор эди — «Бир қадам ҳам орқага чекинманг!» Орқага чекинсанг — отишга ҳукм қилинасан! Жойида отиб ташлашади. Ёки трибуналга ва маҳсус тузилган жарима батальонига жўнатиласан. У ерга тушганларни маҳкумлар дейишарди. Қамалдан чикқан ва асирикдан қочиб қутулганларни фильтрацион лагерларга жўнатишарди. Изимиздан тўсувчи отрядлар юришарди... Ўзимизникилар ўзимизникиларни отишарди...

Бу хотирамда қолган манзаралар...

Одатий майдон... Ҳамма ёқ сув, ёмғирдан кейинги лой. Ёшгина аскар тиззасига чўккалаган. Кўзойнак таққан, кўзойнаги тинмай тушиб кетарди, у эса уни қайта тақиб олади. Ёмғирдач сўнг... Зиёли ленинградлик йигит. Уч линияли милтиқни олиб қўйишганди. Ҳаммамизни сафга тортишди. Атроф кўлмакка тўла... Биз... Отмасликларини сўрайди. Ялиниб ёлворади. Уйида ёлғиз онаси қолганини айтиб қасам ичади. Йифлай бошлайди. Шу он қоқ пешонасидан ўқ ейди. Милтиқдан. Сабоқ бўлсин деб отишди, кимдир заррача шубҳаланса, уни ҳам шу қисмат кутади. Ҳатто бир дақиқага ҳам! Бир дақиқа...

Бу буйруқ мени дарҳол катталар сафига қўшиб қўйди. Бу ҳақда гапириш мумкин эмасди... Узоқ вақтгача эсламадик... Ҳа, биз ғалаба қозондик, бироқ қандай курбонлик эвазига! Қандай даҳшатли курбонлик?!

Ярадорлар кўплигидан кечаю кундуз ухламасдик. Бир сафар уч кечаю кундуз ҳеч ким ухламади. Мени ярадорлар тўла машинада госпиталга жўнатишди. Ярадорларни топширдим, қайтишда машина бўш эди, шунга кўзим

илиниб, ухлаб қолибман. Қайтганимда ўзимни анча тетик хис қилдим, бизниклар эса ҳаммаси чарчоқдан йиқилай деяпти. Комиссарни кўриб қолдим:

- Ўртоқ комиссар, виждоним қийналяпти.
- Нима бўлди?
- Мен ухлаб қолдим.
- Қаерда?

Ярадорларни машинада госпиталга ташлаб, қайтишда бўш келганимизни ва ухлаб қолганимизни айтib бердим.

— Нима қилибди? Баракалла! Ҳеч бўлмаса битта одам тетик бўлсин, бўлмаса ҳаммаси юриб туриб ухлаб қоляпти.

Менинг эса виждоним қийналарди. Бутун уруш давомида мана шундай виждон билан яшадик.

Медсанбатда<sup>1</sup> менга яхши муносабатда бўлишди, бироқ мен разведкачи бўлгим келарди. Мени қўйиб юборишимаса, фронтга қочиб кетишими айтдим. Бу фикрим учун, ҳарбий низомга бўйсунмаётганим учун комсомоллар сафидан чиқариб ташлашмоқчи эди. Бироқ мен барабир қочиб кетдим...

«Жасорат учун» медали биринчи мукофотим эди...

Жанг бошланди. Ўқ ёмғири. Аскарлар биқиниб олди. «Олға! Ватан учун!» буйруғи янгради, улар эса ўрнидан жилишмаяпти. Яна буйруқ, яна ҳеч ким ўрнидан турмади. Шунда мен — қиз бола жойидан кўтарилганини кўришлари учун шапкамни ечиб, ўрнимдан туриб олға юрдим... Мени кўриб ҳаммаси жойидан туришди, биз жангга киришдик...

Менга медални топширишгач, шу куннинг ўзидаёқ муҳим вазифани бажариш учун чиқиб кетдик. Ҳаётимда биринчи марта аёлларда бўладиган ... ҳалиги жараён бошланди. Конни кўриб, бакириб юбордим:

- Яраландим...

<sup>1</sup> Медсанбат — тиббий-санитария батальони, шундай батальон қошидаги тиббий пункт.

Биз билан разведкада кўпни кўрган бир эркак фельдшер бор эди. У мендан сўради:

— Қаеринг яраланди?

— Қаерим яраланганини билмайман... Бироқ қон...

У менга отамдек, ҳаммасини айтиб берди...

Урушдан сўнг яна ўн беш йил разведкага бордим. Ҳар кеча. Тушларим ҳам шундай эди: гоҳ автоматим панд беради, гоҳ қуршовда қолиб кетамиз. Уйғонсам — тишларимни ғичирлатиб ётган бўламан. Қаердалигимни эслашга уринаман. У ердаманми, бу ердами?

Уруш тугагач, учта истак пайдо бўлди: биринчиси — ниҳоят қорним билан ер бағирлаб юрмай, троллейбусда юриш, иккинчиси — бутун оппоқ батон олиб, тўйиб еб олиш, учинчиси — оппоққина, чойшаблари шитирлаб турган тўшакда тўйиб ухлаб олиш. Оппоққина чойшабларда...»

*Альбина Александровна Гантимурова, катта сержант,  
разведкачи*

«Иккинчи боламга ҳомиладор эдим... Ўслим — икки ёшда, мен эса яна ҳомиладорман. Бу орада уруш бошлианди. Эrim фронтга кетди. Мен ота-онам олдига бориб, ўша нарсани қилишга журъат қилдим. Ўзингиз тушунасиз-ку? Аборт... У пайтларда бунга рухсат йўқ эди... Қандай туғаман? Ҳамма ёқда кўзёш... Уруш! Ўслим орасида қандай туғади киши?

Шифровкачи курсини тамомладим, фронтга жўнатишиди. Болажоним, тувишга журъат қилолмаган болам... қизалогим учун қасос олмоқчи эдим... Қиз тувишим керак эди...

Фронтга боришни сўрадим. Штабда қолдиришиди...»

*Любовь Аркадьевна Чарная, кичик лейтенант,  
шифровкачи*

«Шаҳардан кетишаётганди... Ҳамма шаҳарни тарк этаётганди... Қирқ биринчи йилнинг йигирма сакки-

зинчи июнь куни қоқ түшдә биз, Смоленск педагогика институти талабалари ҳам иккинчи типографияда түпландик. Йиғилиш-узокқа-чүзилмади. Эски Смоленск күчәси бўйлаб шаҳардан Красное шаҳри томон йўл олдик. Эҳтиёт шарт, кичик-кичик гурух бўлиб борафдик. Кечга томон салқин тортди, юриш осонлашди, орқага қарамасдан, тезроқ юра бошладик. Орқага қарашга қўрқардик... Дам олишга тўхтаганимиздагина, шарққа кўз ташлашга журъат қилдик. Бутун уфқ қонталаш бўлиб кетганди, қирқ километр наридан бутун осмон қип-қизил бўлиб кетганга ўхшарди. Ўн уй эмас, юз хонадон эмас, бутун Смоленск шаҳри ёнаётгани аниқ эди.

Янги, пирпиракли, енгилгина қўйлагим бўларди. Дугонам Верага у жуда ёқарди. У қўйлагимни бир неча бор кийиб қўрганди. Уни тўйига совға қиласман деб ваъда қилгандим. У турмуш қурмоқчи эди. Йигити ҳам бор эди.

Қоқ ўртада уруш бошланди. Окопларга кетяпмиз. Ётоқхонадаги нарсаларимизни комендантга топширяпмиз. Кўйлак-чи? Шаҳарни тарқ этаётганимизда: «Вера, кўйлакни ол», — деган эдим. Олмади. «Ваъда берганингдай, тўйга совға қиласан», — деди. Ўша ёнғинда кўйлак ҳам ёниб кетди.

Энди тинмай орқага қаардик. Елкаларимиз куйиб кетаётгандай эди. Кечаси билан тиним билмадик, сахарда эса ишга тушиб кетдик. Танкларга қарши ўралар қазий бошладик. Етти метр осма девор ва пастга қараб уч ярим метр. Ер ковлайману, курагим ёнаётгандага ўхшайди, тупроқ қип-қизил бўлиб кетгандай. Кўз олдимда гуллар ва настаринга бурканган уйимиз гавдаланади... Оппоқ настарин гуллар...

Икки дарё ўртасидаги сув босадиган ўтлоқда чайла қуриб яшардик. Иссиқ, нам. Чивинлар тинчлик бермайди. Ухлашдан олдин ўт ёқиб, тутатиб, чивинларни амаллаб ҳайдаймиз, тонгга яқин барибир чайлага кириб олишади, ором оолмайсан.

У ердан мени санчастга олиб кетишиди. Санчастда ҳаммамизни полга ётқизишиди, күпчилигимиз касал бўлиб қолдик. Ҳароратим баланд. Қалтираяпман. Йиглаб ётибман. Палата эшиги очилди, доктор остонаядан: (у ёғига ўтиб бўлмасди) «Иванова, қонингда плазмодий бор», — деди. Иванова мен эдим. У мен учун плазмодийдан ҳам кўрқинчлироқ нарса йўқлигини билмасди. У ҳақда олтинчи синф дарслигида ўқиганман. Шундан бери ундан ўлимдан кўрқандай кўрқардим. Бу орада эса репродуктор садоси эшитилди: «Ўйғон, она юрт...» Ўшанда бу қўшиқни илк бор эшитишм эди. Тузалиб кетсам, фронтга кетаман, деб ўйладим.

Рославль яқинидаги Козловка деган жойга олиб келишиди, танчага ўтқазишиди, йиқилиб тушмаслик учун ўзимни базўр тутиб турибман. Тушимми, ўнгимми, билмайман:

— Шуми? — деб сўради.

— Ҳа, — деб жавоб берди фельдшер.

— Ошхонага олиб боринг. Олдин қорнини тўйдиринг.

Мени кроватга ётқизишиди. Буни тушунмасангиз керак. Қандай баҳт! Ерда, олов ёнида эмас, дараҳт тагида, палаткали чайлада эмас, госпиталда, иссиқина тўшакдаман. Чойшабларга бурканганман. Етти кун уйғонмасдан ухлабман. Ҳамширалар турғизиб, овқатлантиришар экан, мен эса буларни эслолмайман. Етти кундан кейин, ўзим уйғонганимда, врач келиб, мени кўриқдан ўтказиб:

— Организм бақувват, тузалиб кетади, — деди.

Мен эса яна уйқуга кетдим.

...Фронтда частим билан куршовда қолиб кетдим. Овқатланиш нормаси — бир кунда иккита қотган нон. Ўлганларни кўмишга вақтимиз етмасди, уларнинг устига шунчаки кум ташлаб кўярдик. Юзларини пилоткаси билан беркитиб кўярдик... «Агар тирик қолсак, — деди командир, — сени фронт орқасига жўнатаман. Олдин бу ерда аёл киши икки кун ҳам бардош беролмаса керак деб ўйлардим. Ўрнингда хотинимни тасаввур қилиб кўрсам...»

Мен аламдан йиғлаб юборай дедим, бундай пайтда фронт орқасида бўлгандан кўра, ўлганим яхши деб ўйлардим. Ақлан ва маънавий жихатдан ҳаммасига чидалдим, аммо жисмонан ожизлик қиласдим. Жисмоний зўриқиши... Снарядларни ташибанимиз, куролларни лой аралаш судраб юрганимиз ёдимда. Айниқса, ёмғирдан сўнг, баҳорда ер балчиққа айланиб қолади. Уч кун ухламаган кишига биродарини кўмиш учун гўр қазиш ҳам ниҳоятда оғир. Ҳатто йиғламасдик ҳам, ахир йиғлаш учун ҳам куч керак, нуқул уйқумиз келардӣ. Мириқиб ухлаш орзуимиз эди.

Навбатчилигимда тинмай юрардим, баланд овозда шеър ўқирдим. Бошқа қизлар йиқилиб қолиб, ухлаб қолмасликлари учун қўшиқ айтишарди...»

*Валентина Павловна Максимчук, зенитчи*

«Минскдан яралангандарни олиб чиқаётган эдим... Баланд пошна кийиб олганман, чунки бўйим пастлигидан ниҳоятда хижолат бўлардим. Битта пошнам синиб қолди. Шу пайт «Десант!» деб чақириб қолиши. Ялангоёқ чопиб кетдим, қўлимда эса туфлим, ташлаб юборишига кўзим қиймади, туфлим жуда чиройли эди.

Бизни ўраб олганларида, курсовдан чиқиб кета олишимизга кўзимиз етмагач, санитарка Даша билан ариқдан чиқдик, бекинмай қўйдик: асирга олиб, ҳақорат қилганидан кўра снаряд билан бошимизни учириб юборсин деб, бошимизни баланд кўтариб олдик. Яралангандар ҳам имкони борича кўтарилиши...

Биринчи фашистлар аскарини кўрганимда, тилим айланмай қолди, тилсиз қолдим. Улар эса ёш, навқирон йигитлар, хушчақчак, табассум билан боришарди. Қаерда тўхтамасин, қаерда қудук ёки сув жўмрагини кўриб қолишиса, ювенишга қиришиб кетишарди. Енглари доим шимарилган. Тинмай ювенишади... Атроф қонга беланганд, бақир-чакир, улар эса бамайлихотир ювенишарди... Қалбимда шундай разаб уйғонди... Уйга келиб, икки

марта кўйлагимни алмаштирдим. Аъзойи баданим уларнинг бу ерда юрганларига қаршилик киларди. Кечалари кўзимга уйку келмасди. Наҳотки?! Кўшнимиз Клава хола эса уларнинг бизнинг ерларимизда, унинг уйида... юрганини кўриб, шол бўлиб қолди. Буни кўтаролмай, тез орада вафот этди...»

*Мария Васильевна Жлоба,  
яширин гурух аъзоси*

«Немислар қишлоғимизга қатта қора мотоциклларда кириб келишди... Мен уларга катта-катта кўзларим билан термулиб турардим: ҳаммаси ёш, қувноқ. Доим кулиб юришарди. Хандон отиб кулишарди! Уларнинг шу ерда, бизнинг еримизда юришини, кулиб юришини ўйлаб, аъзойи баданимиз увушиб кетарди.

Мен факат қасос ҳақида ўйлардим. Ҳалок бўлишими ва мен ҳақимда китоб битишларини хаёл қиласдим. Ноҳим абадиятга битилади деб орзу қиласдим. Бу менинг тасаввурларим эди...

Қирқ учинчи йили қиз кўрдим... Ўшанда эрим билан ўрмонга партизанлар олдига келгандик. Балчикда, бир кучоқ пичан устида туғдим. Тагликларни баданимда куритардим, қўлтиғим тагига олиб, иситиб яна боламни ўрадим. Атрофда ҳамма нарса ёқиб ташланган, қишлоқларни одамлари билан бирга ёқиб юборишган. Мактаб, черковларга ҳайдаб... керосин тўкиб чиқишарди... Беш ёшли жияним – у бизнинг гапларимизни эшитган – мендан сўради: «Маня хола, мен ёниб кетганимдан сўнг, мендан нима қолади? Факат оёқ қийимимми...» Болаларимиз мана шу ҳақда сўрашарди...

Ўзим куйиб кул бўлган суюкларни терардим..: Дугонамнинг оиласини йиғишига кўмаклашардим... Кулдан суюкларни, кийим қолдиқларини қидириб топардик. Кийим парчасидан кимлигини таниб олардик. Ҳамма ўзининг жигарини қидиравди. Мен бир парчани қўлимга олдим, дугонам «Онамнинг кўйлаги» деди-ю, хушидан кетди.

Кимдир чойшабга, кимдир сочиққа, хуллас, нима олиб келишса, ўшанга сүякларни йиғишаради. Дугонам билан ярим халта сүяқ ҳам йиғолмадик. Ҳаммасини битта умумий қабрга қатор териб чиқдик. Қолдиқларнинг ҳаммаси қоп-кора, фақат сүяклар оппок. Сүяқ кули ҳам оппок... Мен уни танийдиган бўлиб қолдим... У оппок эди...

Шундан кейин мени қаерга жўнатишмасин, ҳеч нарсадан қўрқмасдим. Болам ҳали кичкина эди, уч ойликдан уни ўзим билан топшириқни бажаришга оладиган бўлдим. Комиссар мени жўнатарди-ю, ўзи юмюм йиғларди... Шаҳардан дори, бинт, зардоб олиб келардим... Кўл ва оёқлари орасига қўйиб, таглик билан ўраб, кўтариб кетардим. Ўрмонда ярадорлар ўляпти. Боришим керак. Боришимиз! Бошқа ҳеч ким ўтолмасди, ўтқизишмасди, ҳамма ёқда немис ва полиция постлари, фақат мен ўта олардим. Болам билан.. Болам тагликларга ўралган...

Энди эсласам ўзим даҳшатга тушаман... Қанчалик оғир! Ҳарорати кўтарилиши учун уни туз билан ишқардим, болам эса чинқириб йиғларди. Бутун бадани қизариб, тошма тошиб кетарди, болам чинқириб йиғларди. Пост олдида тўхтатишса: «Терлама, пан... Терлама», – дердим. Улар тезроқ кетсин деб мени ҳайдашади: «Вэк! Вэк!» Туз ҳам сепардим, саримсоқ пиёз ҳам суртардим. Болам ҳали гўдак, унга кўкрак берардим.

Постлардан ўтишим билан, ўрмонга кириб, хўнграб йиғлардим. Бўкириб! Боламга раҳмим келарди. Бир-икки кундан кейин эса яна топшириққа чиқардим...»

Мария Тимофеевна Савицкая-Радюкевич,  
партизанлар алоқачиси

«Нафрат нималигини билдим... Бу туйғуни илк бор туйдим... Қандай қилиб бизнинг еримизда юришади? Бунга нима ҳақи бор? Улар ким бўлиб қолибди ўзи? Бу аянчли манзарадан иситмам кўтариларади. Улар бу ерда нима қиляпти ўзи?

Бир тўп асиrlар ўтишса, ўлда юзлаб мурдалар қоларди... Юзлаб... Кучи қолмай йиқилганларни жойида отиб ташлашарди. Уларни молдек ҳайдаб кетишарди. Ўлганларга аза очишга, уларни кўмишга улгуришмасди. Улар сон-саноқсиз. Узок вақт ерда ётишарди... Тириклар ўликлар билан бирга яшашарди...

Ўгай опамни кўриб қолдим. Уларнинг қишлоқларини ёкиб ташлашибди.

Учта ўғли бор эди, ҳаммаси нобуд бўлибди. Уйни ҳам, болаларини ҳам ёкиб юборишибди. У ерга ўтириб олиб, чайқалиб ўтиради, ўз дардини аллаларди. Жойидан туриб, қаерга боришни билмасди. Кимнинг олдига?

Биз ҳаммамиз: отам, акаларим ва мен ўрмонга йўл олдик. Ҳеч ким бунга ташвиқот қилмади, мажбурламади, ўзимиз... Онам биттагина сигири билан қолди...»

*Елена Фёдоровна Ковалевская, партизан*

«Мен заррача шубҳаланмасдим... Касбим фронт учун ниҳоятда зарур эди. Бир сонияга ҳам иккиланмадим, ўйламадим. Умуман олганда, ўша пайтни кутиш билан ўтказиши истагини билдирган одамларни жуда кам учратганман. Фақат биттаси эсимда, қўшнимиз... У менга тўғрисини айтди: «Мен ҳаётни севаман. Мен упа-элик суртиб, бўяниб юришни хоҳлайман. Ўлишни истамайман». Бошқа бундайларни учратмадим. Эҳтимол улар садо чиқармай, индамайгина юришгандир. Билмайман, бу ҳақда бирон нарса деёлмайман...»

Хонамдаги гулларни ташқарига чиқариб, қўшниларимга: «Илтимос, сув қуйиб туринг. Мен тезда қайтаман», – деганим ёдимда.

Тўрут йилдан сўнггина қайтдим...

Ўйда қолган қизлар бизга ҳавас қилишарди, аёллар эса йиғлашарди. Мен билан кетаётган қизлардан бири йиғламай кетарди, ҳамма йиғлаб айюҳаннос солса, у тек турарди. Кейин эса сув олиб кўзларини намлаб қўйди.

Рўмолчасини сувлаб, кўзларини бир-икки марта артди. Ҳамманинг йиглаётганидан хижолат бўлди чоғи. Уруш нималигини тушунармидик? Ахир, ёш эдик... Ҳозир эса урушда юрганим тўшимиға кирса, даҳшатдан уйғониб кетаман... Самолёт кўтариляпти, менинг самолётим... тезликни олиб... сўнг йиқилади... Кулаётганимни тушунаман. Сўнгги лаҳзалар... Уйғонгунимча, туш тарқалиб кетгунча вужудимни даҳшатли қўрқув эгаллайди. Қари одам ўлимдан қўрқади, ёшлар эса ўлимнинг кўзига қараб кулади. У ўзини ўлмас деб ўйлади! Мен ўлишимга ишонмасдим...»

*Анна Семёновна Дубровина-Чекунова, гвардия катта лейтенанти, учувчи*

«Тиббиёт ўкув юртини тамомлаб, уйга қайтсам, отам касал бўлиб ётган экан. Шу орада уруш бошланиб қолди. Мусафро тонг ёдимда... Мен бу мудхиш хабарни тонгда эшигандим... Дараҳтлар япроғидаги шудринг ҳали қуриб улгурмай, уруш деб эълон қилишди! Дараҳт япроқлари ва ўтлардаги ногоҳ кўзим тушган мана шу шабнам фронтда ҳам кўз олдимга келарди. Табиат одамлар билан содир бўлаётган нарсалар билан ажиб бир зиддиятда эди. Қуёш чараклаб туарди... Мойчечак гуллаганди. Уларни жуда яхши кўрардим. Ўтлоқ уларга тўла эди...

Бугдойзорда беркинганимиз эсимда, қуёш чараклаб турибди. Немис автоматлари «та-та-та-та» деб тариллайди, кейин эса жимлик. Фақат бугдойзорнинг майин шивирлаши эшитилади. Яна немис автоматлари тариллайди: «та-та-та-та»... Яна қачон будойзор шивирини... фалланинг майин алласини... эшитар эканман деб ўйлаб қоласан киши...»

*Мария Афанасьевна Гарачук,  
ҳарбий фельдшер*

«Онам билан мени эвакуация қилишди... Саратовга келдик... Тахминан уч ой ичидা токарликка ўқиб олдим.

Станок олдида ўн икки соатлаб... оч-нахор ишлардик. Миямизга бир фикр ўрнашиб қолган – фронтга борсак әди. У ерда ҳеч бўлмаганда овқати тузук. Қаттиқ нон ва ширин чой беришади. Сариёғ еймиз. Буни кимдан эшигтганимизни хозир эслолмайман ҳам. Балки станциядаги ярадорлардандир? Очликдан халос бўлиш учун, ва албатта, комсомол бўлганимиз учун. Дугонам билан военкоматга бордик, бироқ заводда ишлаётганимизни айтмадик. Айтсак, олишмасди. Яширганимиз учун ёзиб олишди.

Рязань пиёдалар билим юртига йўлланма беришди. У ердан пулемёт бўлими командири бўлиб чиқдик. Пулемёт оғир, уни эшакдай устингга ортиб юриш қийин. Оқшом. Постда туриб, силовсиндек ҳар бир товушни илғашга ҳаракат қиласан. Ҳар қандай шовқинга ҳушёр туриш керак... Урушда ярим инсон, ярим йиртқич бўлишинг керак. Бу ҳақиқатан ҳам шундай... Бошқа йўл билан тирик қолиш имкони йўқ. Фақат инсон бўлсанг – тирик қолмайсан. Калланг кетади! Урушда ўзинг ҳақингда нимадир эслашинг керак. Нимадир... Инсон ҳали тўлиқ одам бўлмаган давридан ниманидир эслashi керак бўлади... Мен кўп ўқимаганман, оддий хисобчиман, аммо буни биламан.

Варшавагача бордим... Бутун йўлни пиёда босдик, пиёдалар уруш пролетариати дейишади-ку. Ер баирлаб бордик... ортиқ сўраманг... Уруш ҳақидаги... қаҳрамонлар тўғрисидаги китобларни ёқтирумайман... Касал, йўтал туттган, ухламаган, кир-чир, афтода бир ҳолда йўл босардик. Кўпинча оч-нахор... Аммо ғалаба қозондик!»

*Любовь Ивановна Любчик, автоматчилар  
взводи командири*

«Отамни ўлдиришганини билардим... Акам ҳам ҳалок бўлганди. Ўламанми, тирик қоламанми – мен учун ҳеч қандай аҳамияти қолмаганди. Онамизга раҳмим келар-

ди. Тақдир уни бир зумда гўзал маликадан қисматидан норизо қари кампирга айлантириб қўйди, у ҳаётини отамсиз тасавур қилолмасди.

— Нега урушга кетяпсан? — деб сўради онам мендан.

— Отам учун қасос оламан.

— Отанг сени винтовка билан кўргандা, бунга чидай олмасди.

Отам кичкиналигимда сочимни ўриб қўярди. Бантик боғларди соchlаримга. Чиройли кийимларни онамдан ҳам кўпроқ яхши кўтарди.

Частда телефончи бўлиб хизмат қилдим. Командирнинг гўшакдан чиқаётган «Мадад кути сўрайман! Мадад кучларини талаб қиласман!» — деган талаби ҳаммасидан кўпроқ эсимда қолган. Бу деярли ҳар куни такрорланарди...»

*Ульяна Осиповна Немзер, сержант,  
телефонист*

«Мен қаҳрамон эмасман... Чиройли қизча эдим, болалигимда ниҳоятда эркалатишарди...

Уруш бошланди... Ўлишни сира истамасдим. Отиш даҳшат, отаман деб ҳеч қачон ўйламагандим. Нималар деяпсиз! Қоронғудан, қалин ўрмондан кўрқардим. Ҳайвонлардан ҳам албатта кўрқардим... Вой... Бўри ёки ёввойи чўчқага дуч келиш қандайлигини тасаввур қилолмасдим. Ҳатто итлардан ҳам кўрқардим, кичкиналигимда мени катта ит тишлиб олганди, шунинг учун улардан кўрқардим. Вой, нима деяпсиз! Мен шунақаман... Мен барини партизанлардан ўргандим... Винтовка, пистолет, пулемётдан отишни ўргандим. Ҳатто ҳозир ҳам керак бўлса, кўрсатиб беришим мумкин. Эслашга уриниб кўраман. Пичоқ ёки куракдан ташқари ҳеч қандай қурол қолмаганда нима қилиш кераклигини ҳам ўргатишган. Қоронғудан кўрқмай қўйдим. Ҳайвонлардан ҳам...: Бирок илонни кўрсам, айланиб ўтаман, уларга кўниколмадим.

Кечаси ўрмонда кўпинча бўрилар увилларди. Биз эса ертўлаларимизда ётардик, ўрганиб кетгандик: Бўрилар дарғазаб, оч. Ертўлаларимиз ҳайвон инидек кичкинагина эди. Ўрмон уйимиз эди. Партизанлар уйи. Вой, нималар деяпсиз! Урушдан сўнг ўрмондан кўрқадиган бўлдим... Хозир сира ўрмонга бормайман...

Бутун уруш давомида уйда, онамнинг ёнида бўлишим мумкинлиги ҳақида ўйладим. Жуда чиройли онамнинг бағрида, онам латофатли аёл эди. Вой, нималар деяпсиз! Бунга қарор қилолмасдим... Бунга ўзимнинг журъатим етмасди... Бироқ... Бизга шундай дейишидди... Шаҳарни немислар эгаллаганди ва мен яхудий эканлигимни билиб қолдим. Урушгача ҳаммамиз: рус, татар, немис, яхудийлар аҳил яшардик... ҳаммамиз бир эдик. Вой, нималар деяпсиз! Мен ҳатто «жуҳуд» деган сўзни эшигмандим, чунки отам, онам ва китоблар билан яшардим: Бизга гўё ит текканди, бизни ҳамма жойдан хайдашарди. Биздан кўрқишарди. Ҳатто баъзи танишларимиз биз билан сўрашмай кўйишидди. Уларнинг болалари ҳам салом бермасди. Кўшниларимиз эса: «Нарсаларингизни ташланг. Энди уларнинг сизларга кераги йўқ», – дейишарди. Урушгача улар билан дўст эдик. Володя амаки, Аня хола... Нималар деяпсиз!

Онамни отиб ташлашди... Бу воқеа· биз геттога кўчиб ўтишимиз керак бўлган кундан бир неча кун олдин содир бўлди. Бутун шаҳар кўчаларида немисларнинг буйруги илиниб турарди: яхудийларга тротуарларда юриш, сартарошхоналарга кириш, дўкондан нимадир харид қилиш тақиқланади... Кулиш мумкин эмас, қўшиқ айтиш мумкин эмас. Вой, нималар деяпсиз! Онам бунга ҳали кўниколмаганди, у доим паришонхотир юарди. Балки ишонмагандир... Эҳтимол, дўконга киргандир? Унга кўпол гапиришган бўлса, у кулиб юборгандир. Гўзал аёллар каби... Урушгача у филармонияда қўшиқ айтган, уни ҳамма яхши кўрарди. Вой, нималар деяпсиз! Ўйлаб қоламан... Агар онам бу қадар гўзал бўлмаганида... Се-

вимли онамиз... Мен ёки отам билан бирга бўлармиди... Доим шу ҳақда ўйлайман... Оқшом бегона одамлар онамнинг ўлигини келтиришиди. Пальто ва ботинкалари йўқ эди. Бу даҳшат эди: Мудхиш кечада! Даҳшатлий оқшом! Пальто ва ботинкаларини кимдир ечиб олганди. Тилла никоҳ узугини ҳам ечиб олишганди. У отамнинг совфаси эди...

Гетто<sup>1</sup>да уйимиз йўқ эди, бизга бирорнинг уйидаги чордоқни раво кўришиди. Отам кўлига урушгача бисотимиздаги энг қимматбаҳо буюм — скрипкасини олди. Уни сотмоқчи бўлди. Мен касал эдим, ангинам шишган эди. Ҳароратим баланд. Тўшакка михланиб ётардим. Ҳатто гапиролмасдим ҳам. Отам бирон егулик сотиб олмоқчи бўлган. Менинг ўлиб қолишимдан кўрқарди. Онамсиз... онамнинг майин овози... юмшоқ қўлларисиз... ўлиб қолади деб ўйлаган... Ахир жуда эркатой эдим... Мени жуда яхши кўришарди... Мен отамни уч кун кутдим, кейин эса танишларимиздан уни ўлдиришганини эшитдим... Скрипка сабабли деб айтишиди... У қимматбаҳомиди билмайман, лекин кетаётуб отамнинг: «Бир бонка асал ва бир бўлак сарёғ берса яхши бўларди», — дегани ёдимда. Вой, нималар деяпсиз! Мен онам... отамсиз қандай яшайман? Отами топаман деб чиқиб кетдим... Ҳеч бўлмаса ўлигини топмоқчи эдим, бирга бўлиш учун... Мен қорамағиз эмас, сариққина эдим, соchlарим ва қошларим тилларанг эди. Шунинг учун шаҳарда менга ҳеч ким тегмади. Бозорга келдим... У ерда отамнинг дўстини учратиб қолдим, у қишлоқда, ота-онасишининг ёнида яшар экан. У ҳам отамга ўхшаб мусиқачи эди. Володя амаки. Унга ҳаммасини айтиб бердим... У мени аравага жойлаштириб, устимдан ем-хашак ташлаб кўйди. Аравада чўчқа

<sup>1</sup> Иккинчи жаҳон урушида немис нацистлари ва уларнинг иттифоқдошлари назорат қиласиган худудлардаги яхдий миллати вакиллари мажбурий кўчириб жойлаштирилган ахоли яшаш жойлари.

болалари чийиллар, товуклар қоқөлларди. Биз узок йўл юрдик. Вой, нималар деяпсиз! Кечгача юрдик. Мен ухлардим, туардим, яна ухлаб қолардим...

Шу тариқа партизанларга қўшилиб қолдим...»

*Анна Иосифовна Струмилина, партизан*

«Парад бошланганди... Бизнинг партизанлар отрядимиз Қизил Армия қисмлари билан қўшилиб, параддан сўнг курол-яроғларни топшириб шаҳарни тиклаш ишига бел боғлашимиз кераклиги айтилди. Биз буни ҳазм қиломасдик: бу нима деган гап — ҳали уруш тугамади, фақат Белоруссия озод этилди-ку, бизга эса куролларингни топширинглар дейишяпти. Ҳар биримиз урушни охиригача етказишни истардик. Шунинг учун ҳаммамиз военкоматга келдик, ҳаммаси қизлар... Мен ҳамшира эканлигимни айтиб, фронтга жўнатишларини илтимос қилдим. Менга: «Яхши, сизни ҳисобга олиб қўямиз, керак бўлсангиз, албатта чақирамиз. Ҳозирча бориб ишлаб туринг», — дейишли.

Кутаман. Чакиришмаяпти. Яна военкоматга бораман... Яна ва яна бордим... Нихоят менга очигини айтишди, ҳамшираларга эҳтиёж йўқ экан, улар етарли экан. Минскда фиштларни саралаш керак... Шахар вайроналар ичидаги қолган. Қандай қизларимиз бор эди дейсизми? Чернова деган қизимиз бўларди, хомиладор эди, минани қўлтиқлаб борарди, бўлажак боласининг юраги ураётган жойга яқин бўлса-да. Ўзингиз хулоса чиқаринг, бу қандай одамлар эди. Нима қиласиз буни мухокама қилиб, биз шундай эдик. Бизга Ватан ва биз битта нарсамиз деб ўргатишган. Ёки бошқа бир дугонам, у шахар бўйлаб қизини етаклаб юарди, қизининг бутун баданига варакалар ёпиштирилган эди. Қизчаси қўлини кўтариб, зорланарди: «Ойижон, ойи, исиб кетяпман. Ойижон, терлаб кетяпман». Кўчалар эса немисларга тўла. Ҳамма ёқда полицайлар. Немисни алдасанг бўлади, полицайнин алдай олмайсан. У ўзимизники, у

ичингда нима бўлаётганини билиб туради. Хаёлингда нима кечаетганини сезади.

Хатто болалар ҳам... Уларни ўзимиз билан отрядга олдик, бироқ улар ҳали гўдак-ку. Уларни қандай қутқариш керак? Уларни фронт ортига жўнаташишга қарор қилишди, бироқ улар болалар уйидан фронтга қочиб кетишарди. Уларни поездларда, йўлларда тутиб олишарди. Улар яна қочиб фронтга интилишарди.

Тарих яна юз йиллар бунинг нималигини билиш учун изланиш олиб боради. Бу қандай одамлар эди? Улар қаердан? Тасаввур қилинг-а: Ҳомиладор аёл мина олиб юрса... Ахир у фарзанд кутарди... У ҳам севарди, яшашни истарди. Албатта у ҳам қўрқарди. Аммо барибир бораверарди... Сталин учун эмас, ўз фарзандлари камолини истаб борарди. Келажак учун. Тиз чўкиб яшашни истамасди. Душманга бўйсунишни ўзига эп кўрмасди... Эҳтимол биз кўр бўлгандирмиз, инкор этмайман, ўша лайтда кўп нарсаларни билмасдик, бироқ биз кўр бўлсак-да, қалбимиз тоза эди... Вужудимиз икки қисмга бўлинган эди. Буни тушунишингиз керак...»

*Вера Сергеевна Романовская,  
партизанлар ҳамшираси*

«Ёз бошланди... Мен тиббиёт билим юртини тамомладим. Диплом олдим. Уруш! Дарров военкоматга чақириб, буйруқ беришиди: «Икки соат вақт берамиз. Нарсаларингизни йифишириング. Фронтга кетасизлар». Мен ҳаммасини кичкина жомадонга жойлаштириб олдим.

— Урушга ўзингиз билан нима олдингиз?

— Конфетлар.

— Нима?

— Бир жомадон конфет. Билим юртидан кейин йўлланма билан борган қишлоғимда рағбат пули беришганди. Пуллим бор, мана шу пулларнинг ҳаммасига бир жомадон шоколадли конфетлар сотиб олдим. Урушда

менга пул керак бўлмаслигини яхши билардим. Жомадоннинг устига эса бутун курс билан тушган суратимизни жойлаштирдим. Военкоматга келдим. Военком сўради: «Сизни қаерга жўнатай?» Мен эса ундан сўрадим: «Дугонамни қаерга жўнатдингиз?» У билан бирга Ленинград вилоятига келгандик, у ўн беш километр наридаги кўшни қишлоқда ишларди. Военком менга қараб кулди: «У ҳам шуни сўради». Бизни станцияга олиб бориши керак бўлган юк машинасига юкимни ортиш учун жомадонимни олди: «Намунча оғир? Нималар оволдингиз?» – деб сўради. – «Конфетлар. Бир жомадон конфет». У жим бўлиб қолди. Юзидағи табассум қаергадир фойиб бўлди. У ўзини ўнғайсиз, хатто айбдор ҳис қилаётганини сезиб турадим. У ёши бир жойга бориб қолган киши эди... Мени қаерга кузатаётганини яхши биларди...»

*Мария Васильевна Тихомирова,  
фельдшер*

«Менинг тақдирим тезда ҳал бўлди...

Военкоматда «Ҳайдовчилар керак» деган эълон осилиб турганди. Шунинг учун ҳайдовчилар курсини тугатдим... Олти ойлик... Мен ўқитувчи эканлигимга ҳам аҳамият беришмади (урушгача педтехникумда ўқигандим). Урушда ўқитувчилар кимга керак? Ҳаммага аскарлар керак. Биз, қизлар, кўпчилик эдик. Бир автобат<sup>1</sup> тўлиқ қизлардан иборат эди.

Бир сафар ўқув машғулотларида... негадир бу воқеани кўзёшларсиз эслолмайман... Кўклам эди. Отиши тугатиб, орқамизгэ қайтдик. Мен эса бинафшаларни териб олдим. Кичкинагина гулдаста. Уларни милтигим найзасига бойлаб кўйдим. Шу холда борардим.

Лагеримизга қайтдик. Командир ҳаммамизни сафга тортиб, мени чақирди. Мен бир қадам олға чиқдим... Вин-

<sup>1</sup> Автобат – автомашиналарда юк ташиш учун мўлжалланган ҳарбий бўлинма.

товкамга бинафша бойлангани умуман эсимда йўқ. У эса мени сўкиб кетди: «Аскар аскар бўлиши керак. Гул териб юрганинг нимаси?» Шундай вазиятда қандай қилиб гуллар ҳақида ўйлаш мумкинлигини хаёлига сифтиrolmasdi. Эркак киши буни тушунолмайди... Барibir бинафшаларимни ташлаб юбормадим. Уларни астагина ечиб олиб, чўнтағимга солиб қўйдим. Мана шу бинафшалар учун навбатдан ташқари уч кун наряд беришди...

Бошқа сафар эса, постда турган эдим. Соат иккода алмашиб учун келишди, бироқ мен хоҳламадим. Навбатчини ухлашга жўнатиб юбордим: «Сен кундузи турарсан, мен ҳозир навбатчилик қилай». Қушлар сайрашини эшитиш учун кечаси билан навбатчилик қилишга тайёр эдим. Фақат сокин оқшом илгариги... осуда ҳаётни эслатарди.

Фронтга кетаётганимизда одамлар йўл бўйлаб туриб олиб, бизларни кузатишарди: хотинлар, чоллар, болалар. Ҳаммаси кўзёш тўкарди: «Қизлар фронтга кетяпти». Бир батальон қиз фронтга кетаётган эдик.

Мен рулдаман... Жангдан кейин ўликларни йифиширамиз, улар бутун жанг майдони бўйлаб сочилиб ётади. Ҳаммаси ёш. Навқирон йигитлар. Орасидан битта қиз чиқиб колди. У ҳам ўлган... Ҳаммамиз жим бўлиб қоламиз...»

Тамара Илларионовна Давидович,  
сержант, ҳайдовчи

«Фронтга қандай тайёрланганимни билсангиз эди... Тасаввур қилолмайсиз... Кўпга кетаман деб ўйламагандим. Душманни енгамизу, қайтамиз дебман! Битта юбка, севимли юбкам, икки жуфт пайпоқ ва битта туфли олибман. Воронеждан чекинаётгандик, дўконга югуриб кирганимиз ёдимда, у ердан ўзимга баланд пошли яна бир туфли сотиб олдим. Чекинаётганимиз эсимда, ҳамма ёқ қоп-қора тутун (бироқ дўкон очик, бу – мўъжиза!), негадир туфли олгим келиб колди. Ҳозир

эсласам, шундай бежирим туфлича эди... Атир ҳам со-тиб олдим...

Урушгача кечирган ҳаёт тарзидан бирдан воз кечиш жуда қийин. Нафақат юрагинг, бутун вужудинг қаршилик қилади. Маңа шу туфличаларни күтариб, дўкондан хурсанд бўлиб чиққаним эсимда. Оғзим қулогимда. Атроф эса тутун... Гумбур-гумбур... Урушда бўлсам-да, уруш хақида ўйлагим келмасди. Ишонмасдим.

Атроф эса қирғин-барот...

*Вера Иосифовна Хорева,  
ҳарбий жарроҳ*

### **Турмуш ва борлиқ ҳақида**

«Хаёл сурардик... Жанг қилишни орзу қиласдик...

Бизни вагонларга жойлаштиришди, дарслар бошлиниб кетди. Ҳаммаси биз уйда ўтириб, хаёл қилганимиздек эмас экан. Эрта туриш керак эди, куни билан оёқда чопа-чоп қиласдик. Биз эса ҳали илгариги ҳаётни унумагандик. Атиги тўрт синфи тугатган бўлим командири, кичик сержант Гуляев бизга низомни ўргатиб, айрим сўзларни нотўғри талаффуз қилганида ғашимиз келарди. У бизга нима ҳам ўргата олади деб ўйлардик. У эса бизга тирик қолишни ўргатди...

Карантиндан сўнг, қасамёд қилишдан олдин, старшина кийим-кечак келтирди: шинель, пилотка, гимнастёрка, юбка, ички кийим ўрнига бўздан эркакча тикилган енги бор иккита кўйлак, пайтава ўрнига чулки ва бутун пошинаси ва учига темир тақа қоқилган оғир ботинка. Ротада бўйи ва гавдасига кўра энг кичкинаси эканман. Бўйим бир юз эллик уч сантиметр, оёқ ўлчамим ўттиз бешинчи. Ҳарбий саноат албатта бундай жажжи ўлчамдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашмаган эди. Унинг устига кийим-кечакни Америка етказиб берарди. Улардан бундай жажжи кийимларни кутиш амримаҳол эди. Менга қирқ иккинчи ўлчамдаги оёқ ки-

йим беришди. Уларнинг боғичини ечиб ҳам ўтирмасдим, шундоқ кийиб-еcharдим. Оғирлигидан оёғимни ердан узолмасдим, ботинкамни судраб юрардим. Менинг сафдаги юришимидан тош йўлда учкун сачтарди. Юришимни сафдаги юришдан бошқа ҳар нима деб атаса бўларди. Биринчи марш мен учун қанчалик даҳшат бўлганини эслагим ҳам келмайди. Мен жасорат қилишга тайёр эдим-у, лекин ўттиз бешинчи ўлчамдаги оёқ кийим ўрнига қирқ бешинчи ўлчамни кийишга тайёр эмас эдим. Ахир бу жуда оғир ва хунук! Жуда қўпол!

Командир менинг юришимни кўриб, сафдан чақириб олди:

— Смирнова, сафда юришинг нимага ўхшайди? Сенга ўргатишмаганми? Нега оёғингни кўтармайсан? Навбатдан ташқари учта наряд буюраман...

Мен жавоб бердим:

— Хўп бўлади, ўртоқ катта лейтенант, навбатдан ташқари учта наряд! — орқага ўгирилдиму, юраман деб йиқилиб тушдим... Ботинкаларимдан тушиб қолдим... Оёқларим қонаб кетганди...

Ўшандагина ортиқ бу оёқ кийимларда юролмаслигим аёнлашди. Рота этикдўзи Паршинга эски плашпалаткадан ўттиз бешинчи ўлчамдаги этик тикиб бериш буйруғи берилди...»

*Нонна Александровна Смирнова,  
оддий аскар, зенитчи*

«Қулгили воқеалар кўп бўларди...

Интизом, низом, даража нишонлари – бу ҳарбий ҳикматни ўзлаштириш осон кечмаган. Самолётни кўриқлаётган эдик. Низомда эса кимдир келаётган бўлса уни тўхтатиш лозимлиги кўрсатилган: «Тўхта, ким келяпти?» Дугонам полк командирини кўриб қолиб, қичқирдӣ: «Тўхта, ким келяпти? Мени кечиринг-у, бироқ мен отаман!» Тасаввур қилинг-а: «Мени

кечириңгү, бироқ мен отаман!» – деб бақирияпти. Мени кечириңг... Ха-ха-ха...»

Антонина Григорьевна Бондарева, гвардия  
лейтенанти, катта учувчи

«Қизлар ўқув юртига келишганды соchlари узун эди... Ҳар хил турмаклар... Менинг ҳам соchlарим узун эди, уларни ўриб, бошим узра чамбарак қилиб ётқизиб олардим... Уларни қандай ювасан? Қаерда қуриласан? Эндиғина ювсанг, тревога эълон қилинади, югуришиңг керак. Командир Марина Раскова ҳаммамизга сочимизни кесиб ташлашни буюрди. Қизлар йиглаб-йиглаб соchlарини кесишли. Лиля Литвяк эса, у кейинчалик машхур учувчи бўлди, ҳечам узун соchlаридан айрилгиси келмасди. Мен Раскова олдига бордим:

– Ўртоқ командир, буйруғингиз бажарилди, фактат Лиля бажармади.

Марина Раскова, аёлларча юмшоқ табиатлилигига қарамай, жуда қаттиққўл командир бўла оларди. У мени орқамга жўнатиб юборди:

– Буйруқ бажарилишини таъминлай олмасанг, қандай парторгсан? Орқангга қайт!

Кўйлаклар, баланд пошнали туфличалар... Уларни ташлашга кўзимиз қиймасди, халтачаларга беркитардик. Кундузи этикда юрардик, кечқурун эса бироз бўлса-да, туфли кийиб ойна олдида хуснимизга термулардик.. Раскова кўриб қолди – бир неча кундан сўнг буйруқ берди: барча аёллар кийимини посилка орқали уйга жўнатинг.

Мана шунақа! Бироқ янги самолётни биз тинч замондагидек икки йил эмас, олти ой ичидаги ўрганардик. Биринчи машғулот кунларида иккита экипажимиз нобуд бўлди. Тўртта тобут кўйдик. Учта полкнинг ҳаммаси, ҳамма-ҳаммамиз ўкириб йиглардик.

Раскова сўзга чиқди:

— Дугоналар, кўз ёшингизни артинг. Бу бизнинг биринчи қурбонларимиз. Улар ҳали кўп бўлади. Бардам бўлинглар...

Кейин эса, урушда, кўзёшларсиз дафн қиласардик. Йигламай қўйдик.

Киравчи самолётларда учардик. Баландликнинг ўзиёқ аёл организми учун ниҳоятда оғирлик қиласарди, баъзан корнинг умуртқа поғонангни эзарди. Қизларимиз эса нафақат учишарди, улар асларни уриб туширишарди. Яна қандай асларни дeng-а! Мана шунақа! Биласизми, биз келаётганда, эркаклар «учувчилар келяпти» деб бизга ҳайрат билан қарашарди. Улар бизга ҳавас қилишарди...»

Клавдия Ивановна Терехова, авиация капитани

«Кузда мени военкоматга чақиришди... Военком қабул қилиб, мендан сўради: «Сакрашни биласанми?» Қўрқаман деб, тўғрисини айтдим. Десантликка роса даъват қилди: чиройли кийим, ҳар куни шоколад беришади. Аммо болаликдан баландликдан қўрқардим. «Зенит артиллеријасига борасизми?» Худди мен зенит артиллеријаси нималигини биладигандай. Шунда у: «Келинг, сизни партизанлар отрядига жўнатамиз», — деди. «У ердан онамга Москвага қандай қилиб хат ёзаман?» У қизил қаламини олиб, менинг йўлланмамга: «Дашт фронти» деб ёзиб қўйди...

Поездда мени ёш бир капитан севиб қолди. Кечаси билан вагонимизда мени пойлаб чиқди. У уруш нималигини биларди, бир неча марта яраланган. Менга роса термулиб турди-да: «Вера, факат тубанлашманг, кўполлашиб кетманг. Ҳозир шундай нозиксизки. Мен кўп нарсани кўрдим!» — деди. Кейин шу мазмунда роса ваъз ўқиди. Урушдан... жаханнамдан тоза чиқиш қийин ва ҳоказо ва ҳоказо...

Дугонам билан иккинчи Украина фронтининг тўртинчи гвардия армиясига бир ой деганда етиб бордик. Ва ниҳоят етиб келдик. Бош жарроҳ бир неча дақиқага

чикиб, бизга бош-оёқ разм солди-ю, операция хонасига олиб кирди: «Бу операция столи сизларники...» Санитар машиналар бирин-кетин келяпти, катта-катта машиналар, «студёбеккерлар», ярадорлар ерда, замбилларда ётиби. Биз фақатгина: «Қайсиларини биринчи олайлик?» – деб сўрадик. «Жим ётганларни...»

Бир соатдан кейин ўз столим ёнида туардим, операция бошлаб юборгандим. Шундан кейин бошланиб кетди... Уззу тун операция қиласан, кейин бироз мизриб оласану, тезда кўзингни ишқаб, ювениб оласан, яна ишингга қайтасан.

Учта одамнинг биттаси албатта ўларди. Ҳаммага ёрдам беришга улгурмасдик. Учинчиси ўларди...

Жмеринка бекатида бизни даҳшатли суръатда бомбардимон қила бошлашди. Состав тўхтади, биз югуриб кетдик. Замполитимиз, кеча аппендицитини олдирганди, бугун эса бизлар билан югуради. Тунни ўрмонда ўтказдик, составимиздан асар ҳам қолмади. Саҳарлаб немис самолётлари ўрмонни оралаб чиқишли. Қаерга беркинасан киши? Юмронқозикдай ерга кириб кетмаймиз-ку. Мен қайин дарахтини қучоқлаб олдим: «Вой, ойижон, ойижон! Наҳотки ўлиб кетсам? Агар тирик қолсам, дунёдаги энг баҳтиёр инсон бўлсан керак». Кейинчалик кимга қайнини қучоқлаб турганимни гапириб берсам, ҳаммаси қотиб кулишарди. Менга ўқ теккизиш ҳеч гап эмасди. Бўй бара-вар турибман, қайин эса оппоқ... Ана кулги!

Ғалаба кунини Венада кутиб олдим. Ҳайвонот боғига бордик, ҳайвонларни кўришни жуда-жуда истадим. Концентрацион лагерни кўришга ҳам борсак бўларди. Ҳаммани олиб бориб кўрсатиши. Бормадим... Ҳозир ўзимга ўзим ҳайрон қоламан, нега бормадим экан? Кўнглим шодон, қувноқ ниманидир тусади. Ўзгача ҳаётни кўргим келганди...»

*Вера Владимировна Шевалдишева, катта  
лейтенант, жарроҳ*

«Оилада уч киши эдик... Онам, отам ва мен... Биринчи бўлиб фронтга отам кетди. Онам отам билан бирга кетмоқчи эди, у ҳамшира, бироқ отамни бошқа томонга, онамни бошқа томонга жўнатишиди. Мен эса эндиғина ўн олтида эдим... Мени олгилари келмади. Мен бир йил военкоматга қатнадим. Ниҳоят бир йилдан кейин мени олишиди.

Узоқ вақт поездда юрдик. Биз билан госпиталдан чиқсан аскарлар қайтаётганди, уларнинг орасида ёш йигитлари ҳам бор эди. Улар бизга фронт ҳақида ҳикоя қилиб беришарди, биз эса оғзимизни очиб эшишиб ўтирадик. Бизга ўқ узишади деб айтишган, қачон отишма бошланади деб кутиб ўтирадик. Борганимиздан кейин ўкка тутилганмиз деб айтамиз деб ўйлардик.

Ва ниҳоят етиб келдик. Қўлимизга винтовка эмас, қозон, тогора тутқазишиди. Қизларнинг ҳаммаси менинг тенгқурларим. Ҳаммамиз ота-онамизнинг эркатойи, арзандаси эдик. Мен оилада ягона фарзанд эдим. Бу ерда эса ўтин ёришимиз, печ ёқишимиз керак эди. Кейин эса кулинни олиб, совун ўрнига тогораларга солардик. Чунки совун келиши билан дарров тугарди. Кирлар эса исқирт, битлаган.

Конга беланган... Қишда қон юқидан оғирлашиб кетарди...»

*Светлана Васильевна Катихина, дала ҳаммом-кир ювиш отряди жангчиси*

«Биринчи ярадоримни ҳозиргача эслайман... Юзи ёдимда... Бўкса суягининг ўртаси очиқ жароҳатланган эди. Тасаввур қилинг-а, суяқ чиқиб турибди, снаряд парчаси жароҳатлаган, ичак-чавағи ташқарига чиқиб кетган. Бу суяқ... Назарий жиҳатдан нима қилиш кераклигини билардим, бироқ унинг ёнига эмаклаб борганимда, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим, кўнглим

бөхүзур бўлди. Шу пайт кимдир: «Синглим, сув ичиб ол», — деди. Буни ҳалиги ярадорим айтаётган экан. Менга раҳми келди. Ўша манзара ҳозиргидай кўз олдимда. Унинг сўзларидан ўзимга келдим: «Эсиз, оқбилак ойим! Одам ўляпти, бу нозик ойимнинг эса кўнгли айнибди!» — деб ўзимни сўкдим. Шахсий пакетни очиб, у билан ярани ёпдим — ўзимни яхшироқ хис қила бошладим, шу билан рисоладагидек ёрдам кўрсатдим.

Ҳозир уруш ҳақидаги киноларни кўрсам: ҳамшира жанг майдонида, тозагина, оппоққина, пахтали шимда эмас, юбкада, кокилчасига пилотка тақилган. Ахир, бу ёлғон! Агар шундай бўлганимизда, ярадорни окопдан олиб чиқа олармидик... Атрофингда ҳаммаси эркак бўлса, юбкада қаергача ҳам борардик. Тўғрисини айтсам, юбкаларни уруш охирида, байрам кийими сифатида беришди. Эрқаклар ички кийими ўрнига трикотажли ички кийимни ҳам ўшандаберишган. Хурсандлигимиздан ўзимизни қўярга жой топа олмасдик. Кўринсин деб, гимнастёрка тугмасини ечиб олардик...»

*Софья Константиновна Дубнякова, катта  
сержант, санинструктор*

«Гумбур-гумбур... Ҳамма ёқ тинмай портлаяпти. Ҳамма ўзини ҳар қаёққа урди... Мен ҳам югуриб кетдим. Кимнингдир: «Ёрдам беринг... Ёрдам беринг...» деган ноласи эшитилди. Унга эътибор бермай югуряпман... бир неча дақиқадан сўнг етиб борди, елкамдаги санитар сумкасини ҳис қила бошладим. Уялиб кетдим. Қўркув қаерга қочганини билмайман! Қайтиб орқамга югурдим: инграётган ярадор аскар экан. Жароҳатини дарров боғладим. Кейин иккинчисини, сўнг учинчисини....

Ярим кеч жанг тинди. Тонгда эса қор ёғди. Қор остида саноқсиз мурдалар қолди... аксариятининг кўли те-

пага... осмонга күтарилигап эди... Мендан баҳт нима деб сүранг. Мен ўлуклар орасида ногоҳ тирик одамни топиш деб жавоб бераман...»

Анна Ивановна Беляй, ҳамшира

«Биринчи бор ўлган одамни кўрганимда... унинг устида туриб роса йигладим... Кўзёш тўқдим... шу пайт ярадор чакириб қолди: «Оёғимни боғлаб қўй!» Оёғи эса иштонининг ичидаги узилиб ётганди, снаряд теккан экан. Почасини кесиб ташладим. У эса: «Оёғимни бер! Ёнимга қўй», — дейди. Ёнига қўйдим. Улар, агар хушидан кетишмаган бўлса, қўлларини ҳам, оёқларини ҳам ташлаб кетмайди. Олиб кетишади. Ўлаётган бўлса, бирга кўмишни илтимос қилишади.

Урушда ҳеч қачон ҳеч нарсани унумтайман деб ўйлагандим. Бироқ унутилар экан...

Ёш, навқирон йигит. У ўлиб ётарди. Ўлганларнинг ҳаммасини ҳарбий низомга қўра тантанали дағи этишади деб ўйлаган эканман, уни эса судраб ёнғоқ дарахти тагига олиб кетишиди. Тезда гўр қазишиди... Тобутсиз, кафансиз шундок ерга кўмиб қўя қолишиди, устидан тупроқ тортишиди. Куёш нурларини аямасди, унга ҳам сочарди... Илик ёз куни... На плаш-палатка бор эди, на бошқа бир буюм; уни гимнастёрка, галифеда кўмишиди, кийимлари хали янги экан, яқинда келганга ўхшайди. Шундай қўйиб, кўмиб қўйишиди. Гўр ҳам чукур эмасди, мурда сиғса бўлди. Жароҳати ҳам катта эмас, ўқ чаккасига теккан. Қон кам окқан, щунинг учун одам тирикдай ётибди, факат оппроқ.

Отишмадан кейин портлатишиди. Ўша жойдан нима қолганини билмайман ҳам...

Куршовда қолганлар ўлукларни қандай кўмишарди? Ёнимизда, ўзимиз ўтирган окопда, шундокқина устига тупроқ ташлаб қўярдик. Фақат кичик дўнглик кимдир кўмилганини эслатарди. Агарда өрқамиздан немислар

ёки танклар қелаётган бўлса, албатта, дарҳол янчид ташлашади. Улардан ном-нишон қолмасди, фақат тупроқ. Ўрмонда кўпинча дарахт тагига кўмишарди... Мана шу эман, мана шу қайнилар остига...

Хозиргача ўрмонга боролмайман. Айниқса қари эман, қари қайн дарахтлари бор жойга... Уларнинг тагида ўтиrolмайман...»

*Ольга Васильевна Корж, кавалерия эскадрони  
саннинструктори*

«Фронтда овозимдан айрилган эдим... ширадор овозим бор эди...

Овозим уйга қайтганимдагина қайта тикланди. Кечки овқатга ҳамма қариндошлар йигилганди, бироз ичишди, кейин эса: «Қани, Вера, ашула айтиб бер», — дейишиди. Мен куйлай олдим...

Фронтга кетаётганда моддиянчи эдим. Атеист эдим. Мактабда яхши ўқитишган, сипо совет ўкувчиси бўлиб бордим фронтга. У ерда эса.... У ерда ибодат қиласдиган бўлдим... Жангдан олдин доим ибодат қиласдим, дуо ўқирдим. Сўзларим оддий эди. Уларни ўзим тўқирдим. Маъноси эса бир: ота-онам олдига тезроқ қайтай. Ҳакиқий дуоларни билмасдим, Инжилни ҳам ўқимагандим. Дуо ўқиётганимни ҳеч ким кўрмасди. Ҳаммадан яширин ибодат қиласдим. Эҳтиёткорлик билан. Чунки... У пайтда биз бошқача эдик, у даврда бошқача одамлар яшарди. Тушуняпсизми? Биз бошқача фикрлардик, бошқача тушунардик... Чунки... Бир воқеани айтиб бераман... Бир сафар янги келганлар орасида художўй киши бор экан. У ибодат қиласидаги аскарлар кулишарди: «Ҳа, худойинг сенга ёрдам бердими? Агар у бор бўлса, қандай буларга чидаб турибди?» Улар хочга тортилган Исо оёқлари остида «У сени севса, нега сени кутқармайди» деб ҳайқирган одамдай худога ишонишмасди. Урушдан сўнг Инжилни

ўқиб чиқдим... Ҳозир доим уни ўқиб тураман... Ана ўша аскар, унинг ёши анча катта эди, отишни истамасди. Отишдан бош тортарди: «Кўлим бормайди! Мен ўлдирмайман!» Ҳамма ўлдиришга кўнарди, у эса йўқ. Замон-чи? Қандай замонда яшардик... Тахликали замон эди... Чунки... Трибуналга топшириб, уни икки кундан сўнг отиб ташлаши... Пақ! Пақ!

Замон бошқа эди... Одамлар бошқа... Сизга қандай тушунтиурсам экан? Қандай...

Бахтимга, мен... Мен ўлдирган одамларимни кўрмасдим... Бироқ... Барибир... Энди уларни ўлдирганимни тушуняпман. Доим шу ҳақда ўйлайман... Чунки... Чунки қаридим. Гунохларимни кечиришни тангirimдан сўрайман. Ўлимимдан сўнг ордену медалларимни музейга эмас, черковга беришини қизимга тайинладим. Ҳазратга берсин... Улар тушларимга кириб чиқишиади... Ўликлар... Мен ўлдирган одамлар... Мен уларни кўрмаган бўлсан ҳам, ёнимга келиб, менга карашади. Мен эса уларнинг орасидан тириғини излайман, майли оғир ярадор бўлсин, кутқарсам бўлгани. Нима деб таърифлашни билмайман... Бироқ уларнинг ҳаммаси ўлган...»

*Вера Борисовна Сапгир, сержант, зенитчи*

«Мен учун энг даҳшати бу – ампутациялар... Баъзан шундай катта ампутациялар қилинардики, оёқни бутунлай кесиб ташлашарди, мен эса уни зўрға кўтара олардим, тосга жойлаштириш учун базур кўтариб борарадим. Уларнинг жуда оғирлиги эсимда қолган. Ярадор пайқаб қолмасин деб, оҳистагина ушлаб, уни болани кўтаргандек эҳтиёткорлик билан олиб кетардик... Чақалоқдек... меҳр билан... Айниқса, тиззадан юқори бўлган катта ампутацияларда... Мен бунга кўниколмасдим. Наркоз остида касаллар инграшади, баъзан болохонали қилиб сўкишади. Мен доим қонга беланган ҳолда юрадим... Унинг ранги тўқ қизил... Қоп-қора...

Онамга ёзиңган хатларда бу ҳақда лом-мим демасдим. Ҳаммаси яхши, уст-бошим бут, қорним түк деб ёзардим. Чунки у ўч кишини фронтга жүнатган эди, бу жуда оғир юк...»

Мария Селивестровна Божок, ҳамшира

«Мен Кримда туғилиб ўсдим... Одесса яқинида. Қирқ биринчи йилда Кордим туманидаги Слобода мактабининг ўнинчи синфини тугатдим. Уруш бошланганда, нуқул радио эшитиб ўтирадим. Радиодан чекинаётганимиз ҳақидаги хабарларни эшитдим... Дарров военкоматга югуриб бордим, орқамга жўнатиб юборишиди. Яна икки марта бордим ва ҳар сафар рад жавобини олдим. Йигирманчи июль куни бизнинг Слободкадан чекинаётган қисмлар ўтаётган эди, мен уларга қўшилиб, ҳеч қандай чақирув қофозисиз фронтга йўл олдим.

Биринчи бор ярадорни кўрганимда, хушимдан кетиб қолганман. Кейин ўрганиб қолдим. Биринчи марта ўқ ёмғирига қарамасдан ярадор аскарни кутқариш учун югуриб кетганимда овозим борича қичқирдимки, ўқ овозлари ҳеч нарса бўлмай қолди. Кейин ўрганиб қолдим. Ўн кундан кейин яраландим, ўқни ўзим олиб ташладим, ўзим боғладим...

Қирқ иккинчи йилнинг йигирма бешинчи декабри... Эллик олтинчи армиянинг бизнинг уч юз ўттиз учинчи дивизиямиз Сталинград остонасидағи баландликлардан бирини эгаллади. Душман қандай бўлса-да, уни қайтармоқчи бўлди. Жанг бошланиб кетди. Биз томонга танклар юра бошлади, бироқ уларни артиллерия тўхтатди. Немислар орқага қайтиб кетишди, ўртадаги нейтрал худудда ярадор лейтенант, артиллерист Костя Худов қолган эди. Уни чиқариб олмоқчи бўлган санитарлар ҳалок бўлишди. Иккита санитар кучук у томонга ўрмалаб кетишди (уларни илк бор кўришим эди), бироқ улар ҳам қурбон бўлишди. Ўшанда мен телпагимни ечиб аста қаддимни ростладим, аввал секинги-

на, кейин баландроқ овозда урушгача барчамизнинг севимли қўшиғимиз бўлган «Мен сени жасорат учун кузатдим»ни-куйлай бошладим. Иккала томон ҳам отишмани тўхтатди: немислар ҳам, ўзимизниклар ҳам. Костянинг ёнига келдим, энгашдим, сўнг уни чанага жойлаштириб, ўзимизниклар томонга судраб кетдим. Боряпману, ичимда «орқамга отмаса эди, майли бошимга отишсин» деб кетяпман. Мана ҳозир... ҳозир отишади... Ҳаётимнинг сўнгги дақиқалари... Ҳозир! Қизик: оғриқни хис қиласмиканман? Ойижон, қўрқяпман! Бироқ битта ҳам ўқ овози эшлилмади...

Бизга форма еткизиб бўлмасди: мана ҳозиргина янги кийим олган бўлсак, икки кундан кейин қора қонга белаб келардик. Биринчи ярадорим – катта лейтенант Белов, сўнгги ярадорим – Сергей Петрович Трофимов, миномёт взводи сержант. Етмишинчи йилда у меникига меҳмонга келди, қизларимга унинг жароҳат олган бошини кўрсатдим, каттагина чандиқ ҳозир ҳам уни безаб турибди. Жами ўқ остидан тўрт юз саксон битта ярадорни олиб чиқибман. Журналистлардан бири ҳисоблаб кўрибди: бутун бошли ўқ отиш батальони... ўзимиздан икки-уч баравар оғир эркакларни кўтариб олиб чиқардик. Ярадорлар соғломлардан ҳам оғирроқ бўлиб кетишади. Унинг ўзини ҳам, куролини ҳам, шинелию этигини ҳам орқалаб юриш керак. Елкангга саксон кило юкни ортиб кетасан. Манзилга етиб туширасан... Кейингисига борасан, яна етмиш-саксон кило юк... Битта ҳужум даврида бёш-олти марта шундай қилиб бориб келамиз. Ўзим эса атиги қирқ саккиз киломан – раққосалар вазни. Ҳозир ишонолмайсан киши... баъзан ўзим ҳам ишонмай қоламан...»

Мария Петровна Смирнова (Кухарская),  
санинструктор

«Қирқ иккинчи йил... Муҳим топшириқни бажариш учун чиқдик. Фронт чизигини кесиб ўтиб, қандайдир мо-

зор ёнида тұхтадиқ.. Немислар биздан беш километр нарида жойлашганини билардик. Тун. Коронғу. Улар тинмай ёритувчи ракеталарни ташлашарди.... парашютли. Бундай ракеталар узок ёніб, анча вакт ён-атрофни ёритиб турарди. Взвод бошлиғи мени мозор четига бошлаб, қаердан ракета отишаётганини, немислар пайдо бўлиши мумкин бўлган буталарни кўрсатди. Мен ўлганлардан кўрқмайман, болаликдан қабристондан кўрқмасдим, аммо йигирма икки ўнда эдим, биринчи марта постда туришим эди.... Мана шу икки соат ичидан сочим оқариб кетди... Эрталаб ойнага караганимда, чаккамдаги бир тўп сочим оқариб кетибди. Мен ўша бутадан кўз узмасдим, у шитирларди, қимиirlарди, менга у ердан немислар келаетгандай туюларди... Яна бошқалар ҳам.... Қандайдир маҳлуклар... Мен эса бир ўзимман...

Ярим кеча қабристонда соқчилик қилиш аёлнинг ишими? Эркаклар буни осонроқ қабул қилишарди, соқчилик қилиш, отиш кераклиги ҳақидаги фикрга улар тайёр эди... Биз учун эса бу барибир кутилмаган ҳол эди. Ёки ўттиз километр пиёда юриш. Тағин қурол-аслаҳалар билан. Жазирамада. Отлар бардош бермай йиқиларди...»

*Вера Сафоновна Давидова, оддий аскар, пиёда*

«Урушда энг даҳшати нима деб сўраяпсанми? Мендан жавоб кутяпсанми? Мендан қандай жавоб кутаётганингни биламан... Урушда энг даҳшати бу ўлим дейишимни кутяпсан. Ўлим. Шундайми? Сенларни яхши биламан. Ҳамма журналистлар бир гўр... Ха-ха-а-а... нега кулмаяпсан? А? Мен эса бошқача жавоб бераман... мен учун урушда энг даҳшатли нарса – эркаклар трусиғини кийиш. Мана бу ҳақиқатан ҳам даҳшат эди. Бу мен учун доим... буни ифодалаб беролмайман... Биринчидан, жуда хунук... Урушда Ватанинг учун жон бермоқчисану, эгнингда эркаклар трусиғи бўлса. Қисқаси, бу жуда кулгили. Қўпол. У пайтларда эркаклар узун кенг трусиқ

кийишарди. Уларни сатиндан тикишарди. Ертүламизда ўнта қиз бўлса, ҳаммаси эркаклар трусигини кийишарди. Э,-худо-Кишин-ёзин. Тўрт-йил-мобайнида. Советлар чегарасини кесиб ўтдик... Сиёсий машғулотларимизда комиссаримиз айтганидек, йиртқични ўз инига хайдаб, сўнгги зарбаларни бераётган эдик. Биринчи поляк қишлоига киришимиздан олдин бизга янги уст-бош беришди... Биласизми! Биринчи марта аёллар трусиги ва бюстгалтерлар олиб келишди. Бутун уруш давомида биринчи марта. Ха-а-а... Тушуняпсизми... қандай бўлишини уруш тугагандан сўнггина билдик...

Нега кулмайсан? Йиғлаляпсанми... Нега?»

*Лола Ахметова, оддий аскар, ўқчи*

«Мени фронтга олишмасди... Эндиғина ўн олтини қаршилаган эдим, ўн еттигача ҳали анча бор. Биздан фақат фельдшеримизнигина олишди, унга чақирув қофози келди. У роса йиғлади, чунки уйидá кичкина ўғилчаси қолаётган эди. Мен военкоматга бориб: «Унинг ўрнига мени олинглар», – дедим. Онам эса қаршилик қиласарди: «Нина, ёшинг нечида, биласанми? Уруш ҳам тугаб қолар». Она она-да, барибир.

Жангчилар менга гоҳ нон, гоҳ қанд бўлagini қолдиришарди. Мени аяшарди. Мен «катюша»миз борлигидан бехабар эканман. У орқамиздан юриб, бизни ҳимоя қиласаркан. Бирдан у отишни бошлади. Ҳамма ёқ ола-тўполон, гумбур-гумбур. Атроф тутун, олов. Бу мени шундай ваҳимага солдики, катюшанинг гумбур-гумбур садоси, қора тутун, олов мени шу даражада кўрқитиб юбордики, сувга тушиб кетдим. Бошимдаги пилоткам ҳам учиб кетди. Аскарлар эса: «Нина, сенга нима бўлди? Ҳа, жонидан, кўркдингми?» – деб кулишди.

Кўл жангларидан нима ёдимда қолди? Мен суюқлар қарсиллашини эслаб қолдим... Кўл жанглари бошланса, дархол ўша қарс-қарс овозларни эшитардим – тоғайлар қарсиллайди, одам суюклари синади. Файриинсоний

қичқириқлар... Хужум бўлганда, мен жангчилар билан тенгма-тeng, бироз орқада борардим. Ҳаммаси менинг кўз ўнгимда юз берарди... Эркаклар бир-бирини сўйишади. Уришади. Ўлдиришади. Оғиз, кўз... юрак, қоринларига найза санчишади... Ва бу... Қандай таърифласам экан? Мен ожизман... Таърифлашга ожизман... Бир сўз билан айтганда, аёллар бундай эркакларни танишмайди, уларни уйда бу ахволда сира кўришмайди. На аёллар, на болалар. Юрагинг орқага тортиб кетади...

Урушдан сўнг уйга, Тулага қайтиб келдим. Тушларимда бақириб чиқардим. Кечаси онам билан опам бошимда ўтиришарди... Ўз овозимдан ўзим уйғониб кетардим...»

*Нина Владимировна Ковеленова, катта сержант, ўқчи рота санинструктори*

«Сталинградга етиб келдик... У ерда ҳаёт-мамот жанглари бўлаётган эди. Энг даҳшатли жой... Сув ва ер қопкора кон... Волганинг у қирғоғидан бу қирғоғига ўтишимиз керак. Бизни ҳеч ким эшишишни ҳам истамасди: «Нима? Қизлар? Бу ерда кимга кераксиз? Бизга алоқачилар эмас, ўқчи ва пулемётчилар керак». Биз эса кўпчилик эдик. Нак саксонта қиз. Кечга яқин бақувватроқ қизларни саралаб олишди. Мен ва менга ўхшаган жуссаси кичик яна бир қизни эса ҳеч ҳам олишмасди. Бўйимиз кичкина экан. Ҳали етилмабмиз. Захирада қолдиришмоқчи эди. Бироқ мен бутун частни бошимга кўтардим... Биринчи жангда офицерлар мени бруствердан пастга итаришарди, чунки ҳаммасини ўз кўзим билан кўриш учун нуқул бошимни ташқарига чиқариб олардим. Қанчалик қизиқувчан эдим, болаларча қизиқувчан... Содда!

Командир: «Оддий аскар Семёнова! Оддий аскар Семёнова, жинни бўлдингми! Жонингдан тўйдингми? Бoshингни сапчадай узиб ташлайди-ку!» – деб бақиради. Буни мен сира тушунолмасдим: фронтга эндиғина келган бўлсам, қандай қилиб бошимни узиб ташлашади?

Ажал одам танламаслигини ҳали билмас эдим. Үнга таниш-билишчилик ўтмайди.

Эски юк машиналарида халқ ҳаракати аъзоларини олиб көлишарди. Ҳаммаси чоллар вә гүдаклар. Уларнинг кўлларига иккитадан граната тутқазиб, винтовкасиз жангга кузатишарди. Винтовкани ўzlари жангда топишлари керак. Жангдан кейин жароҳатини бойлашга одам топилмасди... Ҳаммаси ўлган...»

*Нина Алексеевна Семёнова, оддий аскар, алоқачи*

«Урушни бошдан-оёқ кезиб чиқдим... Биринчи ярадоримни олиб чиқаётганимда оёқларим букилиб кетарди. Уни судраб бораману, ўзим эса ичимда «Ўлиб қолмаса эди... Ўлиб қолмаса эди...» деб пичирлайман. Ярасини боғлайману, кўзларимдан ёш оқади, ширин сўзлар айтиб, уни юпатаман. Командиримиз ёнимдан ўтиб кетаётган эди, мени кўриб уришиб берди. Ҳаттоқи сўқинди ҳам...

— Нега сизни уришиб берди?

— Менга ўхшаб раҳм қилиб, йиғлаб ўтириш мумкин эмас эди. Ҳолсизланиб қолишим мумкин эди, касаллар эса кўп.

Юк машинасида борар эдик, ўлган аскарлар ётибди, бошлари қиртишланган, қуёшда кўкариб кетган картошкага ўхшайди. Улар картошкадек ҳар ёқقا сочилган... Картошкадек...»

*Екатерина Михайловна Рабчаева, оддий аскар, санинструктор*

«Бу воқеа қаерда... қайси жойда бўлганини эслолмайман... Омборда икки юзга яқин ярадорга бир ўзим хизмат қилаётгандим. Ярадорларни тўғри жанг майдонидан олиб келишарди, уларнинг саноги йўқ эди. Қандайдир қишлоқда эдик... Шунча йил ўтди, ростдан ҳам эсимда йўқ... Тўрт кун ухламаганим эсимда. Тиним билмадим. Ҳаммаси «Синглим! Сингилжон! Ёрдам

бер!» деб чақиради. Мен бирининг ёнидан иккинчисига югурадим. Бир сафар қоқилиб кетибману, шу захоти донг қотиб ухлаб қолибман. Шовқин-сурондан уйғониб кетдим, командир, ёшгина лейтенант, у ҳам ярадор эди, соғ биқинига суюниб ўрнидан күтарилиб, бошқаларга бақиради: «Жим бўлинг! Жим бўлинг. Буйруқ бераман!» Ҳолдан тойғанлигимни тушунган экан, ярадорлар эса тинмай чақиришарди, уларнинг жони оғрирди: «Синг-лим! Сингилжон!» Бирдан сапчиб турдим, қаерга, нимага чопиб кетганимни ҳам билмайман. Ўшанда фронтга келганимдан бери биринчи марта йифлаб юбордим.

Шунақа... Юрагинг нима дейишини билиб бўлмайди. Қиши кунларининг бирида частимиз ёнидан асирга тушган немис аскарларини олиб кетишаётган эди. Улар музлаб қолишган, бошларида йиртиқ адёл, шинеллари қўйган. Ўша куни шу даражада совук эдики, тупурсанг тупугинг сумалак бўлиб қоларди. Кушлар қотиб қоларди. Мана шу гуруҳда бир немис аскари борарди... Ҳали гўдак... Юзидаги кўз ёшлари қотиб қолган эди... мен эса аравада ошхонага нон олиб кетаётган эдим. У ана шу аравадан кўз узолмасди, мени эмас, фактат ўша аравани кўтарди. Нон... Нон... Мен буханка четини синдириб унга бердим. У қўлини чўзиб олди... Олишга олдию, кўзларига ишонмади. Ишонмади... Ҳа. Ҳа. Ишонмади!

Мен бахтиёр эдим... Нафратлана олмаслигимдан хурсанд эдим. Ўшандаги менга энди ўзим ҳам ҳайрон қолам...»

*Наталья Ивановна Сергеева,  
оддий аскар, санитар*





## «ЁЛГИЗ МЕН ОНАМНИНГ ЁНИГА ҚАЙТДИМ...»

Москвага кетяпман... Нина Яковлевна Вишнёвская ҳақида билғанларим ён дафтарчамдаги бир-икки қатор гапдан ошмайды: фронтта ўн етти ёшида кетган, бешинчи армиянинг ўттиз иккинчи танк дивизиясининг биринчи батальонида санинструктор бўлиб хизмат қилган. Прохоровка остонасида машҳур танклар жангига иштирок этган. Ўша жангда иккала – ҳам немис, ҳам совет томонни қўшиб ҳисоблагандо, бир минг икки юз танк ва ўзиорар куроллар тўқнаш келган. Жаҳон тарихидаги энг катта танк жангларидан бири.

Она шаҳрини душмандан ҳалос қилган ўттиз иккинчи танк дивизияси ҳақида ўз музейлари учун катта материал тўплаган Борисовдаги мактаб изкуварлари менга яқиндан ёрдам беришди, манзилни улардан олдим. Танк қисмларида санинструктор бўлиб одатда эркаклар хизмат қиласарди, бу ерда эса – қиз бола. Дарҳол йўлга отландим...

Йўлдаёқ ўйлай бошладим: ўнлаб манзиллар орасида қайсинисини танлаш керак? Аввал ким билан учрашсам, ҳаммани ёзib олдим. Мен кўлма-кўл бўлиб кетдим. Бир-бирларига қўнғироқ қилиб, мени таништиришарди. Мени учрашувларига таклиф қилишарди, баъзан шунчаки ширинлик ва чойга чақиришарди. Бутун мамлакатдан хатлар ола бошладим, манзилим ҳам фронт почтаси орқали тарқалиб кетди. Менга: «Сен энди бизлардансан. Сен ҳам фронт қизига айландинг», – деб ёзишарди. Тез орада ҳамманинг гапини ёзib ололмаслигимни, уларни саралаб олишда бошқачароқ бир йўл тутишим керакли-

гини тушундим. Аммо қандай йўл танласам экан? Мавжуд манзилларни саралаб олиб, ўзим учун бир қоидани шакллантириб олдим: турли ҳарбий касблардаги аёллар нутқини ёзиб оламан. Ахир ҳамма ҳаётни ўз касби, ҳаётдаги ўрни ёки ўзи иштирок этаётган воқелик орқали кўради. Ҳамшира битта урушни, ошпаз иккинчи, десантчи учинчи, учувчи тўртинчи, автоматчилар взводи командири бешинчи урушни кўрган деб тахмин қилиш мумкин... Ҳар бирининг урушда кўриш майдони бўлган: кимдадир бу операция столи бўлса: «Шунча кесилган кўл ва оёқларни кўравериб, дунёда кўл-оёғи бутун эркак қолганига ишонгим келмасди. Ҳаммаси ёки ярадор, ёки ўлиб кетган деб ўйлардим...» (А. Демченко, катта сержант, ҳамшира); бошқасида дала ошхонаси қозонлари бўлган: «Баъзида жангдан кейин тирик одам қолмасди... Бир қозон бўтқа пишириб, шўрва қайнатасану, уни кимга беришингни билмайсан...» (И. Зинина, оддий аскар, ошпаз); учинчиси урушни осмондан кўрган: «Лагеримиз ўрмонда жойлашган эди. Самолётдан тушдиму, ўрмонга боришга қарор қилдим. Ёз ўрталари эди, кулупнай пишиб қолганди. Сўқмок бўйлаб бораётгандим, йўл ёқасида ўлиб ётган немисга кўзим тушди... Қорайиб кетганди... Вужудимни қўркув эгаллади. Урушга келганимга бир йилдан ошган бўлса ҳам, шу чокқача бирорта ўликни кўрмагандим. Тепада ҳаммаси бошқача... Парвоз қилаётганингда қаллангда бир фикр айланади: нишонни топиб, бомбани ташлаш ва орқага қайтиш. Ўлдирган одамларимизни кўрмасдик. Бу қўркувни туймасдик...» (А. Бондарева, гвардия лейтенанти, катта учувчи). Партизан аёлда эса уруш ҳалигача ёнаётган гулхан тутунини эслатади: «Ҳаммасини гулханда тайёрлардик: нон пиширадик, овқат қайнатардик, кулига пўстинларимиз, кигиз этикларимизни қуритиш учун ташлаб кўярдик. Кечаси гулхан атрофида исинардик...» (Е. Висоцкая).

Бироқ мени ўз хаёлларим билан кўп ҳам ёлғиз қолдиришмади. Вагон кузатувчиси чой олиб келди. Ку-

педагилар дарров бир-бири билан танишиб кетди. Столинг устида анъанавий «Московская» ароғи, күлбала газак пайдо бўлади, дилдан сухбат қура бошлаймиз. Оиласвий сирлар ва сиёсат, севги ва нафрат, раҳнамолар ва қўшнилар ҳақида...

Биз йўл ва сухбат одамлари эканлигимизни аллақачон англадим...

Мен ҳам кимнинг олдига, нимага кетаётганлигимни айтиб бердим. Купедагилардан иккитаси урушда бўлган – бири Берлингача сапёрлар батальони командири сифатида етиб борган бўлса, иккинчиси уч йил беларусь ўрмонларида партизанлик қилган.

Кейинчалик сухбатимни хотирамда сакланганича ёзиб қўйдим:

– Биз энди қирилиб кетаётган қабиламиз. Гўёки ма- монтлармиз! Биз ҳаётда инсон ҳаётидан ҳам қудратлироқ нарса борлигига ишонган авлод вакилларимиз. Ватан – улуг ғоя. Албатта, Сталин ҳам. Алдаб нима ҳам қилдик? Кўшиқдан сўзларни олиб ташлолмаймиз, ахир.

– Ҳа, буниси бор гап... Гурӯҳимизда жасур қизимиз бор эди... Портлатиш учун темир йўлга борарди. Урушгача бутун оиласи: отаси, онаси, иккита акасини қатағон қилишган. У холаси билан турарди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ партизанларни қидира бошлади. Отряддагилар унинг жонини жабборга бераётганлигини кўриб-билиб туришарди... Испотламоқчи эди... Ҳаммани мукофотлашарди, бироқ унга бирор марта медаль беришмади. Ота-онаси ҳалқ душмани бўлгани учун мукофотлашмасди. Армиямиз келишига бир-икки кун қолганида оёғидан айрилди. Уни кўриш учун госпиталга бордим... У роса йиглади... «Мана энди ҳамма менга ишонади», – деди у. Чиройли қиз эди...

– Олдимга иккита қиз, сапёрлар взводи командирлари келишганда, қайсиdir ахмоқ уларни менга жўнатган экан, дархол уларни орқага қайтариб юбордим. Улар норози бўлишди. Фронтнинг олдинги маррасига бориб,

миналардан ўтиш учун йўлакчалар қазиша иштирок этишмоқчи эди.

— Уларни нега қайтариб юбордингиз?

— Бир қатор сабабларга кўра. Биринчиси – вазифани бу қизлардан ҳам аъло бажара оладиган яхши сержантларим бор эди, иккинчидан – аёл киши ўзини ўтга... жанг қизиб турган жойга ташлаши нотўғри деб ўйлардим. Эркаклар ҳам етади. Улар учун алоҳида блиндаж қуриш, уларнинг командирлик фаолияти учун бир қатор шароитлар яратишм кераклигини яхши билардим. Хуллас, улар билан иш кўп.

— Демак, аёл кишининг урушда қиладиган иши йўқ деб ҳисоблайсиз?

— Тарихни ёдга олсак, ҳамма замонларда ҳам рус аёли эри, акаси, ўғлини урушга жўнатиш, оху зор чекиб, уларни кутиш билан чекланиб колмаган. Княжна Ярославнанинг ўзи қалъа деворига чиқиб, душман устига қиздирилган қора мой қўйган. Бироқ биз, эркаклар, аёллар қўлларига қурод олишга мажбур бўлишгани учун ўзимизни айбдор ҳис қилардик, мана шу туйғу мени тарк этмасди. Эсимда, чекинаётган эдик. Куз кунлари эди, туну кун ёмғир ёғарди. Йўл ёқасида бир қиз ўлиб ётарди... Узун соchlари қора лойга беланган...

— Ҳа, албатта... Ҳамшираларимиз қуршовга тушиб қолганларида ярадор жангчиларни химоя қилиб, чунки ярадор жангчилар ёш боладек ожиз бўлиб қолишади, ўқ отишга мажбур бўлишганини эшитганимда, албатта, буни тушунардим. Энди эса мана бундай манзарани кўз олдингизга қелтиринг: иккита аёл қўлларига снайперка олиб, нейтрал ҳудудда ер бағирлаб кимнидир ўлдириш учун кетяпти. Ҳа. Ҳа... Албатта, бу ҳам «ов» деган хаёлдан кутулолмасдим. Ўзим ҳам отганман... Бироқ мен эркакман-ку...

— Аммо улар ватанларини химоя қилишган? Она ерлари учун жанг қилишган...

— Ҳа, албатта... Разведкага бундай қиз билан, эҳтимол, борардим, бироқ у билан никоҳдан ўтмаган бўлардим. Ҳа-да... Аёл ҳақида она ёки келин қиёфасида ўйлашга одатланиб қолганмиз. Жилла курса, гўзал ма-лика қиёфасида. Укам шахримиз бўйлаб асир немислар олиб кетилаётган воқеани айтиб берганди. Улар, ёш-яланг, колоннада кетаётганлар немисларни рогаткадан отишаркан. Онам кўриб қолиб, айлантириб солибди. Кетаётганлар ҳали она сути оғзидан кетмаган ёш йигитлар эди. Гитлер уларни уруш сўнгида териб олганди. Укам етти ёшда эди, бироқ онам ўша немисларга қараб: «Она-ларингизнинг кўзи кўр бўлсин, сизларни қандай қилиб урушга жўнатди экан?» — деб йиғлагани эсимда.

Уруш — эркаклар иши. Эркаклар ҳақида китоб ёзсан-гиз бўлмайдими?

Йўқ... Мен — гувоҳман. Йўқ! Урушнинг дастлабки ойлари фожиасини эслаб кўрайлик: бутун авиациямиз ерда қириб ташланганди, танкларимиз гугурт қутиларидек ёнарди. Винтовкаларимиз эски. Миллионлаб аскар ва офицерларимиз асир тушишган. Миллионлаб! Бир ярим ойдан кейин Гитлер Москвагача етиб келган эди... Профессорлар халқ ҳаракатига аъзо бўлишиди. Қари профессорлар! Қизлар ҳам ихтиёрий равишда фронтга отилишарди, кўрқоқ ўзи урушга бормайди. Улар жасур, ажойиб қизлар эди. Бир статистика бор: олдинги маррадаги тиббий ходимлар орасидаги йўқотишлар ўқчи батальондаги йўқотишлардан кейин иккинчи ўринда турарди. Пиёда. Масалан, жанг майдонидан ярадорни олиб чиқиши нималигини тасаввур қиласизми? Ҳозир сизларга айтиб бераман...

Хужумга бордик, бизга қаратса пулемётларни ишга туширишди. Батальонимиз кули кўкка совурилди. Ҳаммаси ерда ётарди. Ҳаммаси ҳам ўлмаганди, аксари яраланганди. Немислар эса оловни тўхтатишмаяпти. Кутилмаганда траншеядан аввал битта, кейин иккинчи, сўнг учинчи қиз бош кўтариб, ярадорлар олдига югуриб

кетиши... Улар ярадорлар жароҳатини боғлаб, уларни овлоқроққа судраб қетиши. Ҳатто немислар ҳам бир зум ўзларини йўқотиб кўйиши. Кечки соат ўнга яқин қизларнинг ҳаммаси оғир ярадор бўлиши, ҳар бири кўпи билан икки ё уч ярадорни кутқарди. Уларни кўп ҳам мукофотлайверишимасди. Ярадорни унинг шахсий қуроли билан бирга олиб чиқиш керак эди. Медснабда биринчи бўлиб: «Қуролинг қани?» – деб сўрашарди. Урушнинг биринчи кунларида унга эҳтиёж катта эди. Винтовка, автомат, пулемёт – уларни ҳам орқалаб юриш керак эди. Қирқ биринчи йилда аскарлар ҳаётини кутқарган одамларни мукофотлаш ҳақидаги икки юз саксон биринчи рақамли буйруқ чиқарилган эди: жанг майдонидан шахсий қуроли билан кутқарилган ўн бешта оғир ярадор учун «Жангдаги хизматлари учун», йигирма бешта ярадорни кутқаргани учун «Қизил Юлдуз ордени», саксонта ярадорни кутқаргани учун Ленин ордени бериларди. Мен сизларга жангда лоақал битта ярадорни... ўқ остидан... олиб чиқиш қандай бўлишини тасвирлаб бердим...

– Ҳа, албатта... Менинг ҳам эсимда... Ҳа... Разведкачиларимизни немис гарнizonи жойлашган қишлоққа жўнатиши. Иккитаси жўнаб кетди... Кетидан яна бири... Биттаси ҳам қайтиб келмади. Командиримиз қизларимиздан бирини чақириб: «Люся, сен борасан», – деди. Унга молбоқар кийимини кийдириб, йўлга чиқариши... Нима қилиш керак? Бошқа илож йўқ... Эркакларни ўлдириб ташлашяпти, аёл эса амаллаб ўтиб олиши мумкин. Ҳа... Бироқ аёл қўлида винтовка кўриш...

– Киз қайтиб келдими?

– Фамилияси ёдимда йўқ... Фақат исмини эслайман – Люся. У ҳалок бўлди... Буни кейинчалик дехқонлардан эшитдик...

Ҳамма узоқ вақт сукут сақлайди. Кейин эса ўтиб кетганлар рухи учун қадаҳ кўтариши. Суҳбат мавзуси ўзгарди: Сталин ҳақида гапира бошлиши, уруш олди-

дан энг зёр командир кадрларни, харбий элитани йўқ қилганини хикоя қилиб кетишиди. Шафқатсиз коллективлаштириш ва ўттиз еттинчи йил ҳақида. Лагерлар ва сургунлар ҳақида. Ўттиз еттинчи йил бўлмаганида, қирк биринчи йил ҳам бўлмасди. Москвагача чекинмасдик. Бироқ урушдан кейин ҳамма бу ҳақда унутди. Ҳаммасини Фалаба нашидаси хира тортириди.

— Урушда севги бўлганми? — деб сўрайман.

— Фронтдаги қизлар орасида чиройлилари кўп эди, бироқ биз уларда аёлларни кўрмасдик. Ҳолбуки, улар назаримда ажойиб қизлар эди. Улар бизни жанг майдонидан қутқарган дўстларимиз эди. Бизни қутқариб, оёқка турғизишарди. Икки марта яраланганимда ҳамшираларимиз мени қутқаришган. Уларга қандай қилиб ёмон муносабатда бўлай? Масалан, сиз акангизга турмушга чика олармидингиз? Биз уларни синглим дердик.

— Урушдан кейин-чи?

— Уруш тугагач, улар ниҳоятда химоясиз бўлиб қолишиди. Масалан, менинг хотиним, у акли аёл, бироқ ҳарбий аёлларга ёмон кўз билан қарайди. Уларни урушга эрсираб борган, у ерда эркаклар билан айш-ишрат қилиб юрган деб ўйлайди. Аслида эса, сухбатимиз самимий-ку тўғрими, улар кўпинча иффатли қизлар эди. Пок. Аммо урушдан сўнг... Лой, бит, ўлимдан сўнг... Кўнглимиз чиройлироқ... ёрқинроқ ниманидир... чиройли аёлларни тусади. Бир дўстим бор эди, фронтда уни ажойиб бир қиз севарди. Ҳамшира. Бироқ дўстим унга уйланмади, демобилизациядан кейин ўзига бошқа бир чиройлироқ қизни топиб олди. У хотини билан баҳтсиз. Энди эса урушдаги муҳаббатини эслаб, афсус чекади, унга яхши умр йўлдоши бўлган бўларди. Урушдан кейин эса дўстим уни ташлаб кетди, чунки тўрт йил мобайнода уни факат тўзиб кетган этик ва эркаклар пахтали курткасида кўрган. Биз урушни унутишни истардик. Қизларимизни ҳам унутдик...

— Ҳа, буниси бор гап... Ҳаммамиз ёш эдик. Яшашни истардик...

Ўша тунда ҳеч ким ухламади. Тонггача гаплашиб чикдик.

... Метродан чиқиб Москвадаги сокин ҳовлига келдим. У ерда болалар ўйнайдиган қум ва арғимчоқлар бор. Боряпману, телефондаги сұхбатни эслайман: «Келдингизми? Түғри менинг олдимга келяпсизми? Ветеранлар кенгашида ҳеч нарсаны аниклаштирумайсизми? Уларда мен ҳақимда барча маълумотлар бор, улар текширишган. Бироз ҳайратландым. Илгари ғам-андух инсонни эркин қиласы, энди у фактада тегишли бўлади деб ўйлар эканман. Уни ўз хотираси ҳимоя қиласы деб ўйлардим. Энди эса, йўқ, ҳар доим эмас деган хуносага келяпман. Кўпинча бу билим ҳатто юқори билим (оддий ҳаётда бундай бўлмайди) деган бўлардим, дахлсиз захира ёки кўп қатламли рудадаги олтин чанглари каби алоҳида яшайди. Кераксиз тупроқни ўзок вақт ғалвирдан ўтказиш, кундалик ғам-ташвиш қатламларини биргаликда титиш керак бўлади, ва, ниҳоят — топасиз! Худо беради!

Хўш, аслида қандаймиз, нимадан, қандай хомашёдан ясалганмиз? Унинг мустаҳкамлиги нимада, шуни англаб етмоқчиман. Мен бу ерга ана шунинг учун келдим...

Эшикни бўйи паст қотмадан келган аёл очди. Бир кўлини эркакларга ўхшаб саломлашиш учун менга чўзди, иккинчисини эса невараси тутиб турарди. Унинг хотиржамлиги ва одатий қизиқувчанлигини кўриб, бу уйга меҳмон кўп келишини тушуниб олдим. Уларни бу ерда интизорлик билан кутишади.

Кенг катта хона, деярли жихози йўқ. Қўлда ясалган китоб жавонида китоблар, аксарияти ҳарбий мемуарлар, катталаштирилган фронт суратлари жойлаштирилган, буғу шохида танкошлем осиғлиқ турибди, силлиқланган столда эсдалик дастхатлар ёзилган кичик танклар: «Н-қисм. жангчиларидан», «Танк ўқув юрти курсантла-

ридан»... Ёнимда диванда учта қўғирчоқ – ҳаммаси ҳарбий кийимда. Ҳатто уйдаги парда ва гулқоғоз ранги ҳам яшил. Бу ерда уруш ҳеч қачон тугамаган, тугамайди ҳам.

*Нина Яковлевна Вишнёвская, старшина,  
танк батальони саниструктори:*

«Нимадан бошласам экан? Мен, ҳатто, гапларимни ёзиб ҳам олдим... Ҳа, майли, бир чақчақлашайлик. Дугонамга очилгандай гапириб бераман. Вокеа мана бундай бўлган эди...

Танк қўшинларига қизларни базур олишарди. Умуман олишмасди десам ҳам бўлади. Қандай қилиб танк дивизиясига бориб қолдим? Калинин областининг Конаково шаҳрида яшардик. Мен эндиғина саккизинчи синф битириш имтиҳонларини топшириб, тўққизинчи синфга ўтгандим. Ўшанда ҳеч қайсимиз уруш нималигини тушунмасдик, биз учун уруш ўйин, китобий нарса эди. Бизни инқилоб романтикаси, ғоялар тарбиялаган эди. Газеталарга ишонардик: тез орада уруш бизнинг ғалабамиз билан якунланади. Ҳа, ҳа, шундай эди...

Оиласиз катта коммунал квартирада турарди, у ерда кўпчилик яшарди, ҳар куни кимнидир урушга жўнатардик: Петя амаки, Вася тоға... Уларни кузатардигу, аммо биз болаларнинг қизиқувчанлиги бу билан тугамасди. Поезд юриб кетмагунча орқасидан югурадик... Мусиқа янграр, аёллар йиглар, бироқ бу бизни кўркитмасди, аксинча, қизиқ туюларди. Пуфлама чолғули оркестр доим «Славян-қиз хайрлашуви» куйини чаларди. Поездга ўтириб жўнаворгимиз келарди. Уруш назаримизда қаердадир узокда бўлаётгандай эди. Менга, масалан, ҳарбий кийимдаги тугмаларнинг ялтираши ёқарди. Мен сандружиначилар<sup>1</sup> курсига ҳам қатнай бошлагандим, бироқ буларнинг ҳаммасини болалардек қабул қиласканман. Ўйиндай, Кейин мактабимиз ёпилиб, биз-

<sup>1</sup> Сандружиначи – санитар дружина аъзоси.

ни мудофаа иншоотлари курилишига сафарбар этишиди. Омборхоналарга, далаларга жойлаштиришиди. Биз уруш билан боғлиқ ишга бораётганимиздан ниҳоятда хурсанд эдик. Бизни нимжонлар батальонига ёзиб кўйишиди. Эрталаб соат саккиздан кечки соат саккиззагча, суткасига ўн икки соат ишлардик. Танкларга қарши ҳандақ қазирдик. Ҳаммамиз ўн-ўн олти ёшдаги ўғил-қизлар эдик... Бир куни иш пайтида шовқин-сурон қўтарилиди; кимдир «Ҳаво хужуми!» деб қичқирса, кимдир «Немислар!» деб бақиради. Катталар беркина бошлишди, биз эса немис самолётлари, немислар қандай бўлади деб анқайиб турдик. Улар ёнгинамиздан учиб ўтишиди, бирон нарсани кўришга ҳам улгурмадик. Ҳатто хафа ҳам бўлдик... Бир неча дақиқадан сўнг улар орқасига қайрилиб, янам пастроқ уча бошлишди. Ҳаммамиз қора крестларни кўрдик. Заррача қўркув йўқ эди, фақат қизиқиш. Бирдан улар пулемётдан ўт очишиди, кўз ўнгимиизда биз билан бирга ўқиган, ишлаган болалар йиқила бошлиди. Ҳаммамиз донг қотдик, нималигини тушунмай ҳайратда эдик. Факат серрайиб қараб турардик... Катталар ёнимизга келиб, итариб, бизларни ерга йиқитишарди, биз эса барибири кўркув ҳис қилмасдик...

Тез орада немислар шаҳарга жуда яқин келди. Тахминан ўн километр нарида эди, ҳатто канонада овози эшитилиб турарди. Қизлар билан военкоматга югуриб бордик: ватанини бирга химоя қилишимиз керак. Бўнга шубҳа қилмасдик. Аммо ҳаммани ҳам олаверишмасди, бакувват; чидамли ва, энг муҳими, ўн саккизга тўлган қизларни олишарди. Яхши комсомол бўлиш керак эди. Бир капитан танк части учун қизларни олаётган экан. Албатта у мени эшитишни ҳам истамади, чунки мен ўн етти ўшда эдим, унинг устига, бўйим ҳам талабга жавоб бермасди, атиги бир метру олтмиш сантиметр.

— Агар пиёда аскар жароҳатланса, — деб тушунтирди у менга, — у ерга йиқилади. Унинг ёнига бориб, жойида ярасини боғлаб, панароқ жойга олиб кетиши

мумкин. Танкист пиёда эмас... Агар танкнинг ичида яраланса, уни люк орқали чиқарип олиш керак. Сен танкистни олиб-чиқа оласанми? Сен ўзи танкистларни кўрганмисан? Ҳаммаси девдай бақувват. Танкка чиқиш керак бўлганда, уни ўққа тутишади. Танкнинг ёнишини тасаввур қила оласанми?

— Мен бошқа комсомолларга ўхшамайманми? — деб йиғлай бошладим.

— Сен ҳам албатта комсомолсан. Факат жуда кичкина.

Мен мактабда ва сандружиначилар курсида бирга ўқиган дугоналарим бақувват, бўйлари баланд қизлар эди, уларни олишиди. Улар урушга кетиб, мен уйда қолаётганим алам қиласарди. Албатта ота-онамга ҳеч нарса демадим. Уларни кузатишга келдим: қизларнинг менга раҳми келди: юк машинаси кузовига, брезент тагига мени яшириб қўйишиди. Очиқ юк машинада борардик, бошимизда ранг-баранг рўмол — кимдир қора, кимдир кўқ, яна кимдир қизил рўмол ўраб олган... Мен эса рўмолнинг ўрнига онамнинг кофтасини танғиб олганман. Урушга эмас, ҳаваскорлар концертига кетаётгандай эдик. Бир кўрсангиз эди! Ҳақиқий кино... Энди эслаб кулгим келади... Шура Киселёва ҳатто гитара ҳам олган. Йўлдамиз, окоплар ҳам кўринай деб қолди, аскарлар бизни кўриб: «Артистлар келишибди! Артистлар келди!» — деб кулишиди.

Штабга яқинлашдик, капитан сафланиш буйругини берди. Ҳаммамиз сафландик, мен охирига туриб олдим. Қизларнинг юки бор, менинг эса ҳеч вақоим йўқ. Шура менга ўзининг гитарасини тутқазди: «Ма, ол. Куруқ турасанми».

Штаб бошлиғи чиқди, капитан унга ахборот берди:  
— Ўртоқ подполковник! Ўн икки нафар қиз хизмат ўташ учун сизнинг хизматингизга келди.

У эса бир қаради-да:

— Бу ерда ўн икки эмас; нак ўн учта қиз бор-ку, — деди.

Капитан эса ўзиникидан қолмасди:

— Йўқ, ўртоқ подполковник, ўн иккита, — у ўн иккита эканлигимизга асло шубҳа қилмасди. Орқасига ўгирилиб қараганида эса, менга кўзи тушди:

— Сен қаердан кеп қолдинг? — деб сўради.

Мен эса:

— Жанг қилгани келдим, ўртоқ капитан, — деб жавоб қайтардим.

— Қани, бери кел-чи!

— Мен дугоналарим билан келдим...

— Дугоналаринг билан бирга рақсга борасан. Бу ерда эса уруш бўляпти. Яқинроқ кел-чи.

Бошимдаги кофта билан капитан ёнига бордим. Сандружиначи гувоҳномамни кўрсатдим. Ялина бошладим:

— Амаки, сиз иккиланманг. Мен кучлиман. Ҳамшира бўлиб ишлаганман... Қон ҳам топширганман... Илтимос, мени олинг...

Улар ҳамма хужжатларимни текширишдию, кейин подполковник буюрди:

— Уйга қайтаринг! Биринчи йўловчи машинасида!

Машина келгунича эса, мени вақтинча медсанвзводга тайинлашди. Ўтириб дока тампонларни тайёрлардим. Штабга машина яқинлашаётганини кўришим билан, ўрмонга қочиб кетардим. У ерда бир-икки соат ўтириб, машина кетиши билан қайтиб келардим. Уч кун шундай қилдим. Кейин батальонимиз жангга киришди. Ўттиз иккинчи танк бригадасининг биринчи танк батальони.

Ҳаммаси жангга кетишди, мён эса ярадорлар учун ертўла тайёрлардим. Ярим соат ҳам ўтмади, ярадорларни олиб кела бошлашди... Ўлганларни ҳам... Ўша жангда қизларимиздан бири ҳалок бўлди. Шу тариқа мени уйга жўнатвориш кераклиги ҳамманинг эсидан чиқиб кетди. Кўнишиб қолишди. Раҳбарлар эсламай ҳам қўйишли...

Хүш, энди нима бўлади? Энди ҳарбий кийим кийиш керак. Ҳаммамизга кийим солиш учун қоп беришди, кийимларимизни у ерга жойлаштиришимиз керак эди. Янги қоплар. Мен ипларини кесиб ташлаб, тубини кесиб, кийиб олдим. Ҳарбий юбка ҳосил бўлди. Қаерданdir унча эски бўлмаган тимнастёрка топиб олиб, камар такиб олдим ва қизларниңг олдига мақтаниш учун югуриб бордим. Эндигина айланиб, кийимларимни кўрсатаётган эдим, ертўламизга старшина кириб қолди, орқасидан— часть командирӣ.

Старшина:

— Саф-лан!

Полковник кирди, старшина унга юзланиб:

— Ўртоқ подполковник, мурожаат этишга рухсат этинг! Қизлар билан иш чатоқ. Мен уларга кийим копларини берсам, эгнига илиб олишибди.

Ўша пайт мени часть командири таниб қолди:

— А, ахир сен ўша «қуён»сан! Нима ҳам қиласарик, старшина, қизларни кийинтириш керак.

Бизга нима беришди? Танкистларга брезент шимлар беришган, тиззаларида қўшимча ямоқ ҳам бор. Бизга эса докадан ҳам юпқа комбинезонлар беришди. Ер эса темир-терсак парчаларига тўлиб кетган, тошлари чиқариб ташланган — яна йиртиқ-ямоқда юрамиз, чунки биз машинада әмас, мана шу ерда әмаклаб юрамиз. Танклар тез-тез ёнарди. Танкист тирик қолган тақдирда ҳам бутун бадани куйган бўлади.. Биз ҳам куярдик, чунки ёнаётған одамни кутқараман деб сен ҳам оловга кирасан, Бў ҳақиқат... Одамни люкдан олиб чиқиш жуда қийин, айниқса башня ўққисини. Ўлган одам эса тирикдан ҳам оғир. Анчагина обир. Буни тез орада билиб олдим...

Ҳарбий билимларимиз йўқ эди, даражаларни тушунмасдик, старшина доим энди ҳақиқий аскар бўлганимиз, даражаси биздан юқори бўлган ҳар қандай кишига ҳарбийчасига салом беришимиз, шалпаймасдан, шинелла-

римиз тұгмасини доим қадаб юришимиз кераклигини айтарди.

Солдатлар эса биздай ёш қызчаларни күриб, ҳазил қылғиси келарди. Бир сафар мени медсанвоздан чойга жүнаташди. Ошпаз олдига келдим. У менга қараб:

— Нега келдинг? — деб сүради.

Мен эса:

— Чойга...

— Чой ҳали тайёрмас.

— Нега?

— Ошпазлар қозонга тушиб чўмилишяпти. Чўмилиб бўлишсин, чой қайнатамиз...

Мен лаққа тушибман. Ростдан ҳам ошпазлар чўмилишяпти деб ўйлабман. Челагимни олиб, орқамга қайтиб кетдим.

Йўл-йўлакай шифокоримизни күриб қолдим:

— Нега челагинг бўш? Чойинг қани?

— Ошпазлар қозонда чўмилишяпти экан. Чой ҳали тайёр эмас экан, — деб жавоб бердим.

У бошини чангллаб:

— Қанақа ошпазлар, қайси қозонда чўмиляпти?

Мени орқага қайтарди, ўша ошпазнинг таъзирини ҳам берди, икки челак чой қуиб беришди. Чой олиб кетаётган эдим, каршимда сиёсий бўлим бошлиги ва бригада командири пайдо бўлишди. Дарров ўргатганлари ёдимга тушди, биз оддий аскар бўлганимиз учун ҳар бир ҳарбий кишига салом беришимиз керак. Улар эса икки киши. Икки кишига бирданига қандай салом бераман. Нима қилсам экан деб ўйлайпман. Тенглашдик, челакларимни ерга қўйиб, иккала қўлимни чаккамга қўйиб, аввал биринчисига, кейин иккинчисига эгилиб салом бердим. Улар аввал менга аҳамият бермай кетишаётган эди, салом беришимни кўриб, қотиб қолишиди:

— Ким сенга бундай честь беришни ўргатди?

— Старшина ўргатувди, ҳар бир кишига салом бериш керак деганди. Сизлар икки киши бирга келяпсиз. Шунга...

Биз қызлар учун армиядаги ҳамма нарса мураккаб әди. Даражада белгиларини ҳам қийинчилик билан ўзлаштирардик. Армияга келганимизда ромбик, кубик, шпалалар ҳали бор әди. Кім қандай даражада эканлигини эслаб қол-чи. Пакетни капитанга олиб бориб бер, дейишади. Уни қандай ажратиб оласан? Боргунингча капитан деган сүз ҳам ёдингдан күтарилади.

Келиб:

- Амаки, амаки, бир амаки мана буни сизга бервордин...
- Қанақа амаки?
- Доим гимнастёркада, кителсиз юрадиган бор-ку, ўша.

Буниси лейтенант, униси капитан эмас, бошқа нарса эсимизда қоларди: чиройлими хунукми, сариқми ё баланд бўйлисими. «А, ана у, новчами», – деб эслаймиз.

Албатта, ёнаётган комбинезонлар, куйган қўллар, куйган юзларни кўрганимда... Мен... Бу жуда ажабланарли... Кўз ёшларим қуриб қолди... Йиғлаш қобилияти – аёлларга берилган инъомни йўқотдим... Танкистлар ёнаётган машиналардан сакраб чиқишиади, эгнидаги киймлари ёнади. Тутайди. Кўпинча қўл-оёқлари синган бўлади. Бу жуда оғир ярадорлар. Ўлим олдида илтижо қиласди: ўлсам онамга хат ёз, хотинимга мактуб жўнат... Кўлимдан келмасди. Кимгадир ўлим ҳақида қандай хабар бериш кераклигини билмасдим...

Танкистлар менинг ўзимни оёқларим оғир яралангандан ахволда Украинадаги кишлоқлардан бирига олиб келишганларида, бу Кировоградда бўлган әди, медсанвзвод жойлашган уй эгаси йиглаб юборди:

– Вой, ёшгина йигит экансан!..

Танкистлар кулишди:

– Қанақа йигит, хола, бу қиз бола-ку!

У эса ёнимга ўтириб, менга яхшилаб қарай бошлади:

– Қанақасига қиз бўлсин? Қанақа қиз? Ахир у ёш йигит-ку...

Сочларим қирқилган, комбинезон кийган, бошимда танкошлем – хақиқий эркакман. У сүридаги ўз жойини менга бўшатиб берди, мени тезроқ тузалиб кетсин деб ҳатто чўчқа ҳам сўйиб берди. Доим менга раҳми келиб:

– Эркаклар қуриб қолганми, ёш болаларни териб олишибди... Яна қиз болаларни... – дерди.

Унинг сўзлари, кўз ёшларидан... Бир зумга жасур-лигим қаергадир ғойиб бўлди, ўзимга, онамга раҳмим келиб кетди. Бу ерда, эркаклар орасида нима қиляпман ўзи? Ахир қиз боламан-ку. Оёқсиз қайтсан-чи? Ҳар хил хаёллар келарди миямга... Ҳа, ҳар хил... буни инкор этмайман...

Ўн саккиз ёшимда Курск Ёйида мени «Жанговар хизматлари учун» медали ва «Қизил Юлдуз» ордени билан, ўн тўққиз ёшимда иккинчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлашди. Сафимиизга янги аскарлар келиб қўшилганда, улар ҳаммаси ёш-ёш йигитлар эди, ҳайрон қолишарди. Улар ҳам мендай ўн саккиз-ўн тўққиз ёшда, кулиб, мендан сўрашарди: «Медалларингни нима учун олгансан?» ёки «Жангда бўлганмисан?» Ҳазил қилишарди: «Ўқ танк зирхини тешиб ўтадими?»

Кейинчалик жанг майдонида, ўқ остида, улардан бирининг жароҳатини боғладим, унинг фамилияси эсимда қолди – Шчеголеватих. Оёги синганди. Оёғига шина қўйяпман, у эса мендан кечирим сўрайди: «Синглим, ўшанда сени хафа қилганим учун кечир. Тўғрисини айтсан, менга ёқиб қолгандинг».

Ўшанда севги ҳақида нима ҳам билардик? Севган бўлсак ҳам мактабда севганмиз, мактабдаги муҳаббат ҳали ҳақиқий севги эмас. Қуршовда қолиб кетганимиз эсимда... Қўлларимиз билан ер қазирдик, бошқа ҳеч нарсамиз, на курагимиз, на бошқа нарсамиз бор... Ҳеч нарса... Чор атрофдан сиқиб келишяпти. Оқшом ёки қуршовни ёриб чиқамиз, ёки ҳалок бўламиз деб қарор қилдик. Кўпроқ ҳалок бўлишимизга ишонардик... Билмадим, буни айтишим жоизми, ўйқми? Билмайман ҳам...

Маскировка қилдик. Кутиб ўтирибмиз. Ёриб чиқишига харакат қилиш учун қош қорайишини кутиб ўтирибмиз. Комбатимиз яралангани учун Миша Т. деган ёш лейтенант комбат вазифасини бажараётгән эди, ёший йигирмалар атрофида, раксга тушиш, гитара да мусиқа чалишни яхши күришини айтиб кетди. Кейин эса мендан сўради: бирор марта кўрганмисан?

— Нимани? Нимани кўрганманми? — қорнимиз оч эди.

— Нимани эмас, кимни... Хотинни!

Урушгача шундай номли ширинлик бўларди. Номи шундай эди.

— Йў-ў-ўк...

— Мен ҳам ҳали кўрмаганман. Севги нималигини билмай, ўлиб кетаверамизми... Кечаси ҳаммамизни ўлдиришади...

— Бор-э, ахмоқ! — у нима ҳақида гапираётганини энди тушунгандим.

Ҳаёт лаззатини татишга улгурмай ҳаёт учун жон фидо қиласардик. Буларнинг ҳаммасини ҳали китоблардан ўқирдик. Севги ҳақидаги киноларни яхши кўрардим...

Танк қисмлари санинструкторлари тез ҳалок бўлишарди. Чунки улар учун танкдә жой кўзда тутилмаган, зирх устидан ёпишиб оласану, хәёлингда эса битта нарса — оёғимни танк занжири тортиб кетмаса эди. Танкнинг қаери ёнишини доим пойлаш керак... Танкдан тушиб, ўша ерга югуриш, судралиб бориш керак... Фронтда бешта дугона эдик: Люба Ясинская, Шура Киселёва, Тоня Бобкова, Зина Латиш ва мен. Танкистлар бизни конаковолик қизлар дейишарди. Ҳаммаси ҳалок бўлишди...

Люба Ясинская ҳалок бўлган жангдан бир кун олдин, оқшом иккаламиз қучоқлашиб ўтирганмиз. Сирлашдик. Кирқ учинчи йил эди... Дивизиямиз Днепрга яқинлашди. У менга қараб: «Биласанми, мен бу урушда ўламан. Буни сезяпман. Старшинанинг олдига бордим, янги

ички кийим сўрадим, у бергиси келмади: «Яқиндагина олдинг-ку», – деди. «Юр, эртага эрталаб, бориб иккализ сўрайлик». Мен эса уни юпатдим: «Иккаламиз икки йилдан бери жангда қатнашяпмиз. Биздан ажал ҳам қўрқади». Бироқ эрталаб у старшина олдига боришга мени кўндириди, ундан бир жуфт ички кийим ундиридик. Ўша янги ички кийимни кийиб олди. Оппоқ, боғичлари ҳам бор эди... Ўша оппоқ кўйлаги қип-қизил қон эди... Оқ ва қизил рангнинг кескин уйғунлиги бир умр ёдимда қолди. У ўлимини айнан шундай тасаввур қилган эди...

Биз тўртталамиз уни плаш-палаткага ётқизиб олиб келдик, у жуда оғир бўлиб кетди. Ўша жангда кўп одамларимиз ҳалок бўлди. Каттагина биродарлик мозорини қазидик. Ҳаммани кўйдик, хар доимгидай тобутсиз, Любани эса энг тепасига кўйдик. Любанинг ўлганига, энди орамизда йўқлигига асло ишонгим келмасди. Бирон нарсасини эсадалик учун олиб қолишини истадим. Қўлида узуги бор эди: тиллами, оддий узукми, билмайман. Уни олдим. Йигитлар менга: «Олма, бу яхшилик аломати эмас», – дейишиди. Хайрлашиш вақти келганда, одатта кўра ҳамма бир сиким тупроқ ташлади, мен ҳам ташладим, ўшанда тупроқ билан қўшилиб, қўлимдаги узук ҳам қабрга тушиб кетди... Любанинг олдига... Бу узукни жуда яхши кўришини эсладим... Уларнинг оиласида отаси бошдан охиригача урушда бўлди, уйига тирик қайтди. Акаси ҳам қайтиб келди. Эркаклар қайтиб келишди... Любая эса ҳалок бўлди...

Шура Киселёва... У орамизда энг чиройлиси эди. Актрисаларга ўхшарди. Ёниб кетди. У оғир ярадорларни похол ғарамларига яширди, ўт очишганида похолга ўт кетди. Шура омон қолиши мумкин эди, бироқ бунинг учун ярадорларни ташлаб кетишга тўғри келарди... У ярадорлар билан бирга ёниб кетди...

Яқиндагина Тоня Бобкова қандай ўлганини эшитдим. У суюкли ёрини минадан сақлаб қоламан деб ҳалок бўлиби. Мина парчаларининг учиши сониянинг ўндан

бир улусида содир бўлади... Бунга қандай улгурди? У лейтенант Петя Бойчевскийни кутқарди, чунки уни севарди. У тирик қолди.

Ўттиз йилдан сўнг Петя Бойчевский Краснодардан келди. Мени топди. Менга ҳаммасини айтиб берди. У билан бирга Борисовга бориб келдик, Тоня ҳалок бўлган ялангликни қидириб топдик. У Тонянинг қабридан бир сиқим тупроқ олди... Уни кўзларига суртди... Биз бешта конаковолик қизлар эдик... Ёлғиз мен онамнинг олдига қайтдим... Мен учун кутилмаганда шеър айтиб кетди:

Танкка минди жасур қиз,  
Юраги вайрон бўлди.  
Тун демай, кундуз демай  
Ватан-чун қалқон бўлди.  
Плаш-палаткада ётган қизнинг  
Хуснини эслаб қол, дўстим...

Уларни фронтда тўқиганлигини айтди. Кўплари фронтда шеър ёзганлари мен учун сир эмас. Улар ҳозир ҳам бир-бирига хат ёзиб туришади, болаларча содда, аммо таъсирчан шеърлари оила бисотидан жой олган. Мана шу шеърлар туфайли фронт альбомлари, уларга эса деярли ҳар бир хонадонда дуч келаман, фўр қизнинг севги мактубларини эслатади. Фарқи – уларда муҳаббат хақида ёзилган бўлса, буларда – ўлим хақида.

«Оилам аҳил. Ундан нолимайман. Болаларим, невараларим бор... Аммо мен уруш оламида яшайман, доим ўзимни урушда хис қиласман... Ўн йил олдин Вания Поздняков деган дўстим билан қайта топишдим. Биз уни ўлган деб ўйлар эдик – тирик экан. У командир бўлган, унинг танки Прохоровка остонасидағи иккита немис танкини йўқ қиласми, шунинг учун уларни ёқиб юборишган эди. Бутун экипаж ҳалок бўлди, факат Вания қолибди – кўzsиз, ҳамма ёри куйган. Уни госпиталга жўнатишибди, лекин тирик қолишига умид йўқ. Танасида куймаган жойи қолмаганди. Бутун териси... бутун

териси... Бўлак-бўлак бўлиб тушган... Илон пўстини ташлагандай... Унинг манзилини ўттиз йилдан сўнг топдим... Умримнинг ярми ўтиб... Зинадан иккиланиб тепага чиққаним ҳамон ёдимда: ўшами-йўқми? Эшикни ўзи очди, кўллари билан пайпаслай бошлади, таниди:

«Нина, сенмисан? Нина, бу сенми?» Шунча йил ўтиб таниди...

Онаси анча қариган эди, у онаси билан туради. Кампир биз билан бир столда ўтирди, тинмай йигларди. Ажабланиб сўрадим:

– Нега йиглаяпсиз? Фронтдош ўртоқлар учрашганига хурсанд бўлишингиз керак.

У эса менга жавоб берди:

– Уч ўғлим урушга кетди. Иккитаси ҳалок бўлди, Вания эса уйга тирик қайтиб келди.

Ваниянинг эса иккала кўзи ҳам кўрмайди. Онаси бир умр уни етаклаб юрди.

Мен ундан сўрадим:

– Вания, сўнгги кўрган нарсанг – Прохоровка даласи, танклар жанги – шу ҳақда нималарни эслайсан?

Биласизми, нима деб жавоб берди?

– Фақат битта нарсадан афсусланаман, экипажга ёнаётган машинани тарқ этишга эртароқ буйруқ берганимдан. Йигитлар барибир ҳалок бўлишди. Яна битта немис танкини йўқ қилишимиз мумкин эди...

Мана нимадан афсусланарди... Ҳозиргача...

Биз у билан урушда баҳтиёр эдик... орамизда ҳали хеч гап йўқ эди. Ҳеч нима. Бироқ эсимда...

Нега тирик қолдим? Нима учун? Мана шуларни хикоя қилиб бериш учун деб биламан, шундай тушуман...»

Нина Яковлевна билан сухбатимиз кейинчалик ёзма кўринишда давом этди. Унинг ҳикоясини магнитофон лентасидан қофозга тушириб, мени таъсирантирган ва ҳайратга солган жойларини қолдириб, бир нусхасини, ваъда берганимдай, унга жўнатдим. Бир неча ҳафта

ўтиб, Москвадан оғир буюртмали бандероль келди. Очиб қарасам: газета парчалари, мақолалар, уруш фахрийси Нина Яковлевна Вишнёвская Москва мактабларидаги олиб борадиган ҳарбий ватанпарварлик фаолияти ҳақидағи расмий ҳиссеботлар. Мен жүнатған материал ҳам қайтарилған: омон жойи қолмаган – ҳаммаси чи-зиз ташланған: қозонда чўмилаётган ошпазлар ҳақидағи кулгили парчалар, ҳаттоғи «Амаки, амаки, мана буни сизга бериб юбориши» деган беғараз гап ҳам олиб ташланған. Лейтенант Миша Т. ҳақидағи ҳикоя бетларидаги эса аламли сўроқ белгилари ва ҳошиядаги битиклар туарди: «Мен ўғлим учун қаҳрамонман. Авлиё! Бу ёзувлардан сўнг мен ҳакимда нима деб ўйлади?»

Кейинчалик яна кўп бора бир инсонда яшовчи икки ҳақиқатга дуч келғанман: юрак тубига беркитиб ташланған ўз ҳақиқати ва замон рухи, газеталар хиди билан уйғуналашиб кетған умумий ҳақиқат. Биринчиси иккичининг шиддатли ҳужуми олдидаги кўпгина ҳолларда ожиз қоларди. Агарда уйда ҳикоячидан ташқари оила аъзоларидан ёки таниш-билишлардан яна кимдир (айниқса, эр-каклар) бўлса, у кўнглини камроқ ёзарди, ҳикоя давомида камроқ очиларди. Бу омма, томошабин учун сұхбатга ўхшаб қоларди. Унинг шахсий кечинмалариға йўлтопиш анча мушкуллашарди, шу захоти мустаҳкам ички кўрғон, ички назоратга дуч келардим. Доимий равишида ҳикояни тўғрилаб борарди. Ҳатто бир қонуниятни сездим: тингловчи нечоғли кўп бўлса, ҳикоя шунчалик таъсирсиз ва стерилланған бўлади. Қандай бўлиш кераклигини ёдларида тутишади. Инсондаги кўрқинчли нарса улуғвор, тушунарсиз ва қоронғу нарса эса бир зумда изохланған бўлиб кўринарди. Мен фақат ҳайкаллар қолган ўтмиш сахросига тушиб қолардим. Мислсиз қаҳрамонликлар. Мағрур ва кўл етмас. Нина Яковлевна мисолида ҳам худди шундай: у бир урушни мен учун эсларди – «қизи учун эслагандай, ҳали ҳаётни кўрмаган қизлар бошидан не кечиргандарини тушуниб етишим

учун», иккинчиси эса кенг омма учун мүлжалланган эди – «бошқалар ҳикоя қилғанлариңай ёки газеталарда ёзилғандай – ёшларни юксак намуналар мисолида тарбиялаш учун қаҳрамон ва қаҳрамонликтар ҳақида». Мени доим оддий инсоний нарсага бўлган ишончсизлик, хаётни хаёлий нарса билан... самимий ҳароратни совук ёғду билан алиштириш иштиёқи ҳайратга соларди...

Мен эса уйда ўтириб, шинамгина ошхонада чой ичганимизни сира унутолмайман. Йиглайвериб, иккаلامизнинг ҳам кўзларимиз шишиб кетган.





## «ҮЙИМИЗДА ИККИТА УРУШ ЯШАЙДИ...»

Минскдаги Каҳовская күчасидаги кулранг панель уй, шаҳримизнинг ярмини мана шундай кўримсиз уйлар эгаллаган, йил сайин уларнинг сони ортиб бормоқда. Аммо бу уй барибир бошқача.

Менга эцик очишганида: «Бу уйда иккита уруш яшайди», — деган гапни эшиштаман. Биринчи даражали старшина Ольга Васильевна Балтикада дengiz частида хизмат қилган. Эри Саул Генрихович пиёдалар қўшинида сержант бўлган. Ҳаммаси такрорланади... Яна узок вақт чиройли безатилган ва меҳр билан тахланган оиласиий фотоальбомларни томоша қиласман. Улар меҳмонлар учун доим кўринадиган жойда туради. Бу альбомларнинг ҳар бири ўз номига эга: «Бизнинг уруғимиз», «Уруш», «Тўйимиз», «Болаларимиз», «Неварапаримиз». Ўз ҳаётига бўлган ҳурмат, ўтмиш ва бошдан кечирганларга, қариндош-урурга бўлган ҳужжатлаштирилган муҳаббат менга хуш ёқади. Уйдаги бундай туйфуга, одамлар ўз аждодлари ўз ришталарига бундай эътибор билан қарашларига камдан-кам дуч келаман, ваҳоланки, юзлаб хонадонда меҳмон бўлиб, турли оиласларни кўрдим: зиёли — оддий, шаҳар — қишлоқ. Эҳтимол, уруш ва инқилоблар ўтмиш билан алоқани узмаслик, меҳр билан оила силсиласини тўқиши кабиларни унутишимизга сабаб бўлгандир. Узок ўтмишга боқищ, фахрланишни ҳам унутдик. Унутишга, изларни йўқотишга ошиқдик, зеро сакланиб қолган далиллар ўзимизга қарши гувоҳлик бериб, ҳайтимизга рахна солиши мумкин эди. Бувимиз ва бувамиздан олдингиларни ҳеч ким билмайди ва урурини қидирмайди ҳам. Тарихни яратдигу, аммо биргина кун билан, киска хотира билан яшадик.

Бу ерда эса ҳаммаси ўзгача...

— Нахот бу мен бўлсам? — Ольга Васильевна кулиб, ёнимга, диванга ўтиради ва қўлига матрослар кийимида кўкраги ҳарбий нишонларга тўла суратини олади.

— Мана шу суратларга қанча қарасам, шунча ҳайратга тушаман. Саул — олти яшар неварамизга уни қўрсатсан: «Буви, сиз олдин ўғил бола бўлганмисиз?» — деб сўради.

— Ольга Васильевна, фронтга қачон кетгансиз?

— Менинг урушим эвакуациядан бошланди... Мен болалик уйимни, ўсмирилигимни тарк этишга мажбур бўлдим. Йўл бўйи составни ўққа тутишди, бомба отишди, самолётлар пастгина бўлиб учишарди. Вагондан хунармандчилик коллежининг бир гурух йигитлари сакраб тушгани эсимда, ҳаммаси қора шинель кийиб олган. Улар нишоннинг ўзи бўлди-қўйди! Ҳаммасини отиб ташлашди — самолётлар ерга жуда яқин учишарди. Отаётиб, хисоблаётгандай туюларди... Тасаввур қиляпсизми?

Биз заводда ишлардик, овқатлари яхши, яшшимиз ҳам ёмон эмасди. Аммо юракда олов бор эди... Военкоматга хат ёзардим. Бир марта — икки марта — уч марта... Қирқ иккинчи йилнинг июнь ойида чакирув қоғозини олдим. Бизни Ладога орқали очик баржаларда ўқ остида блокададаги Ленинградга ўтказишли. Ленинграддаги биринчи куним оқ тун ва қоп-қора кийинган денгизчилар гурухи билан ёдимда қолди. Вазият таранглашган, йўловчилар йўқ, фақат прожекторлар ишлаб турибди, фуқаролик урушидаги каби тасма боғлаган матрослар юрибди. Тасаввур қиляпсизми? Кино кўраётгандай эдим...

Шаҳар қамалда эди. Фронт жуда яқин. Учинчи трамвайдаги Киров заводигача борсанг, у ёри фронт чизигига уләниб кетарди. Ҳаво очик бўлса, ўқ отиш бошланарди. Мўлжални олиб отишарди. Тинмай ўқ узишарди... Катта қайиқлар пирсда туришарди, албатта, уларни маскировка қилишарди, бироқ барибир, мағлубият эҳтимоли

истисно қилинмасди. Биз тутун қопловчилар эдик. Алоҳида тутун қопловчилар отряди ташкил этилган эди. Унга торпеда катерлари собиқ командири капитан-лейтенант Александр Богданов раҳбарлик қиласди. Қизларнинг аксарияти ўрта маҳсус маълумотга эга эди ёки институтнинг биринчи курсини битиришганди. Вазифамиз – қайиқларни тутун билан қоплаб, уларни душмандан сақлаб қолиш. Отишма бошланганда дengizchilar кутиб туришарди: «Қизлар тезроқ тутатиши-са эди. Улар билан хавфсизроқ». Маҳсус аралашма қуйилган машиналарга ўтириб ишга чиқардик, унга-ча бомбапаноҳда беркиниб ётардик. Ахир биз уларни ўзимизга жалб қиласди. Чунки немислар ўша тутун қопланган жойларни нишонга олишарди...

Овқатланишимиз блокададаги шаҳарга хос эди, бироқ амаллаб тирик қолдик. Биринчидан, бу жуда муҳим, ёш эдик, иккинчидан, ленинградликларнинг ўзига қойил қолардик. Бизга, ишқилиб, нимадир беришарди, овқатимиз бор. У ерда эса одамлар юриб туриб очликдан йиқилишарди. Олдимизга болалар келишарди, ўзимизнинг камбағалгина пайкларимиздан уларга ҳам илинардик. Бу болалар эмас, қандайдир кичкина чоллар эди. Гүё мумиёлар. Улар бизга блокада менюси, агар шундай дейиш мумкин бўлса, ҳақида гапириб беришарди: чарм камар ёки янги чарм ботинкадан қайнатилган шўрва, дурадгорлар елимидан тайёрланган қайла, ханталли блинчиклар... Шаҳарда ҳамма мушук ва итларни еб битиришган эди. Чумчук ва олашақшаклар йўқ бўлиб кетди. Ҳатто сичқон ва каламушларни тутиб ейишарди... Уларни нимададир қовуришарди... Кейин болалар ҳам келмай қўйишиди, уларни роса кутдик. Очликдан ўлган бўлса керак. Ўзимча шундай деб ўйлайман... Қишида эса, Ленинград ёқилғисиз қолгандан, бизни шаҳарнинг ёғоч ўйлар сақланиб қолган туманларидан бирига ўтин олиб келишга жўнатишиди. Ўйга яқинлашаётган дам энг оғир лаҳзалар бўлган... Ўй яхши сақланиб қолган, ичидаги

одамлар ё ўлиб кетган, ё кўчиб кетган бўлади, кўпинча ўлган. Буни стол устида қолган идиш-товоқ, буюмлардан билса бўлади. Ярим соатча ломни ҳеч ким қўлига ололмаган бўлса керак. Тасаввур қиласизми? Ҳаммамиз ниманидир кутиб турардик. Фақат командир келиб ломни санчгандан кейингина, уйни бузишга жазм қила олдик.

Ёғоч тайёрлардик, ўқ-дори солинган кутиларни таширдик. Битта кутини орқалаб борганим эсимда, у ўзимдан ҳам оғир бўлгани учун йиқилиб тушдим. Бу биринчидан. Иккинчидан эса – бу биз аёллар учун жуда қийин эди. Мен кейин бўлим командири бўлдим. Бутун бўлим ёш йигитлардан иборат. Куни билан катердамиз. Катер катта эмас, у ерда хожат учун жой ажратилмаган. Йигитларга осонроқ, қистаб қолса борт ортига бўшанса бўлади. Шу билан иш битади. Мен-чи? Бир-икки марта чидомлмай, бортдан сакраб сузиб кетдим. Улар эса: «Старшина борт ортида!» – деб қичқиришади. Ушлаб олиб бортга олиб чиқишиади. Мана шундай майд-чуйда нарсалар... Аммо қанақасига майд-чуйда бўлсин? Мен кейин даволандим... Тасаввур қиляпсизми? Куролнинг оғирлиги-чи? Аёл учун у ҳам оғирлик қиласи. Олдин бизга винтовка беришди, винтовкаларимиз ўзимиздан ҳам баланд эди. Қизлар юрса, тифлари ўзларидан яrim метр ошибб турарди.

Эркаклар буларнинг ҳаммаси... бу таркидунёчилик... бу муносабатларга осонроқ кўникарди... Биз эса уйни, онамизни, иссиққина тўшагимизни софинардик. Орамизда москвалик Наташа Жилина деган қиз бор эди, уни «Жасорат учун» медали билан мукофотлашиб, рағбатлантириш сифатида бир неча кунга уйга боришга рухсат беришди. У қайтиб келганида, ҳаммамиз уни ҳидлай бошладик. Навбатга туриб, устини ҳидлардик, чунки ундан уй иси келарди. Шу даражада уйни софинардик... Уйдан келган биргина хат олам-олам қувонч багишларди... Отамнинг хатини кўриб беҳад суюнадим... Бўш вақт топилса, нимадир тикардик, қандайдир дастрўмолчаларга кашта

солардик. Бизга пайтавалик беришса, улардан шарфлар ясаб, бүйнүмизга илиб олардик. Аёлларга хос иш билан шуғуллангимиз келарди. Мана шу аёлликни соғинардик, аёллик етишмас эди бизга. Құлға ниңа олиш учун баҳона қидирадик, бир дақиқа бўлса-да, ўз табиатимизга қайтгимиз келарди. Албатта кулардик ҳам, қувонардик ҳам, аммо буларнинг ҳаммаси урушгача бўлгандаи әмас. Қандайдир бошқача бир ҳолат...

Магнитофон сўзларни ёзиб олади, оҳангни сақлаб қолади. Тўхталишларни қайд этади. Йиғи ва дудукланишни ҳам. Одам гапирганида унинг қалбидагийин қофозда қоладигандан кўра кўпроқ нарса содир бўлишини биламан. Кўзлар, қўллар, сухбат чоридан ҳаётларини, уларнинг ҳаётларини, алоҳида оламларини, уларнинг «матн»ларини қайд этолмаслигимдан доим афсус чекаман.

– Иккита урушимиш бор... Буниси аниқ... – сухбатга киришади Саул Генрихович. – Хотиralар уйғонгандан, у ўз урушини, мен эса ўз урушимни эслаб қолганимизни англаб етаман. У сизга айтиб бергандаи нарсалар, дейлик, уй ҳақида айтиб берганлари ёки уйига бориб келган қизни ҳидлаганлари каби воқеалар менда ҳам бўлгандир, эҳтимол. Бироқ мен буни эслолмайман... Бир зумда ўтиб кетган... Ўшанда бу менга майд-чуйда нарсадек туюлганди. Арзимас нарса. У сизларга матрослар шапкалари ҳақида гапириб бермаган. Оля, буни қандай унутдинг?

– Йўқ, унутмадим. Бу қалбим тубида яширинган... Хотирамдан уни ковлаб чиқаришга доим ҳадиксираб тураман. Ҳар сафар... Воқеа шундай бўлган эди – тонгда катерларимиз денгизга чиқиши. Бир неча ўн катерлар... Тез орада жанг бошланганини эшийтдик. Биз кутдик... Тинглардик... жанг бир неча соат чўзилди, у шаҳаргача яқинлашган дам ҳам бўлди. Аммо қаердадир тинчиди қолди. Қуёш ботишидан олдин соҳилга чиқдим: денгиз каналида сонсиз матрос бош кийимлари сузид бораарди. Бирин-кетин. Матрослар шапкалари ва тўлқин бағридаги

кatta қизил дөглар.... Қандайдир тахта бўлаклари... Йигитларимизни қаердадир денгизга улоктиришган экан...

Соҳилда қанча турган бўлсан, шунча вақт давомида шапкалар оқиб ўтди. Аввал санадим, кейин тўхтатдим. Денгизга қарай олмасдим, аммо кетолмасдим ҳам. Денгиз канали қардошлар мозорига айланди...

— Саул, рўмолчам қани? Ҳозиргина қўлимда эди... Қаерда экан-а?

— Мен унинг ҳикояларидан кўп нарсани эслаб қолдим, невараларим учун «билиб қўйдим».

Кўпинча уларга ўзимнинг эмас, унинг урушини айтиб бераман. Уларга меникидан кўра унинг уруши қизикроқ эканлигини тушуниб етдим, — деб давом эттиради фикрини Саул Генрихович. — Менинг ҳикоямда аниқ ҳарбий билимлар кўпроқ бўлса, уницида ҳиссиётлар кўп. Ҳис-туйғулар эса доим далиллардан кучлироқ. Бизда ҳам пиёда қизлар кўп эди. Биронтаси орамизда пайдо бўлиб қолгудай бўлса, дарров қаддимизни ростлардик. Сиз буни тасаввур қилолмайсиз... Тасаввур қилолмайсиз! — Шу ернинг ўзидаёқ: «Бу сўзни ҳам ундан ўрганиб олдим», — дейди. Урушда аёллар кулгисига қанчалик муштоқ бўлганимизни тасаввур қилолмайсиз! Аёллар овозига.

Урушда муҳаббат бўлганми? Бўлган! Биз у ерда учратган аёллар ажойиб умр йўлдоши бўлишиди. Вафолиёр. Урушда уйланган инсонлар энг баҳтиёр инсонлар, энг баҳтили жуфтликлар. Мана биз ҳам бир-биirimизни фронтда севиб қолганмиз. Олов ва ажал орасида. Бу ўта мустаҳкам ришта. Бошқача муносабатлар бўлганини ҳам инкор этмайман, чунки уруш узоқ давом этди, урушда кўпчилик эдик. Аммо мен кўпроқ ёруғ, эзгу нарсаларни эслаб қолдим.

Сўзсиз мен урушда яхши томонга ўзгардим... Бу шубҳасиз! Инсон сифатида ижобий ҳислатлар шаклланди, чунки у ерда ғам кўп, алам кўп. Бошига кўргилик тушган кўп инсонларни кўрдим, ўзим ҳам кўп азобландим. У ерда ҳаётдаги муҳим бўлмаган нарсалар дархол

йўқликка юз тутади, улар ортиқча. У ерда буни англаб етасан киши... Аммо уруш биздан аламини олди. Аммо... Бунга икror бўлишга кўрқамиз... У бизга етиб олди... Қизларимизнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда ўз йўлини топа олишмади. Сабаби шуңдаки, уларнинг оналари, фронтчи аёллар, уларни ўзлари фронтда тарбияланган-дек тарбиялашган. Оталари ҳам. Ўша қоидалар бўйича. Урушда эса, сизларга буни олдин ҳам айтганман, одам дарров билинади: қандай одамлиги, ундан нима кутиш мумкинлиги. У ерда беркиниб олишнинг иложи йўқ. Уларнинг қизлари ҳаётда уларнинг оиласидагидан бошқачароқ нарсалар бўлиши мумкинлигини тасавур ҳам килишмаган. Уларни оламнинг шафқатсиз башараси борлиги ҳақида огоҳлантиришмаган. Бу қизлар турмуш қурғанларида ярамаслар алдовига лакқа тушишарди. Улар эса қизларни осонгина алдашарди, чунки уларни алдаш бирни бирга қўшишдек осон кечарди. Фронтдаги дўстларимизнинг аксарият фарзандлари мана шундай қисматни бошидан кечирдилар. Шу жумладан, бизнинг қизимиз ҳам...

— Болаларимизга негадир уруш ҳақида гапириб бермас эдик. Эҳтимол уларни авайлагандирмиз. Биз тўғри йўл тутдикмикан? — Ольга Васильевна ўйланиб қолади. — Мен орден колодкаларимни ҳам тақиб юрмасдим. Бир сафар уларни юлиб ташлаганман ва бошқа тақмадим. Урушдан сўнг нон заводи директори бўлиб ишладим. Мажлисга келсан, трест бошлиғи, у ҳам аёл киши, колодкаларимни кўриб, ҳамманинг олдида: «Нега уларни эркакка ўхшаб илиб олдинг?» — деди. Ўзида меҳнат ордени бор, доим уни пиджагига илиб оларди, менинг ҳарбий мукофотларим эса негадир унга ёқмасди. Кабинетда ёлғиз қолганимизда, денгизчиларга ўхшаб, ҳаммасини башарасига айтдим, айтган гапига пушаймон бўлди, бироқ менда нишонларни тақиб юриш иштиёқи сўнди. Ҳозир ҳам тақмайман. Бироқ албатта фаҳранаман.

Бир неча ўн йил ўтгандан кейингина машхур журналист Вера Ткачёнко «Правда» марказий газетасида биз ҳакимизда, биз ҳам урушда бўлганимиз ҳакида ёзди. Ёлиз қолиб кетган, шахсий ҳаётини йўлга кўя олмаган, ҳозиргача уйсиз юрган фронтчи аёллар борлиги ҳакида рўй-рост гапирди. Биз мана бу авлиё аёллар олдида қарздормиз. Ана шундан кейин фронтчи аёлларга эътибор бера бошлашди. Уларнинг ёши қирқ-элликка бориб қолган, ётоқхоналарда туришарди. Уларга алоҳида уй ажратабошлашди. Бир дугонам бор... Исмини айтмайман, яна ҳафа бўлиб юрмасин... Ҳарбий фельдшер... Уч марта яраланганди. Уруш тугади, тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирди.. Қариндош-уруғларидан ҳеч кимни топа олмади, ҳаммаси ўлиб кетган. Аҳволи жуда ночор, кун кўриш учун кечалари подъездларни юварди. Уруш ногирони ва имтиёзларга эгалиги ҳакида ҳеч кимга оғиз очмади, ҳамма ҳужжатларини йиртиб ташлаган. «Нега йиртиб ташладинг», – деб сўрасам, йиглайди: «Йиртмасам, ким мени хотин қиласарди?» – «Унда йиглама, – деб юпатаман, – тўғри қилибсан». У эса бадтар йиглайди: «Ҳозир шу қофозлар анча аскатарди. Кўп касал бўламан». Тасаввур қиласизми? Йиглайди.

Фалабанинг ўттиз беш йиллиги байрамига Севастополь – денгиз рус шуҳрати шаҳрига илк бор юзта денгизчи – барча флотлардан Улуватан уруши фахрийларини чакиришди. Улар қаторида учта аёл. Улардан иккитаси мен ва дугонам эдик. Флот адмирали ҳар биримизга таъзим қилди, ҳамманинг олдида бизга раҳмат айтиб, қўлларимиздан ўпди. Буни қандай унутиш мумкин?!

– Урушни унутишни истармидингиз?

– Унутиш? Унутиш... – такрорлайди Ольга Васильевна.

– Биз уни унутишга қодир эмасмиз. Бу қўлимиздан келмайди, – чўзилиб кетган жимликни Саул Генрихович бузади. – Оля, ралаба куни бир қари кампирни кўрганимиз эсингдами, бўйнида ўзига ўхшаган кўхнагина плакат

осилган: «Кульнёв Томас Владимировични қидиряпман, 1942 йилда блокада остидаги Ленинградда дараксиз кетгән». Юзидан аллақачон саксондан ошганлиги күриниб турибди. Нече йилдан бери уни қидириб юрган экан-а? Сүнгги нафасигача қидириши аник. Биз ҳам шундаймиз.

— Мен эса унутишни истардим. Унутишни хохлайман... — Ольга Васильевна буни шивирлаб айтади, әши-тилар-әшитйлмас. — Мен хеч бўлмаса бир кун урушсиз яшашни истайман. У ҳакдаги хотираларимизсиз... Лоақал бир кун хотираларсиз...

Уларни фронтда тушган суратлардагидек бирга эслаб қолдим. Шу суратлардан бирини менга совға қилишди. Улар у ерда жуда ёш, мендан анчагина ёш. Ҳаммаси дарров бошқача маъно касб этади. Яқинлашиб боради. Ёшлик даври акс этган мана шу суратларга қараб, әшигтан, қайд этган нарсаларимни бошқача эшитаман. Орамиздаги вақт йўқолади.





## «ТЕЛЕФОН ГҮШАГИ ОТМАЙДИ...»

Хар хил кутиб олишади, ҳар хил ҳикоя қилишади...

Баъзилар дарров, телефондаёқ ҳикоя қила бошлиша-ди: «Асло унугтаним йўқ... Ҳаммаси кечагидек эсимда...». Айримлар учрашув ва сухбатни негадир оркага суриша-ди: «Ўйлаб олишим керак... Яна ўша дўзахга тушишни истамайман...» Валентина Павловна Чудаева учрашувни узок чўзган, ўз оламига истар-истамас, чўчибгина ки-ритган одамлардан. Бир неча ой мобайнинда унга бот-бот телефон қилиб турдим, аммо кунлардан бир кун у билан телефонда икки соат гаплашибиз, ва ниҳоят, учрашиш-га қарор қилдик. Дарров, эртасигаёқ.

Мен эртасигаёқ ҳозир бўлдим...

— Пирог еймиз. Эрталабдан бери уннаб юриб-ман, — хонадон бекаси мени уй остонасиданоқ меҳр би-лан кучоқлади.

— Гаплашишга улгурамиз. Ҳали роса йиглайман... Мен анчадан бери ўз дардим билан яшайман... Аввал таом — баъдаз калом. Мен пиширган шумуртли пирог-ларни емабсан, бу дунёга келмабсан. Биз томонда — Си-бирда шундай пиширишади. Кел, ўтақол.

Дарров сенсираб кетдим, узр. Бу менга фронтдан одат бўлиб қолган: «Қани, қизлар! Олға, қизлар!» Ҳам-мамиз шундаймиз, сен билсанг керак. Эшитгансан... Чинни идиш ҳам йигмабмиз. Эрим билан топган-тутга-нимизни конфет кутисида сақлаймиз: бир жуфт орде-ну медаллар. Улар сервантда турибди, сенга уларни ал-батта кўрсатаман. — Хонага кузатадилар. — Кўрдингми, мебелларимиз ҳам эски. Уларни алмаштиришга кўзим киймайди. Нарсалар уйда узок вақт турса, уларга жон киради. Мен бунга ишонаман.

Дугонаси Александра Фёдоровна Зенченко билан таништиради. У блокада остидаги Ленинградда комсомол ходими бўлиб ишлаган.

Мен дастурхонга ўтиридим: майли, пирог бўлса, пирог-да, бунинг устига мен хеч қачон емаган шумуртли пирог экан.

Учта аёл. Иссиққина пирог. Сухбатимиз мавзуси эса ҳар доимгидек – уруш ҳақида.

– Сиз унга савол бериб, гапини бўлманг, – деб олдиндан огоҳлантириди Александра Фёдоровна. – Тўхтаб қолса, йиғлай бошлайди. Кейин эса гапирмай қўяди... Шунинг учун гапини бўлманг...

*Валентина Павловна Чудаева, сержант,  
зенит курули командири:*

«Мен асли Сибирданман... Олис Сибирдан бўлган ёшгина қизчани фронтга боришига нима мажбур қилди? Ахир Сибирь дунёниг нариги чети-ку. Дарвоке, дунёниг нариги чети хусусида учрашувлардан бирида менга бир француз савол берди. Музейда у менга сук билан термулдики, мен ҳатто бироз ўнғайсизланиб қолдим. У мендан нимани истайди? Нега бунча термулади? Охири ёнимга келди-ю, таржимон орқали Чудаева хоним интервью берармикан, деб сўради.. Мен, албатта, ҳаяжонланиб кетдим. Унга нима керак экан деб ўйлай бошладим. Ахир музейда нутқимни эшитди-ку? Аммо, билишимча, уни бошқа нарса қизиқтирарди. Даставвал у менга хушмад қила бошлади: «Бугун жуда ёш кўринасиз... Урушни қандай бошингиздан кечира олгансиз?» Мен унга жавоб бердим: «Бу, ўзингиз ҳам англағандирсиз, биз фронтга жуда эрта кетганлигимиздан далолат». Уни эса бошқа масала қизиқтирарди: қандай қилиб Сибирдан фронтга бордим – ахир Сибирь дунёниг чети-ку! «Йўқ, – дарров фахъладим, – демак, сизни бизда оммавий сафарбарлик бўлмаганми деган савол қизиқтиряпти, акс

холда, қандай қилиб мен – мактаб ўқувчиси фронтда хизмат қилдим». Гапимни эшитиб, дарров бош ирғитиб, саволимни тасдиқлади. «Майли, – дедим, – саволингизга жавоб бераман». Ба мен унга бутун ҳаётимни гапириб бердим, сенга ҳам ҳозир ҳикоя қилиб бераман. У йиглади... Француз йиглади... Охирида чин күнгилдан айтди: «Сиз, Чудаева хоним, мендан хафа бўлманг. Биз французлар учун Биринчи жаҳон уруши Иккинчи жаҳон урушига қараганда кўпроқ талафот етказган. Биз у ҳақда кўпроқ эслаймиз – ҳамма ёқда қабрлар ва ҳайкаллар. Сизлар ҳақингизда эса билмаймиз. Бугун кўпчилик фақат Америка Гитлер устидан ғалаба қозонди, деб ўйлайди. Айникса, ёшлар. Совет кишиси ғалаба учун қилган курбонлиги – тўрт йил ичидаги ҳалок бўлган йигирма миллион инсон ҳаёти ҳақида жуда кам одам билади. Сизларнинг чексиз ҳасратингиз ҳақида ҳам... Сизга катта раҳмат – қалбимни ларзага солдингиз».

... Онамни эслолмайман. У гўдаклигимда ҳалок бўлган. Отам Новосибирск кўмита бошқармаси вакили эди, йигирма бешинчи йилда уни ўзи турилган қишлоғига нонга жўнатишиди. Мамлакат нонга муҳтоҷ, қулоқлар эса нонни яширишарди. Ўшандаги тўққиз ойлик чақалоқ эдим. Онам отам билан она юртини кўриб келгиси келди. Отам уни ўзи билан олиб кетди. Онам мени ва опамни ўзи билан олган, чунки бизларни ташлаб кетишга одами бўлмаган. Отам илгари у ерда бир қулоқнида хизмат қилган. Ўша кунги мажлисда у қулоқقا: биз буғдойни қаерга яширганингизни биламиз, агар ўз ихтиёрингиз билан топширмасангиз, уни инқилоб учун ўзимиз топиб, тортиб оламиз, деб огоҳлантирган экан.

Йиғилиш тугади, барча қариндош-уруғлар тўпланди. Отамнинг беш нафар ака-укаси бўлган, уларнинг ҳаммаси отам каби Улугъ Ватан урушидан қайтиб келишмади. Шундай қилиб, улар оила даврасида йиғилиб, анъанавий Сибирь чучварасини тановул қила бошлишган. Курсилар дераза тагида жойлашган эди... Онамнинг курсиси икки

дераза орасидаги деворга тұғри келиб қолган, бир елкаси билан ойнага, иккінчиси билан эса отамга туташ бўлган, отам эса ойна бўлмаган томонда ўтирган. Апрель ойи... Сибирда бу вақтда ҳали жуда совук бўлади. Онам совук қотган бўлса керак. Буни қейин, катта-бўлганимдан сўнг тушундим. У ўрнидан туриб отамнинг пўстинини кийиб олади-да, менга кўкрак тутади. Шу пайт милтиқ овози эшистилди. Пўстинни нишонга олиб, аслида отамга ўқ узишган... Онам: «Пан» дейишга улгурди холос, мен иссиқ чучвара устига тушиб кетдим... Онам ўшандада йигирма тўрт ёшда бўлган...

Ўша қишлоқда кейинчалик бобом қишлоқ кенгаши раиси бўлган. Уни стрихнин билан заҳарлаб ўлдиришган, сувига қўшиб беришган. Бобомни кўмишаётганда олинган сурат менда ҳозир ҳам бор. Тобути устидаги ёпинчикда: «Синфий душман кўлидан ўлим топди», — деб ёзилган.

Менинг отам — фуқаролар уруши қаҳрамони, Чехословакия корпуси исёнига қарши кураш олиб борган бронепоезд командири бўлган. Ўттиз биринчи йилда у Кизил Байроқ ордени билан тақдирланган. У пайтларда бу орденга камдан-кам одамлар, айниқса бизнинг Сибирда, мушарраф бўлган. Бу катта эътибор, хурмат эди. Отамнинг танаси ўқлардан илма-тешик бўлиб кетганди, нақ ўн тўққизта жароҳат. Онамнинг айтишича, менга эмас, қариндош-уругларга айтиб берган, отамни оқ чехлар йигирма йилга сургун қилишган экан. Онам отам билан учрашишга рухсат сўраган, ўшандада опам Тасяга тўққиз ойлик ҳомиладор бўлган. Қамоқда узун коридор бўлган, онамга отамнинг олдига юриб боришга рухсат беришмаган, унга: «Большевиклар қанжифи! Эмаклаб борасан...» — дейишиди. Онам туғишидан бир нечә кун олдин ана шу узун коридор бўйлаб эмаклаб борган. Учрашувни шу тариқа уюштиришган экан. У отамни танимабди. Социда биронта қора толаси қолмаган. Оппок сочли чол. Отам ўшандада эндиғина ўттиз ёшда бўлган.

Мана шундай оилада туғилган, мана шундай отаси бўлган мен каби қиз Ватанимизга яна душман бостириб келган пайтда бефарқ бўла олармидим? Ахир мен унинг жигариман. Менда унинг қони бор... У кўп нарсани бошидан кечирди... Ўттиз еттинчи йилда уни чақиб беришган, унга тухмат қилишмоқчи бўлган. Уни халқ душмани қилиб кўрсатишмоқчи бўлишди. Сталиннинг даҳшатли тозалаш ишлари... Ўртоқ Сталин айтганидек, ўрмонни кесишиша, қипиклари ҳар томонга сочилади. Мамлакат қўркув исканжасидан халос бўлмаслиги, уни итоатда саклаш учун янги синфий кураш эълон қилинди. Аммо отам Калинин ҳузурига кириб, пок номини тиклай олди. Отамни ҳамма танирди.

Бироқ бу ҳақда кейинчалиқ, қариндош-уруглардан билиб олдим...

Ўша мудхиш қирқ биринчи йил... Сўнгги мактаб қўнғирори. Ҳаммамиизда қандайдир режалар бор, миямизда хаёллар чарх уради, ахир ҳали қизалоқлар эдик. Битирув оқшомидан сўнг Объ дарёси бўйлаб оролга сайдага чиқдик. Ҳаммамииз хўрсанд, баҳтиёр... Онаси ўпмаган қизлар эдик, ҳатто йигитим ҳам йўқ эди. Тонгни оролда кутиб олиб, орқамизга қайтдик... Бутун шаҳарда фала-ғовур, одамларнинг кўзлари тўла ёш. Ҳамманинг оғзида, битта гап: «Уруш! Уруш!» Ҳамма ёқда радио ёқилган. Биз ҳеч нарсани тушунмасдик. Қанака уруш? Биз ҳаммамииз жуда баҳтиёр эдик, келажакда улкан режаларимиз бор эди: ким қаерга ўқишга боради; ким қандай касбни эгаллайди. Энди эса уруш! Катталар кўзёш тўкарди, биз эса қўрқмадик, бир ой ўтмай, душманни «ер тишлатамиз» деб бир-бишимизни ишонтирадик. Эски ҳарбий қўшиқларни куйлардик. Шубҳасиз, бизнинг армия душманга ўз ҳудудида қақшатқич зарба беради. Бунга заррача шубҳа йўқ эди... Заррача...

Уйга қора хат кела бошлаган пайт ҳамма тушуна бошлади. Мен тамом касал бўлиб қолдим: «Қанакасига?

Демәк, ҳаммаси ёлғон?» Немислар Қизил майдонда фалаба парадини уюштиришга тайёргарлик күрарди...

Отамни фронтта олишмади. У эса военкоматта боришиңи канда қилмасди. Сүнг отам урушга жүнади. Соғлиги күттармаслигига, сочи оппок бўлиб кетганлигига, ўпкаси касал бўлишига (у анчадан бери сил касаллигига чалингган эди) қарамай, урушга кетди. Касалини сал-пал даволагандай эди. Ёши-чи? Бироқ урушга кетди. Стальная дивизиясига ёзилди, уни Сталинская ҳам де-йишарди, у ерда сибирликлар кўп эди. Биз ҳам бизларсиз уруш уруш эмас, биз ҳам урушга боришимиз керак деб ўйлардик. Дарров қурол беринг деб талаб қиласардик! Бутун синфимиз билан военкоматта югуриб бордик. Ўнинчи февраль куни фронтта кетдим. Ўгай онам роса йигларди: «Валя, борма. Нима қиляпсан? Сен нимжон, касалманд бўлсанг, сендан қандай жангчи чиқади?» Мен узоқ вакт рахит бўлганман. Онам ўлганидан кейин шундай бўлиб қолганман. Беш ёшгача юрмаганман... Қаердан куч пайдо бўлганини билмайман!

Икки ой теплушкаларда<sup>1</sup> юрдик. Икки мингта киз, бутун бошли эшелон. Сибирь эшелони. Фронтта яқинлашаётганда нималарни кўрдик? Бир манзара бутун умр миямга муҳрланиб қолди... Ҳеч қачон унотолмасам керак: вайрон бўлган станция, перронда эса матрослар қўлларида сақраб юришибди. На оёқлари бор, на қўлтиқтаётқлари... Бутун перронни шундай матрослар эгаллаган... Улар эса бемалол сигарет чекади... Бизни кўриб, кулишади. Ҳазил-хузул қилишади. Юракларимиз така-пука бўлиб кетди... Дук-дук уради... Қаерга келиб қолдик? Яна йўл юра бошладикми? Қаерга? Қўрқмаслик учун қўшиқ кўйлардик, жуда кўп ашула айтардик.

Ёнимизда командирларимиз бор эди, улар бизга йўл-йўрик кўрсатарди. Бизни қўллаб-куватлашарди. Биз алоқани ўрганардик. Украинага келдик, ўша ерда

<sup>1</sup> Уруш йилларида одам ташишга мўлжалланган, печкали юк вагони.

бизга биринчи бор бомба ташлай бошлашди. Биз ўша пайт санпропускнида, ҳаммомда эдик. Ювинишга чиққанимизда, у ерда бир амаки навбатчилик қиларди – ҳаммомга қараб турарди. Ундан уялардик, ахир хали жуда ёш эдик. Бомба отишганды эса, ҳаммамиз ўша амакининг олдига югуриб бордик, жон ширин-да. Бир бало қилиб кийиниб олдик, бошимга сочиқ ўраб олганман, қизил сочиғим бор эди, ҳаммамиз югуриб чиқдик. Катта лейтенант, ў ҳам ҳали фўр йигит эди, бақиради:

– Ҳой, қиз, бомбапаноҳга югуринг! Сочиқни ташланг! Демаскировка қиляпсиз...

Мен ундан қочяпман:

– Ҳеч қанақа демаскировка қилмаяпман! Онам хўл бош билан ташқарида юрма деган.

Бомба отиш тўхтагач, у мени топиб, шундай деди:

– Нега менга бўйсунмаяпсан? Ахир мен сенинг командирингман.

Мен унга ишонмадим:

– Шуниси етмай турганди, менинг командирим эмиш...

У билан ёш боладай урушаман, иккаламиз тенгдошимиз.

Бизга катта, қалин шинель беришган, уларни кийиб пичан ғарамларига ўхшаб қолдик, юрмаймиз – думалаймиз. Аввалига бизга этик ҳам тикишмасди. Этик йўқ эмас, бор, аммо эркакларнинг ўлчамларида. Кейин этикларимизни алмаштириб беришди, бошқа этик беришди – этикнинг учи қизил бўлса, кўнжи эса кора кирзадан. Сал олифталик қилдик! Ҳаммамиз озғинмиз, эркаклар гимнастёркалари эгнимизда осилиб турарди. Қўлидан тикиш келадигани кичрайтириб, ўзига мос slab олди. Бироқ бунинг ўзи етарли эмас-ку. Ахир қизлармиз! Старшина ўлчамларимизни олди. Ана кулги, мана кулги. Кулишингни ҳам билмайсан, йиғлашингни ҳам. Комбат келганда: «Нима бўлди, старшина, аёллар-

га ҳамма кийимини бердингми?» Старшина жавоб берди: «Үлчамларини олдим. Ҳаммаси бўлади».

Зенит қисмида алоқачи бўлдим. Капэда<sup>1</sup>, алоқада навбатчилик қилдим. Агар отамдан қора хат олмаганимда, эҳтимол, урушнинг оҳирйига алоқачи бўлиб қолган бўлардим. Энди менинг суюкли отагинам йўқ. Энг яқин инсонимдан айрилдим. Падари бузрукворимдан. Фронтга боришга аҳд қилдим: «Қасос олмоқчиман. Отам хуни учун хисоб-китоб қилмоқчиман». Ўлдиришни истардим... Отгим келарди... Албатта, менга артиллерияда телефон жуда муҳим ўрин эгаллашини кўп бора уқтиришга ҳаракат қилишди. Бироқ телефон гўшагининг ўзи отмайди-ку... Полк командирига ариза ёздим. У аризамни рад этди. Шундан сўнг, ҳеч иккilanмай, дивизия командирига мурожаат қилдим. Олдимизга полковник Красных келиб, ҳаммамизни сафга тортди. «Қурол командири бўлишни истаган қиз қани?» — деб сўради. Мён бир қадам олдинга чиқдим: күшникидек ингичка бўйнимда оғир, етмиш бир патронли автомат осилиб турарди. Кўринишим жуда аянчли бўлганиданми, у ҳатто кулиб ҳам юборди. Иккинчи савол: «Нима хоҳлайсан?» Мен эса унга: «Отишни хоҳлайман», — дедим. Нималарни ўйлаганини билмайман. Узоқ жим турди. Кейин гир айланди-ю, орқасига қайтди. Ичимда, бўлди, рози бўлмайди, деб ўйладим. Командир югуриб келиб: «Полковник рухсат берди...» — деди.

Тушундингми? Ҳозир буни тушуниб бўлармикан? Туйфуларимни тушунишингни истардим... Нафратсиз киши отолмайди. Бу шикор эмас, уруш. Сиёсий машғулотларимизда Илья Эренбургнинг «Уни ўлдир» деган мақоласини ўқиб берганлари эсимда. Неча марта немисни учратсанг, шунча марта ўлдир. Жуда машхур мақола, уни ўша пайт ҳамма ўқирди, ёдларди. У менга жуда қаттиқ таъсир қилди, шу мақолани бутун уруш да-

<sup>1</sup> Команда пункти.

вомида сумкамда олиб юрдим: мақола ва отамнинг қора хатини... Отиш! Отиш! Мен қасос олишим керак...

Қисқа муддатли, ўта қисқа муддатли курсларни туттадим. Атиги уч ой ўқидим. Отишни ўргандим. Мана энди мен курол командириман. Мени бир минг уч юз эллик еттинчи зенит полкига жўнатиши. Биринчи кунлари бурун ва қулоқларимдан қон оқарди, кўнглим айнирди... Томоғим қуриб қоларди... Кечаси унчалик қўрқинчли эмас, кундузи жуда кўрқинчли. Самолёт айнан сенинг устингга, сенинг куролингга учиб келаётганга ўхшайди. Сен нишонга олингандай кўринасан! Бир лаҳза... Ҳозир у бир дақиқада кулингни кўкка совуради. Бўлди, ҳаммаси тамом. Бу қиз бола учун эмас... Буни қиз бола эшитиши, кўриши керак эмас... Олдин бизда «саксон бешталик» эди, улар Москва остонасида ўзини яхши томондан кўрсатиши, сўнг уларни танкларга қарши кўйиши, бизга эса «ўттиз етти миллиметрлик» курол бериши. Ржевский йўналишида эдик... У ерда қаттиқ жанглар бўлаётганди... Баҳорда Волгадаги муз эрий бошлади... Қандай манзарани кўрганимизни айтами? Қизил-қора муз парчаси оқиб келаётганини кўрардик, мана шу муз парчасида иккита-учта немис ва битта рус аскари. Улар худди шундай, бир-бирини ёқасидан олган ҳолда ҳалок бўлишган. Мана шу музга яхлаб ёпишиб қолишган, у кип-қизил қон эди. Волга онамиз қонга беланганд...»

Шу жойда тин олди: «Дам олишим керак... Йиғлашни бошласам, учрашувимизни бир тийин қиласман...» Ўзини қўлга олиш учун ойнага ўгирилиб олди. Бир дақиқадан сўнг юзида табассум билан: «Тўғрисини айтсам, йиғлашни ёқтирмайман. Болалиқдан йиғламасликка харакат қиласдим...»

«Валяни эшитиб, блокадада қолган Ленинградни эсладим, – шу пайтгача жим ўтирган Александра Фёдоровна Зенченко сухбатга қўшилди. – Айниқса, ҳаммамизни ҳайратга солган бир воқеа. Бизга бир кекса кампир ҳар куни ойнани очиб, ташқарига бир чўмич

сув тўкишини, ҳар сафар сувни узоқроқ тўкишга эришаётганлиги ҳақида айтиб беришди. Аввалига эси оғиб қолган бўлса керак деб ўйладик, блокадада нималарни кўрмадик, дейеиз. Гап нимадалигини билиш учун унинг олдига бордик.

Биласизми, у бизга нима деди: «Ленинградга фашистлар келиб, кўчамизга оёқ босишса, мен уларни қайноқ сув билан куйдирман. Мен қариман, бошқа ҳеч нарсага ярамайман, шунинг учун уларни қайноқ сув билан пишираман». Шу тариқа у машқ қилган... Ҳар куни... Блокада эндиғина бошланган, шаҳарда ҳали иссиқ сув бор... У жуда зиёли аёл эди. Мен ҳатто унинг юзини ҳам эслаб қолдим.

У ўзининг кучи етадиган кураш турини танлади. Ўша пайтни тасаввур қилиш керак... Душман шаҳар остонасида, жанг Нарвский дарвоза яқинида бўлаётган эди.

Киров заводи цехлари ўққа тутилган... Ҳар бир киши шаҳар мудофааси учун кўлидан нима келишини ўйларди. Жон бериш – бу энг осони, яна нимадир қилиш керак эди. Қандайдир жасорат. Минглаб одамлар шундай деб ўйларди...»

«Мен сўз қидиряпман... Буларни қандай етказсам экан? – ўзиданми ёки бизданми сўрайди Валентина Павловна. – Урушдан ногирон бўлиб қайтдим. Елкамга снаряд парчаси текканди.

Жароҳат катта бўлмаса-да, бомба мени қалин коруюмiga отиб юборди. Мен эса бир неча кундан бери кигиз этикларимни куритмагандим, сабабини эслолмайман, ўтин йўқмиди, ё тун бўйи навбатим келмаганмиди, чунки печка кичкина, биз эса кўпчилик эдик. Мени топиб олгунларигача, оёғим музлаб қолганди. Устимга қор тушиб, кўринмай қолганман шекилли, лекин тирик қолиб, нафас олганим учун қорда тёшик пайдо бўлган... Найсимон тёшик... Мени санитар итлар топиб олишди. Қорни кавлаб ташлаб, қалпоримни олиб келишган. У ерда ўлим паспортим бор эди, ҳаммамиизда шундай паспортлар бўлган: қариндош-уругнинг исми, қаерга хабар

бериш кераклиги ёзиларди. Мени кавлаб чиқариб, плаш-палаткага ётқизиб олиб кетиши. Плаш-палатка қонга түлиб кетди. Бирок оёғимга хеч ким аҳамият бермабди...

Олти ой госпиталда ётдим. Оёғимни ампутация қилишмоқчи бўлишган, тиззамнинг тепасидан кесиш керак эди, чунки йиринглай бошлаганди. Шунда озгина қўрқоқлик қилдим, ногирон бўлиб яшашни истамадим. Бу аҳволода яшаб нима қиласман? Кимга керакман? На отам бор, на онам.

Бир умр кимгадир юк бўласман. Кимга керакман? Ўзимни осиб ўлдираман... Санитаркадан кичкина сочиқ ўрнига катта сочиқ сўрадим... Госпиталда ҳамма менга: «Бу ерда кампир ётибди... Қари кампир», – деб ҳазил қиласман. Чунки госпиталь бошлиғи мени биринчи марта қўрганида: «Ёшинг нечада?» – деб сўраганди. Мен унга тезгина: «Ўн тўққиз. Ўн тўққизга тўласман яқинда», – дедим. У эса кулиб: «Ўхў! Анча қари экансан, ёшинг бир жойга бориб қолибди», – деди. Санитарка, Маша хола шу-шу мени «кампир» деб чақирадиган бўлди. У менга: «Майли, сенга сочиқ бераман, чунки сени операцияга тайёрлашяпти. Бирок сендан кўзимни узмайман. Менга негадир кўзларинг ёқмаяпти, қизалок. Бирон нимани режалаштирумадингми?» – деди. Мен эса чурқ этмадим.... Карасам, ростдан ҳам операцияга тайёрлашяпти. Мен операция нималигини билмасдим, ҳали бирор марта тиф остига ётмаганман. Ҳозир танам географик картага ўхшаб қолди. Билмасам ҳам, фаҳмладим. Катта сочиқни ёстиғим остига яшириб, ҳамма ухлашини кутдим. Кроватлар темир эди, сочиқни кроватга боғлаб, ўзимни осаман деб ўйладим. Фақат кучим етсайди... Аммо Маша хола кечаси ёнимдан жилмади. У менинг ёшлиқ қилиб, гунохга ботишимга йўл кўймади. Ухлаб қолмади...

Мен тентакни асраб қолди....

Палатадаги врачим эса, ёшгина лейтенант, госпиталь бошлиғи орқасидан қолмай роса ялинди: «Бир уриниб кўрай. Бир уриниб кўрай...» У эса: «Нимага ури-

ниб кўрасан? Бир бармоғи қорайиб кетган-ку. Қизча ўн тўққиз ёшда. Иккаламизни деб ҳалок бўлади».

Менинг палата врачим операцияга қарши бўлган экан, у бошқа — ўша пайтларда ҳали янги бўлган усулни таклиф қилган экан. Махсус нина билан тери остига кислород етказиш усули. Кислород озиқлантиради... Буни сизга аниқ айтиб беролмайман, чунки тибиётдан йироқман... Ўша ёшгина лейтенант госпиталь бошлигини кўндириди. Оёғимни кесишмади. Ўша усул билан даволай бошлашди. Икки ойдан сўнг юра бошладим. Албатта, бошида қўлтиқтаёқда, чунки оёқларим латтадай бўлиб қолганди. Уларни хис қилмасдим, факат кўрардим. Кеъинчалик қўлтиқтаёқсиз юра бошладим. Мени ҳамма табрикларди: иккинчи марта онадан туғилгандай бўлдим. Госпиталдан кейин таътил беришди. Қанақа таътил? Қаерга? Кимнинг олдига бораман? Ўзимнинг частимга, ўз қуролим ёнига бордим.

Ўша ерда партияга аъзо бўлдим. Ўн тўққиз ёшимда...

Галабани Шарқий Пруссияда кутиб олдим. Икки кундан бери тинч, ҳеч ким ўт очмасди, ярим кеча бирдан сигнал берилди: «Ҳаво!» Ҳаммамиз ўрнимиздан сапчиб турдик. Ҳамма: «Ғалаба! Капитуляция!» —деб бақиради. Капитуляция майлику-я, ғалаба сўзи, бу дарров ҳаммамизга етиб борди:

«Уруш тугади! Уруш тугади!» Ҳамма қўлида нима бўлса, ўша қуролдан ота бошлади: автоматми, пистолетми... Тўплардан ота бошлашди... Бири кўз ёшини артса, бошқаси рақсга тушади: «Мен тирикман. Тирикман!» Учинчиси ўзини ерга отиб, тупрок, кум, тошларни кучади.. Хурсандлигидан... Мен эса қоққан қозикдай турардим. Калламда бир фикр айланарди: уруш тугаган бўлса, демак отам ҳеч қачон уйга қайтиб келмайди. Уруш тугади... Командир кейин ҳаммани уришиб берди: «Снарядларнинг пулини тўламагунларингча, демобилизация қилмайман. Нималар қилиб қўйдинглар? Нечта снарядни ҳавога совурганликларингни биласизларми?»

Энди дунёда доим тинчлик бўлади, ҳеч ким урушни истамайди, ҳамма снарядлар йўқ қилиниши керак деб ўйлардик. Энди уларнинг нима кераги бор? Биз нафратланишдан чарчадик. Отишдан чарчадик.

Уйга боришга ошиқсанлигимизни айтмайсизми! У ерда отам ҳам, онам ҳам бўлмаса ҳам, майли. Уй бу – у ерда яшайдиган одамлардан, ҳатто уйнинг ўзидан ҳам каттароқ нимадир. Бу шундай нарсаки... Ҳар бир одамнинг ўз уйи бўлиши керак... Ўтгай онамдан сўнгти нафасимгача миннатдорман, мени тукқан онамдай кутиб олди. Мен уни кейин она дейдиган бўлдим. У мени кутди, интизорлик билан кутди. Госпиталь бошлиғимиз оёғимни кесишлиарини, ногирон ахволда уйга қайтишимни ёзишга улгурган бўлса ҳам. Тайёрланиб туриши учун ёзган. Бироз вақт уникида яшаб туришим, кейин эса мени олиб кетишлиарини ваъда қилган... Бироқ у уйга қайтишимни истарди...

У мени кутди... Мен отамга ўхшардим...

Биз ўн саккиз-йигирма ёшда фронтга кетдик, йигирма-йигирма тўрт ёшда эса қайтиб келдик. Аввалига хурсанд эдик: кейин эса қалбимизни ҳадик эгallади: энди биз нима билан шуғулланамиз? Тинч ҳаёт олдида кўрқардик... Дугоналарим институтларни битиришга улгурисди, биз-чи? Биз ким бўлдик? Ҳеч нарсани билмаймиз, касбимиз йўқ. Билганимиз – уруш, қўлимиздан келгани – уруш. Тезрок урушдан кутулгимиз келарди. Шинелдан дарров ўзимга пальто тикиб олдим, тугмаларини алмаштирдим. Бозорга бориб, кирза этигимни сошиб, ўрнига туфли олдим. Биринчи марта кўйлак кийганимда, кўзларимдан юм-юм ёш думаларди. Ўзимни ойнада кўриб танимадим, ахир тўрт йил шимда юриб ўрганиб қолгандик. Ярадорлигим, контузиям борлиги ҳақида кимга ҳам айта олардим? Айтиб кўр-чи, ким кейин мени ишга олади, ким хотин қилади?

Биз баликдек гунг бўлдик. Фронтда жанг қилганимизни ҳеч кимга айтмадик. Ўзаро алоқа қилиб

юардик, хат ёзишиб турардик. Бизларни кейин, орадан ўттиз йил ўтиб қадрлай бошлаши... Учрашувларга чакира бошлаши... Бошида эса биз биқиниб олгандик, ҳатто медалларимизни ҳам күрсатишга-күрқардик.

Эркаклар тақиб юришарди, аёллар эса йўқ. Эркаклар фолиблар, қаҳрамонлар, куёвлар, улар урушда бўлган, бизга эса тамоман ўзгача нигоҳ билан қарашарди. Тамомила ўзгача... Мен сизларга айтсан, биздан ғалабани тортиб олишди. Уни секингина оддий аёллик баҳтига алмаштириб қўйишиди. Ғалабани биз билан баҳам кўришмади. Бу жуда алам қиласди... Тушунарсиз... Чунки фронтда эркаклар бизга ғамхўрлик қилишарди, доим эъзозлашарди, тинч ҳаётда аёлларга бундай муносабатни ҳали кўрмадим. Чекинаётганимизда дам олишга ётсак, ер заҳ, улар ўзлари гимнастёркада қолишса-да, бизга ўз шинелларини ечиб беришарди: «Қизлар... Қизларни эҳтиёт қилиш керак...» Бирон жойдан бир парча пахта, бинт топиб олишса, бизга беришарди: «Ма, ол сенга керак бўлиб қолади...» Сўнгги бурда нонини бизга илинишарди. Урушда улардан меҳр, илиқлиқдан ўзга нарса кўрмадик. Меҳрдан бўлак нарсани билмадик. Урушдан сўнг-чи? Мен жимман... Жимман... Эслашга бизга нима халақит беради? Хотираларга бардошсизлигимиз...

Турмуш ўртоғим билан Минскка келдик. Ҳеч вақомиз йўқ, на чойшабларимиз, на идиш-товоқларимиз... Иккита шинелу иккита гимнастёркамиз бор, холос. Битта ҳарита топиб олдик, ҳарита жуда яхши эди, бўз ҳарита. Биз уни сувда роса ивитдик... Каттагина ҳарита... Ана ўша бўз чойшаб йил чойшабимиз бўлган. Кейин қизимиз туғилганида уни таглик қилиб ишлатдик. Ўша ҳаритани... Ҳозир эсласам, у дунёнинг сиёсий ҳаритаси экан... Қизимиз эса жомадонда ухларди... Эрим фронтдан олиб келган фанера жомадон бешик ўрнини босди. Уйда севгидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Сизларга айтсан... Эрим бир куни келиб: «Юр, кимдир эски диванни ташқарига чиқариб қўйибди...», — деди. Ҳеч ким кўрмасин деб,

коронғуда ўша диванни олиб келгани чикдик. Диванга қанчалик хурсанд бўлганимизни билсангиз эди!

Барибир биз баҳтли эдик. Кўп дугона орттиридим! Замон оғир, аммо тушкунликка тушмасдик. Карточка-га нарса олсак, бир-биrimizga телефон қиласдик: «Кел, мен шакар олдим. Ширин чой ичамиз». Устимизда ҳеч нарса йўқ, остимизда ҳам. Ҳеч кимда ҳозирги гиламла-ру биллур буюмлар йўқ эди... Ҳеч нарса... Бироқ биз барибир баҳтли эдик. Тирик қолганимиз учун баҳтиёр эдик. Гапираётганимиз, кулаётганимиз, кўчалардан кеза-ётганимиз учун хурсанд эдик... Мен доим завқланардим. Аммо завқланадиган нарсанинг ўзи йўқ – атроф вай-рона, ҳатто дараҳтлар ҳам синдириб ташланган. Бироқ муҳаббат туйғуси қалбимишга нур олиб киради. Одам одамга керак эди, ҳаммамиз бир-биrimizга муштоқ эдик. Кейинчалик ҳаммамиз ҳар тарафга, ўз уйимиз, ўз оила-мизга тарқаб кетдик, ўшанда эса ҳали ҳаммамиз бирга эдик. Фронтда, окопдагидек елкама-елка турардик...

Ҳозир мени ҳарбий музейлардаги учрашувларга кўп таклиф қилишади... Экскурсия уюштириб беришимни сўрашади. Ҳозир – ха. Қирқ йил ўтиб! Қирқ йил! Яқиндагина ёш италияликлар олдида чиқиш қилдим. Қайси шифокорда даволанганим, қандай касалликларни бошдан кечирганлигим ҳақида кўп савол беришди.

Психиатрга мурожаат қилганманми-йўқми, негадир шу ҳакда сўрашди. Қандай тушлар кўраман?

Уруш тушларимга кирадими? Улар учун қўлига курол кўтариб эркак билан тенгма-тёнг жанг қилган рус аёли жумбоқ эмиш. Бу қандай аёл эканки, нафақат одамларни куткариб, яраларини борласа, балки ўзи ҳам отса, портлатса... Эркакларни ўлдирса... Урушдан сўнг турмуш қурган-қурмаганлигимга қизиқишди. Улар турмуш қурмаган деб ишонишарди. Ёлғиз деб ўйлашди. Мен эса юзларига қараб, кулдим: «Ҳамма урушдан мукофотларини олиб келса, мен эримни кўтариб келдим. Битта қизим бор. Ҳозир невараларни катта қиляпман».

Мен сенга севги ҳақида гапириб бермадим... Ҳозир айтиб беролмайман, юрагим дош бермайды. Бошқа сафар... Мұхабbat бўлган, албатта! Бор эди! Одам севгисиз яшай оладими? Тирик қола оладими? Фронтда комбатимиз мени севиб қолганди...

Бутун уруш давомида мени авайлаб-асради, ёнимга ҳеч кимни яқинлаштиrmади, демобилизациядан сўнг мени госпиталдан топиб олди. Ўшанда севги изхор қилди... Майли, севги ҳақида кейинроқ гаплашамиз... Сен яна кел, албатта кел. Иккинчи қизим бўласан. Болаларим кўп бўлишини хоҳлаганман, уларни яхши кўраман. Аммо биттагина фарзандим бор... Қизалоқ... Соғлигим кетган, кучим қолмаганди. Ўқиши ҳам эплай олмадим – кўп касал бўлардим. Оёқларим, яна ўша оёқларим... Улар менга доим панд беради... Нафақага чиқкунимча Политехника институтида лаборант бўлиб ишладим, у ерда ҳамма мени яхши кўради. Профессорлар ҳам, талабалар ҳам. Чунки ўзимда меҳр, қувонч лиммо-лим. Мен ҳаётни шундай тушунардим, урушдан сўнг айнан шундай яшашни истадим. Худо инсонни отиш учун эмас, муҳабbat учун яратган. Сен ҳам шундай фикрдамисан?

Икки йил олдин штабимиз бошлиғи Иван Михайлович Гринько бизникига меҳмонга келди. У аллақачон пенсияда. У ҳам мана шу століда ўтирди. Ўшанда ҳам пирог пиширдим. Эрим билан анча сухбатлашишди, эслашди... Қизларимиз ҳақида гап кетди... Мен эса ўзимни йигидан тўхтата олмадим: «Эъзоз, эҳтиром дейсиз. Қизларимизнинг бари ёлғиз-ку. Турмуш куришмади. Коммунал уйларда яшашади. Уларга ким хурмат кўрсатди? Ким химоя қилди? Урушдан сўнг ҳаммангиз қаерга ғойиб бўлдингиз? Сотқинлар!!» Бир сўз билан айтганда, уларнинг байрамона кайфиятини бир тийин қилдим...

Штаб бошлиғи сен ўтирган жойда ўтирганди. «Сен менга айт, – деб столга мушт туширди, – ким сени хафа қилди? Менга ўша нобакорни кўрсат!» Мендан узр

сўради: «Валя, кўз ёшдан бошқа ҳеч нарса айта олмайман». Бизга раҳмдиллигингизнинг кераги йўқ. Бизнинг фуруримиз баланд. Тарихни юз мартараб қайта ёзишмайдими. Сталин биланми, Сталинсизми. Аммо бу нарса тарихда қолади – биз ролиб бўлдик! Бизнинг дарду ситамларимиз, бошдан кечирғанларимиз булар ўткинчи нарса эмас, кўкка совурилган кул эмас. Бу бизнинг ҳаётимиз. Бошқа бир сўз айтмайман...»

Кетишимдан олдин қўлимга бир ўрам пирог тутқазиши: «Бу сибирча пирог. Бошқача. Дўконда ундайини топа олмайсан...» Менга яна манзиллар ва телефон рақамлар ёзилган узун рўйхат ҳам беришди: «Ҳамма сени кўриб, хурсанд бўлади. Сени кутишади. Сенга тушунириб бераман: эслаш албатта даҳшат, аммо эсламаслик ундан ҳам даҳшат».

Нега улар барибир гапиришга жазм қилишларини энди тушунгандайман гўё...





## «БИЗНИ КИЧКИНАГИНА МЕДАЛЛАР БИЛАН СИЙЛАШАРДИ...»

Хар тонг почта қутимни очиб кўраман...

Шахсий почтам тобора кўпроқ военкомат ёки музей почтасига ўхшаб бормоқда: «Марина Раскова авиаполки учувчи қизларидан салом», «Сизга «Железняк» бригадаси партизан қизлари номидан мактуб йўллаяпман», «Минск яширин гурух қизлари... табриклишади... Бошлаган ишингизга муваффақият тилаймиз...», «Дала ҳамом кир ювиш отряди оддий аскар қизлари номидан мурожаат қиласмиш...» Изланишларим давомида бир неча мартагина кескин рад жавобини олганман: «Йўқ, бу даҳшатли тушга ўхшайди... Йўқ! Қўлимдан келмайди!» Ёки: «Эслашни истамайман! Эслолмайман! Унутишга ҳаракат қилдим...»

Манзили кўрсатилмаган яна бир хат ёдимда қолди:

«Менинг турмуш ўртоғим – Шухрат орденлари кавалери, урущдан сўнг ўн йил қамоқ жазосига хукм қилинди...

Ватан ўз қаҳрамонларини, голибларни шу тариқа кутиб олди! Университетда бирга ўқиган бир дўстига ўз ва ўзга юртни руслар жасади билан тўлдириб ташлаганимиз, қон билан бёланганимиз учун ғалабамиз билан фаҳрлана олмаслигини ёзган эди. Уни дарҳол ҳисбса олишдӣ... Погонларини юлиб ташлашибди...

Сталиннинг ўлимидан кейин Қозогистондан қайтиб келди... Касалманд. Бодаларимиз йўқ. Уруш ҳақида эслашимнинг ҳожати йўқ, мен бир умр урущдаман...»

Хотираларини ёзишга ҳамма ҳам жазм қилолмайди. Ҳис-туйғуларини, ўй-ҳаёлларини қоғозга тушириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. «Кўз ёшлар халақит беради...» (А. Буракова, сержант, радиист). Кутилмаган-

да, ёзйшмалар фақат манзил ва янги исмларни кашф қиласи.

«Танамда темир-терсак етарлича топилади... Витебск останасида яраланганман, снаряд парчасини юрагимга уч сантиметр яқинликда, ўпкамда олиб юрибман. Иккинчи парча – ўнг ўпкамда. Яна иккитаси – қорнимда...»

Мана менинг манзилим... Келинг. Бошқа ёзолмайман, кўз ёшларимдан ҳеч нарса кўринмаяпти...»

*B. Громова, санинструктор*

«Катта мукофотларим йўқ, фақат медалларим бор. Ҳаётим сизга қизиқми-йўқми, буни билмайман, бироқ кимгадир уни ҳикоя қилиб бергим келади...»

*B. Воронова, телефонист*

«...Эрим билан Узоқ Сибирда, Магаданда яшардик. Эрим ҳайдовчи, мен эса чиптачи бўлиб ишлардик. Уруш бошланиши билан иккаламизни ҳам фронтга жўнатишларини сўрадик. Қаерга керак бўлсангиз, ўша ерда хизмат қиласеринглар, деб жавоб қайтаришди. Шундан кейин Сталин номига хат ёзиб, танк курилиши учун эллик минг рубль (ўша пайтларда бу жуда катта пул эди) ажратишимизни ва иккаламиз ҳам фронтга боришини ихтиёр қилганимизни билдиридик. Ҳукумат томонидан ташаккурнома олдик. Қирқ учинчи йилда мени турмуш ўртоғим билан Челябинск танк техника билим юртига жўнатишиди. Уни экстерн тартибда тамомладик.

Ўша ердаёқ танк беришди. Иккаламиз ҳам катта механик-ҳайдовчи эдик, танкда эса фақат битта механик-ҳайдовчи бўлиши керак. Бошқарма мени «ИС-122» танки командири, эримни эса катта механик-ҳайдовчи этиб тайинлашга қарор қилди. Германияга шу тариқа этиб бордик. Иккаламиз ҳам жароҳат олганмиз. Мукофотларимиз бор.

Ўрта вазни танкларда танкист қизлар қўп эди, оғир вазни танкда эса битта мен эдим.

Баъзан ёзувчиларимиздан бирига ҳаётимни ёздир-саммикан, деб ўйлаб қоламан. Ўзим чиройли сўзлар билан ёзолмайман...»

*А. Бойко, кичик лейтенант, танкчи*

«Кирқ иккинчи йил... Мени дивизион командири қилиб тайинлашди. Полк комиссари олдиндан огохлантириди: «Капитан, хушёр бўлинг: сиз оддий эмас, «қизлар» дивизионини оляпсиз. Таркибнинг ярми қизлар, улар алоҳида эътибор ва ёндашувни талаб этади». Армияда қизлар ҳам хизмат қилиши ҳақида хабарим бор, албатта, бироқ тасаввурим етарли эмас эди.

Биз кадр офицерлари «ожизалар» ҳарбий касбни эгаллашларига ола кўз билан қаардик. Ахир бу касб азалдан эркакларники бўлиб келган. Тиббий ҳамширалар бўлишса, майли. Улар биринчи жаҳон уруши, кейинчалик эса, фуқаролар урушида ўзларини бу борада яхши томондан кўрсата олдилар. Зил-замбил снарядларни орқалаб юриш керак бўлган зенит артиллериясида қизларга нима бор, деган савол мени қийнарди. Биттагина ертўла бўлган батареяда уларни қандай жойлаштириш керак? Чунки таркибда эркаклар ҳам бор. Аслалаҳаларда соатлаб ўтиришлари керак бўлади, улар эса темирдан-ку? Оғир қуроллардаги ўтиргичлар ҳам темирдан. Улар қиз бола бўлса, уларга мумкин эмас-ку. Сочларини қаерда ювиб, қаерда қуритишади? Хуллас, саволлар кўп эди, бу оддий масала эмасди....

Батареяларга бориб, уларни кузата бошладим. Тан оламан, аввалига бироз фалати туюлди: постда қўлида винтовкаси бор қиз, тепаликда ҳам дурбинли қиз — мен эса жанг майдонидан, фронтдан келгандим. Уларнинг ҳаммаси ўзгача эди — тортинчок, кўрқок, ноз-карашмали, қатъиятли, юрагида олови бор. Ҳаммаси ҳам армия тартибига риоя қила олмас эди. Аёл табиати армия тартибига бутун вужуди билан қаршилик қиласди. Гоҳ буюрилган вазифа эсидан чиқиб қолади, гоҳ уйдан хат олиб, кечаси би-

лан йиглаб чиқади. Жазолайсан-у, баъзан жазони бекор қиласан – раҳминг келади. «Булар билан шўримга шўрва тўкиладиган бўлди», – деб ўйладим аввалига. Аммо тез орада барча гумонларимдан воз кечишга мажбур бўлдим. Қизлар ҳақиқий солдатга айландилар.

Улар билан бешафқат йўл босиб ўтдик. Келинг. Узок сухбатлашамиз...»

*И.А. Левицкий, етти юз саксон тўртинчи зенит артиллериаси бешинчи дивизиони собиқ командири*

Манзиллар ранг-баранг – Москва, Киев, Краснодар ўлкасининг Апшеронск шаҳри, Витебск, Волгоград, Ялуторовск, Суздаљ, Галич, Смоленск... Уларни қандай қамраб олсам экан? Мамлакат катта бўлса. Шунда бир воқеа ёрдамга келади. Кутимаганда худойимнинг ўзи йўл кўрсатди. Кунлардан бир кун почта генерал П.И.Батовнинг олтмиш бешинчи армияси фахрийлари номидан ёзган таклифномасини олиб келди: «Қизил майдонда учрашамиз. Бу анъана, одатга айланниб қолган. Кучи етганинг ҳаммаси келади. Мурманск ва Қарағанда; Олмаота ва Омскдан келишади. Бепоён ўлкамизнинг турли жойларидан келишади. Бир сўз билан айтганда, сизни кутиб қоламиз...»

...«Москва» меҳмонхонаси. Май ойи – Фалаба ойи. Атрофда одамлар бир-бирини кучоқлайди, расмга тушади. Қайси бири кўкракка қистирилган гул, қайсииниси ордену медаллигини тушуниб бўлмайди. Мен шу оқимга куйилиб кетдим, у мени олиб кетди, орқасидан эргаштириб кетди ва шу тариқа тез орада менга нотаниш бўлган оламга тушиб қолдим. Нотаниш оролга. Мен танийдиган ва танимайдиган одамлар орасига, аммо бир нарсани аниқ биламан – мен уларни яхши кўраман. Одатда уларни орамиздан топиб олиш қийин, улар йил сайн камайиб, биз эса кўпайиб бормоқдамиз. Аммо улар бир йилда бир марта бир дақиқага бўлса ҳам ўтмишга қайтиш

учун тўпланишади. Уларнинг замони эса бу – уларнинг хотиралари.

Еттинчи қаватнинг эллик иккинчи хонасида беш минг икки юз эллик еттинчи госпиталь тўпланган. Тўрда Александра Ивановна Зайцева, ҳарбий врач, капитан ўтирибди. Мени кўриб юзи ёришиб кетди, гўё бир-биримизни минг йилдан бери танийдигандай. Мен эса тасодифан шу эшикни қоқкан эдим. Таваккалига.

Ёзib оляпман: Галина Ивановна Сазонова, жарроҳ; Елизавета Михайловна Айзенштейн, врач; Валентина Васильевна Лукина, жарроҳлик ҳамшираси; Анна Игнатьевна Горелик, катта операцион ҳамшираси ва ҳамширалар Надежда Фёдоровна Потужная, Клавдия Прохорова Бородулина, Елена Павловна Яковлева, Ангелина Nikolaevna Timofeeva, Софья Камалдиновна Мотренко, Тамара Дмитриевна Морозова, Софья Филимоновна Семенюк, Лариса Тихоновна Дейкун.

### Қўғирчоқ ва винтовкалар ҳақида

«Э-воҳ, қизларжон, уруш қанчалар қабиҳ... Унга бизнинг нигоҳларимиз билан боқсанг. Хотинлар кўзи билан қарасанг... У энг кўрқинчли нарсадан ҳам кўрқинчлироқ кўринади. Шунинг учун уни биздан сўрашмайди...»

«Эсингиздами, қизлар, теплушкаларда юрганимиз... Аскарлар винтовкаларни ушлаб олганимизни кўриб роса устимиздан қотишган. Уларни қурол сингари эмас, мана бундай ушлаб олганмиз... Ҳозир буни ҳатто кўрсата олмайман ҳам... Қўғирчоқни ушлагандай, ушлаб олганмиз...»

«Одамлар кий-чув кўтариб, йиглашади... Фақат бир сўзни эшитаман: «Уруш!» Хаёлймга бир нарса келади: «Қанақасига уруш бўлсин, ахир эртага институтга кириш имтиҳонларимиз бўлса? Имтиҳон, бу жуда муҳимку. Қанақасига уруш бўлиши мумкин?»

Бир хафтадан сўнг бомбалар ёғила бошлади, биз одамларни қутқарадик. Тибиёт олийгоҳининг учта

курсини битириш ўша пайтда улкан ютуқ әди. Бирок биринчи кунлари шу қадар күп қон күрдимки, ундан күркә бошладим. Ана сенга ярим дүхтиру, мана сенга амалий машғулотлардан олган «бешлар»им. Аммо одамлар ўзини жуда олийжаноб тутарди. Бу эса вайратимизга ғайрат күшарди.

Қизлар, сизларга айтиб берганман... Бомбалар тұхтади, қарасам – олдимдаги ер қимирлаяпты. Ү ерга югуриб бориб, ерни құлим билан кавлай бошладим. Құлларим кимнингdir юзини, сочларини пайпаслади... Бу аёл киши әди... Уни кавлаб олиб, устига әнгашиб олиб, йиғлай бошладим. Ү ўзига келиб, қўзларини очганида, нима бўлганини әмас, сумкаси қаердалигини сўради, у сумкасидан хавотирланарди:

- Сумкам қани?
- Сумкани ҳозир нима қиласиз? Топилади.
- У ерда хужжатларим бор.

Уни қай аҳволдалиги қизиқтирмасди, фикру зикри партбилети ва ҳарбий гувоҳномасида әди. Дарров сумкасини қидира бошладим. Уни топдим. Аёл уни кўкрагига кўйдию қўзини юмди. Шу орада санитар машина келиб қолди, уни машинага юкладик. Сумкасини яна бир бор текшириб кўрдим. Кечкурун эса уйга келиб, онамга бўлган воқеани ҳикоя қилиб бердим. Кейин эса фронтга боришга қарор килганимни айтдим...»

«Бизниkilар чекинаётган әди... Ҳамма йўлга чиқди... Ёнимиздан ёши каттароқ бир аскар ўтиб бораётган әди, уйимиз олдидан ўтиб кетаётганида онамга чуқур таъзим қилиб, шундай деди: «Онажон, мени кечиринг... Қизалоқни асранг! Эҳ, қизалоқни куткаринг!» Ӯшанда ўн олти ўшда әдим, сочларим узун... Мана бу еримгача келарди! Киприкларим тим қора...»

«Фронтга кетаётганимизни эслайман... Қизлар тўла машина, катта ёпиқ машина. Кеч әди, дараҳт шоҳлари машина брезентига тегиб, гўё бизга ўқ узишаётгандек тасаввур уйғотарди... Уруш бошлангач, сўзлар ҳам,

оҳанглар ҳам ўзгариб кетди... Уруш... Эҳ, энди у доим ёнимизда! «Ойижон» дейсан-у, у тамоман бошқача сўзга айланади, «уй» дейсан-у, у ҳам умуман бошқача янграйди. Уларга яна нимадир қўшилди.

Кўпроқ меҳр, жиндак кўркув қўшилди. Яна нимадир ҳам...

Бироқ урушнинг илк кунлариданоқ улар бизни енга олмаслигига ишонардим. Ахир майлакатимиз сарҳадлари кенг. Белоён...»

«Онасининг қизи... Мен ҳеч қачон шаҳаримдан ташқарига чиқмаганман, бошқа уйда ухламаганман. Мина отиш батареясига кичик врач бўлиб бордим. Қалбимда нималар кечмади дейсиз! Миномётлар ота бошласа, кулоғим донг битади. Бутун баданим ёнаётганга ўхшарди. Ўтириб олиб йиғлардим: «Ойи, ойижон... Ойижон...»

Биз ўрмондан қўноқ топган эдик, сахарда ташқарига чиқсанг – жимжит, баргларда шудринг. Наҳотки, бу уруш бўлса? Ҳаммаси чиройли, ҳаммаси ажойиб бўлса...

Бизга ҳарбий кийимларимизни кийиш буйруғи берилди, менинг бўйим эса бир метру эллик сантиметр. Шимнинг ичига кириб олдиму қизлар тепасидан бойлаб кўйишиди. Мен шу кийимда юрардим, бошликлардан эса берқинардим. Ҳарбий тартиб-қоидани бузганлигим учун мени гауптваҳтага жўнатишиди...»

«Сира ишонмаган бўлардим... Юриб туриб ухлай олишимни билмаган эканман. Саф тортиб юрасану, кўзларингда уйқу, олдиндаги аскарга уриласану, бир лаҳзага уйғонасан, яна ухлаб кетаверасан. Аскарлар уйқуси ҳамма жойда ширин. Бир сафар қоронғуда олдинга эмас, ён томонга тортиб кетди, очик далага кетиб қолибман, юриб ухлаб кетяпман. Бир ариққа йиқилиб тушганимдан кейингина уйғонибман. Дарров ўрнимдан туриб сафнинг орқасидан югурдим. Аскарлар дам олишга ўтиришса, битта тамаки учта аскарни айланиб чикарди. Биринчиси чекиб тургунича, иккинчиси ва учинчиси ухлаб оларди. Ҳатто хуррак ҳам отишарди...»

«Хеч эсимдан чиқмайды: бир ярадорни олиб келишиди, замбидан туширишди... Кимдир қўлини ушлаб: «Йўқ, жони узилибди», – деди. Ҳаммамиз унинг ёнидан кетдик. Шунда ярадор уҳ тортди. У уҳ тортганида, мен унинг олдига чўккалашиб олдим. Кўзёш аралаш бакираман: «Дўхтир! Дўхтир!» Дўхтири турғизиб, силташса ҳам, у пичан ғарамига ўхшаб яна қулайди – шунчалик қаттиқ уйқуга берилганди. Уни ҳатто нашатир спирти билан ҳам уйғота олмадик. Бунгача у уч кун ухламаган экан.

Ярадорлар қишида қанчалик оғир бўлиб кетишини тасаввур қилиб кўринг-а... Гимнастёркалар қон ва муздай сувдан тарашадек қотиб қолган, кирза этиклари ичиға муз аралаш қон тўлган – пичоқ билан ҳам кесиб ололмайсан. Ҳаммаси майитдек совуқ.

Ойнага карасанг – қишининг ажаб манзараси. Оқ инган сехрли арчалар. Бир он ҳаммасини унутгинг кела-ди... Кейин яна бошланади...»

«Бу чанги батальони эди... Ҳаммаси ўнинчи синф болалари... Уларни пулемётдан отиб ўриб ташлашган... Уни шу аҳволда олиб келишди, у эса йиғлади. Ешимиз тенг бўлса-да, ўзимизни улардан каттароқ хис қиласдик. Уни кучиб: «Болам» деб эркалаймиз. У эса: «У ерда ўзинг бўлганингда эди, бола демаган бўлардинг». У ўлади, кечаси билан «Ойи! Ойижон!» деб бақириб чиқади. У ерда икки нафар курсклиқ йигитлар бор эди. Биз уларни «Курск булбуллари» дердик. Уйғотишга келсанг, оғзидан сўлаги оқиб, ухлаб ётган бўлади, ҳали гўдак...»

«Бир неча кунлаб операция столи ёнида тик турардим... Туришга турибман-у, қўлларим эса ўз-ўзидан тушиб кетяпти. Баъзан бошинг билан тўғри касалнинг устига йиқиласан. Уйқу! Уйқу! Уйқу! Оёқларимиз шишиб, кирза этикларга сирмай кетарди. Кўзларимиз шу қадар толиқардики, уларни ёпа олмасдик...»

Менинг урушим уч хил ҳид таратади: қон, хлороформ ва йод...»

«О-ох! Жароҳатлар-чи... Катта, кенг, чуқур, йиртилган яралар... Жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмасди...

Ў-к, граната, снаряд парчалари тананинг барча аъзолари, бош, ичакларга кириб қетади. Металл парчалари билан бирга ярадорлар танасидан аскарлар тугмаларини, шинель, гимнастёрка, чарм камар парчаларини чиқариб оламиз.

Бир аскарнинг кўкрак қисми парча-парча бўлиб кетганди, юраги кўриниб турарди... У ҳали уриб турибди, бироқ аскар ўляпти...

Сўнгги боғламни кўйиб, ўзимни йигидан зўрға ушлаб турибман. Тезроқ тугатсан эди, бирон бурчакка тиқилиб тўйиб йирлаб олсан эди, деб ўйлайман. У эса менга: «Раҳмат, синглим...» деб темирдан ясалган кичкина нарсани узатди. Яхшилаб қарасам: ўзаро кесишган қилич ва милтиқ. «Нега беряпсан?» — деб сўрадим. — «Онам, бу тумор мени қутқаришини айтганди. Энди унинг менга кераги йўқ. Эҳтимол, сен мендан омадлироқ чиқарсан?» — дедиу, деворга ўгирилиб олди.

Кечга томон соchlаримиз қон бўлиб кетади, қон халатларимиздан танамизга юқади, қалпокларимиз ва никобларимизда ҳам қон юқи. Қоп-қора, ёпишқоқ, одам организмидаги бор нарса билан аралашиб кетади. Пешоб, ахлат билан...

Бошқа сафар эса кимдир: «Синглим, оёғим оғрияпти», — деб чақиради. Оёғи эса кесиб ташланган... Ҳаммасидан ҳам ўликларни олиб юришни ёмон кўрадим, шамол чойшабни кўтариб юборса; сенга қараб турган бўлади. Кўзлари очиқ бўлса, олиб кетолмасдим, кўзларини ёпиб кўярдим...»

«Бир ярадорни олиб келишди... Замбилда ётарди, ҳамма ёғи бинт билан ўраб ташланган, бошидан яраланган экан, кўзлари учун кичкинагина тирқишилдиришган. Озгина. Унга кимнидир эслатиб юборган бўлсан керак, менга мурожаат қилди: «Лариса... Лариса... Ларисажон...» Севган қизи бўлса керак. Бу менинг

ҳам исмим эди. Бирок уни умримда күрмаганимни аник биламан. У эса мени чақиради. Үнинг ёнига бордим, хеч нарсаны тушунмай, унга яхшироқ қарай бошладим. «Келдингми? Лариса, келдингми?» Мен унинг қўлларидан маҳкам ушлаб, унга энгашдим... «Келишингга ишонардим...» У нимадир деб шивирлади, аммо нима деяётганини англамасдим. Ҳозир ҳам бу воқеани хотиржам ҳикоя қилолмайман, кўзларим ёшга тўлади. «Фронтга кетаётганимда, сени ўпишга улгурмагандим, – дейди у, – битта ўпгин...» Мен энгашиб, уни ўпдим. Кўзидан ёш сизиб чиқиб, бинтлар орасига оқиб кетди, яширинди. Тамом. У ўлди...»

### Ўлим ва ўлим олдидағи ҳайрат ҳақида

«Одамлар ўлишни истамасди... Ҳар бир оҳга, ҳар бир чақиравга акс садо берардик. Бир ярадор ўлаётганини сезгач, елкамдан маҳкам ушлаб олиб, сира қўйиб юбормасди. Гўёки ёнида кимдир бўлса, ёнида ҳамшира бўлса, жон танасини тарк этмайдигандай. У: «Яна беш дақиқа яшасам эди. Яна икки дақиқа...» деб сўрарди. Баъзилар жимгина жон таслим қилишса, айримлари: «Ўлишни истамайман!» – деб ҳайқиришарди.

«Онангни» деб сўкинишарди... Биттаси ашула айта бошлади... Молдаван қўшигини куйлади... Одам ўладию, бироқ барибир ўлим ҳақида ўйлашни истамайди, ўлишига ишонмайди. Сен эса соchlари тагидан сап-сариқ ранг бостириб келаётганини кўрасан, олдин соядек юзидан ўрмалаб, кейин кийимлари остига ўтади... У ўлиб ётадию, бироқ юзида қандайдир ҳайрат, гўё «Қанакасига ўлдим? Наҳотки ўлдим?» деб ўйлаётгандек.

У эшитар экан, сўнгги нафасигача унга йўқ-йўқ, ўлмаслигинг керак деб уқтирасан. Уни ўпасан, кучок-лайсан: сенга нима бўлди, нима бўлди? У аллақачон ўлиб бўлган, кўзлари шифтга қадалиб турибди, мен эса унга нимадир шивирлайман... Юпатаман... Фамилиялар

хотирамдан ўчиб кетди, эсимда қолмади, юзлари эса ёдимдә...»

«Ярадорларни олиб келишади... Улар эса йиғлашади... Оғриқдан эмас, ожизлиқдан йиғлашади. Фронтга олиб келишган биринчи кун, айримлари ҳатто бирор марта ўқ узишга улгурмаган. Уларга винтовка етказиб беришолмаган, чунки урушнинг дастлабки йилларида қурол олтинга тенг эди. Немисларда эса танклар, миномётлар, авиация бор эди. Сафдошлари йиқилса, уларнинг винтовкаларини олишарди. Гранаталарини. Жангга қуруқ кўл билан чиқишган эди... Кўл жангига боргандек... Ва шу заҳотиёқ танкларга дуч келишди...»

«Улар ўлаётганда... Улар шундай қарашардики... Улар гўё...»

«Биринчи ярадорим... Ўқ нақ томоғига текканди, у яна бир неча кун яшади, аммо бирон сўз демади...»

Кўл ёки оёқни кесишса, қон чиқмайди... Оппоқ соғэт бор, қон кейин чиқади. Мен ҳозир ҳам товуқ гўштини майдалай олмайман, агар гўшти оппоқ бўлса. Оғзим куриб қолади...»

«Немислар ҳарбий аёлларни асирга олишмасди... Дарҳол отиб ташлашарди. Ёки аскарларига мана қаранг, аёл эмас, маҳлуқлар дегандек кўрсатишарди. Биз доим ўзимиз учун иккита патрон олиб юрадик. Ҳар эҳтимолга қарши иккита.

Битта ҳамирамиз асирга тушди... Бир кундан кейин, ўша қишлоқдан немисларни кувиб чиқарганимизда, ҳамма ёқда ўлик отлар, мотоцикллар, бронетранспортёрлар ётарди. Биз ҳамирамизни топдик: кўзлари ўйиб олинган, кўкраклари кесиб ташланган... Уни найзага ўтқизиб кўйишганди... Этинг жимиirlайдиган совук, у оппоқ бўлиб кетган, соchlари ҳам оппоқ.

Ёши ўн тўққизда эди. Унинг рюкзагидан уйдан келган хатлар ва яшил резинка күшча топиб олдик. Болалар ўйинчори...»

«Биз чекиняпмиз... Устимизга бомба ёдиришяпти. Биринчи йил фактат чекинардик. Тинмай чекинардик. Фашистлар самолёти жуда яқын учарди, ҳар битта одамни кувишарди. Доим сени кувлаётгандек туюлади. Мен ҳам югураман... Самолёт мен томонга йўналганини кўраман ва эшитаман... учувчини, унинг юзини кўраман, у ҳам қиз болалар эканлигимизни кўряпти... Санитар машиналари... Уларга қатор ўқ узиб, яна жилмайиб ҳам кўяди. У эрмак қиляпти... Шундай кўрс, даҳшатли жилмайиш... юзи эса чиройли...»

Мен чидай олмайман... Қичқираман... Маккажўхори орасига югураман – у эса ортимдан, мен ўрмонга – у мени ерга сиқиб боради. Мана буталар кўринди... Ўрмонга юуриб кирдим, қандайдир эски барглар орасига шўнғидим. Кўркувдан бурнимдан қон оқа бошлади, тирикманми, ўлганманми, билмайман. Йўқ, тирикман... Шундан сўнг самолётлардан кўрқадиган бўлдим. У ҳали узоқда бўлса ҳам, қалбимни кўркув эгаллади, бошка ҳеч нарса калламга кирмайди, фактат самолётни ўйлайман, уни кўрмаслик, эшитмаслик учун қаерга беркинсан экан, деб ваҳимага тушаман. Ҳозиргача самолёт овозини эшитсам, танамни титроқ босади. Шунинг учун самолётда учмайман...»

«Э воҳ, қизларжон...»

«Урушдан олдин турмушга чиқмоқчи бўлиб юргандим... Мусика ўқитувчимизга. Жуда қизиқ воқеа бўлган. Мен жиддий севиб қолгандим... У ҳам... Бироқ онам кўймади: «Ҳали кичкинасан!» – деди.

Шу орада уруш бошланиб қолди. Фронтга бораман, дедим. Ўйдан бош олиб кетгим келарди, тезроқ улғайишни истардим. Уйдагиларим йиглаб, нарсаларимни тайёрлашди. Иссиқ пайпоқ, чойшаблар.

Биринчи куниёқ ўлиқ кўрдим... Госпиталимиз жойлашган мактаб ҳовлисига бир дайди снаряд парчаси учиб тушиб, фельдшеримизни яралади. У тил тортмай ўлди. Ўшанда калламга келган биринчи нарса: онам мени ҳали

ёшсан деб эрга бермабдию, аммо урушга жүнатибди... Суюкли онажоним-а...»

«Бирпас тұхтаймиз... Госпитални жойлаштириб, ярадорларни ортиб бұлсак, эвакуация ҳәқіда буйруқ келади. Ярадорларнинг ҳаммасини ҳам юклаш имкони йўқ, баъзилари қолиб кетади. Машина етмайди. Бизни шошилтиришади: «Ташланг. Ўзларингиз кетинг». Нарсаларингни йиғиштирасан-у, уларнинг қараб турганига кўзинг тушади.

Нигоҳлари билан кузатиб қолишади. Кўзларида ҳамма нарса бор: тақдирга тан бериш; алам... «Акалар! Опалар! Бизни немисларга қолдирманг. Отиб ташланглар», — деб илтижо килишади. Қандай ҳасрат! Қандай қайғу!! Ўрнидан тура оладигани биз билан кетади. Тура олмагани — қолади. Улардан биронтасига энди ёрдам кўлини чўзолмаймиз, бошимизни кўтаришга кўрқамиз... Мен ёш эдим, йиғлардим, тинмай йиғлардим...

Хужум қилаётганимизда, биронта ярадоримизни ташлаб кетмасдик. Ҳатто немис ярадорларини ҳам олиб кетардик. Мен бир вактлар улар билан ишладим. Ўрганиб қолардим, ҳеч нарса бўлмагандай ярасини боғлардим. Ярадорларимизни ташлаб кетишга мажбур бўлган кирқ биринчи йилни эсласам, немислар уларни қай кўйга солмаган дейсиз... Биз буни кўрдик... Биронтасининг ёнига қайтиб яқинлашмайман деб қасам ичардим... Эртасига эса яна бориб уларнинг жароҳатини боғлайверардим...»

«Биз ҳаётларини қутқарапдик... Аммо аксарият тибий ходим эканлигидан, қурол ушлаб отмасдан, факт жароҳат боғлаш қўлларидан келишидан афсусланарди. Улар ҳам қурол олиб отишни истарди. Эсимда... Мен бу туйғуни унутмадим. Корда кон ҳиди яна ҳам ўткирроқ бўлиши бир умрга эсимда қолди... Ўликлар... Улар дала-да ҳар ёнга сочилиб ётарди. Кушлар кўзларини тортиб чиқарган, юzlари, қўлларини чўкиб ташлаган. Вой, бу ўта даҳшат...»

«Уруш сўнгиди... Уйга хат ёзишга қўрқардим. Ёз-  
масликка қарор қилдим. Мабодо ўлиб қолсам, онам  
уруш тугаб, Фалабага озгина қолганда ўлиб қолганимга  
йиғлайди, деб ўйлардим. Ҳеч ким буни айттолмасди,  
бироқ ҳамма шу ҳақда ўйларди. Фалаба яқинлигини се-  
зардик. Баҳор бошланганди.

Бирдан осмон кўм-кўк эканлигини кўриб қолдим...»

«Нима кўпроқ эсимда қолди... Нимани унута олмай-  
ман? Оғир ярадорлар ётган палаталардаги ажиг суку-  
натни... Улар жуда оғир яраланган... Бир-бирлари билан  
гаплашишмасди, ҳеч кимни чақиришмасди. Аксарияти  
хушсиз ётарди. Кўпроқ жимгина ётишарди. Ўйлаб ётади.  
Нимагадир тикилиб, ўйладиди. Чакирсанг ҳам, эшитмай-  
ди. Улар нима ҳақда ўйлаган экан?»

### От ва қушлар ҳақида

«Йўлда кетяпмиз...

Станцияда ёнма-ён иккита состав турибди... Бит-  
тасида – ярадорлар, иккинчисида – отлар. Шу пайт  
бомба портлай бошлади. Составлар ёна бошлади... Биз  
эшикларни очиб, ярадорларни қутқара бошладик, улар-  
га қочинглар десак, улар ёнғин ичидаги қолиб кетган от-  
ларни қутқарамиз деб югуриб кетишли. Яраланган одам  
оғриқдан инграса, бу – даҳшат, аммо яраланган отнинг  
кишнашидан даҳшатлироқ нарса йўқ.

Уларнинг айби нимада? Отлар одамларнинг қилмиши  
учун жавоб бермайди-ку. Ҳеч ким ўрмонга қочмади,  
ҳамма отларни қутқаришга киришли. Имкони борнинг  
ҳаммаси. Ҳамма!

Демоқчиманки... Фашистлар самолётлари ерга жуда  
яқин учайтганди демоқчиман. Шундоққина ер устида.  
Мен кейин: «Немис учувчилари ҳаммасини кўришиди-ку,  
улар уялмадимикан?» – деб ўйладим. Улар нима ҳақда  
ўйлашди экан...»

«Мен бир воқеани эслайман... Бир қишлоққа кел-  
сак, ўрмон яқинида ўлик партизанлар ётибди. Улар-

ни қандай қийноққа солишганини мен ҳозир сүз билан таърифлаб беролмайман, юрагим дош бермайды. Уларни бурда-бурда қилиб ташлашган... Ичакларини мол-никидек чиқариб ташлашган... Ерда узала түшиб ётишибди... Сал нарирокда эса отлар ўтлаб юрибди. Отлар партизанларни эканлиги күриниб турибди, әгарлари ҳам бор. Улар немислардан қочиб, немислар кетгач, қайтиб келишган, ёки уларни олиб кетишга улгuriшмаган, хуллас, тушуниб бўлмайди. Улар узокқа бориб улгурмаган.

Ўт кўп. Яна ўша фикр хаёлимдан ўтди: одамлар қандай қилиб бу ваҳшийликни отлар кўз ўнгидаги қила олиши экан? Ҳайвонлар олдида. Ахир отлар ҳаммасини кўриб турибди-ку...».

«Дала ва ўрмонлар ёнарди... Ўтлоқ тутун билан қопланарди. Мен ёниб кетган сигир ва итларни кўрганман... Файритабий бир ис. Нотаниш. Мен... помидор, карам тузланган бочкаларнинг ёниб кетганини кўрганман. Кушлар ёнарди. Отлар... Кўп нарса ёнарди... Йўлларда корайиб кул бўлган буюмларнинг саноғига етиб бўлмасди. Бу ҳидга ҳам ўрганиш керак бўларди...»

Ўшанда ҳамма нарса ёниши мумкинлигини тушундим... Ҳатто қон ҳам ёнади...»

«Бомбалар портлаётган вақтда бизга бир эчки ила-кишиб олди. Биз билан бирга ерга ётиб олди. Ёнимизга ётиб, маърай бошлади. Бомба портлаши тингач, туриб биз билан кетди, йўл-йўлакай одамларга суйкаларди, тирик жон-ку, у ҳам қўрқарди. Бир қишлоққа кирдик, ўша ерда бир аёлга: «Олиб қолинг, унга раҳмимиз келди», — дедик. Уни ҳам кутқаргимиз келди».

«Менинг палатамда икки киши ётарди... Биттаси не-мис, иккинчиси бадани куйган ўзимизнинг танкчи. Уларнинг олдига кирдим:

- Ахволингиз қалай?
- Мен яхшиман, — деб жавоб берди бизнинг танкчи. — Бунинг ахволи чатоқ.

- Ахир у фашист-ку...
- Йўқ, мен яхшиман, унинг аҳволи ёмон...

Улар ортиқ душман эмас эди, энди улар одамлар, шунчаки бирга ётган иккита ярадор. Улар орасида инсонийлик пайдо бўлди. Бу қанчалик тез содир бўлишини бир неча бор кузатганман...»

«Қанақасига... Айтинг, қанақасига... эсингиздами... Кеч кузда қушлар учиб кетяпти... Узундан-узун қушлар галаси. Немис ва бизнинг артиллерия ўқ узмокда, улар эса учиб кетишяпти. Уларга қандай айтасан? Қандай огоҳлантирасан? «Бу ердан учманг! Бу ерда отишма бўляпти!» дейсанми? Қандай айтасан?! Қушлар бир-бир ерга қулайди...»

«Бизга жароҳатларини боғлаш учун эсэсовчиларни олиб келишди... Эсэс офицерлари. Ёнимга бир ҳамшира келди:

– Жароҳатини қандай боғлаймиз? Одатдагидекми ёки оғритибми?

– Одатдагидек. Ахир улар ярадорлар...

Биз уларнинг жароҳатларини одатдагидек боғладик. Кейин улардан иккитаси қочиб кетди. Уларни тутиб келтиришди, яна қочиб кетмасликлари учун мен уларнинг шимларидаги тұгмаларини қырқиб ташладим...»

«Мен «Уруш тугади!» деган сўзларни эшитганимда, биласизларни нима қилдим? Шартта стерилланган столнинг устига ўтириб олдим. Дўхтир билан «Уруш тугади!» деб эълон қилинганида, стериль столнинг устига ўтириб оламиз деб келишиб олгандик. Файриоддий бир нарса қилишимиз керак эди. Ахир мен стол яқинига, ҳеч кимни ўйлатмасдим. Ўзим перчаткадаман, юзимда ниқоб, эгнимда стериль халат, ўзим ҳаммага керакли нарсалар: тампон, асбобларни узатиб турадим... Уруш тугаганини эшитиб эса, мана шу столга ўтириб олдим...

Нимани орзу қиласардик? Аввало, албатта, ғалаба қозонишни, иккинчидан тирик қолишни. Биримиз: «Уруш тугаса, бир этак бола туғиб оламан», – деса, иккинчи-

си: «Институтга ўқишига кираман», – дерди, бошқаси эса: «Сартарошхонадан чикмайман. Чиройли кийимлар кийиб, ўзимга қараб юраман», – деб орзиқарди. Ёки: «Хушбўй атири оламан. Шарф ва чиройли тўғнагич оламан».

Мана ўша давр келди. Ҳамма бирдан жим бўлиб колди...»

«Бир қишлоқни немислардан халос қилдик... Қаердан сув олсак экан деб қидириб юрибмиз. Кудури бор уйни топиб, ҳовлисига кирдик. Нақшинкор ёроҷ қудук... Ҳовлида уйнинг эгаси ётибди. Уни отиб ташлашган... Ёнида эса ити ўтирибди. Бизни кўриб, ангиллай бошлади. Биз фахмламабмиз, у бизни ичкарига чақираётган экан. Итнинг ортидан уй ичига кирдик. Остонада хотини ва учта боласи ётибди...

Ит уларнинг ёнига ўтириб йиғлай бошлади. Ҳақиқатан ҳам йиғлай бошлади. Худди одамга ўхшаб...»

«Биз қишлоқларимизга кириб борардик... Уларда пеккалардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Куруқ печлар! Украйнада бирор ўсимлик қолмаган ерларни озод қилдик. Фақат тарвузлар қолган, одамлар фақат шу тарвузларни ейишарди. Бошқа ҳеч нарсалари йўқ. Улар бизни кутиб олиб, тарвуз ҳадя қилишарди. Гуллар ўрнига...

Мен уйга қайтдим. Ертўламиизда онам, учта бола, битта кучукча қайнатилган шўра ейишарди. Шўрани қайнатишади-да, еяверишади, кучукка ҳам беришади, у ҳам ейди... Урушгача қишлоғимизда булбуллар кўп бўларди, урушдан кейин икки йилгача ҳеч ким уларнинг сайрашини эшитмади. Бутун қишлоқ остин-устун қилинган эди. Булбуллар учинчи йили кела бошлишди. Улар қаерда бўлган? Буни ҳеч ким билмайди. Улар ўз инларига уч йилдан сўнг қайтишди...»

«Дала гулларини кўрсам – урушни эслайман. Урушда биз гул узмасдик. Гулдаста терсак ҳам, факат кимни дир кўмайтганда... хайрлашиш учун терардик...»

«Э-воҳ, қизларжон, қанчалик қабих бу уруш... Дугоналаримиз руҳига дуо қиласлийлик...»



## «БУ МЕН ЭМАС ЭДИМ...»

Нима кўпроқ эсда қолади?

Инсоннинг сокин, кўпинча ҳайрон садоси ёдда қолади. Инсон ўзидан, у билан содир бўлган воқеалардан ҳайратга тушади. Ўтмиш ғойиб бўлди, гармседек иссиқ нафаси билан куидириб ўтди, у эса қолди. Оддий ҳаёт оғушида қолди. Атрофдаги ҳамма нарса одатийдек, факат унинг хотираси эмас. Мен ҳам гувохга айланяпман. Одамларнинг хотираларга берилиши, ўтмишни қандай эслашлари, гапиришни истаган воқеалари, унтишга интилган ёки хотирасининг энг овлоқ бурчагига суреб ташлаш, баъзан қамаб ташлашни истаган хотиротларининг гувоҳи бўлмоқдаман. Сўз излаб қанчалик қийналишади, аммо олисдан туриб кечмишни теранроқ идрок эта олишларига умид боғлаб, уни қайта тиклашга уринишади. Ўшанда кўрмаган ва англамаган нарсаларини кўриб тушунишга ҳаракат қилишади. Ўзларини томоша қилишади, ўзлиги билан қайта учрашади. Кўпинча улар икки турли одамга айланишади – ўша пайтдаги ва ҳозирги, ёш ва қари инсон. Урушдаги ва урушдан кейинги одам. Аллақачон урушдан кейинги одам. Мен доим бир вақтнинг ўзида иккита одамнинг нидосини эшитаётгандек бўламан...

Ўша ерда, Москвада, Фалаба куни мен Ольга Яковлевна Омельченкони учратдим. Барча аёллар ёзги кўйлак кийган, бошларига ёрқин рўмоллар ўраган эди. У эса ҳарбий кийимда. Бошида ҳарбийлар берети. Бўйи баланд, зарбдор аёл. У сўзламасди, йиғламасди, доим сукунат сақларди. Аммо унинг гапирмаслигига ўзгача бир сукунат ҳукмрон эди, унда сўзлардан-да кўра кўпроқ маъно англашинарди. У гўё доим ўз-ўзи билан гапла-

шаётгандек. Энди унга ҳеч кимнинг кераги йўқ эди. Мен у билан танишиб олдим, кейин унинг ёнига Полоцк шахрига бордим.

Менинг кўз ўнгимда урушнинг яна бир мудхиш манзараси гавдаланди, унинг олдида ҳар қандай хаёлот бармоғини тишлаб қоларди...

*Ольга Яковлевна Омельченко, ўқчи ротаси  
санинструктори:*

«Онамнинг тумори... Онам эвакуация пайтида мени ўзи билан олиб кетгиси келарди. Фронтга интилаётганимни билиб, кўч-кўронимиз ортилган аравага мени боғлаб қўйди. Аммо мен билдиrmай ипни ечиб, қочиб кетдим. Кўлимда мана шу бир парча аркон қолди, холос...

Ҳамма қаергадир шошмоқда... Югуриб кетмоқда... Қаерга борсам экан? Фронтга қандай борсам экан? Йўлда бир гурух қизларга дуч келдим. Улардан бири: «Онам шу ерга яқин жойда, юр бизникига», – деди. Кечаси бориб, эшик қоқдик. Онаси эшикни очди. Устимиз кир-чир, жулдур кийимлардамиз. Аҳволимизни кўриб: «Шу ерда туринглар», – деб буюрди. Биз турибмиз. Онаси катта тоғора олиб келиб, кийимларимизни ечиб ташлади. Бошларимизни кул билан ювиб (совун қолмаган эди), печка устига ётқизди. Мен донг қотиб ухлаб қолибман. Эрталаб ўша қизнинг онаси шўрва қайнатиб, буғдой кепагидан картошкали нон пишириб берди. Ўша нон қанчали мазали, овқати қанчали ширин эди! Шу уйда тўрт кун бўлдик, онаси бизга яхши қаради. Овқатни кам-камдान берарди, чунки бирдан кўп еб, ўлиб қолишимиздан кўрқарди. Бешинчи кун эса:

«Бораверинглар», – деди. Сал аввал қўшни хотин киргандада, печка устида ётгандик. Онаси бармоғини лабига босиб, жим ётишимизга ишора қилди. У ҳатто қўшниларга қизи уйдалигини айтмади, чунки ҳамма қизи фронтдалигини биларди. Дугонам ёлғиз қиз экан,

аммо шунга қарамай унинг қайтиб келгани, урушда иштирок этмаётганини кўтара олмади. Кечирмади.

Кечаси бизни уйғотиб, тугунчаларга егулик тугиб бериб, иккаламизни ҳам қучиб, ҳар биримизга: «Боравер...» – деди.

– Кизини олиб қолишга ҳаракат қилмадими?

– Йўқ, қизини ўпиб, шундай деди: «Отанг жанг қиляпти, сен ҳам жангга бор».

Йўлда кетаётганимизда ўша қиз ҳамшира эканлиги, куршовда қолиб кетганлиги ҳақида айтиб берди...

Анча вақт у ердан бу ерга кўчиб юрдим, ниҳоят, Тамбов шахрига келдим, госпиталга жойлашдим. Госпиталь менга ёқди, бошимдан кечирган очликдан кейин у ерда ҳатто семириб ҳам қолдим. Ўн олтига тўлганимда менга ҳамма ҳамшира ва дўхтирлар қатори қон топширишим мумкинлигини айтишди. Ҳар ой қон топшира бошладим. Госпиталга ҳар куни юзлаб літр қон керак бўларди, қон етмасди. Беш юз кубдан, ойига икки марта ярим літр қон топширадим. Донорлик пайдигини олардим: бир кило шакар, бир кило бўғдој ёрмаси, бир кило колбаса. Куч тўплаб олиш учун бериларди. Тарбиячи Нюра хола менинг дугонам эди. Еттита фарзанди бор, эри эса урушнинг илк кунларидаёқ ҳалок бўлган. Катта ўғли озиқовқат дўконига бориб, карточкаларини йўқотиб қўйди. Мен уларга ўзимнинг донорлик пайдигимни бердим. Бир сафар мёнга шифокоримиз: «Кел, манзилингни ёзиб қўямиз, балки сенинг қонинг қўйилган одам топилиб қолар», – деди. Манзилни ёзиб, қоғозчани шиша идишга ёпиштириб қўйдик.

Маълум вақт ўтиб, тахминан икки ойча, навбатчиликдан чикиб, ётиб ухлаб қолдим. Бир пайт уйғотишди:

– Тур! Тур, аканг келди.

– Қанақа акам? Акам йўқ-ку.

Ётоқхонамиз сўнгги қаватда жойлашган, пастга тушиб қарасам: ёш навқирон лейтенант турибди.

– Ким Омельченкони чақирди? – деб сўрадим.

— Мен чакирдим, — деб шифокор билан ёзган қозозимизни күрсатди. — Мана... Мен сенинг қондош акангман...

Менга иккита олма, озгина конфет олиб келибди. У пайтда конфет анқонинг уруги эди. Э, худо! Конфетларнинг мазалилитини айтмайсизми! Госпиталь бошлиги олдига бориб: «Акам келибди!» — дедим. Менга бир-икки кунга дам беришди. У мени театрга таклиф қилди. Умримда театрга бормаганман. Яна шундай чиройли йигит билан. Офицер!

Бир неча кундан кейин у қайтиб кетди, Воронеж фронтига йўлланмаси бор экан. Хайрлашишга келганида, ойнани очиб, қўл силтадим. Чиқишга рухсат беришмади: касалларимиз кўп эди.

Ҳеч кимдан хат олмасдим. Хат олиш нималигини ҳам билмасдим. Бир куни қўлимга учбурчак хат тутқазиши, очиб ўқисам: «Дўстингиз, пулемёт взводи командири... мардларча ҳалок бўлди». Бу ҳалиги қондош акам экан. У ўзи болалар уйидан эди, ҳеч кими йўқ. Ёнида фақат менинг манзилим бўлган бўлса керак. Менинг манзилим... Кетаётиб, мана шу госпиталда қолишимни илтимос қилди. «Урушдан кейин топишим осонроқ бўлади», — деди. Урушда йўқолиб қолиш осон дерди. Бир ойдан сўнг эса мана шу қора хатни олдим... Вужудими титроқ босди. Кўксимга нимадир санчилди... Фронтга кетишига астойдил қарор қилдим, қаердадир менинг ҳам қоним тўкилганини билганим учун қасос олмоқчи эдим...

Аммо фронтга кетиши осон эмас. Госпиталь бошлирига уч марта ариза ёздим, тўртинчи сафар ўзим олдига кирдим:

- Агар қўйиб юбормасангиз, қочиб кетаман.
- Яхши. Шунчалик қайсар экансан, йўлланма бераман, — деди.

Албатта, энг кўркинчлиси, бу — биринчи жанг. Чунки ҳали ҳеч нарсани билмайсан... Осмон гумбурлайди, ер қарсиллайди, юрагинг тарс ёрилгандай бўлади.

Ер қарсилайди деб ҳеч ҳам ўйламагандим. Ҳамма ёқ қарсиларди, гумбурларди. Ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетди... Еру осмон... Мен чидолмасдим... Буларга қандай ўрганай? Чидолмасам керак деб ўйладим. Юрагимга фулгула тушди, бирок қўрқоқлик қилмайман, деб ўзимга сўз бердим. Комсомол билетимни олиб, унга ярадор қонини сўркадим. Кейин билетимни ён чўнтағимга солиб қўйдим. Мана шу тариқа ҳаммасига бардош беришинг керак, деб ўзимни ўзим ишонтирудим. Агар биринчи жангда қўрқоқлик қилиб, чекинсам, кейинги сафар бир қадам ҳам олдинга ташлай олмайман. Кейин эса мени жанг майдонидан ҳайдаб, медсанбатга бадарга қилишади. Мен эса факат фронтга интилардим, ҳеч бўлмаса биттагина фашист билан юзма-юз келишни истардим... Шахсан ўзим... Шу йўсин хужум қилиб бордик. Дала кезиб... Ўт эса белимизгача ўсган. Бу ерга бир неча йилдан бери экин экишмаган. Юриш тобора қийинлашиб бораарди. Бу Курск Ёйида бўлган...

Жангдан кейин мени штаб бошлиғи ёнига чақирди. Вайрона остида қолган қандайдир ёғоч уйга кирдим, уй ичидаги вақо ўйқ. Биттагина курси бор, Бошлиқ оёқда тик турибди. Мени курсига ўтқизиб:

— Сенга қараб, бу жаҳаннамга сени нима етаклаб келди экан, деб ўйлайман. Пашибадай эзиб ташлашади. Ахир, бу уруш! Қирғинбарот бўляпти! Сени ҳеч бўлмаса, санчастга ўтказиб қўяй. Ўлдирса-ку, майли, қўл-оёқсиз ёки қўлсиз қолсанг-чи? Мана шу ҳақда ўйлаб қўрдингми?

Мен эса:

— Ўртоқ полковник, мен ўйлаб қўрдим. Битта илтимосим бор: мени ротадан қимирлатманг.

— Майли, жўна! — деб бақириб берди. Ҳатто қўрқиб ҳам кетдим. У эса ойнага ўгирилиб олди...

Оғир жанглар. Қўл жангига бўлганман... Бу даҳшат... Бу одам боласига хос нарса эмас... Савалашади, қилич билан сўйишади, бир-бирини томогидан олишади. Суякларини синдиришади. Чинқириқ. Оҳувой. Ва қарс эт-

ган товуш... Қарсилаш! Уни унуби бўлмайди. Суяклар қарсиллаши... Одам бош суяги синаётганини эшитасан. Ёрилади... Булар уруш учун ваҳшийлик, у ерда инсонийликнинг ўзи йўқ. Урушда қўркмаганман деган одамга сира ишонмаган бўлардим. Ана, немислар ўрнидан туриб, ҳужумга отланишди. Улар доим енгларини шимариб олиб, олдинга борарди. Беш-ўн дақиқадан сўнг ҳужум. Бутун вужудинг қалтирай бошлайди. Титроқ босади. Бироқ бу биринчи ўқ узилгунга қадар давом этади... Кейин эса... Буйруқни эшитгач, хаёлингдан ҳамма нарса чиқиб кетади, ҳамма қатори ўрнингдан туриб олға югарасан. Қўркув ҳақида ўйлашга вақт йўқ. Иккинчи куни эса қўрқанингдан ухломайсан. Ҳаммасини майда-чуйдаларигача эслайсан, ўшандагина сени ўлдиришлари мумкинлигини тушуниб етасан, вужудингни қўркув қоплайди. Ҳужум тугаган заҳоти одамларнинг юзига қарамаган маъқул. Бу мутлақо бошқа чехралар. Улар оддий одамларнинг юзига ўхшамайди. Улар ўзлари ҳам бир-бирларининг кўзларига қарай олмайдилар. Дарахтларга ҳам қарашмайди. Ёнига борсанг: «Йў-қол! Уҳ...» – деб тишларини фичирлатади. Мен бу ҳолатни сизларга етказиб беролмайман. Гёё ҳамма бироз ақлдан озганга ўхшайди, ҳатто ёввойи бир нарса сезилгандай бўлади. Буни қўрмаган маъқул. Мен хозиргача тирик қолганимга ишонмайман. Тирикман... Ярадор, контузиям бор, бироқ бутунман. Бунга ишонмайман...

Кўзимни юмсан, ҳаммаси яна кўз ўнгимда гавдаланади...

Снаряд ўқ-дори омборига тушди. У ёна бошлади. Омборни қўриқлайдиган аскар ёнгинасида эди, унга олов тегди. У қоп-қора гўшт парчасига айланди... Мана шу эт парчаси бир жойда сакраб турибди... Ҳамма окопларидан қараб турибди, ҳеч ким жойидан қимирламади. Нима қилишни билишмасди. Мен чойшабни олиб, унинг ёнига югуриб бордим, чойшабни устига ёлиб, ўзимни унинг устига отдим. Ерга босиб турдим. Тупроқ муз-

дай... Мана шунақа... У юраги ёрилгунича типирчилади, кейин эса жим бўлиб қолди...

Мен қонга беландим... Ёши катта аскарлардан бири, ёнимга келиб, мени кучди. Унинг: «Уруш тугаб, бу қиз тирик қолса, у барибир одам бўлолмайди. Энди унга хаммаси барибир», – деганини эшитдим. Ёшгина бўлиб, бундай даҳшатли нарсаларни бошимдан кечираётганимни назарда тутди. Мен жазавада эдим, қўлимдан ушлаб ертўламга олиб боришиди. Оёқларим юрмасди... Ток ургандай қалтирадим... Сўз билан ифодалаб бўлмайдиган туйғу...

Орада яна жанг бошланди... Севск остонасида немислар бизга кунига етти-саккиз мартараб хужум қиласди. Ўша куни мен ярадорларни қуроллари билан олиб чиқаётган эдим. Сўнгисининг олдига келсан, қўли узилиб тушай деяпти. Бир парча гўшт... қандайдир томирлар ушлаб турибди... Ҳамма ёғи қон... Қўлини боғлаш учун, қўлини кесиб ташлаш керак. Бошқа йўл йўқ. На пичофим бор, на қайчим. Ён томондаги сумкам у ёқдан бу ёқка урилавериб, иҷидани нарсалари тушиб қолибди. Нима қилсан экан? Шунда тишларим билан мушакларини ғажидим. Узиб олиб, бинтлаб қўйдим... Бинтляпман, у эса: «Синглим, тезроқ. Яна бироз жанг қилай», – дейди. Жонсарак...

Икки кундан сўнг танклар устимизга юриш қила бошлаганда, иккитаси қўрқоқлик қилди. Улар орқасига қоча бошлашди... Бутун занжирга путур етди... Кўп дўстларимиз ҳалок бўлди. Мен бомбадан ҳосил бўлган чукурга тўплаб қўйган ярадорларим асир тушди. Уларга машина келиши керак эди... Бу иккиси қўрқоқлик қилганида, ҳамма саросимага тушди. Ярадорларни ҳам ташлаб кетишли. Биз кейин улар ётган жойга бордик: бирининг кўзлари ўйиб олинган, бошқасини чаваклаб ташлашган... Бу манзарани кўриб, бир кечада қорайиб кетдим. Чунки уларни мен бир жойга тўплаган эдим... Мен... Қалбимни қўрқув эгаллади...

Тонгда бутун батальонни сафга тортиб, ўша иккита кўрқоқни олдинга чиқаришди. Отишга хукм қилинишлари ҳақидаги қарорни ўқиб эшилтиришди. Бўйруқни бажариш учун ётти киши керак.-Уч киши олдинга қадам ташлади. Қолганлари турибди. Мен автоматимни олиб, олдинга чиқдим. Мен... қиз бола бўла туриб чиққанимни кўриб ҳамма ортимдан чиқди... Уларни кечириб бўлмасди. Уларнинг айби билан шундай дўстёрларимиздан айрилдик!

Биз буйруқни ижро қилдик... Автоматимни пастга туширганимда, қалбимга кўрқув кирди. Уларнинг ёнига бордим... Иккаласи ағанаб ётарди... Бирининг юзида жонли табассум...

Билмадим, уларни ҳозир кечирган бўлармидим? Айттолмайман... Ёлғон гапиргандан на фойда? Бошқа сафар йиғламоқчи бўламан. Кўлимдан келмайди...

Урушда ҳаммасини унутдим. Олдинги ҳаётимни. Ҳаммасини... Севгини ҳам унутдим...

Мени разведкачилар ротаси командири севиб қолди. Аскарларидан мактублар жўнатарди. Бир сафар у билан учрашувга чиқдим. «Йўқ, — дедим. — Мен севган киши энди бу ёруғ оламда йўқ». У менга жуда яқин келди-да, кўзларимга қаради. Кейин орқасига ўгирилиб, кетиб қолди. Отишма пайтида асло биқинмасди, тик борарди... Кейин — Украинада эдик — катта бир қишлоқни озод қилдик. Бир айланиб келай, деб ташқарига чиқдим. Ҳаво яхши, оппоқ уйлар. Қишлоқ орқасида — ҳали тупроғи қотмаган янги қабрлар... Шу қишлоқни озод қилиш учун жонини фидо қилганларни мана шу ерга кўмишган экан. Нима мени у ерга етаклаб борганини билмайман. Ҳар бир қабрда тахтача ва тахтача устига ўлганнинг расми ёпиштирилиб, фамилияси ёзилган... Қарасам — таниш чехра... Менга севги изҳор қилган разведкачилар ротаси командири. Унинг фамилияси... Юрагим алланечук бўлиб кетди. Чеки йўқ кўркув... Гўё мени кўриб тургандай, тирикдай... Шу пайт қабр ёнига унинг

ротасидаги йигитлар келди. Ҳаммаси мени танишарди, менга хат ташишарди. Биронтаси менга бошини күтариб қарамади, гүё мен йўқдай. Мен – кўринмас одамдай. Кейин... уларни кўрганимда... менинг ҳам ўлишимни тилашган деб ўйлайман. Мени тирик кўриш улар учун оғир эди. Мен буни сезардим... Ўзимни гүё уларнинг олдида гуноҳкордай ҳис қиласдим. Унинг олдида ҳам...

Урушдан қайтгач, оғир хасталаниб қолдим. Кўп касалхоналарда ётиб чиқдим. Охири бир қари профессорга учрадим. У мени даволай бошлади... Дори-дармонлар эмас, кўпроқ яхши сўз билан даволашга ҳаракат қилди. Касалимни тушунтириб берди. Агарда ўн саккиз-ўн тўққиз ёшимда фронтга борганимда, организмим анча чиниқдан бўларди. Модомики ўн олти ёшимда борган эканман – бу ҳали жуда эрта – асаб тизимим анча шикастланган. «Албатта, дорилар яхши, – деб, тушунтиради у, – даволаниш мумкин, бироқ соғлиғингни тикламоқчи бўлсанг, яшашни истасанг, ягона маслаҳатим: турмушга чик, кўпроқ фарзанд туғгин. Фақат шу сени қутқариши мумкин. Ҳар туғруқдан сўнг аёл организми янгиланади».

– Ёшингиз нечада эди?

– Уруш тугаганида, йигирма ёшда эдим. Албатта, турмушга чиқишини ўйламас ҳам эдим.

– Нега?

– Мен ўзимни жуда чарчаган, тенгқурларимдан анча катта, хатто қари ҳис қиласдим. Дугоналарим рақс тушар, ўйин-кулги қилас, мен эса бундай қилолмасдим. Ҳаётга қарилар нигоҳи билан қаардим. Бошқа оламдан... Кампир! Ёш йигитлар орқамдан юради. Ҳали она сути оғзидан кетмаган. Аммо улар қалбимни кўришмасди, у ерда нималар кечеётгайидан беҳабар эдилар. Мен сизга бир кунни ҳикоя қилиб бердим... Севск остонасидаги жанглардан бирини. Бир куннинг на, холос... Мана шу кечадан кейин қулоқларимдан қон оқа бошлади. Эрталаб оғир касалликдан сўнг турғандай бўлдим. Ёстиғим қон...

Госпиталда-чи? Операция хонасида, парда орқасида катта төғорамиз туарди, у ерга кесилган қўл ва оёкларни ташлардик... Жангдан бир капитан келди, у ярадор дўстини олиб келган экан. Бу хонага қандай кириб қолганини билмайман-у, бироқ ўша тогорани кўриб... хушидан кетди.

Яна ва яна эслашим мумкин. Тўхтовсиз... Мухими нимада?

Мен уруш садоларини эслайман. Ҳамма ёқ оловдан гумбурлайди, қарсиллайди, тарақлади... Урушда одамнинг қалби қарииди. Урушдан кейин сира ёш бўла олмадим... Бу – асосийси. Менинг фикримча...

– Турмушга чиқдингизми?

– Турмушга чиқдим. Бешта бола туғиб, тарбияладим. Бешта ўғил бола. Худойим қиз бермади. Мени ҳайратга соладиган нарса – шундай даҳшат ва қўрқувдан сўнг чиройли фарзандларни дунёга келтира олганлигим. Яхши она бўла олдим, яхши буви.

Хозир эслайман-у, у қиз мен эмас, бошқа қиз бўлгандай туюлади...»

Уйга қайтаётганимда қўлимда «яна бир уруш» ёзилган тўртта кассета (икки кунлик сухбат), қалбимда эса турли-туман туйғулар: таажжуб ва қўркув, ҳавас ва ҳайрат. Паришон ҳислар, меҳр. Уйда айрим лавҳаларини ўртоқларимга айтиб бердим. Мен учун кутилмагандар ҳамма бир фикр билдириди: «Ўта даҳшат. У қандай чидалай олди? Ақлдан озмабдими?» Ёки: «Биз бошқача уруш ҳақида ўқишига ўрганиб қолганмиз. Бу урушда аниқ бир чегара бор: улар – биз, яхшилик – ёмонлик. Бу ерда-чи?» Бироқ ҳаммасининг ҳам кўзида ёш кўрдим, ҳаммаси ўйланниб қолишарди. Эҳтимол, менинг калламга келган нарсалар ҳақида ўйлашгандир. Ер юзида минглаб урушлар бўлган экан (яқиндагина тарихчилар катта ва кичик уч мингдан зиёд уруш бўлганини ҳисобкитоб қилишгани ҳақида ўқиб қолдим); аммо уруш инсониятнинг энг муҳим синоатилигича қолди. Ҳеч нарса

ўзгармади. Мен ниманидир илғай олиш, сўз топа олиш учун катта урушни биттагина инсон қўламигача кичрайтиридим. Аммо мана шу кичик ва кўриш учун қулай бўлган ҳудудда – битта инсон қалби қўламида ҳаммаси янада тушунарсизрок, тарихдан кўра ҳам чигал. Зеро, кўз олдимдагилар – тирик кўз ёшлар, бархаёт туйгулар. Инсоннинг жонли юзи, унга сухбат чоғида дард ва қўрқув соя солади. Баъзан инсоний ҳасратнинг илғаб бўлмас жозибаси ҳақидаги фикрлар хаёлимдан ўтади. Шунда ўзимдан ўзим қўрқиб кетаман...

Биргина йўл бор – инсонни севиш. Уни муҳаббат орқали англаш.





## «МЕН БУ КҮЗЛАРНИ ҲОЗИР ҲАМ ЭСЛАЙМАН»

Иzlанишларим давом этади... Аммо бу сафар узокқа боришга ҳожат йўқ...

Мен Минскда истиқомат қиласиган кўча фуқаролар уруши қатнашчиси, Испаниядаги жанглар қаҳрамони, Улуғ Ватан уруши давридаги партизанлар бригадаси бошлиғи Совет Иттифоки қаҳрамони Василий Захарович Корж номи билан аталади. Ҳар бир беларус ҳеч бўлмаса мактабда у ҳақдаги китобларни ўқиган ёки фильмларни кўрган. Беларусь афсонаси. Унинг исмини конверт ёки телеграмма бланкаларида юз мартараб кўрган бўлсам-да, ҳеч қачон у ҳақда реал шахс сифатида ўйламаган эканман. Қачондир тирик бўлган одам ўрнини аллақачон афсона эгаллаган эди. Унинг эгизагига айланди. Бу сафар менга таниш кўча бўйлаб янги туйгулар оғушида бораман: ярим соат троллейбусда шаҳарнинг нариги чеккасига бораман-у, унинг қизлари – иккаласи ҳам фронтда бўлган – хотини билан учрашаман. Менинг кўз ўнгимда афсона жонланиб, инсон ҳаётига айланади-да, ер юзига тушади. Улкан ҳарса кичикка айланади. Осмон ёхуд дengизга боқиши менга қанчалик ҳузур бағишламасин, баридир микроскоп остидаги зарра мени кўпроқ қизиқтиради. Биттагина томчи олами. Мен у ерда кашф этган ҳайбатли ва ҳайратли ҳаёт. Қандай қилиб қичикни кичик, каттани эса кatta дея оламан, ахир иккаласи ҳам бепоён-ку? Мен уларни анчадан бери фарқламай қўйганман. Мен учун биргина инсон – поёнсиз олам. Унда ҳаммаси мужассам – у ерда адашиб қолиш мумкин.

Керакли манзилни топаман, яна осмонга бўй чўзган бесўнақай кўп қаватли бино. Учинчи подъездга ҳам

келдим, лифтта чиқиб еттинчи қават тұгмасини босаман...

Эшикни опа-сингилларнинг кичиги – Зинаида Васильевна очди. Унинг ёйма қоп-қора қошлари ва қайсар нігоҳи менга отасининг суратини эслатди.

– Ҳаммамиз йифидик. Эрталаб опам Оля Москвадан келди. У пойтахтда яшайды. Патрис Лумумба номидағи университетде дарс беради. Онамиз ҳам шу ердалар. Сизнинг баҳонанғизда учрашиб олдик.

Иккала опа-сингил, Ольга Васильевна ва Зинаида Васильевна Коржлар, кавалерия эскадронларида санинструктор бўлишган. Улар ёнма-ён ўтириб; онаси – Феодосия Алексеевнага нігоҳ ташлаб кўйишиди.

Онаси сухбатни бошлади:

– Ҳамма ёқ олов ичида қолди... Эвакуация килиндик... Узок йўл юрдик. Сталинград областига етиб келдик. Болали аёллар фронт ортига, эркаклар эса фронтта қараб боради. Комбайнчилар, тракторчилар – бари фронтга. Юк машиналар тўла. Биттасини аниқ эслайман, у юк машина деворидан бош чиқариб: «Оналар, опалар!! Фронт ортига боринглар, душманни енгишимиз учун дон йифинглар!» – деб кичқиради. Ҳаммаси бошидаги қалпогини ечиб, бизларга қараб туришибди. Факат болаларимизни олишга улгурдик, холос. Кимдир боласини қўлида кўтариб турса, кимдир етаклаб олган. У эса илтижо қиласди:

«Оналар, опалар! Фронт ортига боринг, дон йифинг...».

Бутун сухбатимиз давомида у ортиқ бир сўз ҳам айтмади. Қизлари эса гоҳ-гоҳ қўлларидан силаб, уни тинчлантиришади.

Зинаида Васильевна:

– Биз Пинскда туардик... Мен ўн тўрт ярим ёшдан, Оля ўн олти ёшда, укам Лёня ўн учда. Ўша кунлари Оляни болалар санаториясига жўнатган эдик, отам эса биз билан қишлоққа, қариндошлари ёнига қетмоқчи эди... Аммо ўша оқшом уйда тунамади десам ҳам бўлади.

У партия обкомида ишларди, кечаси чақириб кетишиди, қайтганида тонг отганди. Ошхонага бош суқиб, чала-чулпа нимадир егаңдай бўлди-ю, шундай деди:

— Болалар, уруш бошланди. Ҳеч қаерга борманглар. Мени кутинглар.

Тунда йўлга чикдик. Отамнинг Испаниядан қолган энг азиз эсдалиги — патрон халтали ов милтиғи бўларди. Уни жасорат учун беришган. У милтиқни укамга берди:

— Сен энди оиласизда энг каттаси бўлиб қолдинг, онангга, опаларингга қарашинг керак...

Бу милтиқни уруш тугагунча асраб юрдик. Қимматбаҳо буюмларимизнинг ҳаммасини сотдик ёки бир бурда нонга алишдик, бироқ милтиқни сақлаб қолдик. Ундан айрила олмадик. Бу отамиздан қолган ёлғиз ёдгорлик эди. Яна машинамизга катта пўстинини ташлаб кўйди, пўстин энг иссиқ кийими эди.

Станцияда поездга ўтирдик, бироқ Гомелга етмасданоқ ўкка тутилдик. «Вагондан чиқинглар, яши рининглар!» — деган буйруқ янгради. Отишма тўхтагач... Аввалига жимлик, кейин дод-вой... Ҳамма югуриб кетди... онам укам билан вагонга сакраб чиқишга улгурди, мен эса қолиб кетдим. Жуда кўрқиб кетдим... Жуда-жуда! Сира ёлғиз қолмагаёнман. Энди эса бир ўзим қолиб кетдим. Ҳатто бир муддат тилдан қолганга ўхшадим... Гапиролмай қолдим... Кимdir нималардир сўради, мен эса жимгина қараб турардим... Кейин бир аёлга илакишиб олдим, унга ярадорларни боғлашга ёрдам бердим — у шифокор экан. Уни «Ўртоқ капитан» деб чақиришарди. Мен уларнинг санитар қисми билан кетдим. Улар менга меҳр кўрсатиб, қорнимни тўйдиришди, кейин эса сўраб қолишиди:

— Ёшинг нечада ўзи?

Агар ҳақиқатни айтсам, мени болалар уйига жўнатиб юборишлирага ақлим етди. Дарҳол шуни тушундим. Мен бу довюрак инсонлардан айрилгим келмади. Мен уларга ўхшаб, жанг қилишни хоҳлардим. Ахир бизга

доим ўзга ҳудудда жанг қилишимизни, бу вактингча да-  
вом этишини, тез орада уруш ғалаба билан тугашини  
үқтиришарди. Отам ҳам шундай дерди. Мен бормасам  
бўлмас? Мана шундай, болаларча фикрлардим. Ўн олти  
ёшдаман дедим, шунинг учун мени қолдиришди. Тез  
орада курсларга жўнатиши. Тўрт ойча мана шу курс-  
ларда ўқидим. Ўқиб туриб, доим ярадорларни парвариш  
қилардим. Урушга ўрганиб қолдим... Албатта, кўниши  
керак эди... Ўқув юртида эмас, медсанбатнинг ўзида  
ўқирдим. Чекинганимизда, ярадорларимизни ўзимиз би-  
лан олиб кетардик.

Биз йўллардан юрмасдик, чунки йўлларни доим ни-  
шонга олишар, бомбалар отиб, ўқ узишарди. Балчиғу  
далалардан юрардик. Ҳар хил частлар алоҳида-алоҳида  
бўлиб юрарди. Қаерлардадир тўпланиб, жанг қиласдик.  
Шу зайл юриб бораардик. Дала кезиб. Ҳосилни кўрсангиз  
эди! Буғдойзорларни янчиб бораардик. Ўша йили ҳосил  
зўр бўлган, бўй баравар буғдой. Ям-яшил ўтлок, куёш  
нур сочади, атрофда эса ўликлар, кон... Ўлдирилган  
одаму ҳайвонлар. Даражалар қорайиб кетган... Стан-  
циялар вайрон қилинган... Қоп-кора вагонларга куйиб  
кул бўлган одамлар осилиб турибди... Шу тариқа Рос-  
товгача бордик. Ўша ерда бомба портлаганда жароҳат  
олдим. Поездда ўзимга келдим, қарасам, ёши улуғ бир  
украин солдат ёш солдатга танбех беряпти: «Хотининг  
туққанда сенчалик бақирмаган бўлса керак». Менга эса,  
кўзимни очганлигимни кўриб, шундай деди: «Сен йиғлаб  
ол, қизим, йиғлаб ол. Енгил тортасан. Сенга айб эмас».  
Онамни эслаб, роса йиғладим...

Госпиталдан кейин маълум вақт дам берилди, онам-  
ни қидириб топишга харакат қилдим. Онам эса бизни  
қидиради. Оля ҳам изларди. Мўъжиза! Москвадаги бир  
танишимиз орқали бир-биримизни топдик. Ҳаммамиз  
бир манзилга ёзиб, шу йўл билан топилдик. Мўъжиза!  
Онам Сталинград яқинидаги бир колхозда яшаркан. Мен  
ўша ерга жўнадим.

Қирқ биринчи йилнинг охири эди...

Улар қандай кун кўришган? Укам трактор ҳайдарди. Ҳали гўдак, эндигина ўн уч ёш. Аввалига тирковчи бўлган, кейин ҳамма тракторчиларни фронтга олиб кетишгандан кейин, тракторчи бўлишга мажбур бўлган. Туну кун ишлаган. Онам тракторнинг орқасидан юрар ёки ёнида ўтиради, унинг ухлаб қолиб, йиқилиб тушишидан кўркарди. Иккиси кимнингдир уйида ерда ётишарди... устларига ёпишга нарсалари бўлмагани учун ечинмасдан ухлашаркан. Мана шунака ҳаёт... шу орада Оля ҳам келиб қолди, уни ҳисобчи қилиб жойлаштиридик. Бирок у фронтга кетаман деб, военкоматга хат ёзарди. Унга нуқул рад жавоби келарди. Менинг ҳар ҳолда тажрибам бор эди. Иккаламиз Сталинградга бориб, ўша ерда бирон частни топишга қарор қилдик. Онамиз ҳавотирланмаслиги учун уни отамизнинг танишлари бор бўлган бой шахар Кубанга борамиз деб алдадик...

Эски шинелим, иккита гимнастёркам, иккита шимим бор эди. Бир жуфтини Оляга бердим, унинг ҳеч нарсаси йўқ. Этигимиз ҳам битта эди. Онам қўй жунидан пайпокми, оёқ кийимми, ҳар ҳолда иссиқ тутадиган нимадир тўқиб берди. Сталинградгача бўлган олтмиш километр масофани пиёда босиб ўтдик: биримиз этик кийсак, бошқамиз онам тўқиб берган пайпокни киярдик, кейин эса алмашардик. Қаҳратон қиш, февраль ойи. Музлаб борардик, оч-наҳорликдан теримиз суюгимизга ёпишган. Онамиз йўлга нима берди? Ниманингдир суюгидан илвира қайнатиб, ёнига иккита нон қўшиб бердилар. Корнимиз оч... Агар ухлаб қолиб, туш кўрсак, тушимизга фақат егулик киради. Тушимда нон бўлаклари устимдан учеб юарди.

Сталинградга келдик, у ерда ҳеч кимнинг биз билан иши йўқ. Ҳеч ким бизга қулоқ ҳам солмасди. Шунда биз онам буюрганидек отамнинг танишлари олдига, Кубанга йўл олишга қарор қилдик. Юк поездига ўтиридик: шинелни кийиб ўтириб оламан, Оля эса токчалар тагига бер-

кинади. Кейин алмашамиз, мен токча тагига, Оля токча устига. Ҳарбийларга индашмасди. Бироқ сариқ чақамиз ҳам йўқ эди-да...

Мўъжиза юз бериб... Кубанга келдик... Танишларимизни топдик. Кўнгилли казаклар полки тузилаётганидан хабар топдик. Бу тўртингчи кавалерия казаклар корпуси эди, у кейинчалик гвардия полкига айлантирилди. У факат қўнгиллилардан иборат эди.

У ерга жамланғанларнинг ёши турли-туман: қачонлардир Будённий, Ворошилов каби йўлбошчилар ортидан ҳужумга отланган қари казаклар ҳам, ёшлар ҳам. Бизни ҳам олишди. Нима учун олишганини ҳозиргacha билмайман. Эҳтимол, ҳоли-жонларига қўймаганимиз учундир. Балки борадиган жойимиз бўлмагани учундир. Битта эскадронга ёзилдик.

Ҳар биримизга кийим-кечак ва от беришди. Ўз отингни боқишинг, уни суғоришинг, парваришлишинг керак. Ёшлигимизда от бокқанмиз, мен отимга ўрганиб қолдим, уни яхши кўрардим. Менга от беришганларида, унга сакраб ўтириб олдим – от ҳуркимади. Албатта, ҳаммаси бирданига бўлгани йўқ, бироқ мен қўрқмасдим. Отим кичкинагина эди, думи ерга тегиб турарди. Бироқ чопқир, ювошгина эди, от минишни тезда ўрганиб олдим. Ҳатто чопиб юрардим... Кейинчалик венгер, румин отларида чопдим. Отларни шу қадар севиб, улар ҳақида шунча нарса билдимки, ҳозир ҳам отларнинг ёнидан жимгина ўтиб кетолмайман. Уни кучиб оламан. Отларнинг оёғи тагида ухлардик, у оёғини оҳистагина суради, аммо одамга тегиб кетмайди. От ҳеч қачон ўликни топтамайди, тирик одамдан эса, у ярадор бўлса, ҳеч қачон кетмайди, уни асло ташлаб қочмайди. Жуда ақлли жонивор. Кавалерист учун от –унинг дўсти. Содик дўсти.

Урушдаги илк қадамим... Бу корпусимизнинг Күшёвская станцияси остидаги танкларга қарши жангиди содир бўлди. Күшёвский жангидан сўнг – бу кубанлик отлиқ казакларнинг машҳур ҳужуми бўлганди – кор-

пусга гвардия корпуси номи берилди. Даҳшатли жанг... Оля иккаламиз учун бу энг даҳшатли жанг бўлди, чуни билан ҳали жуда қўрқардик. Мен ўзимни жанг кўрган, жанг нималигини биламан деб ҳисоблардим... Аммо... Кавалеристлар шиддат билан ҳужумга отланганда, камзууллар ҳилпирайди, қиличлар ялангочланган, отлар пишқиради. От чопганда, унинг кучини тасаввур қилиб бўлмайди... Мана шу қуюн танклар устига, артиллерияга ёпирилди – бу даҳшатли тушдан ҳам баттар эди. Ўзга бир дунёда бўлаётгандек эди... Фашистлар эса сон жиҳатдан кўп. Улар қўлларида автомат билан, танклар ёнида олға борарди. Улар бардош бера олишмади, тушуняпсизми, улар мана шу қуюн олдида ожиз қолишди. Улар автоматларини ташлаб қочишаарди... Куролларини қолдириб чекинишарди... Мана шундай манзара...

Ольга Васильевна ўша жанг хақида:

– Мен ярадорларни боғлардим... Ёнимда фашист ётарди, уни ўлган деб унга эътибор бермабман, у ярадор экан... У мени ўлдирмоқчи бўлди... Кимдир мени туртганини сезиб, унга ўгирилдим. Автоматини оёғим билан уриб туширишга улгурдим. Мен уни ўлдирмадим, аммо жароҳатини ҳам боғламадим, кетиб қолдим. Қорнидан яраланган эди...

Зинаида Васильёвна давом этади:

– Мен эса ярадорни етаклаб кетаётиб, қарасам: танкетка ичидан иккита немис чиқяпти. Танкеткани портлатишган бўлса, улар ичидан қочиб чиқишига улгуришган. Бир лаҳза! Агар мен ўқ узишга улгурмаганимда, улар мени ярадорим билан отиб ташлашарди. Ҳаммаси бир лаҳзада рўй берди. Жангдан кейин уларнинг ёнига бордим, уларнинг кўзи очиқ эди. Ўша кўзларни ҳозир ҳам эслайман... Бири чиройли, ёшгина немис экан... У фашист бўлса ҳам, барибир, унга ачиндим...

Бу туйғу мени узоқ вақт тарқ этмасди: ўлдиргим келмасди, тушуняпсизми. Қалбим тўла нафрат: нега

бизнинг ерларимизга бостириб келишди? Бироқ ўзинг ўлдириб кўр-чи? Кўрқасан киши.

Бошқа сўз тополмайсан... Жуда кўрқинчли. Ўзинг ўлдирганингда...

Жанг тўхтади. Казаклар қайтишяпти, Олядан эса дарак йўқ. Мен ҳамманинг орқасидан, охирги бўлиб қайтипман, орқамга қараб-қараб бораман. Кеч бўлди. Оля ҳалиям йўқ... Улар – Оля ва яна бир неча киши – ярадорларни олиб кетишга қолишган экан. Қўлим ишга бормасди, фақат уни кутардим. Ўзимнинг тўпимдан бироз орқада қолиб, кутиб тураман, кейин яна олдингиларга етиб оламан. Наҳот биринчи жангдаёқ опамдан айрилган бўлсам деб йиғлайман. Қаерда у? Унга нима бўлган? Қаердадир мени чорлаб ётгандир...

Оля... Оля ҳам роса йиғлабди... Мени ярим кеча топди... Бир-биrimizning қучогимизга отилганимизни кўриб, казакларнинг ҳаммаси йиғлади. Бир-биrimizning бўйнимизга осилиб олганмиз, узоқ вақт бизни ажратишолмади. Ўшанда бирга бўлолмаслигимиз, бирга бўлмаслигимиз кераклигини тушундик. Айрилганимиз яхши деб ўйладик. Биримизниг кўз олдимизда биримиз жон таслим қилса, юрагимиз дош беролмаслигини аংгладик. Бошқа эскадронгá ўтишга қарор қилдим. Қандай кетаман... Қандай?

Бироқ у ёғига бошқа-бошқа эскадронларда, ҳатто бошқа-бошқа дивизияларда хизмат қилдик. Тирикмисан, деб бир-биrimizдан хабар олиб қўярдик... Ажал ҳар қадамда пойлаб турарди... Аарат этагида турганимиз эсимда... Қумлар орасидамиз. Ааратни немислар олди. Рождество байрами эди, немислар байрам қиласди. Орамиздан эскадрон ва қирқ миллиметрли батареяни саралаб олишди. Чамаси соат бешларда йўлга тушдик, туни билан юрдик. Тонгда разведкачиларга дуч келдик, улар биздан олдин етиб келган экан.

Кишлоқ пастьда жойлашган... Немислар шундай қумликлардан ўта олишимизни хаёлларига ҳам келти-

ришмаган, шунинг учун ҳимояга кам сонли одамларини қўйган. Биз уларнинг одамларидан билдиримай ўта олдик. Төғдан тушиб, дарҳол навбатчиларини кўлга олдик ва шу қишлоққа шиддат билан учиб кирдик.

Немислар қип-яланғоч югуриб чиқиши, қўлларида автоматдан бошқа нарса йўқ. Арчалари безатилган... Ҳаммаси маст... Ҳар бир ховлида камида икки-уч танк турганди.

Танкеткалар, бронетранспортёrlар турганди... Хуллас, бутун техникалари. Биз уларни жойида портла-тардик. Гумбур-гумбур, тарақ-туруқ... Ҳамма саросимага тушган... Вазият шундай эдики, ўзимизникини отиб қўймайлик деб кўрқардик. Ҳамма ёқ олов ичида қолган... Рождество арчалари ёнарди...

Саккизта ярадорим бор... Уларни тепага, тоғ устига олиб чиқдим... Бироқ битта хато қилибмиз: уларнинг алоқасини кесиб ташламабмиз. Устимизга немис артиллерияси бостириб келди. Ярадорларимни тезда санитар аравасига юкладим, улар жўнаб кетишиди... Кўз ўнгимда снаряд мана шу аравага тегди, у бир зумда парча-парча бўлиб кетди. Фақат бир киши омон қолди. Немислар дарров токқа кўтарила бошлишди... Ярадор менга қараб: «Қўй мени, синглим... Кет... Мен барибир ўламан...» – дейди. Корнига снаряд теккан... Ичак-чаваги чиқиб кетган... Ичидагилари... Ўзи уларни олиб, ичига қайтиб соляпти...

Шу ярадор отимнинг ҳамма ёғини қон қилиб юборган деб ўйласам, у ҳам биқинидан яраланганд экан. Биринкита қандим бор эди, уларни жониворга бердим. Ҳар томондан ўқ узишяпти, ўзимизнилар қаерда, ҳемислар қаерда – тушуниб бўлмай қолди. Ўн метр юраману, ярадорларга дуч келаман... Арава олиб ҳаммасини териб олиш керак деб хаёлимдан ўтказаман. Олдимда пастлик томон йўл кўринди. У ёғига эса учта йўл: чапга, ўнгга ва тўғрига. Ўйланиб қолдим... Қаерга борсам экан? От жиловини маҳкам ушлаб олганман. Мен қаерга

йўналтирсам, от шу томонга юради. Шу оń, билмадим, худонинг ўзи юрагимга солдими, ё от ўзи йўлни ҳис қиласи деб қаердадир эшитганмидим, йўлнинг айрилиш жойига етмасдан жиловни бўш кўйдим. От мен истаган йўналишдан эмас, бошка йўлдан борди. Бораверди, бораверди.

Мадорим қолмаганди, отнинг қаерга бориши барий бўлиб қолди. Нима бўлса, бўлди. Отим аввалига жим борарди, кейин жонланиб қолди, бошини сарак-сарак қиласи. Жиловини қўлимга олдим. Сал эгилиб, ярасини ушлаб бораман. Отим янайам жонланди: кимни дир эшитдими и-и-и-... деб кишнади. Немислар бўлсанчи, деб юрагим дук-дук уради. Олдин отимни жўнатиб кўрай-чи, деб ўйладим. Бироқ ўзим ҳам ҳозиргина колдирилган от изларини кўрдим: камида элликтача одам ўтган, арава излари ҳам бор. Икки юз-уч юз метрдан сўнг отим аравага келиб урилди. Арава ярадорларга тўла эди, эскадронимизнинг қолган-қутган аъзолари ни кўрдим.

Бироқ биз томон мадад кучлари юборилган экан: от-аравалар, тачанкалар... Ҳаммасини олиб келинг деган буйруқ берилган экан. Ўқ остида ўзимизникиларни йиғиб олдик, ҳаммасини олиб кетдик – ярадорини ҳам, ўлганини ҳам. Мен ҳам тачанкага ўтириб бордим. Ҳаммасини топдим, қорнидан жароҳат олган ҳалиги аскарни ҳам. Ҳаммасини олиб чиқдим. Фақат ўқ еган отлар колди. Тонг отди, йўлда кетаётib, бутун бошли уюр ер билан бир бўлиб ётибди. Кўркам, бакувват отлар... Шамол ёлларини ҳар томон тўзгитарди...

Биз ўтирган каттагина хонанинг бутун девори опасингилларнинг урушгача ва фронтда тушган суратлари билан безатилган. Бу суратда улар ҳали мактаб ўқувчилари – бошларида шляпа, қўлларида гул.

Бу сурат уруш бошланишига икки ҳафта қолганда олинган. Юзлари ҳамма болаларникidek, бироз кулгили, ўзларини жиддий қилиб кўрсатишга уринишган. Бу

суратда эса әгниларида казакча камзуллар, кавалерия чакмонларида. Қирқ иккинчи йил сурати.

Орасидаги фарқ атиги бир йил, аммо юзларидағиifo-да тамоман бошқа. Умуман бошқа-бошқа одамлар. Мана бу суратни эса Зинаида Васильевна онасига фронтдан жүнатган: гимнастёркасида биринчи медали – «Жасорат учун» нишони ярқирайди. Бунисида эса иккаласи Фалаба куни суратга тушишган... Юз ҳаракатларини эслаб қоламан: майин болалар ифодасидан қатъиятли аёл нигохигача, бироз қаттиққұллик ҳам күринади.

Бу ўзгаришлар санокли ойлар, йиллар давомида со-дир бўлишига ишониш қийин. Оддий вактда бу ўзгариш аста-секин содир бўлади, уни пайқаш қийин. Инсон юзи узоқ шаклланади. Ундаги инсон ифодаси узоқ вақт чизлади.

Уруш эса қисқа вақт ичиде ўз одамларини яратди. Ўз суратларини чизди.

Ольга Васильевна:

– Каттагина қишлоқни эгалладик. Уч юзга яқин хонадон. У ерда немислар госпитали жойлашган экан. Маҳаллий касалхона биносида. Ҳовлидаги каттагина ўрага кўзим тушди: касалларнинг бир қисми ўша ерда отиб ташланган. Немислар кетишдан олдин ўз ярадорларини ўлдириб кетишган экан. Улар бизни ярадорларни отиб ташлайди деб ўйлаган бўлса керак. Чунки ўзлари бизнинг ярадорларни ўлдиришарди. Касаллар биттагина палатада қолган. Уларгача улгуришмаган, шекилли, ёки оёқ-қўллари бўлмагани учун ташлаб кетишган.

Палаталарига кирганимизда улар бизга нафрат билан қарашди: уларни ўлдириш учун келдик деб ўйлашган бўлса керак. Таржимонимиз биз ярадорларни ўлдиримаслигимизни, уларни даволашимизни айтишди. Шунда биттаси талаб қила бошлади: уч кун овқат ейицмаган экан, уч кун яраларини хеч ким боғламабди. Қарасам, гали рост – бу даҳшат эди. Уларга шифокор

қарамаганига анча бўлган. Яралари йиринглаб кетган, бинтлари баданига ёпишиб қолган.

— Уларга раҳмингиз келдими?

— Бу туйғуни раҳмдиллик демаған бўлардим, чунки раҳмдиллик бу ҳамдардлик демакдир. Бу туйғу менда йўқ эди. Бу бошқа нарса... Бир воқеа бўлганди... Бир аскаримиз асирга олинган немисни урди... Бу мумкин эмас, деб ўйлардим, унинг ёнини олдим. Бироқ бу унинг қалб нидоси эканлигини тушунардим, албатта... У мени яхши танирди, мендан катта эди, мени сўкди:

Бироқ бошқа урмади... Шунда ҳам мени онадан сўкишни бас қилмасди: «Э, онангни... унутдингми... онангни! Улар бизникиларни нима қилишганини унутдингми... онангни...» Мен ҳеч нарсани унугтаним йўқ, ўша этиклар бир умр эсимдада қолди... Немислар траншеялари олдига ичиди кесилган оёқлари колган этикларни қатор қилиб териб чиққанди. Қиши кунлари эди. Улар қозиқлардек ерга қадалиб туради... Қатор этиклар... Дўстларимиздан қолган нарса шу этиклар бўлди... Улардан этик қолди; холос...

Бизга денгизчилар ёрдамга келгани ёдимда... Уларнинг аксарияти миналардан ўлиб кетди, биз катта миналанган далага дуч келдик. Ўша денгизчилар узок вакт далада ётишди. Қуёш остида... Мурдалари шишиб, тельняшкалари тарвузга ўхшаб қолди. Катта далада катта катта тарвузлар. Баҳайбат тарвузлар.

Мен унугтаним йўқ, ҳеч нарсани унугтадим. Бироқ барибир асирни уролмаган бўлардим, чунки у ҳимоясиз. Буни ҳар ким ўзи учун ўзи ҳал қиласи, шуниси муҳим.

Зинаида Васильевна:

— Будапешт остонасидағи жанг. Қахратон қиши... Мен ярадор сержант, пулемётчилар гурухи командирини олиб кетяпман. Эгнимда шим ва телогрейка, бoshимда кулокчинли қалпоқ. Олиб кетаётиб қарасам: олдимда қоп-қора қор... Қорайиб кетган... Бу чукур ўра экан — айни муддао. Ўша ўрага тушяпман, у ерда кимдир

бор – буни сезяпман, темирнинг тарақлагани эшитил-япти... Орқамга қарасам, ярадор немис офицери, оёғи мажақланган, ётган ҳолда мени автомати билан нишонга олиб турибди. Кулоқчиндан сочларим чиқиб турибди, елкамда санитар сумқаси, сумкада эса қизил хоч. Унга ўгирилиб қараганимда, юзимни кўриб, қиз болалигими-ни тушунди ва: «У-ух!» деб аламли ух тортди. Кўлидаги автоматини четга улоқтириди. Энди унга фарқи бўлмай қолди...

Учаламиз – ярадорим, мен ва ҳалиги немис битта ўрадамиз. Ўра кичкина, оёқларимиз бир-бирига тегиб турибди. Устим уларнинг қони билан беланди, қонларимиз аралашиб кетди. Немиснинг кўзлари катта-катта очилган. Мана шу катта-катта кўзлари билан нима қиларкан деб менга қарайпти. Лъянати фашист!

Биласизми, у автоматини дарров четга суриб қўйди. Шу ҳолатни эсласам... Ярадорим нима гаплигини тушунмаяпти, кўлини пистолетига узатяпти... Бир немисга талпиниб, уни бўғиб ўлдирмоқчи бўлади... У эса менга қараб турибди... Мен ўша кўзларни ҳозир ҳам эслайман... Ярадоримнинг жароҳатини боғлаяпман. Немис эса ундан баттар аҳволда, ҳамма ёғи қонга беланган, бир оёғи тамом ишдан чиқсан. Яна бироз вакт ўтса, ўлиб қолади. Буни яхши тушуниб турибман. Ярадоримнинг жароҳатини боғлаб тутгатмай, немиснинг кийимини йиртиб, унинг жароҳатини боғладим, жгут қўйдим. Кейин яна ўзимнинг ярадоримнинг олдига келдим. Немис фақат «Гут. Гут» дейди. Такрор-такрор айтади. Ярадорим хушидан кетгунича мени сўқди... Нимадир деб қўрқитди... Мен уни силаб-сийпаб, тинчлантиридим. Санитар линейкаси келиб, уларнинг иккисини ҳам чиқариб олди... Машинага юклади. Немисни ҳам. Тушуняпсизми?

Ольга Васильевна:

– Эркаклар аёлларни кўрганда, юзлари бошқача бўлиб кетарди, ҳатто аёл овози ҳам уларни ўзгартиради. Бир сафар ертўламиз ёнида ўтириб, секингина куйла-

дим. Ҳамма ухлаб ётибди, ҳеч ким мени эшитмади, деб ўйлагандим. Эрталаб эса командир: «Биз ухламадик. Аёл овозини жуда соғинибмиз...», – деди.

Танкист жароҳатини борляпман... Жанг бўляпти, қирғинбарот жанг. У эса: «Яхши қиз, исмингиз нима?» – деб сўраса. Гап отяпти. Мана шу ур-йиқит, даҳшат орасида «Оля» деб исмимни айтиш менга ғалати туюлди. Доим саранжом-саришта юрадим. «Наҳот у урушда бўлган бўлса, топ-тозагина-ку», – деб қўпчилик ҳайрон бўларди. Агар ўлиб қолсам, хунуккина бўлиб ётишдан қўрқардим. Ҳалок бўлган қизларни кўп кўрганман... Лойда, лойқада ётишарди... Қандай қилиб... Мен бундай ўлим топишни истамасдим... Баъзан ўқ ёмғиридан қочаётуб, тирик қолишини ўйламасдим, юзимни бер-китардим. Кўлларимни яширадим. Менинч ҳамма қизларимиз шундай ўйлашган. Эркаклар эса устимиздан кулишарди, уларга бу жуда кулгили туюларди. Ўлим эмас, қандайдир бўлмағур нарсаларни ўйлашади деб масхара қилишарди.

Зинаида Васильевна:

– Ажални ўргатиб бўлмайди... Йўқ... Унга кўни-колмайсан... Немислардан тоққа қараб қочардик. Қорнидан жароҳат олган бешта оғир ярадоримиз қолди. Ҳаммаси қорнидан ўқ еган, тирик қолишлари даргумон, бир-икки кунлик умрлари қолган. Уларни олиб кетишининг иложи йўқ, улов йўқ эди. Мен ва яна бир сан-инструктор Оксанани улар билан омборхонага ташлаб кетишди. Икки кундан сўнг қайтиб келиб, олиб кетамиз деб ваъда беришди. Уч кун ўтиб келишди. Уч кечаю уч кундуз ўша ярадорлар билан бирга бўлдик. Эс-хушлари жойида, баққувват эркаклар. Улар ўлишни истамасди... Кўлимизда кукунлардан бўлак ҳеч вақо йўқ... Нукул сув беринглар, деб ялинишарди. Уларга сув мумкин эмас. Баъзилари буни тушунарди, баъзилари сўкарди. Боло-хонали қилиб сўкишарди. Бири пиёласини отган, бири этигини... Умримнинг энг даҳшатли уч куни. Улар кўз

үнгимизда, бирин-кетин жон таслим қилишарди, бизнинг эса қўлимииздан ҳеч нарса келмайди, қараб тура-верардик...

Биринчи мукофотим... Менга «Жасорат учун» медалини беришди. Аммо мен уни олишга бормайдим. Ҳафа бўлдим. Энди, эсласам, кулгим келади! Биласизми, нега? Дугонамни «Жангдаги хизматлари» учун медали билан тақдирлашди, менга эса «Жасорат учун» медалини беришди. У фақат биттагина жангда бўлган, мен эса Кушёвская станцияси остидаги жангда, бошқа операцияларда ҳам қатнашганман. Менга алам қилди: биттагина жангда иштирок этиб, «жангдаги хизматлари» учун тақдирланса-ю, мен эса «жасорат учун» тақдирлансан. Ҳудди биттагина жангда ўзимни кўрсатгандай. Командир келиб, гап нимадалигини билиб, роса кулди. «Жасорат учун» медали энг катта медаль, у орденга яқинлигини тушунтириди.

Макеевка остонасида, Донбасда бўксамдан ўқедим. Мана шундай тошдек ўқ ўрнашиб олган. Қон оқаётганлигини сезиб, индивидуал пакетни буклаб, ўша еримга тиқдим. Яна жароҳатларни боғлашга киришиб кетдим. Бирорга айтишга уяламан, қаерингдан жароҳат олдинг деса, «думбамдан» дейманми? Ўн олти ёшда буни бирорга айтишга уяласан экан. Хижолат бўласан. Шу билан жароҳатларни боғлаб юравериб, қон кетиш оқибатида хушимдан кетибман. Этикларим қонга тўлиб кетибди...

Бизникилар мени кўриб, ўлган деб ўйлашган. Санитарлар келиб, олиб кетишади, деб жанг қилиб кетаверишган. Ўлишимга сал қолганди. Мени разведкага чиққан танкистлар кўриб қолишган. Қарашса, жанг майдонида киз бола ётибди. Бош кийимим учеб кетиб, соchlарим тўзғиган. Қон оқаётганини кўриб, ҳали тириклигимни билишган. Медсанбатга олиб келишди. У ердан госпиталга жўнатишиди. Кейин бошқасига... Шу орада уруш тугади... Ярим йилдан сўнг соғлигим

борасида комиссиядан ўтдим. Ўн саккиз ёшдаман... Соғлигим қолмаган: учта жароҳат, оғир контузия. Қиз боламан-ку, албатта, буни яширадим. Жароҳатларимни айтсам ҳам, контузиямни айтмасдим. У эса асоратсиз қолмади. Яна госпиталга ётқизиши. Ногиронлик бериши... Мен-чи? Ҳужжатларни йиртиб ташлаб, отиб юбордим, пулларни ҳам олмадим.. Комиссияма-комиссия юриш керак эди. Қачон контузия олдим, қаерда жароҳатландим, қаеримга ўқ тегди – шуларни айтиб юришим керакмиди?

Мени кўришга госпиталга эскадрон командири ва старшина келиши. Эскадрон командири урушда менга жуда ёқарди, аммо у менга парво қилмасди. Ўктам йигит, формаси ўзига бирам ярашган. Эркакларнинг ҳаммасига ҳам ҳарбий кийим жуда ярашарди. Аёллар-чи? Шимда юрардик, соч ўстириш мумкин эмас, сочимизни эркакларнидек калта қилиб юрардик. Уруш охирида сочимизни турмаклашга, соч ўстиришга рўхсат бериши. Госпиталда соchlарим узун бўлиб кетди, уларни ўриб юрардим. Семириб ҳам қолдим... Иккаласи ҳам... Кулгим қистайди! Иккаласи мени севиб қолди... Бирдан! Бутун уруш ёнма-ён юрдик, ҳеч нарса ўйқ эди. Энди эса иккаласи ҳам: эскадрон командири ва старшина менга севги изхор қилиб ўтиришибди.

Ишқ-муҳаббат! Севги... Севиш ва севилишни қанчалик истардик!

Қирқ бешинчи йилнинг охири. Урушдан сўнг тезроқ уни унутишни истардик. Опам иккаламизга отамиз катта ёрдам берди. Отам жуда ақлли инсон эди. У медаль, орден, бошқармадан олган ташаккурномаларимизнинг ҳаммасини йиғиштириб олиб, беркитиб ташлади. Кейин бизга:

– Урушда жанг қилдинглар. Энди уни унуглигар. У уруш эди, энди янги ҳаёт бошланди. Туфлиларингизни кийинг. Ўзимнинг гўзалларим, энди ўқинг, турмуш қуинг, – дедилар.

Оля аввалига бошқа ҳаётға күніколмади, у жуда мағрур қыз әди. Солдатлар шинелини ечгиси келмасди. Отам онамга: «Қизларимиз ёшгина бўлиб, урушга борганига мен айборман. Урӯш уларни синдиримаса әди... Унда бир умр уруш қилиб ўтишади», – деганини яхши эслайман.

Ордену мёдалларим учун менга қандайдир маҳсус талон беришди. Улар билан военторгдан ўзимга нималардир харид қилишим мумкин әди. Мен ўша даврда урф бўлган резина этик, пальто, кўйлак, ботинка олдим. Шинелимни сотмоқчи бўлдим. Бозорга бордим... Енгилгина ёзги кўйлакдаман... Сочларимда гул... У ерда нималарни кўрдим дейсизми? Ёшгина йигитлар... қўлсиз, оёқсиз... Ҳаммаси урушда бўлган... Кўксиларини ордены медаллар безаб турибди... Кўли бутун бўлганй қўлда ясалган қошиқларни сотиб ўтирибди. Баъзилари аёллар ички кийимларини. Бошқаси эса... Кўли йўқ, оёғи йўқ... Кўзёш тўкиб ўтирибди. Садақа сўраяпти... Ногиронлар аравачаси йўқ, улар филдирак кўйилган тахтачаларда, ўзлари қўллари билан итариб юришарди. Маст, ширақайф. «Унутилдим. Ташландим» қўшигини айтиб юришарди. Мана шунақа манзаралар... Мен бозордан чиқиб кетдим, шинелимни сотмадим. Москвада қанча яшаган бўлсам, чамаси беш йилча, бозорга боролмасдим. Мана шу ногиронлардан биронтаси мени таниб қолиб: «Нега мени ўшанда оловдан чиқардинг? Нега куткардинг?» – деб таъна қилишидан қўрқардим. Ёшгина бир лейтенант эсимга тушиб кетди... Оёқлари йўқ әди... Биттасига осколка теккан, иккинчиси зўрга илиниб турарди... Мен уни боғлардим... Бомба остида... У эса: «Чўзма! Мени ўлдир!! Тезроқ ўлдир... Бу буйруқ...» – деб қичқиради. Тушуняпсизми? Мен доим шу лейтенантни кўриб қолишдан қўрқардим...

Госпиталда ётганимда эса, ёш кўркам йигит бўларди. Уни ҳамма танирди. Миша танкист... Фамилиясини хеч ким билмасди, ҳамма исмини айтиб чақиради...

Оёклари ва ўнг қўли ампутация қилинганди, фақат чап қўли қолган. Ампутациянинг энг оғир тури, оёқларини тос бўғимигача кесиб ташлашган. Протез қўйишнинг ҳам иложи йўқ. Уни аравачада олиб юришарди. Унинг учун маҳсус баланд аравача ясад, имкони борнинг ҳаммаси уни олиб юрарди. Госпиталга ахоли орасидан ҳам ёрдамчилар келарди, Миша каби оғир ярадорларни парвариш қилишга ёрдам беришарди. Аёллар ҳам, мактаб ўкувчилари ҳам. Ҳатто болалар ҳам. Ўша Мишани ҳамма қўлида кўтариб юрарди. У асло тушкунликка тушмасди. Яшашни истарди. Ахир эндиғина ўн тўққиз ёшда, ҳали ҳаётни умуман кўрмаган. Яқинлари бормиди-йўқмиди, буни эслолмайман. Бироқ у уни ташлаб қўймасликларига, унутмасликларига ишонарди. Албатта уруш мамлакатимиздан қуондай ўтиб, ҳамма ёқни вайрон қилиб ташлаганди. Қишлоқларни озод қилганимизда, ҳаммасининг кули кўкка совурилганди. Одамларда фақат ер қолганди. Фақат ер.

Опам иккаламиз урушгача шифокор бўлишни орзу қилган бўлсак ҳам, шифокор бўлмадик. Имтиҳонсиз тиббиёт олийгоҳларига киришимиз мумкин эди, фронтда қатнашганимиз учун имтиёзларимиз бор эди. Бироқ одамларнинг ўлаётганини, уларнинг азобларини кўравериб, бунга ортиқ дош беролмаслигимизни тушундик. Буни хаёлимизга ҳам келтира олмасдик. Ҳатто ўттиз йил ўтиб ҳам, қизимнинг тиббиёт институтига киришига йўл қўймадим, буни жуда истаган бўлса ҳам... Шунча йил ўтиб... Кўзимни юмаману – ҳаммаси кўз олдимга кела-веради... Кўклам... Ҳозиргина жанг тугаган дала бўйлаб ярадорларни ахтаряпмиз. Далани топтаб ташлашган. Олдимдан иккита ўлик чиқди – ўзимизнинг ёш солдат ва ёш немис. Сабза бўлган буғдой даласида осмонга қараб ётишибди... Юзларида ўлимнинг сояси ҳам йўқ. Шунчаки осмонга тикилиб ётишибди... Мен ўша кўзларни ҳозир ҳам эслайман...

Ольга Васильевна:

— Урушнинг сўнгги кунларидан нима эсимда қолганини айтайми? Йўлда кетяпмиз — қаердандир мусиқа садолари янгради. Скрипка... Ўша куни мен учун уруш тугади... Бу қандайдир мўъжиза эди: мусиқа овози. Бошқача товушлар... Уйғонгандай бўлдим... Ҳаммамиз урушдан сўнг, уммон-уммон кўз ёшлардан сўнг ажойиб хаёт бошланади деб ўйлардик. Гўзал ҳаёт. Фалабадан сўнг... Шу кундан сўнг... Одамлар меҳрибон, бир-бирига факат муҳаббат улашади деб орзу қиласардик. Ҳамма акаука, опа-сингилга айланади. Бу кунни қанчалик кутдик...





## «БИЗ ОТМАГАНМИЗ...»

Урушда одам кўп бўлган... Иш ҳам кўп...

Нафақат ўлим, балки тириклик атрофида ҳам кўп меҳнат талаб қилинарди. У ерда ўқ узиш ва отиш, миналаш ва миналарни олиб ташлаш, бомба қўйиш ва портлатиш, кўл жангидга иштирок этишдан ташқари кир ювиш, овқат пишириш, нон ёпиш, ошхона идишларини ювиш, отларни парвариш қилиш, машиналарни таъмирлаш, тобут ясаш, хат ташиш, этик қоқиш, чилим олиб келиш ҳам керак эди. Ҳатто урушда ҳам ҳаётнинг ярмидан кўпи оддий ҳаёт тартибидан иборат. Майдачуидалири ҳам кўп. Бундай ўйлашга ўрганмагансиз, тўғрими? «У ерда оддий аёллар қиласиган ишлар тоғ бўлиб уюлиб ётарди», – деб эслайди санитарка Александра Иосифовна Мишутина. Армия олға борса, орқасидан «иккинчи фронт» – кир юувчилар, ошпазлар, автослесарлар, хат ташувчилар изма-из юарди...

Кимдир менга: «Биз қаҳрамон эмасмиз, биз саҳна ортида эдик», – деб мақтуб ёзганди. Мана шу саҳна ортида нима бор экан?

### Ботинка ва лаънати тахта ҳақида

«Лой, балчиқдан борамиз, отлар бу балчиқда чўкиб кетади ёки йиқилиб ўлади. Юк машиналари юролмай, туриб қолади... Аскарлар оғир қуролларни устларига ортиб кетишади. Нон ва чойшаблар ортилган араваларни итариб боришади. Махорка солинган кутилар. Улардан биттаси лойга қулаганини кўраман, орқасидан болохонали сўкиниш эшитилади... Куролларни қанчалик эҳтиёт қилишса, махоркани ҳам шунчалик авайлашади...

Эрим менга доим такрорларди: «Ҳаммасини кўриб қол! Бу – достон! Достон!»

*Татьяна Аркадьевна Смелянская, -харбий журналист*

«Урушгача бахтиёр эдим... Ота-онам бағрида. Отам фин урушидан қайтганди. Ўнг қўлидаги бир бармоғисиз қайтди, мен ундан сўрардим: «Дада, уруш нега керак?»

Мен улғайишга улгурмай, уруш ҳам бошланиб кетди. Минскдан эвакуация қилиндик. Бизларни Саратовга олиб келишди. У ерда колхозда ишлардим. Мени қишлоқ кенгаши раиси чақирди:

– Қизим, доим сен ҳақингда ўйлайман.

Мен ҳайрон бўлдим:

– Амаки, нега мен ҳақимда ўйлайсиз?

– Мана бу лаънати тахта бўлмаганида! Ҳаммаси шуни деб...

Ҳеч нарсани тушунмайман. У эса давом этади:

– Чакирув қофози келди, иккитасини фронтга жўнатишимиз керак экан. Кимни жўнатишни билмаяпман. Ўзим борардиму, мана бу лаънати тахтани деб олишмайди-да. Сенга ҳам мумкин эмас: сен эвакуация қилингансан. Балки, борарсан? Иккита қизим бор экан: сен ва Мария Уткина.

Мария баланд бўйли қиз эди, мен эса унчалик эмас. Ўртамиёна.

– Борасанми?

– Пайтава беришадими?

Уст-бошимиз юпун эди: ўзимиз билан ҳеч нарса олиб кетолмаганмиз!

– Сен дуркунгинасан, сенга этик ҳам беришади.

Мен рози бўлдим.

...Бизни эшелондан туширишди, бизни олиб кетишга барзанги, шопмўйлов бир амаки келди, бироқ у билан кетгимиз келмади. Негалигини билмайман, буни сўраб ўтирадим, мен фаол қизлардан эмасдим, ҳеч қачон биринчи бўлишга интилмасдим. Бизга ўша амаки

ёқмаганди. Кейин чиройли бир офицер келди. Суратнинг ўзгинаси!

У бизни кўндириди, у билан кетдик. Частга келсак, анави шопмўйлов амаки бизга қараб: «Ҳа, пучук қизлар, нега мен билан бормадинглар?» – деб кулади.

Майор ҳаммамизни битталаб чақириб: «Кўлингдан нима иш келади?» – деб сўради.

Бири: «Сигир соғиши биламан», – дейди. Бошқаси: «Уйда картошка қайнатганман, ойимга ёрдам берганман», – деб жавоб беради.

Мени чақириди:

- Сен-чи?
- Кир ювишни биламан.
- Яхши қизга ўхшайсан. Овқат пиширишни ҳам билганингда эди.
- Биламан.

Куни билан овқат пишираман, кечқурун қайтганимда аскарларнинг кийимларини ювиш керак бўлади. Навбатчиликда ҳам турардим:

Мени: «Навбатчи! Навбатчи!» – деб чақиришади. Мен эса жавоб беришга ожизман – мадорим йўқ. Овоз чиқаришга ҳам кучим етмайди...»

*Ирина Николаевна Зинина, оддий аскар, ошпаз*

«Мен санпоездда юрардим... Биринчи ҳафта, эсимда, нуқул йиғлардим: биринчидан, онам йироқда, иккинчидан, ҳозир юқ қўйишадиган учинчи токчага тушиб колибман. «Хонам» ўша ерда эди.

- Неча ёшда фронтга кетдингиз?
- Саккизинчи синфда ўқирдим, аммо ўқиш тугашини кутиб ўтирмадим. Фронтга қочиб кетдим.

Санпоезддаги барча қизлар менинг ёшимда.

- У ерда нима қиласдинглар?
- Биз ярадорларни парвариш қиласдинглар, уларни овқатлантирардик, тагларига тувак тутардик. Ишимиз шундан иборат. Мен билан бир каттароқ қиз навбат-

чилик қиласы. У мени авайлаб: «Агар тувак сўрашса, мени чакир», – дерди. Оғир ярадорлар кўп: кимнингдир кўли йўқ, бошқасининг оёви. Бошида чакириб юрдим. Бироқ у туну кун мен билан бўлолмайди-ку, бир ўзим қолдим. Мени бир ярадор чакириб қолди: «Синглим, тувакни беринг!»

Мен унга тувакни узатдим. У олмаяпти, қарасам, кўли йўқ экан. Миямнинг аллақайси бурчагидан нима қилиш кераклиги ҳакидаги маълумотни қидириб топдим, фаҳмладим, аммо унгача бир неча дақиқа қоққан қозикдек қараб турдим. Тушуняпсизми? Ёрдам беришим керак эди... Бироқ мен бунинг нималигини ҳали билмасдим, буни кўрмагандим. Буни ҳатто курсларда ҳам ўргатишмаган...»

*Светлана Николаевна Любич, сандружиначи*

«Мен отмаганман... Аскарларга овқат пиширадим. Шунга медаль беришди. Мен бу ҳақда ҳатто ўйламайман ҳам: мен жангда бўлибманми? Овқат пиширадим, аскарларга шўрва қайнатардим. Қозон, бакларни суардим.

Улар бирам оғир эдики... Командирнинг жаҳли чиққани эсимда: «Бир кун шу бакларни тешиб ташлайман... Урушдан кейин қандай туғасан?» Бир куни қарасам, ростдан ҳам ҳамма бакларни тешиб ташлабди. Қишлоқдан кичикроқ бакларни олиб келишга тўғри келди. Жангдан келган аскарларга дам беришарди. Бечоралар, бир ахволда, устлари кир, ҳолдан тойган. Кўл-оёқлари музлаган. Айниқса ўзбеклар, тожиклар совукдан азият чекишарди. Уларнинг юртларида доим қуёш чараклаб туради-да, бу ерда эса ўттиз-қирқ градус совук. Исинолмай гаранг. Ўзи ёрдамсиз қошиқни ҳам ушлолмайди, овқатлантириб кўярдик...»

*Александра Семёновна Масаковская,  
оддий аскар, ошпаз*

«Мен кир ювардим... Бутун урушни тоғора олдида ўтказдым. Күлда кир ювардик. Телогрейкалар, гимнастёркалар... ички кийимларни олиб келишарди – титилиб кетган, бит босган. Оқ халатларни олиб келишарди – қонга беланған, оқ әмас қызил халатлар. Қон қотиб қолған бұлса – қоп-қора. Бириңчи сувда совун урмас-дик – сув қызил ёки қора бўлиб кетарди... Гимнастёрканинг енги йўқ, олди илма-тешик бўлиб кетган, шимларнинг почаси йўқ. Кўз ёшларимиз билан ювардик, кўз ёшларимиз билан чаярдик. Тоғ-тоғ гимнастёркалар... Пахтали курткалар... Эсласам, қўлларим ҳозир ҳам оғрийди. Қишида пахта курткалар зилдай бўлиб кетарди, қони қотиб қолған. Ҳозир ҳам уларни тушларимда кўраман... Қоп-қора тоғ...»

*Мария Степановна Детко, оддий аскар,  
кир юувучи*

«Урушда мўъжизалар кўп бўлган... Сизга айтиб бераман... Аня Кубарова деган қизимиз ўтлоқда ётиди... Алоқачимиз. У ўляпти – ўқ нақ юрагини тешиб ўтган. Шу пайт осмонда турналар галаси учеб ўтяпти. Ҳамма тепага қаради, у кўзини очди. Қушларга қаради-ю: «Қизлар, афсус», – деди. Бироз жим турди-да, кейин бизга қараб: «Қизларжон, наҳотки ўлсам?» – деди. Шу пайт, почтачимиз Клава югурмокда. «Үлма! Үлмай тур! Уйингдан хат келди...» – деб хат олиб келди. Аня кўзларини юммай турди, у кутиб турибди...

Клавамиз ёнига ўтириб, конвертни очди. Онасидан хат келгай әкаң: «Суюкли қизим, қизалоғим...». Ёнимда шифокор турғанди, у: «Бу – мўъжиза, мўъжиза!! У тиббиёт қонунларига зидравища яшаяпти...» – деб такрорларди. Хатни охиригача ўқидик... Шундан сўнггина Аня кўзларини юмди...»

*Мария Николаевна Василевская, сержант,  
алоқачи*

«Менинг касбим... Касбим – эркаклар сартароши...

Олдимга бир қиз келди... Сочини қандай олишни билмайман. Узун, қалин соchlари жамалак бўлиб елкасига тушади. Ертўлаға командир кириб, буюрди:

– Эркакча қилиб ол.

– Ахир, бу аёл-ку.

– Йўқ, бу аскар. Урушдан кейин яна аёл бўлаверади.

Барibir... Сал соchlари ўssa, қизларнинг сочини жамалак қилардим.

Бигуди ўрнига фудда ишлатардик... Арча фуддалари...  
Ҳеч бўлмаса, пешана гажак тушириб қўядим...»

*Василиса Южнина, оддий аскар,  
сартарош*

«Кам китоб ўқиганман... Чиройли гапиришни ҳам билмайман... Биз аскарларни кийинтирадик, уларнинг кийимларини ювардик, дазмоллардик. Қахрамонлигимиз – шу. Отларда юрадик, поездга кам чиқардик. Отлар ҳолдан тойган, Берлингача пиёда бордик, десам адашмайман. Ҳозир эсласам, нима қилиш керак бўлса, ҳаммасини бажарганимиз: ярадорларни олиб кетишга кўмаклашардик, Днепр устида снарядларни ташиб берардик, чўнки машинада олиб келишининг иложи йўқ эди, бир неча километрга устимизда орқалаб келардик. Ертўла қазирдик, кўприк қуардик...

Куршовда қолганимизда ҳамма қатори юурдим, отдим. Ўлдирдимми-йўқми, унисини айттолмайман. Ҳаммадек юуриб, отдим. Менинчча, жуда оз нарсани эсладим. Қанча нарсани бошимдан ўтказдим! Мен ҳали эслайман... Яна кел...»

*Анна Захаровна Горлач, оддий аскар,  
кир юувучи*

«Менинг ҳикоям кичик...

Старшина сўради:

- Қизалок, ёшинг нечада?
  - Ўн олти, нима эди?
  - Бизга вояга етмаганлар керак эмас..
  - Нима десангиз қиласан. Ҳеч бўлмаса, нон пишираман.
- Олишди...»

*Наталья Мухаметдинова, оддий аскар, новвой*

«Мен котиба сифатида ҳисобда турардим... Штабга боришга кўндиришди... Менга урушгача сураткаш бўлганингни биламиз, бизни ҳам суратга оласан дейишиди.. Ўлимни суратга олишни хоҳламасдим, мана шу нарса эсимда қолди. Ўликларни олмасдим.. Аскарларнинг дам олаётганини – тамаки чекиб, кулиб юрганларини суратга олардим, нишонларни топшириш маросимларини муҳрлардим. Афсус, ўша пайтларда рангли плёнкаларим йўқ эди, факат ок-кора. Полк байроғини олиб чиқишаётган дам... Буларни чиройли қилиб суратга туширишим мумкин эди...»

Бугун эса... Журналистлар олдимга келиб: «Ўликларни суратга олганмисиз? Жангдан сўнг...» – деб сўрашади. Мен шундай суратларни кидириб кўрдим... Ажал тасвири туширилган суратларим кам экан... Кимдир ҳалок бўлса, йигитлар: «Тириклигига тушган сурати борми?» – деб сўрашарди. Тириклигидаги расмларини топишга ҳаракат килардим... кулиб турган суратини...»

*Елена Виленская, сержант, котиба*

«Биз қурилиш ишларида қатнашардик... Темир йўл, понтон кўприклари, блиндажлар қуардик. Фронт яқин. Бизни пайқаб қолмасликлари учун кечаси ер қазирдик. Дараҳтларни йикитардик. Бўлимимдаги қизларнинг ҳаммаси ёш қизлар. Эркаклар кам,

улар бўлса ҳам, жангга ярамайдиганлар. Дараҳтларни қандай олиб чиқардик? Ҳаммамиз шу дараҳтни олиб, кўтарамиз. Битта дараҳтни бутун бўлим бўлиб кўтарардик. Қўлларимиз-қадоқ бўлиб кетган, қонталаш... Елкаларимизда кўтарардик...»

*Зоя Лукъяновна Вержбицкая, курилиш  
батальони бўлими командири*

«Педагогика бўлим юртини тугатдим... Дипломни қўлга олганимда, аллақачон уруш бошланганди. Уруш бошлангани учун бизга йўлланма бермай, уй-уйимизга жўнатиб юборишиди. Уйга қелдим. Бир неча кундан кейин военкоматга чақириб қолишиди. Онам кўймадилар. Ҳали жуда ёш - эдим, эндиғина ўн саккизда. «Сени тоғангнинг олдига жўнатаман, уйда йўқ дейман», – дедилар. Мен эса: «Ахир, комсомолман-ку!» – дедим. Военкоматда ҳаммамизни йиғиб, фронт новвойхоналари учун қизлар кераклигини айтишиди. Бу жуда оғир меҳнат. Саккизта темир печимиз бор эди. Вайрон бўлган қишлоқ ёки шаҳарга келиб, уларни ўрнатамиз. Печларни ўрнатдикми, энди ўтин, ўттиз-кирқ чеҳак сув, беш қоп ун керак. Ўн саккиз ёшли қизлар етмиш килоли ун қопларини орқалардик. Иккаламиз икки томонидан ушлаб кўтариб кетардик. Ёки замбилга қирқта нонни тахлашади. Масалан, мен уни кўтаролмасдим. Туну кун печ олдида, туну кун. Бир қатор тоғораларга хамир қорсак, бошқалари бўшаб келади, яна қориш керак. Бомбалар портлайди, биз эса нон ёпамиз...»

*Мария Семёновна Кулакова, оддий аскар, новвой*

«Мен эса тўрт йил урушда машина ҳайдадим... Кўрсаткичларға қараб ҳайдардим: «Шчукин хўжалиги», «Кожуро хўжалиги». Базадан аскарларга керак бўлган чилим, папирос, чақмоктош олиб, йўлга тушардик. Баъзида машинада, баъзида араваларда, кўпинча эса бир ёки

икки аскар билан пиёда. Елкаларимизга ортиб борардик. Траншеяга отда ўтолмайсан, немислар гичирлаган овозни эшишиб қолиши мумкин. Ҳаммасини елкаларимизда орқалаб юрардик. Жон қизим, елкамизда...»

*Елена Никифоровна Иевская, оддий аскар,  
таъминотчи*

«Уруш бошланганида... Ёшим ўн тўққизда эди... Владимир вилоятининг Муром шаҳрида истиқомат қилардим. Кирк биринчи йилнинг октябрь ойида биз комсомолларни Муром – Горький – Кулебаки автойўлини қуришга жўнатишиди. Мехнат фронтидан қайтганимизда, бизни сафарбар қилишиди.

Мени Горький шаҳридаги алоқа мактабига почта ходимлари курсига жўнатишиди. Курсларни тамомлаб, ҳаракатдаги армия – олтмишинчи ўқотар дивизиясига хизматга кирдим. Полк почтасида офицер бўлиб хизмат қилдим. Одамларнинг хат олиб, конвертларини ўпганларини ўз кўзим билан кўрганман. Кўпларнинг қариндошлари ўлиб кетган ёки душман босиб олган худудларда яшашарди. Улар хат ёзишолмасди. Шунда биз Нотаниш аёл номидан хат ёзардик: «Азиз дўстим. Сенга Нотаниш қиз ёзяпти. Душман билан қандай жанг қиляпсан? Қачон ғалаба билан қайтасан?» Кечаси билан ўтириб, хат ёзардик... Урушда юзлаб шундай хатларни ёзганман...»

*Мария Алексеевна Ремнёва, кичик  
лейтенант, почта ходими*

### **Махсус «К» совуни ва гауптвахта ҳақида**

«Биринчи майда турмушга чиқдим... Йигирма иккинчи июнда эса уруш бошланди. Биринчи немис самолётлари ёпирилиб келди. Мен Киевга олиб келинган испан болалар уйида ишлардим. Бу – ўттиз еттинчи йил... Испанияда фуқаролар уруши... Биз нима қилищни билмасдик, испан болалари эса ҳовлида окоп қазий бошлишди.

Улар уруш нималигини билишарди... Болаларни уруш орқасига жўнатишди, мен эса Пенза вилоятига кетдим. Мёнга ҳамширалар курсини ташкил қилиш топшириғи берилганди. Қирқ биринчи йилнинг охирига келиб, шу курсларда ўзим имтихон қабул қилдим, чунки шифокорларнинг ҳаммаси фронтга кетиб бўлганди. Ҳужжатларни тарқатдиму, ўзим ҳам фронтга бораман, деб туриб олдим. Сталинград остидаги армия дала госпиталига жўнатишди. Қизлар орасида энг каттаси мен эканман. Дугонам Соня Удругова, у билан ҳозир ҳам дугонамиз, ўн олти ёшда эди, у тўққизинчи синфни битириб, шу тиббий курсларни тамомлаганди. Фронтга келганимизга уч кун бўлди, Соня ўрмонда йиғлаб ўтирибди. Олдига келиб:

– Соня, нега йиғлаляпсан? – деб сўрадим.

– Нега тушунмайсан? Онамни кўрмаганимга уч кун бўлди.

Ҳозир ўша воқеани эслатсам, ўзини кулгидан тиёлмайди.

Курск Ёйида мени госпиталдан дала кир ювиш отрядига замполит қилиб ўтказиши. Кир юувчилар эркин ёлланган хизматчилар эди. Араваларимизга тогоралар, сув иситиш учун самоварлар ортилган, устига эса қизил, кўк, кулранг юбка кийган қизлар ўтириб олишган. Ҳамма куларди: «Ана, кир юувчилар армияси келди!» Мени эса ҳазиллашиб «кир юувчилар комиссари» дейишарди. Қизларим кейинчалик сал тартибга тушиб кийинадиган бўлишди. Мехнатимиз оғир. Кир ювиш машиналари йўқ. Факат кўлда ювардик... Ҳаммасини мана шу қўлларимиз билан... Бирон жойга келганимизда биргина уй ёки ертўла беришарди. Чойшаб ва ички кийимларни ювамиз, уларни қуритишдан олдин, битламаслиги учун маҳсус «К» совунини едирамиз. Дуст бўларди, бироқ ундан фойда бўлмасди, «К» совунидан фойдаланаардик. У жуда сассиқ эди, ҳидига чидаб бўлмасди. Кир ювган уйимизда уларни қуритамиз, ўша ерда ухлаймиз. Бит-

та аскарнинг кийимларини ювишга йигирма-йигирма беш грамм совун беришарди. Совун лойдай қоп-кора. Қизларим зўриқишдан, оғир кўтаришдан ўзларига дабба орттириб олишарди, «К» совунидан қўллари қичишарди, тирноқлари тушиб қоларди, энди ҳеч қачон ўсмаса керак деб ўйлардик. Лекин барибир, бир-икки кун дам олиб, яна кир ювишарди. Қизларим менга қулоқ солишарди...

Бир сафар учувчилар турган жойга келдик. Бутун бошли часть. Тасаввур қилинг, устимиз кир, увадаси чиқиб ётибди. Йигитлар қизларимни кўриб, менсишмади.

«Ҳм, кир юувучилар...», — дейишиди. Қизларим йиғлагудай бўлиб келишди:

— Замполит, қаранг...

— Ҳечқиси йўқ, уларнинг таъзирини беріб қўямиз.

Келишиб олдик. Кечқурун қизларим энг чиройли кийимларини кийиб, ўтлоққа боришди. Қизларимдан бири гармошка чалди, қолганлари рақс тушишди. Биронта учувчи билан рақс тушмаймиз, деб келишиб олдик. Улар келишади, қизларим бормайди. Факат бир-бирлари билан рақсга тушишди. Улар охири дод деб юборишли: «Биттаси шунақа деган бўлса, қолганларда нима айб?»

Эркин ёлланганларни гауптвахта<sup>1</sup>га ўтқазиш мумкин эмасди. Юзта киз бир бўлса, нима ҳам қила олассан? Иш вақти ўн бирда тугайди. Улар эса қочиб кетишарди. Нима дейсиз энди, қизлар-да. Уларни гауптвахтага ўтқизардим. Қўшни қишлоқдан бошлиқлар келиб қолди, иккитаси гауптвахтада ўтирганди.

«Бу нимаси? Эркин ёлланганларни гауптвахтага ўтқазяпсизми?» — капитаннинг тепа сочи тикка бўлди.

Мен эса пинағимни ҳам бузмадим:

— Майли, ўртоқ полковник, бошқармага баённома ёзинг. Аммо мен интизом учун жон-жаҳдим билан ку-

<sup>1</sup> Ҳарбий хизматчиларни қамокда сақлаш учун мўлжалланган маҳсус хона.

рашяпман. Қўриб турибсиз, бўлимим интизом борасида намуна кўрсата олади. Шу билан қайтиб кетишиди.

Интизомий қаттиқ ушлардим. Бир куни уйимнинг ёнидан нотаниш бир капитан ўтиб кетаётган экан. Учатто тўхтаб ҳам қолди:

– Э худо! Шу уйдан чикдингизми, бу ерда ким яшини биласизми?

– Биламан.

– Ахир бу ерда замполит яшайди-ку. Унинг роса баджаҳл эканлигинй биласизми?

Мен эса бу ҳақда ҳеч қачон эшитмаганлигимни айтдим.

– Э худо! У ҳеч қачон кулмайди, доим қовоғини солиб юради:

– Сиз у билан танишган бўлармидингиз?

– Худо асрасин. Йўк, албатта!

Шунда ўзимни танитдим:

– Келинг танишиб қўяйлик, мен замполитман!

– Йўк, бўлиши мумкин эмас! Менга уни бошқача таърифлашганди...

Мен қизларимни эҳтиёт қилишга ҳаракат қиласдим. Валя деган қизим жуда чиройли эди. Мени ўн кунга штабга чақириб қолишиди. Қайтиб келиб, Валя шу кунларда кеч қайтаётганлиги, бир капитан билан ўралашиб қолгани ҳақида хабар топдим. Нима бўлса бўлди, вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Икки ой ўтиб, Валя ҳомиладорлигини билиб қолдим. Уни олдимга чақирдим: «Валя, бунга қандай йўл қўйдик? Қаерга борасан? Ўгай онанг (онаси йўк эди) ертўлада яшаса». У эса кўзёш тўқади: «Бунга сиз айбдорсиз, агар кетиб қолмаганингизда, бу бўлмасди». Улар мени онасидек, катта опасидек қўришарди. Совуқ тушиб қолганди – эгнида эса енгилгина пальто. Унга ўзимнинг шинелимни бердим. Шу билан Валя қизимни жўнатиб юбордим...

Қирқ бешинчи йилнинг саккизинчи марта. Ўзимизга байрам уюштирдик. Чой. Қаердандир конфетлар ҳам то-

пид келдик. Қизларим ташқарига чиқиб, иккита немис ўрмондан чиқиб келаётганини күриб қолишиди. Автоматтарини судраб келишяпти... Ярадор экан... Қизларим уларни тутиб олишибди. Мен эса замполит сифатида бошқармага бугун саккизинчи март куни кир юувчилар иккита немисни асир олгани ҳақида хабар бердим. Эртасига командирлар йиғилиши бўлди, сиёсий бўлим бошлиғи биринчи бўлиб асирлар ҳақида эълон қилди:

— Ўртоқлар, сизларга хушхабар айтмоқчиман: уруш тез орада тугайди. Кеча йигирма биринчи дала кир ювиш отряди кир юувчилари иккита немисни асир олишиди. Ҳамма қарсак чалиб юборди.

Уруш пайтида бизларни мукофотлашмасди, уруш тугагач эса менга: «Икки кишига медаль берамиз», — дейишиди. Жаҳлим чиқиб кетди. Сўз беришларини сўраб, нутқ сўзладим. Кир юувчилар отряди замполити эканлигим, бу қандай оғир меҳнат эканлигини яхши билишим, уларнинг аксарияти дабба, экзема каби касалликларни ортириб олганлари, ёшгина қизлар роботлардан ҳам кўп ишлаганлари ҳақида жон кўйдириб гапирдим. Мендан: «Эртагача мукофот қилинадиганларнинг рўйхатини тузиб бера оласизми?» — деб сўрашди. Яна тақдирлашимиз мумкин дейишиди. Отряд командири билан эрталабгача рўйхат тузиб чиқдик. Кўп қизларим «Жасорат учун», «Жангдаги хизматлари учун» медалларини олишиди, биттаси эса ҳатто Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. У энг яхши кир юувчи эди, тоғора ёнидан кетмасди: ҳамманинг силласи қуриб, йиқилиб қолса, у кир ювишида давом этарди. Ёши катта хотин. Бутун оиласи ҳалок бўлган. Қизларимни уй-уйларига тарқатишм керак бўлганда, уларга нимадир беришни жуда-жуда истадим. Кўпчилиги Белоруссия ва Украинадан эди, у ерда ҳаммаси вайрон қилинган. Уларни икки қўлині бурнига тиқиб жўнатиб юбораманми? Ўшанда бир немис қишлоғидан қўним топгандик. У ерда тиқув цехи бўлган экан. Цехни кўрай деб чиқдим, қарасам, баҳтимга, ҳаммаси бус-бутун

турибди. Уйга қайтаётганда ҳар бир қизимга совға бердим. Қанчалик баҳтиёр бўлганимни тасаввур қилсангиз эди. Қизларим учун бундан ортиқ ҳеч нарса қилолмадим. Ҳамма уйига ошикарди, аммо боришга кўркарди. У ерда бизни нима кутаётганилигини ҳеч ким билмасди...»

*Валентина Кузьминична Братчикова-Борщевская,  
лейтенант, дала кир ювиш отряди замполити*

«Отам... Суюкли отам коммунист бўлган... У авлиё эди. Мен ҳаётимда ундан яхшироқ одам учратмадим. У мени шундай тарбияларди: «Совет ҳукумати бўлмаганида ахволим не кечарди? Бир бечора бўлардим. Бирон қулоқнинг ҳовлисида қуллик қилиб юрган бўлардим. Совет ҳукумати менга ҳамма нарсани берди, мен таълим олдим. Муҳандис бўлдим, кўприклар қуряпман. Буларнинг ҳаммасига совет ҳукумати туфайли эришдим».

Мен совет ҳукуматини яхши кўрардим. Сталин ва Ворошиловни яхши кўрардим. Раҳнамоларимизнинг барчасини яхши кўрардим. Отам шундай тарбиялаган. Уруш бўляпти. Мен катта бўляпман. Кечаси отам билан «Интернационал» ва «Улуг уруш» қўшиқларини айтиб чиқардик. Отам аккордеонда жўр бўларди. Эндиғина ўн саккизга тўлганман. Отам мен билан бирга военкоматга борди...

Армиядан, кўприк қуриб, уларни кўриқлаяпман, деб хат ёздим. Оиламиздагилар қанчалик хурсанд бўлишиб! Отам ҳаммамизга кўприкларни севишини ўргатди, уларга болаликданоқ муҳаббат кўйдик. Ёомба тушиб вайрон бўлган ёки бузиб ташланган кўприкни кўрганимда, унга тирик жонзотдек раҳмим келарди, кўприкка стратегик объект сифатида қарामас эдим. Йиглардим... Йўлимда юзлаб катта ва кичик кўприкларнинг вайрон бўлганини кўрдим. Урушда биринчи бўлиб уларни бузишарди. Кўприк биринчи рақамли нишонга айланарди. Вайроналардан ўтиб бораётганимизда буларнинг ҳаммасини яна

қайта тиклаш учун қанча йил керак бўлар экан, деб ўйлаб қолардим. Уруш инсоннинг вақтини, унинг энг қимматли нарсасини ўлдиради. Отам ҳар бир кўпригини йиллаб қурганлигини яхши эслайман. Кечалари билан чизмаларини чизиб чиқарди, ҳатто дам олиш кунлари ҳам. Урушда ҳаммасидан ҳам вақтга ачинардим. Отамнинг зое кетган вақтига...

Отам оламдан кўз юмганига анча бўлди, аммо ҳамон уларни яхши кўраман. Унга ўхшаганлар ҳақида аҳмок, Сталинга кўр-кўронада ишонганлар дейишларини истамайман. Сталиндан қўрқкан, Ленин ғояларига ишонган, бир хил фикрлаган, деган гаплар менга оғир ботади. Ишонинг, улар самимий ва виждонли инсонлар бўлган, улар Сталин ва Ленинга эмас, коммунистик ғояга, инсон қиёфасидаги социализмга ишонишган. Адашмасам, кейинчалик буни айнан шундай деб аташди. Ҳамманинг баҳтли бўлишига, ҳар биримизнинг баҳтиёр бўлишимизга ишонишди. Ҳа, улар хаёлпараст ва идеалист бўлганлар, аммо сўқир эмасдилар. Буни ҳеч қачон тан олмайман! Урушнинг ўрталарига келиб, бизда ҳам яхши танк ва самолётлар, яхши қуроллар пайдо бўлди, аммо барибир ишонч бўлмагандан, биз улкан, батартиб, бутун Европани бўйсундирган Гитлер армиясини ҳеч қачон енга олмаган бўлардик. Унинг шиддатини кеса олмаган бўлардик. Қўрқув эмас, ишонч бизнинг асосий қуролимиз эди. Чин коммунист сўзим (уруш пайтида партияга аъзо бўлганман, ҳозир ҳам коммунистман). Мен партияга аъзолик билетимдан уялмайман, ундан воз кечганим ҳам йўқ. Менинг ишончим қирқ биринчий йилдан бери сўнганий йўқ...»

Тамара Лукъяновна Тороп, оддий аскар,  
муҳандис-курувчи

«Воронеж остида немис армияси тўхтаб қолди... Улар анчагача шаҳарни ололмади. Бомбалар билан роса портлатишиди. Самолётлар бизнинг Московка деган

кишлогимиз узра учарди. Ҳали душманни кўрмагандим, фақат унинг самолётларини кўрганман. Аммо тез орада уруш ҳималигини билиб олдим...

Госпиталимизга Воронеж яқинида состав портла-тилгани ҳақида хабар келди, ўша ерга бордик. Нимани кўрганимизни биласизми? Буни айттолмайман ҳам... Фақат қийма... Вой-вой-ей! Бош шифокоримиз нима қилиш кераклигини тезда англади. У баланд овозда: «Замбил келтиринг!» – деб буюрди. Ораларида энг ёши мен эдим – эндинина ўн олтини қаршилаганман. Мени хушидан кетиб қолмасин деб ҳамма менга қараб турибди. Рельслардан юриб, вагонлар ичига кирадик. Замбилга соладиган одамнинг ўзи йўқ эди: вагонлар олов ичидан қолган, на ох-дод эшистилади, на фарёд. Бутун одамнинг ўзи қолмаганди. Кўрққанимдан кўзларим юмилиб, юрагим ёмон бўлиб кетарди. Госпиталга қайтганимизда, дуч келган жойга қулладик – столгами, стулгами. Шу ахволда донг қотдик. Навбатчилигимни тугатиб, уйга бордим. Кўз ёшларимга чўмилиб келдим, хонамга кирдиму ўзимни тўшагимга отдим, кўзимни юмсан ҳаммаси кўз олдимга келаверади... Онам ҳам ишдан қайтдилар, кейин Митя амаким қайтди.

Онамнинг овози эшистилди:

– Энди Ленанинг ҳоли не кечар экан? Госпиталга боргандан бери юзи қанчалик ўзгарганига қара. Ўзига ўзи ўхшамай боряпти, ҳеч ким билан гаплашмайди, тушларида бақириб чиқади. Унинг табассуми, шўх кулгиси қайга ройиб бўлди? Унинг қанчалик хушчақчақ қиз бўлганини ўзинг ҳам биласан-ку? Энди эса сира ҳазилашмайди.

Онамнинг гапларини тинглайману, кўзларимдан ёш тўхтамайди... Қирқ учинчи йили Воронеж халос қилинганида ҳарбийлашган кўриқлаш гурухига кўшилдим. У фақат қизлардан иборат эди. Ҳаммаси ўн ети-йигирма ёшли қизлар. Ёш, гўзал. Ҳеч қачон шунча чиройли қизларни бирга кўрмаганман. Биттасини яхши

танирдим – Маруся Прохорова. У Таня Фёдорова билан дугона эди. Улар бир қишлоқдан. Таня ўта жиддий, саранжом-саришта қиз эди. Маруся эса рақс тушиб, күшик айтышни яхши күрарди. Шўх частушкаларни ижро қиласди. Ҳаммасидан ҳам кўра бўянишни афзал кўрарди: соатлаб ойна олдида ўтириб ўзига оро берарди. Таня: «Башарангни бежагунча, кийимингни дазмоллаб, жоинингни тўғрилаб йифсанг бўларди», – деб таъна қиласди. Яна Паша Литаврина деган қизимиз бўларди. У ҳам шаддод эди. У Шура Батишева билан дугона тутинганди. У жуда оғир-вазмин, уятчан қиз эди. Люся Лихачёва эса сочини жамалак қилишни яхши кўрарди, сочини жамалак қилиб қўлига дарров гитара оларди. У гитара билан ётиб, гитара билан турарди. Ҳаммамиздан «ёши улуғи» Полина Неверова эди. Унинг эри фронтда ҳалок бўлган, шунинг учун доим маъюс тортиб юрарди. Ҳаммамиз ҳарбий кийимда юрардик. Онам биринчи марта мени ҳарбий кийимда кўрганида юзи оқариб кетди:

– Армияга бормоқчимисан?

Мен уни тинчлантиридим.

– Йўғ-е, ойижон. Кўприкларни қўриқлаяпман дедим-ку.

Онам йиғлаб юборди:

– Яқинда уруш тугайди. Сен шинелингни ечасан.

Мен ҳам шундай ўйлардим.

Уруш тугаганидан икки кун ўтиб, қизил бурчакда йиғилиш қилдик. Йиғилишда қўриқлаш хизмати бошлиғи ўртоқ Наумов чиқиши қилди.

– Хурматли жангчилар, – деди у, – уруш тугади. Аммо кечагина Фарбий йўлга ҳарбийлашган қўриқлаш хизмати жангчилари кераклиги хақида буйруқ олдим.

Залдагилардан бири:

– У ерда бендеровчилар бор-ку! – деб қичқирди.

Наумов жим бўлиб қолди, кейин эса:

– Ҳа, қизларим, у ерда бендеровчилар бор. Улар Қизил Армия билан жанг қиляпти. Аммо буйруқ –

бу буйруқ. Уни бажариш керак. Бориши истаганлар қоровулбошига ариза беришингизни сүрайман. Фақат күнгиллилар боради, — деди.

— Биз казармага қайтдик, ҳамма-үз жойига ётди. Сукунат чўмди. Ҳеч ким она юртини ташлаб кетгиси келмасди. Ҳеч ким урушдан кейин ўлишни истамасди. Эртасига яна ҳаммамизни тўплашди. Мен президиум столига ўтирдим, столга қип-қизил дастурхон ташланган. Охирги марта шу ерда ўтираётган бўлсам керак, деб ўйладим. Коровулбоши нутқ сўзлади:

— Бабина, сен биринчи бўлишингни билардим. Қизлар, ҳаммангизга баракалла дейман, қўрқмадингиз. Уруш туғаб, уйга қайтиш мумкин бўлса-да, сизлар она ватанини ҳимоя қилиш учун отланяпсизлар. Икки кундан сўнг йўлга чиқамиз.

...Бизга юк составини жўнаташди, пастга похол тўшалган, димогфа ўт-ўлан хиди уради.

Стрий деган шахар борлигини илгари сира эшиитмаган эканман. Энди бу бизнинг янги хизмат жойимиз бўлди. Менга шахар ёқмади — кичкина, қўримсиз шаҳар, ҳар куни мусиқа янграб, кимнидир кўмишарди. Бу милиционер, ёки коммунист, ё бўлмаса комсомол.

Биз яна ўлим билан юзма-юз келдик. Галя Коробкина билан дугона тутиндик. У ўша ерда ҳалок бўлди. Яна биттаси билан дўстлашдик... Уни ҳам кечаси сўйиб кетишиди... У ерда мутлақо ҳазил қилмай қўйдим, кулишни унутдим...»

*Елена Ивановна Бабина, ҳарбийлашган қўриқлаш хизмати жангчиси*

### Эриб кетған подшипниклар ва русча сўкиниш ҳақида

«Кўйиб қўйгандай отамга ўхшар эканман... Унинг қизи эдим...

Менинг отам, Мирон Ленков, фуқаролар урушида саводи йўқ йигитчадан взвод командиригача бўлган му-

раккаб йўлни босиб ўтган. Ҳақиқий коммунист бўлган. У вафот этганида онам билан Ленинградда қолдик, мендаги барча фазилатлар учун шу шаҳардан миннатдор бўлишим керак.

Китоб жону дилим эди. Лидия Чарская романлари ни ўқиб, йиглаб чиқардим, Тургеневга маҳлиё бўлардим. Шеъриятни севардим...

Қирқ биринчи йилнинг ёзи... Июннинг охирларида бувимнинг олдига Донга бордик. Йўлда кетаётганимизда уруш бошланди. Дарров даштдан чақирув қофозларини олган отлик ҳарбийлар учиб ўта бошлади. Казакларни урушга жўнатаётган казак аёллари куйлашар, ичишар, йиғлашарди. Мен Боковская қишлоғининг туман военкоматига бордим. Қисқа ва лўнда жавоб беришди:

— Урушга болаларни олмаймиз. Комсомолмисиз? Жуда яхши. Колхозга ёрдам беринг.

Дон куйиб кетмаслиги учун уюмларни афараардик. Кейин сабзавотларни терардик. Қўлларимиз қадоқ бўлиб кетган, лабларимиз ёрилган, юзим дашт офтобидан куйиб кетган. Қишлоқ қизларидан деярли фарқим қолмаганди. Фақат кўп шеърларни ёдан билишим ва даладан уйга кетаётганимизда йўл-йўлакай уларни тинмай айта олиш қобилиятим мени улардан ажратиб турарди.

Уруш тобора яқинлашиб келарди. Ўн еттинчи октябрь куни фашистлар Таганрогни қамал қилишди.

Одамлар эвакуация қилинарди. Бувим опам иккала- мизни, жўнатиб, ўзлари қолдилар: «Сизлар ёшсизлар. Қочинглар». Обливская станциясигача беш кун юрдик. Оёқ кийимларимизни ташлаб юбордик, қишлоққа ялангоёқ кириб бордик. Станция бошлиғи ҳаммамизни огохлантириди: «Ёпиқ вагонларни кутиб ўтиранг, очиқларига ҳам ўтириб кетаверинглар. Ҳозир паровоз келтириб, сизларни Сталинградга жўнатаимиз». Омадли эканмиз — биз сули ортилган вагонга тушиб қолдик. Сулига ялангоёқларимизни тикиб олиб, юзимизга рўмол ташлаб олдик... Бир-биrimизни кучоқлаб ухлаб қолдик...

Нонимиз қолмаган, асални еб тугатдик. Охирги кунлары казак аёллар бизга у-бу егулик бериб туришди. Биз уялардик, тұлашга пулнимиз йўқ. Улар эса: «Олинглар, ҳозир ҳаммага қийин. Бир-биримизга ёрдам беришимиз керак», – деб юпатишарди. Мана шу инсоний мәхрни ҳеч қачон унутмайман, деб қасам ичардим. Ҳеч қачон! Асло унутмайман! Унутмадим ҳам.

Сталинграддан пароходда, сүнгра яна поезд билан ярим кеча соат иккода Медведицкое станциясига кириб бордик. Одамларга қўшилиб, перронга чикдик. Иккаламиз иккита сумалакка айланиб қолганимиз учун жойимиздан қимирлай олмай, йиқилиб тушмаслик учун... суюлтирилган кислороддан олиб ерга ташланган ва кўз олдимда парча-парча бўлиб кетган қурбақа сингари тўкилиб кетмаслик учун... бир-биримизга сўяниб турардик. Бахтимизга биз билан бирга келган одамлардан биттаси биз ҳақимизда эслаб қолди. Одамларга тўла от арава келди, бизни арава орқасига боғлаб кўйишиди. Устимизга пахтали тўн кийдиришиди. «Юринглар, бўлмасам исина олмайсизлар. Сизларни аравада олиб кетиб бўлмайди», – дейишиди. Аввалига юролмай йиқилардик, бироқ барibir ўрнимиздан туриб бораардик, кейин ҳатто югурдик. Ўн километрни шу зайл босиб ўтдик...

Франк қишлоғи – «Биринчи май» колхози. Колхоз раиси ленинградлик эканлигим ва ҳатто тўққизинчи синфни битиришга улгурганимни эшитиб хурсанд бўлиб кетди:

– Жуда яхши. Менга ёрдам берасан. Ҳисобчи бўласан.

Хурсанд бўлиб кетдим. Аммо шу пайт раис орқасидаги деворда осилиб турган «Қизлар, ҳамма рулга!» деган плакатга кўзим тушди.

– Конторада ўтирумайман, – дедим раисга. – Менга ўргатишса, трактор ҳайдай оламан.

Тракторларни қор босиб қоларди. Биз уларни қордан тозалардик, темирдан куйиб, уларда тери парчаларимиз-

ни қолдириб трактор қисмларини бўлакларга ажратардик. Занглаган, маҳкам буралган болтлар пайвандлаб кўйилганга ўхшарди. Уларни соат милларига қарши қўзғатишининг уддасидан чиқа олмаганимизда, уни соат милига қараб бураб кўрардик. Аксига олиб... Айни шу пайт... Ерданми, кўйданми бригадир Иван Иванович Никитин, биттаю битта ҳақиқий тракторчи ва бизнинг устозимиз пайдо бўларди. У бошини чанглаб, бўралаб сўкарди. Эҳ, сеними! Э, онангни... Унинг сўкиши инграшга ўхшарди. Аммо барибир бир марта йифлаб юбордим...

Далага орқамачалаб чиқдим: СТЗнинг тезликлар кутисидаги шестерналаримнинг аксарияти «тишсиз» эди. Фоям оддийгина: йигирма километр юриб биронта трактор албатта ишдан чиқади ва шунда унинг тезлашилар кутисини меникига қўйишади. Шундай бўлди ҳам. Мендай тракторчи қиз Сарочка Гозенбук, радиатордан сув чиқаётганини сезмай, моторни бузиб қўйди. Эҳ, сени! Онангни...

Урушгача велосипед ҳайдашни ҳам билмасдим, энди эса трактор миняпман. Барча қоидаларни бузиб, очик ўт олиш усули билан моторни узоқ қиздирадик. Шинани кериб, фидиракка кийгизишини ҳам ўрганиб олдим. Бундай муолажадан кейин тракторни қандай ўт олдириш мумкин – айлантира олмайсан, ярим бураб ўт олдиролмайсан... Мой ва ёнилғи ҳарбий режим бўйича берилади. Ҳар бир томчи учун эриб кетган подшипникдай бошинг билан жавоб берасан. Эҳ, сени! Онангни... Ҳар бир томчи учун...

Ўша куни... Далага чиқишдан олдин мойни текшириш учун картер жўмрагини очдим. Зардобга ўхшаган нарса чиқди. Бригадирга янги автол куйиш кераклигини айтдим, у ёнимга келиб, бир томчисини бармоқлари орасида ишқаб, негадир хидлаб ҳам кўриб: «Қўрқманг! Яна бир кун ишласангиз бўлади», – деди. Йўқ деб туриб олдим: «Мумкин эмас деб ўзингиз айтгансиз...» Гапим-

ни оғзимдан юлиб олди: «Сизларга ўргатиб, соғ бошимга савдо орттирудим. Шаҳарлик ойимчалар! Жа аклли бўлиб кетибсизларми. Эҳ, сени! Онангни... Ҳайдаб кетдим. Иссиқ, трактор тутаяпти, нафасим қайтиб кетяпти, буларни қўяверинг: подшипниклар нима бўлди? Тақиллаяпганга ўхшайди.

Тракторни тўхтатсам, тақиллаш ҳам тўхтайди. Юрсам – яна тақиллади! Кейин эса ўринидигимнинг тагида тақиллай бошлади – так, так, так! Моторни ўчираман, кузатув люкларига югуриб келиб қарасам – иккита шатунли подшипниклар тамом эриб кетибди! Ерга чўккалав, филдиракни қучдим ва уруш бошланганидан бери иккинчи марта йифлаб юбордим. Ўзим айборман: ахир мойни текширгандим-ку! Бригадир сўкканидан кўрқиб, чиқавердим. Ўзини бўралаб сўкмайманми. Э, йўқ, ўзимча ўқимишлиман.

Қандайдир шовқин эшитилди. Вой бўй! Колхоз раиси, МТС директори, сиёсий бўлим бошлиғи, ва албатта бригадирим келяпти. Ҳаммаси уни деб бўлди! У эса жойидан қимирлолмай турибди. Ҳаммасини тушунди. Жим турибди. Эҳ, сени! Онангни...

МТС директори ҳам ҳаммасини тушунди:

- Нечта?
- Иккита, – дедим.

Ҳарбий қонун-коидаларга кўра бунинг учун судда жавоб бериш керак. Беписандлик ва зарар етказиш моддалари билан.

Политотдел бошлиғи бригадирга юзланди:

– Нега қизларингни асрмайсан? Бу гўдакни қандай килиб судга бераман!

Ёлиғлиқ қозон ёпиқлигича қолди. Оғзаки танбех билан кутулиб кетдик. Аммо бригадир менинг олдимда бошқа сўкмайдиган бўлди. Менга юқтириди... Эҳ, сени! Онангни... Шундай сўкинардимки...

Кейин қувончли ҳодиса юз берди: онамиз топилди. У ёнимизга келди, оиласиз тикланди. Онам менга:

— Мактабга боришинг керак деб ўйлайман, — деб қолдилар.

Аввалига тушунмадим:

— Қаерга?

— Ўнинчи синфни ўрнингга мен ўқийманми?

Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг фашистларнинг тъзирини бериш ўрнига яна мактаб партасига ўтириш, масала ечиш, иншо ёзиш, немисча феълларни ёдлаш менга бемаънилик бўлиб туюларди! Ахир душман Волга ёқасига етди-ку!

Бироз кутсам бўлгани: тўрт ойдан сўнг ўн еттига тўламан. Ўн саккиз бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ўн етти. Ўшанда ҳеч ким мени уйга жўнатолмайди! Ҳеч ким! Райкомдан силлиқкина ўтдим, аммо военкоматда бироз тер тўкишимга тўғри келди. Ёшим, кўриш қобилиятим пастлиги панд бериб қўйди. Аммо биринчиси иккинчисига ёрдам берди... Гап ёшим ҳақида кетганида, военкомни бюрократ деб ҳақорат қилдим... очлик эълон қилдим... Олдига ўтириб олиб, икки кун жойимдан жилмадим. Олдимга қўйган нон ва қайнаган сувни суриб қўявердим. Очимдан ўламан, ўлишдан олдин эса ўлимимга ким айбдор эканлигини ёзиб қолдирман, деб хархаша қилдим. Гапимга ишониб қўрқиб кетди дея олмайману, аммо ҳар ҳолда медкомиссиядан ўтиб келишга жўнатди. Ҳаммаси бир хонада бўляпти. Ёнма-ён. Шифокор кўзимни текшириб, бош чайқаганида, военком бекорга оч ўтирибсан, деб кулиб юборди. Менга раҳми келди. Аммо мен очлиқдан кўзим кўрмай қолди, деб баҳона қилдим. Дераза олдига, лаънати жадвалга яқинроқ бориб, йиғлаб юбордим. Роса йиғладим... Пастки қатордаги ҳарфларга кўз қиримни ташлаб, уларни ёдлаб олдим. Кейин эса ёшлирамини артиб, комиссиядан қайта ўтишга тайёр эканлигимни айтдим. Ўтдим ҳам.

Кирқ иккинчى йилнинг ўнинчи ноябрь куни буюрлгандаи ўн кунлик озука фамлаб биз (йигирма бешга яқин киз) эскигина юк машинаси юкхонасига ўтириб олиб, «фуқаролар урушига» сўзларини «юртни халос этишга» сўзлари билан алмаштириб, «Буйруқ келди» кўшигини хиргойи қилиб борардик. Биз қасамёд қилган Камишин деган жойдан Волга дарёсининг чап қирғоги бўйлаб пиёда Капустин Яргача бордик. У ерда захирадаги полк жойлашган экан. Ўша ерда, минглаб эркақлар орасида ҳатто кўринмай ҳам қолдик. Турли частлардан «харидор»лар келиб, таркибларини тўлдириб кетардилар. Бизларга эса аҳамият ҳам беришмасди. Доим бизни четлаб ўтардилар...

Йўлда Аннушка Ракшенко ва Ася Басиналар билан дўстлашиб олдим. Иккаласининг ҳам касби йўқ, мен эса ўз касбимни ҳарбий касб деб ҳисобламасдим. Шунинг учун, қандай касб эгаси кераклигидан қатъи назар, ҳар қандай касбни тезда ўрганиб оламиз деб, учаламиз бирга бир қадам олдинга ташлардик. Аммо бизни олишмасди.

Бироқ «Ҳайдовчи, тракторчи, механиклар – уч қадам олдинга» деган буйругини эшитиб, саф олдига чиққанимизда «харидор» – ёшгина лейтенант менинг ёнимдан ўтиб кета олмади. Чунки мен уч эмас, беш қадам олдинга ташлагандим. У тўхтаб қолди:

– Нега фақат эркакларни оляпсиз? Мен ҳам тракторчиман!

Ў хайрон бўлди:

– Йўғ-е? Қани, тракторнинг иш тартибини айтиб бер-чи.

– Бир, икки, уч, тўрт.

– Подшипникларни эритмаганмисан?

Иккитасини эритиб юборганлигимни очиқ-ойдин айтдим.

– Яхши. Оламан. Тўғрисини айтганинг учун. – Бoshини ирғитиб, йўлида давом этди.

Дугоналарим ҳам ёнимга туриб олишди. Икки томондан. Катта лейтенант буни табийдек қабул қилди. Эх, сени! Онангни...

Часть командири, янги келганлар билан танишаётиб, катта лейтенантга савол берди:

— Бу қизларни нега олиб келдинг?

У эса, хижолат бўлиб, бизга раҳми қелганини айтди: бошқа жойга тушиб қолса, беданадай териб ташлашади.

Командир хўрсинди:

— Майли. Бирини — ошхонага, иккинчисини — омборхонага, сал саводи борини — штабга, ёзиб-чишишга. — Бироз жим турдию, кейин қўшиб қўйди: — Хуснингизни увол қилманглар.

Мен энг «саводлиси» эдим, бироқ ёзиб-чишиш менга тўғри келмайди! Хуснга бало борми?

Харбий низомни унутиб, тутаб кетдим:

— Биз — кўнгиллилармиз! Она юртимизни химоя қилгани келдик. Биз фақат жанговар бўлимларга борамиз...

Полковник негадир дарров рози бўлди:

— Жанговар бўлса, жанговар-да. Иккаласини — кўчма устахоналарга, дастгоҳлар олдига, мана бу тили икки каричини эса — мотор йиғишга.

Шу тариқа қирқ тўртинчи автобронетанк дала устахонасидаги хизматимиз бошланди. Бизни фиддиракли завод деса ҳам бўлади. Машиналарда — уларни летучка дейишарди — фрезерли, йўниш, силлиқлаш, токарлик дастгоҳлар; электростанция, подшипникларга баббит қуиши ускунаси, вулканизация жойлашган. Дастгоҳларда иккитадан киши ишларди. Ҳар бири бир дақиқа дам олмасдан ўн икки соатлаб ишларди. Тушлик, кечки овқат, нонушта вақтида шериги ишлаб турарди. Кимдир нарядга бориши керак бўлса, бошқаси йигирма тўрт соат ишларди.

Ёмғир, қор, лой балчиқда, бомба остида ишлашарди. Энди ҳеч ким бизнинг ҳуснингизни гапирмасди.

Бироқ чиройли қизларни урушда күпроқ аяшарди. Буниси рост... Уларни күмәётгандың ортасынан... Онасига қорахат ёзаётгандың хам... Эх, сени! Онангни...

Мен ҳозир күп туш күраман... Туш күришимни аник биләман, аммо уларни эслаб қололмайман.

Бироқ мен қаердадир бүлгандай бүламан... У ердан қайтиб келдим... Түштә ҳаётда бир неча йиллар содир бүләдиган воқеалар бир зумда бўлиб ўтади. Баъзан эса тушимми, ўнгимми, англолмай қоламан... Менимча, бу Зимовникда бўлган бўлса керак, бир-икки соат мизғиб олай деб ётган эдим, портлаш эшишилди. Эх, сени! Онангни... Ўзимни икки соатли саодатдан маҳрум қилгандан кўра ўлдиргани яхши. Ёнгинамизда нимадир портлади. Уй қимирилаб кетди. Кўзларим эса юмилиб кетяпти...

Мен қўрқмасдим, менда бу туйғу йўқ эди. Қасам ичаман. Фақат энг ашаддий ҳужумлардан кейин коваги бор тишим зирқиради. Озгина, күп эмас. Агарда урушдан сўнг бир неча йил ўтиб баданимнинг турли нуқталаридаги доимий, чидаб бўлмас ва мутлақо тушунарсиз оғриқлар туфайли мутахассисга мурожаат қилишга мажбур бўлмаганимда, ҳозиргача ўзимни довюрак қиз деб юрган бўлардим. Жуда тажрибали невропатолог ёшим нечадалигини билиб, ҳайратдан ёқасини ушлади:

— Йигирма тўрт ёшга келиб, бутун вегетатив тизим ишдан чиқса-я! Бундан бўён қандай яшамоқчисиз?

Яхши ҳаёт кечирмоқчилигимни айтдим. Биринчидан, мен тирикман! Тирик қолишни қанчалик орзу қилганман! Ҳа, мён тирик қолдим, аммо урушдан кейинги бир неча ойлик ҳаётимдан сўнг бўғимларим шишиб кетди, ўнг қўлим бутунлай ишдан чиқиб, қаттиқ оғрий бошлади, кўриш қобилиятим янайам пасайди, буйрагим пастга тушиб кетган, жигарим қийшайган, вегетатив асад тизими бўткул издан чиқсан. Бироқ бутун уруш давомида ўқийман деб орзу қиласардим. Университет мен учун ик-

кинчи Сталинград бўлди. Уни бир йил олдин тугатдим,  
бўлмасам, тугата олмасдим, кучим етмасди. Тўрт йил  
қишин-ёзин биргина шинел ва ранги ўчиб кетган гимна-  
стёркада юриш... Эҳ, сени! Онангни...»

*Антонина Мироновна Ленкова, дала автобронетанк  
устахонаси автослесари*





## «АСКАРЛАР КЕРАК ЭДИ... МЕН ЭСА ЯНА БИРОЗ ЧИРОЙЛИ ЮРМОҚЧИ ЭДИМ...»

Бир неча йил ичида юзлаб хикоялар ёздим... Китоб жавонимда юзлаб кассеталар ва минг-минг бет матн тахланган. Тинглайман, мағзини чақаман....

Уруш олами менга ўзгача бир киёфада намоён бўлмокда. Илгари ўзимга қандай қилиб йиллар мобайнида тўлиқ жихозланмаган окопларда ёки гулхан ёнида заҳерда ётиш мумкин, этик ва шинелларда юриш ва ниҳоят, кулмай, рақс тушмай юриш мумкин деган саволларни бермасдим. Қандай қилиб ёзги кўйлак киймаслик, туфли ва гулларни унутиш мумкин... Ахир улар ўн саккиз йигирма ўшли дуркун қизлар эди! Мен урушда аёллар ҳаётига ўрин йўқ деб ўйлар эдим. Бунинг иложи йўқ, у тақиқланган. Аммо адашган эканман... Тез орада, илк учрашувлардан кейиноқ аёллар нима ҳақда ўйламасин – ўлимми, бошқами, улар доим гўзаллик ҳақида гапиради: гўзаллик аёлларнинг яшаш шаклидир: «Тобут ичида ётган дугонамиз шунчалик гўзал эдики... Янги тушган келинчакдай...» (*A. Строцева, пиёда*) ёки: «Менга медаль топширишлари керак эди, эгнимдаги гимнастёркам эскириб кетган. Ҳар холда оқ-ку деб, ёқамга дока тикиб олдим. Ўшанда хаёлимда ҳаммадан гўзал эдим. Ўзимни кўрай десам, ойна ҳам йўқ. Бомбалардан ҳеч вақомиз қолмаган...» (*H. Ермакова, алоқачи*). Болаларча беғубор ҳийлалари, кичик сирлари, кўз илғамас ишоралари, урушдаги «эркаклар» ҳаётида ҳам ўзлигини йўқотмасликка ҳаракат қилишгани ҳақида тўлиб-тошиб, завқу шавқ билан гапиришади. Ўз табиатига содик қолишган. Уларнинг хотираларида (кирқ йил ўтганига қарамай) харбий

турмушнинг кўплаб майда-чуйда нарсалари сақланиб қолган. Деталь, ранг, бўёқ, товуш. Уларнинг оламида турмуш ва борлиқ ажиб тарзда уйғунлашган, турмуш воқелиги ўзича қадрли, урушни ҳаётининг бир қисми сифатида эслайдилар. Оддий турмушдаги шунчаки воқеалар эмас. Уларнинг сұхбатларида кичик нарсалар улкан воқеалар, ҳатто тарихни ҳам босиб кетишини бир неча бор кузатганман. «Баъзан фақат урушдагина чиройли бўлганимдан хўрлигим келади... Гуллаган даврим уруш йилларига тўғри келди. Куйиб адо бўлдик. Кейин қандай қариб қолганимни ҳам билмай қолдим...» (*Анна Галай, автоматчи*).

Ўтиб кетган йиллар нигоҳи билан қараганда айрим воқеалар йириклишиб, бошқалари майдалашади. Инсоний, шахсий нарсалар йириклишади, улар менга, ва энг қизиги, уларнинг ўзларига ҳам қизиқроқ ва яқинроқ туюлади. Инсонийлик у инсоний бўлгани учунгина файри-инсонийликни енгади. «Кўз ёшларимдан кўркма. Афсус чекма. Бу қанчалик оғир бўлмасин, ёшлигимни эслаганимдан сендан миннатдорман...» (*К.С. Тихонович, сержант, зенитчи*).

Бундай урушни ҳам билмасдим. У ҳақда тасаввур ҳам қилмаганман...

### **Эркакча этик ва аёллар шляпаси ҳақида**

«Юмронқозиқдек ер тагида яшардик.... Аммо баъзи ялтир-юлтириларимизни асраб қолгандик.

Баҳор кунлари новдаларни олиб, гулдонга солиб қўярдик. Уларга қараб кўзинг қувнайди. Эртага биздан асар ҳам қолмаслиги мумкин-ку, бу ҳақда ичимиизда ўйлардик. Ҳаммасини эслаб қолишга ҳаракат қиласан... Бир қизимизга уйдан тивит кўйлак жўнатишиди. Унга ҳавас қиласардик, бироқ кўйлак кийиб юриш мумкин эмасди. Старшинамиз эса, эркак киши: «Ундан кўра чой-

шаб жүнаташмайдими? Фойдалироқ бўларди», — деди. Чойшабимиз, ёстикларимиз йўқ. Шоҳ-шаббалар, похол устїда ётардик. Исиргаларимни беркитиб қўйгандим, кечқурун ётиш олдида уларни тақиб олардим..

Биринчи марта контузия олганимда, қулокдан ҳам тилдан ҳам қолгандим. Овозим тиқланмаса, ўзимни поезд остига ташлайман деб ўзимга сўз бердим. Яхшигина қўшиқ айтардим. Энди эса овозим йўқ. Бироқ овозим тикланди.

Хурсанд бўлиб, зиракларимни тақиб олдим. Нағбатчиликка келдим, оғзим қулогимда:

— Ўрток катта лейтенант, навбатчи фалончи маълум килади...

- Бу нима?
- Нима нима?
- Йўқол кўзимдан!
- Нима бўлди?
- Сирғалар дарҳол ечилсин! Бу қандай аскар бўлди?

Катта лейтенант кўркам йигит эди. Ҳамма қизларимиз унга ошиқ бўлганди. У бизга урушда аскарлар ва фақат аскарлар керак дерди. Аскар керак... Чиройли бўлгимиз ҳам келарди... Бутун уруш давомида оёқларимдан айрилишдан кўрқардим. Оёқларим жуда чиройли бўлган. Эркакларга нима? Оёқларини кесиб ташласа ҳам, бунинг кўрқинчли томони йўқ. У— барибир қаҳрамон. Куёв! Аёл шикастланса, унинг такдири ҳал қилинган бўлади. Аёл қисмати...»

*Мария Николаевна Шчелокова, сержант, алоқа бўлими командири*

«Уруш тугагунча кулиб юрдим... Мен кўпроқ табассум қилишимиз керак деб ўйлардим, чунки аёл нур таратиши керак. Фронтга боришдан олдин қари профессор шундай ўргатарди: «Хар бир ярадорга уни яхши кўришингизни айтишингиз керак. Энг кучли дорингиз сизнинг муҳаббатингиз. Муҳаббат кутқаради, куч беради

ди». Ярадор олдидасиз, у оғриқдан инграйди, сиз эса унга: «Жоним, сабр қил. Асалим, чида...»

— «Мени яхши кўрасанми, синглим?» (Улар ҳаммазини ёш бўлганимиз учун «синглим» дейишарди.)

— Албатта яхши кўраман. Фақат тезроқ соғайгин.

Улар биздан хафа бўлишлари, бизни сўкишлари мумкин эди, биз эса асло. Биргина қўпол сўз учун бизни қаттиқ жазолашарди, ҳатто гауптвахтага ўтқазишарди.

Кийин... Сўзсиз, кийин... Ҳатто атрофда нуқул эркаклар бўлганда, машинага юбкада чиқиш — шу ҳам жуда қийин. Юк машиналари эса жуда баланд, махсус санитар машиналари-чи? Энг тепасига чиқиб кўр-чи! Кўлингдан келармикан...»

*Вера Владимировна Шевалдишева, катта  
лейтенант, жарроҳ*

«Бизга вагон жўнаташиди... Юк вагони... Ўн иккита қизмиз, қолганлари эркак. Ўн-ўн беш километр юриб, тўхтамиз. Ўн-ўн беш километр юрамиз, яна турамиз. На сув бор, на ҳожатхона... Тушунтира олдимми?

Эркаклар поезд тўхтаганда, олов ёқиб, битларини тўкишади, устларини қуритиб олишади. Биз-чи?

Бирон панароқ жой топиб, ўша ерда ечинамиз. Тўқилган свитерим бўларди, унинг ҳар бир миллиметрига, ҳар бир илмоғига бит ўрнашиб олган. Кўриб, кўнглинг айнийди.

Бош, кўйлак ва қов битлари бўлади... Менда уларнинг ҳаммаси бор эди... Бироқ эркаклар билан... Уларга қўшилиб битларимни оловда куйдирмайман-ку. Уяламан. Свитеримни отиб юбордим, биттагина кўйлакда қолдим. Станциялардан бирида бир аёл менга ўзининг жемферини, эски туфлисини олиб чиқиб берди.

Узок йўл юрдик, кейин яна узок пиёда бордик. Қаҳратон совук. Йўл бўйи кўлимдан ойна тушмади: янокларим музламадими деб қараб борарадим. Кечга томон қарасам, иккала юзим ҳам музлаган. Аҳмоқ бўлган

эканман... Юзинг музласа, оқаради деб эшитгандим. Менники эса қип-қизил эди. Доим музлаган бўлса эди, деб борзу қиласдим. Эртасига юзларим қорайиб кетди...»

Надежда Васильевна Алексеева, оддий аскар, телеграфчи

«Чиройли қизларимиз кўп эди... Ҳаммомга бордик, ҳаммом қошида сартарошхона бор экан. Бир-биримизга қараб қошлиримизни бўядик. Командир роса таъзиримизни берди: «Жангга келдингларми, ё эр танлаганими?» Кечаси билан йиғлаб чиқдик, бўёқларни ўчирдик. Эртасига эса ҳар биримизнинг олдимизга келиб, такрор-такрор айтарди: «Менга ойимчалар эмас, аскарлар керак. Ойимчалар урушда тирик қолмайди». Командиримиз жуда қаттиқўл эди. Урушгача математика ўқитувчиси бўлган...»

Анастасия Петровна Шелег, кичик сержант,  
аэростатчи

«Иккита умр кечирдим – бири эркакча, бири аёллар хаёти...»

Ўкув юртига келганимда ҳарбий интизомга дуч келдим: ўкув машғулотларида ҳам, сафда ҳам, казармада ҳам – ҳаммаси низом бўйича. Биз аёлларга ҳеч ким истино қилмасди. «Гап-сўзни йифиштиринг!», «Гап-сўз!» деган ҳайқириқларни эшитавериб, чарчаб кетардик. Оқшом чўккач, бироз ўтириб, кашта тиккимиз келарди... Аёллигимиз эсимизга тушиб кетарди... Аммо бунга сира рухсат берилмасди. Асло. Ахир биз уйсиз қолдик, рўзгор ташвишларидан озод бўлдик, бу ғалати туюларди. Дам олишга бир соат вакт беришарди: Ленин хонасида ўтирадик, уйга хат ёзардик, эркин юриш, гаплашишга рухсат бериларди.

Аммо қаттиқ кулиш, баланд овозда гапириш мумкин эмас.

- Кўшиқ айтишга рухсат беришармиди?
- Йўқ, мумкин эмас.
- Нега мумкин эмас?
- Мумкин эмас. Сафда юрганингда, буйруқдан сўнг кўшиқ айтсанг бўлади. «Кўшиқ а-а-айтинг!» деб буйруқ бериларди.
- Сафдан ташқарида айтса бўлмайдими?
- Йўқ. Низомга тўғри келмайди.
- Бунга кўничиш қийин бўлганми?
- Менимча, бунга асло кўникмадим. Энди кўзинг илинса: «Уйғон!» деган буйруқ эшитилади. Яшин тезлигида ўрнимиздан турамиз. Кийинишга тушасан, кизларнинг кийими эркакларнидан кўпроқ, бирини кўлингга олсанг, иккинчиси тушиб кетади. Ниҳоят, камарни белга тақиб, ечиниш хонасига чопасан. Йўлйўлакай шинелни олиб, қуролхонага отиласан.

У ерда елкангга филоф ташлаб, камарингдан ўтказиб, ўқдонни тақасану, амаллаб иласан. Винтовкани олиб, йўл-йўлакай затворини ёпасану, тўртінчи қаватдан пастга учиб тушасан. Сафда қолган жойларингни тартибга келтириб оласан. Буларнинг ҳаммасига саноқли дақиқалар берилади.

Бу воеа эса фронтда бўлган... Этигим уч ўлчам катта эди, букилиб, орасига чанг ўрнашиб олган. Уй эгаси иккита тухум олиб келиб берди: «Ма, буларни олгин, этинг устухонингга ёпишиб қолибди, йўлда йиқилиб қолмагин тағин». Мен эса, секингина, унга кўрсатмасдан, иккита тухумни чақиб, улар кичкинагина эди, этигимни тозалаб олдим. Албатта, корним жуда оч эди, аммо аёллигим устун келди – чиройли кўрингим келарди. Шинель бадани қанчалик ишқаб ташлашини биласизларми, шинель, камарга ўхшаган нарсаларнинг ҳаммаси оғир, бу – эркакларнинг кийими. Шинелнинг бўйинни ишқаб ташлашига дош беролмасдим. Этикларни ҳам ёқтирмасдим. Юришимни ўзгартириб юборарди. Ҳамма нарсани ўзгартириб юборарди...

Доим маъюс тортиб юрганимизни эслайман. Доим маъюс...»

*Станислава Петровна Волкова, кичик лейтенант,  
сапёрлар взводи командири*

«Бизларни аскарларга айлантириш осон кечмади...  
Осон бўлмади...

Кийим-кечаклар берилди. Старшина сафга тортди:

— Оёқ учини текисланг.

Текислаймиз. Оёқ учи текис бўлгани билан ўзимиз орқада қолиб кетдик, чунки этикларимиз қирқинчи — қирқ биринчи ўлчамда. У эса:

— Оёқ учи, оёқ учи! — деб бақиргани бақирган.

Кейин эса:

— Курсантлар, тўртингчи киши кўкраги!

Бу, албатта, қўлимиздан келмайди, у эса бор овози билан:

— Гимнастёрка чўнтағига нима солиб олгансиzlар?

Ўзимизни кулгидан тиёлмаймиз.

— Кулманг, — асабийлашади старшина.

Саломлашишни аниқ ва тўғри ижро қилиш учун стуллардан тортиб деворга илингандан плакатларгача салом бердиради. Бизларни аскар қиласман дегунча соchlари оқарди.

Бир шаҳарда бизни саф билан ҳаммомга олиб келишди. Эркаклар эркаклар бўлинмасига, биз эса — аёлларникига. Ҳаммомдаги аёллар эса: «Аскарлар!» деб бақир-чақир қилиб кетишди, қўллари билан авратини беркитишади. Соchlаримиз кесилган, эгни мизда аскарлар кийими — эркакми аёлми фарқлаб бўлмайди.

Яна бир куни ҳожатхонага борсак, аёллар милиционерни етаклаб келишибди. Биз унга:

— Қаерга боришимиз керак унда? — деб савол бердик.

Жаҳли чиқиб, аёлларга бақириб кетди:

- Қызлар әкан-ку!
- Қанақа қызлар, булар аскарлар-ку...»

*Мария Николаевна Степанова, майор, ўқотар қорпуси  
батальонининг алоқа бошлиғи*

«Факат йўлни эслайман. Узун йўл... Олдига, орқага...

Иккинчи Беларусь фронтига келганимизда, аёлларга олдинги маррада нима бор деб, бизни дивизия штабида қолдиришмоқчи бўлишиди. Биз эса: «Йўқ, биз снайпермиз, бизни керакли жойга жўнатинг», –деб туриб олдик. Бизга: «Сизларни бир полкка жўнатамиз, унинг командири яхши одам, аёлларнинг қадрига етади», – дейишди. Ҳар хил командирлар бўлган. Буни бизга очиқ-оидин айтишиди.

Бу полковник бизни шундай сўзлар билан кутиб олди: «Қызлар, менга қаранглар, жанг қилишга келдингларми, жанг қилинглар, бошқа нарсани хаёлларингга ҳам келтирманглар. Атроф эркакларга тўла, аёллар йўқ. Буни сизларга қандай бошқачароқ тушунтиришни ҳам билмайман. Уруш, қизларим...» Биз ҳали гўдак эканлигимизни у яхши тушунарди. Самолётлар биринчи марта хужум қилганида, ерга ўтириб олиб, бошимни қўлларим билан чанглаб олдим, кейин эса қўлим ҳам кераклигини ўйлаб қолдим. Ўлишга ҳали тайёр эмасдим.

Германияда бўлган бир воқеа эсимда... Эсласам, кулгим қистайди! Бир немис шаҳарчасида бир кечага шу кунгача одамлар яшаган қасрга жойлаштиришди. Хоналари кўп, катта-катта хоналар. Хоналарини кўриб оғзингиз очилади! Жавонлари бежирим кўйлакларга тўла. Қызларнинг ҳаммаси ўзига кўйлак танлаб олди. Менга бир сарик кўйлак ва битта халат ёқиб қолдай. Халатнинг чиройлилигини кўрсангиз эди, сўз билан тарьифлаб бўлмайди – узун, енгилгина халат... Пар дейсиз! Ухлаш вақти келган, ҳаммамиз итдек чарчаганмиз. Кўйлакларни кийиб, ечинмасдан ухлаб қолдик. Ёқтирган кийимларимизни кийиб олдигу, уйкуга кетдик.

Мен эгнимдаги күйлак ва халатимда ётдим...

Яна бир куни ташландик шляпа устахонасида хар биримиз биттадан шляпа кийиб олдик. Шляпада күпрөк бўлиш учун туни билан ўтириб ухлаб чиқдик. Саҳарда туриб... яна бир марта ойнага қараб... хаммасини ечдик. Яна гимнастёрка, шимларимизни кийиб, йўлга отландик.

Ўзимиз билан ҳеч нарса олмасдик. Йўлда игна ҳам оғирлик қиласарди. Қошиғимизни этик қўнжига тиқиб кетаверардик...»

Белла Исааковна Эпштейн, сержант, снайпер

«Эркаклар... Улар... бизни ҳар доим ҳам тушунаверишмасди...

Бироқ полковник Птицинни жуда яхши кўрадик. «Ота» деб чақирадик. У бошқаларга сира ўхшамасди, аёл қалбини тушунарди. Москва остонасидамиз. Чекинялмиз. Энг оғир дамлар. У бизга шундай деди:

— Қизлар, Москва яқин. Сизларга сартарош олиб келаман. Қошингизни, кипригингизни бўянг, сочингизни турмакланг. Бу мумкин бўлмаса ҳам, чиройли бўлишингизни истайман. Уруш ҳали узок давом этади... У яқин орада тугамайди...

Чинданам бир сартарош аёлни олиб келди. Сочларимизни турмаклаб, бўяниб олдик. Хурсандлигимизни кўрсангиз эди...»

Зинаида Прокофьевна Гомарева, телеграфчи

«Ладога кўлидаги муз устидан хужумга борардик... Шу заҳоти шиддатли ўққа тутилдик. Атроф — сув, ўқ еган одам дарҳол кўл тубига шўнгийди. Мен эмаклаб юриб, ярадорларни боғлаяпман. Биттасининг ёнига келсам, оёқларидан ўқ еган, хушидан кетяпти, аммо мени итариб, ўзининг «сидор»и, қопига қўл чўзяпти. Ўзининг «НЗ» сини қидиряпти. Ҳеч бўлмаса, ўлимдан олдин тўйиб еб олиш учун... Музга чиқишдан олдин, озиқ-

овқат олғандик. Мен унинг ярасини бояламоқчи бўлсам; у қопини титкилади, ҳеч бош бергиси келмайди: эркаклар очликка чидай олишмасди. Улар очликдан кўра ўлимни афзал кўришарди...

Ўзим ҳақимда нимани эсладим, биласизми... аввалига ўлимдан кўрқасан... Ажабланиш ҳам, қизиқувчанлик ҳам бирдай қалбингда хукмронлик қиласди. Кейин эса, чарчаганингдан иккаласи ҳам ғойиб бўлади. Доим имкониятингдан ортиқ даражада ишлайсан. Силланг қурийди. Қалбингда биргина қўрқув қолади – бадбашара бўлиб ўлиш. Аёлларга хос қўрқув... Снаряд билан парча-парча бўлиб кетмасайдим, дейсан ичингда... Мен буни биламан... Ўзим одам қолдиқларини терганман...»

*Софья Константиновна Дубнякова, санинструктор*

«Ёмғир тиним билмай ёғарди... Лой кечиб юрибмиз, одамлар бу лой ботқоқда қулаб, қайтиб туролмайди. Яралангандар, ўликлар.

Сира бу ботқоқликда ўлгим келмасди. Сассиқ ботқоқликда. Ёшгина қизалоқ қандай қилиб шу ботқоқликда ётади... Бошқа сафар эса, бу Белоруссиянинг Оршан ўрмонларида бўлган. Шумурт буталари. Бойчечаклар. Ўтлоқ мовий гулларга тўла! Мана шундай гулзорда ўлсам майли эди! Шу ерда, гулларга бурканиб ётсам... Тентак эканман, эндиғина ўн еттидаман... Ўлимни шундай тасаввур қиласдим...

Мен ўлиш қаергадир учиб кетиш деб тасаввур қиласдим. Бир марта кечаси ўлим ҳақида гаплашганимиз, фақат бир марта. Бу сўзни тилга олишга қўрқардик...»

*Любовь Ивановна Осмоловская, оддий аскар, разведкачи*

«Полкимиз фақат аёллардан иборат эди... Фронтга қирқ иккинчи йилнинг май ойида чиқдик...

Бизга «По-2» самолётини беришди. Кичкина, секин ҳаракатланувчи самолёт. У баланд учолмасди, ер

бағирлаб парвоз қиласы. Шундоққина ер устида! Уруш-гача ундан-аэроклубдаги ёшларни учишга ўргатыш учун фойдаланишарди. Аммо уни-жарбий мақсадда ишлатишади деб ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Бұ ёғоч конструкцияли самолёт фанерадан ясалып, перкаль билан қопланарди. Аникроғи дока билан. Нишонга түғри олинса, самолёт ерга тушишга ултурмасданоқ ёниб кул бўларди. Гугурт чўпидек. Ягона салмоқли металл детали – унинг М-II русумли мотори. Кейин, уруш охирига келиб, бизга парашют ажратиб, штурман кабинасига пулемёт қўйиб беришди. Унгача ҳеч қандай курол бўлмаган, пастки сатҳлардаги тўртта бомбаушлагичдан ташқари ҳеч нарса йўқ эди.

Хозир бизларни камикадзе деб аташган бўларди. Балки, ростдан ҳам, ҳақиқий камикадзе бўлгандирмиз. Ҳа! Биз камикадзе эдик! Аммо ғалаба бизнинг ҳаётимиздан юқорироқ қадрланарди. Ғалаба!

Бунга қандай чидадингиз деб савол берасизми? Жавобимни тингланг...

Нафақага чиқишдан олдин ортиқ ишламайманми деган хәёлнинг ўзи мени касал қилиб қўйди! Нега эллик йилдан сўнг иккинчи институтни тамомладим? Тарихчи бўлдим. Бир умр геолог бўлганман. Бироқ яхши геолог доим далада бўлиши керак, мен эса олдингидай бақувват эмасдим. Шифокор келиб, кардиограмма қилиб, сўради:

- Қачон инфаркт бўлгансиз?
- Қанака инфаркт?
- Юрагингиз чандиққа тўла.

Чандиқлар урушдан мерос бўлиб қолган бўлса керак. Нишон устидан парвоз қиласану, бутун танангни титроқ босади. Қалтираб кетасан, чунки пастда олов: қирувчи самолётлар, зениткалар – ҳаммаси сени нишонга олиб, олов очади... Айрим қизларимиз кетишга мажбур бўлишди, юраклари дош бермади.

Асосан кечаси учардик. Бир-икки марта бизни топшириқ бажаришга кундузи жўнатиб кўришди, аммо

бу фикрдан дарров қайтишди. Бизнинг «По-2» самолёт-ларимизни автоматдан ҳам отиб йиқитса бўларди...

Бир кечада ўн икки мартараб учардик. Жанговар вазифадан қайтган машхур ас учувчи Покришкинни кўришга мұяссар бўлганман. У бакувват киши эди. Бизга ўхшаб йигирма-йигирма уч ёш эмас: самолётга ёнилгий куйгунча, техник ходим устидаги кўйлатини ечиб, сиқиб олишга улгуради. Ёмғир тагида қолгандай сув окарди. Энди эса бизларнинг ахволимизни тасаввур қилиб кўринг. Учиб келганда, кабинадан чиколмасдик, бизни олиб чикишарди. Планшетни кўтаролмасдик, ердан судраб кетардик.

Куролсоз қизларимиз меҳнатини айтмайсизми! Тўртта бомба – бу тўрт юз кило юк дегани – қўлда машинага юклаш керак бўларди. Туни билан бу такрорларди – битта самолёт учиб кетса, иккинчиси келарди. Организм шу қадар мослашардик, бутун уруш давомида ўзимизни эркакдек хис қиласдик. Аёлларга хос нарсалар ҳам бўлмасди... Ҳайз дегандек... Ўзингиз тушунасиз-ку... Урушдан кейин эса ҳаммаси ҳам фарзандли бўлолмади.

Ҳаммамиз тамаки чекардик. Мен ҳам чекардим. Бироз тинчлантиргандай бўларди.

Самолётдан тушасану, бутун баданинг титрайди, сигарет чексанг – тинчланасан. Чарм куртка, шим, гимнастёркада юрадик, қишида эса мўйнали куртка ҳам қўшиларди. Ўзимиз билмаган ҳолда юришимизда ҳам, хатти-харакатларимизда ҳам эркакшодалик пайдо бўларди. Уруш тугаганда, бизга хаки ранг кўйлак тикиб беришли. Аёл эканлигимизни хис қилдик...»

Александра Семёновна Попова, гвардия  
лейтенанти, штурман

«Менга яқинда медаль беришли... Қизил Хоч ташкилотидан... Халқаро «Флоренс Найтингейл» олтин медали. Ҳамма табриклаб, ҳайрон қоларди: «Бир юз қирқ еттита ярадорни қандай қилиб кутқардингиз? Ҳарбий

расмларда кичкинагина қизчасиз-ку». Балки икки юзта ярадор олиб чиққандирман, санаш хаёлимга келибди, дейсизми. Буни ўйламасдим, ҳатто тушунмасдик ҳам. Қирғинбарот жанг-бўлиб, ҳамма ўлим билан олишаётган бўлса, мен ўтириб олиб, уларнинг сонини-ёзаманми. Мен ҳеч қачон хужум тугашини кутиб ўтирганманман, жанг пайтида эмаклаб бориб, ярадорларни қутқаардим. Агар осколкадан яраланган бўлса, мен бир-икки соатдан кейин олдига борсам, у ерда қиласидан ишим қолмайди, одам қонсиз қолади.

Уч марта яраланиб, уч марта контузия олганман. Урушда ҳар ким ҳар нарсани орзу қиласди: кимдир уйга қайтишни ўйласа, бошқаси Берлингача етиб боришни, мен эса бир нарсани орзу қиласдим – турилган кунимгача тирик қолсам эди, ўшанда ўн саккизга тўламан. Негаки эртароқ ўлишдан, ўн саккиз ёшга етиб боролмасликдан жуда-жуда кўрқардим. Эгнимда шим, бошимда пилоткада юрадим. Устим увада бўлиб кетган, чунки доим ер бағирлаб, устимга ярадорни орқалаб борарадим. Қачондир тик туриб, ер бағирлаб эмас, шахдам қадам босиб юриш мумкинлигига ишонмасдик. Бу орзуимиз эди! Бир марта дивизия командири келганида мени кўриб, сўради:

«Бу ўсмир нима қилиб юрибди бу ерда? Нега уни ушлаб юрибсизлар? Ўқишга жўнатиш керак».

Бир сафар бинтлар етишмаётганди... Оғир ўқотар яралар. Жароҳатга бутун пакетни қўйиш керак бўлади. Ички кийимларимни аллақачон йиртиб, ишлатиб юборганман, йигитларга ҳам илтимос қилдим: «Кальсонларингизни, ички кийимларингизни ечинг, одамларим ўляпти». Улар ечиб, бўлакларга бўлиб беришди. Улардан уялмасдим, ака-уқадек бўлиб кетгандим, улар орасида ўғил бола бўлиб яшардим.

Йўлда уч киши бир-биримизнинг қўлимизни тутиб борамиз. Ўртадаги бир-икки соат мизғиб олади. Кейин жой алмашамиз. Берлингача бордим. Рейхстагга шу

сўзларни ёздим: «Мен, Софья Кунцевич, урушнинг номини ўчириш учун шу ергача келдим».

Қардошлар мозорини кўрсам, тиз чўкаман. Ҳар бир биродар қабр олдида чўккалайман. Факат тиззада...»

*Софья Адамовна Кунцевич, старшина, ўқотар ротаси  
санинструктори*

### Қизлар товуши ва денгизчилар иримлари ҳакида

«Мен заҳарханда сўзлар... бизга тош бўлиб отилган гапларни кўп бора эшиштганман... Эмишки, урушга бориш – бу эркакларнинг иши. Аёл киши ўлдиришга кодирми?! Бу ахмоқлик, улар телбанамо аёллар...

Йўқ! Ҳаммаси бекор! Йўқ, бу инсоний истак эди. Уруш бўляпти, мен ҳам оддий аёллардек ҳаёт кечирарам. Қизча эдим... Қўшнимиз урушдан хат олди – эри яраланиб, госпиталда ётган экан. Мен: «У яраланган бўлса, ўрнига ким жанг қиляпти», – деб ўйладим. Бири урушдан қўлсиз қайтди – унинг ўрнига ким боради? Яна бири оёқсиз қайтди – унинг ўрнига ким жанг қилади? Мен хат ёзиб, армияга олишларини ялиниб-ёлвордим. Биз шундай тарбиялангандик. Бизларсиз мамлакатимизда ҳеч нарса бўлмайди деб ўйлардик. Бизга уни севиши, ардоклашни ўргатишган. Уруш бошландими, албатта унга ёрдам беришимиз керак. Ҳамшира керакми, ҳамшираликка бориш керак, зеничилар керакми, демак, зениччиликка бориш керак. Фронтда эркакларга ўхшашни истармидик? Аввалига жуда истардик: сочимизни калта олдириб, юришимизни ҳам ўзгартирган эдик. Кейин эса, йўқ, кечириб кўйибсиз! Кейин бўянгандимиз, чиройли бўлгимиз келарди. Қанд беришса, уни емасдан, гажагимизни қотириш учун асраб қўярдик. Бошимизни ювиб олиш учун бир чеълак сув топсак хурсанд бўлардик. Узоқ йўл юрсак, майин майса қидирадик. Уни юлиб, оёғимизни артардик... Тушуняпсизми, ўт билан тозалар-

дик... Биз қизларнинг ўзимизга яраша ташвишларимиз бўларди... Армия бу ҳақда ўйлаб кўрмаган... Оёқларимиз нимжон... Старшина кўпни кўрган бўлса-ку, яхши, кийим қопимиздан ортиқча ички кийимни олиб қўймасди, агар ёшроқ бўлиб қолса, албатта ортиқчасини отиб юборарди. Кунда кийимини икки марта алиштириш керак бўлган қизлар учун ортиқча кийимнинг ўзи борми? Енгилроқ бўлиш учун ички кийимларимизнинг енглари ни йиртиб ташлардик. Улар иккитагина бўлса, демак, атиги тўртта енгдан халос бўламиз...»

*Клара Семёновна Тихонович, катта  
сержант, зенитчи*

«Урушгача ҳарбий нарсаларни ёқтирадим... Эркак бўлгим келарди... Қабул шартларини жўнатинг деб, авиация ўқув юртига мурожаат қилганман. Ҳарбий кийим жуда ярашарди. Сафга туриш, аниқ-лўнда гаплар, кескин буйруқларни яхши кўрардим. Ўқув юртидан: «Аввал тўққизинчи синфни битиринг», – деган жавоб келди.

Албатта, уруш бошланганида мендай кайфиятдаги одам уйда ўтиромасди. Бироқ фронтга олишмади. Асло йўлатишмади, чунки эндиғина ўн олтини қаршилаган эдим. Военком уруш эндиғина бошланган бўлса, тағин душман, урушга мана шундай гўдакларни, вояга етмаганларни олишяпти деб ўйламасин, дерди.

– Душманни янчиш керак.

– Сизларсиз ҳам янчийдиганлар етарли.

Бўйим баланд, ҳеч ким мени ўн олти ёш демайди, ёши каттароқ деб ўйлайди, деб уни роса ишонтиришга ҳаракат қилдим. Кабинетидан чиқмай туриб олдим: «Ўн олти эмас, ўн саккиз деб ёзинг». – «Хозир шундай деяпсан, кейин мени эслаб, гўримга гишт қалайсан».

Урушдан сўнг эса ҳарбий бўлишни истамадим, биронта ҳарбий қасбни эгаллаш иштиёқи сўнди. Тезроқ эгнимдаги яшил кийимларни ёчиб ташласам бўлди эди... Хозир ҳам шим деса кўнглим айнийди. Ўрмонга

күзиқорин, мева тергани ҳам шим кийиб бормайман. Оддий, аёлларга хос кийим кийгим келарди...»

*Клара Васильевна Гончарова, оддий аскар, зенитчи*

«Уруш бизга биринчилар қаторида билинди... Ўкув юртими тугатишимиз билан «харидор»лар чиңа бошлади. «Харидор» деб қайта шакллантириш учун қайтариб юборилган частлардан янги одамларни излаб келгандарни айтишарди. Улар – эркак киши, бизга раҳмлари келаётгани шундоққина сезилиб турарди. Биз уларга умид билан боқсак, улар бизга тамоман бошқача күз билан қаради: тезроқ бизни пайқашса эди, тезроқ олишса эди, нимага қодирлигимизни тезроқ күрсатсак эди, деб сафдан олдинга интилсак, уларнинг чарчаган нигоҳларида қизларни қаерга оляпман деган саволни ўкиш мумкин эди. Улар ҳаммасини яхши тушунишарди.

... Полкимиз эркаклар полки эди, атиги йигирма иккита аёл. Бу саккиз юз етмишинчи узокқа бомба отувчи полк эди. Уйдан икки-уч жуфт ички кийимдан бўлак ҳеч нарса олмадик, кўп нарса олиш мумкин эмасди. Бомба отишганда, эгнимизда нимани илиб қочган бўлсак, шу кийимларда қолдик. Эркаклар жўнатмалар пунктига боришли, у ерда уларга кийим беришли. Бизга эса ҳеч вақо йўқ. Бизга пайтава беришувди, уларни йиртиб, трусиқ, бюстгалтер тикиб олдик. Командир билиб, роса таъзиримизни берди. Ярим йил ўтди... Оғир меҳнат бизни аёлликдан маҳрум қилди... Ҳалиги нарса тўхтади... Биологик ритм издан чиқди... Тушундингизми? Бу даҳшат! Энди ҳеч қачон аёл бўла олмаслигимизни ўйлашнинг ўзи даҳшат...»

*Мария Нестеровна Кузьменко, катта сержант, куролсоз*

«Биз ҳаракат қиласдик... Биз ҳақимиизда: «Эҳ, аёллар, аёллар...» дейишлиарини сира истамасдик. Шунинг учун эркаклардан ҳам кўпроқ ишлардик, эркаклардан

кам эмаслигимизни исботлашимиз керак эди. Бизга анча вакт паст назар билан қараңды: «Күрамиз ҳали, бу хотинлар нима қаромат-күрсатар экан...»

Қандай, әркак бўласан? Эркак бўла-олмайсан. Фикру ўйимиз бир томон, аммо табиатимиз – бу бошқа нарса. Бизнинг табиатимиз...

Йўлда кетяпмиз... Икки юзга яқин қизлар, орқада икки юзга яқин эркак. Жазирама иссиқ. Ўттиз километр қадам ташлаб бориш керак. Ўттиз километр! Биз ўтиб кетсак, орқамизда тупрокда қизил доғлар қоларди... Қипқизил излар... Ҳалиги ишларимиз... Аёлларнинг иши... Қандай яширамиз?

Орқамиздан келаётган аскарлар ўзларини кўрмаганга солишади... Оёқ остига қарашмайди...

Шимларимиз тарашадек қотиб қоларди. Уларни кесардик. У ерда яра-чака ва доим қон иси келарди. Бизга ҳеч нарса беришмасди-да... Пойлаб турардик: аскарлар шох-шаббаларга ички кийимларини илишса, биринкитасини олиб қочардик... Улар кейин буни фаҳмлаб, кулишарди: «Старшина, бошқа ички кийим беринг. Қизлар бизникини илиб кетишди». Пахта ва бинтларни ярадорларга етқиза олмасдигу, бизга йўл бўлсин... Аёллар ички кийимлари икки йилдан сўнг келадиган бўлди. Эркаклар трусиги ва майкаларида юардик.

Кетяпмиз... Этикда! Оёқларимиз ҳам пишиб кетди. Кетяпмиз... Кечувга боряпмиз, у ерда паромлар бор. Кечувгача етиб борсак, у ерда бомба ота бошлишди. Ҳамма ёқ гумбур-гумбур портлаяпти, эркаклар тум-тарақай қочиб, беркина бошлишди. Бизни ҳам чақиришяпти... Биз эса бомба овозини эшитмаяпмиз, унга парво қилмай, тезроқ дарёга югуряпмиз. Сувга... Сув! Сув! Ивиб қолгунча ўша ерда ўтирдик... Осколкалар ёғдуси остида... Мана шунаقا... Номус ўлимдан қаттиқ эди. Бир неча қизимиз сувда ҳалок бўлди...

Ўшанда эҳтимол биринчи марта әркак бўлгим келди... Биринчи марта...

Ва ниҳоят, Фалаба. Дастрекки дақиқалар күчадан юраётиб, ишонгим келмасди. Стулга ўтираману, Фалабага ишонмайман. Фалаба!! Бизнинг фалабамиз...»

*Мария Семёновна Калиберда,  
сержант, алоқачи*

«Латвияни озод қилаётгандик... Даугавпілс остонасидамиз. Оқшом, эндигина ухлашга ётгандим. Навбатчи кимнидир сўроқ қилаётганини эшидим: «Тўхта! Ким келяпти?» Ўн дақиқадан сўнг мени командир олдига чакиришди. Командир ертўласига келсам, дўстларимиз ва бир бегона киши ўтирибди. Ўша кишини яхши эслаб қолдим. Шу пайтгача факат харбий кийимдаги, шинеллардаги эркакларни кўрганман, буниси эса бахмал ёқали қора пальтода эди.

— Ёрдамингиз керак, — деб илтимос қилди ўша эркак, — бу ердан икки километр нарида хотиним туфяпти. У бир ўзи, уйда бошқа ҳеч ким йўқ.

Командир сўради:

- У нейтрал худуд. Ўзингиз биласиз, бу хавфсиз эмас.
- Ахир аёл ҳомиладор. Унга ёрдам беришим керак.

Ёнимга бешта автоматчини қўшишди. Бир сумкани пахта, бинтга тўлдириб олдим. Яқиндагина фланел пайтава беришганди, уни ҳам овoldим. Йўлга чикдик. Йўл бўйи отишди — ўқнинг бири ўтиб кетса, бири етиб келмайди. Ўрмон қалин, ой ҳам кўринмайди. Ниҳоят, қандайдир уйнинг шарпаси кўринди. Бу хотор экан. Уйга кирганимизда, аёлни кўрдим. У эски латта-путталар орасида, ерда ётарди. Эри дарров ойналарни ёпа бошлади. Иккита автоматчи ҳовлида, иккитаси эшик олдида, яна биттаси менга фонарь билан ёруғлик тушириб турибди. Аёл оғриқдан инграб, зўрға чидаб ётибди.

Мен такрор-такрор:

— Асалим, сабр қилинг. Бақириш мумкин эмас. Бироз чиданг, — деб далда берардим.

Ахир бу нейтрал худуд. Душман ниманидир сезиб колса, устимизга снарядларни ёдиради. Аскарлар бола

туғилганини әшитиб, аста «Ура! Ура!» деб шивирлаши. Секингина, пичирлаб десам ҳам бўлади. Жанг майдонида фарзанд туғилди!

Сув олиб келишди. Қайнатишга жой йўқ, болани совуқ сув билан артдим. Бояги пайтавага ўраб олдим. Уйда ҳеч нарса йўқ, фақат она ётган ҳалиги эски-туски латталар. Мана шундай қилиб, бир неча кун тунда хуторга қатнаб юрдим. Ҳужумдан олдин сўнгги кун келиб, улар билан хайрлашдим:

— Бошқа олдингизга келолмайман. Мен кетяпман.  
Хотин эридан латишталаб нимадир сўради. У менга таржима қилиб берди:

— Хотиним исмингизни сўрайпти?  
— Анна.

Аёл яна нимадир деди. Эри яна таржима қилди:

— Жуда чиройли исм экан деяпти. Кизимизга сизнинг исмингизни кўймоқчимиш.

Аёл бироз ўрнидан туриб — ҳали юролмас эди — чиройли садаф ранг упа идишини узатди. Афтидан, бу унинг энг қимматбаҳо буюми эди. Уни очганимда, упанинг ширин ҳиди атрофга тараалди. Атрофда бомба портлаб, снарядлар отиляпти... Упанинг ажиб тароватини ҳозир ҳам эслайман... Эсласам, йивлагим келади... Упа ҳиди, садаф қопқоқ... Гўдак... Кизча... Уйни эслатадиган, ҳақиқий аёл ҳаётини ёдға соладиган нарсалар...»

*Анна Николаевна Хролович, гвардия  
лейтенанти, фельдшер*

«Флотда аёл киши... Бу тақиқланган, нотабиий ҳолат эди.

Аёл киши кемага баҳтсизлик олиб келади деб ҳисобланарди. Мен Фастов яқинидаги қишлоқданман. Қишлоқ аёллари: «Киз туғдингми, ўғил болами?» — деб онамнинг жонини олишарди. Мен эса Ворошиловнинг ўзига мени Ленинград артиллерия-техника ўқув юртига ўқишига қабул қилишларини сўраб хат ёздим. Унинг

шахсий буйруғи билангина мени у ерга қабул қилишди. Биттагина қиз. Ўқишини тугатсам ҳам, барибир денгизга олгилари келмади. Шундан кейин аёллигимни яширади-ган бўлдим. Украинча «Руденко» фамилияси бунга қўл келарди. Бироқ бир сафар ўзим билдириб қўйдим. Палубани тозалаётгандим, шовқин-сурон эштилди, орқамга ўгирилиб қарасам: денгизчи мушукни ҳайдаётган экан. Кемага қандай келиб қолгани номаълум. Денгизчиларда ота-боболардан қолган ирим бор – денгизда мушук ва аёллар фақат офат келтиради.

Мушук кемани тарк этишни истамай, шундай финтларни бажардик, унга дунёнинг биринчи рақамли футболчилари ҳам хавас билан қараган бўларди. Кемада кулги кўтарилди. Мушук сувга йиқилиб тушай деганда, қўрқиб кетиб, бақириб юбордим. Қизларга хос ингичка товуш билан бақирган бўлсам керакки, бирдан эркакларнинг кулгиси тўхтади. Ҳамма жим бўлди.

Командирнинг овозини эшитяпман:

- Навбатчи, кемага аёл киши чиқдими?
- Йўқ, ўртоқ командир.

Яна шовқин-сурон кўтарилди – кемада аёл киши.

... Мен биринчи денгизчи аёл, Ҳарбий-Денгиз флотининг кадрлар офицери эдим. Урушда кема денгиз пиёдаларини куроллантирардик. Ўшанда инглиз матбуотида бир хабар тарқалди: руслар флотида номаълум бир маҳлуқ – аёл ё эркаклигини билиб бўлмайди – жанг киляпти. Эмишки, бу «ханжарли аёл»ни ҳеч ким хотин килмайди. Мени эрга олишмайдими?!

Йўқ, адашасиз, жаноби олийлари, менга энг чиройли офицер уйланади... Мен бахтли келин бўлдим, бахтиёр она ва буви бўлиб қолдим. Эрим урушда ҳалок бўлгани менинг айбим эмас. Флотни эса доим севардим, ҳозир ҳам севаман...»

*Таисия Петровна Руденко-Шевелёва, капитан, Москва  
флот экипажи ротаси командири, ҳозир истеъфодаги  
подполковник*

«Заводда ишлардим... Горький области Кстовск райондаги Михальчиково қишлоғимиздаги занжир ишлаб чиқариш заводида. Эркакларни сафарбар қилиб, фронтта жүната бошлашганды мени дастгоҳга күйиб, эркаклар ишини бажартыришди. У ердан иссиқ цехга босқончи қилиб ўтказиши. У ерда кема занжирларини ясардик. Фронтта бораман деб ариза ёздим, аммо завод раҳбарияти ҳар хил баҳоналар билан мени заводда ушлаб туради. Шунда комсомол райкомига хат ёздим. Қирқ иккинчи йилнинг март ойида чақирув қофозини олдим. Бир неча қиз фронтта кетаётган эдик, бутун қишлоқ бизни кузатишга чиқди. Горькийгача ўтиз километрни пиёда босиб ўтдик, у ерда бизни ҳар хил частларга тақсимлаб ташлаши. Мени етти юз саксон тўртинчи зенит, ўрта калибрли артиллерия полкига жўнатиши.

Тез орада биринчи рақамли наводкачи қилиб тайинлаши. Аммо менга бу ҳам камдек туюлади, мен снаряд соловучи бўлгим келарди. Бу эркакларнинг иши ҳисобланарди: ўн олти килоли снарядларни кўтариб, ҳар беш секундда шиддатли олов ёкиш керак бўларди. Бекорга босқончи бўлмаган эканман. Бир йилдан сўнг кичик сержант унвонини бериб, иккинчи оғир қурол командири этиб тайинлаши. Унда иккита қиз ва тўртта эркак ишларди. Оловдан пулемёт стволи қизариб, отиш хавфли бўлиб қоларди. Қоидаларга зид равишда уларни сув ва намланган адёллар билан совутардик. Қурол чидамасди, одам эса чидарди. Мен бақувват, бардошли қиз эдим, бироқ урушда тинч ҳаётдагидан кўра кўпроқ нарсага қодир эканлигимни биламан. Ҳатто жисмоний жиҳатдан ҳам. Қаердандир куч пайдо бўларди...

Радиодан Ғалабани эшишиб, тревога кўтариб, сўнгги буйруғимни бердим:

— Азимут — ўн бешу ноль-ноль. Баландлик бурчаги — ўну ноль. Портловчи модда бир юз йигирма, темп — ўн!

Ўзим қулф ёнига келиб, түрт йиллик урушдан сўнг Фалабамиз шарафига түрттә снаряд билан салют ота бошладим. Батарея позициясидаги ҳамма ўқ овозилини эшитиб югуриб чиқди, комбат Слатвинский ҳам. Ўзбошимчалигим учун мени арестга олишларини буюрди, бироқ кейин қароридан қайтди. Бу ёғига ҳаммамиз ўзимизнинг шахсий куролларимиздан салют отардик, бир-бирилизни қучоқлаб, ўпардик. Ароқ ичиб, қўшиқ айтардик. Кейин эса туну кун йиғлаб чиқдик...»

*Клавдия Васильевна Коновалова, кичик сержант, зенит  
куроли командири*

«Елкамда қўл пулемёти... Ҳеч қачон уни оғир дебтан олмайман. Ким унда мени иккинчи рақам қилиб қўяди? Етук жангчи эмас деб, алиштиришга тўғри келади. Ошхонага жўнатишади. Бу – уят. Худо асрасин, бутун урушни ошхонада ўтказсам. Йиғлаган бўлардим...»

– Аёлларни эркаклар билан тенгма-тенг топширикларга жўнатишармиди?

– Бизни аяшга ҳаракат қилишарди. Жанговар топшириқни сўраб олиш ёки бунга сазовор бўлиш керак эди. Ўзингизни кўрсатишингиз керак бўларди. Бундай вазифа учун жасурлик, қатъият керак. Тан олиш керак, ҳамма қизлар ҳам қодир эмас. Ошхонамизда Валя деган қиз ишларди. У мулойим мушукдек, уятчан қиз эди. Уни винтовка билан тасаввур ҳам қиломасдик. Илож қолмаганда, албатта отиши мумкин эди, аммо топширикларга интилмасди. Мен-чи? Мен интилардим. Буни орзу қиласдим!

Мактабда эса кўримсиз писмиқ қиз эдим... Ҳеч ким пайқамасдиям...»

*Галина Ярославовна Дубовик, Сталин номидаги  
ўн иккинчи кавалерия партизанлар бригадасининг  
партизани*

«Буйруқ келди: ўн икки соатдан кейин тайинланган жойда бўлиш... Йўлданма – етти юз ўн учинчи кўчма госпиталга...

Госпиталга қора маркизет кўйлак ва босоножка-да келганим эсимда, устимга эримнинг плашини ташлаб олганман. Дарров ҳарбий кийим беришди. Аммо мен уларни олишдан бош тортдим: ҳаммаси икки-уч ўлчам катта эди. Госпиталь бошлиғига ҳарбий интизомга бўйсунмаётганлигим ҳакида хабар қилишди. У ҳеч қандай чора кўрмади. Бир-икки кундан кейин ўзи кийиниб олади деди, шекилли. Бир-икки кундан кейин бошқа жойга кўчдик. Устимизга бомба ёғдиришди. Картошка даласига беркинди. Бундан сал аввал ёғмир қуиб ёққанди. Маркизет кўйлагим ва босоножкам нимага айланганини тасаввур кила оласизларми? Эртасигаёқ аскарлар кийимини кийиб олдим. Ҳаммасини...

Шу тариқа ҳарбий йўлим бошланди... Германиягача бўлган йўл...

Қирқ иккинчи йил январнинг бошларида Курск обlastinинг Афоневка қишлоғига кириб бордик. Қаҳратон совуқ. Иккита мактаб биноси ярадорларга тўлиб тошиб ётибди: улар замбилларда, полда, сомон устида ётишарди. Ҳаммасини фронт ортига олиб чиқиб кетишга машина ва бензин етмасди. Госпиталь бошлиғи Афоневка ва кўшни қишлоқлардан от-ара ва ташкил қилишга қарор қилди. Саҳарда аравалар келди. Отда фақат аёллар. Чанага кўлда тўқилган адёл, чарм пўстин, ёстиқ, айримларида ҳатто пар ёстиқ тўшалган. Ҳозиргача бу воқеани кўз ёшсиз эслолмайман... Ўша манзарани... Ҳар бир аёл ўзига ярадорни танлаб, уни йўлга тайёрлар ва меҳрибонлик билан: «Жон ўғлим, эркатойим!», «Азизим, жигарпорам», «Лочиним, шунқорим!» – деб юпатарди. Ҳаммаси иссиққина овқат олиб келишган, ҳатто қайнатилган картошка ҳам бор. Улар ярадорларни уйдан келтирилган иссиқ нарсаларга ўраб, чанага жойлаштиришарди. Хотинларнинг: «Лочиним, шунқорим!»,

«Азизим, жигарпорам!» – деган пичирлаб эркалашлари хозир ҳам қулоғимда жаранглайди. Ҳозир эслаб вижданим қийналади, ўша аёлларнинг фамилиясини ҳам сўраб олмабмиз.

Озод этилган Белоруссия ерларига кириб борганимиз ҳам эсимдан чиқмайди. Кишлекларда эркак зоти кўринмайди. Бизни фақат аёллар қарши оларди. Фақат аёллар қолганди...»

*Елена Ивановна Варюхина, ҳамшира*

### **Даҳшатнинг унсизлиги ва хаёлот жозибаси ҳақида**

«Мени сўз топа олади деб ўйлайсизларми? Қандай отганимни айтиб бероламан, қандай йиғлаганимни сўзлаб беролмайман. Бу сўзда ўз ифодасини топмай қолаверади. Биттасини аниқ биламан: ўрушда инсон ваҳший ва сирли бўлиб қолади. Уни қандай тушунасиз?

Сиз ёзувчисиз. Ўзингиз бирон нима ўйлаб топинг. Ёрқинроқ нимадир. Бит, чирк, қусук бўлмасин... Арок ва қон ҳиди ҳам... Ҳаёт каби даҳшатли ҳам бўлмасин...»

*Анастасия Ивановна Медведкина, оддий аскар,  
пулемётчи*

«Билмайман... Йўқ, сизни яхши тушуниб турибман, аммо забоним ожизлик қиласди... Тилим... Қандай тасвирлаш мумкин? Буни таърифлаш учун кечаси мени босқи босгандай кимдир бўғиши керак: жим ётиб, бирдан эслай бошлайман. Нафасим бўғилади. Қалтираяпман. Мана бунақа... Қаердадир бу сўзлар бор... Бунинг учун шоир бўлиш керак... Данте каби...»

*Анна Петровна Калягина, сержант, санинструктор*

«Баъзан, мусиқа тинглаб ёки ашула эшишиб... аёл овоздини эшишиб, уларда ўшандаги қилган туйғуларимни топаман. Шунга ўхшаш нимадир...»

Уруш ҳақида кино кўрсам ёки китоб ўқисам – ҳаммаси ёлғон. Ундей эмас. Мутлақо. Ўзим гапириб берсам ҳам – ўхшамайди. Ўшандай даҳшатли ва ўшандай чиройли чикмайди.

Урушда қандай чиройли тонг-ёришишини биласизми? Жанг олдидан... Тонгни қарши оласан-у, эҳтимол уни сўнгги бор кўраётганинг ҳақида ўйлайсан. Келинчак еру замин... Хуш ҳаво... Илик қуёш...»

Ольга Никитична Забелина, ҳарбий жарроҳ

«Биз геттода тиканли сим ортида яшардик... бу воқеа сешанба куни бўлганини эслаб қолибман, негадир кейин ўша куни сешанба эканлигига аҳамият қаратдим. Сешанба... Куни ва ойи эсимда йўқ. Аммо сешанба эканлиги аниқ эсимда. Тасодифан дераза олдига бориб қолдим. Ўйимиз тўғрисидаги скамейкада бир бола ва қиз ўпишиб ўтиради. Ҳамма ёқ ур-тўполон, ур-йиқит. Улар эса ўпишиб ўтиришибди! Бу сокин манзара мени ҳайратга солди...

Кўчанинг у бошидан, бу калтагина кўча эди, немис патрули кўринди. Уларнинг кўзи яхши кўрарди, улар ҳам ҳаммасини кўришди. Ўйлашга ҳам улгурмадим. Албатта улгурмадим... Бақир-чақир. Гумбур-гумбур. Ўқ овози... Мен... Ҳаёлимга ҳеч нарса келмади... Дастребки туйғу – кўркув. Қиз билан йигит ўрнидан турганлари, кейин эса иккаласи ҳам йиқилганини кўрдим, холос. Улар бир тану бир жон бўлиб йиқилишди. Кейин эса... Бир кун ўтди, икки кун... Уч кун... Ҳаёлимдан ўша воқеа кетмади. Буни тушуниш керак: улар уйда эмас, кўчада ўпишиб туришарди. Нега? Улар шундай ўлимни афзал билишган... Геттода барибир ўлишларини билишган, бошқачароқ ўлим топишни ихтиёр этишган. Албатта, бу муҳаббат. Бошқа нима ҳам бўлиши мумкин? Факат муҳаббат.

Сизга ҳикоя қилиб бердим... бу жуда чиройли чиққан, түғрими. Ҳаётда-чи? Ҳаётда мен даҳшатли нарсаларни кўрдим... Ҳа... Яна нимани? Ҳозир ўйлаб кўрай... Улар курашган... Улар чиройли ўлим топишни хоҳлашган. Ҳозир аминман, бу уларнинг қарори эди...»

*Любовь Эдуардовна Кресова, яширин гурух аъзоси*

«Мен? Гапиришни истамайман... Йўқ... Буни... қисқароқ айтиб бериб бўлмайди... У ҳақда айтиб бўлмайди...»

*Ирина Моисеевна Лепицкая, оддий аскар, ўқчи*

Шаҳар бўйлаб бир телба аёл тентираб юрарди... У ювинмас, соchlарини тарамай юрарди. Бешта боласини ўлдириб кетишганди. Ҳаммасини. Ҳаммасини ҳар хил ўлдиришган. Бирининг бошига отишган бўлса, бошқасининг қулогига...

У кўчада одамларнинг олдига келиб, уларга: «Болаларимни қандай ўлдиришганини айтиб бераман. Қайсинасидан бошлай? Васенъкаданми? Уни қулогидан отишди. Толикнинг бошига ўқ узишди... Қайси биридан бошлай... Айт», — дерди. Дуч келганга айтарди. Ҳамма ундан қочарди. Эс-хушидан айрилгани учун у bemалол айта оларди...»

*Антонина Альбертовна Вижутович, партизанлар хамшираси*

«Фақат битта нарса эсимда: Фалаба деб ҳайқиришди! Куни билан ғалаба садолари тинмади... Фалаба! Фалаба!

Ақалар! Аввалига ишонмадим, урушга шунчалик кўникиб қолгандикки, ҳаёт урушдан иборат деб ўйлардик. Фалаба! Биз ғалаба қозондик... Биз баҳтиёр эдик! Жуда баҳтиёр!»

*Анна Михайловна Перепелка, сержант, хамшира*



## «ХОНИМЛАР! САПЁРЛАР ВЗВОДИ КОМАНДИРИ ИККИ ОЙГИНА ЯШАШИНИ БИЛАСИЗМИ?»

Мен буни кўп айтаман... Барибир ўща машъум кунларга қайтавераман...

Ўлим ҳақида кўп гапираман. Уларнинг ўлимга бўлган муносабати ҳақида – ахир ажал доим атрофларида юрган. Ҳаёт каби унга ҳам кўникиб қолишган. Мана шу беадад ўлиш тажрибаси орасида қандай тирик қолиш мумкинлигини тушунишга ҳаракат қиляпман. Ҳар куни шуни кўриш. Буни ўйлаш. Беихтиёр ўзингни уларнинг ўрнида тасаввур қилиш.

Буни ҳикоя қилиб бериш мумкинми? Нималарни сўз ва туйгуларимиз орқали изҳор қила оламиз? Нималар эса таърифга ожиз? Саволларим тобора кўпайиб, уларга бўлган жавоблар эса қамайиб бормоқда.

Баъзан учрашувлардан қайтаётиб, дард бу ёлғизлик деган хаёлга бораман. Узлат. Баъзан эса дард менга билишнинг ўзгача бир шакли бўлиб туюлади. Инсон ҳаётида, айниқса бизларда, бошқа йўл билан етказиб ва сақлаб бўлмайдиган нарсалар бор. Бизнинг дунёмиз шундай тузилган, биз шундай яралганимиз.

Ушбу боб қаҳрамонларидан бири билан Беларусь давлат университети аудиториясида учрашдим. Шўх-шодон беғам талабалар маъruzадан кейин дафтарларини сумкаларига солишаётганди. «Биз ўшанда қандай эдик? – биринчи саволимга савол билан жавоб берди у. – Мана шу талабаларимга ўхшаган. Фақат кийимларимиз бошқача, қизларимизнинг тақинчоқлари ҳам соддароқ эди. Пўлат узуклар, шиша марジョンлар. Резинали оёқ кийим. Жинси, магнитофон деган нарсалар йўқ эди у пайтда».

Мен нигоҳим билан шошаётган талабаларни кузатиб қолдим, сұхбатдошим эса аллақачон ҳикоясини бошлаб юборған...

«Урушгача дугонам билан университетни тамомлаган әдик, уруш пайтида эса – сапёрлар мактабини. Фронт-га кетаётганда офицер әдик... Кичик лейтенант... Бизни шундай кутиб олишди: «Баракалла, қызлар! Қызлар келгани жуда яхши бўлди. Аммо сизларни ҳеч қаерга жўнатмаймиз. Штабимизда қоласизлар». Муҳандислик кучлари штабида бизни айнан шу сўзлар билан кутиб олишди. Шунда биз орқамизга қайрилиб, фронт бошлиги Малиновскийни топишга қарор қилдик. Қишлоқ оралаб қидириб юрганимизда, қандайдир қызлар бошлиқни қидириб юрибди, деган гап-сўзлар тарқалиб кетди. Олдимизга офицер келиб:

– Хужжатларингизни кўрсатинг, – деб сўради.

Текшириди.

– Бошлиқни нега қидириб юрибсизлар? Сизлар муҳандислик кучлари штабига боришиларинг керак?

Биз унга жавоб бердик:

– Бизларни сапёрлар взводи командири қилиб жўнатишган. Бизларни эса штабда қолдиришмоқчи. Биз сапёрлар взводи бошлиги бўлмоқчимиз ва факат олдинги маррада жанг қилмоқчимиз. Шунда ўша офицер бизни яна муҳандислик кучлари взводига олиб борди. Улар узоқ вақт музокара қилишди, уй одамларга тўлиб кетди. Ҳамма ўзича маслаҳат беради, баъзилар ҳатто кулиб ҳам қўйишидди. Биз эса оёқ тираб туриб олганмиз, йўлланмамиз бор, факат сапёрлар взводи командирлари бўлишимиз керак. Шунда бизни олиб келган ҳалиги офицернинг жаҳли чиқиб, шундай деди:

– Хонимлар! Сапёрлар взводи командири қанча яшини биласизларми ўзи? Сапёрлар взводи командири атиги икки ой яшайди...

– Биламиз, шунинг учун ҳам олдинги маррага бормоқчимиз.

Бошқа иложлари қолмади, бизга йўлланма беришди:

– Яхши, сизларни бешинчи зарбдор армияга жўнатамиз. Зарбдор армия нималигини яхши билсангиз керак. Номининг ўзи айтиб турибди. Бу доим олдинги маррада бўлиш демакдир.

Улар бизни нималар деб қўрқитишмади дейсиз. Биз эса фақат хурсандмиз:

– Розимиз!!

Бешинчи зарбдор армияга келдик, у ерда ўта зиёли капитан ўтирган экан, у бизни жуда чиройли кутиб олди. Аммо фақат сапёрлар взводи командири бўлиш истагида келганимизни эшитибоқ, бошини чанглаб олди:

– Йўқ, йўқ! Нима деяпсиз? Шу ерда, штабнинг ўзида сизга иш топиб берамиз. Ҳазиллашяпсизми, у ерда фақат эркаклар-ку. Командир аёл киши бўлса-я? Ақл бовар қилмайди. Йўқ, йўқ!!

Икки кун бизни кўндиришга уринишди. Ялиниб-ёлвориши десам муболага бўлмайди. Биз асло бош бермадик: фақат сапёрлар взводи командири бўламиз деб туриб олдик. Сўзимизда туриб олдик. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Ниҳоят... Ниҳоят бизни тайинлашди. Мени взводимга олиб келишди...

Аскарлар қараб туришибди: кимдир истехзо билан, кимдир алам билан, бошқаси эса елкаларини учиради – ҳаммаси равшан. Батальон командири, мана сизларга янги взвод командири деб таништирганда, ҳаммаси: «У-у-у-у...» деб бўкириб юборди. Биттаси ҳатто: «Тфу!» деб туфлади ҳам.

Бир йилдан кейин эса, мени Кизил Байроқ ордени билан тақдирлашганида шу йигитлардан тирик қолганлари мени қўлларида кўтариб ертўламга олиб киришди. Улар мен билан фахрланишарди. Урушнинг ранги қандай деб сўрасангиз, мен ернинг рангига деб жавоб бераман. Сапёр учун шундай...

Ер каби сарик, қора, тупроқ рангига...

Қайлардадир кетяпмиз... Ўрмонда тунаймиз. Гулхан ёқдик, у липиллаб ёнади, ҳамма жим бўлиб ўтирибди, бошқалар эса ухлаб қолган. Оловга қараб ухлаб қоламан. Кўзимни юммай ухлайман: қандайдир тунги капалаклар, пашшалар оловга қараб учади, кечаси билан ўзини гулханга уради. На бир сас эшитилади, на бир шитир-шитир овоз, ҳаммаси мана шу улкан гулханда йўқликка юз тутади. Изидан бошқалар учади... Очифини айтсам... Биз ҳам уларга ўхшардик. Тинмай борардик. Сел бўлиб оқардик.

Икки ойдан сўнг ўлмадим, икки ойдан сўнг жароҳатландим. Биринчи сафар енгилгина жароҳат олдим. Ўшандә ўлим ҳакида ўйламай қўйдим...»

*Станислава Петровна Волкова, кичик лейтенант,  
сапёрлар взводи командири*

«Болалигимда... Болалигимдан бошлайман... Урушда ҳаммасидан ҳам болалигимни эслашдан қўрқардим. Айнан болалигимни. Урушда энг ҳарир туйруларни эслаб бўлмайди... Нозик нарсаларни эслаш мумкин эмас... Бу – табу.

Болалигимда отам сочимни машинкада оларди. Сочларимизни эркакча қилиб олиб ташлаб, ёшгина йигитларга айланиб қолганимизда айнан ўша дамларни эсладим. Айрим қизлар қўрқиб ҳам кетишди... Мен эса осонлик билан кўнікдим. Бу менга хос эди. Бекорга отам: «Қиз эмас, ўғил бола ўсяпти», – деб ух тортмасди. Ҳаммасига менинг сакрашга бўлган ишқибозлигим сабаб. Шуни деб бир неча бор ота-онамдан дакки еганман. Қишида тик жарликдан қор уюлган Объ дарёсига сакрардим. Дарслардан кейин отамнинг эски пахта шимини кийиб олиб, оёғимга кигиз этик илардим. Пахтали фуфайкани шимим ичига киргизиб олиб, камарни маҳкам боғлаб олардим. Бошимда боғичи иягимда боғланган қулоқчин. Мана шу кўринишида, айиққа ўхшаб лапанглаб, дарё олдига бора-

ман. Бор кучим билан югуриб, жарликдан пастга қараб сақрайман...

«Ха! Жарликдан пастга қараб учаётгандың қалбингни ажыб бир түйрү көплайди. Юрагинг ҳаприқиб кетади! Башқа қызлар ҳам менга тақлид қилишарди, -аммо улар-нинг сакрашлари меники каби силлиққина чиқмасди: оёғини қайириб олишарди ёки бүрнини қаттиқ қорга уриб олишади, ё яна бирон нарсага дуч келишарди. Мен ўғил болалардан ҳам тетикроқ эдим.

Болалигимни эсладим... Чунки дарров қон ҳақида эслашни истамадим... Бироқ мен ҳаммасини тушунаман - бу муҳим, бу жуда муҳим. Мен китоб ўқишини севаман. Бўни тушунаман...

Москвага қирқ иккинчи йилнинг сентябрь ойида келдик... Бир ҳафта бизни темир йўл ҳалқаси бўйлаб айлантириб юришди. Кунцево, Перово, Очаково станцияларида тўхтардик: ҳамма жойда эшелонлардан қызлар тушарди. «Харидорлар», турли қисм ва қўшинлардан командирлар келиб, бизни снайпер, санинструктор, радиист бўлишга даъват қилишарди... Менга буларнинг қизиги йўқ. Ниҳоят, бутун эшелондан ўн учта қиз қолдик. Ҳаммамизни теплушкига жойлашди. Боши берк жойда фақат иккитагина вагон турарди: бизники ва штабники. Икки кун ҳеч ким келмади. Биз ўзимизнинг устимиздан кулиб, «Унтилдик, ташландик» қўшигини хиргойи қиласардик. Иккинчи кун оқшомида вагонимизга эшелон бошлиги билан бирга учта офицер яқинлашаётганини кўрдик.

«Харидорлар!» Улар баланд бўйли, хушбичим, камарлари таранг тортилган йигитлар эди. Эгнида янги шинель, этиклари ялтирайди, шпоралари ҳам бор. Ҳа! Бунақасини ҳали кўрмагандик. Улар штаб вагонига киришди, биз эса нима дейишаётганини тинглаш учун деворга ёпишиб олдик. Бошлиқ рўйхатимизни кўрсатиб, қисқа таржимай ҳолимизни баён қиласарди: ким, қаердан, нима иш қиласи, маълумоти. Ниҳоят: «Ҳаммаси тўғри келади», - деган гапни эшийтдик.

Шунда бошлиқ вагондан чиқиб, сафланишни буюди. Биздан сўрашди: «Жанг қилиш санъатини ўрганмоқчимисизлар?» Қандай йўқ деймиз, албатта, истардик. Жуда-жуда истардик! Ҳатто орзу қилардик! Биронтамиз: «Қаерда ва қайси касбга ўқиймиз?» – деб сўрамабмиз. Буйруқ: «Катта лейтенант Митропольский, қизларни ўқув юртига жўнатинг». Ҳар биримиз елкамизга ўз «сидор»имизни илиб, иккита-иккита бўлиб туриб олдик. Офицер бизни Москва кўчалари бўйлаб олиб кетди. Жонажон Москва... Пойтахт... Ўша машъум кунларда ҳам кўркам... Қадрдон... Офицер шахдам қадам босиб, илгарила бетарди. Биз унга етолмай ҳалакмиз. Москвада, Фалабанинг ўттиз беш йиллиги байрамидагина Сергей Фёдорович Митропольский бизга, Москва Ҳарбий муҳандислар ўқув юртининг собиқ курсантларига, бизни Москва кўчалари бўйлаб олиб юришга қанчалик уялганини ошкор қилди. Унга эътибор бермасликлари учун, биздан, қизлар галасидан узоқлашишга ҳаракат қиласкан... Биз буни билмасдик, югуриб унга етиб олишга ҳаракат қиласдик. Кучга тўла пайтларимиз бўлса керак!

Шу билан... Биринчи машрутотларданоқ навбатдан ташқари иккита наряд беришди: ё аудитория совуқлиги мени қониқтирмасди, ё яна бошқа нарса. Мәктаб одатлари. Қилмишимга яраша жазо олардим – навбатдан ташқари битта наряд, кейин иккинчиси... Кейин яна ва яна. Ташқарида развод пайтида курсантлар мени таниб қолиб, устимдан кула бошлашди: штатдаги кундузи соқчи. Улар учун кулгили албатта, мен эса кундузи дарсга бормайман, кечаси ухламайман. Кундузи куни билан эшик олдида тумбочка ёнида тураман, кечаси эса казарма полини мастика билан киртишлайман. Бу қандай қилинарди? Ҳозир тушунтириб бераман... Майда-чўйдаларигача... Ҳозиргидай бўлмаган. Ҳозир турли чёткалар, пол арткичлар бор. У пайтларда эса... Отбойдан кейин мастика юқиб қолмаслиги учун этикни

ешиб, оёқларни эски шинель билан ўраб, шпагат билан ўралган чиптаковушга ўхшаш нарса ясайсан. Мастикани полга қуийб, чүтка билан ишқалайсан. Капрон эмас, тукли чүтка. Унинг тукларий полга ёпишиб қолади. Кейин эса оёқларинг билан ишқайсан. Чиннидай тоза бўлгунча артиш керак. Бир кечада бўларим бўларди! Оёқларим увудиб, белим қотиб қоларди, пешонамдан тер сув бўлиб оқарди. Тонгда ҳатто ротани: «Подъё-ом!» деб уйғотишга ҳам кучим қолмасди. Кундузи эса ўтиrolмайсан, кундузги соқчи доим тумбочка ёнида туриши керак. Бир сафар қизиқ воқеа бўлди... Эсласам, кулгим келади... Тумбочка ёнида турибман, казармани эндигина йиғишириб бўлдим. Шундай уйқум келдики, ҳозир йиқилиб тушишимни ўзим ҳам ҳис қиялпман. Тумбочкага суюниб, кўзим илинибди. Уйқу аралаш кимдир хонанинг эшигини очганини эшитдиму, сапчиб турдим – рўпарамда батальон бўйича навбатчи турибди. Қўлимни чаккамга қўйиб: «Ўртоқ катта лейтенант, рота дам оляпти», – деб хабар бердим. У эса менга қараб, ўзини кулгидан зўрға ушлаб турибди. Шундагина чапақай бўлганим учун шошганимдан чаккамга чап қўлимни қўйганимни билиб қолдим. Тезда ўнг қўлим билан алмаштироқчи бўлдиму, аммо кеч бўлди. Яна жазоландим.

Бу ўйин эмас, мактаб ҳам эмас, ҳарбий даргоҳ эканлиги менга сира етиб бормасди. Урушга тайёргарлик. Командир буйруғи – унинг қўл остидагилар учун қонун.

Сўнгги имтиҳоннинг сўнгги саволи ёдимда қолди:

- Сапёр ҳаётида неча бор адашади?
- Сапер ҳаётида бир мартагина адашади.
- Мана шунака, қизалок...

Сўнг эса кундалик буйруқ:

- Бўшсиз, курсант Байрак.

Мана урушга ҳам келдик. Ҳақиқий уруш...

Мени взводимга олиб келишди. «Взвод, ростлан!» – деб буйруқ берилди. Взвод эса қимирлаб ҳам қўймади. Кимдир полда чўзилиб ётса, кимдир сигарет

чекиб ўтирибди, яна кимдир сүякларини шиқиллатиб «Э-эх!» деб керишиб турибди. Хуллас, ўзларини мени кўрмаётгандек тутишди. Эркак боши билан йигирма ёшли мишики қизга бўйсуниши кераклиги уларга алам киларди. Мен буни яхши тушунардим, шунинг учун: «Эркин!» деб буйруқ бердим.

Отишма бошланди... Ариққа сакраб тушдим. Шинелим янги бўлгани учун пастга, лойга эмас, четроқка, эриб улгурмаган қор устига ётдим. Ёшлиқда шундай воқеалар ҳам бўлади – шинель ҳаёtingдан азизроқ кўринади. Тентак қиз! Ёш аскарларим ҳам кулгидан ўзларини тиёлмадилар.

Нима демоқчиман... Биз олиб борган мұхандислик разведкасини тушунтироқчиман. Оқшом жангчилар нейтрал ҳудудда жуфт ячейка қазишарди. Тонг ёришишдан олдин мен бўлим командирларидан бири билан мана шу окоп олдига бораардим, жангчилар бизни маскировка қилиб турарди. Кун бўйи шу аҳволда ётардик, қимирлашга қўрқардик. Эгнингда қалин пўстин, оёғингда иссиқ валенка бўлса ҳам, бир-икки соатдан кейин қўл-оёқларинг музлай бошлайди. Тўрт соатдан кейин – тайёр яхмалаксан. Устингга қор ёғади... Қор одамга айланасан... Қишида шундай... Ёзда эса жазира маисиқ ёки ёмғир остида ётишга тўғри келарди. Куни билан ҳаммасини синчковлик билан кузатиб, қайси жойларда ер юзаси ўзгарганлигини қайд этиб, олд чизик харитасини тузамиз. Агар кичкина дўнглик ва тупрок уюми, қорнинг қорайгани, майсанинг босилиб қолганини пайқаб қолсак, бу айни муддао... Бизга айнан шу керак... Демак, ўша ерга немис сапёrlари миналарни териб чиқишиган. Агар сим тўсиқлар қўйилган бўлса, тўсиқ эни ва узунлигини аниқлаш керак. Қандай миналар – пиёдаларга қаршими ёки танкларга қарши, балки совға миналар кўллангандир. Душманнинг ўт очиш нукталарини аниқлардик...

Қўшинларимиз хужуми олдидан кечаси ишлардик. Ҳар бир қарич ерни пайпаслаб қўрардик.. Миналанган

далаларда коридор очардик... Доим ер кавлаб юардик... Қорнимизда юардик... Мен эса бўзчининг мокисидек бир бўлимдан иккинчисига сакраб юардим. Энг кўп ми-  
нани доим мен топардим.

Хар хил воқеалар бўлган... Кино олса бўлади... Кўп  
кисмли фильм.

Офицерлар нонуштага таклиф қилишди. Рози бўлдим, сапёрларга ҳар доим ҳам иссиқ овқат насиб килавермасди, кўпроқ қолган-кутганларни ердик. Ҳамма ошхонада дастурхон атрофига йигилганда, оғзи ёпиб қўйилган рус печи эътиборимни тортди. Олдига бо-  
риб, қопқоғини текшира бошладим. Офицерлар устим-  
дан кула бошлашди: аёлларга қолса, кўзанинг ичидан ҳам мина топишади. Ҳазилга жавоб қотиб, энг пастда, қопқоқнинг чап томонида кичкина тешикча борлигини пайқадим. Яҳшилаб қараб, печка ичига борадиган ин-  
гичка симга кўзим тушди. Ўтирганларга қараб: «Уй ми-  
наланган, хонани бўшатишингизни сўрайман», – дедим. Офицерлар жим бўлиб қолишли, менга ишонқирамай қарашди, ҳеч ким иссиқ жойини тарк этгиси келмас-  
ди. Унинг устига, қовурилган гўшт ва картошка ҳиди димогингни китиқлаб турса... Мен яна тақрорладим:  
«Дарҳол хонани бўшатинг!» Сапёрлар билан иш бош-  
ладим. Биринчи бўлиб қопқоқни олдик. Қайчи билан симни кирқиб ташладик... Қарасак... Печкада аскарлар орзузи – шпагат билан боғланган бир неча сирланган бир лярли кружкалар ётганди. Қозондан ҳам аъло. Печ-  
ка ичидаги эса қора қофозга ўралган иккита катта бойлам. Йигирма килога яқин портлатиш моддаси. Мана сизга кўза.

Украина шаҳарлари бўйлаб кетяпмиз, Станислав, ҳозирги Ивано-Франков обlasti. Взводга топшириқ бе-  
рилди: тезда шакар заводини миналардан тозалаш керак. Ҳар бир дақиқа олтинга тенг: завод қандай миналан-  
гани номаълум, агар соат механизмига уланган бўлса,  
ҳар дақиқада портлаши мумкин. Илдам қадамлар билан

топширикни бажаришга чиқдик. Ҳаво иссик, ёзги кийимларни кийиб олганмиз. Узокқа отувчи артиллериячилар позициясидан ўтаётганимизда биттаси траншеядан отилиб чиқиб: «Ҳаво! Рама!» – деб бақира бошлади. Осмонга қараб, «рама»ни қидира бошладим. Ҳеч қандай самолёт йўқ. Жимжит, ҳеч нарса йўқ. Унда ўша «рама» қани? Ўшанда сапёрларимдан бири сафдан чиқишга рухсат сўради. Қарасам, ҳалиги артиллерист олдига бориб, унга тарсаки туширди. Нима бўлаётганига тушуниб улгурмасимдан, артиллериячи: «Дўстлар, бизникиларни уришяпти», – деб дод солди. Траншеядан бошқа артиллериячилар бирин-кетин чиқиб, сапёrimни ўраб олишди. Взводим ўйлаб ўти rmsдан, қўлларидағи шчуп, минақидиргич, кийимқопларини ерга ташлаб, унга ёрдамга ошиқди. Жанжал бошланди. Мен эса нима бўлаётганини тушунмай ҳалак эдим. Нега взвод жанжалга аралашди? Ҳар бир дақиқа ғанимат бўлиб турган бир пайтда улар муносабатларни ойдинлаштиришга вақт топганига қаранг. «Взвод, сафлан!» – деб буйруқ берсам ҳам, ҳеч ким парво қилмайди. Шунда пистолетимни олиб, осмонга қаратиб ўқ уздим. Блиндаждан офицерлар югуриб чиқди. Ҳаммани тинчлантиргунча, анча вақт кетди. Капитан взводимга яқинлашиб: «Каттангиз ким?» – деб сўради. Мен маълумот бердим. Кўзлари катта-катта бўлиб кетди, у бироз саросимага тушиб қолди. Кейин эса: «Бу ерда нима бўлди?» – деб сўради. Мен жавоб беролмадим, чунки сабабини ўзим ҳам билмасдим. Шунда менинг ёрдамчим чиқиб, ҳаммасини айтиб берди. Ўша воқеадан сўнг «рама» нималигини билдим. Бу аёлларни ҳақоратловчи сўз экан. Ҳарбийча сўкиниш...

Биласизми... Дилдан сухбат қуряпмиз... Урушда севги, болалик ҳақида ўйламасликка ҳаракат килардим. Ўлим ҳақида ҳам. М-м-м... сухбатимиз самимий-ку... Шу... аввал ҳам айтдим: тирик қолиш учун ўзимни кўп нарсадан чекладим. Айникса, кўнгилни эритадиган нарсаларни ўзимга тақиқладим. Ҳатто ўйлашни ҳам. Эслаш-

ни ҳам. Биринчи марта озод этилган Львов шаҳрида бир неча кун дам олишга рухсат беришгани эсимда. Уруш бошланганидан бери илк бора... Шаҳар кинотеатрида батальон фильм томоша қиларди. Аввалига хатто юмшоқ ўриндиқларда ўтириш, чиройли жихозлар, сокинлик ва осойишталиқ эриш туюларди. Сеанс бошланмасдан оркестр куй чалиб, артистлар чиқиши. Фойеда ракс туша бошлашди. Полякча, краковяк, падэспань рақсларини ижро этиб, охири ўзимизнинг русча рақслар билан тугатишарди. Айникса, мусика менга жуда бошқача таъсир қиларди... Қаердадир ҳали уруш давом этаётгани ва тез орада яна жангга қайтишимиз кераклигига сира ишонгим келмасди. Қаердадир ажал изғиб юрибди.

Бир кун ўтиб взводимга темир йўлга ёндош ҳудудни текшириб кўриш топшириги берилди. У ерда бир неча машина портлаган эди. Миналар... Шоссе бўйлаб мина қидиувчилар ва разведкачилар ишга тушди. Майда ёмғир ёғиб турибди. Ҳамманинг усти шалаббо бўлиб кетди. Этикалим намиқиб, оғирлашиб қолди, гўё тагчарми резинадан эмас, темирдан қилингандай туюларди. Оёқ остида ўралашмаслиги учун шинелимнинг этагини камаримга қистириб олдим. Олдимда арқонда Нелли исмли кучукчам борарди. Снаряд ёки мина топиб олса, уни зарарсизлантиргунча ёнига ўтириб олади. Менинг содик дўстим... Нелли ниманидир сезиб ўтириб олди... Фингшиб кутиб турибди... Шу пайт занжир бўйлаб: «Лейтенант, генерал чақиряпти!» – деган хабар келди. Орқамга қарасам, қишлоққа кетиш йўлида «виллис» турибди. Мен ариқчадан сакраб ўтиб, йўл-йўлакай шинелимнинг этагини туширдим, камар ва пилоткамни тартибга келтирдим. Барибир кўринишим кўнгилдагидек эмас.

Машина олдига келиб, эшикни очдим ва хабар бера бошладим:

– Ўртоқ генерал, буйруфингиз билан...

У эса:

– Эркин...

Қадимни фоз тутиб турибман. Генерал менга қайрилиб ҳам қарамайды, машина ойнасидан йўлга қараб турибди. Асабийлашиб, соатига қараб қўяди. Мен ҳалиям турибман.

У ўзининг ёрдамчисига мурожаат қилади:

— Қани ўша сапёрлар командири?

Мен яна хабар қилмокчи бўлдим:

— Ўртоқ генерал...

У алам билан менга юзланди:

— Сени бошимга ураманми!

Шунда ҳаммасини тушундим, кулиб юбормай деб зўрга турибман. Биринчи бўлиб, ёрдамчиси фаҳмлади, шекилли:

— Ўртоқ генерал, эҳтимол сапёрлар командири аёл кишиидир?

Генерал менга бақрайиб:

— Кимсан? — деб сўради.

— Сапёрлар взводи командири, ўртоқ генерал.

— Сен взвод командиримисан? — ўдагайлади у.

— Худди шундай, ўртоқ генерал!

— Сенинг сапёрларинг ишляяптими?

— Худди шундай, ўртоқ генерал!

— Жонга тегдинг: генерал, генерал...

Машинадан чиқиб, бир-икки қадам олдига ташлади, кейин ёнимга қайтиб келди.

Бироз туриб, бош-оёқ қараб чиқиб, ёрдамчисига шундай деди:

— Кўрдингми?

Мендан эса:

— Ёшинг нечада, лейтенант? — деб сўради.

— Йигирмада, ўртоқ генерал.

— Қаердансан?

— Сибирдан.

У яна узоқ вақт мени сўроқقا тутди, танк қисмларига ўтишимни таклиф қилди. Менинг аянчли аҳволимни кўриб, жаҳли чиқди: мен бунга йўл қўймаган бўлардим,

деди. Менга сапёрлар хаводек зарур, деди. Кейин эса мени чеккага чиқариб, ўрмонни кўрсатди:

— Хувана у ерда танкларим турибди. Уларни мана бу темир йўлдан ўтказмоқчиман. Рельс ва шпалалар ечилиган, аммо йўл миналанган бўлиши мумкин. Танкистлардан ёрдамингни аяма, йўлни текшириб бер. Бу ер қулай жой, олдинги маррага энг яқин йўл ҳам шу. Тўсатдан зарба қандай бўлишини биласанми?

— Биламан, ўртоқ генерал.

— Унда, соғ бўл, лейтенант. Фалабагача тирик қолишингни тилайман, фалаба яқин.

Тушуняпсанми!

Темир йўл ҳақиқатан ҳам миналанган бўлиб чиқди. Текшириб кўрдик.

Ҳамма Фалабани кўриш иштиёқида эди...

Қирқ тўртинчи йилнинг октябрь ойида икки юз ўнинчи алоҳида минани заарсизлантириш отряди тарқибидағи батальонимиз Тўртинчи Украина фронти билан биргаликда Чехословакия ҳудудига кириб борди. Ҳамма бизни хурсандчилик билан қарши олди. Устимиздан гул, мева, сигарет кутиларини сочишди... Оёғимиз остига поёндоз ташлашди... Қиз бола эркаклар взводини бошқариши, устига-устак ўзи ҳам сапёр-минёр эканлиги ҳақиқий шов-шувга айланди. Сочим эркакча олинган, эгнимда шим ва китель, хатти-ҳаракатларим ҳам эркакча эди, қисқаси, ўспирин йигитга ўхшардим. Баъзан қишлоққа от устида кириб борардим. Отлик аёлми, эркакми фаҳмлаш қийин, аммо аёлларни ички туйфуси алдамасди, улар менга синчковлик билан разм солишарди. Аёл сезгиси... Кулгинг келади... Қизиқ! Кечаси ётадиган уйимга қелганимда, уй эгалари уларнинг меҳмони офицер, аммо эркак эмаслигини билишарди. Баъзиларининг оғзи очилиб қоларди... Овозсиз кино! Мен эса завқланардим... М-м-м... Бу менга ҳатто ёқарди. Мана шундай ҳайрон қолдириш ёқарди. Польшада ҳам худди шундай бўлган. Бир қишлоқда кампир мени меҳр би-

лан бошимдан силади. Мен дарров тушундим: «Ха, хола, шохим бор эканми?» – дедим. У бироз хижолат бўлиб, шунчаки менга раҳми келганини айтди: «ёшгина экансан».

Миналар эса ҳар қадамда. Миналар кўп бўларди. Бир куни бир уйга кирдик, кимдир жавон олдида турган хром этикни кўриб қолди. Уларни оламан деб қўл чўзган эдӣ. Мен: «Тегма!» – деб бақирдим. Этик олдига бориб, уларни текшириб кўрсам, миналанган экан. Миналанган оромкурсилар, кийим жавонлари, сервантлар, кўғирчоқлар, қандилларни кўрганман... Дехқонлар помидор, картошка, қарам экилган эгатларни миналардан тозалаб беришимизни сўрашарди. Чучвара ейиш учун взводим бир қишлоқда буғдойзорни миналардан тозалаб берди, ҳатто буғдой янчиш учун ғалляянчични ҳам минадан озод қилишга тўғри келган...

Чехословакия, Польша, Венгрия, Руминия, Германия ерларини кезиб чиқкан бўлсам, хотирамдаги таассуротларим кам. Асосан жой рельефининг манзаралари эсимда қолган. Тошлар... Бўй баравар ўт... Ростдан ҳам бўй бараварми, ё бўлмаса шчуп ва минақидиргичлар билан оралаб бориш ниҳоятда мушкул бўлгани учун шундай туюлганми. Бир неча йиллик ўт... Қариқиз барглари буталардан ҳам баланд... Сон-саноқсиз ариқча ва жарлар ҳам эсимда. Қалин ўрмон, қозиқлари занглаб кетган сим тўсиқлар, ўт-ўлан униб чиқкан миналанган далалар. Ташландиқ гулзорлар. У ерда доим миналар яширинган бўлади, немислар гулзорларни ёқтиришарди. Бир марта қўшни далада курак билан картошка қазишаётган бўлса, бу томонда биз миналарни қазиб олардик...

Руминияда Деж шаҳарчасида ёш румин жувон уйида тўхтадим. У русчани яхши биларди. Бувиси рус экан. Аёлнинг учта боласи бор. Эри фронтда, румин кўнгиллилар дивизиясида ҳалок бўлган экан. Аммо у шўх-шодон аёл бўлиб, хурсандчиликни, ўйин-кулгини ёқтиаркан. Бир куни мени ҳам рақсга таклиф қилди.

Ўзининг кийимларини берди. Йўқ деёлмадим. Шим, гимнастёрка, хром этиклар устидан румин миллий либоси: енги узун кўйлак ва катак-катақ тивит юбкани кийиб олдим. Белимни қора белбоғ билан маҳкам боғлаб олдим. Бошимга попукли катта рўмол ташлаб олдим. Ёз бўйи тоғу тошларда юравериб, қоп-қора бўлиб кетганим учун ҳақиқий румин кизлардан фарқим қолмади. Румин кизи бўлдим-қўйдим.

Клублари йўқлиги учун йигит-кизлар кимнингдир уйида йифиларди. Келганимда мусиқа чалиб, ҳамма ракс тушаётган эди. Мен батальонимдаги деярли барча офицерларни кўрдим. Аввалига мени таниб қолишади деб четроқда турдим, ҳатто юзимни рўмол билан ҳам беркитиб олдим. Томоша қилсан ҳам майли дердим ичимда... Узокдан бўлса ҳам... Офицерларимиздан бири мени бир неча марта раксга таклиф қилганида бўялган лабу, қалам суртилган қошларимдан мени танимаганлигини кўриб, завқу шавққа тўлдим. Чин дилдан яйрадим... Чиройлисан дейишларини эшитиш хуш ёқарди. Менга илтифот кўрсатишарди... Тинмай ракс тушдим...

Уруш тугади. Бирок биз яна бир йил дала-дашт, кўлу ариқларни миналардан тозаладик. Уруш пайтида миналарнинг ҳаммасини сувга ташлардик, муҳими, ўтиб олиб, вақтида манзилга етиб бориш эди. Энди эса бошқа нарса ҳақида ўйлаш керак... Тириклик ҳақида... Сапёрлар учун уруш урушдан кейин бир неча йилдан кейингина тугади, улар ҳаммадан кўпроқ уруш қилишди. Фалабадан сўнг портлашни кутиш нималигини биласизми? Шу онни кутиб яшаш... Йўқ-йўқ! Фалабадан кейин ўлиш – энг даҳшатли ўлим. Икки баравар ўлим.

Шу билан... Янги йилга, янги қирқ олтинчи йилга менга ўн метр қизил сатин беришди. Мен кўлдим: «Нима қиласман уни? Сафарбарликдан кейин ўзимга қизил кўйлак тикаманми? Фалаба кўйлагини». Фаришта омин деган экан... Тез орада мени сафарбарликдан қайтариш ҳақида буйруқ келиб қолди... Анъанага кўра,

мени кузатиб күйиш учун батальонимда тантанали маросим ташкил қилишди. Хайрлашув оқшомида офицерлар катта мовий ранг рўмол совға қилишди. Бу рўмолни мовий рўмол ҳақидаги кўшиқ билан сотиб олишим керак эди. Бутун оқшом уларга кўшиқ куйладим.

Поездда эса иситмам кўтарилиб кетди. Юзимнинг бир томони шишиб, оғзимни очолмай қолдим. Ақл тишларим чиқаётганди... Мен урушдан қайтяпман...»

*Апполина Никоновна Лицкевич-Байрак, кичик лейтенант,  
сапёрлар-минёлар взводи командири*





## «БИР МАРТАГИНА КУРСАМ БҮЛДИ...»

Энди эса мухаббат эртаги бошланади...

Севги – инсоннинг урушдаги ягона шахсий воқелиги. Қолган барчаси умумий, ҳатто ўлим ҳам. Нимани кутмагандим? Севги ҳақида ўлимдан ҳам очикроқ гапириб беришларини. Доим охиригача айтолмасдилар, гўё ҳимоялангандай. Ҳар сафар қандайдир чегара олдида тўхтагандай тўхташарди. Уни ҳушёрлик билан мудофаа қилишарди. Улар ўзаро келишиб олгандай – у ёғига мумкин эмас. Парда тушириларди. Нимадан ҳимояланганликлари маълум – кундаклик аламлар, бўхтон гаплардан. Ахир улар озмунчадард чекдими? Урушдан кейин яна бир урушни бошдан кечирдилар. Бу уруш улар қайтган урушдан-да даҳшатлироқ эди. Агар кимдир охиригача самимий бўлишни ихтиёр этса, ё икрорномаси оғзидан чиқиб кетса, албатта охирида: «фамилиямни ўзгартиринг», ёки «бизнинг замонда бу ҳақда айтиш одобдан саналмасди, бу уят бўлган...» деб қўярди. Романтик ва фожиавий воқеаларни кўпроқ эшитганман.

Албатта, бу ҳаётнинг ўзи ёхуд ҳақиқатнинг ўзи эмас. Аммо бу уларнинг ҳақиқати. Ҳарбий авлод ёзувчиларидан бири тан олганидек: «Номинг ўчсин уруш – юлдузли онларимиз!» Бу – пароль, уларнинг ҳаётига ёзилган умумий эпиграф.

Шундай бўлса-да, у ерда, ажал ёнида севги қандай бўлар экан? Қизик...

## Эси паст хотин ва баҳор гуллари ҳақида

«Уруш мени мұхаббатимдан айирди... Яккаю ягона мұхаббатимдан...

Шаҳарни бомбардимон қилишяпти, олдымға опам Нина югуриб келди, у билан хайрлашдик. Энди күриш масак керак деб ўйлардик. У менгат: «Мен сандружиначи бўлмоқчиман, аммо уларни қаердан топсам экан», — деди. Унга тўйиб олиш учун яхшилаб қарадим, ёз эди, эгнида енгилгина ёзги кўйлак, чап елкасида, мана бу ерида, бўйнига яқин жойида холи бор экан. Туғишган опам бўлса-да, холини биринчӣ марта кўришим эди. Унга қараб хаёлимдан: «Сени қаерда бўлса ҳам таниб оламан», — деб ўйладим.

Юрагим эзилди... Мехрим жўшди... Қалбим ўртанди...

Ҳамма Минскдан кетяпти. Йўллардан юриб бўлмайди — отишади. Ўрмондан борардик. Қаердадир қизалокнинг овози янграйди: «Онажон, уруш». Частимиз чекиняпти. Кенг бурдойзор бўйлаб боряпмиз, йўл ёқасида пастаккина дехқон уйи. Смоленшина яқин... Йўл ёқасида бир аёл турибди, унинг бўйи уйдан баландроқдек туюларди, эгнида миллий рус каштаси солинган каноп кўйлак. У қўлларини кўксига кўйиб, ергача таъзим қиласарди. Аскарлар ёнидан ўтяпти, у эса ҳар бирига таъзим қилиб: «Яратганинг ўзи паноҳида асрасин», — деб дуо қиласарди. Биласизми, ҳар бир аскарга таъзим қилиб, дуо ўқиди. Ҳамманинг кўзига ёш қалқиб чиқди...

Урушнинг охиригача уни унутмадим.... Бошка манзара. Бу Германияда бўлган. Немисларни инига ҳайдәётган пайтларимиз. Бир шаҳарча... Ҳовлида бошига шляпа қўндириб олган иккита немис аёли ўтириб, бамайлихотир кофе симириб ўтиришибди. Гўё ҳеч қандай уруш йўқдай... Ўшанда ичимда нафрат уйғонди: «Ё, худо, бизнинг ўйларимиз вайрон қилинган, одамларимиз ертўлада яшаб, ўт-ўлан билан озиқланади, сизлар эса ҳеч нарса бўлмагандай кофе ичиб ўтирибсиз». Ёнгинасидан ма-

шиналаримиз, аскарларимиз ўтади... Улар кофе ичиб ўтириби...

Кейин ўз ерларимиздан боряпман... Нимани күрдим? Қишлоқ ўрнида биргина печь қолган. Бир чол ўтириби, орқасида — учта невараси. Келини ҳам, ўғли ҳам ҳалок бўлган бўлса кёрақ. Кампир печни ёқиш учун ўтин териб юриби. Пўстинни илиб кўйибди, демак, ўрмондан келишган. Ўша печда қайнаб турган ҳеч вақо йўқ. Юрагимни қандайдир илиқ туйғу қоплади... Мехрим дарё бўлиб оқди...

... Эшелонимиз тўхтади. Нима сабабдан тўхтаганимиз ҳозир эсимда йўқ — таъмирлаш учунми, паровозни алмаштиришдими. Ҳамшира билан ўтирибмиз, ёнимизда иккита аскаримиз овқат пиширяпти.

Қаердандир иккита немис асир егулик сўраб олдимизга келиб қолди. Нонимиз бор эди. Нонни олиб, пичоқ билан кесиб, бир бўлакдан уларга бердик. Овқат пишираётган аскарларнинг ўзаро ғапираётгани кулоғимга чалинди:

— Шифокорлар душманимизга қанча нон берганини кўрдингми? — Улар ҳақиқий урушни кўрибдими, госпиталларда бикиниб ўтирган, қаердан ҳам билсин... Шунга ўхшаш гаплар...

Бироз ўтиб бошқа асирлар овқат пишираётган аскарларнинг ёнига келиб, овқат сўрай бошлишди. Ҳозиргина бизни койиб турган ҳалиги аскар немисга қараб савол қотди:

— Овқат егинг келдими?

У эса қараб туриби... Кутяпти. Бошқа аскаримиз нонни дўстига узатиб:

— Майли, кесиб бер, — деди.

Униси бир бўлакдан нон кесиб берди. Немислар нонни олиб, кетишмаяпти — овқат пишаётганини кўриб туришибди.

— Майли, — дейди бошқа аскар, — овқатдан ҳам бер.

— Ҳали тайёр эмас-ку?

Билдингизми?

Немислар ҳам тушунгандай, кутиб туришибди. Аскарлар овқатга чўчқа ёғини солиб, консерва идишга сузиб, уларга беришди.

Мана сизга бағрикенг рус солдати. Улар бизни ко-йиган бўлсалар ҳам, ўзлари ҳам нон беришди, ҳам овқат. Овқатни ҳам ёғ солиб бўлганларидан кейингина беришди. Мана шу нарса эсимда қолди...

Шундай кучли бир туйғу... Мехр...

Уруш аллақачон тугаган... дам олишга отландим... Кариб инқирози эди. Яна жаҳонда нотинчлик пайдо бўлган. Осойишталикка дарз кетди. Жомадонимга нарсаларимни жойлаяпман: кўйлак, сочиқларимни олдим. Ҳеч нарса эсимдан чиқмадими? Ҳужжатларим солинган сумкамни олиб, ҳарбий гувоҳномамни чиқардим. Уни жойладим: «Нимадир бўлиб қолса, ўша ердан военкоматга бораман», – деб ўйладим.

Денгиздаман, дам оляпман. Овқат пайтида кимгадир бу ерга келаётиб, ҳарбий гувоҳномамни ҳам сумкамга солиб олганимни айтиб кўйибман. Мен шунчаки айтдим, мақтаниш ниятим йўқ эди. Биз билан ўтирган кишилардан бири буни эшишиб жуда таъсиrlаниб кетди:

– Йўқ, факат рус аёли дам олишга чиқаётиб, ҳар эҳтимолга қарши ўзи билан ҳарбий гувоҳномасини олиши ва нимадир бўлса, ўша ердан военкоматга бориши ҳақида ўйлаши мумкин.

У менга қойил қолганди. Унинг ёниб турган кўзлари ҳамон эсимда. Эрим менга мана шундай нигоҳ билан боқарди...

Кириш сўз чўзилиб кетгани учун узр... Мен тартиб билан гапиришни билмайман. Фикрларим доимчувалашиб, туйғуларим алғов-далғов бўлиб кетади...

Турмуш ўртоғим билан фронтга кетдик. Иккаламиз,

Урушни ҳар куни эсласам-да, кўп нарса ёдимдай кўтарилибди...

Жанг тўхтади... Сокинликка ишонгимиз келмасди. Майин майсани қўллари билан силарди... Юзим-

га қараб узок-узок тикиларди... Ҳайрат тўла кўзлари билан...

Улар гурухи билан разведкага чиқишиди. Уларни икки кун кутдик... Икки кун ужламадим...

Кўзим илинибди. Уйғонганимда қарасам, ёнимда мёнга тикилиб ўтирибди. «Ухла». – «Вактимни бекорчи уйкуга сарфлагим келмаяпти».

Юрагим тўлиб кетди... Орзиқиб кетди... Мехрга тўлди...

Мен кўп нарсани унутдим, деярли ҳаммасини. Ҳеч қачон унутмайман деб ўйлардим. Асло унутмасликка сўз бергандим.

Биз Шаркий Пруссия ерларига келгандик, ҳамма ғалаба ҳақида гапиради. У ҳалок бўлди...

Бир онда жон берди... Ўлимiga осколка сабабчи бўлди... Лахзали ўлим. Уларни олиб келишганларини айтишиди, мен югуриб келдим... Уни қучиб, олиб кетишларига кўймадим. Кўмишмоқчи эди. Урушда тез дафн қилишарди: эрталаб ўлса, ҳаммани йиғиб келиб, катта ўра қазишади. Ўликларни тахлаб, устларидан тупроқ тортишади. Баъзан устига қум сепишарди. Шу қумга узок вақт термулсанг, қум қимирлаётгандек туюларди. Қалтираётгандек. Қум ҳаракатланади. Чунки у ерда... тирик одамлар ётишибди... Ҳар ҳолда, мен учун тирик... Улар яқиндагина тирик эди... Уларни кўряпман, гаплашяпман... Ишонгим келмайди... Биронтамизнинг ҳам улар ер остига кирганига ишонгимиз келмасди... Қаердасиз?

Уни кўмишга кўймадим. Яна бир кечани бирга ўтказиши истадим. Унинг ёнида бўлгим келди. Дийдорига тўйиб олгим, соchlарини силагим келди...

Тонгда эса... Уни уйга олиб кетишга қарор қилдим. Беларусга: Бу бир неча минг километр йўл дегани. Уруш йўллари... Уртўполоң... Ҳамма мени ақлдан озди деб ўйлади. «Тинчланиб олишинг керак. Ухлаб ол», – деб маслаҳат беришарди. Йўқ! Йўқ! Бир генералнинг ол-

дидан чиқиб, иккинчисига борардим, шу зайл фронт бошлиғи Рокоссовский олдига етиб келдим. Аввалиға йўқ деди...

Ақлдан озганми! Қанчаси қардошлар мозорига кўмилган, ўзга юртларда ётишибди шулар ҳам...

Яна бир марта олдига киришга рухсат олдим:

— Тиз чўкишимни истайсизми?

— Сизни тушуниб турибман... Лекин у ўлган...

— Ундан фарзанд кўрмадим. Ўйимиз ёниб кул бўлди. Ҳатто расмларимиз ҳам қолмади. Ҳеч нарсам йўқ. Уни ўз юртимга олиб кетсан, ҳеч бўлмаса қабри қолади. Урушдан кейин борадиган жойим бўлади.

Индамади. Қадами билан кабинетнинг у бурчагидан бу бурчагига ўлчаб чиқди. Тўхтовсиз.

— Сиз қачонdir севганимисиз, ўртоқ маршал? Мен эримни эмас, муҳаббатимни кўмияпман.

Яна индамади.

— Унда мен ҳам шу ерда ўламан. Усиз яшаб нима қилдим?

Узоқ вақт сукут сақлади. Сўнг ёнимга келиб, қўлимни ўпди.

Менга бир кечага маҳсус самолёт ажратишди. Самолёт ичига кириб, тобутни қучдим... Сўнг хушимдан кетдим...»

*Ефросинья Григорьевна Бреус, капитан, шифокор*

«Уруш бизни айирди... Эрим — фронтда. Мен аввалига Харьковга, у ердан Татаристонга эвакуация қилинди. У ерга ишга кирдим. Бир куни мени қидириб қолишиди. Кизлик фамилиям Лисовская. Ҳамма: «Совская! Советская!» деб чақиради. Шунда: «Менман!» деб пешвоз чиқдим. Менга: «Энкаведега боринг, рухсатнома олиб Москвага жўнанг», —дейишди. Нега?

Менга ҳеч ким ҳеч нарсани тушунтирмади, ўзим ҳам билмасдим. Уруш... Йўлда балки эрим яралангандир, унинг олдига чақиришаётгандир, деб ўйладим. Ун-

дан хат-хабар олмаганимга тўрт ой бўлганди-да. Кўл-оёқсиз, ногирон бўлса ҳам, уни олиб уйга қайтаман, деб ўйладим. Бир амаллаб кун кечиравмиз.

Москвага келдим, манзилни топиб бўрдим. Қарасам: «ЦК КПБ» деб ёзилган, яъни бизнинг Беларусь-хукуматимиз. У ерда менга ўшаганлар кўп эди. «Нима? Нега? Бизни нима учун чақиришди?» – деб бир-биримиздан сўраяпмиз. «Ҳаммасини билиб оласиз», – деб жавоб беришди. Ҳаммамизни катта залга йиғиши. У ерда Беларусь ЦК котиби, ўртоқ Пономаренко ва бошқа раҳбарлар бор эди.

«Келган жойингизга қайтишни истайсизми?» – деб сўрашди. «Мен Беларуссиядан келганман. Албатта истайман». Шу билан мени маҳсус мактабга жўнатиши. Душман орасига жўнатиш учун тайёрлай бошлишди. Бугун ўқишини тугатсак, эртасига фронтга олиб кетиши. У ёғига пиёда кетдик. Мен фронт нималигини, нейтрал ҳудуд қандай бўлишини тасаввур ҳам қилмасдим. Буйруқ берилди: «Тайёрлан! Биринчи рақамли тайёргарлик». «Пак!» – ракета отишди. Қарасам, оппоқ қор, бу ёғида қатор одамлар. Биз бирин-кетин ерга ётиб олган-дик. Кўпчиликмиз. Ракета сўнди, отиш тўхтади. Янги буйруқ: «Югур!», – ҳаммамиз чолиб кетдик. Шундай килиб ўтиб олдик...

Мўъжиза рўй бериб, партизанлар отрядига эримдан хат келди. Қувонганимни кўрсангиз эди. Кутилмаганда, ахир икки йилдан ортиқ ундан хабар йўқ эди. Самолёт озиқ-овқат, ўқ-дори ва почта ташлаб кетди... Почтада, мана шу брезент қоп ичидаги менга мактуб бор экан. Шунда ёзма равища ЦКга мурожаат қилдим. Хатимда ҳамма нарсага тайёрман, эрим билан бирга бўлсан бўлди, деб ёздим. Мана шу хатни отрядимиз командирига билдирамай, учувчига узатдим. Тез орада янгилик келди: алоқа орқали ҳабар беришди – топшириқ бажарилгандан сўнг, бизни бутун гурухимиз билан Москвада кутиб олишаркан. Янги жойга тайинлашаркан...

Ҳамма бориши керак, шу жумладан, Федосенко ҳам. Самолёт кутяпмиз, қоронғу, зимистон. Төпамизда аллақандай самолёт айланиб-айланиб, кейин устилизга бомба ёғдирди. Бу «мессершмитт» экан, немислар тураргохимизни билиб қолибди, самолёт қайрилиб қайтиб келиш учун учиб кетди. Шу пайт бизнинг «У-2» самолётимиз мен турган арча ёнига қўнди. Учувчи сал ерлади-ю, дарров яна кўтарилишга ҳаракат қила бошлиди. Чунки кўрди: немис самолёти ҳозир қайрилиб келиб, отишни бошлайди. Мен самолёт қанотини ушлаб олиб, бор овозда: «Москвага боришим керак! Рухсатномам бор!» –деб қичқирдим. У сўкиниб: «Ўтири!» –деди. Шундай қилиб, иккаламиз учиб кетдик. Ярадорлар ҳам йўқ эди... Ҳеч ким йўқ.

Май ойида Москва кўчалари бўйлаб кигиз этикда юрардим. Театрга ҳам кигиз этикда бордим. Нима бўлти? Эримга қандай учрашсак бўлади, ҳозир захирадаман деб ёздим... Менга ваъда беришди... Ҳаммага илтимос қиласман: эримнинг олдига жўнатинг, лоақал икки кун беринг, бир дийдорига тўйиб олай, кейин, майли, қаерга жўнатсанглар боравераман. Ҳамма елкасини қисади. Почта ракамидан эрим жанг қилаётган жойни билиб олдим. Унинг олдига бордим. Аввалига партия обкомига келдим, эримнинг манзили, хужжатларимни кўрсатиб, хотини эканлигимни айтдим, у билан кўришмоқчиман дедим. Менга бунинг иложи йўқ, у ҳозир олдинги маррада ҳаракат қиляпти, орқага қайтинг дейишди. Мен оч-нахор йўл азобини кўриб келсам-у, эримни кўрмай орқамга қайтаманми? Ҳарбий комендант олдига бордим. Уст-бошимга қараб, кийим-кечак беринглар, деб буйруқ берди. Менга гимнастёрка, камар беришди. Кейин у мени шаштимдан қайтара бошлади:

– Эрингиз жанг қилаётган жой жуда хавфли, нима қиласиз у ерга бориб...

Ўтириб олиб, йигладим. Шунда менга раҳми келиб, рухсатнома ёзиб берди.

— Шоссега чиқсангиз, — деб тушунтириди у, — у ерда тартибга солувчи бор, у сизга қаерга бориш жераклигиги тушунтиради.

Шоссени топдим, ҳалиги тартибға солувчини ҳам топдим, у мени машинасига ўтқазди, йўлга чиқдик. Частга келдим, ҳаммаси ҳайрон, ҳаммаси харбийлар. «Сиз кимсиз?» — деб сўрашди. Хотиниман дейишта уялдим. Чор атрофда бомба портлаётган бўлса, хотиниман дейманми...

Опасиман дедим. Нимага опасиман деганимни ўзим ҳам билмайман. «Сабр қилинг, — дейиши менга, — яна олти километрли йўл бор». Шунча йўл бошиб келган бўлсам, қандай кутиб ўтираман? Шу пайт ўша ердан овқат олиб кетгани машина келиб қолди. Машинада сап-сариқ сепкилли бир сержант ўтирган экан. У менга:

— Ҳа, Федосенкоми, танийман. Бироқ у траншеяниң ичидা, — деди.

Мени ҳам олиб кетинг, деб кўндиридим. Машинага ўтиридим, атроф — зимистон, ҳеч нарса кўринмайди... Ўрмон... Ўрмон йўли... Мен учун бу янгилик: олдинги марра, аммо ҳеч қаерда ҳеч ким йўқ. Бир-бир ўқ овози эшитилади. Етиб келдик. Старшина сўради:

— Федосенко қани?

Унга жавоб беришди:

— Улар кеча разведкага кетишганди, тонг отиб қолди, ўша ерда оқшом тушишини кутиб ётишибди.

Бироқ алоқалари бор экан, алоқа орқали опаси келганини айтишди. Қанақа опам? Сап-сариқ дейиши. Опаси қорамагиз эди. Сап-сариқ деганларидан кейин қайси «опа»си келганини дарров фаҳмлади. Қандай чиққанини билмайману, бироқ Федосенко кўринди. Қандай учрашганимизни кўрсангиз эди. Қанчалик кувонганимизни...

Бир кун олдида бўлдим, икки кун, кейин карор қилдим:

— Штабингга бориб айт. Сен билан шу ерда қоламан.

У бошлиқнинг олдига кетди. Менинг эса дамим ичимга тушиб ўтирибман: йигирма тўрт соат ичиди туёғини шиқиллатсин деб қолишса-чи? Ахир бу ер фронт бўлса, тушунарли-ку. Бир пайт қарасам, ертўламизга бошликлар: майор, полковник келишапти. Ҳаммаси қўл бериб сўрашишди. Кейин ертўлада ўтириб, ароқдан ичдик, ҳамма ўз сўзини айтди. Хотин ўз эрини траншеяда топганлиги, қонуний хотини эканлигим, ҳамма хужжатларим борлигини айтишди. Бу қандай аёл экан! Кўрсатинг бундай хотинни! Улар чиройли гаплар айтишарди, йиғлашарди. Ўша оқшом бир умр эсимда қолди... Бошқа нимам қолди?

Мени санитарка қилиб олишди. У билан бирга разведкаларга борардим. Миномёт отяпти, қарасам — у йиқилди. Тирикми-ўлдими деб ўйлайман? Ўша ерга югураман, миномёт эса тўхтамайди, командир бақиради:

— Эси паст хотин, қаерга чопяпсан!!

Ёнига келсам — тирик... Тирик!

Днепр ёнида ой шуъласида менга Қизил Байроқ орденини беришди. Эртасига эса эрим оғир жароҳат олди. Биз бирга юурдик, шундай ботқоқликдан бирга кечиб ўтдик, бирга эмаклаб ўтдик. Пулемётлар тинмай отарди, биз эса тинмай олға боравердик. Шунда бўксасидан ўқ еди. Ёрувчи ўқ жароҳат етказди. Бойлаб кўринг-чи, ахир думба-ку. Ҳаммаси йиртилиб кетди, ичига тупрок, лой — ҳаммаси тушди. Куршовни ёриб чиқаётгандик. Ярадорларни олиб чиқадиган жой йўқ, дори-дармонларим ҳам тугаган. Биргина умидим бор — ёриб чиқамиз.

Куршовни ёриб чиққанимизда, эримни госпиталгача ўзим кузатиб бордим. Мен уни олиб боргунимча, қон зарарланиб бўлган эди. Янги йил куни... Қирқ тўртинчи йил келаётганди... У ўляпти... Буни тушуниб турибман... У бир неча бор мукофотланганди, ҳамма орденларини олиб, унинг олдига қўйдим. Айни шифокор текшираётган маҳал. Врач олдимга келиб:

— Бу ердан кетишингиз керак. У ўлди, — деди.

Мен эса:

— Жим, у ҳали тирик, — деб жавоб бердим.

Шу-өн-эрим күзларини очиб, сўради:

— Шифт ҳаворанг бўлиб қолибдими?

Мен шифтга қарадим:

— Йўқ, ҳаворанг эмас. Вася, шифт оппоқ. — Унга эса ҳаворанг бўлиб кўринарди.

Палатадоши унга шундай деди:

— Федосенко, агар тирик қолсанг, хотинингни бошингда кўтариб юришинг кёрак.

— Шундоқ ҳам кўтариб юраман, — деб жавоб берди эрим.

Билмадим, умри поёнига етганини сезган бўлса керак, чунки қўлларимни ушлаб ўзига тортди ва ўпид кўйди. Сўнгти бор ўпаётгандек:

— Люба, ҳамма Янги йилни кутса-ю, биз иккимиз бу ерда ўтирасак... Бироқ афсусланма, ҳали ҳаммаси олдимизда...

Бир неча соатгина умри қолганида... Ўша кўнгилсиз ҳодиса рўй берди — чойшабларини алмаштиришга тўғри келди... Тагига тоза чойшаб ёйиб, ярасини боғладим, бошини ёстиққа тўғрилаш учун бироқ кўтаришим керак бўлди, эркак киши-ку, оғир. Уни кўтариб ёстиққа тортяпман, энгашиб олганман, куни битганлигини сезиб турибман, яна бир-икки дақиқа ва тамом... Оқшом эди. Соат ўндан ўн беш дақиқа ўтган... Дақиқасигача эслаб қолганман...

Яшагим келмасди, унинг ортидан кетгим келарди... Аммо корнимда боламизни кўтариб юргандим, фақат шу нарса менга таскин берарди, айрилиқ азобини енгиб ўтишга шу нарса ёрдамлашди. Уни биринчи январь куни кўмдик, ўттиз саккиз кундан сўнг эса ўғлим дунёга келди. Ўғлим қирқ тўртинчи йилги, ҳозир ўзининг ҳам учта боласи бор. Эримнинг исми Василий эди, ўғлим — Василий Васильевич, неварам ҳам Вася... Василий...»

*Любовь Фоминична Федосенко, оддий аскар, санитарка*

«Хар куни кўйардим... Аммо сира кўни колмадим. Ёш, навқирон йигит ўлим билан олишиб ётса... Унга бўса ҳадя қилишга улгуриб қолишни истардим. Шифо-кор сифатида ёрдам беролмаганимдан кейин, аёл сифа-тида нимадир қилгим келарди. Ҳеч бўлмаса, табассум ҳадя қилсам. Юзларидан силасам. Кўлларидан ушла-сам...»

Урушдан кейин анча вақт ўтиб, бир киши ёшли-гимдаги табассумимни яхши эслаб қолганини айтди. Мен учун у одий бемор эди, уни ҳатто эслолмадим ҳам. Ўша табассум уни ҳаётга қайтарганлигини, на-риги дунёдан тортқилаб келганини айтди... Аёл табас-суми...»

*Вера Владимировна Шевалдишева, катта  
лейтенант, жарроҳ*

«Биринчи Беларусь фронтига келдик... Йигирма еттита қиз бола. Эркаклар: «Кир юувучи ҳам эмас, алоқачи ҳам эмас, снайпер қизлар», – деб бизга ҳавас билан қарашарди. «Бундай қизларни илк бор кўриб ту-ришимиз! Эх, қандай қизлар-а!» Старшинамиз бизни улуғлаб, шеърлар ёзарди. Ўзи эсимда қолмаса ҳам, маъ-носи эсимда: уруш баҳор гуллари сингари нозик қалбли қизларнинг ҳаётини синдирмасин.

Фронтга кетаётиб, ҳаммамиз ҳеч кимни севиб қолмаймиз, деб қасам ичганмиз. Тирик қолсак, урушдан сўнг ҳам ҳаммасига улгурамиз. Урушгача эса ҳатто бўса олишга ҳам улгурмагандик.

Биз бу нарсаларга ҳозирги ёш ўғил-қизларга қараганда анча жиддий қаарардик. Биз учун ўпишиш бир умрга севиб қолиш билан баравар эди. Урушда севги тақиқланганди, раҳбарият билиб қолса, одатда, севиши-гандардан бирини бошқа частга ўтказишарди, очиқасига бир-биридан айиришарди. Биз севгимизни бегона кўздан асрардик. Болаларча қасамларимизни буздик... Биз сев-дик...

Агарда урушда севиб қолмаганимда, тирик қолмас эдим, деб ўйлайман. Севги қуткаарди. У мени ҳам күткаарди...»

*Софья Кригель, катта сержант, снайпер*

«Севги ҳақида сўраяпсизми? Ҳақиқатни айтишдан кўрқмайман... Мен піэпэже бўлганман, кенгайтмаси – «походно-полевая жена», яъни йўл-йўлакай хотин. Урушдаги хотин. Иккинчи хотин, ноконуний.

Биринчиси – батальон командири...

Уни севмасдим. Яхши инсон эди, лекин уни севмасдим. Унинг ертёласига бир неча ойдан кейин бордим. Каерга ҳам борарадим? Атрофимда нуқул эркаклар, ҳаммадан кўркиб юргандан кўра, биттаси билан яшаганим маъқул. Жангдан кейин жангдан-да кўрқинчлироқ. Айниқса, дам олиш пайтларида, қайта тузишга жўнаташганда. Отишма пайтида, ўқ еганларида: «Синглим! Синглим!», жангдан кейин эса ҳаммаси сени пойлаб туради... Ертёладан кечаси чиқолмайсан... Буни бошқа қизлар айтганми, ёки ор қилишдими? Уялган бўлишса керак... айтишмаган. Магрурлик! Ҳаммаси ўлишни истамаслиқдан келиб чиқади. Ёшгина бўлиб ўлиб кетавериш алам қиласди... Унинг устига, эркаклар учун тўрт йил аёлсиз юриш ҳам қийин... Бизнинг замонамизда ишратхоналар бўлмасди, дорилар ҳам беришмасди. Балки бошқа жойларда буни қандайдир назорат қилишгандир. Аммо бизда йўқ. Тўрт йил... Командирларда сал имтиёз бўларди, оддий аскарда эса йўқ. Интизом. Аммо бу ҳакда гапиришмайди... Мумкин эмас...

Йўқ... Мен, масалан, батальонимизда биттагина қиз эдим, умумий ертёлада яшардим. Эркаклар билан бирга. Менга алоҳида жой беришди. Аммо уни алоҳида деб бўладими, ертёла бор-йўғи олти метр бўлса.

Кечаси уйғониб кетардим, бирининг юзига, иккинчининг қўлига урадим. Яраланиб госпиталга тушиб қолганимда ҳам, кечаси билан қўлларим билан кимни-

дир ҳайдаб чиқардим. Энага: «Сенга нима бўлди?» – деб мени уйғотарди. Дардингни кимга айтасан?

Биринчи командир минадан портлаб ўлди.

Иккинчи батальон командири...

Уни севардим. У билан жангга борардим, ёнида бўлгим келарди. Уни севардим, унинг суюкли хотини ва иккита боласи бор эди. Менга уларнинг суратларини кўрсатган. Агар тирик қолса, урушдан сўнг уларнинг олдига, Калугага қайтишини билардим. Нима бўпти? Шундай баҳтли онларни бошимиздан кечирдик! Жуда баҳтиёр эдик! Мана, жангдан қайтдик... Қаттиқ жанг бўлган... Биз эса тирик қолдик. Мен билан кечирган лаҳзалари бошқа ҳеч ким билан такрорланмайди! Ҳеч қачон! Буни билардим... Менсиз баҳтли бўлмаслигини билардим. Иккакаламиз урушда баҳтиёр бўлгандек ҳеч ким билан баҳтиёр бўлолмайди. Бўлолмайди... Ҳеч қачон!

Урушнинг охирига келиб ҳомиладор бўлиб қолдим. Бирга бўлишни жуда хоҳлардим... Аммо қизимизни ўзим катта қилдим, у ёрдам бермади. Бир тийин ҳам жўнатмади. На совфа, на бир мактуб, на бир-икки оғиз табрик сўзи. Уруш тугади-ю, муҳаббатимиз ҳам якун топди. Қўшиқ сингари... Қонуний хотини, болалари олдига қайтди. Эсадалик сифатида расмини қолдирди. Мен эса уруш тугашини истамасдим... Буни айтишга ҳам кўрқаман... Қалбимни очишга кўрқаман... Мен – телбаман. Севардим! Уруш билан бирга муҳаббатимиз ҳам тугашини билардим. Унинг муҳаббати... У билан бирга хис этган туйғуларим учун, у билан кечган тотли онлар учун ундан миннатдорман. Уни бир умр севдим, йиллар давомида муҳаббатимни қалбимда асраб келдим. Энди қаридим, ёлғон гапиришдан нима фойда.

Ха, бир ўмр севдим! Бундан афсусланмайман.

Қизим доим мени койирди: «Ойи, нега уни ҳалиям севасиз?» Мен барибир севавераман... Яқинда вафот этганини эшитдим. Роса йиғладим. Шуни деб хатто қизим билан орамиз бузилди: «Нега йиғлайсиз? Сиз учун

аллақачон ўлган». Мен уни ҳозир ҳам севаман. Урушни ҳаётимнинг энг баҳтири онлари сифатида эслайман, мен уерда баҳтиёр эдим...

Факат, илтимос, фамилиямни кўрсатманг. Қизим учун...»

*Софья Квич, санинструктор*

«Урушда...

Мени частга олиб келишди... Олдинги маррага. Командир шундай сўзлар билан кутиб олди: «Илтимос, телпагингизни ечинг». Ҳайрон бўлдим... Ечдим... Военкоматда сочимизни ўғил бола қилиб олишарди, аммо ҳарбий лагерларда бўлиб, фронтга келгунимизча сочим бироз ўсганди. Жингалак бўлиб қолганди. Майда кўнғироқ соchlар... Ҳозир қаридим... Сочимнинг кўнғироқлиги ҳам билинмайди... У пайтда бошқача эди. У менга тикилиб турди-да, кейин: «Аёл кишини кўрмаганимга икки йил бўлди. Бир кўрай дегандим», – деди.

Урушдан кейин...

Коммунал уйда турадим. Ҳамма қўшниларимнинг эри бор, мени масхара қилишарди, устимдан кулишарди: «Ха-ха-а... Эркаклар билан урушда нималар қилганингни айтиб бер-чи...» Картошка қайнаётган қозонимга сирка кўйиб қўшишарди. Бир қошиқ туз солиб юборишарди... Ха-ха-а...

Командирим армиядан қайтди. Ёнимга келди, биз турмуш қурдик.

ЗАГСдан ўтиб қўя қолдик. Тўй ҳам қилмадик. Бир йилдан кейин мени ташлаб кетди. Фабрикамиз ошхонаси мудирига уйланди. «Унинг устидан атирупанинг иси келади, сендан эса пайтава ва этик ҳиди анқийди», – деди.

Шундан бери ёлғиз яшайман. Бу ёруғ оламда ҳеч кимим йўқ. Келганинг учун раҳмат...»

*Екатерина Никитична Санникова, сержант, ўқчи*

«Эрим... Яхшиям ҳозир йўқ, ишда. Менга қатъий тайинлади...

Севги тарихимизни ҳикоя қилишни ёқтиришимни яхши билади... Бир кечада бинтлардан никоҳ қўйлагини тикиб олганман. Ўзим тикканман. Қизлар билан бир ой бинт йикқанмиз. Мукофот бинтлари... Ҳақиқий тўй либосим бўлган! Эсадаликка суратга ҳам тушганимиз: мен ўша никоҳ қўйлагидаман, оёғимда этик. Этик кўринмайди, этикдалигим эсимда қолган, холос. Белбоғни эса эски пилоткамдан ясаб олдим... Ажабтовур белбоғ бўлди. Эҳ, нималарни айтяпман... Яна эски гапларни гапирияпман... Эрим севги ҳақида умуман гапирма, факат урушни айтиб бер, деб тайинлаган. У жуда қаттиқўл. Харитадан ўргатди... Қайси фронт қаерда бўлганини икки кун ўргатди... Частимизни кўрсатди... Ҳозир оволай, ҳаммасини ёзиб олганман. Ўқиб бераман...

Нега куласан? Қандай чиройли кулишингни қара. Мен ҳам кулардим... Мендан тарихчи чиқадими? Яхшиси, сенга бинтлардан тикилган кўйлак кийган суратимни кўрсатаман.

Ўша суратда ўзимга ўзим бирам ёқиб кетаманки... оппоқ кўйлакда...»

Анастасия Леонидовна Жардецкая, ефрейтор,  
санинструктор

### Даҳшатли сукунат ва йўқолган узук ҳақида

«Қозондан фронтга кетганимда ўн тўққиз ёшда эдим...

Яrim йилдан кейин эса онамга менга йигирма беш-йигирма етти ёш беришаётганини ёзганман.

Ҳар куни қўркув ва даҳшат ичиди. Осколка учәётганди, кимдир терингни шилиб олаётганга ўхшайди. Одамлар ўлади. Ҳар куни, ҳар соат ўлади. Ҳар дақиқада кимдир жон таслим қилаётганга ўхшайди.

Мурдаларни ёпиш учун чойшаб етқиза олмасдик. Ички кийимларида қолдирардик. Палатада даҳшатли су-

кунат хукмрон эди. Бундай сукунатни бошқа ҳеч қаерда учратмаганман. Одам ўлғанда, доим тепага қарайди, бошқа томонга ёки ёнида бўлсанг ҳам сенга қарамайди. Фақат тепага... Шифтга... Нигоҳи осмонга қадалгандай гўё...

Бу дўзахда севги ҳақида бир сўз ҳам эшитмасликка ўзимга сўз берганман. Ишона олмайман. Уруш шунча йил давом этган бўлса, бирорта қўшиқни эслолмайман. Ҳатто ўша пайтларда машхур бўлган «Землянка»ни ҳам эслолмайман. Биронтасини... Уйдан фронтга кетаётганимда, боғимизда гилос гуллаб турганини эслайман, холос. Орқамга қарай-қарай кетдим... Кейин йўлимда ҳам гуллаган боғларни кўрган бўлсам керак, ахир дарахтлар урушда ҳам гуллаган-ку. Аммо кўрганимни эслолмайман... Мактабда шаддод қиз эдим, фронтда эса ҳатто жилмайиб ҳам кўймасдим. Қизлардан биронтаси лабини бўяб, қошини терганлигини кўрсам, бунга чидолмасдим. Буни мутлақо тасаввур қилолмасдим: бу нима деган гап, шундай пайтда кимгадир ёқиши орзу қилиш мумкини?

Атроф ярадорларга тўла, ҳамма ғам-қайғуга чўмган... Ўликларнинг юзи кўк-сариқ тусга кирган. Шундай вазиятда баҳт ҳақида қандай ўйлаш мумкин? Ўз иқболинг ҳақида? Севгини дард билан уйғунлаштиргим келмасди. Бу ҳасрат билан... Бу ерда, бундай вазиятда муҳаббат бир зумда ўлади деб ўйлардим. Тўй-тантанасиз, гўзалликсиз муҳаббатни тасаввур қилолмасдим. Уруш тугасин, ана ундан кейин чиройли ҳаёт бошланади. Муҳаббат ҳам бўлади. Ҳозир эса... Ҳозир – йўқ. Ўлиб қолсам-чи? Мени севган одам азобда қолиши керакми. Шуларни ўйлаб қалбим эзиларди. Мана шундай ўйда юрардим...

Ҳозирги эрим билан фронтда танишганмиз. У менга қалбини очди. Мен эса тинглашни ҳам истамасдим: «Йўқ-йўқ, уруш тугасин, фақат шундагина бу ҳақда гаплашишимиз мумкин бўлади». Бир марта жангдан қайтиб: «Бирон кўйлагинг йўқми? Илтимос, кийиб ол-

гин. Сени кўйлакда кўргим келяпти», – дегани эсимда. Менинг эса гимнастёркадан бўлак ҳеч нарсам йўқ.

Фронтда турмушга чиккан дугонамга ҳам шундай дердим: «Гул совға қилмаса. Орқангдан юрмаса. Дабдурустдан эрга тегсанг.. Шу ҳам севги бўлди-ю?» Мен унинг туйгуларини кўллаб-кувватламасдим.

Уруш тўхтади... Бир-биримизга термулиб, уруш туғаганига ишонгимиз келмасди. Биз тирик қолдик. Энди чинакамига яшаймиз... Севишамиз... Буларнинг ҳаммаси эсимиздан ҳам чиқиб кетган экан, укувсиз бўлиб қолгандик. Уйга қайтгач, онам билан кўйлак тикиришга бордим. Урушдан кейинги биринчи кўйлагим.

Навбатим келди, мендан сўрашди:

- Бичими қандай бўлсин?
- Билмасам.
- Нима деганингиз? Ательега келиб, қандай кўйлак тикиришингизни билмайсизми?
- Билмайман...

Беш йил ичида бирор марта кўйлак киймаганман. Кўйлак қандай тикилишини унубтибман ҳатто. Қандайдир бурмалар, қандайдир кесмалар... Бели пастда бўлсинми, юқоридами... Буларни тушунмасдим. Пошнали туфли олдим, уларни кийиб хонамнинг у ёғидан бу ёғига юрдим. Кейин ечиб, олиб кўйдим. Туфлини бурчакка қўйиб: «Уларни ҳеч қачон кия олмасам керак...» – деб ўладим.

*Мария Селиверстовна Божок, ҳамшира*

«Нимани эсламоқчиман... Мен урушдан ниҳоятда бир латиф туйгуни олиб келдим. Эркаклар бизга қандай ҳайрат ва ҳурмат билан қараганликларини дунёдаги ҳеч бир тилда ифодалаб бўлмайди. Мен улар билан битта ертўлада яшардим, битта ётока ётардим, бирга топширикларга борардим. Даҳшатли совукда юрагими, тилимни муз қоплаётганини сезиб, яна бир неча дақиқадан сўнг хушимдан кетишимни англағанимда:

«Миша, пўстинингни ечиб, иситиб қўй», – деб илтимос қиласардим. У иситиб: «Энди яхшимисан?» – деб сўрарди. «Яхшиман», – дердим.

Ҳаётимда бунга ўхшаш ҳолатни бошқа учратмадим. Аммо Ватан хавф остида турганда, шахсий нарсаларга ўрин йўқ эди.

– Севги бўлганми?

– Ҳа, севги бўлган. Уни учратганман... Мени кечиринг, эҳтимол мен ноҳакдирман; лекин қалбан бундай одамларни сира оқламасдим. Мен ҳозир севги билан шуғулланадиган пайт эмас деб ўйлардим. Атрофда ёвузлик хукмрон. Нафрат. Менимча, кўпчилик мен каби фикрлаган...

– Урушгача қандай бўлгансиз?

– Куйлашни ёқтиардим. Кўп кулардим. Учувчи бўлишни орзу килардим. Севги ҳаёлимга ҳам кириб чиқмасди! У мен учун ҳаётимнинг мазмуни. эмасди. Мухими – Ватан. Энди эса қанчалик содда бўлган эканмиз деб ўйлаб қоламан...»

Елена Викторовна Кленовская, партизан

«Госпиталда... Ҳаммаси баҳтиёр эди. Тирик қолгандари учун беҳад шод эдилар. Йигирма ёшли лейтенант жуда хафа кўринарди. Унинг бир оёри йўқ.»

Аммо ўша кезларда, умумий дард ичидаги унинг тирик эканлиги катта баҳтдек туюларди. Битта оёри бўлмаса, нима қилибди, мухими – тирик-ку. Севги ҳам бўлади, уйланади ҳам, ҳаммаси бўлади. Бир оёқсиз қолиш ҳозир даҳшатдек туюлади, бироқ у замонда ҳамма бир оёқда кувончдан сақрарди, сигарет чекарди, куларди. Улар қаҳрамонларимиз, ахир! Нима деяпсиз?!

– Сиз севганимисиз?

– Албаттә, ахир жуда ёш эдик. Янги ярадорлар гурӯҳи келиши билан, албаттә биронтасини севиб қолардик. Бир дугонам катта лейтенантни севиб қолди. Лейтенантнинг соғ жойи қолмаган. Менга лейтенантини кўрсатди.

Мен ҳам уни севиб қолишга қарор қилдим. Уни олиб кетишаётганда, суратимни сўради. Қайсиdir станцияда тушган биттагина суратим бор эди. Унга бераман деб, ўша суратни олдиму, кейин хаёлимдан ўтди: бу севги бўлмаса-чи, мен эса унга суратимни бериб юборсам. Уни олиб кетишяпти, унга қўлимни узатдим, қўлимда сурат. Аммо суратни бериб юборишга жазм қилолмадим. Шу билан севги тамом...

Кейин Павлик дегани келди, у ҳам лейтенант. Оғриққа чидолмасди, мен ёстигининг тагига шоколад қўйиб қўйдим. Урушдан сўнг йигирма йил ўтиб учрашганимизда у дугонам Лилия Дроздовага шоколад учун миннатдорлигини айтди. Лилия эса: «Қанақа шоколад?» – деб ҳайрон бўлди. Шунда бу мен эдим деб тан олдим... У мени ўпиб қўйди...

Йигирма йилдан сўнг ўпиб қўйди...»

Светлана Николаевна Любич, сандружиначи

«Бир куни концертдан сўнг... Катта эвакогоспиталь... Олдимга бош шифокор келиб, илтимос қилди: «Алоҳида палатада бир оғир ярадор танкчи ётибди. У қимирламай ётибди, эҳтимол, сизнинг қўшиғингиз унга далда берар». Палатага кирдим. Қандайдир мўъжиза туфайли ёнаётган танкдан чиқиб, танаси бошдан-оёқ куйган бу инсонни умрим охиригача унутмайман. Кроватда ётган бу киши қилт этмай ётарди. Юзи қоп-кора, кўзи йўқ. Бўғзимга нимадир тиқилиб қолди, бир неча дақиқага ўзимни йўқотиб қўйдим.

Кейин аста куйлай бошладим... Ярадорнинг юзи бироз қимирлаганини кўрдим. У нимадир деб пиҷирлади. Энгашдим. «Яна куйланг», – деган сўзларини эшитдим. Мен яна ва яна куйладим. Репертуаримдаги бор қўшиқларимни ижро қилдим. Бош шифокор: «Ухлаб қолди, шекилли», – деганидан кейингина тўхтадим...»

Лилия Александровская, артист

«Бир комбат ва Люба Силина деган ҳамширамиз бўларди... Улар бир-бирини жуда севарди! Буни ҳамма биларди... У жангга борса, орқасида Люба борарди... Севгилиси унинг кўз олдида ўлмаса, умрининг сўнгги дақиқаларини кўра олмаса, буни ҳеч қачон кечира олмаслигини айтарди. «Бизни бирга ўлдиришсин, — дерди. — Битта снаряд билан». Бирга ўлишни, бирга яшашни исташарди.

Мұхаббатимизнинг бугуни ва эртаси йўқ, унинг фақат бугуни бор эди. Ҳар биримиз шу он севгидан ўртанаётганимизни, бир дақиқадан кейин эса сен ёки севган кишининг йўқ бўлишини билардик. Урушда ҳаммаси тезроқ содир бўларди: ҳаёт ҳам, ўлим ҳам. Бир неча йил ичиди бир кишининг ҳаётини бошимиздан кечирдик. Буни ҳеч қачон ҳеч кимга тушунтириб беролмасдим. У ерда вакт ўзгача...

Жанглардан бирида комбат оғир жароҳат олди, Люба эса енгилроқ яраланди, елкасини ўқ сал чизиб ўтди. Комбатни фронт орқасига жўнатиши, Люба эса қолди. У ҳомиладор эди. Севгилиси: «Ота-онаминг олдига бор. Нима бўлганда ҳам, менинг хотинимсан. Ўғилми, қизми фарзандли бўламиз», — деб хат қолдирди.

Кейин Люба менга хат ёзди. Комбатнинг ота-онаси Любани қабул қилишмабди, боласини ҳам тан олишмабди. Комбат эса ҳалок бўлди.

Кўп ҳаракат қилдим... Уникига меҳмонга бормоқчи бўлдим, аммо ҳеч боролмадим.

Биз дугоналар бўлганмиз. Бироқ у узокда турарди — Олтойда. Яқинда эса хат олдим. Люба ҳам оламдан кўз юмибди. Энди ўғли қабрини зиёрат қилишга чақиряпти...

Бормоқчиман...»

Нина Леонидовна Михай,  
катта  
сержант, ҳамшира

«Фалаба куни...

Анъанавий учрашувга йифилдик. Мехмонхонадан чиқаётганимда, қизлар менга:

— Қаерда эдинг, Лиля? Роса йигладик, — деб қолиши. Бир қозоқ киши уларнинг олдига келиб, сўрабди:  
— Қизлар, қаердансизлар? Қайси госпиталдан?  
— Кимни қидиряпсиз?  
— Мен ҳар йили бу ерга келиб, бир ҳамшира қизни қидираман. У мени ҳаётга қайтарди. Уни севиб қолдим. Уни тоғмоқчиман.

Қизларим ҳазиллашиб:

— Қизлиги қолибдими, қампир денг.  
— Йўқ...  
— Хотинингиз бордир? Болалар?  
— Неварадарим бор, болаларим бор, хотиним бор.  
Қалбимни йўқотдим... Қалбим йўқ...

Қизлар менга айтиб беришди. Кейин ўша қозоқ бола эмасмикан деб эсладик.

... Ёш қозоқ йигитни олиб келиши. Ҳали гўдак дейсиз. Уни операция қилдик. Ичаклари етти ёки саккиз жойидан тешилган, яшашига умид йўқ эди. Ҳаётга қизиқиши сўнган. Унга дарров меҳрим тушди. Сал бўшаб қолсам, олдига кириб ўтардим: «Ишларинг яхшими?» — деб ҳолахвол сўрардим. Ўзим томирига укол килиб, ҳароратини ўлчаб, чиқиб кетардим. У тирик қолди. Соғая бошлади. Биз ярадорларни кўп ҳам ушлаб ўтирасдик, чунки олдинги мэррада эдик. Шошилинч ёрдам кўрсатиб, ажал чангалидан тортиб олардик-да, бошқаларга узатиб юборардик.

Уни навбатдаги партия билан олиб кетишлари керак бўлди.

Замбилда ётибди, ҳамширалар мени чақираётганини айтишди.

— Синглим, менга қараб юборинг.  
— Нима бўлди? Бирон нима керакми? Ҳаммаси жойида. Сени фронт ортига жўнатишяпти. Ҳаммаси яхши бўлади. Энди ўлмайсан.

У эса:

— Сендан илтимос, мен ёлғиз фарзандман. Сен мени күтқардинг, — деб менга совға беряпти. Жажжи узук.

Мен узук тақмасдим. Негадир жиним сүймасди.

Совғасини рад этдим:

— Йўқ. Ололмайман.

У ол деб ялинади. Ярадорлар ҳам уни қўллаб-кувватлаб кетишиди.

— Олақолинг, чин кўнгилдан беряпти-ку.

— Ахир, бу менинг бурчим-ку, тушуняпсизларми?

Хуллас, кўндиришиди. Бироқ узукни кейин йўқотиб кўйдим. У менга сал каттароқ эди, бир марта машинада кетаётганимда ухлаб қолибман, машина бир силтаганда, кўлимдан узугим тушиб кетди. Роса ачиндим.

— Ўша кишини топдингизми?

— Биз қайта учрашмадик. Ўшами-йўқми, билолмадим. Бироқ уни кун бўйи қизлар билан изладик.

... Кирқ олтинчи йилда уйга келдим. Мендан: «Ҳарбий кийимда юрасанми ёки оддийдами?» — деб сўрашди. Албатта, ҳарбий кийимда, дедим. Ечишни ўйлаб ҳам кўрмайман. Оқшом офицерлар уйига раксга бордим. Сизга ҳозир ҳарбий қизларга қандай муносабатда бўлишганини айтиб бераман.

Мен туфли, кўйлак кийиб, шинель билан этигимни гардеробга топширдим.

Ёнимга бир ҳарбий келиб, мени раксга таклиф қилди.

— Сиз, бу ерлик бўлмасангиз керак. Жуда зиёли қиз кўринасиз, — деди.

Бутун оқшом ёнимдан кетмади. Сира кўйиб юбормасди. Рақс тугади, менга қараб:

— Рақамингизни беринг, — деди.

Мендан илгарилаб кетди. Гардеробда эса унга шинель билан этигимни тутқазишиди.

— Бу меники эмас...

Мен келиб:

— Йўқ, бу меники, — дедим.

— Аммо менга фронтда бўлганингизни айтмадингиз-ку, — деди.

— Сўрасангиз айтаман-да.

У ўнгайсизланиб қолди. Кўзларимга қарай олмади. Ўзи эса яқиндагина урушдан қайтган...

— Нега ҳайрон бўлиб қўлдингиз?

— Сизни армияда бўлган деб сира тасаввур қилмагандим. Тушуняпсизми, фронтда бўлган аёл...

— Бир ўзим бўлганимга ҳайрон бўляпсизми? Эрсиз, иккиқат ҳам эмасман? Эгнимдаги пахта камзул эмас, «Казбек» сигаретини тутатиб, бўралаб сўкмаётганим сизни ҳайрон қолдиряптими?

Мени кузатишига руҳсат бермадим.

Фронтда бўлганимдан, Ватанимни душманлардан химоя қилганимдан доим фахрланганман...»

*Лилия Михайловна Бутко, жарроҳлик ҳамшираси*

«Илк бўсам...

Кичик лейтенант Николай Белохвостик... Вой, қизариб кетганимга қаранг, энди буви бўлдим-ку. У пайтда ёш эдик. Ўйлардимки... Ишонардимки... Мен... уни севишимни ҳеч ким билмайди, деб ўйлардим. Буни ҳатто дугоналаримга ҳам айтмаганман. Уни қаттиқ севардим. У менинг биринчи муҳаббатим эди... Эҳтимол, ягона муҳаббатим ҳам у бўлгандир? Ким билади дейсиз... Ротадагилар билмайди деб ўйлардим. Ҳеч кимни бу даражада яхши кўрмагандим! Бир-иккитаси ёқиб коларди, аммо барибир унчалик эмас. У эса...

Мен куни билан у ҳақда ўйлардим, бир дақиқага ҳам уни унутмасдим. Бу ҳақиқий муҳаббат эди. Буни ичичимдан хис қиласдим... Қаранг, қизариб кетдим...

Уни дағнি этдик... Плаш-палаткада ётибди, ҳозирги на оламдан кўз юмди. Немислар отишни тўхтатмаяпти. Тезда кўмиш керак... Ҳозирнинг ўзида... Қари қайнин дараҳтларини топдик, эмандан узокроқ жойлашганини

танлаб олдик. Энг каттасини. Унинг ёнига кўмдик... Мен кейинчалик қайтиб келиш учун жойларни яхшилаб эслаб қолишга уринардим. Кишлоқ тугаган жой, йўл иккига ажralган ер... Аммо қандай эслаб қоламан? Кўз ўнгимизда қайнинларнинг бири ёнаётган бўлса, қандай эслаб қоламан... Қандай? Хайрлаша бошладик... Менга: «Сен – биринчисан», – дейишиди. Юрагим дуккилаб кетди, ҳаммасини тушундим... Демак, ҳаммага муҳаббатим аён экан-да. Ҳамма билар экан-да...

Миямга бир фикр келди: эҳтимол, у ҳам билгандир? Мана... У ётиби... Ҳозир уни тупроқка беришади...

Кўмишади. Устидан тупроқ тортишади... Аммо эҳтимол, у ҳам билгандир деган фикр мени жуда хурсанд қилди. Мен ҳам унга ёқкан бўлсам-чи? Худди у тирикдай ва ўрнидан туриб менга бирон сўз дейдигандай... Янги йил байрамига менга немислар шоколадини совра қилгани эсимга тушди. Уни бир ой емай, чўнтағимга солиб юрдим.

Бутун умр шуни эслаб юраман... Ўша дамни... Бомбалар портлайди... У... Плаш-палаткада ётиби... Ўша он... Мен эса хурсандман... Унга қараб, ич-ичимдан севинаман.

Эси йўқ қиз. Балки муҳаббатим ҳақида билгандир деган фикрга хурсандман...

Унга яқинлашиб, ўпдим. Унгача бирон марта эркак кишини ўпмагандим... У биринчиси бўлган...»

*Любовь Михайловна Гроздъ, санинструктор*

### **Якка ўқ ва якка инсон ҳақида**

«Менинг тақдирим ўзгача... Мени дуо кутқарди. Қизим учун ҳам дуо қиласман...

Онамнинг мақоли эсимда. Онам: «Ўқ –дайди, тақдир – бешафқат», – дерди. Нима фалокат рўй берса, шу мақолни такрорлардилар. Ўқ битта, одам жони ҳам битта, ўқ хоҳлаган жойига учади, тақдир эса ин-

сонни ўз ногорасига ўйнатади. У ердан бу ерга олиб уради.

Инсон патдек гап, чумчукнинг пати. Олдинда сени нима кутаётганини билиб бўлмайди. Биз бунга қодир эмасмиз... Бу синоатни ечишга ожизмиз. Урушдан кайтаётганимизда бир лўлига фол очирдим. Станцияда олдимга келди, четроқقا чиқариб, фол очди... Бокий севги ваъда қилди... Қўлимда немис соати бор эди, шу бокий севгини башорат қилгани учун, уни ечиб фолбинга тутқаздим. Унга ишондим.

Энди эса ўша муҳаббатимни эслаб кўз ёшлиаримга чўмиламан...

Урушга шўх-шодон отландик. Комсомолларча. Ҳамма билан бирга. Юк вагонларида борардик, вагон сиртига кора мазут билан: «Қирқта одам – саккизта от», – деб ёзиб қўйишган. Биз эса юзга яқин киши чиқиб олганмиз.

Снайпер бўлдим. Алоқачи ҳам бўлишим мумкин эди, фойдали касб – урушда ҳам, тинч ҳаётда ҳам. Аёллар касби. Бироқ отасизлар дейишидими, демак отамиз. Яхши отардим. Иккита Шуҳрат орденим, тўртта медалим бор. Бу уч йил ичидаги олганларим.

Бизга Фалаба деб эълон қилишди! Фалаба!! Илк туйғумни хотирлайман. Бу, албатта, қувонч. Шу заҳотиёқ – ҳадик! Саросима! Саросима! У ёғига қандай яшайман? Отам Сталинград остонасида ҳалок бўлган. Иккита акам урӯшнинг илк кунлариёқ дараксиз кетган.

Онам иккаламиз қолганмиз. Иккита аёл. Қандай яшаймиз? Ҳамма қизларимиз ўйланиб қолишли...

Кечқурун ертўлага йиғилиб оламиз... Ҳаётимиз энди бошлангани ҳакида гаплашардик. Қалбимизни ҳам қувонч, ҳам қўрқув эгаллаган. Олдин ўлишдан қўрқкан бўлсак, энди яшашга қўрқардик... Бирдай қўрқинчли эди. Рости! Гапирамиз-гапирамиз, кейин бирдан ҳамма жим бўлиб қолади.

Турмушга чиқамизми, йўқми? Севиб эрга тегамизми, ё йўқми? Мойчечак баргларида фол очардик... Дарёга

гулчамбар ташлардик, шам эритардик... Бир қишлоқда бизга яхши фолбин бор дейишди. Ҳамма унинг олдиға югурди, ҳатто бир-иккита офицерларимиз хам борди. Қизлардан биронтаси қолмай борди. Сувда, құлға қараб фол очаркан. Яна бир шарманкаçıда хам үралған қоғозчаларни тортардик. Такдиrimiz ёзилган қоғозчалар. Менга доим баҳтли қоғоз тушарди... Қани ўша баҳтим?

Ватан бизларни қандай кутиб олди? Йиғламай әслолмайман... Қирқ йил ўтди, аммо әсласам ҳамон титроқ болсади. Эркаклар индамасди, аёллар эса... Улар юзимизга қараб: «Урушда нима қылғанларингни яхши биламиш! Эрларимизга күз сузиб юргансизлар. Фронт қанжиқлари... Ҳарбий фохишалар...». Оғзига келганини айтиб, ҳақорат килишарди... Рус тили жуда бой тил...

Ракслардан чиққанимизда, бир йигит кузатиб қўйди. Бирдан ўзимни ёмон ҳис қилдим, юрагим дук-дук ура бошлиди. Сал юриб, қорга чўккалайман. «Сенга нима бўлди?» – «Хеч нарса. Ўйнайвериб, ҳансирақ қолибман, шекилли». Иккита жароҳатим асорати. Улар урушдан мерос... Ипакдек мулојим бўлишга ўрганишимиз керак эди. Нозик ва назокатли бўлишимиз керак эди. Оёқларимиз қирқинчи ўлчамдаги этик киявериб қотиб қолган. Кимдир мени кучоқлашига ўрганмаганман. Ўзим учун ўзим жавоб беришга кўникиб қолганман. Ширин сўзларни кутардим, аммо уларни тушунмасдим. Улар менга ёш боланинг гапидай туюларди. Фронтда эркакларнинг орасида бўралаб сўкиниш урф бўлган. Унга ўрганиб қолганман. Дугонам кутубхонада ишларди. У менга: «Шеър ўқи. Есенинни ўқи», – деб маслаҳат берарди.

Тезда турмушга чиқдим. Бир йилдан сўнг. Заводдаги муҳандисга турмушга чиқдим. Муҳабатни орзу қиласдим. Уйим-жойим, оиласи бўлишини истардим. Уйда чақалоқ иси келишини хоҳлардим. Биринчи тагликларни ҳидлаб-ҳидлаб тўймасдим. Баҳт ифори... Аёллик баҳти... Урушда аёллар хиди йўқ, ҳаммаси эркакларники. Урушнинг хиди эркакча.

Иккита болам бор... Бир ўғил, бир қиз. Түнгичим ўғил. Ақлли, одобли бола. У институтни тамомлаган. Архитектор. Қизим эса... Қизалогим... Беш ёшида юрди, «ойи» деган биринчи сўзни етти ёшида базўр айтди. У ҳозир ҳам «ойи» эмас, «уйи», «дада» эмас, «дуди» деб талаффуз қиласиди. У... Ҳозиргача ишонгим келмайди, ҳам маси ёлғондек туюлади. Қандайдир хато. У жиннихонада... Қирқ йилдан бери ўша ерда. Нафақага чиққанимдан бери, ҳар куни унинг олдига бораман. Менинг ёзигим...

Ҳар йили биринчи сентябрь куни унга янги алифбо китобини сотиб оламан. Куни билан алифбо ўқиймиз. Баъзан унинг олдидан қайтаётганимда, ўқишни ва ёзиши эсимдан чиқаргандаи бўламан. Сўзлашни ҳам. Уларнинг кераги ҳам йўқдек. Энди уларнинг нима кераги бор?

Мен жазоландим... Аммо нима учун? Балки ўлдирганим учундир? Шундай ўйлар ҳам келади баъзиди... Қариликда вактинг кўп бўларкан... Ўйлаб ўйимга етолмайман. Сахар туриб, тиз чўкаман. Дерагага қараб, Худодан сўрайман... Ҳамманинг гуноҳини сўрайман... Эримдан хафа эмасман, уни аллақачон кечирганман. Қиз туғдим... У бизга қарадию... Бироз ёнимизда бўлди, кейин кетди. Кетар чоғида, алам билан: «Эс-хушли хотин бўлганингда, урушга борармидинг? Отишни ўрганармидинг? Шунинг учун болани ҳам эплаб тўғолмадинг», – деди. Худодан унинг ҳам гуноҳларини кечиришини сўрайман...

Балки у ҳақдир? Шундай хаёллар ҳам келади баъзида... Менинг гуноҳим...

Ватанимни севардим, ҳаммадан ортиқ. Севар эдим... Ҳозир буни кимга ҳам айти оламан? Қизимга... Ёлғиз қизимга... Урушни хотирлайман, у эса унга эртак айтиб беряпман деб ўйлайди. Болалар эртакларини. Қўрқинчли болалар эртаклари...

Фамилиямни ёзманг. Керак эмас...»

Клавдия С-ва, снайпер



## «НҮХОТДЕК КАРТОШКА ХАҚИДА...»

Яна бир уруш бўлган...

Бу урушда ҳеч ким харитада нейтрал ҳудуд ва фронт чизиқларини белгиламаган. Ҳеч ким у ердаги аскарлар, қуролланганлар сонини билмасди. У ерда зенит қурилмалари, пулемёт, эски ов милтиқларидан отишган. Бу ерда дам олишга вақт ажратилмас, генераллар ҳужуми ҳам йўқ. Ҳамма ўзича жанг қиласиди. Ёлғизликда жон берарди. Қўшин – дивизия, батальон, рота эмас, балки ҳалқ – партизанлар ва яширин гуруҳ аъзолари: эркак-аёл, ёш-қари жанг қиласиди. Толстой бу кўп қиёфали тўлқинни «Ҳалқ уруши калтаги» ва «ватанпарварликнинг яширин кўриниши» деб атаган, Гитлер (Наполеон ҳам) эса ўз генералларига: «Россия қоидаларни бузиб жанг қиласиди», – деб нолиган.

Бу урушда энг даҳшатлиси ўлиш эмас. Ундан даҳшатлироқ нарса бор... Фронтда атрофида оила аъзолари – хотини, бола-чақаси, ота-онаси бўлган аскарни тасаввур қилиб кўрайлик. Ҳар дақиқа уларни ҳам курбон қилишга тайёр туриш керак. Жасоратнинг хонинлик каби гувоҳлари ҳар доим ҳам бўлавермаган.

Қишлоқларимида Фалаба куни хурсанд бўлишмайди – йиглашади. Кўп йиглашади. Согинишади.

«Жуда қўрқардим... Бутун уруғ-аймоғимни қора ерга бердим, урушда рухимни ҳам дафн қилдим». (В.Г. Андросик, яширин гуруҳ аъзоси)

Пичирлаб гапира бошлишади, ҳикоя охирига келиб деярли ҳаммаси уввос тортишади.

«Мен – гувоҳман...

Партизанлик отрядимиз командири ҳақида айтиб бераман... Фамилиясини ёзманг, чунки қариндошлари ҳали тирик. Буни ўқиш уларга осон бўлмайди...

Алоқачилар отрядига шум хабар келтиришди: командир оиласини – хотини, иккита кичкина қизчаси ва кампир онасини гестапога олиб кетишиди. Ҳамма ёққа эълон ёзиб қўйишган; варақалар тарқатишяпти: агар командир таслим бўлмаса, оиласини кириб ташлашади. Ўйлаб олиш учун икки кун мухлат берилган.

Полицайлар қишлоқ оралаб юриб, одамлар орасида ташвиқот олиб бораради: қизил командирлар ҳатто ўз болаларини ҳам аяшмайди. Улар инсон эмас, маҳлук. Улар учун муқаддас тушунчнанинг ўзи йўқ.

Ўрмон устида самолётлардан варақаларни ташлашарди... Командир таслим бўлмоқчи бўлди, ўзини отиб ташламоқчи бўлди. Уни асло ёлғиз қолдиришмади. Уни кузатиб юришиди. Ўз жонига қасд қилиши мумкин эди...

Москва билан боғландик. Вазиятни тушунтиридик. Кўрсатма берилди... Шу куниёқ отрядда партия йиғилишини ўтказдик. Йиғилиш аъзолари немислар ногорасига ўйнамаймиз, деб қарор қабул қилди. Командир коммунист сифатида партия интизомига бўйсунди...

Икки кундан кейин шаҳарга разведкачиларимизни жўнатдик. Улар даҳшатли хабар олиб келишиди: бутун оилани осишибди. Командир биринчи жангдаёқ ҳалок бўлди... Қандайдир ғайритабиий ўлим.

Тасодифий. Менимча, у ўлишни истаган...

Сўз ўрнига кўзёш оқади... буни айтиш керак деб қандай ўзимни ишонтира оламан? Қандай ишона оламан... Одамлар юрак-бағирларини эзиб, мени тинглашни эмас, тинч-тотув яшашни истайдилар...» (В. Коротаева, партизан).

Мен ҳам ўзимга олга бориш лозимлигини уқтираман...

## **Саватдаги мина ва юмшоқ ўйинчоқ ҳақида**

«Мен төпширикни бажардим... Шаҳарчада қолол-масдим, шунинг учун отрядга кирдим. Бир неча кундан кейин онамни гестапога олиб кетишиди. Акам кочишига ул-гуребиди, онамни эса олиб кетишиди. Уни роса қийноқса солиб, қизи қаердалигини билиб олишмоқчи бўлишган. Онам у ерда икки йил бўлган. Фашистлар операцияяга отланганда икки йил мунтазам равишда онамни бошқа аёлларга қўшиб олдиларида олиб юришган... Улар пар-тизанлар қўйган миналардан қўрқишаарди, шунинг учун доим олдиларида маҳаллий ахолини ҳайдаб юришган – агар мина бўлса, бу одамлар ўлади, немис аскарлари эса тирик қолади. Жонли қалқон... Онамни ҳам икки йил қалқон қилиб олиб юришган...

Пистирмада ўтирганимизда олдимизда аёллар гурухи пайдо бўлган ҳолатлар кўп бўлган. Орқасидан немис аскарлари кўринарди. Яқинроқ келишганда, орасида онанг борлигини кўрасан. Энг даҳшатлиси – командирнинг оғзидан «Ўт очинг» деган буйрукни эшитиш. Ҳамма ҳадик билан шу буйрукни кутади, чунки бири «ана униси менинг онам» деса, бошқаси «буниси менинг опам» дейди, яна бири ўз жигарбандини таниб қолади... Онам доим оқ рўмолча олиб юрадилар. У новча аёл бўлган, уни доим биринчи бўлиб таниб олишарди. Баъзан ўзим кўролмай қолсам, менга «онанг келяпти...» деб етказишарди.

Отиш буйруғи берилса, отардик. Қаерга отаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Калламда бир фикр айланади: оқ рўмолчани кўздан қочирмасайдим, тирикмикан, йиқилмадимикан? Оппок рўмолча... Ҳамма тум-тарақай қочади, ерга ётиб қолади, онам тирикми-ўликми, бил-масдим. Икки кун ўзимга келолмай юрадим. Кейин шаҳарчадан онамнинг дарагини эшитиб, сал ўзимга ке-лардим.

Онам тирик. Яшашга умидим бор. Келгуси сафар-гача шундай. Ҳозир буни кўтара олмаган бўлардим

деб ўйлайман... Аммо мен улардан нафратланардим... Нафратим менга куч берарди... Хозиргача қулогимда күдүкка ташланаётган бола чинқириғи янграйди. Бундай чинқириқни эшитганмисиз? Пастга учыб тушаётган бола қичқириғи, овози ер қаъридан, нариги дунёдан келәтгандек бўлади. Бу бола овози эмас, умуман, одам овози эмас... Арралаб ташланган ёш йигитчани кўришибчи... Бизнинг партизан... Шуларни кўргандан кейин топширикка чиққанда, юрак бир нарсани амр қиласди: ўлдириш, қанча кўп бўлса шунча яхши, энг даҳшатли усул билан қийноққа солиш. Асирга тушган немисларни кўрганимда, ҳар бирини бўғиздан олгим келарди. Кўлларим билан бўғиб ташлагим, тишларим билан ғажиб ташлагим келарди. Уларни ўлдирмаган бўлардим, бу улар учун жуда осон ўлим. Қурол билан, винтовка билан отмаган бўлардим...

Чекиниши олдидан, кирқ учинчи ўили фашистлар онамни отиб ташладилар... Онам шундай аёл эдик, у ўзи бизни дуо билан йўлга чиқариб солган:

— Болаларим, боринглар, сизлар яшашинглар керак. Шунчаки ўлиб кетавериш керак эмас.

Онам баландпарвозда сўзларни ишлатмас, у оддий, аёлларча сўзларни топа оларди. Яшшимизни, ўқишимизни истарди. Айникса, ўқишимизни.

У билан битта камерада ётган аёлларнинг айтишича, ҳар гал уни олиб кетишаётганда, улардан илтимос қиласкан:

— Опалар, сингиллар, бир нарсани сўрайман: ўлсам, болаларимга ёрдам беринг!

Урушдан кейин ўша аёллардан биттаси мени ўз оиласига олди. Ўзининг ҳам иккита боласи бор. Уйимизни фашистлар ёкиб юборишиди, укам партизанликда ҳалок бўлди, онамни отиб ташлашиди, отам фронтда. Урушдан ярадор, касалманд бўлиб кайтди. Отам ҳам кўп яшамади. Мана шундай қилиб, бутун оиладан биттагина мен қолдим. Аёл ўзи ҳам ночорликда яшарди; яна иккита

боласи ҳам бор. Бирон жойга кетиб қолгим келарди. У эса йиғлаб, қўйиб юборгиси келмасди.

Онамни отиб ташлаганларини эшитганимда, эсдан оғиб қолай дедим. Ўзимни қўярга жой тополмасдим. Юрагим тилка-пора бўлди. Мен боришим керак... Уни топишим керак... Уларни отиб ташлагандан кейин, устиларига тупроқ тортиб, оғир машиналар билан текислаб ташлашганди... Танкларга қарши қазилган катта жарликда... Менга онам қайси жойда турганлигини тахминан кўрсатишиди, югуриб бориб ўша ерни қазий бошладим. Тупроқни кавлаб, қўлларим билан мурдаларни ўгирадим. Онамни қўлларидағи узукларидан танидим... Узукни кўриб, бўғзимдан дашҳатли қичқириқ чиқди. У ёғини эслолмайман. Ҳеч нарсани эслолмайман. Қандайдир аёллар онамни чиқариб олишди, консерва кутиси билан ювиб, кўмишди. Ўша қутини ҳозиргача сақлаб келаман.

Баъзан кечалари уйқум қочиб онам мени деб ўлди деб ўйлайман. Йўқ, мени деб эмас... Агар яқинларим учун хавотир олиб, курашишга бормаганимда, агар бошқалар ҳам шу йўлни тутганларида, ҳозир қўлимиздаги нарсалар бўлмасди. Аммо ўзингни ишонтира олиш... унутиш мушкул... Онам олд қаторда боради... Буйруқ берилади... Онам пайдо бўлган томон ўқ узаман... Унинг оппроқ рўмолчаси... Бу билан яшаш қанчалик азоб эканлигини ҳеч қачон тушунмайсизлар. Қанча кўп вақт ўтса, шунча кийин. Баъзан ярим кеча деразанг тагида беғубор кулги ёки товуш эшитилади. Сесканиб кетасан, у сенга болалар йиғиси, болалар чинқириғи бўлиб эшитилади. Баъзида эса уйғониб ҳаво етишмаётгандек бўлади. Димогингга куйган ҳид уради... Ёнаётган одам танаси қандай ҳид таратишини билмайсиз. Айниқса, ёзда. Қандайдир хавотирли ва ширин ҳид. Мен ҳозиррайисполкомда ишлайман. Баъзан ёнғин жойга чиқиб далолатнома тузиш керак бўлади. Агар бирон жойда ферма ёниб кетиб, ҳайвонлар ўлганини эшитсам, сира бормайман. Боролмай-

ман... Бу менга шу ҳидни эслатади... Ўша ис... Одамлар ёнганда чиқадиган ис... Баъзан кечаси уйғониб, атири қидириб қоламан; атирида ҳам шу ҳид бордай. Ҳамма нарсада шу ҳид...

Анчагача турмушга чиқишга кўркиб юрдим. Фарзанд кўришга кўрқардим. Уруш бошланиб, фронтга кетиб қолсам? Болалар нима бўлади? Ҳозир эса ўлимдан кеининг ҳаёт ҳақидаги китобларни ўқияпман. У ер қандай экан?

У ерда кимни учратаман? Онам билан учрашгим келади. Аммо учрашишдан қўрқаман. Ёшлигимда қўрқмасдим, қариган чорим эса...»

*Антонина Алексеевна Кондрашова, Битош партизанлар отряди партизан-разведкачиси*

«Дастлабки таассуротим... Немисни кўрдим... Кимдир тарсаки туширгандай, бутун вужудинг зирқирайди, ҳар бир ҳужайранг нолийди – улар бу ерда нима қиляпти? Нафратимиз яқинларинг, қариндош-уруғингдан хавотирланиш ва ажал даҳшатидан ҳам кўрқинчли эди. Албатта оиласизни ўйлардик, аммо бошқа чорамиз йўқ. Душман ёвуз ният билан ватанимизга қадам босди... Қўлда олов ва қилич билан...

Мени ҳибсга олишмоқчи бўлганларини эшитганимдан кейин мен ўрмонга, партизанлар олдига кетдим. Етмиш ёшли онамни уйда ёлғиз ташлаб кетдим. Ўзингизни кўзи кўрмайдиган, қулоғи эшитмайдиган кампирга солинг, ўшанда сизга тегишмайди деб тайинлаб келдим. Албатта, ўзимни шундай деб овутардим.

Үйдан кетган кунимнинг эртасига фашистлар уйимизга бостириб киришди. Онам биз келишгандай ўзини эшитмаётганга, кўрмаётганга солди. Улар онамни даҳшатли қийноқларга солиб қизи қаердалигини айтишга мажбурлашди. Онам қасал бўлиб қолди...»

*Ядвига Михайловна Савицкая, яширин гурӯх аъзоси*

«Умрим охиригача шундай бўлиб қоламан... Ўшанда қандай бўлсам, шундай. Ҳа, содда, гўл эдик. Ҳа, хаёл-параст эдик.—Сочимнинг ҳар бир толасигача... Бироқ бу менман!

Дугонам Катя Симакова партизанлар алоқачиси бўлган. Иккита қизи бор эди. Ҳали ёш — олти-етти яшар қизчалар. Қизларини қўлларидан ушлаб, шаҳарни ке-зиб чиқарди. Қаерда қандай техника турганини эслаб қоларди. Навбатчи чақирса, оғзини очиб, ўзини жинни-ликка соларди. Бир неча йил шундай қилиб юрди... Она ўз болаларини қурбон қиларди...

Зажарская деган қизимиз ҳам бўларди. Қизининг исми — Валерия. У етти ёшда. Ошхонани портлатиш керак бўлди. Минани печнинг ичига жойлаштиришни режалаштиридик, бироқ уни ошхонага кимдир олиб ки-риб бериши керак эди. Она минани қизи олиб келиб бे-ришини айтди. Саватчага минани жойлаштириб, устига бир-иккита болалар кийими, юмшоқ ўйинчок, йигирма-тacha тухум ва ёф солдик. Ўша қиз саватчада ошхонага минани олиб келиб берди. Оналик сезгиси кучли бўлади дейишади-ку. Йўқ, фоя ундан-да кучли. Ишонч ундан-да кучли! Мана шундай оналар, мана шундай қизлар бўлмаганда, улар шундай миналарни бағриларига босиб олиб юрмаганларида, биз голиб бўлмаган бўлардик. Ҳа, яшаш яхши. Ҳаёт гўзал! Аммо ундан-да қадрлироқ нар-салар бор...»

Александра Ивановна Храмова, Антополь яширин партия  
райкоми котиби

«Отрядимизда ака-ука Чимуклар бўларди... Қишлоқларида пистирмага дуч келиб қолишган, қандайдир бир омборхонада ўқ отиб, ўзларини химоя қилишган. Омборни ёқиб юборишиди. Ўқлари тугагунча отишган... Кейин эса бадани куйиб, омбордан чиқишган... Уларни аравага солиб, яқинлари таниб олиши учун кўрсатиб

юришган. Кимнинг фарзанди эканлигини билишмоқчи бўлишган...

Бутун қишлоқ тўпланган. Уларнинг ота-оналари ҳам бор эди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Айюҳаннос солиб, боласини бағрига босмаслик учун онанинг юраги қанчалик метин бўлиши керак. Бироқ йифлагудай бўлса, бутун қишлоқни ёқиб юборишларини биларди. Битта уни эмис, ҳаммани ўлдиришади. Битта ўлдирилган немис учун бутун қишлоқни ёқиб юборишарди. Она буни биларди... Ҳамма нарса учун мукофот бор, аммо бу аёл учун қанча мукофот берсангиз кам... Бардоши учун...»

Полина Касперович, партизан

«Онам билан партизанларга қўшилдик... У ҳамманинг кирини ювар, овқат пиширади. Керак бўлса навбатчилик ҳам қиласади. Бир куни топшириққа кетсам, онамга мени осиб қўйишиди, деб хабар беришибди. Бир неча кундан кейин қайтганимда, онам мени қўриб, қотиб қолди, бир неча соат тили калимага келмай, гапиролмай қолди. Бунинг ҳаммасига юрак керак...

Йўлда бир аёлни топиб олдик. У хушсиз экан. У юролмасди, ўзини ўлдим деб ўйларди. Қон оқаётганини сезса ҳам, нариги дунёда сезаётган бўлсам керак деб ўйлаган. Уни қимирилатиб кўрганимизда, бироз ҳушига келди. Уларни қандай отишганини айтиб берди. Уни ва бешта боласини отишга олиб кетишибди. Уларни омборга олиб боргунча, йўлда болаларини отишган. Отиб, завқланишаркан.... Сўнгги, эмизикли боласи қолибди... Фашист имлаб, болани юқорига улоқтир, мен отаман, деб тушунтириби. Она боласини шундай улоқтирганки, болани ўзи ўлдирган... Ўз боласини... Немис отишга улгурмаслиги учун... Она бу воқеалардан кейин яшашни истамаслигини, яшай олмаслигини, факат у дунёда яшashi кераклигини айтарди... Факат у дунёда...

Мен ўлдиришни истамасдим. Ўлдириш учун яралмаганман. Ўқитувчи бўлишни орзу қиласдим. Бирок мен кишлокни ёқишаётганларини кўрганман... Бақиролмасдим, йиғолмасдим: разведқага чиқиб, айнан шу қишлокқа яқинлашиб қолгандик. Факат қўлларимни тишлий олардим, холос, қўлларимда ҳозиргача чандиклар қолган. Қон тирқираб оққунча қўлларимни ғажирдим. Эти кўрингунча. Одамларнинг бақиргани... сигирларнинг мўърагани... товукларнинг қақиллагани эсимда... Ҳаммаси одам овозида оламга жар solaётгандек тууларди. Тирикликнинг ҳаммаси. Ёнади-ю, оламга жар солади.

Буни мен эмас, ҳасратим гапиряпти...»

*Валентина Михайловна Илькевич, партизанлар алоқачиси*

«Буни билардик... Фалаба қозонишимиз кераклигини ҳамма биларди...

Кейин одамлар отасини ташлаб кётишди, партия райкомидан топшириқ олган, деб ўйлашди. Ҳеч ким уни ташламаганди, хеч қандай топшириқ ҳам бўлмаган. Ўзимиз курашишга аҳд қилгандик. Оиласиздагилар саросимага тушганини эслолмайман. Ҳамма қайфуда бўлган, аммо саросимага тушмагандик. Ҳамма фалабимизга ишонарди. Немислар қишлоғимизга бостириб кирган куни, кечқурун отам скрипкада «Интернационал»ни ижро қилди. У ўзички исёнини намойиш этгиси келарди...

Икки ой ўтди ёки уч ой... Ёки...

Яхудий бола... Немис уни велосипедига бойлаб қўйди, бола кучукдай орқасидан югуради: «Шнель! Шнель!» Велосипедини ҳайдаб, кулиб кетяпти. Ёш немис йигит... Тез орада машғулотидан зериқди, велосипедидан тушиб, болага имо-ишора билан тиз чўкишни буюрди. Кучукка ўхшаб, тўрт оёқлаб юришини, сакрашини буюрди: «Хундик! Хундик!» Кейин таёқни овлоққа улоқтириб, олиб келишини буюрди! Болакай ўрнидан туриб, югуриб бориб таёқни кўлида олиб келиб берди. Немиснинг

жахли чиқди... Уни тепа бошлади. Сүкди. Кейин имлаб күрсатди: түрт оёқлаб бориб, тишингда олиб кел.. Бола тишиларида олиб келди...

Икки соатга яқин немис шу болакайни эрмак қилди. Кейин яна велосипедига боғлаб, орқасига қайтди. Бола кучукдай орқасидан югурди. Гетто томон йўл олишди:..

Сиз эса нега кураша бошлаганимизни, нега отишни ўрганганимизни сўрайпсиз...»

*Валентина Павловна Кожемякина, партизан*

«Қандай унутай... Ярадорлар қошиқлаб туз ейишарди... Сафда фамилиясини айтиб чақиришса, жангчи олдинга чиқиб, ҳолсизликдан винтовкаси билан мукка тушиди. Очликдан.

Халқ бизга ёрдам берди. Агарда ёрдам бермаганида, партизанлар харакати фаолият юритолмаган бўларди. Халқ биз билан бирга жанг қилди. Баъзан кўзда ёш билан, аммо барибир биз билан бўлишарди:

— Болаларим, бирга қайфурамиз. Бирга ғалабани кутамиз.

Супракоқди нўхотдек картошкаларини солиб беришарди, нон узатишади. Ўрмонга кетишимизда қопимизни тўлдириб беришади. Буниси: «Мен шунча бераман», — деса, буниси: «Шунча бераман», — дейди. — «Сен-чи, Иван?» — «Сен-чи, Мария?» — «Сизлар қанча берсангиз, мен ҳам шунча, аммо болаларим бор».

Биз халқсиз ҳеч киммиз. Ўрмонда бутун бошли қўшин. Аммо халқсиз биз ҳалок бўлардик. Улар бутун уруш давомида ғалла етиштиришди, ер хайдашди, болаларимиз ва бизни өдириб-ичиришди, кийдиришди. Кечаси, отишма бўлмаган маҳал, ер чопишарди. Бир қишлоққа борганимиз эсимда. Бир чолни кўмишаётганда. Уни тунда ўлдиришган экан. Буғдой экаётганда. Донларни маҳкам қисиб олганидан, бармоқларини очишолмабди. Чолни буғдойни чангллаган ҳолда қўйишиди...

Кўлимизда қурол бор эди, ўзимизни ҳимоя қила олардик. Улар-чи? Партизанга нон бергани учун отишга ҳўкм-қилинарди. Сен бир кун ётасан-у кетасан, агар кимdir шу уйда ётганингни етказса, ҳаммаси ўлимга маҳкум бўларди. Уйда эри урушга кетган аёл ва учта боласи бор. Уйига келганимизда бизни ҳайдамасди-ку, печни ёқиб қўярди, кирларимизни ювиб берарди... Охирги бурда нонини берарди: «Олинглар, енглар». Кartoшка эса баҳорда нўхотдек майда-майда бўлади. Биз есак, печнинг устида ўтирган болалар йиғлашарди. Бу сўнгги нўхотлар...»

*Александра Никифоровна Захарова, Гомель области иккюз йигирма бешинчи полкининг партизанлар комиссари*

«Биринчи топширик... Менга варақаларни олиб келишди. Уларни ёстиқ ичига тикиб олдим. Онам менга жой солиб бераётганида сезиб қолди. Ёстиқни сўкиб, варақаларни кўрди. «Ўзингни ҳам, мени ҳам ҳалок қиласан», – деб йиғлай бошлади. Кейин эса ўзи менга ёрдам бера бошлади.

Бизнигига партизанларнинг алоқачилари тез-тез келиб туришарди. Отнинг эгарини ечиб, ичкарига киришарди. Қўшнилар буни кўрмайди, деб ўйлайсизми? Кўрган, билган: Мен қишлоқдан акам келди, деб алдардим. Аммо қишлоқда ҳеч қандай акам йўқлигини ҳамма яхши биларди. Мен улардан миннатдорман, бутун маҳаллам олдида тиз чўкишим керак. Биргина сўз мени, бутун оиласми ҳалок қилиши мумкин эди. Бармоғи билан бизни кўрсатиш кифоя эди. Бироқ ҳеч ким... Бирор инсон... Урушда одамларга шунчалик меҳр қўйдимки, умрим охиригача муҳаббатим сўнмайди...

Озод бўлдик... Кўчада юрсам, нукул орқамга қарайвераман: кўрқмасдан юролмасдим, кўчадан шунчаки ўтолмасдим. Йўлда машиналарни, вокзалда вагонларни

санаб кетардим... Бу одатимни ташлашга кўп вақт кетди...»

*Вера Григорьевна Седова, яширин гурух аъзоси*

«Йирлайман... Кўзларимдан ёш оқади...

Уйга кирсак, иккита рандаланган курси ва столдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Сув ичишга пиёла ҳам йўқ. Одамларнинг ҳамма нарсасини тортиб олишган. Фақат бурчакда сочиқ илингтан икона турибди.

Бир чол-кампир ўтиришибди. Партизанларимиздан бири этигини ечди, пайтавасининг увадаси чиқиб кетган, уларни яна қайта ўрашнинг иложи йўқ. Кўчада ёмғир, лой. Шунда кампир икона нинг олдига бориб, сочиқни олиб, партизанимизга узатди: «Болам, қандай кетасан?»

Үйда эса бошқа ҳеч нарса йўқ...»

*Вера Сафроновна Давидова, партизан*

«Дастлабки кунлар... Қишлоқ орқасида иккита ярадор топиб олдим... Биттаси бошидан яраланган бўлса, бошқаси оёғидан ўқ еган. Ўқни ўзим олиб ташладим, ярага керосин қўйдим, бошқа ҳеч нарса тополмадим. Керосиннинг микробларни ўлдириш хусусиятини билардим...

Уларни парвариш қилдим, оёққа турғиздим. Олдин биринчиси кетди ўрмонга, кейин – иккинчиси.

Иккинчиси кетаётганда, тиз чўкиб, оёғимни ўпмоқчи бўлди:

– Жон синглим! Раҳмат сенга, ҳаётимни сақлаб қолдинг.

Исмим ҳам йўқ эди, фамилиям ҳам. Фақат ака, опа, сингил деган нарсалар бор эди.

Хотинлар кечқурун уйимда тўпланиб олишарди:

– Немислар Москвани олдик деяпти экан.

– Ҳеч қачон!!

Шу хотинлар билан озодликдан кейин колхозни оёққа турғиздик, мени раис қилиб кўйишиди. Тўртта

чол ва ўн-ўн уч яшар ўғил болаларимиз бор. Улар жайдовчиларим эди. Қўтириб босган йигирматача отимиз бор — уларни даволаш керак. Хўжалик шундан иборат. На арава бор, на бўйинча. Хотинлар курак билан ер ағдаарди, сигир ва буқаларда молалашарди, буқачаларнинг думи узиб ташланган, ётиб қолса, турғизолмасдик. Болалар куни билан молалаб, кечга яқин тугунларини очишади, ҳаммасининг овқати бир — праснак. Буни нималигини ҳам билмайсизлар. Шовул урувлари... Кўрмаганмисиз?

Шунақа ўт бор. Бедани териб, ҳаммасини ўғирда тўйишарди. Ҳосил бўлган нарсадан шу праснакларни пиширишарди.

Ноннинг бир тури... Тахир...

Кузда топшириқ келди: беш юз саксон кубометр дараҳт йиқитиш керак. Ким йиқитади? Ўн икки яшар ўғлим ва ўн яшар қизимни олволдим. Бошқа хотинлар ҳам шундай қилишди. Дараҳтларни кесиб топширидик...»

*Вера Митрофановна Толкачёва,  
партизанлар алоқачиси*

Иосиф Георгьевич Ясюкевич ва унинг қизи Мария урушда Рокоссовский номли бригада Петраков номли отрядининг партизанлар алоқачиси бўлишган:

Иосиф Георгиевич:

— Фалаба учун бор нарсамни бердим... Энг азиз нарсаларни. Ўғилларим фронтда жанг қилишди. Иккита жийнимни партизанлар билан алоқа қилгани учун отиб ташлашди. Опамни, эҳ онасини... ўз уйларида фашистлар ёқиб юборишди. Ўз уйларида... Одамлар ҳамма ёқни тутун қоплаб, кўздан ғойиб бўлгунча, опамнинг иконани бағрига босиб, шамдек қотиб турганини кўришган экан. Урушдан сўнг, куёш ботаётганини кўрсам, нимадир ёнаётган бўлаверарди...

Мария:

— Ўн уч яшар қизалок әдим. Отам партизанларга ёрдам берәётганини билардим.

Ақлим етарди. Кечаси уйимизга қандайдир одамлар келишарди. Ниманидир ташлаб, яна нимадир олиб кетишарди. Отам күпинча мени ҳам ўзи билан олиб кетарди, аравага ўтқизиб: «Шу ерда қимирламай ўтири», — дерди. Керакли жойга келганимизда, қурол ёки варакаларни оларди.

Кейин мени станцияга жүнатадиган бўлди. Нималарни эслаб қолиш кераклигини ўргатди. Буталар орасига беркиниб, кечгача нечта состав ўтганлигини санаб ўтирадим. Нима олиб кетишаётганини ҳам эслаб қолардим. Қурол-аслаҳа, танк ёки солдатларми: кўриниб туради. Немислар кунига бир-икки марта буталарга ўқ узуб кўйишарди.

— Кўрқмаганмисиз?

— Кичкинагина әдим, ўтиб олганимни ҳеч ким билмасди. Ўша кун... Аниқ эсимда... Отам биз яшайдиган хутордан икки марта чиқмоқчи бўлди. Икки марта йўлга чиқкан бўлса, иккаласидаям патруллар орқасига кайтаришган. Оқшом тушди.

Мени чақирди: «Мария...» Онам эса: «Гўдакни қўйиб юбормайман!» Мени ўзи томони тортади...

Бироқ мен отам айтганидек, ўрмондан югуриб бордим. Ҳамма сўқмоқларни ёддан билардим, факат коронғудан кўркардим. Партизанларни топдим, улар кутиб туришган экан, отамнинг гапларини етказдим. Орқага қайтаётганимда тонг ёриша бошлади. Немис патрулларидан қандай ўтсам экан? Ўрмондан айланиб юрдим, кўлга тушиб кетдим, отамнинг камзули, этиги — ҳаммаси чўкиб кетди, ёвшанга тирмасиб, зўрға чиқдим... Ялангоёқ кор устидан югуриб бордим... Мазам қочди, ўзимни кроватга ташладиму, қайтиб турмадим. Оёқларим шол бўлиб қолди. У пайтда дўхтир, дори йўқ. Онам ўт-чўп билан даволади. Лой қўярди...

Урушдан сўнг дўхтирга олиб бориши. Кеч бўлган экан. Тўшакка михланиб қолдим... Бироз ўтиришим мумкин, лекин кўп ўтиrolмайман. Тўшакда ётиб, ойнага қарайман... Урушни эслайман...

Иосиф Георгиевич:

— Уни кўлларимда кўтариб юраман... Қирқ йилдан бери. Гўдакка ўхшаб кўтариб юраман... икки йил олдин хотиним вафот этди.

Ҳаммасини кечирдим, деди. Ёшлиқдаги гуноҳларимни... Ҳамма-ҳаммасини... Марияни кечирмади. Кўзларидан билдим... Ўлишга қўрқаман, менинг Мариям бир ўзи қолиб кетади. Ким уни қўлида кўтариб юради? Ким уйку олдидан дуо қиласди? Худодан гуноҳларини сўрайди...

### Ойилар ва дадалар ҳақида

Минск области Воложинск районидаги Ратинци қишлоғи. Пойтахтдан бир соатлик йўл.

Оддий беларус қишлоғи – ёғоч уйлар, ранг-баранг томорқалар, кўчаларда хўрозу фозлар. Болалар қум ўйнашяпти. Скамейкада ўтирган кампирлар. Уларнинг бириникига меҳмонга келдим, бутун кўча тўпланибди. Бир овозда гапириб кетиши.

Ҳар бири ўзи ҳақида, бирғаликда эса бир нарса ҳақида. Ер ҳайдаб, дон экканлиги, партизанларга нон ёпиб берганлари, фолбин ва лўлиларга бориб, туш таъбирини сўраганлари, худодан мадад сўраганлари ҳақида. Эрларининг урушдан қайтишини кутганликла-ри ҳақида..

Биринчи учта фамилияни ёзиб олдим: Елена Адамовна Величко, Юстина Лукъяновна Григорович, Мария Фёдоровна Мазуро. Кейин эса, уввос солиб йиғлаганлари учун фамилияларини ҳам тушунолмадим....

«Эҳ, қизалогим менинг! Тилла қизим, Фалаба куни-ни ёмон кўраман. Йиғлайман! Йиғлайвераман! Ўйласам,

ҳаммаси қайтиб келаётгандек бўлади. Бахт олисда, дард – ортимизда...

Немислар бизни ёқиб юбориши, бор-будимизни олиб кетиши. Вайроналарда қолдик.

Ўрмондан келсак, ҳеч нарса йўқ. Мушукларимиз қолган, холос. Нима билан кун кўрардик? Ёзда ўрмонга бориб, мева, қўзиқорин терардим. Уйим тўла оғиз.

Уруш тугаб, колхозга кирдик. Фалла ўрдим, буғдой янчдим. Отларнинг ўрнига ўзимиз омоч тортдик. Отлар ҳам йўқ эди, уларни ҳам ўлдиришган. Итларни отиб ташлашган. Онам, ўлсам, у ёфи нима бўлишини билмайману, лекин қўлларим дам олади, дерди. Қизим ўн ёшда эди. Ёнимда юриб, у ҳам буғдой ўради. Бригадир кичкинагина қизча қандай қилиб кечгача нормани бажараётганини кўриш учун келди. Биз эса ўришдан тўхтамаймиз. Қуёш ўрмон томон ботиб боради, биз эса унинг юқорироқ чиқишини кутардик.. Кун калталик қиласди. Нормани икки хисса бажараардик. Ойлик тўлашмасди, фактат иш кунига белги кўйишарди. Ёзи билан далага чиқардик. Кузда эса бир қоп ун ҳам ололмасдик. Болаларни фактат картошка билан боқардик...»

«Мана, уруш ҳам тугади. Бир ўзим қолдим. Ўзим сигирман, ўзим ҳўкиз, ўзим эрман, ўзим хотин. Вой-вой-вой...»

«Уруш – кулфат... Уйим тўла бола. На бир курси бор уйда, на бир сандик. Шип-шийдон қилиб кетиши.

Чўчка ёнғоқларини ердик, баҳорда ўт чайнардик... Қизимга биринчи оёқ кийимни мактабга борганида олиб бердим. Ўша оёқ кийимида ухларди, ечгиси келмасди. Мана шундай яшаганмиз! Умримиз поёнига етяпти, эслашга арзигулик нарсамиз йўқ. Факат уруш...»

«Бир жойга асирларимизни ҳайдаб келишгани ҳақида хабар тарқалди. Ким қариндошини кўрса, олиб кетиши мумкин экан. Хотинларимиз ўрнидан туриб, ўша томонга югуриб кетиши! Кечга томон ким қариндошини, ким бегонани етаклаб келди. Гапириб берганларини эшитиб,

тепа сочимиз тикка бўлди: одамлар тириклайн чириб кетяпти, очдан ўляпти, дараҳтдаги япроқларни еб битиришибди... Ўт-чўп еийишаркан... ер тагидан илдизларни кавлаб ейишаркан... Эртасига мён ҳам бўрдим, эримни топмадим, кимнингдир ўғлини кутқараман деб ният қилдим. Битта қорамағизгина бола кўзимга иссиқ кўринди. Исли Сашко эди, ҳозир неварамнинг исми Сашко. У ўн саккиз ёшда... Немисга ёғ, тухум бериб: «укам» деб алдадим. Худо ҳаққи деб қасам ҳам ичдим.

Ўйга олиб келдим, битта тухумни аранг ейди, силласи қуриган. Бу одамлар уйимизда бир ой ҳам яшамади, бир абраҳ топилди. Ҳамма қатори яшарди, хотини, иккита боласи бор эди... Комендантурага бориб, биз бегоналарни уйга киргизганигимизни чақиб берди. Эртасига немислар мотоциклларида бостириб келди. Тиз чўкиб, ялиниб-ёлвордик, улар эса, уйларига яқин жойга олиб бориб ташлаймиз, деб алдашдй. Сашкога бувамнинг костюмини бердим... Уни тирик қолади деб ўйлагандим...

Уларни қишлоқдан олиб кетишиди... Автоматлар билан ўриб ташлашди... Ҳаммасини. Биттасини ҳам тирик қўйишмади... Улар ёш, навқирон эди! Биз, уларни парвариш қилганлар – тўққиз киши эдик – уларни кўмишга қарор қилдик. Бештамиз уларни чукурдан тортсак, тўрттамиз немислар келиб қолмасин деб қараб турадик. Қўл билан олиб бўлмайди, кун қайнаб ётиби, ётганига тўрт кун бўлди... Белкурак билан қазишга ҳам кўрқамиз... Тахтачага қўйиб, тортардик. Сув олволдик, бурнимизни боғлаб олдик.

Ўзимиз йиқилиб тушмасак бўлди... Ўрмонда битта қабр қазиб, ҳаммасини ўша ерга қатор қилиб ётқиздик... Бошларини, оёқларини чойшаб билан ёпиб қўйдик...

Бир йил уларни унутмадик, эслаб йиғлардик. Ҳар биримиз ўғлим ёки эрим қайда экан деб ўйлардик. Тирикмикан? Чунки урушдан дарагини эшитасан, тупроқ олиб кетган бўлса – ҳеч қачон... Вой-вой-вой...»

«Эрим мүмин-қобилгина эди. У билан бир ярим йилгина яшадик. Урушга кетаётганда, қорнимда боламиз бор эди. Аммо қизини күриш насиб этмади, усиз туғдим. Ёзда кеттган бўлса, кузда туғдим.

Боламни кўтариб тургандим, бир ёшга тўлай деб қолганди. Кроватда эмизиб ўтирибман... Деразамни тақиллатиши: «Лена, қофоз олиб келишди... Эринг ҳакида...» (Хотинлар почтанини кўймай, ўзлари айтгани келишди.) Кўлимда қизимни ушлаб турган бўлсам, буни эшитиб, сутим отилиб чиқди. Ергача тушди. Қизим чинқираб йиғлади – қўрқиб кетганди. Шу билан кўкрагимни бошқа оғзига олмади. Пасхадан олдинги шанба эди. Апрель ойи... Кунлар илиб қолганди... Қоғозда эрим Иван Польшада ҳалок бўлгани ҳакида ёзилган экан. Қабри Гданьск шахри яқинида экан. Қирқ бешинчи йилнинг ўн еттинчи март куни ҳалок бўлди... Кичкинагина юпқа қофоз... Фалабамиз яқин эди, ана-мана эрларимиз келади деб ўтиргандик. Боғлар гуллаб турибди...

Қизим қўрққанидан кейин мактабга боргунича кўп касал бўларди. Кимdir эшикни қаттикроқ ёпса ёки бақириб юборса – мазаси қочарди. Кечаси билан йиғлаб чиқарди. Қизим менга анча азоб берди, етти йил қуёшни кўрмадим, қуёш мен учун нур сочмасди. Кўзларим олди коронфу эди.

Фалаба деб маълум қилишди! Эркаклар уйга қайта бошлади. Аммо жўнатганимиздан камроқ қайтишди. Ярмидан ками қайтди. Акам Юзик биринчи бўлиб қайтди. Ногирон бўлиб келди. Қизи меники билан teng. Тўрт ёш, кейин бешга тўлди...

Қизим уларнига ўйнашга борарди, бир марта йиғлаб келди: «Уларнига бошқа бормайман». – «Нега йиғлаяпсан?» – деб сўрасам, «Оляни (укамнинг қизи Оля эди) дадаси уни тиззасига ўтқизиб, эркалайди. Менинг эса дадам йўқ. Фақат ойим бор». Қизимни кучоқладим...

Икки-уч йил шунақа қилиб юрди. Күчадан югуриб келади-да менга: «Уйда ўйнаб турсам майлим? Дадам келиб қолса, мени күчада бошқа болалар орасида танимай қолади, ахир-мени күрмаган-ку». Уни уйдан күчага, болаларнинг олдига ҳайдаб чиқара олмасдим. Кун бўйи уйда ўтиради. Дадасини кутиб ўтиради. Дадамиз эса қайтмади...»

«Эрим урушга кетаётганда кичкина болаларини ташлаб кетаётганига роса йиғлади. Уларга раҳми келарди. Болаларим ҳали гўдак, отаси борлигини тушунишмасди. Ҳаммаси ўғил бола. Кенжатойим ҳали юрмасди. У кенжатойимизни кўксига босиб, кўйиб юборгиси келмасди. Орқасидан югураман, уларга: «Колоннага са-а-афлан!» деб буйруқ беришди. У эса болани кўйиб юборолмайди, у билан колоннага турди... Ҳарбий унга ўшқириб берди, у эса болани кўз ёшига чўмилтиради. Тагликлари хўл бўлиб кетганди. Болаларим билан қишлоқдан чиқиб ҳам ортидан эргашавердик, беш километрча югардик. Бизга қўшилиб бошқа хотинлар ҳам югуришди. Болаларим йиқилиб ерга ётиб қолишли. Мен қўлимда кенжам билан югуряпман. Володя, эрим, орқасига қарайди, мен яна югураман. Охири, мен қолдим... Болаларимни йўлда ташлаб, факат кенжам билан орқасидан югуряпман...

Бир йилдан кейин эса қоғоз келди: эрингиз, Влади-мир Григорович Германияда, Берлин остонасида ҳалок бўлди. Қабрини ҳам зиёрат қилолмайман. Бир қўшнимиз соғ-саломат қайтди, бошқаси бир оёқсиз қайтди. Менинг ичимни ит тирнайди: менини ҳам қайтиб келса эди, майли оёқсиз бўлса ҳам, мен уни қўлларимда кўтариб юрапдим...»

«Этагимда уч ўғил билан қолдим... Буғдој ғарамларини таширдим, ўрмондан ўтин териб келардим, картошка қазирдим. Ҳаммасини ўзим қиласдим... Омочни ҳам елкамда ўзим тортардим, молани ҳам. Нима қилай?! Ҳар икки уйнинг бирида бева ёки ҳарбий аёл бор. Эрсиз қолиб кетдик. Отларсиз. Отларни ҳам урушга олиб

кетишган. Ўзим қилардим ҳаммасини... Илғорлар сафида юрардим. Иккита фахрий ёрлик олганман, бир марта ўн метр қизил чит беришди. Хурсандлигимни қўрсанғиз эди! Ўрилларимга, ҳаммасига кўйлак тикиб бердим».

«Урушдан сўнг... Ҳалок бўлганларнинг ўғиллари энди оёққа туришяпти. Улғайиб қолишган. Ўн уч-ўн тўрт яшар болалар. Ўзларини каттадек тутишарди. Уйланмоқчи бўлишарди. Эркак зоти йўқ, жувонлар кўп...»

Агар сигирингни берсанг, уруш бўлмайди десалар, бериб юборардим. Бошимга тушган кўргиликни фарзандларим кўрмаслиги учун: Уззу тун ҳасратимга кулоқ тураман...»

«Ойнага қарасам, ташқарида ўтиргандай бўлади... Баъзан, шомда шарпаси кўринади... Мен қариб қолдим, аммо унинг доим ёш кезларини кўраман. Урушга қандай жўнатган бўлсам, шу кўринишда. Тушимда ҳам ёш пайтини кўраман. У ерда мен ҳам ёшман...»

Ҳамма хотинлар қора хат олган бўлса, менга «драксиз кетди» деган қофоз келди. Кўк сиёҳда ёзилган. Аввалги ўн йил ҳар куни кутдим. Ҳозир ҳам кутаман. Инсон тирик экан ҳамма нарсага умид қилса бўлади...»

«Аёл киши қандай ёлғиз яшайди? Бирон киши келиб, ёрдам берадими-йўқми, балога қоласан. Ҳамма гап отади... Одамлар гап-сўз қилиб тўймади, итлар хуриб тўймади... Эрим Иван бешта неварасини кўрганида эди. Баъзан унинг сурати олдига туриб олиб, невараларининг расмларини кўрсатаман. У билан дардлашаман...»

«Вой-вой-вой... Яратган эгам... Ўзинг раҳм қил, худо...»

«Урушдан кейиноқ туш кўрдим: ҳовлига чиқсам, эрим ҳовлида юрганмиш... Ҳарбий кийимда... Мени чақирияпти. Ўрнимдан туриб, ойнани очдим... Атроф жимжит. Қушларнинг сайраши ҳам эшитилмайди. Ҳамма уйқуда. Дараҳт барглари шитирлайди... Ҳуштак чалиб кўяди...»

Тонгда ўнта тухум олиб, фолбинга бордим. «У энди ўйқ, – деди қартани ёйиб. – Умидвор бўлма. Ҳовлингда унинг руҳи юрибди». Севишиб турмуш қургандик. Бизни муҳаббат боғлаган...»

«Бир фолбин ўргатди: «Ҳамма ухлаганда, бошингга қора рўмол ташлаб катта ойна олдига ўтири. Ўша ойнада у кўринади... На унга, на қийимиға кўл теккизисб бўлмайди. Фақат сұҳбатлаш...» Туни билан ойна олдида ўтириб чиқдим... Тонг ёришай деганда келди... Ҳеч нарса демади, фақат йиғлади. Уч марта шундай кўришдик. Чақирсам – келади. Доим йиғларди. Кейин чақирмай қўйдим. Афсусланаман...»

«Мен ҳам эрим билан учрашувни интиқлик билан кутаман... Кечаю кундуз гапириб бераман. Ундан ҳеч нарса талаб қилмайман – фақат тингласа бўлди. У ҳам у ерда қариган бўлса керак. Менга ўхшаб».

«Азиз тупроқ... Картошка, қизилча кавлайман... У мана шу ерда, тез орада олдига бораман... Опам менга: «Сен ерга эмас, осмонга қара. Тепага. Улар – ўша ерда», – дейди. Ана ўйим... Узоқ эмас... Бизнида ётиб қол. Қолсанг, кўпроқ нарса билиб оласан.

Қон сув эмас, уни тўкишга кўзинг қиймайди, у эса тўкилаверади, телевизорда кўраман... Ҳар куни...

Биз ҳакимизда ёзмасанг ҳам бўлади... Эслаб қол... Мана сен билан гурунглашдик. Йиғлашдик. Биз билан хайрлашганингда, бизга ва бизнинг ўйларимизга разм сол. Бегонадай бир марта эмас, яқинимиздай икки марта ўгирилиб қара. Бошқа ҳеч нарса керак эмас. Орқангга қарасанг бўлгани...»

### **Майдагина ҳаёт ва улкан ғоя ҳақида**

«Мен доим ишонганман... Сталинга ишонганман... Коммунистларга ҳам ишонардим. Ўзим ҳам коммунист бўлганман. Коммунизмга ишонардим... Шу учун яшадим, шунинг учун тирик қолдим. XX съездда Хрушчёвнинг

Сталин хатолари ҳақидаги маърузасидан сўнг мен ка-  
сал бўлиб, тўшакка михланиб қолдим. Бу ҳақиқатлигига  
ишонгим келмасди. Урушда ҳам: «Ватан учун! Сталин  
учун!» – деб ҳайқириб, олға борардим. Ҳеч ким мени  
мажбурламаган... Ишонардим... Бу – менинг ҳаётим...

Мана у...

Икки йил партизанлар билан жанг қилдим...  
Сўнгги жангда оёғимдан жароҳат олдим, хушимдан  
кетдим, қаҳратон совуқ, уйғонганимда қўлларим муз-  
лаб қолганини хис қилдим. Ҳозир оппоқ момиққина  
қўлларим ўшандада қоп-қора бўлиб кетганди... Албат-  
та, оёқларим ҳам музлаганди. Агар аёз бўлмағанида,  
эҳтимол, оёқларимни сақлаб қолса бўларди, улар қонаб  
кетди, кўп вакт музда ётганман. Мени топишганда,  
бошқа ярадорлар ёнига қўшиб, бир жойга олиб бориши-  
ди. Шу топда яна немислар ўраб олди. Отряд чекинди...

Куршовни ёриб ўтиш керак... Бизни ўтиндек, ча-  
нага тахлаб қўйишиди. Ярадорларга бирма-бир қараб  
ўтиришга вакт йўқ, ҳаммани қалин ўрмонга олиб бо-  
ришиди. Яширишиди. Шу тариқа кетма-кет олиб кета-  
веришиди, олиб кетаверишиди. Кейин эса Москвага мен  
ҳақимда хабар беришиди. Ахир мен Олий Кенгаш де-  
путати бўлганман. Катта одам бўлганман, мен билан  
фаҳрланишарди. Ўзим энг паст табақаданман, оддий  
дехқонман. Дехқонлар оиласиданман. Партияга эрта  
аъзо бўлганман...

Оёқларимдан айрилдим... Уларни кесиб ташлашиди...  
Ўша ерда... Ўрмонда ҳаётимни қутқаришиди. Операция  
энг ибтидоий шароитларда амалга оширилди. Опера-  
ция қилиш учун стол устига ётқизишиди. Ҳатто йод ҳам  
йўқ. Оёғимни, иккала оёғимни оддий арра билан арра-  
лашиди... Столга ётқизишиганди, қарашса, йод йўқ. Олти  
километр наридаги қўшни отрядга йодга кетишиди. Мен  
эса столда ётибман. Наркозсиз. Бошқа нарсасиз... Нар-  
коз ўрнига – бир шиша самогон. Оддий аррадан бошқа  
ҳеч нарса йўқ... Оддий дурадгор араси...

Самолёт жүннатинглар, деб Москва билан боғланышди. Самолёт уч марта келди, күнишга илож топмай, айланыб-айланиб қайтиб кетарди. Чор атрофдан ўққа тутишияпти. Түртінчи марта келганды, күнди, иккала оёғим кесиб ташланғанды. Кейин Иваново, сұнгра Тошкентда түрт марта реампутация қилишди, түрт марта гангрена қайталанды. Ҳар сафар оз-оздан кесиб, юкорилаб бора-верди. Олдин әзилиб йиғлардим... Ҳүнграб йиғлардим... Юра олмаслигимни, ерда әмаклаб юришимни тасаввур қиласылардым. Нима мени ушлаб қолганини ўзим ҳам билмайман... Ўзимни қандай күндира олдым, билмайман... Албатта, ҳаётимда яхши одамлар учради. Жуда күп оқкүнгил инсонларни учратдым. Бир жаррохимиз бўларди, у ўзи ҳам оёқсиз эди. У мен ҳакимда бошка шифокорларга: «Бу аёлга тан бердим, шунча эркакларни операция қилдим, аммо бунақасини кўрмагандим. Овози чиқмади-я!» – деркан. Ўша шифокорлар оғзидан эшитдим. Тишимни тишимга қўйиб чидадим... Одамлар кўзига ўзимни кучли кўрсатишга ўрганиб қолгандим...

Кейин юртимга, жонажон Диснага қайтиб келдим. Қўлтиқтаёқда кириб бордим.

Хозир анча қариб қолдим, яхши юролмайман. У пайтларда эса шаҳар бўйлаб пиёда изғиб юрардим. Протез оёқларда югуриб юрардим. Колхозларга ҳам борардим. Мени райисполқом раиси ўринбосари қилиб қўйишишди. Катта амал. Кабинетда ўтирмасдим. Дала, ўрмон кезиб юрардим. Менга сал кўнгилбўшлиқ қилишса хафа ҳам бўлардим. У пайтларда саводли колхоз раислари кам эди, жиддий қампаниялар бўлса, жойларга район вакилларини жўннатишарди. Ҳар душанба куни бизларни чакириб, ким қаерга боришини тайинлашарди. Эрталаб ойнадан қарасам, ҳамма, район олдига боряпти, менга эса қўнғироқ қилишмади. Дилем оғриди, мен ҳам бошқаларга ўхшагим келарди.

Нихоят, қўнғироқ чалинди. Котиба: «Фекла Фёдоровна, киринг», – деди. Қанчалик хурсанд бўлганимни бил-

сангиз эди. Вахоланки, минг бир азоб билан қишлоқмас-  
қишлоқ юрардим. Мени йигирма, баъзан ўттиз чақири  
наридаги қишлоқларга жўнатишарди. Баъзи жойларга  
машинада борсанг, айримларига пиёда боришга тўғри  
келади. Ўрмондан бораётганимда йиқилсам, ўрнимдан  
туролмасдим. Сумкамга суюниб турардим ёки дарахт шо-  
хини ушлаб, ўрнимдан қўзғалардим. Нафақа олардим,  
ўзим учун яшасам ҳам бўларди. Ёлғиз ўзим учун. Аммо  
бошқалар учун яшагим келарди. Мен коммунист эдим...

Бирон нарсам ўзимники эмас. Фақат ордену медал-  
лар, фахрий ёрликлар. Уйимни давлат қуриб берган.  
Баҳайбат уй, чунки унда болалар йўқ, шунинг учун ютиб  
юборай дейди... Шифтлари ҳам баланддай кўринади...  
Шу уйда опам билан бирга турамиз. У - ҳам опам, ҳам  
онам, ҳам бокувчим. Энди қаридим... Эрталаб ўзим  
ўрнимдан туролмайман...

Иккаламиз ўтмиш хаёли билан яшаймиз. Чиройли  
ўтмишимиз бор. Қийинчиликлар бўлган, аммо чиройли  
ва мазмунли умр кечирдик. Ҳаётимдан нолимайман...  
Виждоним пок...»

*Фекла Фёдоровна Струй, партизан*

«Замон бизларни шундай қилиб қўйганди. Ўзимизни  
кўрсатдик. Бундай замон бошқа келмайди. Такрорлан-  
майди. Ўша пайтларда ғоямиз – навниҳол, ўзимиз ҳам  
ёш эдик. Ленин ўлди. Сталин тирик... Қандай фахр би-  
лан пионерлар бўйинборини тақиб юрардим. Комсомол-  
лик нишонини...

Шу орада уруш бошланди. Биз шундай ғоялар билан  
ўсган ёшлармиз... Албатта, бизнинг Житомирда тезда  
яширин гурухлар тузилди. Мен дарров унга аъзо бўлдим.  
Ўйлаб ҳам ўтирмадим. Борайми-йўқми, хавфлими-йўқми  
деган саволлар берилмасди. Буни муҳокама ҳам қилиб  
ўтирмасдик...

Бир неча ойдан сўнг яширин гурухимиз изига ту-  
шишди. Гурухни кимдир сотди. Мени гестапо тутиб

олди... Албатта, күрқардим. Мен учун бу ўлимдан ҳам қўрқинчлироқ эди. Мен қийноклардан кўрқардим... Дош беролмасам-чи? Ҳар биримиз ўзимизга шу савонни бе-рардик... Ёлғиз қолганда... Мён масалан, кичкиналигим-дан оғриққа йўқ эдим. Аммо биз ҳали ўзимизни яхши билмас эканмиз, қанчалик кучли эканлигимизни хис қилмас эканмиз...

Сўнгги терговда мени учинчи бор отишга ҳукм қилингандар рўйхатига киритиб қўйишиди. Терговчи тарихчи экан... Ўша фашист нега биз шундайлигимизни, нега биз учун ояларимиз жуда муҳимлигини билмоқчи бўлди. «Ҳаёт оядан юқорирок», – дерди у. Мен албатта унинг гапларига қўшилмасдим, у менга ўшқириб, уради. «Нима? Нима сизларни шундай бўлишга мажбур қиласиди? Нега ўлимни жимгина қабул қиласизлар? Нега коммунистлар коммунизм бутун дунёда ғалаба қозониши керак деб ўйладилар?» – деб саволларга кўмиб ташларди. У русчани яхши биларди. Шунда мен ҳаммасини айтиб қолишга қарор қилдим, барибир ўлдиришларини билардим, бекорга ўлиб кетавермай, биз кучли эканлигимизни билсин дедим. У мени тўрт соатга яқин сўроқ қилди, мен эса мактаб ва университетда ўрганганимдай марксизм-ленинизм хақида гапириб бердим. Қай ахволга тушганини кўрсангиз эди! Бошини чангллаб оларди, хонанинг у бурчагидан бу бурчагига отиларди, қоқкан қозикдек туриб олиб кўзларимга тикиларди, аммо биринчи бор... урмасди.

Мен унинг қаршисида туардим... Сочларимнинг ярмини юлиб олган, икки ўрим соchlардан ҳеч нарса қолмаган. Қорним оч... Олдин бир бурда нон, кейин ҳеч бўлмаса нон ушоғи бўлсайди деб ўйлардим... Шу ахволда қаршисида турибман... Кўзларим чақнайди... У мени узоқ тинглади. Тинглади, аммо урмади... Йўқ, кўрқмади, ахир эндиғина қирқ учинчи йил эди. Аммо нимадир хис қилди, қандайдир хавфни илғади. Бу хавф моҳиятини билмоқчи бўлди. Үнга айтдим. Аммо чиқиб

кетганимдан кейин, ўлимга хукм қилинганлар рўйхатига киритиб кўйди...

Ўша тунда бутун ҳаётимни, ўзимнинг қисқа умримни эсладим...

Оtam билан онам бомбалар остида уйдан бир неча километр узоқлашиб, қайтиб келишга қарор қилган кун ҳаётимдаги энг баҳтли кун бўлган. Улар кетмасликка аҳд қилишди. Уйда қолдик. Мен билардим – биз курашамиз. Шунда тезроқ зафар кучамиз деб ўйлар эдим. Шубҳасиз! Энг биринчи қиладиган ишимиз – ярадорларни топиб, уларни кутқариш. Улар дала-даштда, ўт орасида, ариқларда ётишарди, кимнингдир молхонасига кириб олишарди. Эрталаб картошка қазиб олишга чиқиб, бирини томорқамиздан топиб олдим. У ўлаётганди... Ёшгина офицер, исмини айтишга ҳам кучи қолмаганди. Нималарнидир пичирлаб айтарди... Нима деганини тушунолмасдим... Не кўйга тушганимни билсангиз эди. Аммо менимча ўша кунлар ҳаётимнинг энг баҳтли онлари бўлган... Чунки иккїнчи марта ота-онамни топгандим. Шу кунгача отам сиёsatдан йироқ одам деб ўйлардим, у эса партиясиз большевик экан. Хат-саводи бўлмаган деҳқон онам Худога ишонарди. Бутун уруш худога илтижо қилиб чиқди. Аммо қандай? Икона олдида тиз чўкиб: «Халқимни кутқар! Сталинни кутқар! Беномус Гитлердан коммунистик партияни асра». Ҳар куни гестаподаги терговларда эшик очилиб яқинларим кириб келишини кутдим. Ота-онамни... Қаерга тушиб қолганимни яхши билардим, ҳеч кимни сотмаганлигимдан баҳтиёрман. Ўлишдан ҳам кўра, хоинлик қилишдан қўрқардик. Мени хибсга олишганда, кийнокларга солишини тушундим. Рухим мустаҳкамлигини билардим, аммо танам-чи?

Биринчи саволни эслолмайман... Хушимдан кетмандим... Фақат бир марта, қандайдир фиддирак билан қўлларимни қайирганда хушимдан кетиб қолдим.. Менга бошқаларнинг қандай бақираётганлигини кўрсатишган бўлса ҳам, менимча, бақирмадим. Кейинги терговларда

оғриқ ҳисси йўқолди, танам тахтадек қотиб қоларди. Ёғоч тана. Бир-фикр мияда айланади: йўқ! Уларнинг кўз ўнгидаги ўлмайман. Йўқ! Ҳаммаси тугагандан кейин камерага олиб келиб ташлаганларида гина оғриқни ҳис эта бошлайман, бутун танам катта бир фуррага айланарди. Сидирғасига фурра. Бутун баданим... Аммо чидаш-чи. Чидай олиш! Онам инсон бўлиб жон бераётганимни, хеч кимни сотмаганлигимни билиши учун. Ойижон!

Уришарди, осишарди. Доим қип-яланғоч ҳолда. Суратга олишарди. Қўлларим билан фақат кўкракларимни тўса олардим... Эсдан оғиб қолганларни кўрдим... Бир ёшга тўлмаган митти Коля, биз унга «ойи де» деб ўргатардик, уни онасидан жудо қилишаётганди, ундан бир умрга айришаётганини фойибдан сездими, умрида биринчи бор «Оий» деб қичкириб юборди. Бу сўз эмас ёки нафақат сўз эди... Сизларга айтиб бермоқчиман... Ҳаммасини... Ох, у ерда қандайин одамларни учратдим! Улар гестапо ертўлаларида жон фидо қилишарди, аммо уларнинг қаҳрамонликларидан фақат деворларгина бояхабар эди. Ҳозир, мана қарийб қирқ йил ўтди, хаёлан уларнинг олдиларида бош эгаман. Улар: «Ўлиш энг осони», – дейишарди. Яшаш эса... Қанчайин яшашни истардик! Фалабага эришишимизга ишонардик, аммо бу улуг кунни кўриш насиб этармикан деб шубҳаланардик.

Камерамида кичкина дарча бор эди, дарчада – панжара. Кимнингдир елкасига чиқиб олсанг, бир парча осмон, шундаям осмон эмас, бир парча томни кўрса бўларди. Биз эса жуда ҳолсиз эдик. Елкамизни тутиб туролмасдик. Аня исмли парапютчи қизимиз бор эдий. Аняни уларни самолётдан фронт ортига туширишаётганди ушлаб олишган, гурух ўраб олинганди. Ҳаммаёғи қонталаш бўлиб кетган Аня: «Мени кўтариб туринглар, озодликка бир қарай. Ўша ерга боргим келяпти», – деди.

Кўтаринглар деб туриб олди. Ҳаммамиз уни кўтардик, у ойнага тирмашиб: «Қизлар, у ерда гул бор экан», – деб кувониб кетди. Шунда ҳаммамиз: «Мени ҳам...», «Мени

хам...» – деб ялина бошладик. Фойибдан куч келиб, хаммамиз бир-биримизга ёрдам беріб, ойнадан қарадик. Бир сафар момақаймок учіб кирибди, қандай қилиб томга келиб қолди, у ерда қандай ушланиб турди, ақл бовар килмайди. Ҳаммамиз шу гулга қараб ният қилдик. Ҳозир тушунишимча, ҳамма бу дұзахдан тирик чиқсам әди деб ният қилган.

Баҳорни жуда севардим... Гилос гуллаб, настарин гуллар ёнида атир ҳиди уфуриб туришини севардим... Услубимга ҳайрон бүлманг, мен бир вақтлар шеърлар ёзғанман. Ҳозир эса баҳорни ёмон күраман. Уруш мен ва табиат ўртамизда қора ботир бүлди. Гилос гуллаганда, она шаҳрим Житомирга кириб келган фашистларни күраман...

Мұйжиза туфайли омон қолдим... Мени отамга раҳмат айтмоқчи бүлган одамлар қутқариб қолишиди. Отам шифокор бүлган, у замонларда бу улуғ касб ҳисобланарди. Бизни отишга олиб кетишаётганды, мени колоннадан итариб чиқаришиди. Мен эса оғриқдан ҳеч нарсаны англамасдым, туш күраётгандек борардим... Қаерга етаклашса, ўша ерга кетаверардим... Кейин машинада олиб юришиди... Үйга олиб келишиди, бутун аъзои баданим ярага түлиб кетган, шу заҳоти асабийлашишдан учук чиқиб кетди. Одам овозини әшитишиңға ҳам тоқатим йўқ әди. Эшитсам – оғриқдан инграйман. Ота-онам пичирлаб гапиришарди. Тинмай бақирапдим, фақат иссиқ сувга ўтқазишгандагина жим бўлардим. Онамни бир дақиқа ҳам ёнимдан узоклаштирумасдим.. Қўлларини қўйиб юбормасдим. У: «Кизим, печь ёқиншитим керак. Томёрқага чиқишим керак...» – деб сўранарди. Мен эса үларнинг қўлларини маҳкам ушлаб олардим... Қўлларини қўйиб юборган пайтим ҳаммаси ёпирилиб келарди. Бошимдан кечирғанларимнинг ҳаммаси. Мени ғалғитиш учун, олдимга гуллар олиб келишарди. Севимли кўнғироқ гулларимни олиб келишарди... Каштан баргларини... Ифорлар мёни бироз ғалғитарди... Гестапода бўлған кўйлагимни

онам олиб қўйганди. Ойим жон бераётганда ҳам бу кўйлак ёстиқларининг тагида бўлган. Умрининг сўнгги дақиқаларигача...

Биринчи марта аскарларимизни кўрганимизда ўрнимдан турдим. Бир йилдан кўпроқ муддат тўшакда ётган одам бирдан ўрнидан туриб, кўчага югуриб чиқса денг: «Қадрдонларим! Акаларим, укаларим... Қайтдингизми...» Аскарлар мени қўлларида кўтариб уйимга олиб киришиди. Мана шу кайфиятда иккинчи ва учинчи кунлари военкоматга югуриб бордим: «Менга иш беринг!» Дадамга айтиб беришди, дадам мени олиб кетишга келди: «Кизим, қандай келдинг? Ким ёрдам берди?» Бир неча кунга кучим етди, холос... Яна чексиз оғриқ бошланди... Азобли тунлар... Куни билан бақирардим. Уйимиз олдидан ўтаётган одамлар: «Э, худо, мушкулини осон қил, азоблардан қуткар», – деб дуо қиласарди.

Менга Цхалтубонинг доривор лойлари шифо бўлди. Яшашга интилишим қутқарди. Яшаш, яшаш ва фақат яшаш. Мен яшадим. Ҳамма каби яшадим... Яшадим... Ўн тўрт йил кутубхонада ишладим. Бу бахтиёр йиллар эди. Энг бахтиёр. Энди эса ҳаётим касалликлар билан курашга айланиб қолди. Нима десангиз денг-у, аммо қарилек яхши нарса эмас экан. Унинг устига ёлғизлик, мен ёлғиз қолдим. Ота-онам аллақачон оламдан ўтган. Уйқусиз узун тунлар... Неча йил ўтса ҳам, мен ўша даҳшатли тушни қайта-қайта кўравераман, уйғонганимда терга ботган бўламан. Анянинг фамилиясини эслай олмайман... Бранишинаданмиди, Смоленшинаданми, буниси ҳам эсимда йўқ. Ўлишни сира истамасди! Момик қўлларини бошининг орқасидан ўтказиб, ойнага қараб, бор кучи билан: «Мен яшамоқчиман!» – деб ҳайқиради.

Унинг яқинларини топмадим... Бу ҳақда кимга айтиб беришний ҳам билмайман...»

*Софья Мироновна Верешак, яширин гурух аъзоси*

«Урушдан кейин Освенцим, Даҳау ҳақида билиб олдик... Буларни эшитиб, қандай туғасан киши? Мен эса хомиладорман...

Шу пайт мени заёмга ёзиш учун қишлоққа жүннатиши. Завод, фабрикаларни тиклаш учун давлатга пул керак зди.

Келсам, қишлоқ йўқ, ҳамма очиқ осмон остида қолган... Ертўлаларда яшашарди... Бир хотин чиқди, эгнидагини кўйлак деб бўлмайди, эски латта-путта. Уйига мўраладим, чумчукдай тизилиб, уч нафар боласи ўтирибди, ҳаммасининг қорни оч. Аёл уларга ҳовончада қандайдир ўт-чўпларни туйиб бераётганди.

У мендан сўради:

– Заёмга ёзишга келдингми?

Мен:

– Ҳа, – деб жавоб бердим.

У эса:

– Пулим йўқ, аммо битта товуғим бор. Кеча қўшним товуғимни сўраётганди, сўрай-чи, агар олса, сотиб, пулини сенга бераман, – деди.

Хозир гапириб бераётганимда ҳам томофимга бир нарса тиқилгандай бўляпти. Қандай одамлар бўлган! Қандай одамлар! Эрини фронтда ўлдиришган экан, учта бола билан қолибди. Ҳеч нарсаси йўқ, фақат ўша товуқ бор, холос. У эса менга пул бериш учун ўша ёлғиз товуғини сотяпти. Биз ўша пайтларда фақат нақд пулларда йигардик. Тинчлик учун, болалари сор-омон бўлиши учун борини беришга тайёр. Унинг юзи ҳам эсимда. Болаларининг ҳам...

Улар улғайишдимикан? Буни билгим келяпти... уларни топиб, учрашган бўлардим...»

*Клара Васильевна Гончарова, зенитчи*



## «ОЙИ, ДАДА ДЕГАНИ НИМА?»

Бу йўлнинг охири йўқдек. Ёвузликнинг интиҳоси йўқдек. Унга энди фақат тарихга қарагандек қарай олмайман. Ким саволимга жавоб беради: мен ким билан иш кўраяпман – вақт биланми ёки инсон билан? Вакт ўзгаради, одам-чи? Ҳаётнинг бемаъни такори хусусида ўйлайман.

Улар аскарлардек ҳикоя қилишди. Аёллардек. Аксарияти она бўлишган...

### Болани чўмилтириш ва дадага ўхшаган оий ҳақида

«Мен югуриб кетяпман... Бир неча киши бўлиб югуряпмиз. Қочяпмиз... Орқамиздан қувишиятни. Отишяпти. Орқада қолган онамни тутиб олишди. У бизнинг қочиб кетаётганимизни қўрди... Унинг овозини эшитяпман, у менга нимадир деб қичқирди. Нима деганини кейин одамлар айтиб беришди. Онам: «Яхшиям оқ кўйлагингни кийисан... Қизим... Энди сени кийинтирадиган одам йўқ...» – дерқан. У мени ўлдиришади деб ишонган, оппоқ кўйлакда ётишимдан хурсанд бўлган экан... Сал олдин қўшни қишлоқقا байрамга борамиз деб тургандик... Пасхага... Қариндошларимизникига...

Атроф жимжит... Ўқ овози эшитилмайди. Фақат онам бақиради... Балки отишаётгандир? Эҳтимол, мен эшитмагандирман...

Урушда бутун оиласи қирилиб кетди. Уруш тугади, менинг эса кутадиган одамим қолмади...»

Любовь Игоревна Рудковская, партизан

«Минскка бомба ёғдира бошлашди...

Үғлимни олиш учун болалар боғасига югурдим, қизим эса шаҳардан ташқарида эди. Эндиғина икки ёшга тұлғанди, у әнг кичкінтойлар гурухыда эди, кичкінтойларни шаҳар ташқарисига олиб кетишиди. Аввал үғлимни олиб, уйға қўйиб, кейин уни олиб келмоқчи бўлдим. Тезроқ ҳаммани бир жойга тўплагим келарди.

Боғчага яқинлашяпман, самолётлар шаҳар устидан учиб, қаерларни дир бомбардимон қилиб ётишибди. Ёғоч панжара ортида үғлимнинг овози эшишилди, у ҳали тўртга тўлмаганди:

– Кўрқманглар, ойим немисларни ўлдирамиз дедилар.

Эшикдан мўраласам, бир гуруҳ болалар тўпланган экан, болам уларни тинчлантираётган экан. Мени кўриб, қалтирай бошлади, йиғлади, ўзи роса қўрқаётган экан.

Уни уйимга олиб келиб, қайнонамга ташладим, ўзим эса қизимни олиб келишга кетдим.

Югуриб келдим! Кичкінтойлар бўлиши керак бўлган жойда ҳеч кимни тополмадим. Қишлоқ аёллари болаларни қаергадир олиб кетишганлигини айтишиди. Қаерга? Ким? Шаҳарга бўлса керак дейишиди.

Уларга иккита тарбиячи қараётган эди, машина келмагани учун ўзлари пиёда кетишибди. Шаҳаргача ўн километр йўл бор... Улар кичкинагина болакайлар бўлса, бир ёшдан икки ёш оралиғидаги гўдаклар. Жонгинам, уларни икки ҳафта қидирдим... Қишлоқма-қишлоқ юрдим... Бир уйга кирганимда, айнан шу боғча болалари деб кўрсатишганда, кўзларимга ишонмадим. Улар ахлатларига беланиб, иссиғи чиқиб ётганди. Ўликдай ётишарди... Боғча мудираси бир ёш жувон эди, соchlари оқариб кетиби. Шаҳаргача пиёда келишибди; йўлда йўқолиб қолишган, йўлда бир-иккита бола ўлиб ҳам қолиби.

Улар орасида юриб, ўзимнинг қизимни топа олмаяпман. Мудира мени тинчлантиряпти:

— Куюнманг, яхшилаб қидириңг. Шұ ерда бўлиши керак. Уни эслайман.

Элла қизалогимни оёқ кийимидан таниб олдим... Акс холда, танимаган бўлардим...

Кейин уйимиз ёниб кетди... Кўчада қолиб кетдик. Хеч вақомиз йўқ. Немис частлари шаҳарга кириб бўлганди. Борадиган жойимиз йўқ, бир неча кун болаларим билан шаҳар кўчаларида тентираб юрдим. Тамара Сергеевна Синицани учратиб қолдим, урушдан олдин уни сал-пал танирдим. Аҳволимни билиб:

— Меникига юринг, — деди.

— Болаларимда кўййутал бор. Сизникига қандай бораман?

Унинг ҳам кичкина болалари бор эди. Касал уларга юқиши мумкин эди. У даврда дори йўқ, касалхоналар ишламай кўйганди...

— Йўқ, юр мен билан.

Азизим, буни унугиб бўладими? Улар картошка пўстлоғини биз билан баҳам кўришди. Туғилган кунига совға бўлсин деб, ўғлимга эски юбкамдан иштон тикиб бердим.

Аммо биз курашишни истардик... Ҳаракатсизлик бизни қийнарди... Қўл қовуштириб ўтирумай, яширин гурух фаолиятига қўшилиш имконияти туғилганда қанчалик баҳтиёр эдик. Кутиш. Ўғлимни, у каттароқ эди, хар эҳтимолга қарши қайнонамга жўнатдим. У менга шарт қўйди: «Неварамни оламан, аммо уйимда оёғингни бошқа кўрмай. Сени деб ҳаммамизни ўлдиришади». Уч йил ўғлимни кўрмадим, ёнига боришга кўрқардим. Немислар мени фош қилиб, изимга тушишганда қизимни ўзим билан партизанликка олиб кётдим. Эллик километр уни қўлимда кўтариб бордим. Эллик километр... Икки ҳафта йўл юрдик...

Бир йилдан ортиқ мен билан бўлди... Баъзан бунга қандай бардош бера олдик деб ўйлаб қоламан. Ўзимдан сўрасангиз — жавобим йўқ. Жонгинам, бунга чидаш

мумкин эмас. «Партизанлар блокадаси» деса ҳозир ҳам сүякларим зирқирайди.

Кирқ учинчى йилнинг майи... Мени ёзув машинкаси билан күшни партизанлар ҳудудига жўнатишиди. Борисовский зонасига. Уларда ўзимизнинг машинкамиз бор эди, немис алифбоси керак бўлиб қолган экан. Бунақаси факат бизда бор эди. Бу машинкани мен яширин қўмита топширифи билан оккупацияда қолган Минскдан олиб чиқкан эдим. Мен у ерга, Палик кўлига борганимда бир неча кун ўтиб блокада бошланди. Ана шундай жойга тушдим...

Мен ёлғиз эмасдим, ёнимда қизим бор. Бир-икки кунлик топшириқни бажаришга чиққанимда уни бегона одамларга қолдирадим, узок муддатга ташлаб кетадиган жойим йўқ эдий. Шунинг учун боламни ўзим билан олгандим. У билан блокадага тушиб қолдик... Немислар партизанлар ҳудудини қуршаб олганди... Тепадан бомба ташлашади, ерда ўқ узишади... Агар эркаклар факат винтовка олиб юришса, мен винтовка, ёзув машинкаси ва Эллани кўтариб юрардим. Йўлда кетяпмиз, қоқилиб кетдим, Элла устимдан ошиб тўғри ботқоқликка тушиб кетди. Яна бироз юрсақ, яна тушиб кетади... Икки ой шундай юрдик! Агар тирик қолсам, қайтиб ботқоқликка бормайман, деб қасам ичдим, уни ортиқ кўролмасдим.

— Отишганда нега ётмаслигизни биламан. Бизни бирга ўлдиришларини хоҳлайсиз. — Бу гапларни менга тўрт ёшли қизалогим айтарди. Менинг эса ётишга мадорим қолмаган, агар ётсам, қайтиб туролмасдим.

Баъзан партизанлар раҳм қилиб:

— Етар. Кел, қизингни биз олиб юрамиз, — дейишарди.

Мен эса ҳеч кимга ишонмасдим. Отишма бошланиб, уни менсиз ўлдириб қўйишса-чи, эщитмай қолсам-чи, деб ўйлардим. Йўқолиб қолса-чи...

Мени комбриг Лопатин кутиб олди.

— Қандай аёл! — у ҳайратда қотди. — Шу ахволда ёзув машинкаси ва болани күтариб келгән бўлсангиз. Бу унча-мунча эркакнинг ҳам қўлидан келмайди.

Эллани қўлларига кўтариб, қучоқлаб-ўпди. Чўнтакларини бўшатди — нон ушоқларини берди. У ушоқларни оғзига солиб, ботқоқ суви билан ичиб юборди. Уни кўриб бошқа партизанлар ҳам чўнтакларини қоқиб, нон ушоқларини қизимга беришди.

Блокададан чиққанимда, касал бўлиб қолдим. Бутун баданимга чипкон тошган, терим шилинган. Қўлимда эса гўдак... Катта ердан самолёт кутаётгандик, самолёт келса, энг оғир ярадорларни жўнатамиз, Эллочкани ҳам бериб юборамиз дейишди. Уни жўнатаётган дақиқани эслайман. Ярадорлар унга қўлларини чўзиб: «Эллочка, менга кел», — деб чақиришади. «Менга кел. Бу ерда жой бор...» Ҳаммаси уни билишарди, у госпиталда уларга қўшиқ айтарди: «Эҳ, тўйимгача тирик қолсайдим».

Учувчи сўради:

- Қизалоқ, ким билансан?
- Ойим билан. У кабинка орқасида қолди...
- Онангни чакир, уни ҳам олиб кетамиз.
- Йўқ, ойим кетолмайди. У фашистларнинг таъзири ни бериши керак.

Болаларимиз мана шундай бўлган. Унинг юзига термулиб, яна қачондир кўра оламанми деб ич-ичимдан эзиламан.

Ўғлим билан қандай учрашганимизни айтиб бераман.. Бу озодликка чиққанимиздан кейин эди. Қайнонам яшаган уйга яқинлашяпману, оёғим пахтадек бўлиб қолди. Отрядимиздаги ёши каттароқ хотинлар мени огоҳлантиришди:

- Уни кўрсанг, дарров онангман дема. Сенсиз нималарни бошидан кечирганини тасаввур қиласанми?

Қўшни қиз югуриб келди:

- Вой! Ленянинг ойиси. Леня эса тирик...

У ёрига оёғим юрмай қўйди: ўғлим тирик. У қайнонам терламадан қазо қилгани, Леняни эса қўшнимиз боқиб олганини айтиб берди.

Ховлисига кирдим. Қандай кийимдаман? Немислар гимнастёркаси, йиртиқ-ямоқ қора пахтали куртка, эски этик. Қүшним мени дарров таниди, бироқ индамай турди. Ўғлим ялангоёқ, усти йиртиқ-ямоқ.

— Исминг нима, болакай? — деб сўрадим.

— Леня...

— Ким билан яшайсан?

— Олдин бувим билан туардим. Бувим ўлганида, уни кўмдим. Ҳар куни олдига бориб, мени ҳам ўзи билан олиб кетишини сўрардим. Бир ўзим ухлашдан кўрқардим...

— Ота-онанг қани?

— Отам — тириқ, у — фронтда. Онамни эса фашистлар ўлдиришган. Бувим шундай деган...

Ёнимда иккита партизан йигит бор эди, улар ҳам ўз дўстларини кўмишган. Ўша йигитлар боламнинг жавобларини эшитиб, кўзларидан ёш сизиб чиқди.

Шунда ортиқ чидолмадим:

— Нега онангни танимаяпсан?

У бўйнимга ташланди:

— Дада!! — Мен эркакча кийим, эркаклар бош кийимдаман. Кейин эса: — Ойи!!! — деб қичқирди.

Бу чинқириқни эшитсангиз эди. Жазавага тушганини кўрсангиз эди... У бир ой мени ҳеч қаерга кўйиб юбормади, ҳатто ишга ҳам. Уни ўзим билан бирга олиб кетардим. Унинг ёнидалигим, мени кўриб туриши унга камлик қиласарди, албатта мени ушлаб юриши керак эди. Овқатланишга ўтирсак, бир қўли билан мени ушлаб, иккинчи қўли билан овқат ерди. Фақат: «Ойижон», «Онагинам», — деб чақиради. Ҳозир ҳам шундай деб чақиради... Онагинам... Ойижон...

Эрим билан учрашганимизда, ҳаммасини ҳикоя килиб беришга бир ҳафта ҳам етмади. Туну кун бошимдан кечирганларимни айтиб берардим...»

*Раиса Григорьевна Хосеневич, партизан*

«Уруш – бу доим кимнидир дафн қилиш демакдир... Кўп партизанларни кўмишга тўғри келарди. Баъзан гурух пистирмага дуч келади, баъзан жангда ҳалок бўлишади. Бир дафн маросими ҳақида айтиб бермоқчиман...»

Қаттиқ жанг бўлганди. Ўша жангда кўп одамларимиз ҳалок бўлди, мен ҳам ярадор бўлдим. Жангдан кейин дафн маросими. Одатда қабр тепасида қисқа нутқ сўзлашарди. Аввал командирлар, кейин дўсту биродарлари нутқ сўзлашди. Ўлганлар орасида бир маҳаллий йигит бор эди, дафн маросимига унинг онаси келганди. Она йиғлай бошлади: «Болагинам, бизни ташлаб қайга кетдинг! Сенга иморатлар солаётгандик-а! Келин олиб келаман деб ваъда бергандинг-ку, болам! Энди қаро ерга киряпсан-а, болам...»

Сафдагилар жим турибди, унга ҳеч ким тегмаяпти. Кейин бошини кўтариб, факат унинг ўғли эмас, бошқа ёш йигитлар ҳам ётганини кўриб, бошқаларнинг ўғиллари учун ҳам йиғлай бошлади: «Вой, жон болажонларим! Оналаринг сизларни кўрмаяпти-ку, сизларни тупроққа беришаётганидан бехабар-ку! Ер қаттиқ. Ташқари совук бўлса. Уларнинг ўрнига ҳам йиғлайман, сизларга бағрим куяди. Азизларим... Болажонларим...»

«Уларнинг ўрнига ҳам йиғлайман», «бағрим куяди» дейиши билан эркакларнинг ҳаммаси бир овоздан ўкириб йиғлаб юборишиди. Ҳеч ким ўзини тута олмади, ҳамма ҳолдан тойган. Саф йиғлаб туради. Шунда командир: «Салют!» деб қичқирди. Салют ҳамманинг овозини босиб кетди.

Мени, ҳозир ҳам бу ҳақда ўйлайман, мени буюк она қалби ҳайратга солди. Бошига мана шундай ташвиш тушганида, бошқа ўғлонлар учун ҳам йиғлаб, мотам тутишга юраги дош берди... Ўз болаларидек кўзёш тўқди...»

Лариса Леонтьевна Короткая, партизан

«Қишлоғимга қайтдим...

Үйимиз олдида болалар ўйнашаётганди. Уларга қараб, хаёлимга келди: «Қайси бири менини экан?» Ҳаммаси бир

хил. Ҳаммасининг боши қўйникидек, қайчилаб олинган. Ўз қизимни танимадим, қайси биринг Люся деб сўрадим. Қарасам, узун кўйлак кийган болакайлардан бири ўрнидан сапчиб туриб, уйга караб қочди. Қизми, ўғилми билиб олиш қийин – ҳаммаси бир хил кийинган. Қайта сўрадим:

– Қайси биринг Люся?

Улар қўллари билан кўрсатишиди, ана у қочиб кетган қиз дейишиди. Ўша қиз менинг қизим экан.

Бир неча дақиқадан кейин бувиси уни кўтариб келди. У менинг бувим эди, онамнинг онаси. Олдимга кўтариб келди:

– Юр, юр. Бизни ташлаб кетгани учун, ҳозир ойингнинг таъзирини бериб қўямиз.

Мен эркаклар ҳарбий кийимида, бошимда пилотка, бунинг устига отга миниб олганман. Қизим эса онаси ни албатта бувиси ва бошқа хотинларга ўхшаб тасаввур қилган. Бу ерда эса аскар турибди. Анчагача менга келмай юрди, қўрқарди. Ҳафа бўламанми-йўқми, бу табиий, ахир уни ўзим катта қилмадим-ку, бувиларининг қўлида катта бўлди.

Совға сифатида совун олиб келдим. У замонларда совун зўр совға ҳисобланарди. Уни чўмилтирганимда, совўнни тишларди. Уни еб қўймоқчи бўларди. Улар шундай яшашган. Онам ёш бўлганди, урушдан кейин мени кампир кутиб олди. Унга қизинг келди, дейишиди. Томорқадан кўчага югуриб чикди. Мени қўриб, қўлларини очиб, пешвоз чикди. Уни таниб, ўзимни у томонга отдим. Бир неча қадам қолганда, уни кучлари тарк этди, ерга узала тушди. Мен ёнига йиқилдим. Онамни ўғаман. Ерни ўпаман. Қалбим меҳрга, нафратга тўлди.

Бир ярадор немис оғриқдан ерни чанглаб ётганида, эсимда, бизнинг аскар ёнига келиб: «Тегма, бу менинг ерим! Сеники юртингда қолди...» – деди».

Мария Васильевна Павловец, партизанлар шифокори

«Эримдан кейин мен урушга кетдим...

Кизимни қайнонамга ташладим, аммо у ҳам тез орада қазо қилди. Кизимни қайнэгачим олиб қолди. Урушдан кейин эса, мени демобилизация қилишганда, қизимни менга бергиси келмади. Кичкина гўдакни ташлаб, урушга кетган бўлсанг, бундай она фарзандга нолойик, деб койиди. Она қандай қилиб мурғак боласини ташлаб кетиши мумкин, деб менга таъна қиласди. Урушдан қайтганимда, қизим еттига тўлганди, уни уч ёшида ташлаб кетганман. Мени если қиз кутиб олди. Кичкиналигида оч қолган, уйқуга тўймаган. Ёнгинамизда госпиталь бўлган, ўша ерга бориб, ракс тушаркан, унга нон беришаркан. Буни кейин ўзи айтиб берди... Олдин дадаси ва ойисини, кейин эса фақат онасини кутибди. Дадаси ҳалок бўлган... У буни тушунарди...

Фронтда қизимни кўп эслардим, бир дақиқа ҳам унуганим йўқ, кечалари тушларимда кўриб чиқардим. Жуда соғинардим. Унга ўзим эртак айтиб бермаётганим учун, менсиз ухлаб, менсиз уйғонгани учун йиглардим... Кимдир соchlарини ўради... Қайнэгачимдан хафа бўлмадим. Уни тушундим... У укасини жуда яхши кўрарди. У бақувват, ўқтам йигит эди, уни ўлдиришганига ишонгинг келмайди киши. Урушнинг илк ойларида ўқ тегиб ҳалок бўлганди... Тонгда самолётларини ерда бомбардимон қилишган. Урушнинг биринчи ойлари, айтиш мумкини, биринчи йили тўлиқ немис учувчилари само эгалари бўлишган. У ҳалок бўлди. Қайнэгачим ундан қолган ёлғиз ёдгорликни менга бергиси келмади. Жигарпораси. У оила, фарзандни биринчи ўринга қўядиган аёллардан эди. Немислар бомба ташлаб, ҳамма ёқ вайронга бўлиб ётса ҳам, унинг хаёлида бир нарса: бу нима деган гап – бола бугун чўмилмади? Мен уни айблай олмайман...

У мени бағритош дерди... Аёл қалбинг йўқ дерди... Биз урушда қаттиқ азобландик... Оиласиз, уйсиз, болаларсиз... Фақат менинг эмас, ҳамманинг боласи уйда қолган. Парашют тагида ўтириб, топшириқни кутамиз.

Эркаклар сигарет чекиб, домино ўйнашса, биз, аёллар, учишга ракета келгүнича кашта тикиб ўтираардик. Биз аёллигимизча қолдик. Биласизми, мана менинг штурманим. Уйга сурат жүнатмоқчи бўлди. Кимдир рўмолча берди, ўша рўмолча билан кўринмасин деб, погонларини бойлаб қўйдик, гинастёркасини адёл билан ёпиб қўйдик. Кўйлак кийганга ўхшаб қолди... Шу кўринишда суратга олдик. Ўша унинг севимли сурати эди...

Кизим билан дугона бўлиб олдик... Бир умрлик дугона...»

*Антонина Григорьевна Бондарева,  
гвардия лейтенанти, катта учувчи*

### **Кизил қалпоқча ва урушда мушукни кўриб қолиш бахти ҳақида**

«Урушга кўнишишга кўп вақт кетди...

Хужумга ўтдик. Ярадорнинг артериал қон томири очилиб – буни биринчи марта кўриб туришим эди – фаворадек қон отила бошлагандা, шифокорни чақираман, деб югурдим. Ярадорнинг ўзи эса: «Қаерга? Қаерга кетяпсан? Камар билан боғла!» – деб бақирди. Ўшандагина ўзимга келдим...

Нимадан афсусланаман? Бир болакай... Етти яшар болакай онасиз қолди. Онасини ўлдиришган. Бола ўйл ёқасида ўлган онаси ёнида ўтирарди. Бола онаси ўлганини тушунмасди, унинг уйғонишини кутиб, «овқат беринг» деб ўтирарди...

Командиримиз бу болани кеткизмади, ўзига олиб қолди: «Ўғлим, онанг энди йўқ, лекин отанг кўп бўлади», – деди. У биз билан катта бўлди. Полк ўғлидек. Етти ёшдан. ППШ автомати дискига патрон соларди.

Сиз кетсангиз, эрим мени уришади. У бундай гапларни ёқтирамайди. Урушни ёмон кўради. Бироқ у урушда

бўлмаган, ёш бўлган, эрим мендан кичкина. Фарзанд қўрмадик. Мен доим ўша болани эслайман. Уни ўғил қилиб олсан бўларди...

Урушдан кейин ҳаммага раҳмим келарди. Одамга ҳам... Хўрзга ҳам, итга ҳам... Ҳозир ҳам бироннинг дардига караб туролмайман. Касалхонада ишладим, касаллар мени меҳрибонсан, деб яхши кўришарди. Катта боғимиз бор. Бирон марта боғимдаги олмаларни, меваларни сотмаганман. Шундок бераман — одамларга тарқатаман... Бундай туйғу... бундай қалб урушдан қолган...

Любовь Захаровна Новик, ҳамшира

«Ўшанда йигламаганман...

Битта нарсадан қўрқардим... Дўстларимни тутиб олишса, бир неча кун азобда қолардик: бардош берадими, йўқми? Агар бардош беришмаса, бошқаларни ҳам қамашади. Маълум вақт ўтиб, уларни отишга ҳукм қилишгани маълум бўлади. Топшириқ берилади: кимни осишаётганини бориб кўриб келиш. Кўчадан кетаётib арқон тайёрлашётганини кўрасан... Йиғлаш, бирон жойда сал кўпроқ қолиб кетиш мумкин эмас, чунки ҳамма ерда айғоқчилар изғиб юради. Сукут сақлаш учун қанчалик кучли, руҳан қанчалик бақувват бўлиш керак. Кўзёш тўкмай ўтиб кетиш керак.

Ўшанда йигламаганман...

Нимага рози бўлганимни билардим, аммо мени хибсга олишгандагина буни ҳақиқатан хис қилдим, тушундим. Қамоққа олиб кетищди. Этиқ, қамчи билан уришиди. Фашистларнинг «маникюри» нималигини билдим. Қўлларингни стол устига қўйишади, қандайдир машина тирнокларинг тагига нина санчийди... Бир вақтнинг ўзида ҳамма тирнокларинг остига тиқади... Чидаб бўлмайдиган оғриқ! Дарҳол хушингдан кетасан. Ҳатто эсимда йўқ, даҳшатли оғришини биламан, аммо эслолмайман. Мени ходалар билан чўзишарди. Балки айнан

шундай бўлмагандир, балки адашаётгандирман. Эсимда колганини айтаман: ходалар туради, сени мана шу ходалар орасига тикишади... Машина ишлай бошлади... Суякларинг қасирлаши, буралаётганини эшитасан... Қанча вақт? Буни ҳам эслолмайман... Мени электр стулда кийнашган... Жаллодлардан бирининг юзига тупурганимдан кейин ўтқазиши... Ёшмиди, қарими – ҳеч нарсани эслолмайман. Мени қип-ялангоч қилиб ечинтириши, биттаси ёнимга келиб, кўкрагимдан ушлади... Тупуришдан бошқа иложим қолмади. Шунинг учун юзига қараб тупурдим. Улар мени электр стулга ўтқазиши...

Шундан бери электр токидан кўрқаман. Ҳар томонга улоқтириши эсимда... Ҳозир эса кийим ҳам дазмоллай олмайман... Бутун умрга шу ҳис қолди – дазмоллай бошлайману, бутун баданимдан ток ўтгандай бўлади. Ток билан боғлиқ бирон нарсани қилолмайман. Балки урушдан кейин рухан даволанишим керакмиди? Билмайман. Умримни яшаб бўлдим...

Бугун нега йиғлаётганимни билмайман. Ўшандай йиғламаганман...

Дорга осишга хукм қилиши. Ўлимга хукм қилинганлар камерасига қамаб қўйиши. У ерда яна иккита хотин бор эди. Биз йиғламадик, жазавага тушмадик: яширин гурухга аъзо бўлаётганда, бизни нима кутаётганини билардик, шунинг учун ўзимизни ушлаб турардик. Шеърият хақида гаплашардик, севимли операларимизни эслардик... Анна Каренина хақида кўп гаплашардик... Севги ҳақида... Болаларимиз ҳақида эсламасдик, уларни хотирлашдан кўркардик. Бир-биirimizни қўллаб-куватлардик, табассум қилишга уринардик. Шу тариқа икки ярим кунни камерада ўтказдик... Учинчи кун эрталаб мени чақириши. Биз хайрлашдик, сўзсиз бир-биirimizни ўпдик. Кўркув ўйқ эди: ўлимим ҳақида ўйлайвериб, кўркув ҳам ғойиб бўлган бўлса керак. Кўзёш ҳам. Қандайдир бўшлиқ бор эди. Ҳеч кимни ўйламасдим...

Узок йўл юрдик, қанча юрганимизни эслолмайман, чунки хаёт билан хайрлашиб бўлгандим... Аммо машина тўхтади, ичида ўтирган одамлар, биз тахминан йигирматача киши эдик, ҳолсизлигимиздан пастга тушолмадик. Бизни қопдек ерга ташлашди, комендант баракларга эмаклаб боринглар, деб буюрди. Қамчи билан ниқтаб туради... Битта барак олдида бир аёл турганди. У бола эмизаётганди. Биласизми... Итлар ҳам шу ерда, коровуллар ҳам, ҳамма қотиб қолди, ҳеч қайсиниси тегмай турибди. Комендант бу манзарани кўриб... югуриб келди-да, она кўлидан гўдакни юлиб олди... Биласизми, ёнида колонка, сув чиқадиган темир колонка турганди. У болани мана шу темирга урди. Мияси оқиб тушди... Сутдек... Қарасам, она йиқилди: мен шифокорман... Юраги ёрилганини тушундим...

... Бизни ишга олиб кетишаётганди. Шаҳар бўйлаб, таниш кўчалардан олиб кетишли. Бир дўнглик бор эди, ўша жойдан эндинга пастга тушаётгандик: «Ойи, ойижон!»— деган овозни эшитдим. Қарасам: Даша холам турибди, тротуардан эса қизим югуриб келяпти. Улар кўчадан кетаётуб, тасодифан мени кўриб қолишган. Қизим юргурганича, бўйнимга осилди. Тасаввур қилинг, итлар, улар одамга ташланишга маҳсус ўргатилган итлар, уларнинг биронтаси ҳам жойидан қимирламади. Ёнига яқинлашсанг, ражиб ташлайди, уларни шунга ўргатишган. Бироқ биронтаси қимир этмади. Қизим ўзини қучоримга отди, мен йиғламадим, фақат: «Қизим, қизалоғим! Наташенька, йиғлама. Яқинда уйга қайтаман», — дердим. Коровуллар ҳам индамай туришди, итлар ҳам. Унга ҳеч ким тегмади...

Ўшанда йиғламаганман...

Қизим беш ёшида шеър эмас, дуоларни ёдларди. Даша холам унга дуо ўргатарди. Қизим мен ва дадаси учун худодан умр сўраб, дуо қиласарди.

Кирк тўртинчи йил, ўн учинчи февралда мени фашистлар каторгага жўнатиши... Ла-Манш бўйидаги Кроазет концлагерига тушиб қолдим.

Баҳор... Париж коммунаси куни французлар бизларни қочириб юбориши. Мен «мак»ларга қўшилдим.

Французлар мени «Жанговар хоч» ордени билан мукофотлашди...

Галабадан сўнг, уйимга қайтяпман... Ҳамон ёдимдаги... Ватанимиз ерларидағи илк бекатимиз... Вагонлардан ташқарига отилиб, ҳаммамиз она тупроқни кучдик, уни кўзларимизга босдик... Эсимда: оплоқ ҳалатдаман, тупроқни ўпиб, қисмлаб чўнтағимга солардим. Юракка яқин бу тупроқни бошқа ҳеч қачон тарк этмайман деган гаплар хаёлимдан ўтади...

Минскка келдим. Эрим уйда йўқ экан. Қизим Даша ҳоламникида. Эримни энкаведе ҳибсга олган, қамоқда экан. У ерга бордим... У ерда эшитганларимни билсангиз эди... Менга: «Эрингиз – сотқин», – дейиши. Эрим билан иккаламиз яширин гурухда ишлаганмиз. Иккаلامиз. У мард, жасур инсон. Бу ирво эканлигини тушуниб турибман... Фирт тухмат... «Йўқ, – дедим., – Эрим сотқин бўлиши мумкин эмас. Унга ишонаман. У – ҳақиқий коммунист». Терговчи эса... менга: «Жим бўл, французлар фоҳишаси! Жим бўл!» – деб бақирди. Кимда-ким оккупацияда бўлса, асирга тушса, Германияга олиб кетишган бўлса, фашистлар концлагерида ўтирган бўлса – ҳаммаси шубҳа остида бўлган. Бериладиган ягона савол: қандай тирик қолдинг? Нега ўлдиришмади? Ҳатто ўлганлар ҳам шубҳа остида колган... Ҳатто ўшалар ҳам... Биз ғалаба учун бор нарсамизни курбон қилганимиз... курашганимиз... мутлақо эътиборга олинмасди. Ахир ҳалқ ғала-ба қозонди-ку!! Сталин эса барибир ҳалққа ишонмасди. Ватанимиз бизга шундай раҳмат айтди. Мұхабbat ва садоқатимиз учун, биз тўккан қонимиз учун...

Мен ҳамма тешикларга кириб чиқдим... Барча ташкилотларга ёздим. Ярим йилдан сўнг эримни озод қилишди. Бир қовурғаси синган, буйраги ишдан чиққан... Немислар асирга олганда, фашистлар эримнинг бошини ёришгән, қўлини синдиришган, у ерда соchlари оқариб кетди,

қирқ бешинчи йилда энкаведе уни бутунлай ногиронга  
айлантириб қўйди. Уни йиллар давомида парваришила-  
дим, касалини даволадим. Аммо мен бир оғиз эътиroz  
 билдиrolмасдим, у эшитишини ҳам истамасди... «Бу-  
 хато», — тамом-вассалом. Унинг фикрича, мухими ғалаба  
 қозонганимиз. Тамом. Мен унга ишонардим.

Йигламасдим. У пайтлар йигламасдим...»

*Людмила Михайловна Кашечкина, яширин гурух аъзоси*

«Болага қандай тушунтирасан? Унга ўлимни қандай  
изоҳлайсан...»

Болам билан кўчадан бораман, атроф ўликларга  
тўла — у томонда ҳам, бу томонда ҳам. Мен унга Қизил  
қалпоқча ҳакидаги эртакни айтаман, атрофимда эса жа-  
садлар. Бу қочоқликдан қайтаётганимизда бўлган. Онам-  
никига келсак, у ғалати бўлиб қолди: кровать тагига  
кириб олиб, кун бўйи у ердан чиқмасди. Беш ёшдаги  
болани кўчага ҳайдаб ҳам чиқара олмасдик...

Бир йил мени азоблади. Гап нимадалигини тушунмай  
хуноб эдим. Биз ертўлада яшардик, кўчада кимдир ке-  
таётган бўлса, факат этиги кўринади. Бир куни кровать  
тагидан чиқиб, деразадан кимнингдир этигини кўрди-ю,  
чинқириб юборди... Кейин эсимга тушди, фашист уни  
этиги билан урганди...

Кейин бу одати ҳар қалай қолиб кетди. Ҳовлида бо-  
лалар билан ўйнаб, кечкурун ёнимга келиб, сўрайди:

— Ойи, дада дегани нима?

Тушунтиришга харакат қиласман:

— У оппоқкина, чиройли, армияда хизмат қиласми.

Минскини озод қилишганда, биринчи бўлиб шаҳарга  
танклар кириб келди. Ўғлим уйга хўнграб йиглаб келди:

— Уларнинг орасида дадам йўқ! Ҳаммаси қоп-қора,  
оқи йўқ...

Июль ойи эди, ҳамма танкистлар офтобда куйиб,  
корайиб кетган.

Эрим урушдан ногирон бўлиб қайтди. Ёш йигит эмас, қари чол бўлиб қайтди. Бошимга ташвиш тушди: ўғлим отасини чиройли, оппокқина деб тасаввур қиласади, урушдан эса қари касал одам қайтди. Ўғлим анчагача уни отаси сифатида қабул қилмади. Уни нима деб чақиришни билмасди. Уларни бир-бирига ўргатишга мажбур бўлдим.

Эрим ишдан кеч қайтса, унга:

— Нега кеч келдингиз? Дима: «Отам қани» — деб роса хавотирланди дердим.

Эрим ҳам олти йил (у япон урушига ҳам борганди) уруш давомида ўғлидан анча узоқлашиб қолганди. Уйдан ҳам.

Бирон нарса харид қилсам, ўғлимга қараб:

— Даданг олиб берди, у доим сени ўйлайди, — дердим.

Улар дўстлашиб олиши...

*Надежда Викентьевна Хатченко, яширин гурух аъзоси*

«Таржимаи ҳолим...

Йигирма тўққизинчи йилдан бери темир йўлда ишлаганман. Машинист ёрдамчиси бўлганман. У пайтларда бутун Совет Иттифоқида аёл машинистлар йўқ эди. Мен эса машинист бўлишни орзу қиласадим. Паровоз депоси бошлиғи: «Киз болага эркаклар касбини эгаллаш шартмикан», — деб ҳеч унамасди. Мен барибир таслим бўлмадим. Ўттиз биринчи йилда биринчи машинист аёл бўлдим... Мен биринчи машинист аёл бўлдим. Ишонмайсиз, мен паровоз ҳайдаганимда машинист аёлни томоша қилиш учун станцияга одамлар тўпланиб оларди.

Паровозимиз таъмирда эди. Эрим билан иккала миз навбатма-навбат ҳайдардик. Ёш болали бўлганим учун келишиб олгандик: у йўлга чиқса, мен бола билан ўтирадим, мен чиқсан, дадаси ўғлим билан ўтиради.

Саҳар туриб, күчада ғала-ғовур овозларни эшилдим, тумонат одам йиғилган.

Приёмникни ёқдим: «Уруш!»

Эримга қараб:

— Леня, туриң! Уруш! Ўрнингиздан туриңг, уруш!!

Депога югуриб кетди, йиғлай-йиғлай қайтиб келди:

— Уруш! Уруш! Уруш нималигини биласанми?

Нима қилиш керак? Болани кимга ташлаймиз?

Мени ўғлим билан Ульяновск шахрига эвакуация қилишди. Шинамгина икки хонали уй беришди, ҳозирги уйимдан ўлса ўлиги ортиқ. Ўғлимни болалар уйига тайинлашди. Ҳаммаси яхши. Мени ҳамма яхши кўради. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди! Ахир мен аёл машинист эдим, тағин биринчи машинист аёл... Ишонмайсиз, у ерда кўп қолиб кетмадим, ярим йил ҳам турмадим. Ортиқ қололмасдим: Ҳамма Ватанни ҳимоя қилса, мен қандай қилиб уйда ўтираман!

Эрим келди:

— Нима бўлди, Маруся, ўтираверасанми шу ерда?

— Йўқ, — дедим, — борамиз.

Шу кунларда фронт ҳизмати учун алоҳида захира колоннаси ташкил этилаётган эди. Эрим билан мени ўша ерга жўнатинглар, деб илтимос қилдик. Эрим катта машинист, мен эса машинист бўлдим. Тўрт йил теплушкида юрдик, ўғлимиз ҳам биз билан бўлди. Бутун уруш давомида бечора ўғлим мушук кўрмабди. Киев остонасида составимиз бомба остида қолиб кетди, бешта самолёт ёпирилиб келди, ўғлим эса мушукни кўриб қолди, уни кучоклаб: «Пишакча, сени кўрганимдан хурсандман. Бу ерда ҳеч кимни кўрмайман, кел, мён билан ўтириб тур. Бир ўпай сени», — дейди. Болада ҳаммаси болаларча бўлиши керак... «Ойижон, энди мушугимиз бўлади. Энди ҳақиқий уйимиз бор», — деб севиниб кетди. Бундай гапларни минг ўйласанг ҳам топа олмайсан... Уларни қолдириб кетма... Мушук ҳақида айтганимни албатта ёзиб ол...

Бизга доим бомба улоқтиришар, пулемётлардан олов очишарди. Нукул паровозни нишонга олишади, чунки мұхими – машинист, паровозни ўлдириш. Самолётлар пастьлаб учеб, теплушки ва паровозни нишонга олишади, теплушкинда эса ўғлим ўтирибди. Ҳаммасидан хам ўғлимдан хавотир олардим. Буни тасвирлаб бўлмайди... Бомба ёғдиришганда, уни ўзим билан паровозга олиб кетардим. Уни маҳкам қучоқлаб, бағримга босардим. «Битта ўқ билан ўлдирсинг», – дердим. Бунакада ўлдирадими! Шунинг учун хам тирик қолган бўлсак керак. Буни хам ёзиб қўй...

Паровоз – ҳаётим, ёшлигим, ҳаётимнинг энг гўзал онлари. Ҳозир хам поезд ҳайдаган бўлардим, аммо рухсат беришмайди, энди қаридим...

Ёлғиз фарзандли бўлиш қанчалик қўрқинчли. Бу аҳмоқлик... Мана, ҳозирги ҳаётимни айтсан... Ўғлимнинг оиласи билан тураман. У – шифокор, бўлим бошлиғи. Кичгинагина уйимиз бор. Бироқ ҳеч қачон таътилга чиқиб, узоққа кетмайман, сира сафарга чиқмайман... Буни тушунтириб беролмайман... Ўғлим, невараларимдан айрилгим келмайди. Улардан бир кунга узоққа кетолмайман. Ўғлим хам ҳеч қаерга кетмайди. Яқинда ишлаётганига йигирма беш йил бўлади, бирон марта сафарга кетмаган. Ишдагилари хам ҳайрон, бирон марта йўлланма олмабди-я. «Ойижон, сиз билан қолганим яхши», – дейди ўғлим. Келиним хам шундай. Айтиб тугатолмайман... Бир-биримиздан бир неча кунга хам ажралолмаслигимиз учун ҳатто дала ҳовли хам харид қилмаганмиз. Уларсиз бир дақиқа хам туролмайман.

Урушда бўлган одам бир кунга айрилиш нималигини жуда яхши билади. Фақат бир кунга...»

Мария Александровна Арестова,  
машинист

## Елкасига шамол текканларнинг сукути ҳақида

«Мен ҳозир ҳам пичирлаб гапираман... Уруш ҳақида...  
Пичирлаб. Қирқ йилдан зиёд вақт ўтса ҳам...

Урушни унутдим... Чунки урушдан сўнг ҳам қўркув  
ичида яшадим. Дўзахда яшадим.

Ғалаба қилдик, барча хурсанд, шод. Фишт, темир-  
терсак йиғишини бошлаб юбордик, шаҳарни тозалашга  
киришдик. Туну кун ишлардик, нима еб, нима ичгани-  
мизни, қай вақт ухлаганимизни эслолмайман.

Тинмай ишлардик.

Сентябрь ойи... Сентябрь илиқ келди, қуёш тафтини  
эслайман. Мевалар эсимда. Жуда кўп мевалар. Бозор-  
да челаклаб олма сотишарди. Ўша куни... Балконда кир  
ёярдим... Ҳаммаси тафсилотлари билан ёдимда, чунки  
ўша кундан ҳаётим ўзгариб кетди. Дарз кетди. Ҳаммаси  
остин-устун бўлиб кетди. Чойшабларни дорга иляпман...  
Оппоқ чойшаблар — доим оқ рангли чойшаб тутардим.  
Онам совун ўрнига кум суркаб ювишни ўргатганди. Кум  
олиб келиш учун дарё бўйига борардим, жойини билар-  
дим. Шундай қилиб... Чойшаблар... Пастдаги кўшним  
бор овози билан: «Валя!! Валя!!» — деб чақирди. Дарров  
пастга югардим, миямга келган биринчи фикр: ўғлим  
қани? Ўша пайтларда, биласизми, болалар бузилган уй-  
лар вайроналарида уруш-уруш ўйнаб, ҳақиқий граната ва  
миналарни топишарди. Портлаб кетишарди... Қўл-оёқсиз  
қолганлар кўп бўларди... Уларни ёнимиздан кеткизмас-  
дик, аммо ўғил бола-да, ҳаммаси қизиқ туюлаверади.  
Уйда ўтири деб танбех бериб кетасан-у, беш дақиқадан  
кейин қандай чиқиб кетганини билмай қоласан. Уларни  
қурол ўзига жалб этарди... Айниқса, урушдан кейин...  
Мен тезроқ пастга юѓурдим. Ҳовлига чиқсан, ҳовлида  
эрим турибди... Суюкли Иваним... Севгилим, азизим...  
Ванечка!! Қайтдингми... Фронтдан қайтдинг! Тирик! Уни  
тинмай ўпаман, қўлларини ушлаб қўраман. Гимнастёрка-

сими силайман. Қайтди... Оёқларим букилиб кетяпти... У эса... Тош бўлиб қотиб турибди, жонсиз ҳайкалдек. Жилмаймади, мени қучмади. Муз парчасидек. Кўрқиб кетдим: контузия олган бўлса керак деб ўйладим. Балки кар бўлиб қолгандир. Ҳечкиси йўқ, муҳими қайтдику, дердим. Уни парваришлаб, оёққа турғизаман, деб ўйладим. Бошқа хотинлар шундай эрлар билан қандай яшашини кўравериб пишиб кетганман, аммо барибир уларга ҳамма ҳавас қиласди. Буларнинг ҳаммаси сониянинг лаҳзасида миямда айланиб ўтди. Бахтиёрлигимдан ёғим букилиб кетарди. Титроқ босди. Тирик! Эҳ, аёллик қисматимиз...

Дарҳол қўшиларим тўпланди. Ҳамма хурсанд, бирбируни кучоқлайди. У эса тошдек қотган. Гапирмайди. Буни ҳамма сезди.

Мен:

- Ваня... Ванечка...
- Уйга кирайлик.

Хўп, кирдик. Елкасига осилиб кирдим... Бахтиёрман! Қалбим фахрга тўла! У индамай курсида ўтиради.

- Ваня... Ванечка...
- Биласанми... – ундан нари ўтолмайди. Йиғлаб юборди.
- Ваня...

Биргина кеча бирга бўлдик. Фақат биттагина.

Эртасига уни олиб кетишли. Эшик тақиллади. У тамаки чекиб, уларни кутаётганди. Олиб қетишлиарини биларди. Менга деярли юрагини очмади... Улгурмади... Руминия, Чехияни босиб ўтди, медаллар олди, аммо юраги қўрқувга тўлиб қайтди. Уни сўроқ қилишганди, иккита давлат суриштирувидан ўтганди. Асирда бўлган деб тамға қўйиши. Урушнинг дастлабки ҳафталари... Смоленск остонасида асирга тушди, ўзини отиши керак эди. Мен биламан, у ўзини отган бўларди... Патронлари тез тугаб қолган, ўзингни отиш у ёқда турсин, урушга ҳам патрон етмай қоларди. У оёғидан яраланганди, шу

аҳволда асирга тушган. Унинг кўз ўнгидаги комиссар бошини тош билан ёриб ўлди... Сўнгги патрон отилмай қолганди... Унинг кўз ўнгидаги... Совет офицери асир тушмайди, бизда асирлар бўлмайди, бизда фақат ҳоинлар бор. Сталин шундай деган, у асирга тушган ўз ўғлидан воз кечган, Эрим... У... Терговчилар унга: «Нега тириксан? Нега тирик қолдинг?» – деб ўшқирарди. У асирдан қочган... Ўрмонга, Украина партизанлари олдига кочиб борган, Украина озод бўлганда, фронтга кетди. Фалаба кунини Чехияда кутиб олди. Мукофот беришди...

Биз бир кечагина бирга бўлдик... Агар билганимда... Мен яна тумоқчи эдим, киз тугман деб орзу қиласдим...

Саҳарда уни олиб кетишди... Иссик жойидан турғизиб олиб кетишди... Ошхонадаги стол ёнига ўтириб, ўғлимиз уйғонишини кутдим. Ўғлим ўн бирга тўлганди. Уйғониб, биринчи бўлиб: «Дадам қани?» – деб сўрашини билардим. Нима деб жавоб бераман? Қўшиларга қандай тушунтираман? Онамга-чи?

Эрим етти йилдан кейин қайтиб келди... Ўғлим билан тўрт йил урушдан келишини кутдик, Фалабадан кейин яна етти йил Колимдан, лагердан қайтишини кутдик. Ўн бир йил кутдик. Ўғлим катта бўлди...

Сукут сақлашни ўргандик... Эрингиз қани? Отанг ким? Ҳамма сўровномаларда савол турарди: қариндошларингиздан биронтаси асир тушганми? Сўровномага «ҳа» деб ёзганимда мени мактабга фаррош қилиб олишмади, мактаб полини ҳам ишонишмади. Мен халқ душманига, халқ душмани, ҳоиннинг хотинига айландим. Бутун умрим зое кетди... Урушгача ўқитувчи бўлганман, педагогика билим юртини тамомлагандим, урушдан сўнг эса курилишда фишт ташидим. Эҳ, ҳаётим... Гапларим узук-юлук чиқаётгани учун узр, равон гапириш қўлимдан келмаяпти. Шошяпман... Баъзан тунда... Неча тун бир ўзим ётиб, кимгадир ўз ҳаётимни гапириб берардим, тинмай гапираверардим. Кундузи эса жим юрардим.

Хозир ҳамма нарсаны гапириш мүмкин. Мен са-  
вол бермоқчиман: урушнинг дастлабки ойларида мил-  
лионлаб аскар ва офицерларимиз асир тушганига ким  
айбдор? Мен жавоб талаб қиласман... Урушдан олдин  
ким қизил аскарларни немис шпиони, япон шпио-  
ни деб отиб ташлаб, армиямизни бошсиз қолдирди?  
Мен шуни билмоқчиман... Гитлер танқ ва самолёт-  
лар билан қуролланаётган вактда ким Будённий  
отликларига ишониб ўтираверди? Ким бизни чегара-  
миз мустаҳкам қўлларда деб ишонтирган...» Уруш-  
нинг биринчи кунларидаёқ армия патронларни ҳисоб-  
китоб қиласди...

Ҳаётим қани... деб сўрашга ҳақлиман... Қани менинг  
такдирим? Бизнинг такдиримиз? Аммо мен жимман,  
эрим ҳам жим. Биз бугун ҳам кўркув исканжасидамиз.  
Хозир ҳам кўрқамиз... Мана шундай кўркувда ўлиб ке-  
тамиз. Қандай алам, қандай уят...»

*Валентина Евдокимовна М-ва,  
партизанлар алоқачиси*





## «ҚҰЛИНИ ҚҰКСИГА ҚҰЯДИ...»

Ва ниҳоят – Фалаба...

Агар авваллари хаётлари тинчлик ва урушга бўлинган бўлса, энди уруш ва ғалабага бўлинди.

Яна икки хил олам, икки хил ҳаёт. Нафратланишни ўрганган қалб яна севишни ўрганмоғи лозим. Унутилган тўйғулар, унутилган сўзларни эслалиши даркор.

Уруш одами ноуруш одамига айланиши керак...

### Ўлдириш ёқмайдиган урушнинг сўнгги кунлари ҳақида

«Биз бахтиёр эдик...

Чегарадан ўтдик – ватанимиз озод қилинди. Она замин эркин нафас олди... Мен аскарларимизни танимай қолдим, тамоман бошқа инсонга айланиб қолдилар. Ҳаммасининг юзида табассум. Тоза кўйлак кийишган. Кўлларида гул пайдо бўлган, мен бундай бахтиёр одамларни илгари билмасдим, кўрмаганман. Германияга кириб борганимизда, ҳеч кимга шафқат қилмайман, ҳеч кимни аямайман, деб ўйлардим. Қалбим нафратга тўлганди! Аламга! Нега унинг боласига раҳмим келиши керак экан? Нега унинг онасини аяшим керак? Нега унинг уйини вайрон қилмаслигим керак? Ахир, у аяб ўтирамади-ку... У ўлдириди... Ёқди... Мен-чи? Мен... мен... Нега? Нега? Бундай ўғилларни тукқан хотинларни, оналарни бир кўргим келарди. Улар кўзларимизга қандай боқишар экан? Ўзим эса уларнинг кўзларига нигоҳимни қадасам...

Мен доим ўзимни қандай тутар эканман, аскарларимиз нима қилишаркан деб ўйлардим. Унуганимиз

йўқ... Бунга қандай чидаймиз? Бунга бардош бериш учун қанча матонат керак. Қайсиdir бир қишлоққа келсақ, оч-наҳор, бечораҳол болалар изғиб юрибди. Биздан қўрқишиади... Беркинишади... Улардан нафратланаман, деб қасам ичгандим... Аскарларимиздан пайдан қолган нимаики, бир бўлак қандми, нонми, топсам, йиғишириб олиб, немис болаларига улашардим. Йўқ, асло унугтаним йўқ... Ҳаммаси ёдимда... Аммо болаларнинг оч кўзларига шўнчаки бефарқ қараб турулмасдим. Эрта тонгдан ошхонамиз олдида немис болалари навбатга туришарди, биринчи ва иккинчи овқат тарқатишарди.

Ҳар бир боланинг елкасига нон учун халта осилган, белига шўрва ва иккинчи овқат – бўтқа, нўхот учун идишча қистирилган. Уларнинг қорнини тўйдирадирдик, даволардик. Ҳатто бошларини силардик... Биринчи марта силаганимда... қўрқиб кетдим... Мен-а? Мен! Немис боласининг бошини силасам...

Ҳаяжондан оғзим, томоғим қуриб қолди. Аммо тез орада ўрганиб қолдим. Улар ҳам кўнишиб қолишиди...»

*Софья Адамовна Кунцевич, санинструктор*

«Германиягача етиб келдим... Москвадан Германиягача бордим...

Мен танк полкининг катта фельдшери бўлганман. Полкимиздаги танклар «ўттиз тўртинчи танклар» эди, тез ёнарди. Жуда қўрқинчли.. Урушгача ҳатто милтиқ овозини ҳам эшитмагандим. Фронтга бораётганимизда, узок-узокларда бомба овозлари эшитиларди: менга ёр курраси қимиirlаётгандек туюларди. Ўн ети ёшда эдим, эндинга ўқув юртини тамомлаганман. Фронтга келган дастлабки кунларданоқ жанг майдонига юборишиди.

Танкдан чикдим... Олов... Осмону заминни тутун коплаган... Ер ёнади... Темир ҳам ёнади... Бу ёғимда

ўликлар ётибди, у ёқдан ярадорлар чақиради: «Ёрдам беринг... Қутқаринг...» Юрагимни құркүв чулғаб олди! Нега қочиб кетмаганимга ўзим ҳам ҳайренман. Жанг майдонидан қандай қочиб кетмадим экан? Бу дахшатни тасвирилашга сүз ожизлик қиласы, буни факат хис қилиш мүмкін. Авваллари ҳам бунга бардош беришим қийин бўлган, ҳозир эса уруш ҳақидаги киноларни кўриб ҳам ийғлайвераман.

Германияга кириб бордим...

Немис заминида бизни ҳайратга солған биринчи нарса — йўл ёқасидаги кўлда чизилган плакат: «Мана у — лаънати Германия!»

Кишлоққа кирдик... Ҳамманинг деразаси ёпиқ. Улар бор нарсасини ташлаб, велосипедга ўтириб қочишарди. Геббелъс руслар келиб, ҳамма ёқни вайрон қиласы, ўзларингни отиб, чопиб ташлайди деб қулоқларига қўйган. Эшикни очсанг, уйда ҳеч ким бўлмайди. Ёки ҳаммаси заҳар ичиб ўлиб ётган бўлади, ҳатто болалар ҳам. Улар ўзларини отишар, заҳарлашарди... Биз нима хис қилдик? Қувонч. Фалаба қозониб, энди уларга ҳам ўзимиз тортган азобни бераётганимиз учун курсанд эдик. Қасос туйғуси. Бироқ болаларга раҳмимиз келарди...

Бир кампирни топиб келишди.

Унга:

— Биз фалаба қилдик, — дедим.

У йиғлаб юборди:

— Иккита ўғлим Россияда ҳалок бўлди.

— Ким айбдор? Биз қанчасини қурбон қилдик!

У жавоб қилди:

— Гитлер...

— Гитлер ўзи қарор чиқармаган. Ўғилларингиз, эрларингиз...

Шунда жим бўлиб қолишади.

Германиягача бордим...

Онамга айтиб бермоқчи эдим... Онам эса урушда очлиқдан шишиб ўлганди. Уйларида на туз, на бирон

егулик бўлган. Акам эса госпиталда оғир ярадор бўлиб ётганди. Уйда ёлғиз синглим мени кутарди. Мактубла-рида миллий қўшинимиз Орёл шаҳрига кириб борганда, ҳамма ҳарбий қизларни шинелларидан тутганини ёзарди. Уларнинг орасидан мени қидираркан. Қайтишим ке-рак...»

*Нина Петровна Сакова, лейтенант фельдшер*

«Фалаба йўллари...

Фалаба йўлларини тасаввур қилолмайсиз! Аравалар орқалаган, қўлларида туғун, миллий байроқлар ушлаган озод этилган асиirlар ўтиб борарди. Рус, поляк, француз, чех асиirlари... Ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди, ҳамма ўз уйига қараб кетарди. Ҳамма бизни қучоқлаб, ўпарди.

Рус қизларини учратиб қолдим. Улар билан сұхбатлашиб қолдим, улар менга ўз дардини айтишиди... Ораларида биттаси иккиқат экан. Энг чиройлиси. У бир уйда хизматкорлик қилган экан, уй эгаси уни зўрлабди. Ўзи билан яшашга мажбур қилган. Йўлда йиғлаб, корнига мушт тушириб борарди: «Уйимга фрицни олиб бормайман! Олиб бормайман!» Улар қизни юпаташиб, тинчлантиришарди... Аммо қиз ўзини осиб қўйди... Корнидаги жажжи фриц билан...

Ўшанда бизни тинглаш керак эди, тинглаб ёзиш ке-рак эди. Афсус, бизни тинглаш ўшанда ҳеч кимнинг хаёлига келмабди, ҳамма «Фалаба» деб такрорларди. Қолган барчаси муҳим эмасдек эди.

Дугонам билан велосипедда кетаётган эдик. Қаршимиздан бир немис аёли келяпти. Учта боласи бор экан, чамамда. Иккитаси коляскада бўлса, биттаси этагини ушлаб борарди. Юзи хоргин. Биз билан тенглашганда, ергача эгилиб, бизга таъзим қила бошлади: Мана бундай килиб... Ергача... У нима деяётганини тушунмаймиз. У эса қўлларини кўксига қўйиб, болалари-

ни кўрсатади. Хуллас, ў болалари омон қолгани учун, йиглаб бизга раҳмат айтаётганини тушундик...

Ахир у кимнингдир аёли эди. Унинг эри шарқий фронтда... Россияда жанг-қилган бўлса керак...»

*Анастасия Васильевна Воропаева, ефрейтор,  
прожекторчи*

«Бир офицеримиз немис қизини севиб қолди...

Рахбарларгача етиб борди... Уни ишдан бўшатиб, фронт ортига жўнатишиди. Зўрлаганда бошқа гап эди... Бунақаси... албатта йўқ эмас эди... Бу ҳақда бизда кам ёзишади, бироқ бу — уруш қонуни. Эркаклар шунча йил аёлсиз юришган, албатта, нафрат ҳам бор эди. Шаҳарча ёки қишлоққа киришимиз билан уч кун талон-торож қиласдик... Албатта, бу ёзилмаган қонун эди... Ўзингиз тушунасиз... Уч кундан кейин эса трибуналга беришса ҳам майли. Уч кун ичидан, айш-ишрат қилиб юришарди... Бунда эса — муҳаббат. Офицернинг ўзи алоҳида бўлимда севиб қолганини тан олди. Бу, сўзсиз, хоинлик... Немис аёли — душманнинг қизи ёки хотинини севиб қолса-я? Бу... Ва... Қисқаси, унинг сурати ва манзили ёзилган қорозни олиб кўйишиди. Албатта...

Эсимда... Зўрланган немис аёли албатта эсимда. Яланғоч чотига граната тиқилган немис аёли ерда ётарди... Ҳозир эсласам, виждоним қийналади, аммо ўшанда виждоним асло қийналмаган. Албатта, туйгулар ўзгаради. Дастребки кунлардаги ҳисларимиз бошқа бўлса, кунлар ўтиб бошқа туйгуларни туярдик... Бир неча ойдан сўнг... батальонимизга... қомандиримиз олдига бешта немис қиз келди. Улар тинмай йиғлашарди... Гинекологимиз уларни кўрикдан ўтказди: жароҳат олишган. Таглари йиртилиб кетган. Бутун ички қийимлари қонга беланган... Уларни кечаси билан зўрлаб чиқишиган. Аскарлар навбат олиб туршишган...

Буни ёзманг... Магнитофонингизни ўчиринг. Бу – ҳақиқат! Ҳаммаси – ҳақиқат! Батальонимиз сафланди... Ўша немис қизларига: боринглар, қидиинглар, кимни таниб олсангиз, жойида отиб ташлаймиз дейишди, Унвонларига ҳам қараб ўтирмаймиз. Уятдан ўлай дедик! Улар йиглаб ўтиришарди. Улар қондан безиб кетишган... Ортиқ қон, тўқилишини исташмади. Шундай дейишди... Шунда ҳар бирига биттадан нон беришди. Албатта, бу уруш... Шубҳасиз...

Кечириш осон деб ўйлайсизми? Томи черепица билан ёпилган бутун... оппоққина... уйчаларни кўриш. Атиргулларга бурканган... Ўзим улар оғриқдан инграшини истардим... Албатта... Уларнинг кўз ёшларини кўришни хоҳлардим... Дарров яхши, адолатли, меҳрибон бўлиб қололмайсан... Сиз каби оқкўнгил бўлолмайсан... Уларга раҳм қилолмайсан. Бунинг учун йиллар ўтиши керак...»

*A. Раткина, кичик сержант, телефончи*

«Она тупроқ озод қилинди... Энди ўлишга ҳам, кўмишга ҳам оғринардик. Ўзга ерлар учун ўлардик, ўзга тупроққа кўмишарди. Душманни охиригача янчиш кераклигини уқтиришди. Душман ҳамон хавфли... Буни ҳамма тушунардий... Аммо ўлгимиз келмасди... Энди ҳеч ким ўлимни бўйнига олгиси келмасди...

Йўл четидаги кўплаб плакатлар хотирамда сақланиб қолди, улар улкан хочларга ўхшаб кетарди: «Мана у – лаънати Германия!» Бу плакатни ҳамма эслаб қолган...

Ҳаммамиз шу онни интиқлиқ билан кутардик... Мана ҳозир кириб борамиз-у... Уларнинг афт-ангорини, ерларини, уйларини кўрамиз. Наҳот, улар ҳаммамизга ўхшаш одамлар бўлса? Биз қаби оддий ҳаёт кечирса? Фронтда Гейне шеърларини қайта ўқий олишимга сира ишонмасдим. Севимли адибим – Гётени кўлга олмасам керак деб ўйлардим. Вагнерни ортиқ тинглолмасдим... Мен мусиқачилар оиласида туғилганман. Урушгача не-

мис мусиқасини севиб тинглардим – Бах, Бетховен. Улуф Бах! Уни ўз оламидан ўчириб ташладим. Кеңин бошқа нарсаларни күрдик, бизга крематорийларни күрсатиши... Освенцим лагерини... Тор-тор аёллар кийими ва болалар пойабзали... Қоп-қора кул... Уни карам, салат ўсимлиги тагига сепиш учун далага олиб чиқишаради. Ортиқ немис мусиқасини тинглай олмасдим... Мен Бахга қайтишим учун кўп сувлар оқди. Моцартни яна ижро қила бошладим.

Нихоят, уларнинг ерләридамиз... Бизни ҳайратга солған нарса – текис йўллар. Катта-катта қишлоқ уйлари... Гултуваклар, ҳатто омборхоналарни ҳам безаб турган нақшинкор дарпардалар. Уйларнинг ичидаги оппоқ дастурхонлар. Қимматбаҳо чинни идишлар. Кир ювиш машинасини илк бор ўша ерда кўрдим... Ақлимиз етмасди: хаётлари фаровон бўлса, нега уруш чиқаришган экан? Бизнинг одамларимиз ертўлаларда яшашади, улар эса оппоқ дастурхонлар ёйиб қўйишибди. Майдаги идишлардаги кофе... Мен эса уларни фақат музейда кўрардим. Ўша кофе идишларини... Бизни ҳайратга солған бир воқеани айтиб бериш ёдимдан кўтарилибди... Ҳужумга ўтдик, биз босиб олган биринчи немис окоплари кўринди... Уларга бостириб кирдик. Қарасак, термосларда иссиққина кофе турибди. Окопни кофе хиди тутган... Галетлар. Оппоқ чойшаблар. Тоза сочиқлар. Туалет қофози... Бизда буларнинг биронтаси бўлмаган. Чойшаб дейсизми? Биз похол, шоҳ-шабба устида ётардик. Икки-уч кунлаб ичимизга иссиқ овқат кирмаган пайтларимиз бўлган. Аскарларимиз ўша термосларни ўққа тутишарди... Лаънати кофе...

Немис уйларида эса ўққа тутилган кофе сервизлари, гултуваклар, ёстиқлар, болалар коляскаларини кўрдим... Аммо барибир биз улар бизга қилган ёмонликни қайтаришга қодир эмасдик. Уларни ўзимиз азоблангандай азоблай олмасдик.

Улар нафратининг сабабини тушунолмасдик? Бизники-ку, тушунарли. Уларники-чи?

Уйга совға жүннатишга рухсат беришди. Сөвун, шакар... Кимдир оёқ кийим жүннатди, немисларнинг пойабзали мустахкам эди, кимдир соат, чарм буюмлар. Ҳамма соат изларди. Аммо менинг қўлимдан қелмасди. Онам ва сингилларим бироннинг уйида туришидан хабардор бўлсан-да, уларнинг нарсаларини олишга кўнглим торғомади. Уйимизни ёқиб юборишганди. Уйга қайтиб борганимда, онамга айтиб бердим. Онам мёни кучиб: «Олмай тўғри қилибсан. Мен ҳам уларнинг нарсаларини қабул қилолмасдим – улар дадангни ўлдиришди», – деди.

Урушдан ўн йиллар ўтиб, Гейне тўпламини яна қайтиб қўлимга олдим. Урушгача севиб тинглаган немис бастакорлари пластинкаларини ҳам...»

*Аглая Борисовна Нестерук, сержант, алоқачи*

«Бу Берлинда бўлган воқеа... Шундай бир ҳолатга дуч келганман: кўчадан кетяпсам, олдимдан фольксштурм<sup>1</sup> автоматини кўтариб, бир бола югуриб чиқди – урушнинг охирги кунлари эди. Сўнгги кунлар. Кўлимда автомат. Тайёр турибди. У менгә қараб, кўзларини пирпиратиб, йиғлаб юборди. Ўзимга ишонмайман – мен ҳам йиғлаб юбордим. Үнга раҳмим келиб кетди, болакай жиннicha автомати билан турибди. Мен «бор, беркин» дегандай уни вайрон бўлган бино ичига итаряпман. У эса отиб ўлдиради деб кўркиб кетди. Бошимда қалпок, қиз боламанми, ўрил боламанми – билиб бўлмайди. Мени қўлимдан тутиб, ҳўнграб йиғлайди. Ҳўнграб! Бошидан силадим. Қотиб қолди. Уруш-ку, барибир... Ўзим ҳам тилсиз қолдим! Бутун уруш давомида улардан нафратланаб келдим! Адолатданми, адолатдан эмасми, барибир, ўлдириш ёкмайди, айникса, урушнинг сўнгги кунлари...»

*Альбина Александровна Гантимурова, катта сержант, разведкачи*

<sup>1</sup> ФГ-45 – 7,92 мм калибрли ўттиз ўқли немис автомати. Узунлиги – 960 мм. Оғирлиги – 4270 г.

«Бир илтимосни бажармаганимга афсусланаман...

Госпиталимизга бир немис ярадорини олиб келишди.

Менимча, у учувчи эди. Бўксадан яраланиб, гангрена бошланганди. Унга раҳмим келиб кетді. Жим ётибди.

Бироз немисчани билардим. Ундан сўрадим:

— Сув берайми?

— Йўқ.

Ярадорлар палатада немис ярадор борлигини билишарди. У алоҳида ётганди. Мен унинг олдига борсам, улар норози бўлишарди:

— Душманга сув олиб кетяпсизми?

— У ўляпти. Унга ёрдам беришим керак...

Оёғи кўкариб кетган, хеч қандай умид қолмаган. Организм бир зумда заарланиб, одам бир кунга етмай ўлади.

Унга сув берсам, менга қараб:

— Гитлер капут! — деди.

Қирқ иккинчи йил. Биз Харьков остонасида, қуршовдамиз.

Мен сўрадим:

— Нега?

— Гитлер капут!

Шунда унга жавоб бердим:

— Ҳозир бу ерда ётганинг учун шундай ўйлаб, шундай деяпсан. У ерда эса ўлдиряпсизлар...

У эса:

— Мен отмаганман, ўлдирмаганман. Мени мажбурашди. Бироқ мен отмадим...

— Асирга тушганларнинг ҳаммаси ўзини шундай деб оқлайди.

Шунда мендан илтимос қила бошлади:

— Фрау... сиздан илтимос... илтимос... — бир даста суратларни беряпти. Ойиси, ўзи, акалари, опа-сингилларини кўрсатди... Чиройли сурат. Орқасига манзилни ёзяпти: Сиз у ерда бўласиз. Борасиз! — Буни қирқ иккинчи йилда немис одам Харьков остонасида айтарди.

— Илтимос, буни почта қутисига ташланг.

Суратнинг бирига манзилни ёзди. Конверт суратларга тўла эди. Бу суратларни анчагача ўзим билан олиб юрдим. Бомба қаттиқ портлаб, улар йўқолиб қолганида жуда хафа бўлдим. Германияга кириб келганимизда конверт йўқолиб қолди...»

*Лилия Михайловна Бутко, жарроҳлик ҳамшираси*

«Бир жанг эсимда...

Ўша жангда жуда кўп немисларни асир олдик. Улар орасида ярадорлар ҳам бор эди. Уларнинг яраларини боғлардик, улар бизнинг йигитларимизга ўхшаб оғриқдан инграрди. Иссиқни айтмайсизми?! Жазира! Чойнак тошиб, сув бердик. Ялангликдамиз. Бизга ўқ ёрдиришяпти. Тезда окоп қазиб, маскировка қилиш буйруғи келди.

Окоп қазий бошладик. Немислар қараб туришибди. Уларга имо-ишора билан ерни қазинглар, ёрдам беринглар деб тушунтиришди. Нима деганимизни тушунганларида, улар бизга даҳшат билан қарашибди. Немислар уларга ўра қаздириб, отиб ташлаб, шу ерга кўмишади деб ўйлабді. Шуни кутишган... Ерни қазиётганда уларнинг даҳшатга тўла кўзларини кўрсангиз эди... Юзлари-чи...

Яраларини боғлаб, сув ичириб, ўзлари қазиган окопга беркининглар деб айтганимизда улар анчагача ўзларига келолмадилар, ўзларини йўқотиб қўйишли... Биттаси йиғлаб юборди... Ёши каттароқ бир немис эди. У кўз ёшларини ҳеч кимдан яширмай йиғларди...»

*Нина Васильевна Ильинская, ҳамшира*

### **Болаларча хатолар билан ёзилган иншо ва кинокомедиялар ҳақида**

«Уруш тугади...

Замполит чақириди:

— Вера Иосифовна, немис ярадорлар билан ишлайингизга тўғри келади.

Урушда иккита акам ҳалок бўлганди.

— Йўқ.

— Тушуняпсизми, ишлашга мажбурсиз.

— Қўлимдан келмайди: иккита акам ҳалок бўлган, уларни кўришга кўзим йўқ, уларни даволашга эмас, пичоқлашга тайёрман. Тушунинг, ахир...

— Бу буйруқ.

— Буйруқ экан, бўйсунишдан ўзга чорам йўқ. Мен ҳарбий одамман.

Мен ўша ярадорларни даволадим. Нима керак бўлса, ҳаммаси ни бажаардим. Бироқ менга жуда қийин бўлди. Уларнинг баданини ушлаш, азобларини енгиллаштириш... Биринчи оқ соchlар ўшанда тушди. Айнан ўша пайтларда. Уларни операция қиласдим, овқатлантирадим, оғриқсизлантирадим, ҳаммасини рисоладагидек бажаардим. Фақат бир нарсага қодир эмасдим — уларни кечки кўрикдан ўтказа олмасдим. Эрталаб ярадор ярасини боғлайсан, юрак уришини текширасан, хуллас, шифокор сифатида ҳаракат қиласан, аммо кечки кўрик пайтида касал ҳол-аҳволини сўраб, у билан мулоқотга киришиш керак бўлади. Бу нарса қўлимдан келмасди.

Ярасини боғлаб, операция қилиш — буни бажаардим, аммо улар билан сухбатлаша олмасдим. Замполит<sup>1</sup>ни бoshидан огоҳлантириб қўйдим:

— Уларни кечки кўрикдан ўтказмайман...»

*Вера Иосифовна Хорева, ҳарбий жарроҳ*

«Германияда... Госпиталларимизда немис ярадорлари кўпайиб қолди...

Биринчи немис ярадорни эслайман. Гангrena бошланганди, оёгини ампутация қилишиди... Менинг палатамда ётган...

Кечқурун менга:

— Катя, бор, немисингни кўриб кел, — дейишди.

<sup>1</sup> Ҳарбийлар билан сиёсий масалаларда ишлаш бўйича командир ўринбосари.

Мен бордим. Қон кетдими, ё бошқа нарсами. Уйғонган экан, ётибди. Иситмаси йўқ.

У қараб турди-да, кейин кичкинагина пистолетчани олиб, менга узатди:

— Ма...

Немисчалаб гапирди, ҳозир сўзлари аниқ эсимда йўқ, мактаб билимларим етганча тушундим.

— Ма... — деди, — сизларни ўлдирмоқчи эдим, энди сен мени ўлдир.

Сизлар менинг жонимни саклаб қолдинглар, демоқчи. У бизларни ўлдирган бўлса, биз уни қутқардик. Мен эса ҳақиқатни, тез орада ўлишини айтольмадим...

Палатадан чиқаётганимда, кўзларим ёшга тўлди...»

*Екатерина Петровна Шалигина, ҳамшира*

«Мен биттасини учратиб қолишдан қўркардим...

Мен немис тилига ихтисослашган мактабда ўқиганман. Бизга меҳмонга немис ўқувчилари келишарди. Москвага. Улар билан театрга бораардик, қўшиқ куйлардик. Бир немис боласини ёқтириб қолгандим... У жуда яхши куйларди. У билан дўстлашдик, мен уни севиб қолдим ҳатто... Бутун уруш давомида уни кўриб қолиб, таниб қолсан-чи, деб қўрқиб юардим. У ҳам шулар орасидами? Мен болалиқдан жуда хиссиётга бери-лувчан қиз эдим. Даҳшат!

Бир куни далада юрибман, жанг эндиғина тугаган... Ўзимизнинг ярадорларни териб олдик, фақат немисларники қолди... Кўзимга у кўринди... Унга ўхшаган ёш йигит ётганди... Бизнинг еримизда... Мен узоқ вақт тепасида турдим...»

*Мария Анатольевна Флеровская, сиёсий ходим*

«Ҳақиқатни билмоқчимисиз? Ундан ўзим ҳам кўрқаман...

Бир аскаримиз... Буни қандай тушунтирсам экан? Бутун оиласи ҳалок бўлган экан. У... асаблари...

Эҳтимол, мастиқдандир? Фалаба яқинлашгани сари кўп ичишарди... Уйларнинг ертўлаларида доим вино бўларди. Шнапс. Тинмай ичишарди. У автоматини олиб, немис уйига бостириб кирди... Обоймадан ўқларни чиқарди... Ҳеч ким улгуролмади. Орқасидан югуришди... Уй мурдаларга тўлди... Болалар жасадлари... автоматини олиб, кўл-оёгини боғлашди. У эса сўкиниб ётибди: «Ўзимни отишга ымкон беринглар»:

Уни ҳибсга олиб, отишга ҳукм қилишди. Унга раҳмим келарди, ҳамманинг раҳми келарди. Бутун уруш жанг килди. Берлингача келди...

Бу ҳакда ёзса бўладими? Илгари ёзиб бўлмасди...»

*A. С-ва, зенитчи*

«Уруш мени пойлаб турганди...

Ўн саккизга тўлишим билан... Чақирав қофозини олдим: уч кунлик озиқ-овқат, бир жуфт ички кийим, кружка, қошиқ олиб, райисполкомга боришим керак экан. Бу меҳнат фронтига сафарбарлик дейиларди.

Бизни Оренбург облатининг Новотроицк шахрига олиб келишди. Заводда ишлай бошладик. Ҳаво шу қадар совуқ эдики, уйдаги пальтолар музлаб, тарашдан ҳам оғирроқ бўлиб қоларди. Тўрт йил таътилсиз, дам олиш кунларисиз ишладик.

Қачон урушнинг охири қўринар экан деб кутардик. Сўнгги нуқта. Кечки соат учда ётоқхонада ғала-ғовур кўтарилиди, завод директори ва бошқа раҳбар одамлар келишди: «Фалаба!» Мен эса ўрнимдан туролмасдим. Мени ўтқизиб қўйишича, яна орқамга йикиласдим. Куни билан турғизиша олмаган. Қувончдан, кучли ҳаяжондан оёқ-қўлларим ўзимга бўйсунмай қолганди. Эртаси кун тонгда ўрнимдан турдим... Кўчага чиқдим, дуч келганини кучоклаб, ўпгим келарди...»

*Ксения Климентьевна Белко, меҳнат фронти жангчиси*

«Галаба. Нақадар мафтункор сўз...

Рейхстагга ўз имзоимни чекдим... Қўлимга тушган қоракуя билан: «Сизни саратовлик рус қизи енгди», – деб ёзиб қўйдим. Ҳамма деворга нимадир ёзарди, қандайдир ёзувлар битарди. Икрорнома ёки лаънат...

Галаба! Дугоналарим: «Ким бўласан!» – деб сўрашарди. Урушда очликдан безор бўлгандим... Чидолмасдик... Бир марта бўлса ҳам тўйиб овқат ейишни орзу қиласдик. Урушдан кейин биринчи маошимга бир кути печене оламан деб ният қилдим. Урушдан кейин ким бўламан? Сўзсиз, ошпаз бўламан. Ҳозиргача ошхонада ишлайман.

Иккинчи савол: «Қачон турмуш қурасан?» Иложи борича тезроқ... Ўпишишимни тасаввур қилиб, энтикардим. Роса ўпишгим келарди... Яна қўшиқ айтишни истардим. Куйлаш! Мана шунаقا...»

*Елена Павловна Шалова, ўқотиш батальони комсорги*

«Мен отиш, граната улоқтириш... мина қўйиш... биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргандим...

Аммо тўрт йил ичиди... Урушда имло қоидалари буткул калламдан чиқиб кетди. Бутун мактаб дастурини унутгандим. Кўзимни юмиб, автоматни қисмларга ажратса олардим, бироқ институтга кираётганда иншони саводсизларча, биронта вергул қўймай ёзибман. Урушда олган медалларим жонимга оро кирди – мени институтга қабул қилишди. Ўқий бошладик. Китоб ўқийману, нима ўқиётганимни тушунмайман, шеър ўқийману – маъноси ни англамайман. Бундай сўзларни унутибман...

Даҳшатли тушлар кўрдим: тушимга эсэсовчилар, итларнинг вовуллаши, сўнгги чинқириклар киради... Ўлим олдида одам пичирлаб нимадир дейди, бу чинқириқдан ҳам даҳшат. Ҳаммаси хаёлимда жонланарди... Одамини отиш учун олиб кетишяпти... Кўзларида қўркув... Ишонмаётганлиги, сўнгги дақиқаларгача ишонмаёт-

ганлиги күзларидан күриниб туради. Шу билан бирга күзларида ҳайрат ҳам бор. Автомат олдида туриб, сүнгги дақиқадагина құлларини пана қилади. Юзларини беркитади... Эрталаб бошим дахшатли чинқириқдан ёрилгудай бўлиб уйғонардим...

Уруш пайтида бу ҳақида ўйламасдим, энди эса ўйлаб қолдим. Ҳаммаси хотирамда тикланарди... Қайта-қайта... яна ва яна... Ухлолмасдим... Шифокорлар ўқишиңи тақиқлашди. Бироқ ётоқхонадаги хонадош кизлар шифокорларни унущимни буюриб, бундан буёғига мен билан ўзлари шуғулланишларини айтишди. Ҳар оқшом, навбат билан мени кинога, комедияга судраб боришарди. «Кулишни ўрганишинг керак. Кўп кулишинг керак». Хоҳласам-хоҳламасам – судрашарди. Комедиялар кўп бўлмасди, ҳар бирини юз марталаб кўрардим, камида юз марта. Биринчи кулгум йигига ўхшаб чиқди...

Бироқ тунги қийноқлардан халос бўлдим. Ўқий олдим...»

*Тамара Устиновна Воробейкова, яширин гурух аъзоси*

### **Ватан, Сталин ва қизил чит мато ҳақида**

«Кўклам...

Ёш йигитлар ҳалок бўларди, улар баҳор кунлари бу оламни тарк этарди... Март, апрель ойлари... Энг оғири – боғлар гуллаб, ҳамма ғалабани интиқлик билан кутаётган дамда одамларни қабрга қўйиш. Шу нарса ёдимда қолган. Буни сизга айтишган бўлса ҳам, яна бир бор қайд этиб қўйинг. Буни унугиб бўлмайди...

Мен икки ярим йил фронтда бўлдим. Қўлларим минглаб яраларни боғлади, минглаб жароҳатларни ювди... Яна ва яна боғлайверардим... Бир марта рўмолимни алиштириб келаман деб чиқиб, дераза ромига суюниб, кўзим илинибди. Кўзимни очгандан кейин, ўзимни тетик

хис қилдим. Шифокор мени кўриб, койиди. Мен ҳеч нарсанни тушунмаяпман... У кетди, аммо навбатдан ташқари иккита наряд бериб кетди, шунда шеригим гап нимадалигини тушунтириди: бир соатдан ошиқроқ вақт йўқ бўлибман. Ухлаб қолибман.

Хозир соғлиғим кетган, асабларим чарчаган. «Қандай мукофотлар олгансиз?» – деб сўрашса, ҳеч қандай мукофотларим йўқ, тақдирлашга улгуришмаган, деб айтишга уяламан. Урушда кўпчилик эдик, ҳар биримиз қўлимиздан келган ишни қилардик, эҳтимол, шунинг учун улгуришмагандир... Ҳамма қўлдан келганча ҳаракат қиларди... Ҳаммани тақдирлашнинг иложи борми? Аммо ҳаммамизнинг энг катта мукофотимиз – 9 Май. Фалаба куни!

Мен ғайриоддий бир ажални эслайман... Ўшанда ҳеч ким сабабини излаб ўтирмади, бунга фурсат ҳам йўқ эди... Мен эса ҳозиргача эслайман. Бир капитанимиз немис ерларига оёқ кўйган кунимиз оламдан ўтди. Унинг оиласини оккупация пайтида немислар кириб ташлаган. У жуда жасур инсон эди, немислар ерига кириб боришимизни кутарди... Олдинроқ ўлиб қолишдан кўрқарди. Уларнинг ери, уларнинг фалокати, уларнинг дардини кўрмай ўлиб кетишдан кўрқарди. Уларнинг йиғлашини, фарёд чекишини... Уйларнинг ўрнида қолган вайроналарни... кўришга орзиқарди... У яраланмаганди, щунчаки ўлди. Немислар ерига қадам кўйди, кўрди, кейин ўлди.

Мен ҳозир ҳам нега ўлди экан деб ўйлайвераман...»

Тамара Ивановна Кураева, ҳамшира

«Мен поезддаёқ олдинги маррага боришга қарор қилдим... Ўша заҳотиёқ... Часть кетаётган экан – мен у билан. Ўша кезларда олдинги маррадан уйга бир кун бўлса ҳам тезроқ қайтаман деб фикр юритардим. Уйда онам қолганди. Дугоналарим ҳозир ҳам эслашади: «У санротада қолишни истамасди». Ростдан ҳам санрота-

га келиб, ювениб, чойшаб олиб яна окопга қайтардим.  
Олдинги мәррага. Үзимни үйламасдим. Энгашасан, югу-  
расан... Фақат қон ҳиди... Қон ҳидига күниколмадим...

Урушдан кейин туруурук бўлимида акушерка бўлиб  
ишладим – аммо у ерда кўп ишлолмадим.. Кам ишладим...  
Кисқа ишладим... Қон ҳидига аллергиям қўзийдиган  
бўлди, организмим уни қабул қилмасди. Урушда шун-  
ча кўп қон кўравериб, бошқа унга дош беролмайдиган  
бўлиб қолдим. Организм уни қабул қилмасди. Туруурук  
бўлимидан кетдим, «Тез ёрдам»га кирдим. Эшакеми ка-  
саллигига йўлиқдим.

Қизил матодан кўйлак тиккандим, бир кундан кейин  
қўлларимда қизил доғлар пайдо бўлди. Тошма тошди.  
Баданим на қизил чит, на қизил гулларни қабул қила  
оларди. Қизил нарсага, қон рангидаги бирор нарса-  
га тоқат қилолмасдим... Уйимда ҳозир ҳам қизил нар-  
са йўқ. Тополмайсиз. Одам қони жуда очик рангда, на  
табиатда, на рассомларнинг суратларида бундай ёрқин  
рангни учрата олмаганман. Анор суви бироз ўхшайди,  
сал-пал. Шунда ҳам эзилиб пишган бўлса...»

Мария Яковлевна Ежова, гвардия лейтенанти,  
санвзвод командири

«Ох-ох-ох... Ха-ха-ха... Жимжимадорлигимни, ясан-  
тусан қилиб олганимни кўриб ҳамма куларди.. Уруш-  
да ҳам шундай бўлганман. Ҳарбийга ўхшамасдим. Ҳар  
хил лаш-лушларни илиб олардим... Яхшиямки, коман-  
диримиз, ҳозирги ёшлар тили билан айтганда, демо-  
крат бўлган экан. У казармадан эмас, университетдан  
чиққанди.

Тасаввур қилинг-а, доцент. Хулқи ҳам намунали. У  
пайтларда... ундайлар анқонинг уруғи бўлган...

Узуклар жону дилим. Қиммат бўлмаса ҳам майли,  
муҳими иккала қўлимни тўлдириб турса, бас. Хушбўй  
атирларни яхши кўраман. Энг сарасини.. Ҳар хил

тақинчоқлар. Ранг-бараң ва күп бўлсин. Оиламиздаги-  
лар доим устимдан кулиб юришарди: «Тентак Ленамиз-  
га нима совға киласиз деб бош қотирмаймиз. Албатта,  
узук-да». Урушдан кейин биринчи узугимни акам кон-  
серва қутисидан қирқиб берган. Кулонни эса бир парча  
яшил шишадан ясаб берди. Яна биттасини – оч тусли  
жигарранг шишадан.

Олашақшақقا ўхшаб, ялтираган нарсанинг ҳаммаси-  
ни ўзимга илиб олардим. Ҳеч ким мени урушда бўлган  
демайди. Ўзим ҳам ишонгим келмайди. Ҳозир ҳам, ик-  
каласиз ўтириб сухбат қураётганимизда ҳам ишонмай-  
ман. Қутимда эса Қизил Юлдуз орденим турибди... Энг  
чиройлиси... Ростанам чиройли, ҳа? Махсус менга деб  
беришди. Ха-ха-ха... Чинини айтсам... Тарих учун де-  
гин? Бу матоҳинг ёзадими... Тарих учун экан-да... Мен  
шундай деган бўлардим: Аёл бўлмасанг, урушда омон  
қололмайсан. Эркакларга ҳеч қачон ҳавас қилмаганман.  
На болалигимда, на ўсмирилгимда. На урушда. Аёлли-  
гимдан доим мамнун бўлганман. Автомат, пистолет каби  
қуроллар – жозибали, уларда инсоннинг закийлиги му-  
жассам дейишади, мен эса уларни ҳеч қачон чиройли  
деб ҳисобламаганман. Яхши пистолетни кўриб, эркак-  
ларнинг кўзлари чақнаб кетганини кўрганман, аммо мен  
уларни сира тушунмасдим. Мен – аёлман..

Нега ёлғиз қолдим? Харидорларим кўп бўлган. Етар-  
ли даражада... Бироқ кўриб турибсан, ёлғизман... Ўзимни  
ўзим хурсанд килиб юраман. Дугоналаримнинг ҳаммаси  
ёш. Ёшликни севаман. Урушдан ҳам кўра, қариликдан  
кўпроқ кўрқаман. Мен билан кеч учрашдинг... Ҳозир  
кўпроқ қарилик ҳақида ўйлайман, урушни эмас...

Матоҳинг ростдан ҳам ёзадими, а? Тарих учун дегин»..

*Елена Борисовна Звягинцева, оддий аскар, қуролсоз*

«Үйдаман... Оиламдагиларнинг ҳаммаси тирик...  
Онам ҳаммамизни кутқарди: бувим билан бувамни,  
синглим ва укамни. Мен ҳам қайтдим...

Бир йилдан сўнг дадам қайтиб келди. Отам катта мукофотлари билан келди, мен битта орден ва иккита медаль олиб келдим. Аммо оиласизда бир ёзилмаган қоида бор эди: энг асосий қаҳрамон – онамиз. У ҳаммамизни кутқарди. Уйимизни, оиласизни кутқарди. Энг даҳшатли уруш уники эди. Отам ҳеч қачон орденларию орден колодкаларини тақиб юрмасдилар, у онамнинг олдидиа орденларини кўз-кўз қилишга уяларди. Хижолат бўларди. Онамга медаль беришмаганди-да...

Дунёда ҳеч кимни онамни яхши кўргандай яхши кўрмаганман...»

*Рита Михайловна Окуневская, оддий аскар, минёр*

«Мен бошқача бўлиб қайтдим... Анчагача ўлим билан муносабатларим соғлом эмасди.

Файритабиий десам ҳам бўлади...

Минске биринчи трамвайнин йўлга туширишди. Бирдан трамвай тўхтаб, аёллар қий-чув қилиб, йиги кўтарилиди: «Одам ўлди! Одам ўлди!» Мен бир ўзим вагонда ўтирибман, нега ҳамма йиглаётганига ҳайронман. Менда бу кўркинчли тўйфу йўқ эди. Фронтда қанча ўлик кўрганман... Менга таъсир қилмасди. Улар орасида яшашга кўнишиб қолгандим. Доим ёнимизда ўликлар бўларди... Улар ёнида чекишарди, овқат ейишарди. Суҳбатлашишарди. Улар тинч ҳаётдаги каби аллақаерларда, тупрокда эмас, доим ёнимизда. Биз билан.

Кейин бу туйғу қайтиб келди, ўлган кишини кўрсам яна қўрқадиган бўлдим. Тобутни кўрсам. Йиллар ўтиб, бу туйғу қайтиб келди. Ҳаммага ўхшаш бўлдим...»

*Бэлла Исааковна Эпштейн, сержант-снайпер*

«Урушдан олдин бўлган воқеа...

Театрда эдим. Танаффус пайтида, чироқ ёниб, уни кўрдим... Ҳамма кўрди... Гулдурос қарсаклар чалин-

ди. Олқышлар! Ҳукумат ўриндигида Сталин ўтирганди. Отам қамалган, акам эса лагерларда ном-нишонсиз кетди, шунга қарамай, шундай ҳаяжон босдики, күзларимга ёш келди. Бахтиёрлигимдан юрагим қинидан чиқиб кетай деди!

Бутун зал... бутун зал оёққа турди! Тик туриб, ўн дақыла мобайнида даҳони олқышлади.

Урушга мана шундай қайфиятда келдим. Жанг қилгани келдим. Урушда эса шивир-шивир гаплар эшилдим...

Тунда ярадорлар коридорда сигарет чекиб туришарди. Кимдир ухлайди, кимдир кечаси билан мижжа қоқмайди. Тухачевский, Якир ҳәқида сұхбатлашишарди... Минглаб одамлар ғойиб бўлди! Миллионлаб! Қаерга? Украиналиклар айтиб беришди... Уларни колхозларга мажбурлаб киритишган. Бўйсундиришди... Сталин уларни очлик билан қийнаган, улар унинг ўзини қотил дейишаркан. Эсини еган оналар ўз боласини ейишаркан... Ерлари эса жуда бой унумдор экан, таёқни тескари тиқсанг ҳам, дарахт унар экан. Асир тушган немислар тупроқни кутига солиб, уйларига совға тариқасида жўнатишаркан. Шундай тўйинган тупроқ экан. Бир метр қоратупроқ. Ҳосилдор қатлам.

Паст овозда сұхбат қилишарди... Деярли ярим овозда... Кўпчилик орасида бундай мавзуда умуман гапирилмасди, фақат икки киши бўлсагина шу мавзуда гап очиларди. Учинчиси ортиқча, учинчиси чақиб беради...

Бир латифа айтиб бераман... Йиглаб юбормаслик учун айтиб бераман. Демак, гап бундок... «Оқшом. Баррак.

Қамоқдагилар ётиб ғаплашишяпти. Бир-биридан сўраяпти: «Нима учун қамашди?»

Биттаси ҳәқиқат учун деса, иккинчиси отам учун дейди... Учинчиси эса: «Ялқовлигим учун». Бу нима деганинг?!

Ҳамма ҳайрон. Айтиб беради: «Кечқурун улфатлар билан ўтириб, бир-биримизга латифалар айтиб ўтиргандик.

Кечкүрун кеч қайтдик. Хотиним: «Хозир бориб айтамизми, ё әртагами?» – деб сүради. «Әртага бора қолайлик. Уйқум келяпти». Эрталаб эса бизни олиб кетишиди...»

Кулгилими. Кулгинг келмайди. Йиғлаш керак. Йиғлаш.

Урушдан сўнг... Ҳамма қариндошларининг урушдан қайтишини кутса, биз лагердан қайтишини кутдик. Сибирдан келишини кутдик... Бошқача бўлиши мумкин эмас! Биз ғолиб бўлдиқ, биз ўз садоқатимиз, ўз муҳаббатимизни исботладик. Энди бизга ишонишади.

Акам қирқ еттинчи йилда қайтди, отамизни эса топмадик... Яқинда фронтдош дугоналаримнинг олдига, Украина га бордим. Улар Одесса яқинидаги каттагина қишлоқда туришади. Қишлоқ ўртасида иккита ёдгорлик қад кўтарган: қишлоқнинг ярми очликдан ўлган, қолган ҳамма эркаклар урушда ҳалок бўлган. Россиядагиларни чи, уларни санаб саноғига ета оламизми? Одамлар ҳали ҳаёт, боринг, сўранг. Бизнинг тарихимизни яратиш учун сендай қизларнинг яна юзтаси керак, қизалогим. Беадад кўз ёшларимизнинг ҳисоби йўқ, болам...»

*Наталья Александровна Куприянова, жарроҳлик  
ҳамшираси*





## «ШУНАҚАНГИ ЯШАГИМИЗ КЕЛИБ КЕТИДИ...»

Телефон яна ва яна жиринглайверади. Янги манзилларни ёзиб оламан, янги мактублар оламан. Энди тўхташнинг иложи йўқ, зеро, ҳар сафар ҳақиқат янаям даҳшатлироқ қиёфасини намоён этади.

*Тамара Степановна Умнягина, гвардия кичик сержантси,  
санинструктор:*

«Ох, оппоқ, қизим-а...

Кечаси билан эслашга уриниб, хотирамни титиб чиқдим...»

Военкоматга ҳаллослаб югуриб келдим, эгнимда калта юбка, оёғимда туфлисисмон резинали оқ тапочка – бу ўша замоннинг сўнгги қийқириқ модаси бўлган. Фронтга жўнатинглар дедим – жўнатишиди. Қандайдир машинага ўтирдим. Частга етиб келдим. Бу Минск ёнидаги ўқотар дивизия экан. Менга аёлларга пишириб қўйгани йўқ, ўн етти яшар қизлар жанг қиласиган бўлса, унда эркаклар нима қиласиди, дейишиди. Душманни янчиб ташлаймиз, сен, яхшиси, онангнинг ёнига қайт, деб маслаҳат беришди. Албатта, урушга олмаётганлари учун ҳафсалам пир бўлди. Шунда мен нима қилдим? Штаб бошлиғи ёнига кирдим, унинг олдида ҳалиги мени рад қилган полковник ўтирган экан. Мен штаб бошлиғига: «Ўрток бошлиқ, юқорироқ ўртоқ бошлиқ, полковникка қулок солмасликка рухсат беринг. Мен барибир уйга қайтмайман, сизлар билан бирга чекинаман. Каерга бораман шу топда? Немислар яқин», – дедим. Шу лақаб кейинчалик менга ёпишиб қолди: «юқорироқ ўртоқ бошлиқ». Урушнинг еттинчи куни эди. Биз чекиңаётгандик...

Тез орада қонга ботирилдик. Яраланганлар кўп, бироқ биронтасининг уни чиқмас, сабр-тоқат билан яшашга интилардилар. Ҳамма ғалаба кунини кўришни орзу қиласди. Ана-мана деб кутишарди... Уст-бошим қонга белангани эсимда — суяк-суякларимгача қонга ивиб кетардим... Оёқ-кийим йиртилган, ялангоёқ борардим. Нималар кўрмадим, дейсиз? Могилёв остонасида станцияни портлатишяпти. Ўша ерда болаларга тўла состав. Уларни вагон ойналаридан пастга ота бошлишди. Уч-тўрт ёшли болакайлар. Ўрмон яқин, улар ўша ўрмон томон қоча бошлишди. Шу заҳоти немис танклари юра бошлади, танклар болаларни босиб ўтди. Шу болалардан асар ҳам қолмади... Бу мудхиш манзара ҳар қандай одамнинг эсини оғдириши мумкин. Аммо урушда одамлар бардош бердилар, урушдан кейингина эсдан оғишди. Урушдан кейин касал бўлишди. Урушда эса ошқозон яралари ҳам битиб кетарди. Юпун шинелда қорда ётасан, эрталаб турсанг бурнинг ҳам оқмайди.

Кейин частимизни ўраб олишди. Ярадорларим кўп, биронта машина тўхтай демайди. Немислар измазиц таъқиб қилиб келяпти, яна озгинадан кейин ҳалقا қилиб ўраб олишади. Шунда яраланган лейтенантлардан бири пистолетини бериб: «Отишни биласанми?» — деб сўради. Қаердан биламан? Қандай отишаётганини кўрганман, холос. Аммо мен пистолетни қўлимга олиб, машина тўхтатиш учун йўлга чиқдим. Ўшанда илк бор сўкиндим. Эркакчасига: Бўралаб сўкиндим.. Ҳамма машиналар бурнимнинг тагидан ўтиб кетяпти... Аввалига осмонга қаратा ўқ уздим... Ярадорларни қўлда олиб кетолмаслигимизни биламан. Кучимиз етмайди. Улар эса: «Ўлдириб кётинглар. Ташлаб кетманглар», — деб ялинишади. Иккинчи ўқ... Кузовга тегди... «Аҳмоқ!! Олдин отишни ўрган!» Тўхташди. Ортишга кўмаклашишди.

Аммо энг даҳшати ҳали олдимда эди. Олдимда — Сталинград. Уруш майдони деёлмайсан. Уруш майдони бу — кўча, ховли, ертўлалар. У ердан ярадорни олиб

чикиб кўр-чи? Бутун баданим катта бир ғуррага айланганди. Шимим қондан қотиб қолган. Ҳамма ёғи. Старши-намиз бизни уришарди: «Қизлар, бошқа шим йўқ, сўраб ҳам ўтирганлар». Шимларимиз қуригандан кейин тик қўйсанг, туради. Крахмал қилсанг бундай қотмайди, бирок қондан шу даражада қотиб қоларди. Тоза жойи йўқ, кўкламда топширадиган кийимнинг ўзи йўқ эди. Волгада ҳаммаси ёнарди, масалан, сув ҳам ёнарди. Ҳатто қишида ҳам дарё музламасди, ёнарди. Ҳаммаси ёнарди... Сталинграддá одам қони тўкилмаган бир қарич ер ҳам қолмаганди. Рус ва немисларнинг қони. Бензин ҳам... Машина мойи билан... Бошқа чекинолмаслигимизни ай-нан шу ерда тушундик, чекинсак бўлмайди: ё ҳамма-миз – бутун мамлакат, рус халқи ҳалок бўламиз, ё – зафар кучамиз. Бў кундек равшан эди, буни ҳамма тушунди. Овоз чиқариб айтилмасди, аммо ичимиздан ҳис қиласардик. Генерал ҳам, оддий аскар ҳам буни тушунди...

Янги жаңгилар келиб қўшилади. Ёш, навқирон йигитлар. Жанг олдида уларга қарайсан-у, тирик қайтмаслигини биласан. Янги одамларни кўришдан кўркардим. Уларни әслаб қолиш, улар билан сух-батлашишга қўркардим. Чунки, мана ҳозир келишган бўлса, бироздан сўнг улар ройиб бўлишади. Бир-икки кун ичиди... Жангдан олдин уларга разм солардим... Қирқ учинчи йил – энг қийин, энг оғир давр. Уч юз одамдан кечга бориб ўн киши қолган кунларимиз бўлган. Жанг тўхтаб, жим бўлиб қолганда, тирик қолганимизни кўриб, бир-биrimизни кучоқлаб, йиғлай бошладик. Кондош бўлдик. Ака-сингил тутиндик.

Кўз ўнгингда одам ўлади... Унга ёрдам беролмаслигингни кўрасан, буни тушунасан, бир дақиқа умри қолганини сезасан. Уни ўпасан, соchlарини силайсан, ширин сўзлар айтасан. У билан хайрлашасан. Унинг учун бундан ортиқ хеч нарса қилолмайсан... Бу қиёфалар ҳозир ҳам хотирамда турибди. Уларни қўраман – ҳамма йигитларимизни қўраман. Шунча йил

үтган бўлса, биронтаси хотирамдан ўчиб қолиши керак-дек.... Аммо, йўқ... Ўз қўлларимиз билан уларга кабр ясашни хоҳлардик, аммо ҳар дойм ҳам бунинг иложи бўлавермасди. Биз кетардик, улар қоларди. Баъзан бошининг ҳамма ёғини бинтлар билан ўраб ташлайсан, бинтлар ичидаги бош эса ўлган бўлади. Уни бинтланган боши билан кўмишади. Агар жанг майдонида ўлган бўлса, осмонга қараб қоларди. Ёки ўлаётиб: «Синглим кўзимни ёпиб қўй, факат эҳтиёт бўл», — дейди. Шаҳарлар, уйлар вайрон бўлган — бу албатта даҳшат, бироқ ёш, кучга тўла йигитлар ётса... Нафасингни ростлай олмай, югурасан... Куткарасан... Қувват тарк этганга ўхшайди, беш дақиқадан ортиқ чидолмайман деб ўйлайсан... Аммо барибир югураверасан... Март, корлар эриган... Кигиз этик кийиш мумкин эмас, мен эса кийиб олдим. Куни билан кигиз этикда юрдим, кечга томон зил-замбіл бўлиб қолди, уларни еча олмадик. Кесишга тўғри келди. Касал бўлмадим... Ишонасанми, жоним?

Сталинградда жанглар тугаганда, бизга энг оғир ярадорларни пароход, баржаларда Қозон, Горькийга олиб чиқиши топширифи буюрилди. Баҳор ойлари, март-апрель бўлса керак. Бироқ яна ва яна ярадорлар чиқаверарди, улар ердан, окоплардан, омборхоналардан, ертўлалардан чиқаверарди... Уларнинг сон-саноги йўқ. Бу даҳшат! Ярадорларни жанг майдонларидан олиб чиқиб кетаётганимизда, бошқа қолмаган, ҳаммасини жўнатиб юбордик, Сталинграднинг ўзида ярадор қолмади, деб ўйладик, ҳаммаси тугаганда эса, яна шунчаси чиқиб келди... Ишонгинг келмайди... Ақл бовар қилмайди... Мен бораётган пароходга қўл-оёқсиз, силга чалингсан юзлаб, ярадорларни йифиб олишганди. Биз уларни даволашимиз, юмшоқ гапириб тинчлантиришимиз, табассум қилиб, кўнгилларини кўтаришимиз керак эди. Бизни у ерга жўнатишганда, сал дам оласизлар, соғликларингни тиклаб оласизлар дейишганди. Бу Сталинград дўзахидан ҳам даҳшат экан. У ерда, жанг майдонидан ярадорни

чиқарып, унга ёрдам күрсатыб, бошқаларга бериб юборасан. Күнглинг тинчланади, ахволи яхши, уни олиб кетишгандарига ишонч ҳосил қиласан. Кейин бошқасини олиб чиқишига кетасан. Бу ерда эса улар эртаю кеч күз ўнгингда... У ерда улар яшашга интилишади: «Синглим, тезрок! Асалим, тезрок!» – деб чақиришади. Бу ерда эса овқат ейишдан бош тортишади, ўлишни исташади. Улар пароходдан сувга сактардилар. Уларни коровуллаб чиқардик. Мен бир капитан олдида кечаси билан ўтириб чиқдим, иккала күли йўқ эди, ўзини ўлдирмоқчи эди. Бир сафар ҳамширани огоҳлантирмай, бир-икки дақиқага ташқарига чиқувдим, у ўзини сувга отди...

Уларни Пермъ яқинидаги Усолье деган жойга олиб келдик. У ерда янги, тоза уйлар қад ростлаганди. Махсус улар учун қурилганди. Пионерлар лагерига ўҳшатиб қуришган... Уларни замбилиларда олиб кирамиз, улар эса тишлиари билан ер кемиради. Улардан хоҳлаганига тегман дердик. Кўлларимизда кўтариб юришга арзийди улар. Орқага пароходда бўш келдик, дам олсак бўларди, аммо ҳеч ким ухламади. Қизлар ўтириб-ўтириб, кейин бирдан уввос тортиб йиғлаб юборишиди. Биз ўтириб, ҳар куни уларга хат ёзардик. Ким кимга ёзишини бўлиб олдик. Бир кунда учта-тўртта хат ёзардик.

Арзимас бир нарса эсимга тушди. Мен шу сафардан кейин жангда юзим ва сёқларимни беркитадиган бўлдим. Оёқларим чиройли эди, уларни акашак қилиб кўйишади деб кўрқардим. Юзимни ҳам авайлардим. Мана шунақа...

Урушдан сўнг бир неча йил қон ҳидидан кутулолмай юрдим, у мени таъқиб қилиб юрарди. Кир ювсам ҳам шу ҳид келади, овқат қилсан ҳам қон исини сезаман. Кимдир менга қизил қўйлак совға қилди. У пайтларда бу тансик эди, мато етишмасди, бироқ қизил бўлгани учун уни киймасдим. Бу рангни ортиқ қабул қилолмасдим. Дўконларга озиқ-овқат олиш учун боролмасдим. Гўшт расталарига киролмасдим. Айниқса,

ёзда... Товук гүштига ҳам қарай олмасдим, биласанми, у жуда ўхшайди... Өдам-этига ўхшаб, оппок... Эрим борарди... Ёзда шаҳарда қололмағдим, қаергадир кетишга ошиқардим.. Ёз бошланиши билан уруш бошланади деб қўрқардим. Офтоб чиқиб, ҳамма ёқни: дараҳтлар, уйлар, асфальтни қиздирганда – ҳаммасидан хид чиқарди, қон ҳидини сезардим. Еган, ичганимдан қон ҳиди келарди, бу ҳиддан ҳеч қутуломасдим! Тоза чойшаб ёйсам ҳам, ўша хид келарди...

... Қирқ бешинчи йилнинг май ойлари... Кўп суратга тушганимиз эсимда. Биз жуда баҳтиёр эдик... Тўққизинчи май куни ҳамма: «Фалаба! Фалаба!» деб қичқиради. Аскарлар ерга думалаб: «Фалаба» деб такрорларди. Рақсга тушарди. Ай-да-я-я-я....

Отишарди... Кимнинг қўлида нима бўлса, ўшандан отишарди...

– Ҳозироқ отишни бас қилинг! – деб буюради командир.

– Патронлар барибир қолиб кетади. Нима кераги бор энди? – деб тушунмасдик.

Ким нима деса ҳам, мен фақат битта сўзни эшитардим – Фалаба! Бирдан яшагим келиб кетди! Ҳаммамиз энди чиройли ҳаёт кечирамиз! Ҳамма нишонларимни кўксимга тақиб, мени суратга туширишларини илтимос қилдим. Негадир гуллар орасида расмга тушгим келарди. Қандайдир гулзорда расмга тушдим..

Еттинчи июнь ҳаётимдаги энг баҳтли кун, тўйимиз бўлган кун. Частимиз бизга ётаб катта байрам уюштириди. Эримни анчадан бери танирдим: у капитан эди, ротани бошқаарди. Иккаламиз, агар тирик қолсак, турмуш курамиз деб, қасам ичдик. Бизга бир ой таътил беришди...

Қайнона-қайнатам олдига бордик. Улар Иванов областининг Кинешма деган жойида туришарди. Мен қаҳрамон бўлиб қайтаётгандим, мен фронт қизини бундай кутиб олишади деб сира ўйламаган эканман. Биз шунча нарса кўрдик, шунча оналарга фарзандларини,

аёлларга эрларини қайтардик. Энди эса... Мени ҳақорат қилишди, мен аччиқ гаплар эшиптим. Шу кунгача «Синглим», «Сингилжоним»дан бошқа сўз эшитмасдик. Мен унча-мунча қизлардан эмасдим, кўхликкина эдим. Менга янги форма беришганди.

Кечки чойга ўтирганимизда, онаси эримни ошхонага имлаб: «Кимга уйландинг? Фронт қизига-я? Иккита синглингни ўйламадингми? Энди ким уларни олади?» – деб йиғлади. Ҳозир ҳам буни эсласам, йиғлагим келади. Тушуняпсизми: бир пластинка олиб келгандим, уни жуда яхши кўриб эшитардим. У ерда тахминан шундай сўзлар бор эди: сен ҳам энг чиройли туфлиларда юришга муносибсан... Қўшиқ фронт қизи ҳақида эди. Мен ўша пластинкани қўйдим. Катта опаси келиб, ҳеч қандай хукуқингиз йўқ дегандай, уни синдириб ташлади. Улар фронтда тушган ҳамма суратларимни йиртиб ташлаши... Эх, азизам, сўз билан таърифлаб беролмайман. Тилим ожиз...

У замонларда литералар билан озиқ-овқат олардик. Бу маҳсус карточкалар. Маҳсус омборга келдик, у ерда навбат бор экан, навбатга турдик. Менинг навбатим келиб қолди, бирдан сотувчи прилавкадан ошиб ўтиб, мени кучоқлаб ўпиб кетса бўладими. «Одамлар! Одамлар! Мен уни топдим. Уни кўрдим. Роса учратгим келарди, топгим келарди. Одамлар, мени шу қиз кутқарган!» – деб бақирди. Эрим ҳам ёнимда турибди. Бу ярадорим экан, мен уни олов ичидан олиб чиққандим. Ўқ ёмғиридан олиб чиқдим. У мени эслаб қолган экан. Мен-чи? Ҳаммасини эслаб қола оламанми, улар кўп бўлган бўлса! Бошқа сафар вокзалда ногиронни кўриб қолсам: «Синглим! Сени танидим», – деб йиғлайди. – Кўрсам, тиз чўкаман, деб ният килардим...» Унинг эса оёклари йўқ...

Биз, фронт қизлари бошига не савдолар тушмади дейсиз. Урушдан кейин ҳам. Урушдан кейин биз яна бир урушда бўлдик. У ҳам кўркинчли уруш эди. Эркаклар бизни ташлаб кетишди. Ҳимоя қилишмади. Фронтда

бошқача бўлган. Ер бағирлаб бораётганда, осколка ёки ўқ-учиб келаётган бўлса... Йигитлар пана қилишарди... «Синглим, ёт!» — деб, кимдир қичкиради-ю, -ўзини сенинг устингга ташлайди. Ўқ унга тегади... У яраланади ёки ўлади. Мени уч марта шундай кутқаришган.

Кинешмадан яна ўз частимизга қайтдик. Келиб билдикки, частимиз тарқатиб юборилмас экан, биз колхоз ерларини миналардан тозалар эканмиз. Ҳамма учун уруш тугаган бўлса, сапёрлар учун у давом этарди. Оналаримиз эса Фалаба қилганимизни билишади... Ўтўлан бўй баравар ўсиб кетган, аммо ҳамма ёқ бомба, минага тўла. Бироқ одамларга ер керак эди, шунинг учун биз шошилардик. Ҳар куни дўстларимиздан кимдир ҳалок бўларди. Урушдан кейин ҳам ҳар куни дафн маросимлари бўларди... У ерда, далаларда кўп биродарларимиздан йўқотдик... Жуда кўп... Ери колхозга топшириб бўлганимиздан кейин, трактор юриб, қаердадир мина қолиб кетган бўлса, трактор портлайди, тракторчи ҳам портлайди. Тракторлар кўп эмас-ку. Эркаклар ҳам деярли қолмаган. Урушдан кейин қишлоқда яна кўзёш кўриш... дод-фарёд... болалар йиғисини эшитиш... Эсимда бор, бир аскаримиз бор эди... Эски Руссо яқинида, қишлоғининг номи эсимдан чиқиби, у ўзи шу қишлоқдан эди, ўз колхози, ўз даласини минадан тозалашга бориб, ўша ерда ҳалок бўлди. Қишлоғи уни ўша ерга кўмди. Тўрт йил урушда жанг қилиб, урушдан кейин ўз ватанида, ўз даласида ҳалок бўлди.

Мен ҳикоямни бошласам, касал бўлиб қоламан. Гапираман-у, ичим зил кетади, бутун вужудимни титроқ босади. Ҳаммасини яна кўраман: ўликларнинг ётганини — оғизлари очик, нимадир деб бакиришгану, оғзида қолиб кетган, ичаклари ағдарилган. Фўлани ўликлардан камроқ кўрган бўлсан керак... Қўрқув-чи! Одам одамга қарши найза билан борадиган қўл жангি қанчалик кўрқинчли... Яланғочланган тиф. Дудуклана бошлайсан, бир неча кун сўзларни тўғри талаффуз қилолмай юра-

сан. Тилинг айланмайди. У ерда бўлмаган одам буни тушунармиди? Буни қандай айтиб бериш мумкин? Қандай қиёфада? Жавоб бер – қандай қиёфада буларни эслаш керак? Бошқаларнинг кўлидан келади... Улар эслай оладилар... Мен эса йўқ. Йиглайман. Аммо эслаш керак. Айтиш керак. Бу қолиши керак. Дунёнинг қайсиdir бурчагида бизнинг ҳайқириғимиз қолиши керак. Додимиз...

Доим байрамимизни кутаман. Фалаба кунини... Кутаман, аммо кўркаман. Бир неча ҳафта атайлаб кир тўплайман, кўп бўлсин деб, кейин куни билан кир ювиб чиқаман. Мен нимадир билан ўзимни банд қилишим керак, ҷалғишим керак. Учрашганимизда эса, рўмол тугул, сочиқлар етмайди. Фронтдошлар учрашуви мана шунақа бўлади. Дарё-дарё кўзёш... Мен ҳарбий ўйинчоқлар, болалар ҳарбий ўйинчоқларини ёқтирумайман. Танк, автоматлар... Ким уларни ўйлаб топган? Кўнглим афдарилади. Болаларга ҳеч қачон ҳарбий ўйинчоқлар олиб бермаганман ва совға қилмаганман. На ўзимниги, на ўзгаларниги. Бир куни кимдир ҳарбий самолёт ва пластмасс автомат олиб келибди. Дарҳол аҳлат қутисига ташладим. Дарҳол! Чунки инсон ҳаёти бу шундай инъомки... Буюк неъмат! Инсоннинг ўзи бу неъматнинг эгаси бўлолмайди.

Урушда нима ҳакда ўйлаганимизни биласизми? «ТИРИК қолсак эди... Урушдан кейин одамлар қанчалик баҳтиёр бўлади! Қандай баҳтли кунлар келади, чиройли ҳаёт бошланади. Шунча нарсани бошидан кечирган одамлар энди бир-бирига меҳр кўрсатадилар. Ардоқлашади. Бу бошқача одамлар бўлади». Биз бунга заррача шубҳа қилмасдик. Заррача.

Тилла қизим... Одамлар ҳамон бир-бирини ёмон кўрадилар. Ўлдиришда давом этмоқдалар. Буни асло тушунолмайман... Ким булар? Биз... Булар бизмиз...

Сталинград остонасидамиз... Иккита ярадорни судраб кетяпман. Бирини ташлаб, иккинчисини олиб кетишга қайтаман. Уларни навбатма-навбат ташидим,

чунки жароҳатлари оғир, ташлаб кетсам бўлмайди. Иккаласи ҳам-сонларидан ўқ еган, қон тўхтамайди. Ҳар бир дақиқа олтинга тенг, ҳар бир-сония... Жанг майдонидан узоқлашганимдан кейин тутун сийраклашди, қарасам, ярадорлардан бири немис экан... Даҳшатга тушдим: У ёқда бизниkilар қон қақшаб ётса-ю, мен немисни қутқарсан. Йиғлагудай бўлдим... Тутун ичида пайқамабман... Жони азобда қолган ярадор жон аччиғида «А-а» деб қичқираётганини эшишиб олдига югурдим... Иккаласи ҳам қоп-қора куя. Бир хилда. Четроққа чиққанимда эса ўзга медальон, ўзга соатга кўзим тушди. Лаънати формасини ҳам танидим. Эндинима қилсан экан? Ўзимизнинг ярадоримизни судраб боряпману, хаёлан ўзимга савол бераман: «Немиснинг олдига қайтиб борайми, йўқми?» Уни ташлаб кетсам, ўлиб қолиши тайин. Қон кетиб ўлади... Унинг олдига қайтиб бордим. Яна иккаласини судраб кетавердим...

Ахир, Сталинградда эдик... Қандай даҳшатли жанглар бўлган. Энг оғир жанглар. Тилла қизим... Бир юрагинг билан севиб, иккинчиси билан нафратлана олмайсан. Инсон қалби битта, доим юрагимни асраб қолиш ҳакида қайфурардим.

Урушдан сўнг анча вақт осмондан кўрқиб юрдим, осмонга қарашга кўркардим. Ҳайдалган ерга қарай олмасдим. Гўнгқарғалар эса ҳеч нарса бўлмагандай юришади. Қушлар урушни тез унутишди...»

1978–2004



## **МУНДАРИЖА**

Инсон урушдан қудратли (Китоб кундалигидан) .....	5
«Эслашни истамайман...» .....	39
«Қизлар, бироз улрайинг... ҳали рўсизлар...» .....	55
«Ёлгиз мен онамнинг ёнига қайтдим...» .....	108
«Үйимизда иккита уруш яшайди...» .....	130
«Телефон гўшаги отмайди...» .....	139
«Бизни кичкинагина медаллар билан сийлашарди...» .....	156
«Бу мен эмас эдим...» .....	173
«Мен бу кўзларни ҳозир ҳам эслайман...» .....	184
«Биз отмаганимиз...» .....	203
«Аскарлар керак эди... мен эса яна бироз чиройли юрмоқчи эдим...» .....	230
«Хонимлар! Сапёrlар взводи командири икки оғина яшашини биласиёми?» .....	256
«Бир мартагина кўрсам бўлди...» .....	272
«Нўхотдек картошка ҳақида...» .....	300
«Ойи, дада дегани нима?» .....	330
«Кўлинин кўксига кўяди...» .....	352
«Шунақсанги яшагимиз келиб кетди...» .....	373

*Адабий-бадиий нашр*

**Светлана Алексиевич**

**УРУШНИНГ АЁЛДАН  
ЙИРОҚ ҚИЁФАСИ**

*Иккинчи нашри*

Мухаррир *Б. Худоёрова*

Рассом-дизайнер *Д. Мулла-Ахунов*

Техник мухаррир *Л. Хижова*

Кичик мухаррирлар *Д. Холматова, Г. Ералиева*

Мусахих *Ш. Ҳакимова*

Компьютерда тайёрловчи *Б. Душанова*

Нашриёт лицензияси AI №158. 14.08.2009.

Босишга 2018 йил 14 августда руҳсат этилди. Бичими  $84 \times 108^1 / _{32}$ .

Офсет қоғози. «Virtec Antiqua Uz» гарнитурасида оғсет усулида босилди. Шартли босма табоби 20,16. Нашр табоби 18,34.

Адади 5000 нусха. Буюртма №18-448.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)